



Научный вестник Бухарского государственного университета * Scientific reports of Bukhara state University



ISSN 2181-6875

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

4/2016

**2000-YILDAN
CHOP
ETILMOQDA**

**BIR YILDA TO'RT
MARTA CHOP
ETILADI**

2016/4 (64)

TAHRIR KENGASHI RAISI:

To'laganov A.A.

texnika fanlari doktori, professor

BOSH MUHARRIR:

Samiyev K.A.

texnika fanlari nomzodi

TAHRIR HAY'ATI:

Adizov B.R.

*pedagogika fanlari doktori, professor
(bosh muharrir o'rinbosari)*

Amonov M.R.

texnika fanlari doktori, professor

Axmedova Sh.N.

filologiya fanlari doktori, professor

Barotov Sh.R.

psixologiya fanlari doktori, professor

Baqoyeva M.Q.

filologiya fanlari doktori

Bo'riyev S.B.

biologiya fanlari doktori, professor

Bushuy A.M.

filologiya fanlari doktori, professor

Djurayev D.R.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Durdiyev D.Q.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Hayitov Sh.A.

tarix fanlari doktori, professor

Ikromov I.A.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Inoyatov S.I.

tarix fanlari doktori, professor

Ixtiyarova G.A.

kimyo fanlari doktori

Mirzayev Sh.M.

texnika fanlari doktori, professor

Muhiddinov B.F.

kimyo fanlari doktori, professor

Ostonov S.H.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Qahhorov S.Q.

pedagogika fanlari doktori, professor

Quvvatova D.X.

filologiya fanlari doktori

Rajabov Q.K.

tarix fanlari doktori, professor

Roziqov O'A.

fiz.-mat. fanlari doktori, professor

Sadullayev N.N.

texnika fanlari doktori

Sayfullayeva R.R.

filologiya fanlari doktori, professor

Umarov B.B.

kimyo fanlari doktori, professor

O'rayeva D.S.

filologiya fanlari doktori, professor

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARLARI:

Navro'z-zoda B.N.

iqtisod fanlari doktori, professor

To'rayev H.H.

tarix fanlari doktori, professor

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY

*Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligi Buxoro viloyat matbuot va
axborot boshqarmasida*

2016-yil 29-fevral

*№ 05-073-sonli guvohnoma bilan
ro'yxatga olingan.*

*"Buxoro davlat universiteti ilmiy
axboroti" jumali Filologiya va Fizika-
matematika fanlari bo'yicha O'zbekiston
Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Oliy attestatsiya komisi-
yasining doktorlik dissertatsiyalari asosiy
ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan
ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.*

*Jurnal Oliy o'quv yurtlarining
professor-o'qituvchilari, katta ilmiy
xodim-izlanuvchilar, talabalar, ilmiy
tekshirish muassasalari ilmiy xodimlari,
akademik litsey, kasb-hunar kollejlari
o'qituvchilari hamda umumiy o'rta ta'lim
va turli sohalarida xizmat qilayotgan
ilmiy xodimlar uchun mo'ljallangan.*

**Muassis: Buxoro davlat
universiteti**

**MAS'UL KOTIB
Izomova M.K.**

**MUHARRIRLAR: Abuzalova M.Q.
Temirova D.X.
Voxidova N.N.**

**BO'LIM MUHARRIRI: Rajabova R.Z.
BO'LIM MUSAHHIHI: Yuldasheva D.Sh.**

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Муқимов К.М., Қаҳҳоров С.Қ. Молекуляр (нано) машиналар хусусида	2
Севинчов Н.Г., Умаров Б.Б. Комплексные соединения никеля (II) с бис-бензоилгидразонами β,β' -тетракарбонильных соединений	9
Зарипов Г. Т., Бешимов Ю.С. Табиий хом ашёларни қайта ишлашда гидролитик ферментларнинг таъсири	15
Мирзаева Ш.У., Гафуров К.Х., Мухаммадиев Б.Т., Кулдашева Ф.С., Рузиева К.Э. Массоперенос при фильтрации сверхкритического CO ₂ через зернистый слой обрабатываемого растительного материала	19
Sayidova N.S., Kazimova G.X. CorelDraw dasturi instrumentlari yordamida maxsus effektlar yaratish yo'llari	23
Тураев А.А., Саидов Қ.С. Динамик юкламали схемада майдоний транзисторнинг кучланиш коэффициенти кучайтириш хоссалари	31
Муминов Б.Б., Ширинов З.З. Маълумотларни излашда долзарблик ва вазни ҳисоблаш усуллари	35
Doniyorov B.N. Buxoroda uchrovchi qushlarning shahardagi milliy-madaniy yodgorliklarga ta'siri	42
Назарова С.М. Бухоро вилояти сугориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш ҳамда уларнинг механик ва агрохимик хоссаларини ўрганиш	46

• TILSHUNOSLIK

Абузалова М.Қ. Ўзбек тили миллий қадрият сифатида	52
Назарова С.А. Сўз бирикмаси лисоний синтактик қолиплари	56
Хидирова Г.Н. Семантика лица в функциональной грамматике А.В. Бондарко	59
Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослигида олмош туркуми билан боғлиқ терминлар эволюцияси	65
Дўсмаев Ҳ.Ҳ. Аския матнларида окказионал паронимларнинг услубий хусусиятлари	68
Болибекова М. Ўзбек ва инглиз тилларидаги кесимнинг ўзига хос хусусиятлари	73
Юлдашев А.Г. Қўшма сўзларда тиллараро ва тил таркибидagi идиоматиклик	78
Рустамов И.Т. Анекдот лингвистик тадқиқот предмети сифатида	82
Полванова С.Т. Маданий кодлар таснифи ва уларнинг фразеологик бирликларда ифодаланishi	85
Болтақулова Г.Ф. Пайт ҳолини ифодаловчи синтактик бирликларнинг ўзбек тилига ўгирилиши	90

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ўраева Д.С., Ражабов Д.З. Элни деб эл кезган олим	95
Жўраев М., Рузиева М.Ё. Халқ оғзаки ижодида ола ранг ва унинг маъно-моҳияти	100
Мухиддинова Д.З. Замонавий араб ҳикоянавислигида психологик реализм	106
Қобилова Н.С. "Мартин иден" ва "Сароб" романларида психоаналитик ҳодисаларнинг бадиий таълими	110
Хажиева Ф.М. Нодир Норматовнинг "Рўзи Чориевнинг сўнги васияти" романида характер яратиш маҳорати	115
Тешабоева З.Қ. "Бобурнома"даги афоризмларнинг инглизча таржималарда акс этиши	121
Кабирова Н.К. Раҳнавард Зарёб ҳикояларида умумбашарий муаммолар таълими	125
Мухитдинова Н.М. Мирҳасан Саодий ижодида орифона ғоялар таълими	130

• NAVOIY GULSHANI

Sayliyeva Z.R. «Samandardek ul o'tdin kulga botti bulbuli shaydo»	134
---	-----

• FALSAFA VA HUQUQ

Авлиякулов Н.Х. Шарқ илм-фан ривожининг олтин даврида қадимий ва гўзал диёримизда олий таълимнинг вужудга келиш тарихи	136
Мавлонова У.Ҳ., Қодиров Д.Ҳ. Реалиялар ёхуд американизмлар ҳақида тушунча	142
Музаффаров Ф.Д. Мухаммад Ғаззолий таълимотида сабр ва шукр тушунчаларининг фалсафий-ахлоқий таълими	146

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А., Раҳмонов К.Ж. Хориждаги ўзбеклар ижодида Ватан ва истиқлол мавзуси (XX асрнинг 60-90-йиллари)	151
Болтаев Ш.О., Рашидов У.Ж. Мустақиллик - темиршуносликда янги босқич	159
Нуруллаева Ш.Қ. Қадимги Ўрта Осиё зироаткор аҳолиси муҳофаага оид билимларининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихидан (археолог олим Қ.Собиров таваллудининг 70 йиллигига бағишланади)	163
Одилов Б.А. Ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик ҳўжалигининг тарихий-этнографик адабиётларда ёритилиши (Фарғона водийси маълумотлари таҳлили асосида)	169

• IQTISODIYOT

Tairova M.M., Hamidov M.E. Mintaqada kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari va yo'nalishlari	175
Давлатов С.С. Ўзбекистон олий ўқув юртлари тизимида замонавий ижтимоий – иқтисодий ўсишнинг таъсири	177
Абдуллоев А.Ж., Тойирова С.А. Қишлоқ ҳўжалик кооперативи жамғармаларини шакллантириш ва уни тақсимлаш механизмлари	185

• PEDAGOGIKA

Yo'ldosheva D.N. Ta'lim jarayoni tizim sifatida (o'rta umumta'lim maktablarida ona tili ta'limi misolida)	189
Темирова Дж.Х. Современные способы активизации учебного процесса в высших учебных заведениях	194
Бокарёва М.А. Применение информационно-коммуникационных технологий в процессе преподавания литературы в вузе	199
Исмоилова М.Н. Масофадан ўқитиш - тараққиётнинг узлуксиз жараёни сифатида	204
Садикова С.А. Инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғат тузишнинг назарий ва амалий асослари (умумий ўрта таълим мактаблари учун)	208
Aminov A.Sh., Mamurova D.I. AutoCAD grafik dasturi yordamida 3d animasiyalar bajarish imkoniyatlari	212
Маҳмудова Д., Ҳошимов А.А. "Олий математика" курсини компьютер техникаси ёрдамида ўқитишдаги муаммолар вазиятлар	216

• QUTLOV

Расулов Т.Ҳ.	220
Эргашов М.Я.	221

• E'OLON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари	225-226
--	---------

УДК 67.02

МОЛЕКУЛЯР (НАНО) МАШИНАЛАР ХУСУСИДА

Муқимов Комил Муқимович

Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович

БухДУ Физика кафедраси профессори

Таянч сўзлар: молекуляр машина, нанотехнология, манипулятор, наноробот, наноструктура, функционал модуль, супрамолекуляр кимё, катенан, ротаксан, ультрафиолет, молекуляр автомобиль.

Ключевые слова: молекулярная машина, нанотехнология, манипулятор, наноробот, наноструктура, функциональный модуль, супрамолекулярная химия, катенан, ротаксан, ультрафиолет, молекулярный автомобиль.

Key words: molecular machine, nanotechnology, manipulator, nanorobot, nanostructure, functional module, supermolecular chemistry, catenane, rotaxane, ultraviolet, molecular automobile.

Мақолада молекуляр(нано) машиналарнинг яратилиш тарихи, уларнинг ишлаш принциплари, супрамолекуляр кимё доирасида молекуляр электрон машиналарнинг яратилиши, йирик молекуляр занжирлар, бир қисмида иккинчи қисмига нисбатан ҳаракат қилувчи молекулаларни синтез қилиш усуллари, наномашиналарнинг таркибий қисми - катенан ва ротаксан молекулалари ҳамда молекуляр ротор ҳақида маълумотлар келтирилган.

В статье рассматриваются история (нано)молекулярных машин, принципы их работы, создание молекулярных электронных машин на основе супрамолекулярной химии. А также движение больших молекулярных цепей молекул от одной части ко второй, методы синтеза, сведения о составных частях наномашин – о молекулах катенана, ротаксана и молекулярного ротора.


The article deals with the history of creating molecular(nano) machines, the principles of their work, the creation of electron molecular machines within the frame of supermolecular chemistry, huge molecular chains, the methods of molecular synthesis and information on catenane and rotaxane molecules, which are the parts of nanomachines and molecular rotor.

Француз Жан-Пьер Соваж (Jean-Pierre Sauvage), америкалик сэр Жеймс Фрезер Стоддарт (Fraser Stoddart) ва голландиялик Бернард Лукас Феринга (Bernard L. Feringa)лар молекуляр машиналарнинг лойиҳасини ишлаб чиққанлари ва синтез қилганлари учун кимё соҳасида 2016 йили Нобель мукофоти билан тақдирландилар. Лауреатларнинг ушбу ишлари нанотехнологларнинг келажакда нанороботларни яратиш ҳақидаги яримфантастик режаларини реаллаштиради. Молекуляр(ёки нано) машиналарнинг синтез қилиниши нанотехнологияларнинг моддий асосини яратди, десак муболаға бўлмайди [1,2]. **Молекуляр машиналар нима?** Бу саволга жавоб бериш учун нанотехнологиялар тарихига қисқача тўхталайлик.

1959 йили декабрь ойида физика бўйича Нобель мукофоти лауреати Ричард Фейнман Калифорния технология институтида Америка физиклар жамияти йиғилишида “Пастда ҳали жуда кўп жой бор (There's plenty of room at the bottom): янги физика оламига таклиф” мавзусида маъруза қилди. Р. Фейнман ҳар турдаги техник қурилмалар – электромоторлар, автомобиллар ва компьютерларнинг катталигини (ўша пайтларда компьютер катта хонани эгаллар эди) атом ўлчамигача кичрайтириш (миниатюризациялаш) ҳақидаги фикрларни ўртага ташлади. Ричард Фейнман манипуляторлар ёрдамида алоҳида атомларни бир ердан иккинчи ерга кўчириш (манипуляция қилиш) мумкинлиги ва бу жараён ҳозирги кунда маълум бўлган физик қонунларга зид эмаслигини ўқирган эди. Р. Фейнман маърузада атомлар билан ишлай оладиган манипуляторлар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тўхталади. Унинг фикрича,

шундай қурилмани яратиш керакки, у ўзининг ўн марта кичик нусхасини яратсин. Яратилган кичик қурилма яна ўзининг ўн марта кичик нусхасини яратсин ва шундай жараён қурилма ўлчамлари атом ўлчамига яқинлашиб келгунча давом этсин. Р. Фейнман ғояларидан илҳомланган Эрик Дрекслер молекуляр нанотехнологияларга бағишланган “Бунёдкор машиналар: нанотехнологияларнинг бўлажак эраси” китобида (Марвин Мински билан ҳамкорликда ёзилган, 1986 й.) ассемблер (ёки “йиғувчи”) деб номланган универсал митти “наноробот”ларни яратиш мумкинлигини исбот қилишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, бундай қурилма атомма-атом йиғилганда амалда исталган макрообъектни, жумладан, ўзининг нусхасини ҳам йиғишга қодир. Бундай қурилмалар молекуляр (нано-) машина ёки нанороботлар деб аталади [1,2,3]. Наномашиналарнинг ишлаши учун улар зарур миқдордаги атом, молекула ва энергия билан таъминланса ҳамда уларнинг хотирасига макробуюмларни йиғиш дастури ёзиб қўйилса, кифоя. Дрекслернинг бундай ажойиб, аммо абстракт ғоялари кўпчилик олимлар орасида қизгин мунозарага сабаб бўлди. Масалан, Нобель мукофоти лауреати Ричард Смолли ва таниқли кимёгар Уайтсадслар Дрекслернинг нуқтаи назарига қарши чиқдилар.

Р. Смолли баҳсларда қатнашиб, Дрекслер наноассемблерларнинг ролини жуда ошириб юборганлигини бир неча марта қайд қилди. Футуролог Рэй Курцвейл эса бу китоб ҳақида ижобий фикрларни билдирди. Шуни қайд қилиш лозимки, ҳақиқатдан ҳам микро ва айниқса, макрообъектларни атомма-атом йиғиш амалга оширилиб бўлмайдиган ғоя эканлиги аниқланди. Агар атомлардан гипотетик манипулятор (ассемблер) ясалганда ҳам унинг “қўллари” юксак кимёвий фаоллиги (таркиби атомлардан иборат бўлгани учун) туфайли жуда ҳам “ёпишқоқ” бўлади ва доимо “титраб”(тебраниб) туради. Шунинг учун ҳам унинг атомларни бир ердан олиб иккинчи ерга етарли аниқликда ўтказилиши жуда мураккаб масала. Шунга қарамасдан, IBM корпорациясининг Калифорниядаги илмий-текшириш маркази ходими Д. Эйглер кўп йиллар давомидаги ўтказган тажрибалари натижасида атомларни бир ердан иккинчи ерга силжитишга муваффақ бўлди. Д. Эйглер 1989 йилга келиб, сканловчи туннель микроскопи ёрдамида атомларни кетма-кет силжитиб, 35 та ксенон атомларидан иборат баландлиги 9 нм бўлган компаниянинг логотипи “IBM” аббревиа-турасини никель монокристалли сиртига жойлаштирди (1-расм). Атомлар билан манипуляция қилиш натижасида олинган 35 атомдан иборат бу тузилма “пастдан юқорига” технологияси асосида амалга оширилди. Аммо, бу усулда олинган ҳар қандай наноструктура атомларнинг иссиқлик таъсирида сиртдаги миграцияси натижасида тезда емирилади. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган “IBM” аббревиатураси жуда паст температура(гелий температураси)да ҳосил қилинган [1,2].



1-расм. Никел пластинкаси сиртига 35 та ксенон атомларидан йиғилган IBM аббревиатураси [1,2]

Албатта, бундай физикавий услубда катта қийинчилик билан кўп вақт сарф қилиб, фақат нанообъектларни яратиш мумкин.

Молекуляр машинани яхши тасаввур қилиш учун одатдаги макро машинани кўз олдимизга келтирайлик. Масалан, автомобилни кузатганимизда унда иккита модул мавжудлигини кўрамиз: Биринчиси – куч агрегати бўлиб, у ёнилғи ёнганда ажралиб чиққан энергияни поршеннинг тўғри чизикли механик ҳаракатига айлантиради, иккинчиси эса

функционал деб аталувчи модул куч агрегатида ҳосил бўлган механик ҳаракатни функционал фойдали ҳаракатга – автомобиль ғилдирагининг айланма механик ҳаракатига айлантиради. Молекуляр машинанинг ишлаш принципи ҳам шунга ўхшаш, аммо уларнинг ўлчамлари жуда кичик (10 нм атрофида; 1 нм – 1 метрнинг миллиарддан бир улуши) бўлгани туфайли ўзига хос хусусиятларга эга. Молекуляр машина ҳам куч агрегатида эга. Бу агрегат ташқи энергияни механик ҳаракатга ўхшаш ҳаракатга айлантириши лозим. Наномасштабда бизга таниш оддий механик ҳаракатни олиш амри маҳол, чунки бу масштабда индивидуал атомлар билан иш кўрилганда одатдаги механика ишламайди. Р. Фейнманнинг ибораси билан айтганда, ҳамма нарса “титраб ва қалтираб” туради. Бироз каттароқ масштабда катта молекуляр фрагментларгина маълум даражада барқарор ҳолатда бўлади, тебранмайди ва йўналган ҳаракатга эга бўлади. Демак, молекуляр машиналарни атомлардан йиғиш жуда мураккаб масала. Бир неча юз атомлардан куч агрегати синтез қилиб, унга функционал модулни шундай ёпиштириб қўйиш керакки, бундай модул атом масштабидаги “титраб ва қалтираб” турган объектлар билан аниқ манипуляция қила олсин.

Одатдаги макроскопик машиналардан фарқли равишда, молекулалар жуда кичик массалари туфайли деярли инерцияга эга эмас ва ҳаракат миқдорини сақлаб қолишга қодир эмас. Молекуляр машиналар қисмлари ҳаракати ноинерцион бўлганлиги туфайли улар доимо бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга қадамма-қадам ҳаракат қилиб ўтадилар. Барча сунъий ва табиий молекуляр машиналар – бактерия қивчин(энг содда жониворларнинг қилсимон оёқлари)лари, рибосомалар, мускуллардаги актина ва миозина жуфтликлари, АТФ-синтез ва бошқалар худди шундай ҳаракат қиладилар [2].

Физикларнинг кўп йиллик орзуси яқиндагина кимёгарлар томонидан амалга оширилди. Кимёгарлар биринчи бўлиб молекуляр ёки наномашиналарни синтез қилишга эришдилар.


Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб супрамолекуляр кимё доирасида молекуляр электрон машиналарни яратиш мақсадида илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Натижада, бир қанча кимё соҳасидаги илмий лабораторияларда наноўлчамдаги машиналар ва приборларни яратишда қурилиш элементлари сифатида атомлардан эмас, балки молекулалардан фойдаланиш қулайлиги аниқланди. Бу ҳол қуйидагиларга асосланади: 1- молекулалар атомларга нисбатан кимёвий фаоллиги паст бўлгани учун турғун ҳолатда бўлади; 2-табиатда ҳаётни таъминлаб турган ҳар турдаги кўпдан - кўп наномашиналарнинг энг кичик қурилиш элементи молекулалардан иборат; 3-кўпчилик лабораторияларда тажриба сифатида амалга оширилаётган кимёвий жараёнларда атомлар билан эмас, балки молекулалар билан иш кўрилади; 4-молекулалар наномашиналар ишлаши учун зарур бўлган хусусиятга (масалан, фотокимёвий ва электромеханик усуллар орқали манипуляция қилиш мумкин бўлган хусусиятлар) ва аниқ формага эга объектлардир; 5-молекулалар ўз-ўзидан йиғилиш хусусиятига эга ва макроструктураларни синтез қилиш учун уларни бирлаштириш осон кечади.

Кейинги йилларда супрамолекуляр кимёнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, нанотехнологияларнинг “пастдан юқорига” усулига супра-молекуляр ёндашиш сунъий молекуляр машиналарни лойиҳалаштириш ва яратишда мисли кўрилмаган имкониятларни яратади. Иккинчи томондан, бундай ёндашиш биологик жараёнлар учун жавоб берувчи ўта мураккаб наномашиналарнинг (масалан, рибосома)молекуляр аспектларини тушуниб етишимизга ёяёт катта ёрдам кўрсатади.

Мақтаб кимё курсидан биламизки, атомлар молекулалар таркибида кимёвий боғланиш(ковалент, ион, водород ва бошқалар) туфайли ушлаб турилади. Молекулаларни кимёвий боғланишсиз турғун ҳолда ушлаб туриш мумкинми? Супрамолекуляр кимё соҳасида ишлайдиган олимларнинг тадқиқотлари натижасида илмий лабораторияларда тўлиқ механик боғланишга эга бир неча турдаги молекулалар синтез қилинди. Уларга умумий MIMA(mechanically interlocked molecular architectures- механик тарзда уланган молекуляр архитектураси) аббревиатураси берилган. Бу молекулалар қисмларини бир-бирлари билан механик ўзаро таъсир кучлари ушлаб туради. Молекула қисмларининг бир-бирига боғланиб туриши уларнинг ўзаро жойлашишини ўзгартирмайди ва молекуланинг бўлақларга бўлинишига йўл қўймайди. Механик тарзда уланган, катенан ва ротаксан деб юритилувчи молекулалар ҳақида қисқача тўхталайлик.

Катенан (лотинча сўз “catena” - “занжир” демакдир). Катенан бир-бирига “кийдирилган” иккита ёки учта занжирча - халқа молекулаларидан иборатдир [4].

Йирик молекулаларнинг жуда кўпини занжирчаларга ўхшатиш мумкин. Занжирча - молекула эса, мунчоққа ўхшаш қатор терилган атомлардан иборат. Катенаннинг синтез қилинишини тушуниш учун бир-бири билан боғланмаган иккита шундай занжирчани кўз олдимизга келтирайлик. Энди занжирчаларни ҳалқа қилиб ўраб, биридан иккинчисини ўтказсак, бир-биридан ажралмайдиган бир жуфт ҳалқа - занжирча ҳосил бўлади (2-расм).



2-расм. Катенан [5]

Уларнинг бундай бир-бири билан боғланиши топологик ёки механик боғланиш деб юритилади. Ҳалқалардан бирини узмасдан уларни ажратиб бўлмайди. Механик равишда боғланган занжирча - молекулалар бир-бирига нисбатан эркин ҳаракат қила оладилар [3]. Бундай молекулаларни кўз олдига келтириш қийин бўлмаса ҳам, уларнинг синтези анча мураккаб бўлади. Катенанларни синтез қилишга ёндашишлардан бири “статистик синтез”дир. Учига магнитча ёпиштирилган жуда кўп занжирчаларни олиб, қутичага жойлаштирайлик ва уни тебратайлик. Энди эса, қутича ичида ҳосил бўлган гувалакчани (магнитчаларни узмасдан) бўлақларга ажратсак, бир неча “тўғри” бирлашган занжирчаларни кўрамиз. Албатта, бу усулда ҳосил бўлган катенанлар сони жуда оз бўлади.

1960 йилларда немис кимёгари Готтфрид Шилл занжирчаларнинг “тўғри” уланиши эҳтимоллигини ошириш усулини топди [3]. У биринчи бўлиб икки ва учта туташган ҳалқалардан ташкил топган катенанларни синтез қилишга муваффақ бўлди. Занжирчалар бир-бирларига нисбатан эркин механик ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлдилар.


Синтез қилишнинг бу усули ҳам анча мураккаб, ноқулай ва етарли миқдордаги катенанларни олиш жуда қийин эди. 1983 йил Нобель мукофоти лауреатларидан бири Жан-Пьер Соваж катенанларни синтез қилишнинг жуда қулай усулини ишлаб чиқди. Темплат (“шаблон бўйича яратилган”) деб аталган бу усулдан кимёгарлар ҳозирги кунга қадар фойдаланиб келмоқдалар. Ушбу усулда Соваж юқори электрманфийликка эга кислород ва азот атомларидан тизилган занжирчани асос қилиб олди. Бундай занжирчалар металлларнинг мусбат зарядланган катионлари атрофида маълум бир белгиланган жойда жойлашадилар [6,7,8,9]. Соваж бошчилигидаги гуруҳ кимёгарлар юқорида кўрсатилган, асос сифатида қабул қилинган ёпиқ занжирчани махсус кимёвий эритмага жойлаштирдилар ва уни мис катионига уладилар. Бундан кейин улар эритмага яна бир органик модда қўшиш натижасида бўлажак катенаннинг иккинчи ҳалқасини, ярмига тенг фрагментни - бутун молекулани олиш учун танавор(ярим маҳсулот)ни тайёрладилар. Шундай қилиб, иккинчи ҳалқанинг фрагменти асосий ҳалқанинг ичига киритилди. Тайёрланган танаворга ҳалқанинг иккинчи ярмини қўшиб ва мис катионини олиб ташлаб, олимлар бир-бирига геметрик уланган иккита катенанни олдилар (2-расм). Бу усул дастлабки молекулалардан катта миқдорда катенанларни олиш имконини берди.

Катенанда молекулалар анча кучсиз механик боғланишга эга бўладилар ва улар бир-бирларига нисбатан эркин ҳаракатлана оладилар. Бу эса ўз навбатида катенанлар асосида ясалган молекуляр машиналарнинг тўлақонли ишлашига имкон беради. Шундай қилиб, Жан-Пьер Соваж 1983 йили тарихда биринчи наномашина деталини синтез қила олди ва бу воқеа молекуляр машиналарни яратишдаги илк қадам эди. 1995 йилда профессор Соваж бошчилигидаги кимёгарлар катенан таркибидаги бир молекулани иккинчи молекула атрофида ҳаракат қилишга мажбур қилдилар. Олимлар бу ҳаракатни ташқаридан бемалол назорат қила олдилар.


Ротаксан (лотинча rotaxane: rota - айланиш; axis - ўқ) [4]. Нобель мукофоти лауреатларидан яна бири – Сэр Жеймс Фрезер Стоддарт АҚШнинг Шимолий – Ғарб университетида ишлайди. У 1991 йили ротаксан деб юритиладиган кимёвий бирикмани синтез қилишга муваффақ бўлди. Стоддарт гантелсимон шаклдаги молекула-занжирча(ўқ)га диаметри унча катта бўлмаган ҳалқа (циклик) молекулани “кийдирди” ва ҳалқа занжирчадан “учиб” кетмаслиги учун унинг учларига атомларнинг махсус катта гуруҳларини жойлаштирди [7,8] (3-расм). Стоддарт ҳалқа ўзининг бир неча турғун ҳолатларида ўқ атрофида шестерня каби айланишини кўрсатди.

Бу учун иккита боғланиш марказига эга занжирчага мусбат зарядланган ҳалқани жойлаштириш кифоя экан. Оксидловчи ва тикловчи моддаларнинг концентрациясига мос ҳолда ҳалқа у ёки бу боғланиш марказидан жой олади.

1994 йилда Стоддарт ва Соваж бир-бирларидан мустақил равишда катенан ва ротаксан молекулалари қисмлари механик ҳаракатларини кимёвий реагентлар, электр кимёвий ёки ёруғлик нури каби ташқи таъсирлар орқали бошқариш мумкинлигини исботладилар. Ташқи таъсир натижасида Стоддартнинг ротаксанларида ҳалқалар поршенга ўхшаш у ёки бу йўналишда мокидай “сакрашлари” кузатилди, Соваж катенани ҳалқалари эса, бир-бирларига нисбатан айлана бошладилар (4-расм). Шундай қилиб, дунёда биринчи молекуляр(нано-) машиналар пайдо бўлди [4].




3- расм. Ротаксан [8]




4-расм. Ротаксан ва катенан молекулалари таркибий қисмларининг механик ҳаракатлари [9]

2000 йилда Соваж гуруҳи олимлари катенан ва ротаксанларнинг гибриди – сунъий мускулни намоиш қилдилар. Бу мускул табиий мускулдек қисқариш ва чўзилишга қодир (5-расм). Фрезер Стоддарт эса, 2004 йилда тарихда биринчи молекуляр юккўтаргич – нанолифтни ишлаб чиқди (6-расм).



5-расм. Молекуляр мускул [10,11]


Ҳозирги кунда олимлар ротаксан ва катенанларни молекуляр машиналарнинг элементлари сифатида қабул қилдилар. Улардан наноэлектроника соҳасида переключатель ва бошқалар, ахборотни сақлаш воситалари ва молекуляр мотор сифатида фойдаланиш бўйича кўп таклифлар мавжуд. Бу элементлар молекулалар қисмларининг механик ҳаракат қилишига имкон беради ва булар асосида митти роботлар – нанороботларни яратиш мумкин бўлади. Бундан ташқари молекуляр биология соҳасида фаолият кўрсатаётган олимлар табиатда ротаксаннинг аналогини топдилар. Табиатда мавжуд бўлган лассо-пептидлар (лассо-сиртмоқ; пептидлар – қисқа оқсиллар бўлиб, ўлчамлари 1 нм дан ошмайди) ротаксан принципи асосланган. Бундай лассо-пептидлардан антибиотиклар топилган.



6-расм. Молекуляр лифт [10,11]


1999 йили лауреатларнинг учинчиси Гронинген университети (Нидерландия) профессори Бернارد Лукас Феринга яратган молекуляр мотор ўзидан 10 минг марта катта бўлган шиша цилиндрни айлантириш қобилиятига эга эди. Бу наномотор ҳақида қисқача тўхталайлик.

Анъанавий кимёвий боғланишлар молекула таркибида икки атомни бирлаштириб турувчи пружинага ўхшайди. Бундай боғланиш молекуланинг эластик (эгиловчан) бўлишини ва баъзи бир фрагментларнинг айланишига имкон беради. Масалан, ҳаммага таниш бўлган сув молекуласи (H_2O)ни олсак, ундаги кимёвий боғланишлар тебраниб туради. Шу билан бир қаторда, кимёвий боғланишлар молекулалар қисмларининг бирига нисбатан эркин ҳаракатланишига ҳалақит қилади. Маълумки, одатдаги яқка ковалент боғланишга эга бўлган органик молекулалар, ҳеч қандай ташқи таъсирсиз, шу боғланиш атрофида катта тезликда айланади. Аммо, бу айланишни назорат қилиб бўлмайди. Молекуланинг боғланиш атрофида қайси томонга бурилишини олдиндан айтиб бўлмайди.



7-расм. Молекуляр ротор. (Ҳар қайси бурилиш акти ёруғлик квантининг ютилиши билан боғлиқ)

Бернард Феринга молекуляр моторни яратишда якка боғланиш атрофида айланишдан фойдаланиш ўрнига умуман айланмайдиган қўшбоғдан фойдаланишни афзал кўрди. Феринга молекуляр моторнинг ишлаш принципи қўшбоғга эга бўлган этилен бирикмаларининг фотоизомеризация реакциясига асосланди. Қўшбоғ молекуланинг икки қисмини бир-бирига қаттиқ маҳкамлаб қўяди, аммо ёруғлик (ультрабинафша) нури таъсирида бундай боғланиш узилиб, якка боғланишга айланиши ва молекулаларнинг қисмлари бу боғланиш атрофида ротор ўқ атрофида айлангандек айланиш имконига эга бўлади. Феринга фойдаланган этилен бирикмалари молекулалари қўша боғланишларининг иккаласида ҳам етарли даражада катта, бир-бирига ҳалақит қилиб турувчи атомлар гуруҳи – паррақларга эга. Ёруғлик нури бу атомлар гуруҳларини бир-бирларига нисбатан айланишга, ўзаро тўқнашиш ва деформацияланишга мажбур қилади. Молекула томонидан ютилган ёруғлик кванти ментол атомлар гуруҳи - паррақни 180 градусга айлантиради ва иккинчи марта таъсир қилган ёруғлик кванти молекулаларни бир-бирига нисбатан олдинги йўналишда яна 180 градусга буради. Шундай қилиб, молекуланинг паррақлари икки марта ёруғлик квантини ютиб, бир марта тўлиқ айланади (7-расм). Олимлар 2014 йилда паррақ айланиши тезлигини секундига 12 миллионга етказишга муваффақ бўлдилар. Кейинчалик, Феринга ва унинг гуруҳи олимлари молекуляр шасси ёрдамида тўртта роторни бир-бирига уладилар ва натижада механик ҳаракат қилувчи, ўлчами 2x4 нм га тенг тўрт ғилдиракли молекуляр автомобилни яратдилар (8-расм).



8-расм. Молекуляр автомобиль [10,11]

Хулоса. Шундай қилиб, олимлар наномашиналарни яратиш билан молекуляр даражадаги ҳаракатни бошқаришни ўзлаштирдилар. Кимёгарлар синтез қилган молекуляр машиналарнинг ўлчамлари одам сочининг диаметридан 1000 марта кичик бўлгани туфайли қон томирлари ва ҳужайралар ичида эркин ҳаракат қила олади. Наномашиналар ёрдамида одам организмнинг исталган нуқтасига катта аниқликда дори-дармонни етказиш, ташхис қўйиш ёки рақ(саратон) ҳужайраларини лазер нури билан емириб ташлаш имконияти туғилди. Олимлар наномашиналар ёрдамида ахборот сақлашнинг янги усуллари топишни мўлжалламоқдалар. Молекуляр машиналарни барпо қилишда фойдаланилган нанотехнологиялар янги функционал - “ақлли” материалларни ишлаб чиқишда кенг қўлланиши мумкин. Яратилган бу наномашиналардан ёки бошқача айтганда, нанороботлардан молекулаларни бирлаштиришда фойдаланиб, келажакда кичик ўлчамдаги исталган объектни йиғиш мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Рыбалкина М.** Нанотехнологии для всех. – Москва, 2005. – 444 с.
2. **Эрлих Г.** Малые объекты – большие идеи. Широкий взгляд на нанотехнологии. – Москва: Бином, 2012. – 256 с.
3. **Муқимов К. М.** Нанороботлар ёхуд ассемблерлар //XXI asr texnologiyalari. – Т., 2016. – № 5(36).
4. **Шилл Г.** Катенаны, ротаксаны и узлы: Пер. с англ. – Москва: Мир, 1973. – 213 с.
5. Тасвир : Wikimedia Commons Suffra. com
6. element.ru/novosti_nauki
7. www.gazeta.ru
8. newchemistry.ru
9. <https://life.ru>
10. nobelpriz.org
11. Illustration: Johan Jamestad/The Royal Swedish Academy of Sciences

УДК 541.49+541.474

КОМПЛЕКСНЫЕ СОЕДИНЕНИЯ НИКЕЛЯ (II) С БИС-БЕНЗОИЛГИДРАЗОНАМИ β, β' -ТЕТРАКАРБОНИЛЬНЫХ СОЕДИНЕНИЙ

Севинчов Неъмат Гулбоевич

Доцент кафедры химии БухГУ, канд. хим. наук

Умаров Бако Бафоевич

Руководитель научной группы кафедры химии БухГУ, д-р. хим. наук

Таянч сўзлар: бис- β -дикетонлар, бензой кислота гидразиди, лиганд, биядроли комплекслар, ИҚ- ва ПМР спектроскопия.

Ключевые слова: бис- β -дикетоны, бис-бензоилгидразоны β, β' -тетракарбонильных соединений, биядерные комплексы, ИК- и ПМР спектроскопия.

Key words: bis- β -diketones, benzoic acid hydrazide, ligand, binucleate complexes, IR- and NMR spectroscopy.

Бис- β -дикетонларни бензой кислота гидразиди билан конденсатлаш маҳсулотлари асосида қатор янги лигандларнинг синтез усуллари ишлаб чиқилди. Олинган лигандлар асосида $Ni_2L \cdot 2A$ ($L=H_4L^1-H_4L^6$, A =аммиак, пиридин ва пиперидин) комплекслари синтез қилинди ва тавсифланди. Биядроли комплексларда комплекс ҳосил қилувчи марказий ион транс – $[N_2O_2]$ қуршовли текис-квадрат тузилишга эга эканлиги элемент анализи, ИҚ- ва ПМР спектроскопия натижаларига асосан аниқланди.

Синтезирована серия новых комплексных соединений $Ni_2L \cdot 2A$ ($L=H_4L^1-H_4L^6$, A =аммиак, пиридин и пиперидин) взаимодействием спиртового раствора бис-бензоилгидразонов β, β' -тетракарбонильных соединений с водно-аммиачным раствором ацетата $Ni(II)$ в молярном соотношении 1:2. Методами элементного анализа, ИК- и ПМР спектроскопии установлены состав и биядерные комплексы,

плоско-квадратное строение с набором транс-[N₂O₂] атомов центрального иона-комплексобразователя.

New methods of synthesizing a number of new ligands on the basis of condensate products of bis-β-diketones with benzoic acid hydrazide were developed in the article. On the basis of obtained ligands Ni₂L·2A (L=H₄L¹-H₄L⁶, A=ammonia, pyridine and piperidine) compexes were synthesized and classified. The element analysis, IR- and NMR spectroscopy results showed that in binucleate complexes complex forming central ion has a trans [N₂O₂] surrounded plain square structure.

Введение. Известно, что синтетическая координационная химия в значительной мере расширилась благодаря успехам в синтезе полидентатных, многофункциональных лигандов, которые существуют в различных таутомерных формах в зависимости от природы функциональных групп и заместителей, направленно влияющих на геометрическое строение и свойства комплексных соединений [1-3]. Поэтому актуальным и перспективным является направление научных исследований, посвященных синтезу и исследованию координационных соединений Ni(II) с различными много-функциональными полидентатными органическими соединениями типа бис-β-дикетонов и их производных [4-6].

Цель настоящей работы – синтез комплексных соединений Ni₂L·2A на основе полученных хелатирующих лигандов, установление состава, строения полученных комплексов в твердом состоянии и в растворах с применением ИК- и ПМР спектроскопии.

Экспериментальная часть. Комплексные соединения металлов никеля (II) с лигандами H₄L¹-H₄L⁶ синтезированы смешиванием водно-аммиачного раствора ацетатов металлов и эквимолекулярных количеств спиртовых растворов соответствующих лигандов [1,7,8].

Ni₂L¹·2NH₃. К горячему раствору 1,1г (0,0025 моля) лиганда H₄L¹ в этаноле добавили насыщенный водно-аммиачный раствор 1,24 г (0,005 моля) ацетата никеля (II). После перемешивания выпадает поликристаллический порошок, через 1 сутки осадок комплексного соединения Ni₂L¹·2NH₃ отфильтровали, промыли дистиллированной водой, этиловым спиртом и высушили на воздухе. Выход Ni₂C₂₄H₂₈N₆O₄ - 1,24 г (85%).

Аналогично синтезированы остальные комплексные соединения никеля (II) с полученными лигандами (H₄L²- H₄L⁶) и координированной молекулой аммиака. Комплексы плохо растворимы в полярных органических растворителях, хлороформе, толуоле, нерастворимы в спирте, ацетоне, воде. Выходы и данные элементного анализа комплексных соединений никеля (II) приведены в табл.1.

Таблица 1

Выходы, температуры плавления и данные элементного анализа синтезированных комплексных соединений никеля(II)

Соединения	Выходы, %	Т.плав., °C	Найдено, %				Брутто-формула	Вычислено, %			
			М	С	Н	Н		М	С	Н	Н
Ni ₂ L ¹ ·2NH ₃	85	352-354	19,86	49,02	4,71	14,56	Ni ₂ C ₂₄ H ₂₈ N ₆ O ₄	20,17	49,54	4,85	14,44
Ni ₂ L ¹ ·2Py	69	287-289	16,52	57,83	4,66	11,73	Ni ₂ C ₃₄ H ₃₂ N ₆ O ₄	16,63	57,84	4,57	11,90
Ni ₂ L ¹ ·2Pipe	65	291-293	16,24	57,05	5,95	11,92	Ni ₂ C ₃₄ H ₄₄ N ₆ O ₄	16,35	56,86	6,18	11,70
Ni ₂ L ² ·2NH ₃	76	326-327	19,47	49,96	4,87	14,34	Ni ₂ C ₂₅ H ₃₀ N ₆ O ₄	19,70	50,39	5,07	14,10
Ni ₂ L ³ ·2NH ₃	77	296-398	17,48	55,45	5,11	12,53	Ni ₂ C ₃₁ H ₃₄ N ₆ O ₄	17,47	55,40	5,10	12,51
Ni ₂ L ⁴ ·2NH ₃	82	307-309	18,05	48,09	5,17	13,25	Ni ₂ C ₂₆ H ₃₂ N ₆ O ₆	18,29	48,64	5,02	13,09
Ni ₂ L ⁵ ·2NH ₃	67	319-321	17,64	49,09	5,07	13,04	Ni ₂ C ₂₇ H ₃₄ N ₆ O ₆	17,89	49,44	5,22	12,81
Ni ₂ L ⁶ ·2NH ₃	73	312-313	16,52	54,12	5,03	11,45	Ni ₂ C ₃₃ H ₃₈ N ₆ O ₆	16,03	54,14	5,23	11,48

Ni₂L¹·2 Py. 0,25 г Ni₂L¹·2NH₃ растворяли в 3 мл пиридина и нагревали в течение 5 минут, затем через 6 часов к реакционной смеси добавляли 30 мл диэтилового эфира. Выпавший осадок отделяли, промывали эфиром и высушивали на воздухе. Выход Ni₂C₃₄H₃₂N₆O₄ - 0,21 г (69%).

Все комплексы с координированной молекулой пиридина хорошо растворимы в обычных органических растворителях, таких как хлороформ, толуол, ДМФА, ДМСО, плохо растворяются в ацетоне, спирте.


Ni₂L¹·2Pipe. 0,25 г Ni₂L¹·2NH₃ растворяли в 3 мл пиридина и нагревали в течение 5 минут. Через сутки продукт ярко-зеленого цвета отделяли высаливанием гексаном, промывали этанолем, диэтиловым эфиром и высушивали на воздухе. Выход Ni₂C₃₄H₄₄N₆O₄ - 0,2 г (65%).

Комплексы с координированной молекулой пиперидина лучше растворяются в органических растворителях, по сравнению с пиридиновыми аналогами. Выходы и данные элементного анализа комплексных соединений никеля (II) приведены в табл. 1.

ИК спектры записывали на приборах UR-20 и Specord 75IR в области 400-4000 см⁻¹ в прессованных таблетках KBr и в вазелиновом масле [9]. Спектры ПМР 5-10 %-ных растворов диамагнитных комплексов снимали на спектрометрах Tesla-BS-497 (100 МГц.) и Bruker DPX-300 (300,13 МГц.). В качестве внутреннего эталона были использованы тетраметилсилан (ТМС) и гексаметилдисилан (ГМДС), растворители – дейтерированный хлороформ (CDCl₃), диметилсульфоксид (ДМСО-d₆), трифторуксусная кислота (CF₃COOD) [10].

Результаты и их обсуждение

При взаимодействии спиртовых растворов лигандов H₄L¹-H₄L⁶ с водно-аммиачным раствором ацетата Ni(II) в молярном соотношении 1:2 получены биядерные комплексы общей формулой Ni₂L·2A (где L - четырежды депротонированный остаток лигандов H₄L¹-H₄L⁶, A = аммиак, пиридин и пиперидин) II:



R=CH₃: n=0, A=NH₃ (Ni₂L¹·2NH₃), n=0, A=Py (Ni₂L¹·2Py) n=0, A=Pipe (Ni₂L¹·2Pipe); n=1, A=NH₃ (Ni₂L²·2NH₃), (CH₂)_n=CH-C₆H₅, A=NH₃ (Ni₂L³·2NH₃)

R=CH₃CH₂O: n=0, A=NH₃ (Ni₂L⁴·2NH₃), n=1 A=NH₃ (Ni₂L⁵·2NH₃), (CH₂)_n=CH-C₆H₅, A=NH₃ (Ni₂L⁶·2NH₃)

Поскольку исходные лиганды в растворах существуют в равновесной смеси бис-5-оксипиразолиновых, бис-гидразонных и бис-енгидразинных таутомерных форм, можно предположить, что внутрикомплексные соединения возникают благодаря замещению протонов при атомах азота бис-енгидразин-α-оксизинной формы с образованием пяти- и шестичленной хелатной системы, как это имело место в ВКС никеля(II) с β-аминовинилькетонами [11-14].

ИК спектры полученных комплексов, по сравнению со спектрами свободных лигандов H₄L¹-H₄L³, несколько отличаются, например, отмечено исчезновение полосы поглощения ν_(OH) 5-гидроксипиразолинового фрагмента в области 3400 см⁻¹ и низкочастотное смещение ν_(C=N) на 5-10 см⁻¹ (рис.1, табл.2).




Рис.1. ИК спектр комплексного соединения никеля(II) $Ni_2L^1 \cdot 2NH_3$ строения на основе бис-бензоилгидразона 3,4- диацетилгександиона-2,5

Таблица 2

Параметры ИК спектров комплексных соединений никеля(II) II (ν, cm^{-1})

Соединение	C-H	C=N-N=C	N=C-O ⁻	N-N	C-O
$Ni_2L^1 \cdot 2NH_3$	2975	1585	1542	1072	1370
$Ni_2L^1 \cdot 2Py$	2975	1586	1500	1095	1375
$Ni_2L^1 \cdot 2Pipe$	2978	1590	1540	1060	1380
$Ni_2L^2 \cdot 2NH_3$	2982	1587	1550	1070	1370
$Ni_2L^3 \cdot 2NH_3$	2996	1600	1548	1084	1375
$Ni_2L^4 \cdot 2NH_3$	2980	1595	1445	1068	1378
$Ni_2L^5 \cdot 2NH_3$	2984	1580	1546	1095	1380
$Ni_2L^6 \cdot 2NH_3$	2988	1588	1565	1086	1385

В ИК спектре комплексных соединений $Ni_2L^4 \cdot 2NH_3$ - $Ni_2L^6 \cdot 2NH_3$ не исчезает интенсивная полоса поглощения, наблюдаемая в ИК спектре свободного лиганда около $1748-1755\text{ cm}^{-1}$, отнесённая нами к $\nu_{(C=O)}$ несопряженной сложноэфирной группировке. Исчезают валентные колебания N-H связи в области $3200-3250\text{ cm}^{-1}$, обусловленные наличием амидной группировки. Проявляются интенсивные полосы поглощения в области $1380-1550\text{ cm}^{-1}$, обусловленные наличием характеристичных колебаний сопряженной системы связей $\nu_{(>C=N-N=C)}$ [1,11]. В ИК спектре комплексов $Ni_2L^1 \cdot 2NH_3$ полосы поглощения при 3390 , $3330-3340$, $3250-3260$ и 3170 cm^{-1} обусловлены не симметричными, а антисимметричными валентными колебаниями координированных молекул аммиака. Для комплекса $Ni_2L^1 \cdot 2Pipe$ характерная полоса средней интенсивности при 3260 cm^{-1} обусловлена валентными колебаниями $\nu_{(N-H)}$ координированных молекул пиперидина. Следует отметить также интенсивные полосы поглощения около 1590 , 1540 , $1440-1450$, $1412-1420$, $1360-1375\text{ cm}^{-1}$ в ИК спектрах всех комплексов, которые обусловлены валентными и валентно-деформационными колебаниями альтернированных связей в пяти- и шестичленных металлоциклах [6-8].

В ИК спектрах полученных комплексных соединений $Ni_2L^4 \cdot 2NH_3$ - $Ni_2L^6 \cdot 2NH_3$ положение и интенсивность $\nu_{(C=O)}$ сложноэфирной группировки не показывает заметных изменений, по сравнению со спектрами исходных лигандов. Но положение полос поглощения $\nu_{(C=O)}$ и $\nu_{(C=N)}$ смещается в низкочастотную область на $20-40$ и $5-10\text{ cm}^{-1}$ соответственно.

Хорошо известно [1,2,7,9,11], что диамагнетизм комплексов никеля(II) указывает на их плоско-квадратное строение. Этот вывод подтверждается спектрами ПМР для всех комплексов никеля(II).

Сразу отметим, что спектры ПМР комплексов сильно отличаются от спектров соответствующих исходных лигандов. Во всех спектрах комплексов отсутствуют сигналы, обусловленные диастериотопными протонами 5-гидроксипиразолиновой формы, что указывает на исчезновение в лигандных остатках хиральных атомов углерода. Необходимо отметить, что протоны соответствующих групп лигандного окружения в обоих металлоциклах дают одинаковые сигналы. Это указывает на идентичность двух половинок биядерных комплексов (II).

Рассмотрим в качестве примера спектры ПМР полученных комплексов никеля(II) (рис.2, табл.3). В спектре ПМР комплекса $Ni_2L^{1\cdot}2Pipe$ наблюдаются три группы уширенных мультиплетных сигналов с центрами при δ 1,55-1,65, 2,58-2,70 и 3,48-3,60 м.д., интенсивности которых относятся как 3:1:1. Первая группа сигналов относится, очевидно, к β - и γ -протонам координированных молекул пиперидина. Сигналы с центрами при δ 2,58-2,70 и 3,48-3,60 м.д. обязаны, соответственно, аксильным и экваториальным протонам пиперидина.




Рис. 2. Спектр ПМР комплексного соединения $Ni_2L^{4\cdot}2NH_3$ на основе бис-бензгидразона диэтилового эфира 2,4-диацетилглутаровой кислоты

В спектре ПМР комплекса $Ni_2L^{5\cdot}2NH_3$ (табл.3) сигналы при δ 4,22 и 2,60 м.д. отнесены нами к CH_2 -группам этильного радикала и мостиковой CH_2 -группе между металлохелатами. Уширенный сигнал в виде мультиплета с центром при δ 1,48 м.д., частично перекрывающий сигнал при δ 1,17 м.д., следует отнести к резонансу протонов координированных молекул аммиака, а второй сигнал, на наш взгляд, следует отнести к протонам концевых CH_3 -групп этильного радикала. Протоны бензольных колец резонируют в виде мультиплетных сигналов с центрами при δ 7,38 и 7,90 м.д. При растворении комплексов никеля(II) в полярных растворителях, таких как $DMCO-d_6$, $DMFA-d_7$ или C_5D_5N , вид спектров частично меняется, а именно: не наблюдаются сигналы от протонов координированного аммиака из-за обмена его молекулами донорного растворителя.

Таблица 3

Параметры ПМР спектров комплексов никеля(II) II в растворе $CDCl_3$ (δ , м.д.)

Соединение	CH_3-CN	CH_3CH_2O	$-CH_2-$	C_6H_5CO	$-CH_3$	C_6H_5CH	NH_3
$Ni_2L^{1\cdot}2NH_3$	2,36	—	—	7,42; 7,94	2,54	—	1,38
$Ni_2L^{1\cdot}2Py$	2,44	—	—	7,44; 7,95	2,52	—	—
$Ni_2L^{1\cdot}2Pipe$	2,57	—	—	7,40; 7,90	2,60	—	—
$Ni_2L^{2\cdot}2NH_3$	2,34	—	2,56	7,40; 7,91	2,52	—	1,40
$Ni_2L^{3\cdot}2NH_3$	2,26	—	—	7,46; 7,98	2,58	7,32; 7,68	1,36
$Ni_2L^{4\cdot}2NH_3$	2,22	1,32; 3,98	—	7,32; 7,87	—	—	1,44
$Ni_2L^{5\cdot}2NH_3$	2,17	1,17; 4,22	2,60	7,38; 7,90	—	—	1,48
$Ni_2L^{6\cdot}2NH_3$	2,28	1,28; 4,35	—	7,34; 7,89	—	7,13; 7,18	1,42

Замещение аммиака или пиперидина на пиридин сильно отражается в спектрах ПМР комплексов $Ni_2L^{1\cdot}2Py$, при этом наблюдается существенное смещение химических сдвигов протонов концевых метильной, винильной и мостиковых метиленовой групп в область

слабых полей. Слабополюное смещение отмеченных сигналов связано, вероятно, с образованием дативной связи d–π типа между d-электронами никеля (II) и π-орбиталями пиридина [1,14,16-18], в результате чего π-электроны пиридинового кольца включаются в систему сопряжения пяти- и шестичленных металлоциклов, β-аминовинилкетонного и α-оксиазинного фрагментов комплекса.

Заключение. Анализ ИК- и ПМР спектров остальных комплексных соединений никеля(II) позволяет сделать однозначный вывод, что четырежды депротонированные остатки лигандов и монодентатные донорные основания образуют биядерные комплексы плоско-квадратного строения сочлененными пяти- и шестичленными металлоциклами с набором транс-[N₂O₂] атомов центрального иона-комплексобразователя.

Работа выполнена при финансовой поддержке Фонда фундаментальных исследований Узбекистана (грант Ф7-20).

ЛИТЕРАТУРА

1. Умаров Б.Б. Комплексные соединения некоторых переходных металлов с бис-5-оксипиразолинами: Дисс...докт. хим. наук. – Т.: ИУ АН РУз, 1996. – 350 с.
2. Юсупов В.Г. Комплексные соединения переходных металлов на основе ацил-, тиоацилгидразонов и их циклических таутомеров: Дисс... докт.хим.наук. – Т.: ИУ АН РУз, 1990.
3. Севинчов Н.Г. Комплексные соединения никеля, цинка и меди с производными бис-β-дикетонов: Дисс... канд. хим. наук. – Т.: НУУз, 2011. – 134 с.
4. Умаров Б.Б., Парпиев Н.А., Севинчов Н.Г., Косимов С.К., Зелинский К.Н., Якимович С.И. Синтез и таутомерия β,β¹ – тетракарбонильных соединений //Тез.док. II научно-технической конференции «Новые неорг. материалы». 1-3 декабря 1999 г. – Ташкент: ТашХТИ, 1999.
5. Парпиев Н.А., Умаров Б.Б., Севинчов Н.Г., Мардонов У.М., Якумович С.И., Зерова И.В. Синтез, свойства производных и комплексов тетракарбонильных соединений // Тезисы докладов XVII Менделеевского съезда по общей и прикладной химии “Достижения и перспективы химической науки”. 21-26 сентября 2003 г. – Казань, 2003. – Т.2. – С. 158.
6. Парпиев Н.А., Умаров Б.Б., Севинчов Н.Г., Мардонов У.М., Авезов К.Г., Эргашова Н.М. Синтез и строение фторированного тетракарбонильного соединения и его бензоилгидразидов β,β-кетон //Доклады Академии наук Республики Узбекистан. – Т., 2004. – № 1. – С. 69-73.
7. Умаров Б.Б., Севинчов Н.Г., Парпиев Н.А., Мардонов У.М., Авезов К.Г., Кузиева З.Э., Кучкорова Р.Р. Синтез комплексных соединений никеля (II) и меди (II) с бензоилгидразонами тетракарбонильных соединений //Узбекский химический журнал. – Т., 2004. – № 3. – С. 32-37.
8. Умаров Б.Б., Севинчов Н.Г., Парпиев Н.А., Мардонов У.М., Абдурахмонов С.Ф., Камолова З.К., Кодиров З.К. Синтез и свойства производных тетракарбонильных соединений // Узбекский химический журнал. – Т., 2004. – № 4. – С. 11-18.
9. Накамото К. ИК спектры и спектры КР неорганических и координационных соединений. – М.: Мир, 1991. – 505 с.
10. Селиванов С.И. Изучение механизма реакции 1,3-дикетонов с гидразинами методом спектроскопии ЯМР высокого разрешения в проточной жидкости: Автореф. дисс...канд.хим.наук. – Л.: ЛГУ, 1982. – 17 с.
11. Парпиев Н.А., Юсупов В.Г., Якимович С.И., Шарипов Х.Т. Ацилгидразоны и их комплексы с переходными металлами. – Т.: Фан, 1988. – 161 с.
12. Тошев М.Т., Юсупов В.Г., Дустов Х.Б., Парпиев Н.А. Кристаллохимия комплексов металлов с гидразидами и гидразонами. – Т.: Фан, 1994. – 266 с.
13. Умаров Б.Б., Гайбуллаев Х.С., Парпиев Н.А. Комплексы переходных металлов с бензоилгидразоном бензоилуксусного альдегида //Доклады АН РУз. – Т., 1994. – № 12. – С. 26-28.
14. Гайбуллаев Х.С., Умаров Б.Б., Парпиев Н.А. Синтез и исследование координационных соединений меди (II) на основе замещенных бензоилгидразонов формилпинаколина и метилового эфира 5,5-диметил-2,4- диоксогексановой кислоты //

Тез. докл II Республиканской конференции молодых учёных и специалистов «Угит- 95». 16-17 январь 1995 г. – Т., 1995. – С. 54.

15. Юсупов В.Г., Насирдинов С.Д., Якимович С.И., Парпиев Н.А. Координационные соединения никеля (II) с бензоилгидразонами ацетилпииколина и метилового эфира 5,5-диметил-2,4-диоксогексановой кислоты //Коорд. химия. – Москва, 1984. – № 10. – С. 532-540.

16. Ларин Г.М. Взаимное влияние металлов и лигандов в координационных соединениях //Коорд. химия. – Москва, 1993. – Т.19. – № 5. – С. 335-357.

17. Юсупов В.Г., Насирдинов С.Д., Якимович С.И., Парпиев Н.А. Координационные соединения ацилгидразонов ацетоуксусного эфира с ионами Ni(II), Co(II) и Cu(II) //Журнал общей химии. – Санкт-Петербург, 1980. – Т.50. – № 11. – С. 2547-2553.

18. Гайбуллаев Х.С., Умаров Б.Б., Парпиев Н.А., Якимович С.И., Зерова И.В. Комплексы никеля (II) на основе ацил-, ароилгидразонов формилпинаколина и метилового эфира 5,5-диметил-2,4-диоксогексановой кислоты //Узб.хим.журн. – Т., 1994. – № 3. – С. 12-16.

УДК 663.81.86

ТАБИЙ ХОМ АШЁЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ГИДРОЛИТИК ФЕРМЕНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Зарипов Гулмурот Тохирович

БухДУ Илмий ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, Экология кафедраси доценти, техника фанлари номзоди

Бешимов Юсуф Саидович

БМТИ Техника хавфсизлиги кафедраси доценти, техника фанлари номзоди

Таянч сўзлар: экстракт, композиция, композит, фермент, глюкомальт ТС, винозим G, винозим FCE, препарат, бактерия, гидролитик, β-глюканаза.

Ключевые слова: экстракт, композиция, композит, фермент, глюкомальт ТС, винозим G, винозим FCE, препарат, бактерия, гидролитик, β-глюканаза.

Key words: extract, composition, composite, enzyme, glyukomalt TC, vinozim G, vinozim FCE, medication, bacteria, gidrolitik, β-glucanase.

Мақолада табиий хом ашёдан экстракт ва композит тайёрлаш технологияси хусусида фикр билдирилган. Бу жараёнда гидролитик ферментлардан фойдаланиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

В данной статье представлена технология получения композита и экстракта из натурального сырья. На основе экспериментальных исследований авторы приходят к выводу, что добавление гидролитических ферментов положительно влияет на технологический процесс и качество продукта.

This article presents a technology for producing composite and extracts from natural raw materials. On the basis of experimental studies, the author comes to the conclusion that the addition of hydrolytic enzymes, a positive effect on the process and product quality.

Кириш. Сўнгги йилларда республикамизда хорижий фирмалардан турли фаоллик ва хусусиятларга эга бўлган фермент препаратлари харид қилинмоқда. Масалан, «Эрбсле Гайзенхайм» фирмасининг Глюкомальт ТС, Дистицим АГ, Дистицим П-7, Ликвимеш препаратлари, «Новозаймс» фирмасининг Винозим G, Новоклеар FCE G, Новаром G ва бошқа турдаги фермент препаратлари харид қилинган. Бу фермент препаратлари юқори гидролитик фаолликка эга бўлиб, табиий хом ашёларни қайта ишлашда катта самара бермоқда [1-4]. Айниқса, «Новозаймс» фирмаси тавсия этаётган юқори фаолликка эга Глюкомальт ТС – комплекс препарат бўлиб, таркибида глюкоамилаза, α-амилаза ва нейтрал протеиназа ферментлари мавжуд.

Дистицим АГ препарати глюкоамилаза фаоллик бўйича юқори кўрсаткичга эга. Таркибида протеиназа бўлганлиги учун оқсилларни гидролизлашда ҳам қўллаш мумкин.

Дистицим П-7 препарати бактериялардан олинган бўлиб, оқсилларни гидролизлашда яхши самара беради. Дистицим Протацид Экстра препарати сўнгги ишланма бўлиб, оқсиллар ва крахмални гидролизлашда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Шарбат таркибидаги оқсилларни, β -глюканларни, пентозанларни гидролизлашда замбуруғлардан олинган Ликвимеш комплекс фермент препаратини ҳам юқори самара билан қўллаш мумкин. Бу препарат шарбатлар қовушқоқлигини камайтириб, филтрлаш жараёнини тезлаштиради.

Ҳозирги вақтда «Новозаймс» компанияси пектолитик ва цитолитик фаолликка эга бўлган бир қанча препаратлар ишлаб чиқармоқда. Масалан, Винозим G юқори даражада қуюқлаштирилган препарат ҳисобланади, у пектиназа ва β -глюканаза ферментларга бой бўлиб, узум ва ҳўл меваларни қайта ишлашга мўлжалланган [5].

Меваларни қайта ишлашда ҳужайра қобиғини гидролизловчи ферментлар таъсирида олинаётган шарбатларни биологик фаол моддаларга бойитиш ва шарбатни тўлароқ ажратиш олиш имкониятини беради. Бу мақсадда Винозим G, Винозим FCE G, Новоклаир FCE G, Ультразим 100G, Новором G, Глюканекс G ва бошқа ферментлардан фойдаланиш мумкин.

Винозим G грануланган фермент препарати бўлиб, моғор замбуруғи *Aspergillus niger*ни ўстириш усули билан олинган. Унинг таркибида пектолитик фаолликдан ташқари, целлюлолитик фаоллик (геммицеллюлоза ва целлюлоза) ҳам мавжуд.

Биринчи жадвалда изланишларда фойдаланилган айрим фермент препаратла-рининг маълум бир хусусиятлари келтирилган.


1- жадвал

Фойдаланилган ферментларнинг фаоллиги ва асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Винозим G	Винозим FCE G
Пектолитик фаоллик, ед/г	4000	5000
pH оптимуми	4,5-5,6	4,5-5,6
Температура оптимуми	46-48	46-48

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, ферментнинг мўътадил таъсир этиш шартлари биз тайёрлаган композитнинг физик-кимёвий кўрсаткичларига мос келади.

Тажрибада қизил сабзи майдаланганидан сўнг унга 45 С да Винозим FCE билан 1 соат ферментатив ишлов берилган. Шарбат филтрлаб ажратиш олинган. Ферментатив ишловдан сўнг шарбатнинг филтрланиш тезлиги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Сабзи шарбатининг филтрланиш тезлиги

1- назорат намунаси, 2- фермент билан ишлов берилгандан сўнг

Расмдан кўриниб турибдики, турли усулда олинган шарбатлар филтрланиш тезлиги билан бир биридан фарқланади. Агар ферментацияланмаган шарбатнинг ўртача

филътрланиш тезлиги 0,5 мл/сек бўлса, фермент билан ишлов берилган шарбатнинг филътрланиш тезлиги 0,9 мл/сек ни ташкил этган.

2- жадвал

Ферментатив ишловдан сўнг қизил сабзининг механик таркиби

Таркибий қисми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Умумий вазни	г/кг	1000
Пўстлоғи	г/кг	85-120
Эти	г/кг	880-915
Шарбати,	мл/кг	570
Турпи («выжимка»)	г/кг	286
Шарбатдаги қуруқ моддалар миқдори	% (г)	8,8 (50)
Турпи (выжимкаси) таркибида қолган, сувда эрийдиган қуруқ моддалар миқдори	г/кг	2,3

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қизил сабзи янчилмасига ферментатив ишловдан сўнг шарбат таркибидаги қуруқ моддалар миқдори 8,8% ни (ферментсиз - 8,0) ташкил этган. Сабзи турпи (выжимкаси) таркибида сувда эрийдиган қуруқ моддалар миқдори эса 2,3% ни (ферментсиз -8,1%) ташкил этди.

Кейинги тажрибалар юқорида таҳлил қилинган органик кислоталар билан экстракциялаш жараёнини умумлаштирган ҳолатда олиб борилди.

Шу усулда ишлов бериб олинган экстракт вакуум-қуюқлаштиргичда қуюқлаштирилди. Бундай ҳолатдаги экстрактни узоқ муддат сақлаш мумкин, бундан ташқари узоқ масофаларга транспортировка қилишда жуда кўп қулайликлар мавжуд бўлади. Қуюқлаштирилган сабзи композициясининг ўзгармасдан узоқ муддат сақланиши учун унга алкогольсиз ичимликлар тайёрлашда барқарорлик берувчи модда сифатида натрий бензонатидан қўшилган.

Қуюқлаштириш 300-350 мм. симоб уст тенг босим остида 65-70°C ҳароратда қуруқ моддалар миқдори 58% га етгунга қадар давом эттирилди. Бундай ҳароратда биологик фаол моддалар, ферментлар, витаминлар, протеинлар парчаланмайди ва экстрактнинг озиқавий қиймати пасаймайди. Тадқиқот натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Қизил сабзидан тайёрланган экстракт ва композитнинг кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экстракт	Қуюқлаштирилган экстракт (ферментсиз)	Фермент билан ишлов бериб қуюқлаштирилган экстракт
Қуруқ моддалар	%	1,99	46,0	58,0
Моносахаридлар	%	2,0	34,3	43,8
Полисахаридлар	%	0,08	1,71	2,3
Шу жумладан: Целлюлоза	%	0,07	1,2	1,35
Пектин моддалари	%	0,01	0,51	0,49
Протеин	г/дм ³	2,9	2,57	2,54
Триглицеридлар	г/дм ³	0,3	1,54	0,70
Органик кислоталар	г/дм ³	5,10	87,46	83,2
Минерал моддалар	мг/дм ³	680	16593,6	19370,3
Шу жумладан: Фосфор	мг/дм ³	101,2	5101,2	5930,3
Кальций	мг/дм ³	88,4	2888,4	3378,2

Натрий	мг/дм ³	34,0	1334,0	1560,0
Магний	мг/дм ³	82,4	2582,4	3020,0
Калий	мг/дм ³	353,6	2853,6	3337,1
Темир	мг/дм ³	20,4	1834,0	2145,0
Витаминлар	мг/дм ³	15,2	246,0	285,0
Шу жумладан: «С»	мг/дм ³	11,0	111,0	127,0
«В» гуруҳи	мг/дм ³	0,3	27,5	32,0
«РР»	мг/дм ³	0,9	24,5	29,0
В- каротин	мг/дм ³	3,0	83,0	97,0

Солиштириш мақсадида экстрактни 0,03% пектолитик, целлюлолитик ва протеолитик фермент препаратлари билан ишлов берилди ва қуюқлаштирилди, кимёвий таркиби ҳамда айрим ферментлар фаоллиги фермент препарати билан ишлов берилмаган экстракт билан таққосланган ҳолда ўрганилди.

Композитларнинг таъм кўрсаткичлари аниқланганда, фермент препаратлари билан ишлов берилган маҳсулотлар тўлиқроқ, ялтироқ ва нордонлиги юмшоқроқ эканлиги аниқланди.

Қуюқлаштирилган сабзи экстрактининг моносакхаридлар, органик кислоталар, минерал моддалар ва витаминларга бойлиги келтирилган жадвалдан кўриниб турибди. Тайёрланган экстрактларнинг барқарорлиги унинг таркибидаги оксилларга, пектинли моддаларга ва полифенольларга боғлиқдир. Композитларга термик ишлов берилганда бу моддаларнинг маълум қисми денатурацияга учраб чўкмага тушади. Қолган қисми эса экстрактларни сақлаш даврида физик-кимёвий жараёнларни амалга ошириши ҳамда чўкма ҳосил бўлишга олиб келиши мумкин.

Чўкма тушиши ва қатламлар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида ксилли ва пектинли моддаларни экстракт таркибидан чиқариб ташлаш ёки гидролиз қилиш лозим. Экстрактга ферментатив ишлов берилганда оксиллар ва пектинлар гидролизга учраши натижасида шарбат таркибида унинг миқдори камаяди.

Маълумки, қизил сабзи экстракти таркибида юқори молекулали бирикмаларга нисбатан пектинли моддалар ва оксиллар миқдори кам бўлса-да, уни қуюқлаштириш натижасида композит таркибидаги миқдор 0,19 ва 0,23% ни ташкил этади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қизил сабзидан олинган экстрактни вакуум остида буғлатиш натижасида қуруқ моддалар миқдори 51,3% бўлганда қуюқ масса ҳосил бўлади. Қуюқлаштирилган экстракт совитилганда унинг оқувчанлиги камайиб кетади. Буни экстракт таркибидаги пектинли ва оксилли моддаларнинг миқдори ҳаддан ташқари юқори бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қизил сабзидан экстракт олгандан сўнг, унга Винозим G ва Винозим FCE фермент препаратлари билан ишлов берилди. Ферментлаштириш жараёни 45°C, 70-90 мин давомида олиб борилди. Фермент миқдори 1 тонна экстрактга 400-450 мл ни ташкил этди. Ферментациялаштириш асосида экстракт таркибидаги юқори молекулали бирикмаларнинг гидролизланиши натижасида экстрактнинг қовушқоқлиги сезиларли даражада камайди.

Хулоса. Шундай усул билан олинган экстракт вакуум остида буғлантирилганда 60% қуюқ экстракт олиш мумкинлиги аниқланди. Қуюқлаштирилган экстрактнинг кимёвий таркиби ўрганилганда пектинли ва оксилли моддалар миқдори сезиларли даражада камайганлиги аниқланди. Демак, олинган натижалар асосида табиий хом ашёлардан экстракт ва композит тайёрланаётганда гидролитик ферментлардан фойдаланиш технологик жараёнларга ижобий таъсир этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади, деган хулоса чиқариш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуразоқова С.Х., Рустамбекова Г. Вино биокимёси. – Тошкент: Наврўз, 2005. – 240 б.

2. **Покровский А.А.** Химический состав пищевых продуктов. – М.: Пищевая промышленность, 1976. – 227 с.
3. Технологическая инструкция по использованию в спиртовом производстве ферментных препаратов фирмы «Эндэ индустриал корпорейшн»// ТИ 10-16125-01. – Москва, 2001. – 17 с.
4. **Хассельбек Г., Плохов А.Ю., Сахаров Ю.В.** Применение ферментных препаратов фирмы «Эрбсле Гайзенхайм» в спиртовой промышленности // Производство спирта и ликероводочных изделий. – 2002. – № 3. – С. 22-23.
5. **Чечнев Р.В., Андриенко Т.В.** Новозаймс – подводя итоги // Производство спирта и ликероводочных изделий. – 2006. – № 2. – С. 29-30.

УДК 542.61;536.44

МАССОПЕРЕНОС ПРИ ФИЛЬТРАЦИИ СВЕРХКРИТИЧЕСКОГО CO₂ ЧЕРЕЗ ЗЕРНИСТЫЙ СЛОЙ ОБРАБАТЫВАЕМОГО РАСТИТЕЛЬНОГО МАТЕРИАЛА

Мирзаева Шохиста Усмоновна

Младший научный сотрудник кафедры информационно-коммуникационных систем управления технологическими процессами БухИТИ

Гафуров Карим Хакимович

Доцент кафедры информационно-коммуникационных систем управления технологическими процессами БухИТИ, к.т.н.

Мухаммадиев Баходир Темурович

Старший научный сотрудник кафедры информационно-коммуникационных систем управления технологическими процессами БухИТИ

Кулдашева Феруза Салимовна

Ассистент кафедры информационно-коммуникационных систем управления технологическими процессами БухИТИ

Рузиева Комила Эрназаровна

Старший преподаватель кафедры химия БухИТИ

Таянч сўзлар: ўтакритик экстракция, ёғ сақловчи маҳсулотлар, математик модель, гиперболик тенглама, флюидлар, мицелла, микрофибриллар, макрофибриллар, диффузия, полидисперттилик.

Ключевые слова: сверхкритическая экстракция, масличные культуры, математическая модель, гиперболические уравнения, флюиды, мицелла, микрофибриллы, макрофибриллы, диффузия, полидиспертность.

Key words: supercritical extraction, oil-bearing cultures, mathematical model, hyperbolic equations, fluids, micelle, microfibrils, diffusion, polydispersity.

Ўтакритик CO₂ ёрдамида олинган экстракция маҳсулотларининг соддалаштирилган математик модели ишлаб чиқилган. Жараён характеристикаларига асосланган гиперболик тенгламалар икки системага таянган бўлади: 1) маҳсулотнинг донатор қатлами микроскопик каналларидаги ёғнинг флюиддаги концентрацияси тенгламаси; 2) маҳсулотдан бошланғич босқичда ёғ чиқиши жараёнига.

Разработана упрощенная математическая модель процесса экстракции растительных ингредиентов сверхкритического CO₂. Она сводится к двум системам гиперболических уравнений, относящихся к основным характеристикам процесса, а именно концентрации масла в флюиде в микроскопических каналах зернистого слоя частиц и выделению начального запаса масла из частиц.

A simplified mathematical model of the process of extraction of supercritical CO₂ is developed in the article. It resolves into two systems of hyperbolic equations related to the main characteristics of the process, particularly to the concentration of oil in the fluid of microscopic canals of granulous layer of particles and to the extraction of primary storage of oil from particles.

Введение. С обретением независимости в Узбекистане происходят коренные изменения во всех сферах жизни общества. Доля услуг в структуре ВВП возросла до 53%. В рамках инвестиционной программы завершена реализация около 150 проектов производственного направления общей стоимостью около 2,7 млрд. долларов США [1].

В результате осуществления мер по рационализации издержек производства, внедрению энергосберегающих технологий обеспечено снижение себестоимости производимой продукции в среднем на 11,2%, а энергоёмкости ВВП – на 15,3%.

Несмотря на нестабильность конъюнктуры мирового рынка, обеспечен рост объемов экспорта на 10,9% и получено положительное сальдо внешнеторгового оборота в размере 1,3 млрд. долларов США. Свыше 72% всего объема экспорта приходилось на несырьевые товары.

На современном этапе осуществления экономических реформ в Узбекистане особый приоритет отдается модернизации производства [2]. При этом большое значение имеет анализ, моделирование, расчет и выбор оптимальных систем.

Фильтрация CO_2 через зернистый слой растительного материала представляет собой довольно – таки сложный многофакторный процесс, осуществление которого как в лабораторных, так и в промышленных масштабах требует значительных временных затрат. Математические модели дают возможность выбора наиболее оптимальных условий (ресурсо- и энергосбережение) ведения процесса для достижения поставленных целей [4,5,6].

Рассмотрение подходов к математическому описанию взаимодействий потоков сверхкритических флюидов (СКФ) с зернистыми слоями растительных материалов и измерению фазовых равновесий экстрагируемых целевых ингредиентов в чистых и модифицированных СКФ и выбор методов анализа обнаруживает два основных подхода [7] к описанию диффузионного и конвективного массопереноса при фильтрации флюида через зернистый слой клеточных структур: модели «разрушенных ячеек» ВИС и «служашего ядра» SC. По-видимому, модель SC является лучшей, т.к. содержит один свободный параметр – диффузионное сопротивление межклеточных каналов, тогда как в модели ВИС таких параметров 2 или 3, в зависимости от ее модификации. Следует отметить, что до сих пор не проведен критериальный анализ этих моделей, нет детального параметрического анализа процессов экстракции, не учитывается полидисперсность сырья, не оптимизированы процессы массопереноса через слой обрабатываемого растительного материала в отношении качества получаемого ингредиента. Нет четких алгоритмов промышленных экстракционных технологий, основанных на результатах производственных и лабораторных опытов.

Целью данного исследования является создание и рассмотрение математических моделей массопереноса при фильтрации сверхкритического CO_2 через зернистый слой обрабатываемого растительного материала. Рассмотрим математическую модель массопереноса на примере молотых семян арбуза. В процессе экстракции масло, содержащееся в косточках, растворяется в СКФ, диффундирует по межклеточным каналам к границам частиц зернистого слоя, оттуда уносится фильтрационным потоком СК- CO_2 .

Согласно модели SC, в частицах зернистого слоя выделяются две зоны: в ядре масло из растительных клеток ещё не начало вырабатываться, а межклеточные каналы заполнены СК- CO_2 с равновесной концентрацией растворенного масла θ_z ; в зоне истощения масло из ячеек полностью выработано, а концентрация в межклеточных каналах изменяется от θ_z на подвижной границе $z=f(t)$ до меньшего значения θ_α при $z=\alpha$. Перепад концентраций $\theta_z - \theta_\alpha$ является движущей силой диффузионного переноса масла по межклеточным каналам от ядра к поверхности частицы. Доказано [8], что диффузионное сопротивление области истощения много больше сопротивления диффузионного пограничного слоя, возникающего во внутривещном пространстве на границе частицы, и процесс диффузии в истощенной зоне можно считать квазистационарным. Это позволяет отождествлять величины θ_α и C, выразить через

разность концентраций $\theta_z - C$ – скорость движения, R – фронт истощения и диффузионный поток – q , кг/м² с единицы поверхности частицы во внутриворонное пространство:

$$-(a - R)R \frac{\partial R}{\partial t} = \frac{\varepsilon D a}{(\theta)_0} (\theta_z - C) \quad (1)$$

$$q = \frac{\varepsilon D R}{(a - R)a} (\theta_z - C), \quad (2)$$

где ε – объемная доля межклеточных каналов внутри частицы, D – коэффициент молекулярной диффузии, a – радиус частицы, м.

Проведением критериального анализа процесса экстракции было показано [7], что в типичных ситуациях емкостными и дисперсионными эффектами во внутриворонном пространстве можно пренебречь в сравнении с емкостью частиц засыпки и конвективным переносом. Следовательно, уравнение для концентрации раствора масла в СКФ при его фильтрации через зернистый слой выглядит так:

$$\frac{\partial C}{\partial Z} = \frac{1 - e}{a} q. \quad (3)$$

Величина $(1 - e)a^{-1}$ представляет собой площадь поверхности частиц засыпки в единице объема пористого слоя. Уравнения [1] и [3] совместно дадут систему уравнений для определения неизвестных функций $C(Z, t)$ и $R(Z, t)$:

$$-R(a - R) \frac{\partial R}{\partial t} = \frac{\varepsilon D a}{(\theta)_0} (\theta_z - C) \quad (4)$$

$$v \frac{\partial R}{\partial t} = 3 \frac{\varepsilon D (1 - e) E}{a^2 (a - R)} (\theta_z - C). \quad (5)$$

Уравнения (4) и (5) представляют собой результирующую формулировку математической модели экстракции масла из монодисперсного зернистого слоя. Переход с сохранением прежних обозначений к безразмерным переменным C , R , t , Z за счет нормировки их на θ_z , a , t_{sc} , Z_{sc} соответственно.

$Z_{sc} \frac{va^2}{3\varepsilon D(1 - e)}, t_{sc} = \frac{a^2 (\theta)_0}{\varepsilon D \theta_z}$ позволяет получить следующую задачу для нахождения $C_1 R$:

$$-R(1 - R) \frac{\partial R}{\partial t} = 1 - C, R(\theta, Z) = 1, \quad (6)$$

$$(1 - R) \frac{\partial C}{\partial Z} = R(1 - C), C(t, 0) = 0. \quad (7)$$

Задача допускает аналитическое решение, которое можно использовать для расчета динамики экстракции масла в зернистом слое заданной высоты H . Отношение добытого к моменту времени t масла к его начальным запасам определяется универсальной зависимостью $Y(t, \bar{H})$:

$$Y = \frac{y}{\rho}, \quad \tau = \frac{vt\theta_z}{\rho H}, \quad \bar{H} = \frac{3H(1 - e)}{la^2 v} \varepsilon D, \quad (8)$$

где $y(t)$, кг/м³ – масса извлеченного масла за время t , отнесенная к объему зернистого слоя; $\rho = (\theta)_0(1 - e)(1 - \varepsilon)$ – масса масла в единице объема зернистого слоя до начала процесса.

Для полидисперсного зернистого слоя необходимо иметь данные о распределении частиц слоя по размерам. Она задается с помощью плотности $f(\alpha)$ объемного распределения частиц, так что величина $f(\alpha) d\alpha$ представляет собой отношение суммарного объема частиц с размерами в диапазоне $\alpha - (\alpha + d\alpha)$ к суммарному объему всех частиц.

Очевидно, что глубина проработки частиц зависит в данном случае не только от времени и пространственной координаты, как для монодисперсного слоя, но и от размера данной частицы, $R = R(t, Z, \alpha)$. В то же время концентрация масла $C = C(t, Z)$ в фильтрационном потоке остается функцией только t и Z . Уравнение (4), описывающее продвижение границы истощения, очевидно сохраняет свой вид и в случае полидисперсного слоя. Здесь необходимо учитывать уже не одно, а семейство уравнений, зависящих от α , как от параметра. Для нахождения общего потока масла во

внутрипоровом пространстве необходимо просуммировать потоки от каждой из частиц. Тогда уравнение (3) для концентрации примет вид:

$$v \frac{\partial C}{\partial Z} = (1 - e) \epsilon D (\theta_2 - C) \int_0^{\infty} \frac{R}{a-R} f(a) \frac{da}{a^2} . \quad (9)$$

Таким образом, для нахождения функций $R(t, Z, a)$ и $C(t, Z)$ имеется параметрическое семейство уравнений (4) и (9).

Закключение. Выяснено, что для зернистого слоя с явно выраженной полидисперсностью, процесс СКЭ имеет двухстадийный характер, присущий модели BIG. Следовательно, учет полидисперсности в модели SC позволяет объяснить резкую смену темпа извлечения без привлечения дополнительных гипотез, лежащих в основе модели BIG. Для подтверждения адекватности полидисперсной модели была проведена серия лабораторных опытов по извлечению масла из молотых косточек арбуза для различных распределений частиц по размерам. Во всех случаях наблюдалось удовлетворительное совпадение опытных и теоретических кривых темпа выхода масла (9). Эти экспериментальные данные будут обсуждены в следующих публикациях.

ЛИТЕРАТУРА

1. **Каримов И.А.** Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги йил 28 январь. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 35.
2. **Каримов И.А.** Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 2009. – С. 56.
3. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год. - <http://uza.uz/ru/politics/doklad-prezidenta-respubliki-uzbekistan-islama-karimova-na-r-16-01-2016>.
4. **Сафаров А.Ф., Гафуров К.Х., Шомуродов Т.Р.** Перспективы применения сверхкритической флюидной экстракции в пищевой промышленности Узбекистана //Химия и химическая технология. – 2013. – № 3. – С. 65-69.
5. **Сафаров А.Ф., Гафуров К.Х.** Применение сжиженного углекислого газа, как растворителя, для получения экстрактов из растительного сырья: Монография. – Бухара: Бухара, – 2014. – С. 117.
6. **Мухамадиев Б.Т., Рузиева К.Э.** Моделирование влияния термодинамических параметров (P,T) на растворимость и коэффициент диффузии липидов из растительных материалов// Материалы Международной конференции. – Курск, – 2014. – С. 42.
7. **Максудов Р.Н., Егоров А.Г., Мазо А.Н. и др.** Математическая модель экстрагирования семян масличных культур сверхкритическим CO₂// Сверхкритич. флюиды: Теория и практика. – 2008. – № 2. – С. 20.
8. **Максудов Р.Н.** Обработка лекарственного растительного сырья сверхкритическими флюидами: Автореф... док.дисс. – Казань: КТУ, 2012.
9. **Мухамадиев Б.Т., Рузиева К.Э., Адизова Н.З.** Особенности экстрагирования из растительных материалов с клеточной структурой//Развитие науки и технологий. – Бухара, – 2015. – Т.1. – № 4. – С. 32.

УДК 004.92

CORELDRAW DASTURI INSTRUMENTLARI YORDAMIDA MAXSUS EFFEKTLAR YARATISH YO`LLARI

Sayidova Nazokat Sayfullayevna

BuxDU Axborot texnologiyalari kafedrası dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi

Kazimova Gulbaxor Xasanovna

BuxMTI Informatika va axborot texnologiyalari kafedrası katta o`qituvchisi

Tayanch so`zlar: grafikli obyektlar, effektlar, menyu, vektorli obyekt, rastri obyekt, parametrlar, uskunalar paneli, uskuna, maydon.

Ключевые слова: графические объекты, эффекты, меню, векторный объект, растровый объект, параметры, панель инструментов, инструмент, плоскость.

Key words: graphic objects, effects, menu, vector object, raster object, parameters, panels of tools, tool, plane.

Ushbu maqolada CorelDRAW dasturida instrumentlar yordamida maxsus effektlar yaratishning yo`llari ishlab chiqilgan.

В статье рассмотрено использование инструментов при создании специальных эффектов в программе CorelDRAW.

The article deals with the creation of special effects with the help of tools in CorelDRAW program.

Kirish. Axborotning asosiy qismini inson ko`rish a`zolari orqali oladi. Ko`rgazmali axborotning o`zlashtirilishi oson bo`ladi. Inson tabiatining ana shu xususiyati grafik operatsion tizimlarda ishlatiladi. Ularda axborot grafik obyektlar: znachoklar (belgilar), oynalar va rasmlar ko`rinishida tasvirlanadi. CorelDRAW – vektorli grafikaning Windows operatsion tizimida ishlaydigan yangi grafiklar yaratish va tahrir qiluvchi dasturidir. Uning yordamida turli grafik ko`rinishlarni loyihalash, foto matn, tasvirlar ustida ishlash, ayniqsa, badiiy ko`rinishdagi kompozitsiyalarni tahrir qilish bilan bog`liq amallarni bajarish mumkin.

Asboblar paneli (Toolbox) ishchi oynasining chap tomoniga joylashtirilgan bo`ladi. Asboblar panelida grafik obyekt ustida quyidagi amallar bajariladi – obyektlarni yaratish, obyektlarni ajratish, muharrirlash va ko`chrish asboblari joylashtirilgan.

Asboblar bilan ishlash paytida kursor tanlangan obyektga qarab formasini o`zgartiradi. Shu bilan birga, asboblar panelidagi ba`zi bir asboblar guruhini «Suzuvchi» panel ko`rinishida yoki Flyout ko`rinishida sozlash mumkin.

Docker tipidagi panel muloqot oyna ko`rinishida bo`ladi. Bu panellar har doim ekranda mavjud bo`ladi va ishchi oyna yonida joylashadi. Ekranda kerakli bo`lgan panelni chaqirish uchun menyuning Oyna (Window) va Docker (Dockers...) tipidagi panel buyrig`i va ochilgan ro`yxatdagi panellardan bittasi tanlanadi.

– Object Manager paneli (Диспетчер объектов) — obyekt parametrlarini tasvirlaydi, obyekt qatlamlarini boshqaradi.

– View Manager paneli (Диспетчер видов) — «tasvir ko`rinishlari»ni tasvirlaydi va boshqaradi.

– Graphic and Text Styles paneli (Стили текста и графика) — grafik va matnli stillarni yaratadi va o`zgartiradi.


– Color Styles paneli (Цветовые стили) — obyektlar bilan ishlashda ranglarni tanlaydi va ular ustida amallar bajaradi.

– Symbols and Special Characters paneli (Символы и специальные знаки) - mavjud bo`lmagan belgilarni tasvirlashda foydalaniladi.


– Internet Bookmark Manager paneli (Диспетчер закладок Internet) — gipermatnlarni boshqarish va yaratishda ishlatiladi.

– HTML Object Conflict paneli (Анализатор конфликтов объектов HTML) – Internetda nashr etishdan avval hujjatlar to`g`riligini tekshiradi va noto`g`rilarini tuzatadi.

- Script and Preset Manager paneli (Диспетчер макросов и готовых образцов) — makro dasturlarni yozishda foydalaniladi.
- Object Data paneli (ma'lumotlar jamg'armasi) — har bir obyektga jadvaldagi ma'lumotlar berkitiladi, masalan, narxi, o'lchami va h.k. ma'lumotlar.
- Object Properties paneli (Свойства объектов) — hujjatdagi obyektning barcha parametrlari haqida ma'lumot beradi va o'zgarish kiritadi [1].



- Link Manager paneli (Диспетчер связанных изображений) — hujjatda mavjud bo'lmagan, faqat u bilan bog'langan tasvirlarni boshqarish.
 - Bitmap Color Mask paneli (Цветовая маска точечного изображения) – rastrli tasvirlar bilan ishlashda ranglar maskasini yaratish.
 - Lens paneli (Линза) — linza turini tanlash va uning parametrlarini o'rnatish.
 - Artistic Media paneli (Имитация) — vektorli qalamning murakkab turlari bilan ishlash.
 - Transformation paneli (Трансформирование) — obyektlarni siljitishning har xil turlari bilan ishlash.
 - Shaping paneli (Изменение формы) — bir nechta obyektlarni uch xil ko'rinishda birlashtirish.
 - Color (Цвет) va Color Palette Browser (Цветовая палитра) panellari — ranglar bilan ishlash.
 - Browse (Обзор) paneli — hujjatlarni boshqarish va ularni har xil tusda ko'rish.
 - Cliparts (Векторные изображения), Photos (Фотографии), 3D models (Трёхмерные модели) panellari — dastur bilan birgalikda o'rnatilgan kompakt disklar bilan ishlash (CD-ROM).
 - FTP Sites (Сайты FTP) paneli — FTP saytlarini saqlash va katta massivli ma'lumotlarni ko'chirish uchun ular bilan tez bog'lanish.
- Agarda yuqorida ko'rsatilgan menyuda qandaydir buyruq bo'lmasa u holda menyuni (Menyu) Parametrlar (Options) yordamida qo'shish mumkin [2].





Obyektlar ustida qanaqa amal bajarilmasin oxirgi obyekt boshqalaridan ajratilgan bo'lishi kerak.

Bu amalni bajarish uchun maxsus ajratish asbobi Стрелка (Pick) ishlatiladi. Obyektning ajratilganligini obyektning yonidagi markerlardan va obyekt markazidagi krestdan bilish mumkin. Agarda bir nechta obyektlar ajratilgan bo'lsa markerlar katta to'rtburchak shaklida bo'ladi.


CorelDRAW vektor dasturida obyektning shaklini Форма (Shape) asbob yordamida o'zgartirsa bo'ladi, ko'pchilik hollarda obyektning har bir tayanch nuqtasi bilan ishlashga to'g'ri keladi, bu esa qiyinchilik tug'diradi. Bu masalani yechish uchun effektlar ko'rinishidagi maxsus dastur ishlab chiqilgan.

Oddiy vektor effektlariga oddiy obyektдан murakkabga yoki teskarisi murakkabdan oddiyga o'tadigan obyektlardan tashkil topadi. Natijada obyekt shakli hech qanday o'zgarishga (deformatsiyaga) uchramaydi faqat uni tashkil etuvchilar yig'indisi o'zgaradi.



Комбинировать (Combine) buyrug'i, Свойства (Property Bar) menyuning tashkil etuvchisi Управление (Arrange) yordamida bir yoki bir nechta obyektlarni bitta obyektga birlashtiradi. Bu buyruqni obyektlarning tayanch nuqtalarini birlashtirganda, yoki teshikchalar paydo qilganda qo'llaniladi.

Комбинировать (Combine) buyrug'ini foydalanishdan avval birlashtirilishi kerak bo'lgan obyektlar ajratiladi. Agarda obyektlar har xil zalivkalarda bo'lsa birlashtirilgandan keyin eng pastdagi obyekt zalivkasi olinadi.




Applikatsiya prinsipiga asoslangan holda o'zining xossasiga ega bo'lib obyektlar bitta bosqichga olib kelinib bo'yaladigan va bo'yalmaydigan obyektning qismlarini qayta bo'lashtiradi. Qayta bo'lashtirilganda kesishmaydigan obyektlar natijaviy obyektga kiradi, kesishadigan obyektlar esa ko'rinmas holga keltiriladi.


Jarayonni tushinish uchun shunday qoida bor. Agarda o'zimizning fikrimizda chiziqni chapdan o'ngga o'tkazilsa u holda obyektни kesib o'tgan birinchi konturdan boshlab zalivka boshlanib, ikkinchi konturda zalivka tugatiladi («teshikcha» bo'ladi) undan keyingisida zalivka bo'ladi va h.k.

Управление (Arrange) menyusida Комбинировать (Combine) buyrug'i birgalikda Разбить комбинацию (Break Apart) buyrug'i ham mavjud bo'lib, ko'p konturli obyektни tashkil etuvchi konturlarga ajratadi, va ular alohida bitta obyekt deb tushiniladi. Bu amalni Комбинировать

(Combine) buyruqni bekor qilishda yoki obyektни tashkil etuvchi konturlarga bo`lib ishlaganda foydalaniladi.




Obyektни belgilab Свойства (Property Bar) panelidagi Управление (Arrange) buyruqни tanlagandan keyin ishga tushiriladi. Управление (Arrange) da uchta buyruq mavjud bo`lib, Комбинировать (Combine) buyrug`ining turlaridan bo`lib, birlashtirishning qo`chimcha turlarini o`z ichiga oladi. Bu uchta buyruq Docker paneliga umumiy nomi Изменение формы (Shaping) qilib birlashtirilgan, yoki Свойства (Property Bar) panelida tugmalari ham berilgan. Buyruqning ayirib qo`yilgan tomoniga e`tibor berish kerakki, berilgan obyektlarning guruhiga ham qo`llasa bo`ladi. (Obyektlar belgilanib меню Управление (Arrange) menyusidagi Сгруппировать (Group) buyrug`i bajariladi) [4].



Управление (Arrange) menyusidagi yoki Свойства (Property Bar) panelidagi Объединить (Weld) buyrug`i yordamida hamma obyektlarni umumiy perimetrlari bo`yicha konturi chiziladi

Obyektlarni birlashtirish uchun bir yoki ikkita obyekt tanlanilib Объединить с... (Weld To...) tugmasini bosish kerak va ko`rsatilgan yo`nalish yordamida oxirgi obyektдаги obvodka, zalivkalarni yangi obyektga qo`llaydi.


Пересечение (Intersect) buyrug`i yoki Свойства (Property Bar) panelidagi mos tugmalar yordamida obyektlar biriktirilib shakli barcha obyektlarning kesishidan tashkil topgan yangi obyekt yaratiladi.



Ishlash va bayroqchalarning vazifasi Объединить (Weld) buyrug`iga o`xshash bo`ladi.

Отсечение (Trim) buyrug`i yoki Свойства (Property Bar) panelidagi mos tugmalarning vazifasi berilgan obyektlar ishidan keraksiz bo`lgan obyektlar birikmasini kesib olib tashlash.

Bu buyruqning bajarilishi Объединить (Weld) buyrug`iga o`xshash bo`ladi.



Murakkab turdagi vektorlar bilan ishlash menyuning Эффекты (Effects) orqali bajariladi. Эффекты (Effects) yettita buyruqdan tashkil topgan bo'lib obyektlar yoki obyektlarning yig'indisi ustida har xil effektlar bajaradi.

Перспектива (Add Perspective) buyrug'i Эффекты (Effects) menyusida joylashgan bo'lib obyektlar perspektivasini yaratish uchun obyektlarni har xil deformatsiya qiladi. Bu buyruq ajratilgan obyektни shtrixlangan burchaklarida to'rtta markerli ramkaga oladi. Tog'ri to'rtburchak ichida foydalanuvchi tomonidan gorizontal va vertikal chiziqlarga deformatsiya berishga mo'ljallangan tor joylashtirilgan.

Markerlarni siljitish orqali obyektни transformatsiya qiladi va bir yoki ikki nuqtali perspektivasini olamiz. Perspektiva ko'rinishini o'zgartirish uchun nuqtalarni surish kerak.

Эффекты (Effects) menyusidagi Копировать (Copy) buyrug'i har xil effektlar ro'yxati chiqariladi. Bu buyruq yordamida perspektiva parametrlarini ikkinchi belgilangan obyektда qo'llasa bo'ladi.

Berilgan buyruqda Удалить < effekt nomi > (Clear < effekt nomi >) bilan effekt, perspektiva parametrlari o'chiriladi.

Obyektни ajratganda qanaqadir effektdan foydalanilsa, dastur tomonidan uning nimani ko'rsatishi so'raladi.

Эффекты (Effects) menyudagi Оболочка (Envelope) buyrug'i vektor obyektlarni qobiqqa qo'yishni bajaradi.

Dockers turidagi panelni ekranga chaqirish uchun: Windows menyusidan Toolbars tanlaniladi va paydo bo'lgan oynadan chap tomonda Menyusidan Customize menyusini ochamiz, birinchi kolonkadan Effects jildi ochiladi, va kerakli asbob tanlaniladi (bizlar Envelope buyruqni tanlaymiz) va Add, OK tugmalarini bosish kerak. Shunday qilib, bizlar Windows – Dockers menyusiga Envelope buyruqni qo'shdik. Amal bajarilganda ekranda Dockers turidagi Envelope paneli ko'rinadi.

Интерактивная оболочка (Interactive Envelope) asbobini ishga tushirilsa ajratilgan obyekt atrofida to'rtburchak paydo bo'ladi, markerlarni siljitish orqali obyektни xohlagan shaklga olib kelsa bo'ladi. Markerlarni siljitish to'rtta muharrirlash rejimidan iborat.

1. По прямой линии (Straight Line) rejimi qobiqning segmentlarini to'g'ri chiziq ko'rinishida beradi.

2. По дуге (Single Arc) rejimi segmentlarni duga ko'rinishida beradi.

3. По двойной дуге (Double Arc) rejimi ikkita duga ko'rinishida beradi.

4. Свободный режим (Unconstrained Mode) rejimi qobiq konturlarini Форма (Shape) asbobi bilan muharrirlaganday o'zgartirish mumkin. Bu deganimiz tayanch nuqtalar, va boshqarish richaglar bilan ishlash imkoniyati tug'iladi. Obyektga tayanch nuqta qo'shish yoki uni olib tashlash mumkin bo'ladi [3].

Добавить готовую оболочку (Add Preset) tugmasi tayyor qobiqlar ro'yxatidan bittasini tanlashni bildiradi.

Dasturda qobiqni muharrirlashdan tashqari qobiqni xaritalashning to'rtta usuli mavjud:

1. Угловой (Putty) rejimi burchakdagi tayanch nuqtaga markerlar qo'yishni bildiradi.

2. Оригинальный (Original) rejimi burchak markerlari burchak tayanch nuqtalarda joylashtiriladi, boshqa tayanch nuqtalar qobiq chizig'iga bo'lib beriladi.


3. Горизонтальный (Horizontal) rejimi obyektни gorizontal chiziqlarini saqlagan holda joylashtiradi

4. Вертикальный (Vertical) rejimi obyektни vertikal chiziqlarini saqlagan holda joylashtiradi.

Сохранить прямые (Keep lines) bayroqchasi obyektдаgi to'g'ri chiziqni saqlashni bildiradi.

Har xil o'zgartirishlarni Свойства (Property Bar) panelidan yoki Эффекты (Effects) menyusidan Отменить обводку (Clear Envelope) buyrug'i bilan orqaga qaytariladi.

Эффекты (Effects) menyusidagi Blend (Пошаговый переход) buyrug'i obyektning bir shaklidan ikkinchisiga o'tganda bajarilgan ketma-ketlikni ko'rsatadi. CorelDRAW dasturida bu effektlarni quyidagicha boshqaramiz.




- Docker tipidagi panel;
- Свойства (Property Bar) asboblari satri;
- Интерактивный переход (Interactive Blend) asbobi.

Bu effektning eng yaxshi berilgani Docker tipidagi panelda u to'rtta: Шаги (Steps), Ускорение (Acceleration), Превращение цвета (Color Direction) и Разное (Miscellaneous) tugmalaridan iborat.

Amalda bajarish uchun asbob ishga tushiriladi kursor yordamida obyekt tanlanadi sichqoncha tugmasi bosilib shtrix chizig'ini oxirgi olingan obyektgacha suramiz. Natijada bajarilgan amallar guruhi namoyon bo'ladi.

Пошаговый переход (Blend) panelidagi Ускорение (Acceleration) tugmasi obyektlarni qaytadan joylashtiradi va joylashish tartibini o'zgartiradi.



Ускорение объектов (Accelerate objects) maydoni obyektlar orasidagi o'tish oralig'i teng bo'lgan holatlarni yoritadi, arag chap tomonga surilsa berilgan oxirgi obyektgacha bo'lgan voqealarni tezlashtiradi, o'ng tomonga surilsa oxirgi obyektidan boshlanadi.

Ускорение заливки/обводки (Accelerate fills/outlines) yuqoridagi amalga o'xshash bo'ladi faqat zalivka, obvodkalar ushun bajariladi.

Применить к размеру (Apply to sizing) Oradagi obyektlarni Ускорение объектов (Accelerate objects) nisbatan o'lgamlarini o'zgartiradi.

Связь ускорений (Link accelerations) bayroqchasi Ускорение объектов (Accelerate objects) va Ускорение заливки/обводки (Accelerate fills/outlines) maydonlaridagi qiymatlarni sinxronlashtiradi.

Превращение цвета (Color Direction) tugmasi bir rangdan ikkinchisiga o'tishni ta'minlaydi, bu amal Градиентная заливка (Fountain Fill) oynasidagi amalga ekvivalent bo'ladi. Berilgan uchta tugma bir rangdan boshqasiga o'tish yo'nalishini ko'rsatadi [1].

Переход по прямой линии (Straight Line Blend) tugmasi berilgan ranglar doirasidan to'g'ri chiziq bo'ylab boshqa rangga o'tishni ta'minlaydi. Qolgan ikkitasi Переход по часовой стрелке (Clockwise Path) va Переход против часовой стрелки (Counter clock wise) mos yo'nalishga soat strelkasi bo'ylab spiral bo'yicha ranglarni o'zgartirishni bildiradi.


Разное (Miscellaneous) to'rtta tugmadan iborat.

Картирование узлов (Map Nodes) tugmasi ishlaganda ekranga maxsus kursor chiqariladi. Bu kursor yordamida berilgan va oxirgi obyektlar tayanch nuqtalari tanlaniladi va dastur obyektning ikkinchi obyektga o'tishini ko'rsatadi.

Разбить (Split) tugmasida maxsus kursorni ekranga chiqaradi, uning yordamida oradagi obyektни uzib olish imkoniyati bo'ladi.

Восстановить начальный объект (Fuse Start) va Восстановить конечный объект (Fuse End) tugmalari кнопки Разбить (Split) tugma xizmatini bekor qiladi. Bir – biriga o'tishdagi xohlagan bitta obyektни <Ctrl> tugmasini bosgan holda sichqoncha chertiladi va joriy bo'lgan tugmalardan bittasini tanlaymiz.

Effects (Эффекты) menyusining Контур (Contour) buyrug'i yoki Интерактивный инструмент (Interactive Tool) joylashgan maxsus tugmasi berilgan obyektдан ichkari yoki tashqari yonaltirilgan konsentrik shakllarni chizadi.




Contour (Контур) panelida ikkita tugma bo'lib ulardan bittasi konturlarning tashqi ko'rinishini, ikkinchisi esa kontur rang parametrlarini bildiradi.

Birinchi tugma bosilganda Шаги (Steps) va Смещение (Offset) joriy bo'ladi. К центру (To center) yordamida Смещение (Offset) maydonida berilgan intervallar bilan berilgan konsentrik shakllar bilan to'ldiradi. Faqat, ko'chish diametri bo'yicha bo'lmaydi, (teng ikkiga bo'linmaydi), har bir chiziqli oldingisidan berilgan masofaga siljiriladi, shu sababli ikki barobar kam kontur chiqadi.

Внутри (Inside) konsentrik shakllar bilan toldiriladi, uning soni Шаги (Steps) maydonidan beriladi, Смещение (Offset) dan esa intervali aniqlanadi [4].

Наружу (Outside) esa obyektning tashqarisidan konsentrik shakl bilan to'ldiriladi shakllar soni Шаг (Steps)da beriladi, intervallar soni esa Смещение (Offset) aniqlanadi.

Effects (Эффекты)dagi Линза (Lens) buyrug'i ajratilgan obyekt sklini o'zgartiradi, masalan, kattalashtiradi, yoki ranglarni filtrlaydi va h.k. Agarda linza obyektlar guruhi ustida tursa, u holda obyektни har birini alohida o'zgartiradi.



Bu amal bajarilganda Docker tipidagi panel paydo bo'lib, unda linzalar ro'yxati va ulardan foydalanganda obyekt ko'rinishlarini beradi. Tanlangan linza turiga bog'liq effekt parametrlari o'zgaradi.

– Линза - Прозрачная (Transparency) obyekt va linza ranglarni aralashtiradi, bu amal Цвет (Color) tugmasi va Уровень (Rate) maydonidan linza tiniqligi foiz nisbatida tanlanadi, qiymat qancha katta bo'lsa linza tiniqligi yuqori bo'ladi.


– Linza - Увеличение (Magnify) Коэффициент увеличения (Amount) maydonda berilgan qiymatga nisbatan obyektни kattalashtiradi.

– Linza - Яркость (Brighten) obyekt ravshanligini Уровень (Rate) maydonida berilgan qiymatigacha aniqlaydi. Qiymatlar diapazoni:

-100% dan +100%. Agar +100% bo`lsa hamma ranglar oq rangga ega bo`ladi, 0% da linza - obyekt rangiga hech qanday ta`sir o`tkazmaydi, – 100% da bo`lsa hamma ranglar qora rangga o`tadi.

Интерактивная прозрачность (Interactive Transparency) asbobi yordamida vektor grafikasi dasturiga rastri grafika dasturlarining amallaridan birini bajaradi, bu amal asboblari panelidagi mos tugmasi yordamida bajariladi.


Интерактивная прозрачность (Interactive Transparency) asbobi Свойства (Property Bar) bilan birgalikda ishlab, hamma zalivkalaridan foydalanish va ravshanlik parametrlarini oshiradi. Свойства (Property Bar) satr ko`rinishi tanlangan zalivka turiga bog`liq.



Edit (Редактировать) tugmasi panelning chap tomonida joylashgan bo`lib, mos zalivka rangdagi asosiy muloqot oynasini ekranga chiqarishga mo`ljallangan.

Bu yerda maskalarni birlashtirishning rejimlariga e`tibor berish kerak, bu o`n sakkizta ranglarning obyektlar bilan ishlash imkoniyatini beradi.

Ro`yxatda quyidagilar berilgan: Нормальный (Normal), Сложение (Add), Вычитание (Subtract), Разница (Difference), Усиление (Multiply), Ослабление (Divide), Если светлее (If Lighter), Если темнее (If Darker), Текстуризация (Texturize), Цветовой тон (Hue), Насыщенность (Saturation), Яркость (Lightness), Обращение (Invert), Логическое «и» (And), Логическое «или» (Or), Логическое «исключающее или» (Xor), Красный (Red), Зеленый (Green), Синий (Blue) [3].



Интерактивная деформация (Interactive Distortion) asbobining tugmasi Интерактивный инструмент (Interactive Tool) guruhida joylashgan. Bu yordamida obyektlarni avvalgi turidan katta farq qiladiganday qilib o'zgartiradi. Bu asbob Свойства (Property Bar) bilan birgalikda ishlatiladi. Bunda deformatsiyaning uchta tipi mavjud: «Тяни-Толкай» (Push and Pull), Зигзар (Zipper) и Скручивание (Twister).

Bu asbob bilan ishlashning boshqa interaktiv asboblardan farqi yoq, faqat oxirgi olingan natija qoplagan faktorlarga bog'liq, tasodifiy (masalan, kursoming holati va h.k.), voqealar kutilgan natijani bermaydi. Olingan natijalardan hayotda amaliyotda qo'llashning imkoniyatlari juda ko'p.

ADABIYOTLAR

1. Чумаченко И.Н. CorelDraw 12: Самоучитель. – Т.: NTPress, Москва, 2005. – С. 177-211.
2. Бурлаков М. CorelDraw 12 в подлиннике. – Т.: БХВ-Петербург. 2004. – С. 81-143.
3. Миронов Д.Ф. CorelDraw X3: Учебный курс. – СПб.: Питер, 2006. – 397 с.
4. Петров М.Н. CorelDraw 11: Самоучитель. – СПб.: Питер, 2003. – 624 с.

УДК 621.383,52:535.243

ДИНАМИК ЮКЛАМАЛИ СХЕМАДА МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОРНИНГ КУЧЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИНИ КУЧАЙТИРИШ ХОССАЛАРИ

Тураев Акмал Атаевич

БухДУ Меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси

Саидов Қурбон Сайфуллоевич

БухДУ Физика кафедраси доценти

Таянч сўзлар: майдоний транзистор, динамик юклама, кучайтириш коэффиценти, икки кутбли уланиш режими.

Ключевые слова: полевой транзистор, динамическая нагрузка, коэффициент усиления, двухполюсный режим включения.

Key words: field-effect transistor, dynamic load, intensification coefficient, bipolar connection mode.

Маълум бўлган умумий истокли уланиш схемасидан фарқли икки кутбли режимда уланган динамик кучланишли майдон транзисторида электр майдони сток-затвор орқали ўтишида икки марта юқори бўлган кучайтириш коэффиценти олиш мумкин. Ишчи нуқтаси қанчалик отческа режимига яқин бўлса, кучайтириш коэффиценти шунчалик юқори бўлади.

В данной статье рассмотрен полевой транзистор с динамической нагрузкой в двухполюсном режиме включения. Доказано, что при подаче электрического поля на переход сток-затвор (исток соединен к затвору) можно получить на два порядка больший коэффициент усиления в отличие от известной схемы с общим истоком. Чем ближе рабочая точка к режиму отсечки канала, тем выше коэффициент усиления по напряжению.

Field effect transistor with dynamic load in bipolar connection regime is considered in the article. It is proved that transmitting electrical current to gate drain, it is possible to obtain a big coefficient of intensification compared to a well known scheme of general current. The more the point is closer to the cutoff of the canal, the higher is the coefficient of intensification according to voltage.

Кириш. Мазкур ишда динамик юкламали икки кутбли режимда уланадиган майдоний транзисторнинг тадқиқот натижалари келтирилган, унда электр токи сток-затвор (исток затворга уланган) орқали ўтишига берилади, бунда транзистор ўзгарувчи сигналларни кучайтиради.


Товуш частотасининг кучайтиргичлари энг кўп тарқалган бўлиб, сигналнинг қуввати камайганда, асосий муаммо сифатида майдоний транзисторларда фойдали сигналнинг асимметриясини йўқотилиши ҳисобланади.

Бугунги кунда паст частотали кучайтиргичларнинг кучайтириш хоссаларини яхшилаш мақсадида каскад режимида уланадиган майдоний транзисторлар ишлатила бошланди. Шунингдек, майдоний ва бикүтбли транзисторларнинг яхши хоссаларини ўзида мужассамлаштирган иккита майдоний транзисторларнинг бевосита улаш усули қўлланилмоқда [1,2]. Шу пайтгача маълум илмий ишлар кучайтирув каскадининг талаб қилинадиган параметрларини таъминловчи турли хил режимларда қўлланиладиган кучайтиргичларни яратишга бағишланган [3,4,5]. Аммо, кучайтириш коэффициентини ошириш ва сигнал формасининг бузилишларини бартараф этишга бағишланган илмий ишлар саноклидир.

Тадқиқот учун танланган майдоний транзистор бошқарувчи $p-n$ ўтишли бўлиб, кремний пластинаси асосида олинган, p^+ - турдаги ўтказувчанлик концентрацияси $1 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-3}$, қалинлиги 200 мкм ни ташкил этади. Шунингдек, n -турдаги ўтказувчанлик канал плёнкани эпитаксиал ўстириш билан шаклланган бўлиб, ток ташувчилар концентрацияси $2 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-3}$ ва қалинлиги 1-2 мкм. Улар КП303 турдаги эпитаксиаль-планар майдоний транзисторларнинг аналоги ҳисобланади [6]. КП303 турдаги майдоний транзистор конструкциясининг танланиши, уларнинг кам сифатлиги ва отсечка кучланиши 0,5-2 В оралиқдаги кенг диапазонда ётади.

Динамик юкломали майдон транзисторининг кучайтириш хоссаси. Каналнинг модуляция чуқурлигини ошириш учун ишчи кучланишни сток-затвор ўтишига бериш (1-а расм) мақсадга мувофиқдир [7]. Бунда ишчи кучланиши резистор орқали исток затворга уланади (1-б расм). Шунда ҳажмий заряд қатлами билан бир вақтли бўйлама ва кўндаланг модуляция амалга ошади ҳамда чиқишнинг динамик қаршилиги ортади. Бу эса сток токининг тўйинишига олиб келади.

Берилган схемада қаршиликка тушувчи U_{R3-u} доимий кучланишни сток токи белгилайди. Кириш кучланиши конденсатор орқали ГЗ-109 товуш сигналлари генераторидан истокка беради (1-б расм). Чиқиш кучланиши динамик қаршилиқда ўлчанади. Унинг қиймати ишчи транзисторнинг стокидаги сигнал амплитудасига боғлиқ.



1-расм. Динамик юкломали кучайтиргич схемаси

Таклиф қилинган канални модуляциялаш принципида (1-б расм) кичик сигналларда (1мВ) катта кучайтириш коэффициенти олинади (3500). Бу усул умумий истокли одатдаги уланишдан (1-а расм) афзал [3,4].


Берилган 400Гц частота диапазонида ва 2 мВ кириш сигналда затворни истокка уловчи қаршилиқни 0,43 кОм дан 40 кОм гача оширганда, синусоидал сигналнинг кучайиш коэффициенти 400 дан 3500 гача ошади (1-жадвал). Бу эса тежамкор уч каскадли кучайтиргичга нисбатан ($K_{\text{кк}}=5$) икки марта каттадир [3].

1-жадвал

Турли қаршиликлар уланганда исток-затворнинг чиқиш сигнали ва кучайтириш коэффиценти натижалари

F=400 Гц, U _{кириш} = 2 мВ								
R _{и-з} , кОМ	0.43	1.0	3.0	5.0	10	20	30	40
U _{зи} , В	0.377	0.531	0.710	0.778	0.853	0.911	0.938	0.955
I _{си} , мкА	878	531	236	155	85	45.5	31	23
U _{чиқиш} , В	0.8	1.0	2.0	2.4	3.2	5.0	6.0	7.0
K _{кк}	400	500	1000	1200	1800	2500	3000	3500

Кучайтириш коэффиценти нинг ўсиши резистордан олинаниган кучланишнинг ошиши ҳисобига, исток қисмининг сийраклашган қатлам қалинлигининг ошишига асосланади. Бу эса база соҳасида модуляция чуқурлигининг ошишига олиб келади. Шунда қаршилик қиймати ўсиб боришида затвор-исток ўсишидаги кучланиш 0,377 В дан 0,955 В қийматгача ўсади. Натижада сток токи 878 мкА дан 23 мкА қийматгача камаёди. Шунингдек узатиш характеристикасида тўғри чизиққа интилиш ҳодисаси содир бўлади, яъни стокнинг кичик тоқларида ҳам катта қиялик сақланади (2-расм. 2-чизиқ). Олинаниган кучайиш умумий истокли схемадагидан анча катта бўлади.



2-расм. Транзисторли ва икки қутбלי улананиган майдон транзисторининг узатиш характеристикасининг нормал кўриниши

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кучайтирувчи ёки динамик транзисторларнинг затвор-исток ўтишидаги қаршилик қийматлари фарқли бўлиши чиқувчи сигналнинг камайишига олиб келади. Динамик транзистор қаршилиги чиқиш сигнали юқори қисмининг кесими ошиши натижасида камаёди. Қаршилик оширилганда ҳам чиқиш сигнали камаёди, аммо бунда чиқиш сигнали импульсининг пастки қисми кесилиши содир бўлади. Ҳосил қилинган икки қутбלי структура қалинлиги тенглашган ҳолда биринчи транзисторнинг токи иккинчисининг токига тенг бўлади: $I_{си}^1 \approx I_{си}^2$. Сток токининг ўзгариши $\Delta I_{си}^1$ чиқиш кучланишини шакллантиради. Аммо, қаршилик баланси бузилса қаршиликнинг ошиши икки қутбли структура кичик қаршиликлигининг токини чегаралайди. Натижада чиқиш сигнали шакли ўзгаришига ва формасининг бузилишига олиб келади.


Таклиф қилинган динамик юкламали кучайтиргич схемасида берилган ток каналлар орқали ва қўшилган резисторлар орқали оқади. Затвор билан истокни улайдиган R_{и-з} қаршилигининг ошиши унга тушаётган кучланишнинг ошишига ва токнинг камайишига олиб келади.

$$I_{си} = \frac{U_{омс}}{R_{и-з}} + \frac{U_{омс}^2}{2R_{и-з}^2 I_{си.макс}} \left(1 - \sqrt{\frac{4I_{си.макс} R_{и-з}}{U_{омс}} + 1} \right) \quad (1)$$

Ўз навбатида исток-затвор қаршилигига тушадиган қуйидаги кучланишга эга бўламиз:


$$U_{зи} = I_{си} R_{и-з} \quad (2)$$

Сток токининг R қаршилигининг қийматига экспериментал боғлиқлиги ва (1) формула билан ҳисоблашлар 3-расмда келтирилган. Тежамкор режимга яқинлашган сари чизиқлар яқин қийматлар қабул қилади.



3-расм. Сток токининг исток-затвор қўшилувчи қаршилигига боғлиқлиги

Берилган 20 кОм қаршилик ва 4,3 В сток кучланишида сток токининг экспериментал ўлчанган қиймати 45,58 мкА бўлади. $R_{д-з}$ қаршиликка тушадиган кучланиш эса 0,91 В қийматни ташкил этди. Исток-затвор ўтишдаги қаршилик оширилган сари исток ва сток қисмларининг сийраклашган қатлами кенгайди ҳамда каналнинг қисмидаги кесими ошади (4-расм).



4-расм. Майдон транзисторининг канал кесими

Истокнинг сийраклашган қатламдаги қисми $x=0$ да y_1 га тенг, стокники эса $x=L$ да y_2 га тенг [8]. (x - истокдан стокгача бўлган масофа).

$$y_1 = [2\epsilon\epsilon_0 (U_{зи} + U_D) / qN_{кан}]^{1/2} \quad (3)$$

Мос равишда кучланиш отсечкаси сийраклашган қатламнинг қалинлиги $y_1 = a$ да содир бўлади.

$$U_{отс} = U(y_1 = a) \equiv qN_{кан} a^2 / 2\epsilon\epsilon_0 = U_D + U_{зи} \quad (4)$$

Формулада $U_{отс}$ - отсечка (1В) режимида манбадан затвор-исток ўтишга қўйилган кучланиш.

Таъкидлаш керакки, исток-затвор ўтишидаги кучланишни каналнинг тўлиқ ёпилиши учун отсечка кучланишига тенг олиш мумкин. Экспериментал натижага кўра, бу қиймат 1,64 В га тенг. Бу 1,64 В кучланиш учун (3) формула бўйича ҳисоблаш сийраклашган қатлам қалинлигини (1,04 мкм) беради ҳамда 0,9 В тушувчи кучланишда 1,01 мкм бўлади. Шунда диффузион потенциал билан аниқланадиган сийраклашган қатламнинг дастлабки қалинлиги $W_0 = 0.65$ мкм бўлганда исток қисмининг 0,03 мкм қисми ёпилмай қолади.

$$W_0 = [2\epsilon\epsilon_0 (U_D) / qN_{кан}]^{1/2} \quad (5)$$

Сигналнинг берилган ΔU учун қолган 0,03 мкм қалинлик қисми затворда ноль кучланиши бўлгандаги 0,35 мкм силжишига нисбатан самаралидир.

Электр майдони сток-затвор (исток затворга уланган) ўтишига тушганда уланиш режимидаги икки қутбли майдон транзисторида юқори кучайиш коэффициентини олиш мумкин. Бу эса транзисторли уланишдан икки тартибда юқоридир. Экспериментал қайд қилиндики, асосий ва юқламали транзисторлари учун исток-затвор ўтишидаги

потенциални бир хил танланиши чиқувчи сигнални бузилишсиз олиш учун оптимал хисобланади. Ишчи нуқта каналнинг отсечка режимига қанча яқин бўлса, кучланиш бўйича кучайиш коэффициенти шунча юқори бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Patent USA US 6750698 B1 Jun,15, 2004. Cascade circuits utilizing normally – of junction field effect transistors for low on-resistance and low voltage applications. <http://www.freepatentsonline.com/6750698.html>
2. Wes Hayward and Jeff Damm. The Hybrid Cascode - A General Purpose AGC IF Amplifier. From December 2007 QST © ARRL. – P. 33-37.
3. Милехин А.Г. Радиотехнические схемы на полевых транзисторах //Энергия. –Москва, 1976. – С. 15-29.
4. Corina M.D., Corina D.C., Gabriel N.P., Angela I. Study of low signal amplifier with field effect transistors // Acta technica corviniensis-bulletin of engineering. – 2009. – Fascicule 2.-April-june.-tome 1. – P. 59-66.
5. Karimov A.V., Yodgorova D.M., Abdulkhaev O. A. Long Channel Field Effect Transistor with Short Channel Transistor Properties //Semiconductors ©Pleiades Publishing, Ltd., 2014. – Vol. 48, – № 4. – P. 481-486.
6. Справочник по полупроводниковым диодам, транзисторам и интегральным схемам/ Под редакцией Н.Н. Горюнова //Энергия. – М.,1976. – С. 411-413.
7. Каримов А.В., Джураев Д.Р., Ёдгорова Д.М., Рахматов А.З., Абдулхаев О.А., Каманов Б.М., Тураев А.А. Некоторые особенности ограничителя тока на полевом транзисторе //Технология и конструирование в электронной аппаратуре. – 2011. – № 1. – С. 30-32.
8. Sze S. M., Kwok K. Ng. Physics of Semiconductor Devices. Hoboken–New Jersey: Wiley-Interscience, – 2007. 3rd ed., – P. 94.

УДК 004.912

МАЪЛУМОТЛАРНИ ИЗЛАШДА ДОЛЗАРБЛИК* ВА ВАЗНИИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Мўминов Баҳодир Болтаевич

ТАТУ катта илмий ходим-изланувчиси

Ширинов Зиёнат Зойирович

БухДУ Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: маълумот, маълумотни излаш, атама, долзарб маълумот, маълумотлар тўплами, сўров, индекслаш, параметрли ва зонали индекслаш, вазни ва частотали термин, метамаълумот, машина уқуви.

Ключевые слова: информация, поиск информации, термин, актуальная информация, множество данных, запрос, индексация, параметрические и зонные индексы, весовой и частотный термины, метаданные, машинное обучение.

Key words: information, information search, term, actual information, data, query, indexation, parametric and zonal indexation, weight and frequency terms, metadata, computer literacy.

Мақолада маълумотларни излаш учун долзарбликни ҳисобловчи параметрли ва зонали индексларни қуриш, маълумотдаги муҳим терминларнинг вазнини сўровдаги терминнинг такрорланиши орқали ҳисоблаш алгоритми ва усуллари келтирилган.

В данной статье показаны числитель актуальности построения параметрического и зонного индексов для поиска информации, методы и алгоритмы расчета весовых терминов, повторяющихся при запросе.

The article deals with developing parametric and zonal indexes that measure urgency while searching for information. It also presents the algorithm and methods of calculating the weight of important terms through repetition of the term in the query.

Кириш. Бугунги кунда ахборот технологияларига оид soft ва hard воситаларининг кескин ривожланиши улардан фойдаланиш усулларига таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, маълумотлар структурасининг ўзгариши дастурий маҳсулотларни янгилаш ва турли янги платформаларни қўллаган ҳолда яратилишини, мавжуд модель ва усулларни ҳам шу платформаларга модификациялаш масалаларини юзага келтирмоқда.

Маълумотларни излаш масаласи ихтиёрий дастурий маҳсулотнинг бир модули ҳисобланади. Ҳозирги кунда маълумотларни излаш учун турли усулларни қўллаган ҳолда сўровларни шакллантириш тизимларидан фойдаланиш мумкин. Шулардан энг кўп оммавий фойдаланиш мумкин бўлган усуллардан бири бу сўровларни табиий тилда шакллантиришдир (ёзишдир). Маълумки, табиий тилда шакллантирилган сўров табиий тилдаги терминлардан ташкил топади. Маълумотларнинг катта тўпламлари билан ишлаганда фойдаланувчининг сўровини қаноатлантирувчи маълумотлар сони кўп бўлиши ва бу маълумотларни таҳлил қилиш учун эса кўп вақт сарфланиши табиийдир.

Масала. Маълумотларни излаш тизимларида (МИТ) фойдаланувчининг сўровга мос долзарб (энг сўнгги) маълумотни маълумотлар тўпамидан ажратиб олиш масаласи келиб чиқади.

Бунинг учун МИТларида долзарбликни ҳисоблаш, яъни ҳар бир сўров учун аниқланган маълумотлар тўпамидан долзарбликни ҳисобловчи автомат (scorer, кейинги ўринларда ҳисобловчи) бўлиши лозим. Ҳисобловчилар долзарбликни сўров - маълумот жуфтлиги муносабатида шакллантиради (ҳисоблайди). Бунда унга ҳақиқат илгари суриш мумкин:

1. Параметрли ва зонали индексларни қуриш. Бундан иккита мақсадда фойдаланиш мумкин, яъни индекслаш ва метамаълумот орқали маълумотни излаш имкониятини ҳамда маълумотларни сўровга нисбатан долзарблик даражасини аниқлаш имкониятини таъминлайди.

2. Маълумотдаги муҳим терминлар вазнини терминнинг такрорланиши ҳақидаги статистика асосида таъминлаш.

3. Ҳар бир маълумот вектор сифатида қаралса, ҳар бир маълумот учун сўровларнинг мослигини ҳисоблаш мумкин. Бу ёндашув векторли тўплам моделига асосланган долзарблик деб номланади.

Параметрли ва зонали индекслаш. Маълумотларни излашнинг мантиқий излаш моделларида маълумотлар терминларнинг кетма-кетлиги сифатида олинади. Аслини олганда, кўп маълумотлар қўшимча тузилишларга ҳам эга. Одатда, электрон маълумотлар компьютер томонидан кодланган метамаълумот (metadata) билан бир-галикда бўлади. Метамаълумот деганда, маълумотнинг аниқ характеристикалари, масалан, муаллиф номи, яратилган санаси тушунилади. Булар метамаълумот майдонларини (fields) билдиради. Уларни баъзан маълумот атрибутлари деб ҳам юритишади. Бу атрибутларнинг типлари ва қийматлари олдиндан чегаралаб қўйилган бўлади.

“Пўлат Мўминнинг 1950 йилдаги севги тўғрисидаги шеърлари” сўровини кўриб чиқамиз. Бу сўров тартибланган рўйхат ва параметрик индекс орқали қайта ишланади. Унда ҳар бир атрибут учун битта параметрик индекс мавжуд бўлади. Параметрик индекс айнан мавжудларини аниқлаш имкониятини беради. Масалан, сўровдаги вақт фақатгина параметрик индексда вақт атрибути мавжуд бўлган маълумотларни олади. Бундай сўровларни шакллантириш, яъни параметрик излашни амалга ошириш учун мулоқот ойнасидан фойдаланилади (1-расм). Бундай параметрик индексларни излаш учун В-шажара [1] каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Зона майдони ихтиёрий матнларни сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, одатда, маълумотнинг сарлавҳаси ёки аннотациясини сақлашга қаратилган бўлади.



KOD	
Очиқ сўзлар	
Муаллиф	ёзинг ёки танидинг !!!
Хам муаллифлар	ёзинг ёки танидинг !!!
Сарлавҳа	ёзинг ёки танидинг !!!
Мавзу бўйича	ёзинг ёки танидинг !!!
Нашр этилган йил	ёзинг ёки танидинг !!!

1-расм. Параметрли излаш

Сўровни қайта ишлаш усулини қўллаб-қувватлаш учун сарлавҳа, муаллиф, аннотация бўйича тартибланган рўйхатни ташкиллаштириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Элементар зонали индекслаш

Аннотация.термин → 1 → 2 → 3 → 6 → 45 → 89 → 600
Сарлавҳа.термин → 5 → 6 → 8 → 45 → 89 → 500
Муаллиф.термин → 6 → 9 → 10 → 15 → 56 → 500

Кодлаш орқали зонали индексларни ихчамлаштириш мумкин.

Масалан: термин → 2.сарлавҳа, 2.аннотация → 3.муаллиф → 5.аннотация

Долзарбликнинг вазнли зоналари. Параметрли ва зонали излашда мантикий сўровлар асосида излаш усуллари орқали фойдаланишдан ташқари зона ва атрибут орқали излашнинг иккинчи варианты кўриб чиқамиз.

Бунинг учун мантикий сўровни q билан, маълумотни эса - d билан белгилаймиз. Долзарбликнинг вазнли зона усулида (q, d) жуфтлик $[0,1]$ ораликда акслантирилади. Бунда маълумотлар зонасини чизиқли ҳисоблаш комбинациясидан фойдаланилади. Маълумотлар зонаси мантикий қийматларни қабул қилади.

! зонали ахборотга эга маълумотлар тўпламини қараймиз. Унда $g_1, g_2, \dots, g_n \in [0,1]$ бўлсин ва

$$\sum_{i=1}^l q_i = 1 \quad (1)$$

ни қаноатлантирсин. $1 \leq i \leq l$ да q сўров ва i -чи зонанинг муносабати s_i – мантикий катталиқ бўлсин. Агар сўровнинг барча терминлари битта зонага тегишли бўлса, 1 га тенг, акс ҳолда 0 га тенг. Ҳақиқатан ҳам буни $\{0,1\}$ тўпламининг зонасида терминларга асосланган ихтиёрий мантикий функция қаноатлантириши мумкин. Бундай вазнли зонани

$$\sum_{i=1}^l g_i s_i \quad (2)$$

каби аниқлаб олиш мумкин. Долзарбликнинг вазнли зоналари баъзан долзарблик асосида мантикий излаш деб ҳам юритилади.

Вазнли зонанинг долзарблиги қандай ҳисобланади? Бунинг учун ҳар бир маълумотнинг долзарблигини кетма-кет ҳисоблаш орқали ҳар хил зоналарнинг йиғиндисини кўринишида амалга ошириш мумкин. Тартибланган индекс орқали ҳам вазнли зонанинг долзарблигини ҳисоблаш мумкин. Фараз қиламиз, q_1 ва q_2 терминлардан иборат ва мантикий амал билан боғланган q сўров берилган бўлсин. Агар иккала термин ҳам бир зонага тегишли бўлса 1, акс ҳолда 0 (1-алгоритмга қаранг). Алгоритмнинг

мураккаб сўровлар ва мантикий функциялар учун кенгайтирилган вариантларини ҳам ёзиш мумкин.

1-алгоритм. Вазнли зонанинг долзарблиги.

```
ZoneScore(q1, q2){
double scores[N] = isEmpty;
Constant g[];
p1 = postings(q1);
p2 = postings(q2);
while (p1 <> Null and p2 <> Null) do
if (docID(p1) == docID(p2)){
score[docID(p1)] = WeightedZone(p1, p2, g);
p1 = next(p1);
p2 = next(p2); }
else
if (docID(p1) < docID(p2)) p1 = next(p1);
else
if (docID(p1) > docID(p2)) p2 = next(p2);
return scores
}
```

Қийматни машина уқуви (Машина уқуви – рус тилида “Машинная обучения”, инглиз тилида “Computer Learn”, компьютерда олдин аниқлаган амаллар (билимлар) ёрдамида жараёни амалга ошириш) **ёрдамида аниқлаш**. Вазнли зоналарнинг долзарблигида g_i ларнинг қиймати қандай аниқланади? - деган савол пайдо бўлади. Бу экспертлар (фойдаланувчилар) орқали аниқланиши мумкин. Лекин, жуда кўп ҳолларда қийматлар олдиндан баҳоланган уқув мисоллари асосида аниқланади. Бу усул маълумотларни излашдаги машина уқувига асосланган долзарблик усулларининг умумий синфига тааллуқлидир. Долзарбликнинг вазнли зоналарини қисқача келтириб ўтамыз.

1. Уқув тажрибаларига асосланган мисоллар тўпламида ҳар бир элемент аниқ ифодадан ташкил топган бўлсин. Аниқ ифода эса, q сўров, d маълумот ҳамда q ва d лар учун долзарблик қийматини белгиласин. Энг содда вариантда долзарбликни бинарли деб қараш мумкин. Масалан, долзарб – 1 ёки долзарб эмас – 0. Мураккаб методологияларни қўллаш учун махсус нозик баҳолаш усуллари қўлланилади.

2. g_i қийматлар уқув асосида аниқланади, чунки олинаётган қиймат долзарблик қийматини аппроксимасиялаган бўлиши керак.

Долзарбликнинг вазнли зоналари учун ушбу жараёни сараланган коэффицентли чизиқли функция сифатида қараш мумкин. Коэффицентлар эса зонага тегишли мантикий қийматлар. Оддий оптимизация масаласига доир машина уқуви асосида g_i ларнинг қийматини аниқловчи масала келтирамыз.

Долзарбликнинг вазнли зонаси учун оддий масала қараймиз, унда ҳар бир маълумот сарлавҳа (title) ва аннотация (body) зоналарига эга бўлсин. Берилган q сўров ва d маълумот учун $s_T(d, q)$ ва $s_B(d, q)$ мантикий функцияларни аниқлаймиз. Қайсики, мантикий функциялар q сўров d маълумотнинг сарлавҳаси (аннотацияси) бўлиши ёки бўлмаслигини аниқласин. Бунда сўров терминлари учун ва мантикий амалдан фойдаланиш мумкин. Бир ва ноль оралиғидаги долзарблик қийматини ҳар бир (маълумот-сўров) жуфтлиги асосида ҳисоблаш учун $s_T(d, q)$ ва $s_B(d, q)$ ларнинг қийматларидан ва $g \in [0, 1]$ ўзгармасдан фойдаланиш мумкин:

$$Result(d, q) = g \cdot s_T(d, q) + (1 - g) \cdot s_B(d, q) \quad (3)$$

$\Phi_j = (d_j, q_j, r(d_i, q_j))$ учлик асосида аниқланган уқув мисоли асосида g ўзгармасни аниқлашни келтирамыз. Ҳар бир ўқув мисоли d_i маълумот, q_i сўров ва $r(d_i, q_j)$ долзарблик қиймати асосида аниқланади (2-жадвал).

Ўқув мисоллари

Уқув мисоли	DocID	Сўров	s_T	s_B	Долзарблик қиймати
Φ_1	1	Тинчлик	1	1	1
Φ_2	28	Компьютер	0	1	0
Φ_3	80	Китоб	0	1	1
Φ_4	231	Маълумот	1	0	0
Φ_5	344	Ахборот	1	0	1
Φ_6	1991	Излаш	0	1	1
Φ_7	1177	Долзарб	0	1	0

Ҳар бир Φ_1 уқув мисоли учун $s_T(d, q)$ ва $s_B(d, q)$ мантикий қийматлар мавжуд. Шунинг учун долзарбликни ҳисоблаш учун юқоридаги (3) формуладан фойдаланамиз.

Инсон фактори орқали келтирилган долзарблик қиймати ва (3) долзарблик қийматларини таққослаймиз. Қиймат хатолиги функциясини қуйидагича аниқлаймиз:

$$\varepsilon(g, \Phi_j) = (r(d_j, q_j) - Result(d_j, q_j))^2 \quad (4)$$

Бунда инсон фактори 0 ёки 1 билан ифодаланади. Энди бу хатоларни йиғамиз ва уқув мисоллари учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\sum_j \varepsilon(g, \Phi_j) \quad (5)$$

Энди ўқув мисоллари асосида g ўзгармасни аниқлаш мумкин. Бунинг учун (5) ифодани энг кичик бўлган қийматларидаги g ни аниқлаш керак.

Ҳақиқатан ҳам (5) ифода ёрдамида g нинг энг яхши қийматларини аниқлаш мумкин. Бу эса $[0, 1]$ оралиғида g га боғлиқ квадрат функция орқали минимизациялаш масаласига келади.

g нинг энг самарали қиймати. Ихтиёрий Φ_j учун $s_T(d_j, q_j) = 0$ ва $s_B(d_j, q_j) = 1$ бўлсин. Бу долзарблик (3) ифода орқали ҳисобланса, 1- g га тенг бўлади. (3) ифодани $s_T(d_j, q_j)$ ва $s_B(d_j, q_j)$ ларнинг бошқа комбинациялари учун ҳам ёзиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

s_T ва s_B ларнинг 4 та комбинацияси

$s_T(d_j, q_j)$	$s_B(d_j, q_j)$	Долзарблик
0	0	0
0	1	1- g
1	0	g
1	1	1

$s_T(d_j, q_j) = 0$ ва $s_B(d_j, q_j) = 1$ бўлганда инсон фактори долзарб {1} (мос равишда, долзарб эмас {0}), уқув мисолларининг сонини n_{01r} (мос равишда n_{01n}) билан белгилаймиз. Шунда (5) ифодани $s_T(d_j, q_j) = 0$ ва $s_B(d_j, q_j) = 1$ учун қуйидагича ёзиш мумкин:

$$[1 - (1 - g)]^2 n_{01r} + [0 - (1 - g)]^2 n_{01n}$$

Худди шундай $s_T(d_j, q_j)$ ва $s_B(d_j, q_j)$ ларнинг бошқа комбинациялар учун (5) ифода орқали аниқлаган йиғиндини ёзиш мумкин:

$$(n_{01r} + n_{10n})g^2 + (n_{10r} + n_{01n})(1 - g)^2 + n_{00r} + n_{11n} \quad (6)$$

(6) ифодани g бўйича соддалаштириб, нолга тенглаштирсак, g нинг энг самарали қийматини аниқлаймиз:

$$\frac{n_{10r} + n_{01n}}{n_{10r} + n_{10n} + n_{01r} + n_{01n}} \quad (7)$$

Термин частотаси ва вазни. Маълумотнинг долзарблиги унинг зоналарига боғлиқ эди. Энди бошқача ёндашамиз, яъни сўровларда кўп учрайдиган терминнинг зонаси ёки маълумоти учун сўровнинг долзарблигини инобатга оламиз ва унга катта қиймат киритамиз. Бу фараз сўровларни эркин киритиш учун қулайдир, яъни МИТларда сўровларнинг эркин, ёрдамчи амалларсиз киритиш (мантикий амаллари каби) назарда тутилган. Бу ёндашув кўпроқ веб-технологияларга асосланган бўлади ва унда сўров терминларининг тўплами сифатида қаралади. Ҳақиқатан ҳам, маълумотларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш учун сўровдаги терминларнинг маълумот қийматларини йиғиш кифоядир.

Ушбу терминнинг ҳар бир маълумот қийматини бирлаштириш маълумотдаги терминнинг учрашиш сонига боғлиқ бўлиб, терминнинг вазнини аниқлашга олиб келади. Бундан эса, d маълумотдаги t терминнинг вазни орқали q сўров ва d маълумотнинг ўзаро муносабати аниқланади. Бу вазни d маълумотдаги t терминнинг сони билан ҳам белгилаш мумкин. Бу алгоритм терминнинг частотаси (term frequency) деб юритилади ва $tf_{t,d}$ каби белгиланади, бунда индексдаги t - термин ва d - маълумотни билдиради.

Бирор d маълумот учун D вазнлар тўплами (ихтиёрий бирор бир функция, ёки d маълумотдаги t терминнинг сони орқали аниқланган ва ҳар доим мусбат, бутун сонлар) d маълумотнинг ифодасини сонлар кўринишида изоҳлаши мумкин. Бундай ёндашув илмий журналларда термин қопи (bag of words model) деб юритилади. Бу модель асосида ҳар бир терминнинг маълумотда учрашиш сони маълумотдаги терминларнинг тартиби билан изоҳланади. Бунда фақат ҳар бир терминнинг учрашиш сони ҳақидаги маълумотдан фойдаланамиз. Шундай қилиб, “Алининг укаси Вали” ва “Валининг укаси Али” маълумотлари бир хил қийматлидир, яъни терминлар қопи бир хил.

Берилган маълумотдаги барча терминларнинг вазнлари бир хилми деган саволга жавоб излаймиз. Ҳақиқатан ҳам маълумотдаги терминларнинг вазнлари бир хил эмас. Чунки, унда стоп-термин (stop words)лар, индекслаштиришга инобатга олинмайдиган терминлар, излаш ва долзарбликка таъсир этмайдиган терминлар мавжуд.

Тескари маълумотли частота. Одатда, сўровдаги терминларнинг барчаси муҳим ўрин тутати деб қаралади. Юқорида келтирилганлар асосида бундай ёндашувда жуда кўп камчилик мавжудлигини кўришимиз мумкин. Аммо, аслини олганимизда сўровдаги терминларнинг аҳамияти турлича, яъни кам ва баъзан ноль қийматли терминлар ҳам учрайди. Масалан, автомобиль саноати учун маълумотлар тўплами мавжуд бўлсин. Бу тўпламнинг деярли барча маълумотларида “авто” терминини учратиш мумкин. Ушбу камчилиكنи бартараф этиш учун кам таъсирчан термин тушунчасини киритамизки, маълумотда тез-тез учраб турувчи ва маълумотнинг долзарблигига таъсир кўрсатмайдиган термин назарда тутилади. Тўпланда катта частотали терминларнинг вазнини камайитириш ғояси келади. Бу ғоянинг асоси tf терминнинг вазнини унинг тўпландаги частотасининг катталашиши ҳисобига коэффиценти орқали кичиклаштиришидир.

Бу ғоянинг ўрнига жуда кўп ҳолларда df_i маълумот частотаси (document frequency) тушунчаси ишлатиладики, унда t терминдан иборат бўлган df_i тўпландаги маълумотлар орқали ифодаланади. Бу сўров долзарблигига нисбатан маълумотлар орасидаги фарқни топиш орқали изоҳланади. Аммо, маълумотларнинг ўз статик кўрсаткичлари орқали фойдаланиш самаралироқдир. Масалан, берилган терминга мос маълумотлар сони. Тўпландаги термин частотаси ва маълумотли частота 4-жадвалда келтирилган. Бунда cf тўпландаги термин частотаси ва df маълумот частотаси турлича бўлиши мумкин. Жадвалда хусусий ҳол учун терминларнинг частотаси бир-бирига яқин, аммо маълумот частоталари анча фарқли. Бундан эса, “биринчи” терминини сақловчи маълумотлар шу терминли сўровлар муносабатига қараганда “иккинчи” терминини сақловчи маълумотлар катта аҳамиятга эга.

4-жадвал

Тўпландаги частота ва маълумотдаги частота

Термин	cf	df
--------	------	------

Биринчи	128	111980
Иккинчи	125	772005

Маълумот частотасини ва унинг вазнини яхшилаш учун қандай фойдаланиш мумкин? Тўпلامдаги маълумотлар сонини N билан белгилаймиз ва t терминнинг тескари маълумотли частотани қуйидагича аниқлаймиз:

$$idf_t = \log \frac{N}{df_t} \quad (8)$$

Шундай қилиб, кўп учрайдиган терминларга нисбатан кам учрайдиган терминларнинг тескари маълумот частотаси катта ҳисобланади (5-жадвал). Бунда тўпلامдаги маълумотлар сони $N = 32021177$ ва (8) ифода билан ҳисобланган.

5-жадвал

Тескари маълумот частотасига мисол

Термин	cf_t	idf_t
Бир	1980	4,209
Икки	1981	4,21
Уч	2004	4,20355
Тўрт	2005	4,2033

Терминнинг тескари маълумот частотаси ва частоталар комбинациялари асосидаги вазн. Ҳар бир d маълумотда ҳар бир t терминнинг вазнини аниқлаш учун d маълумотда t терминнинг комбинациялашган частотасини tf (term frequency) ва тескари маълумот частотасини idf (inverse document frequency) каби белгилаймиз. $tf-idf$ вазнини ҳар бир t терминга мос d маълумот вазнини бирлаштириш асосида аниқлаймиз.

$$tf-idf_{t,d} = tf_{t,d} \times idf_{t,d} \quad (9)$$

Бошқача қилиб айтганда, d маълумотдаги t терминнинг $tf-idf_{t,d}$ вазни қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Агар катта сонли бўлмаган маълумотларда t термин кўп марта учраса, у максимал қийматга эга бўлади (бу шартнинг ўзи бошқа маълумотлардан фарқланишини билдиради).
2. Агар қайсидир маълумотда фақатгина бир неча марта учраса ёки кўп маълумотларда учраса, у кичиклашади.
3. Агар термин барча маълумотларда учраса, у минимал қийматга эга бўлади.

Ҳар қандай маълумотни вектор сифатида шакллантириш мумкин, унда ҳар бир элемент учун мос луғатдаги термин ва вазнини (10) ифода билан ҳисоблаш мумкин.

$$Result(q,d) = \sum_{t \in d} tf-idf_{t,d} \quad (10)$$

Маълумотда учрамайдиган луғатдаги терминларнинг вазни 0 га тенг. Бу векторли ифодалаш вазн ва долзарблик учун муҳимдир. D маълумотнинг долзарблиги сўровнинг барча терминлари жорий маълумотга тегишлилигидадир. Аммо сўровдаги ҳар бир терминнинг маълумотга тегишлилигини йиғиш эмас, балки уларнинг $tf-idf$ вазнини йиғиш керак.

3. Хулоса. Умуман олганда, сўровлар учун маълумотнинг долзарблигини ҳисоблаш вариантларини кўп ҳолларда эвристик амалга ошириш маъқул, деган ғоялар ҳам бор. Аммо, бугунги кунда келиб электрон ахборотларни йиғиш ёки тайёрлаш масалаларига нисбатан ахборот ресурсларидан маълумотларни излаш масаласи долзарброкдир. Бунга сабаб йиғилаётган маълумотларнинг сони шунчалик кўпайиб бормокдаки, уларни эвристик усуллар ёрдамида қайта ишлашнинг имконияти йўқ. Юқорида маълумотларни излашда долзарбликни ҳисобловчи параметрли ва зонали индексларни қуриш, маълумотдаги муҳим терминларнинг вазнини сўровдаги терминнинг такрорланиши орқали ҳисоблаш алгоритмлари ва усулларини келтирдик. Ушбу усулларни дастурий таъминотларга қўллаш орқали маълумотларни излашни яхшилаш мумкин.

* *Долзарб (термин) – фойдаланувчилар сўровида мавжуд терминга нисбатан аниқланган маълумотлар, тўпладан фойдаланилган маълумотларнинг сони.*

АДАБИЁТЛАР

1. Куликов Г.Г., Старцев Г.В., Бармин А.А., Бармина О.В. Методика интеграции информационно-поисковых и корпоративных информационных систем на основе системных моделей бизнес-процессов //Прикладная информатика. – М.: Галлея Принг, 2014. – № 1(49). – С. 6-15.
2. Кунт Д. Искусство программирования: Монография. – М.: Мир, 2002. – Т.3. – 793 с.
3. Михайлов А.И., Черный А.И., Гиляревский Р.С. Основы информатики. – М.: Наука, 1968. – 756 с.
4. Рыбин В.В. Основы теории нечетких множеств и нечеткой логики: Учеб. пособие. – М.: МАИ, 2007. – 96 с.
5. Рыжов А.П. Модели поиска информации в нечеткой среде: Монография. – М.: Центр прикладных исследований при механико-математическом факультете МГУ, 2004. – 96 с.
6. Шокин Ю.И. Проблемы поиска информации. – Новосибирск: Наука, 2010. – 220 с. – ISBN 918-5-02-018969-0.
7. Zadeh L.A. The concept of a linguistic variable and its application to approximate reasoning. American Elsevier Publishing Company. – New York, 1973. – P. 167.

УДК 03.00.06

BUXORODA UCHROVCHI QUSHLARNING SHAHARDAGI MILLIY-MADANIY YODGORLIKLARGA TA'SIRI

Doniyorov Boymurod Normurotovich

BuxDU Ekologiya kafedresi o'qituvchisi

Tayanch soʻzlar: tuxum, uya, joʻja, qush, ekologiya, yodgorlik, biologiya, koʻk kaplar, mayna, koʻk qarqʻa, qora uzunqanoq.

Ключевые слова: яйцо, гнездо, птенец, птица, экология, памятник, биология, сизый голубь, скворец, сизоворонка, черный стриж.

Key words: egg, nest, chick, bird, ecology, monuments, biology, blue dove, starling, roller, swift.

Maqolada Buxoroda uchrovchi qushlarning shahardagi milliy-madaniy yodgorliklarga ta'siri masalalari o'rganilgan.

В этой статье изучены птицы, встречающиеся в городе Бухаре, и их влияние на памятники культурного наследия.

This article deals with the birds found in Bukhara city and their influence on cultural and historical monuments.


Kirish. Tabiatni muhofaza qilish, turlar xilma-xilligini va tarixiy obidalarni mavjudligicha saqlab qolish [8], ular bilan bogʻliq ekoturizmning bus-butunligini ta'minlash XXI asr boshida ham umumbashariy ahamiyatga ega boʻlgan muammo sifatida e'tirof etilmoqda. Yuqoridagi muammolarni bartaraf etishda insonlarning ekologik-huquqiy savodxonligini, ongini, ekologik-huquqiy ta'lim va tarbiyasini, madaniyatini yuksaltirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Milliy-madaniy yodgorliklar ham keyingi yillarda tabiiy-tarixiy ta'sirlardan tashqari turli biozaratlanishlar oqibatida ham zararlanmoqda. Mazkur masalani hal etish qushlarning ahamiyatini aniqlash, tarixiy obidalarni qushlar ta'siridan saqlash orqali ekologik turizmni barqarorlashtirish imkonini beradi.

Tadqiqotlarimiz turistik ahamiyati juda yuqori boʻlgan Buxoro shahridagi tarixiy obidalarga ta'sir qiluvchi qushlarni o'rganish va shu asosda ayrim xulosalarni umumlashtirishdan iborat bo'ldi.

Shahardagi viloyat markaziy madaniyat istirohat bog'i; Fitrat, F.Xoʻjayev, Fathobod xiyobonlari; bogʻlar va kichik ekin maydonlari; BuxDU, BuxDTI hamda BuxMTI hovlisidagi

daraxtlar, shu jumladan, tarixiy obidalar shahar qushlarining uya qurishi, oziqlanishi, dam olishi, tunashi va boshqa hayotiy jarayonlarini o'tkazish joyi bo'lib xizmat qiladi.



1-rasm. Buxoro shahridagi tarixiy obidalarining joylashish xaritasi [5]
Buxoro shahridagi milliy va madaniy yodgorliklarga
ta'sir ko'rsatuvchi qushlarga oid ma'lumotlar

1-jadval

t/r	Qushlar	Uchrash xususiyatlari					Rasmi
		Dam olish	Tunash	Oziqlanish	Ko'payish	Uchib o'tish	
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
1	Qirg'iy <i>Perepelyatnik</i> <i>Accipiter nisus</i>			+		+	
2	Ko'k kaptar <i>Siziy Golub</i> <i>Columba livia</i>	+	+	+	+	+	
3	Qumri <i>Kolchataya gorlitsa</i> <i>Streptopelia decaocto</i>	+	+	+	+	+	
4	Musicha <i>Malaya gorlitsa</i> <i>Streptopelia senegalensis</i>	+	+	+	+	+	

5	Boyo`g`li <i>Domoviy sich</i> <i>Athene noctua</i>	+	+		+		
6	Qora uzunqanot <i>Cherniy strij</i> <i>Apus apus</i>	+	+		+	+	
7	Ko`k qarg`a <i>Sizovoronka</i> <i>Coracias garrulus</i>		+		+		
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
8	Sassiqqopishak <i>Udod</i> <i>Upupa epops</i>		+		+		
9	Qishloq qaldirg`ochi <i>Derevenskaya lastochka</i> <i>Hirundo rustica</i>		+		+	+	
10	Tuyaqaldirg`och <i>Rijepoyasnichnaya lastochka</i> <i>Hirundo daurica</i>		+		+	+	
11	Oddiy chug`urchuq <i>Obiknovenniy skvorets</i> <i>Sturnus vulgaris</i>				+	+	
12	Ola chug`urchuq <i>Rozoviy skvorets</i> <i>Sturnus roseus</i>					+	
13	Mayna <i>Obiknovennaya mayna</i> <i>Acridotheres tristis</i>				+	+	

14	Qorasirchumchuq <i>Cherniy chekan</i> <i>Saxicola caprata</i>				+				
15	Uychumchug'i <i>Domoviy vorobey</i> <i>Passer domesticus</i>				+	+			
16	Dala chumchug'i <i>Polevoy vorobey</i> <i>Passer montanus</i>	+	+		+	+			

Izoh: Jadvaldan ko`rinib turibdiki, yirtqichlar turkimining 1 turi, kaptarsimonlar turkumining 3 turi, yapaloqqushlar turkumining 1 turi, uzunqanotlar turkumining 1 turi, ko`kqarg`asimonlar turkumining 1 turi, sassiqpopishaksimonlar turkumining 1 turi, chumchuqsimonlar turkumining 8 turi Buxoro shahridagi tarixiy obidalarga ta`sir qiladi. Turkumlar ichida chumchuqsimonlar turkumi dominant turkumdur [1,2,6,9,10].

Hayotiy jarayonlarni amalga oshirish vaqtida qushlar tarixiy obidalaridan fodalanadi. Mazkur jarayonda oziqasining ma`lum bir qismi, axlatlari yodgorliklarda qolib ketadi [3]. Qoldiqlar yorug`lik, issiqlik, namlik kabi abiotik omillar ta`siriga uchrab, bir turdan ikkinchi turga o`tadi, tarkibi o`zgaradi. Oqibatda qoldiqlar tarkibidagi begona va madaniy o`simliklarning urug`lari unib chiqishi bilan bir qatorda antisanitariyaga aloqador ayrim muammolar ham yuzaga keladi. Urug`larning unib chiqishi, rivojlanishi davrida yodgorliklar nuray boshlaydi.

Tarixiy obidalar ajdodlarimizdan qolgan bebaho boylik bo`lishi bilan bir qatorda, milliy va madaniy o`zligimizni saqlash, turizmni rivojlantirish orqali iqtisodiy jihatdan foyda olishning bir tarmog`i hisoblanadi. Shuning uchun tarixiy yodgorliklarning qushlar tomonidan zararlanishi oldini olishning yo`llari sifatida biz quyidagilarni tavsiya qilamiz:

1. Tabiiy yodgorliklar va ular tevaragida qushlar uya qurish imkoniyatini o`rganib, uning oldini olish tadbirlarini ishlab chiqish;
2. Tarixiy obidalar yaqinidagi daraxtzorlarda qushlarning tunash joylarini aniqlab, ularni "hurkituvchi" - qo`rqinchli signallar, repelentlardan foydalanish orqali haydab turish;
3. Tabiiy yodgorliklar tevaragida qushlarga xalaqit beruvchi oyna parchalaridan tayyorlangan yaltiroq sharlarni joylashtirish;
4. Tabiiy yodgorliklar tevaragida yirtqich qushlar tovushini chiqarib, ularni haydash zarur;
5. Tarixiy obidalar joylashishini hisobga olgan holda, ularga zarar yetkazish bo`yicha dominant turlarning kushandarlari aks ettirilgan turli o`lchamli havoda uchish vositalarini shakllantirish;
6. Biologik kurash usullarini joriy qilish va amalda tatbiq etish;
7. Mamlakatimizda tashkil etilgan ornitologik klub a`zolarining ko`magini optimallashtirish;
8. Tarixiy obidalar nazoratsiz qoldirmaslik, ta`mirlash ishlarini o`z vaqtida o`tkazish;
9. Tarixiy obidalar tevaragida yangi qurilayotgan binolar arxitekturasiga alohida ahamiyat berish;
10. Obidalar atrofida chiqindixonalarda axlatlarning uzoq vaqt turishiga yo`l qo`ymaslik;
11. Tarixiy obidalar ziyoratiga kelganlarning yodgorliklar atrofida don sepmasligiga erishish;
12. Obidalar atrofida manzarali daraxtlarni ko`paytirish, shahar hududida yashil belbog`ni jonlantirish.

Qisqasi, tarixiy yodgorliklar va ular atrofida qushlarni jalb qiluvchi barcha omillarni bartaraf qilish orqali tarixiy inshootlarning barqarorligini ta`minlash imkoniyatlari yaratiladi.

2008-2016-yillarda Buxoro shahrida olib borgan tadqiqotlarimiz asosida quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Buxoro shahrida qushlar sinfining 17 turkumga mansub 139 turi uchrashi qayd etildi [7].
2. Buxoro shahrida uchrovchi qushlardan 11 turkumga mansub 38 turi shaharda uya qiluvchi qushlardir. Mazkur turlarning tarixiy obidalarga ta'siri sezilarli.
3. Buxoro shahrida uya qiluvchi qushlarni uchrash xususiyatiga ko'ra 2 guruhga ajratish mumkin: a) o'troq qushlar (15 tur-39,5 %); b) kelib uya qilib, ko'payib ketuvchi qushlar (23 tur-60,5 %).
4. O'zbekistonning cho'l zonasida joylashgan Buxoro viloyati ma'muriy bo'linish markazi hisoblangan Buxoro shahrining ornitofaunasi yana bir bor ekologik xususiyatlari jihatidan o'rganildi. Ya'ni, shahardagi milliy-madaniy yodgorliklarimizga ta'sir qiluvchi qushlarning ekologik xususiyatlari tadqiq qilinib, qushlarga oid ma'lumotlar to'plandi; tarixiy obidalarga ta'sir qiluvchi qushlarning bioekologiyasi o'rganilib tahlil etildi va ularning ahamiyatli tomonlari o'rganildi, qushlarni muhofaza qilish, jalb etish, ayrim "muammoli" turlarning sonini boshqarish masalalarini ilmiy jihatdan hal etish bo'yicha nazariy va amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi.
5. Shaharda qushlarning juftlarga ajralishi, uya qurishga kirishishi va ko'payishi bir oz boshqa muhitlarga nisbatan ancha barvaqt boshlanadi.
6. Qish faslida qushlarning shahar sharoitida yashashi osonlashadi.
7. Qushlarning har bir turi shaharda o'z o'rniga ega.
8. Respublikamizda 2700 dan ortiq tarixiy obidalar bo'lib, asosiy qismi Buxoroda joylashgan (1000 ga yaqin) [5]. Shaharda tarixiy obidalar bilan qushlar orasidagi ekologik muvozanatni saqlash uchun "muammoli" turlar sonini boshqarish chora-tadbirlarini ko'rish hamda turi kam sonli qushlarni shaharga jalb etish, muhofaza etish, ko'paytirish lozim. Buning uchun aholining ekologik-huquqiy ta'lim-tarbiyasini va madaniyatini oshirish zarur bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. **Bogdanov A.P.** O'zbekiston hayvonlari. – Toshkent: O'qituvchi, 1983. – B. 127-189.
2. **Jabborov A.R.** Inson faoliyati bilan qushlar o'rtasidagi munosabatlarni optimallashtirish taktikasi // O'zbekiston biologiya jurnali. №1. 2009. – B. 43-47.
3. **Muhammadjonov A.R.** Buxoro shahri 2500 yoshda. – Buxoro: Buxoro, 1999. – B. 7-19.
4. **Muhsinov I. Muhsinova M.** Go'zallikning boqiy umri (Buxoro obidalarini tarixidan lavhalar). – Buxoro, 2011. – B. 1-40.
5. **Nazarov I.K., Allayorov I.Sh.** Buxoro geografiyasi. Uslubiy qo'llanma. – Buxoro: Buxoro, – B. 66.
6. **Xolboyev F.R.** Buxoro shahri qushlarining faunasi, jamoasi va ekologiyasi // Biologiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya. – Buxoro, 2000. – 158 b.
7. **Ergashev A.** Umumiy ekologiya. – Toshkent: O'zbekiston, 2003. – B. 3-5.
8. Collins "Bird GUiDE" // Colorgrafic, Milano Printing: Graphicom, 2006. – P. 1-400.
9. www.aves.com

УДК 631.43

БУХОРО ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ МЕХАНИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Назарова Севара Мустакимовна

БухДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: ўтлоқ-ботқоқ, тақирли тупроқлар, озиқа, рельеф, агрокимёвий хоссалар, механик таркиб.

Ключевые слова: лугово-болотные, тип почвы, удобрение, рельеф, агрохимические свойства, механический состав.

Key words: meadowy-marshy soil, barren soil, feed, relief, agrochemical properties, irrigated soil, mechanic composition.

Мазкур мақола тупроқ унумдорлигини бошқариш ва ошириш ҳамда тупроқнинг механик таркиби, агрохимёвий хоссаларини атрофлича ўрганишга бағишланган.

Настоящая статья посвящена изучению орошаемых почв Бухарской области, повышению их плодородия, изучению их агрохимических свойств и механической композиции почв.

The article is devoted to the problems of controlling and improving soil productivity as well as mechanical composition of soil and its agrochemical properties.

Кириш. Суғориладиган ерларнинг ва суғориш сувлари микдорининг камлиги, кундан-кунга ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжини қондириш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш фақатгина шу мавжуд ерларнинггина унумдорлигини ошириш ва суғориш сувларидан самарали фойдаланиш ҳамда олинаётган қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг фермер хўжаликларига бўлиб берилиши муносабати билан суғориш ва ичимлик сувларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли иқтисодий аҳолини яхшилаш шу куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер турларидан бири - экин ерларидир. Республика бўйича экин ерлар жами 4064,7 минг гектарни, шу жумладан, суғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони 3307,3 минг гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг 16,2 фоизини ҳамда лалми экин ерларнинг умумий ер майдони 757,4 минг гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг 3,0 фоизини ташкил этади. Шу суғориладиган ерларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизидан ошиғроғи етиштирилади. Ҳозирги кунга келиб республикамиз суғориладиган ер майдонларининг 49,2% турли даражада шўрланган бўлиб, шундан 16% ўртача ва 4% кучли шўрланган ерларни ташкил этади [1].

Ўзбекистоннинг ҳудудий кенгликларидаги тупроқ-иқлим минтақа тизимида текислик чўл минтақаси жойлашган бўлиб, Бухоро воҳаси ҳудудлари ушбу минтақага киради. Бухоро воҳаси ҳудудида ўтлоқи, сур қўнғир тусли, қумли чўл ва тақирли тупроқлар ҳамда шўрхоқлар кенг тарқалган, суғориладиган тупроқлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тупроқ типлари бўлиб, улар ўзларининг минтақавий тарқалиши ва суғорма деҳқончиликда фойдаланиш натижасига кўра турлича кўриниш ҳамда хоссаларини намоён этади.

Тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар минералогик таркибининг турлича бўлиши, улар литологик тузилишларининг мураккабли, қуруқ континентал иқлим ва ўсимликлар дунёси, гидрогеологик шароитларнинг хилма-хил бўлиши турли хилдаги тупроқларнинг пайдо бўлишига имкон яратади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса, асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳозирги кунда республикамизда, жумладан, Бухоро воҳасида ўта долзарб вазифалар ҳисобланади. Сир эмаски, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, аввало, тупроқларнинг хосса, хусусиятлари, сув танқислигини бартараф қилиш ва тартиботларини чуқур ўрганиш асосида уларнинг унумдорлигини ошириш билан ҳал бўлади. Кўпчилик ҳолларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тажрибасида тупроқларнинг хоссалари, айниқса, унинг сув-физикавий тартиботлари эътибордан четда қолиб, экинлар ҳосилдорлиги асосан минерал ва органик ўғитлар солиш ҳисобига амалга оширилади.

Тупроқ унумдорлигини бошқариш ва ошириш энг қийин муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, унумдорлик фақатгина уни минерал ёки органик ўғитлар бериш йўли билан озиқа моддаларига бўлган талабини қондириш ёки сифатли шудгор қилишгина эмас, балки бир қанча жараёнларни, жумладан, тупроқдаги озиқа, сув, ҳаво, иссиқлик ҳамда космик омил ҳисобланган ёруғлик каби ҳаётий омилларни ҳосил қилиш ва улар ўртасидаги мутаносибликни тиклашга боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, ҳаётий омиллар ҳисобланган озиқа, сув, ҳаво, иссиқлик ва ёруғлик каби 5 та омил-бир-бирининг ўрнини алмаштира олмайдиган, ўта мустақил ва шу билан биргаликда ўзаро муносабатда бўладиган омиллар ҳисобланади. Тупроқ агрофизикаси фанининг асосий вазифаси ҳам

тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда барча қишлоқ хўжалиги экин турлари учун мақбул бўладиган ҳаётий омиллар ўртасидаги нисбатни илмий асослаш ҳисобланади.

Тупроқ агрофизикаси қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда уларнинг ўсиши ва ривожланишида мақбул шароит яратувчи бир қанча масалаларни ўз ичига олади. Тупроқнинг шўрланиш жараёни билан боғлиқ бўлган кўпгина назарий масалаларни ҳал этишда тупроқ ва унинг сув-физикавий хоссаларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тупроқ таркибидаги сув ва унда эриган тузларнинг ҳаракатланиш тезлиги, тўпланиши, буғланиши ва шунга ўхшаш жараёнлар бир хил механик таркибли ҳамда мураккаб механик таркибли (қават-қават ётқиқлиги заминлар) тупроқ-замин кесмасида ўзига хос таснифга эга бўлади.

Тупроқ ҳозирги замон тупроқшунослик фани тушунчасида уч қисмдан иборат мураккаб тизимдир. Тупроқнинг қаттиқ қисми минерал, органик ва органо-минерал жинслардан иборат бўлса, унда сақланадиган сув ёки бошқача қилиб айтганда, тупроқ эритмаси унинг суюқ қисмини ташкил қилса, сув билан банд бўлмаган ғовақларда сақланган кислород, азот, карбонат ангидрид, метан, этан, пропан, бутан ва шунга ўхшаш газлар эса унинг ҳаво қисмини ташкил этади.

Тупроқнинг ривожланишида унинг учала қисми ҳамма вақт ўзаро узвий боғланган тупроқ ҳосил қилувчи омиллар (она жинс, ернинг рельефи ва ёши, иссиқлик ва ёруғлик, органик дунё ва одам) таъсирида ўзгариб боради. Тупроқнинг бу учала қисми ўзаро ва бевосита боғланган бўлиб ташқи омиллар таъсирида ўзгаради.

Дала ёки лаборатория текширилишида тупроқ ва замин қаттиқ қисмининг минералогик, механик ва агрегатлик ҳамда тупроқ эритмаси ва сув билан банд бўлмаган қисми таркибини ўрганиш жуда муҳим. Бу тупроқ кесмаси морфология ва генезисини аниқлашда, тупроқ хариталари тузишда, уларни гуруҳларга ажратишда муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, бирор-бир турдаги тупроқни ўрганиш билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишларини олиб бораётганда унинг механик таркибини, структура ҳолатини, зичлигини, сув миқдорини ва турларини, сизот сувларининг чуқурлигини билиш шарт.

Бухоро воҳаси ҳудудида етиштириладиган асосий қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган тупроқ типлари, типчаларининг агрокимёвий ва агромилиоратив хоссалари, уларни бошқаришга қаратилган агротехник ҳамда гидротехник тадбирлар тўғрисида тавсиялар чоп этилган бўлса-да, тупроқлар унумдорлигини ва сув танқислигини бошқаришда сув-физикавий хоссалар ва тартиботларнинг аҳамияти, уларни бошқариш тадбирлари кам ёритилган. Ваҳоланки, тупроқ қатламларида кечаётган сув-озика, сув-туз, сув-ҳаво алмашиниши фақатгина тупроқларнинг сув-физикавий кўрсаткичларидан - механик таркиби, макро- ва микроагрегатлик ҳолати, зичлиги, қаттиқлиги, капилляр, дала нам сиғими, сув ўтказувчанлиги, максимал молекуляр, максимал гигроскопиклик, сўлиш намлигига боғлиқ бўлади.

Бухоро воҳаси чўл минтақасида кенг тарқалган - тақирли, тақир, ҳаттоки, сур тусли қўнғир ва ўтлоқи аллювиал тупроқларда қийин мелиоратив ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Чунки, бу тупроқлар учун хос бўлган хусусият - уларнинг у ёки бу даражада шўрланганлиги ва гипслашганлигидир. Маълумки, шўр ювиш жараёни оғир механик таркибли, айниқса, гипслашган тупроқларда жуда секин кечади. Гипслашган тупроқлар ўта паст сув ўтказувчанликка, жуда юқори зичликка эга бўлиб, кам чириндилиги, озика моддалари камлиги ҳамда ўрта ва кучли даражада шўрланганлиги туфайли улардан суғориладиган деҳқончиликда фойдаланиш иқтисодий самарасиз бўлиб, аксарият бундай майдонларда чорвачиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай гипслашган тупроқларда кўп йиллик ем-хашак (беда), соя, маккажўхори, махсар каби экинларни экиш орқали уларнинг озика ва сув-физикавий тартиботларини яхшилаб, агро-милиоратив соғлом тупроқ даражасига етказиш мумкин.

Иккинчи томондан, механик таркиб шўр ювиш жараёнида ҳосил бўладиган юқори даражада минераллашган сувларни четга чиқариб ташлашга мўлжалланган коллектор-зовурлар ҳажмини, уларнинг оралиғини белгилашда муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Чунки, енгил (қумли, қумлоқ), ўрта ва оғир қумоқ, лой механик таркибли тупроқларнинг сув тутиш қобилияти ўртасида катта фарқ бор. Шунинг учун ҳам шўр ювиладиган майдон тупроқлари оғир механик таркибли бўлса ҳам, Бухоро вилоятининг

(Бухоро, Ромитан, Ғиждувон, Вобкент, Пешкў, Когон, Жондор, Шофиркон, Қоракўл) коллектор тизимини қайта кўриб чиқиш ва уларни тартибга солиш зарур. Шу орқали суғориш сувларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади [2].

Бухоро воҳаси суғориладиган ер майдонларида учрайдиган турли даражадаги тошлоқли тупроқлар майдони 3732 гектарни ташкил этади. Тошлоқли тупроқлар ўзига хос сув-физикавий ва агрохимёвий хоссаларига эга. Биринчидан, бу тупроқларнинг чириндили қатлами қисқа ва озиқа моддалари билан кам таъминланган. Иккинчидан, бу тупроқлар ўта юқори сув ўтказувчанликка эга, лекин улардаги фаол сув жамғармаси кам. Бундай тупроқларнинг гидрофизикавий, агрофизикавий, агрохимёвий ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун имконият доирасида юза қатламлардаги тошларни териш, ўта лойқаланган сувлар билан суғоришни ташкил қилиш, ноанъанавий органик-минерал бўтқаларни солиш орқали тупроқларнинг механик таркибини оғирлаштириш ва улар унумдорлигини оширишга эришиш мумкин. Тошлоқли тупроқлар тарқалган ҳудудлар сув ва шомол эрозиясига мойил ва шу сабабли бундай ерларда эрозияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш орқали сув танқислиги барҳам берилади.

Суғориш деҳқончилигида фойдаланиладиган у ёки бу тупроқ қатламларининг ҳажм массасини (зичлигини) билмасдан туриб, тупроқ таркибидаги чиринди, сув ва сувда эрувчи тузлар захирасини, қолаверса, у ёки бу экин тури учун зарур бўлган йиллик ва бир марта бериладиган сув миқдорини ҳисоблаш имкониятига эга бўлмаймиз. Бундан ташқари, тупроқ қатламлари зичлиги сув-ҳаво, сув-озиқа, иссиқлик алмашувини таъминловчи физикавий кўрсаткичдир. Бухоро вилояти ва туманларидаги суғориладиган тупроқлар турли даражада зичлашгандир. Ҳайдалма қатлам тагидаги зичлашган қатлам, яъни плуг товони суғориш вақтида берилган сувнинг ва қисман ишлов қуролларининг тупроқ агрегатларини парчалайди ва бунинг эвазига тупроқнинг зичланиши вужудга келади. Шунинг учун ҳам қадимдан суғориладиган тупроқларнинг ҳайдалма ости қатламлари бирмунча катта ҳажм массасига эга ($1,60-1,70 \text{ г/см}^3$). Зичликнинг бундай юқори бўлиши ўз навбатида тупроқ сув захирасининг ва ғовақлигининг кескин камайишига (40% дан кам) олиб келади. Зичликнинг ошиши ўз навбатида тупроқлар сув-ҳаво тартиботининг кескин ёмонлашувига сабаб бўлади. Ўта зич шароитда ўсимлик илдизлари пастки қатламга ўта олмайди. Бу қатламнинг сув ўтказувчанлиги паст бўлганлиги сабабли суғориш сувларининг тўпланиши натижасида тупроқда ҳаво миқдорининг кескин камайиши вужудга келади. Ўсимлик илдизи чирийди, аэроб жараён анаэроб жараён билан ўрин алмашади ва ҳоказо. Деҳқончиликдаги бундай нохуш ҳодиса ҳақиқатан ҳам маданий ўсимликларнинг ўсишини қийинлаштиради. Бу жараён узок давом этса, унинг батамом барбод бўлишига олиб келади.

Кўпгина илмий тадқиқот муассасалари томонидан олиб борилган тажрибалар асосида республиканинг асосий тупроқларида мақбул зичлик кўрсаткичлари аниқланган. Масалан, тажрибаларда ўрганилган тупроқларнинг сув-физик, биологик тартиботига ҳамда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик натижаларига кўра, чўл ҳудудининг (Бухоро воҳаси) қалин ирригация аллювиал ётқиқлиқларида ҳосил бўлган қадимдан суғориладиган, оғир қумоқли ўтлоқли тупроқлар учун зичлик $1,2-1,4 \text{ г/см}^3$, энг ноқулай (критик) зичлик эса $1,5-1,6 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилади. Зичлик $1,1$ дан $1,4 \text{ г/см}^3$ бўлганда капилляр намлик 31,7 дан 40,5% гача ошиб борса, зичлик $1,5$ ва $1,6 \text{ г/см}^3$ бўлганда эса унинг миқдори 29,6% гача камаяди [4].

Ҳайдалма ости зич қатламининг физик ҳолатларини қандай агротехник тадбирлар билан яхшилаш мумкин? Албатта, зичлашган қатламнинг сув-ҳаво, сув-озиқа, иссиқлик тартиботларини яхшилашга қаратилган бир нечта агротехник тадбирлар мавжуд. Булардан энг асосийси ҳайдов қатламининг йил сайин ўзгартириб туриш ҳамда зичлашган қатламларини юмшатиш ҳисобланади. Лекин, бу тадбир муаммони тўла ҳал эта олмайди, чунки бир неча 10 йил давомида ҳайдаш чуқурлиги 50 см ва ундан ҳам ортиши мумкин. Бундай чуқурликни кам қувватли енгил вазнли ишлов техникаси бажара олмайди. Бунинг учун жуда қудратли, оғир вазнли техника зарур. Агарда тупроқнинг механик таркиби оғир бўлса, бундай техника ҳам 50-60 см чуқурликда тупроқни ағдариб ҳайдай олмайди. Айрим ҳолларда бу қатлам ривожланишининг олдини олиш учун ҳар йили ёки 2 йилда бир марта

хайдаш чуқурлигини ўзгартириб туриш лозим, яъни бир йил 35 см чуқурликда бўлса, кейинги йил 30 см, 2 йилдан сўнг 25 см ва ҳоказо. Бу билан биз бир меъёрда шаклланаётган ҳайдалма остки (плог товони) зичланган қатламнинг ривожланиш тезлигини бузган бўламиз [3].

Бухоро вилояти турли иқлим шароитлари учун ишлаб чиқарилган ва районлаштирилган гидромодул схемалари бўйича суғориш меъёрлари 400-500 дан 700-800 ва 900-1100 м³/га гача бўлишига қармасдан, кўпгина хўжаликларда суғориш меъёридан 2-3 баробар, яъни 1600-1800 дан 2500 м³/га гача сув миқдори билан суғориши кузатилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларига асосан 2013 йилда вилоятларда ҳар гектар ғўзани мавсум бўйича суғоришга 7394 дан 17167 м³ сув миқдори сарфланган.

Тупроқ ғоваклигининг бузилиши унда турли зарарли кимёвий моддалар ва газлар тўпланишига олиб келади. Бундай бузилишлар нафақат қимматли суғоришга сарфланадиган сув миқдорининг беҳуда сарфланишига сабаб бўлади, балким тупроқларнинг сув-ҳаво тартиботини ёмонлаштиради, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилади. Кўпинча бундай ҳолларда суғориш даври узайтирилиб юборилади ва суғориш орасидаги вақтда ўсимликларнинг сувга бўлган талаби қондирилмайди. Ҳаттоки, тупроқдаги намлик миқдори ўсимликларнинг сўлиш намлигига тўғри келиб қолган ҳоллар кузатилади. Натижада эса, ўсимлик ҳосилдорлиги (ғўза) 5-6 ц/га га камаяди ва сифати ёмонлашади.

Бухоро вилоятида ғўзага кўп миқдорда сув берилишига қарамасдан қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 2013 йил маълумотларига қараганда, айрим туманларнинг ҳосилдорлиги жуда паст бўлиб 19-32 ц/га ни ташкил қилади, холос. Тупроқларнинг сифат баҳоси паст, турли даражада шўрланган ҳар гектар қишлоқ хўжалик майдонига 9 мингдан 13 минггача м³ сарфланган сув миқдорини ташкил қилган, олинган ҳосил сарфланган сувга нисбатан жуда пастлигини кўрсатади (1-жадвал).

Суғориш меъёрлари белгиланишида тупроқ турлари, уларнинг сув-физикавий хоссалари, сизот сувларининг жойланиши, майдонларнинг зовурлар билан таъминланганлиги ҳисобга олинмай белгиланиши аниқланган. Юқори меъёрда суғорилиши натижасида сизот сувларининг кўтарилиши, тупроқ қатламининг ҳаддан ташқари сув билан тўйинтирилиши, сув-ҳаво тартиботининг, оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг ёмонлашиши ўсимликлар ривожланишининг орқада қолиши ҳамда ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади.

1-жадвал

Бухоро вилояти фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, /га

Туманлар	Дон	Пахта	Картошка	Сабзавот	Полиз	Мева	Узум
Бухоро	57,8	29,5	176,8	125,9	140,0	97,7	91,0
Вобкент	59,9	37,8	175,0	189,1	179,1	129,4	53,1
Жондор	59,3	27,2	212,5	198,3	105,0	82,2	64,8
Когон	51,9	30,2	179,2	192,4	98,8	73,1	80,1
Олот	56,4	30,6	230,0	206,0	213,8	196,1	153,9
Пешкў	56,8	32,0	231,5	220,1	238,7	179,5	116,8
Ромитан	54,3	35,1	213,4	241,8	198,9	120,3	113,1
Шофиркон	53,3	30,2	232,8	224,8	126,1	118,3	93,0
Қоракўл	55,4	31,6	202,0	245,2	230,0	139,3	130,7
Қоровулбозор	49,6	19,9	216,7	233,0	229,0	111,8	123,9
Ғиждувон	53,9	32,8	262,0	163,5	156,2	127,5	102,6
Бухоро шаҳри	56,3	32,1	68,3	198,1	226,7	104,1	58,1

Жами вилоят бўйича :	55,4	31,0	195,6	198,1	183,1	119,6	94,1
-------------------------	------	------	-------	-------	-------	-------	------

Тажрибалар асосида суғориш сувларидан самарали фойдаланиш ва уларни тежаш ҳамда тупроқда энг қулай физик, сув-ҳаво шароитларини ва озиқа тартиботини яратиш учун янги суғориш технологияси ишлаб чиқарилди. Унинг мазмуни қуйидагича:

- **Суғориш тупроқда нам етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда дала нам сифимининг 65-70% да амалга оширилиши керак.**

Юқорида қисқача баён этилганлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, тупроқнинг барча сув-физикавий кўрсаткичлари тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган барча агротехник тадбирларни – ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш, шўр ювиш, эрозия ёки шўрланишнинг олдини олиш тадбирларини амалда бажаришда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, тупроқ агрофизикавий кўрсаткичларини ҳисобга олмасдан қўлланиладиган минерал ёки органик ўғит, суғориш, шўр ювиш, ҳаттоки, асосий ҳайдов (шудгор қилиш) ҳам самара бермайди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Қўзиев Р.Қ.** Атроф-муҳит ўзгариши шароитида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари мавзусидаги илмий-амалий семинар тўплами Тошкент, 2016 йил 22 апрель. – Б. 11-13.
2. **Назарова С.М.** “XXI аср интеллектуал авлод асри” //Худудий илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро, 2016. – Б. 125-126.
3. **Турсунов Л.Т.** Тупроқ физикаси. – Тошкент: Меҳнат, 1999. – 154 б
4. **Курвантаев Р., Мусурмонов А.** Тупроқ физикаси. – Гулистон: 2011. – Б. 120.

УДК 81` 271.12

ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

Абузалова Меҳринисо Қодировна*БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди***Таянч сўзлар:** тил, миллий тили, тарихий босқичлар, тилни такомиллаштириш, ёт унсурлар, сўзлаш одоби, тил ўрганиш.**Ключевые слова:** язык, национальный язык, ценности, исторические вехи, совершенствование языка, чуждые элементы, этикетные слова, изучение языка.**Key words:** language, national language, historical stages, language perfection, foreign elements, communication etiquette, language learning.*Мақолада ҳар бир миллатнинг борлигини кўрсатиб турадиган, бугунги кунда миллий қадрият сифатида эъзозланаётган ўзбек тили, унинг тарихий ривожланиш босқичлари тўғрисида мулоҳаза юритилган.**В данной статье рассматриваются узбекский язык как национальная ценность, его открытость, а также этапы его исторического развития.**The article deals with the stages of the historical development of the Uzbek language, which is highly evaluated as a national value in the present days.**Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон,
ғўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни,
авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни
бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин.***И.А. Каримов**

Кириш. Маърифатпарвар ижодкор Абдулла Авлониининг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деган ҳикматли сўзлари миллатнинг юзи, юртнинг истиқболи тилда эканлигини чиройли исботлайди. Атоқли ёзувчиларимиздан бири Пиримқул Қодиров ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган йилда (1989 й.) журналлардан бирига берган интервьюсида “Тилидан айрилган халқ маънавий ватанидан жуда бўлади”, деган ҳақли фикрни илгари сурган эди. Дарвоқе, ҳар бир миллатни миллат қилиб турувчи, унинг борлигини ифодаловчи белгилари бўлади: байроқ, герб, мадҳия, ҳудуд бирлиги, маданият ва ниҳоят тил. Истиқлол даврида тил сиёсати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, бугунги кунда янги истиқлол мафкураси билан озиклантирилаётган, шу билан бирга, бизни умумбашарий улуғ маънавият сари етаклаётган миллий онгимиз, шууримиз ва дунёқарашимиз ўзбек нутқи маданиятини, она тилимизнинг амалий жиҳатларини замон талабларига мос равишда ўрганишни барчамиз учун зарур масалага айлантирди. 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинган эди. Бунда истиқлолнинг жонкуяр яловбардори И.А. Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида нутқ сўзлаб, истиқболимиз, умидимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш стратегиясини аниқ ва равшан белгилаб берган эди [1]. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этишини таъминловчи ҳукумат қарорлари шаклидаги меъёрий ҳужжатлар асосида республикамызда узлуксиз таълим тизимининг пойдевори яратилди. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини бошқариш, жаҳон андозалари ва замон талаблари даражасида йўлга қўйиш, уларнинг ҳар бири учун хос бўлган хусусиятлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбиянинг янгича

тизимини шакллантириш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг негизи сифатида кун тартибига қўйилди.

Бугунги кунда ҳар томонлама етук, баркамол ёшлар шаклланаётган экан, уларнинг нутқи ҳам, нутқ маданияти ҳам, тил билиш даражаси ҳам юксак бўлмоғи лозим. Хусусан, дунё билан бўйлашаётган, ўз тилини билишдан ташқари дунё тилларини ўрганишга жазм этаётган ёш ўспиринлар, ўз иқтидорини намоёниш этаётган юртдошларимиз шижоатига тасанно айтгинг келади. Буларнинг барчаси юртимизда таълим тизимига алоҳида эътибор берилаётганининг ҳосиласидир. 2016 йил май ойида пойтахтда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг очилиши мазкур соҳага бўлган эътиборнинг нишонаси ҳамда Давлат тили саналган ўзбек тилига бўлган эътибору эътибордир.

Асримиз бошида миллий қадрият даражасига кўтарилган ўзбек тилининг ўзига хос тараққиёт босқичлари мавжуд, унинг тарихи милoddан аввалги асрлар қаърига тақалади. Ўзбек адабий тили бугунги кунгача турлича номлар остида маълум даврларни босиб ўтди. Жумладан,

- милoddан олдинги даврлардан то X асргача бўлган давр. Бу даврдаги тил фанда **қадимги туркий тил** деб юритилади. Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари (VI–VII асрлар) шу тилда яратилган.

- XI–XIV асрларда эса **эски туркий тил** шаклланди. Мазкур даврнинг ёдгорликлари сифатида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» («Туркий сўзлар девони»), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим»), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони»), Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарларини санаш мумкин. Бу даврда Маҳмуд Қошғарий синхрон-қиёсий тилшуносликка асос солиб, илк марта туркий тиллар ва шеваларни таснифлаб, салкам 9000 та туркий сўзни араб тилига таржима қилди. Бу ҳақиқат бугунги ўзбек тилшунослигининг тарихи қадимга бориб тақалишини яна бир бор исботлайди. Инсоннинг тили, қолаверса, нутқи орқали унинг маънавияти, билим савияси англашилиб туриши Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида дидактик аснода моҳирона далилланган. Чиройли ва теран нутқ ирод қилган кишини доно деб билиб, пала-партиш сўзлаган кишини билимсиз дейди:

*Доно сўзи гўё оқар сув эрур,
Сув оқса ер узра кўп неъмат унур.
Донольар бўлади мисоли чимзор:
Қайга оёқ қўйсанг, у ерда сув бор [5].*

Мазкур фактлар туркона нутқ ирод қилиш, маданий гапириш санъати педагогикаси ҳам қадимда шаклланганлигидан далолат беради.

- XV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача қўлланган тил **эски ўзбек адабий тили** деб номланган. Атоий, Саккокий, Сайфи Саройи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Гулҳаний, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари шу тилда яратилган. Бу босқичда мутафаккир шоир А.Навоийнинг эски ўзбек тилига бефарқ қарамаганлиги, «ҳақоратланган» ўзбек тилини «шеърият осмонига кўтарган»лиги кўпчиликлари аён. Сўз устаси ўз даврида нафақат ўзбек тилини бор бўй-басти билан сақлаб қолди, балки «компаративистиканинг отаси» сифатида эски ўзбек тили билан қардош бўлмаган форсий тилни қиёслади ва чоғиштирма лингвистика ривожига ўз ҳиссасини қўшди. Унинг лисоний қарашлари «Муҳокаматул луғатайн» (1499 й.) асарида умумлаштирилди.

- XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача фойдаланиб келинаётган тилимиз **ҳозирги ўзбек адабий тили** деб аталади. Назаримизда, XX асрнинг бошлари маънавий меросимизни тиклаш, маданий бойликларни сақлаш, таълим тизимига эътиборнинг кучайганлиги (янги типдаги мактабларнинг очилиши, замонга мос дарсликлар яратиш, адабий тилга муносабат масалалари, матбуот шаклланиши, ёшларни Оврупо олий ўқув юртларига ўқитишга жўнатиш...) билан XXI аср бошларини ёдга солади. Худди мана шу даврда ўзбек адабий тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш ҳаракати бошланган

эди. Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Ашурали Зоҳирӣ, Фитрат каби маърифатпарвар ижодкорлар ўзбек тили тақдирига бефарқ қарамадилар: оммабоп услубни шакллантирдилар, хат-савод чиқаришга мўлжалланган дарсликлар ёздилар, пунктуация қоидаларини ишлаб чиқдилар ҳамда тил билиш, уни ёт унсурлардан тозалаш хусусида матбуотда мақолалар эълон қилишди.

Кўриниб турибдики, миллий адабий тилимиз тақдирида қомусий олим Маҳмуд Қошғарий, улуғ ҳазрат Алишер Навоий, эрксевар ва миллатсевар жадидлар хизмати мангуликка дахлдор фидоийлик ва қаҳрамонлик намунасидир. Она тилимиз чин фидоийларининг ўз даврларида ўзбек тили софлиги, мукамаллиги, ривожини учун қилган амаллари тарихдан маълум.

Демак, бугунда воситаи робита бўлиб хизмат қилаётган ўзбек тили шунчаки пайдо бўлган эмас, асрлар давомида сайқал топиб шаклланган. Мустақиллик йилларида унга бўлган эътибор янада кучайди, тўғрироғи, “унутилаёзган” тилимизга миллий қадрият сифатида қараш кучайди. 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши бу соҳадаги энг эзгу ниятларни амалга оширишимиз учун барча шарт-шароитларни вужудга келтирди. У тўла маънода тил сиёсати, илми ва таълими тараққиётининг истиқболларини белгилаб берди. Натижада “Ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда” [2]. Кўчалар ва жой номлари, атамалар, расмий иш-қоғоз услуби билан боғлиқ айрим сўзларнинг ўзбекчалаштирилиши, мажлис ва йиғинларда давлат тилида сўзлашнинг жорий этилиши, ўзбек тили нуфузини оширишга қаратилган барча ҳаракатлар аҳамиятга молик жиддий тарихий воқеалардир. Бу жараённинг ҳам ўзига хос тарихи бор.

Тилнинг ҳақиқий яратувчиси халқ ҳисобланса ҳам, унинг ўзлигини намоён қилишида олимларимизнинг, шоиру ёзувчиларимизнинг, педагогларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда катта. Уларнинг самарали меҳнати туфайли тилшуносликнинг кўпгина йўналишлари бўйича қатъий меъёрлар белгиланди, тил бирликларининг ёзув ва муомала жараёнидаги намунавий вариантлари тавсия этилди, тил тизимидаги кўпгина мунозарали масалалар ўз ечимини топди.

Тил софлигини учун кураш йўналишида атамашунос олимларимиз томонидан, асосан, русча сўзларни ўзбекчалаштиришга ҳаракатлар қилинди. Биргина ўқув жараёни билан боғлиқ *пара (жуфтлик), сессия (жараён), зачётка (рейтинг дафтарча), курс (гуруҳ), контракт (шартнома), староста (сардор), куратор (мураббий), план (режа), лекция (маъруза), конспект (маъруза дафтар), аудитория (ўқув хонаси), комплекс (мажмуа), доска (ёзув тахтаси), программа (дастур), методист (услубшунос), секретарь (котиб, котиба)* ва бошқа бир пайтлар бефарқ ишлатган юзлаб сўзларни ўзбекчалаштириб тўғри қилдик. Аммо, улар орасида таржима қилиниши мумкин бўлмаган сўз ва иборалар борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Чунончи, тилни софлаштириш, «миллийлаштириш» йўлида жамият мутлақо қабул қила олмайдиган айрим бирликлар (*велосипед-шайтонарава, поезд-оташарава, кресло-оромкурси, факультет-куллиёт, самолёт-тайёра, аэропорт-тайёрагоҳ...*)нинг нутқий истеъ-молдан ўрин ололмаганлиги барчага аён. Бизнинг назаримизда, тил жамият билан боғлиқ экан, жамиятнинг ўзи лексик бирликларнинг маъқул вариантини меъёрлаштириб олади. Бундан ўн аср олдин яшаб ўтган улуғ олим Маҳмуд Қошғарийнинг бошқа тиллардан сўз олиш масаласидаги позицияси бугунги давримизга ҳамда юқорида айтилганларга мос тушади. М. Қошғарий турмушда ишлатиладиган асбоб, кийим, овқат, дори номлари сифатида кирган чет сўзларни зарур ва фойдали деб ҳисоблаган, аммо она тилида мавжуд бўлган сўзлар ўрнида чет сўзлардан фойдаланишни зарарли деб топган. Жумладан, ўғузларнинг *қумғон* сўзи ўрнида форсча *офтова* сўзини ишлатишларини танқид қилган. Демак, чет сўзларни қўллашнинг ўз ўрни ва меъёри бор. Кўп тилларни билиш, хорижий тилларни ўрганиш юксак маданият белгиси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги 1875-сонли қарори бунинг исботидир. Ушбу қарорда чет тилларни ўқитишга жиддий эътибор қаратиш, бошланғич босқичда ҳам уни мажбурий фан сифатида ўқитишга қаратилган фикрлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, ўрта ва юқори босқичларда (ўрта умумтаълим (5-9-синфлар), ўрта махсус ва олий ўқув юртлари) ҳам чет тили ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, чет тилида эркин фикрлайдиган, ўз касбий фаолиятида тилдан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган мутахассисларни етиштиришга хизмат қилувчи усул ва воситаларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган [3]. Мумтоз шоиримиз Аваз Ўтар ёзганидек,

*Ҳар тилни билув эмди бани одама жондир,
Тил воситаи робитаи оламиёндир.
Ғайри тилини саъй қилинг билгалли, ёшлар.
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондир [7].*

Бош Қомусимизнинг дастлабки бобида (1-боб 4-модда) "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" [4], деган муҳим модда киритилган. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда нафақат ўзбек тили, балки қардош миллатларнинг тилларига ҳам ҳурмат билан қаралиб, уларнинг ривожланиши, бойитилиши учун ҳам имконият яратилган.

Бугун она тилимиз камолига ғов бўлаётган, унинг файзли ва мусаффо муҳитини бузиб турган иллатларнинг мавжудлиги кишини ғазаблантиради. Она тилимиз билан фахрланиш – ифтихор туйғуларининг сусайиб кетаётганлиги тилга эътиборсизликнинг намунасидир. Ҳеч бўлмаса соф ўзбек тилида мулоқот қилишнинг ўзи ҳам миллий тилимиз такомил учун қилинган саъй-ҳаракат саналади. Зеро, ёзувчи Ў.Ҳошимов қайд қилганидек, "Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бироқ, одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди...Ўлим олдидан онасини она тилида йўқлайди..." [6].

Хулоса. Йигирма беш йил давомида ўзбек халқи томонидан улўғвор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу, албатта, ижобий ҳол. Бироқ, бизнинг назаримизда жамиятимиз кун тартибига қўйилган давлат тили бўлмиш ўзбек тилининг ривожини, унинг истиқболи билан боғлиқ ишлар ҳали яқун топганича йўқ.

Ўзбекистон истиқлолининг энг буюк неъматларидан бири сифатида тил мустақиллигини кўрсатиш мумкин. Зеро, тил мустақиллигисиз мустақил давлатнинг ўзини тасаввур этиш мумкин эмас. Шу маънода тилимиз жозибаси, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни, бекиёс аҳамияти, муомала маданияти, нутқ одоби ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. ЎзР Олий Мажлиси IX сессиясида қилинган маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 174.
3. **Каримов И.А.** Чет тиллар ўқитиш тизимини такомиллаштириш. 18/75-қарор. //Маърифат газетаси. – 2012. – 12 декабрь.
4. O`zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Т.: O`zbekiston, 2015. – Б. 4.
5. **Abdurahmonov G`.** **To`xliyev B., Rustamov A., Dadaboyev H.** Qutadg`u bilig. I-II jildlar. – Т.: Jahon print, 2011. – Б. 127-145.
6. **Ҳошимов Ў.** Дафтар ҳошиясидаги битиклар. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 23.
7. <http://ziyouz.uz/adabiyot/mumtoz/avaz-o-tar-1884-1919>.

УДК 81` 271.12

СЎЗ БИРИКМАСИ ЛИСОНИЙ СИНТАКТИК ҚОЛИПЛАРИ

Назарова Саида Ахмеджановна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: сўз бирикмаси, синтактик қолип, сўз бирикмаси лисоний синтактик қолипи, лисоний бирлик, синтактик сатҳ.

Ключевые слова: словосочетание, синтаксическая модель, лингвистико-синтаксическая модель словосочетания, языковая единица, синтаксический уровень.

Key words: word combination, syntactic model, linguistic and syntactic model of a word combination, language unit, syntactic level.

Мазкур мақолада ўзбек тилида мавжуд сўз бирикмалари лисоний синтактик қолипларининг моҳияти қисқача тавсифланган ва уларнинг субстанциал талқинига доир муаммолар таҳлил қилинади. Муаллиф мулоҳазалари сўз бирикмаси субстанциал синтаксиси назарияси негизида баён этилади.

В статье кратко излагается сущность лингвистико-синтаксических моделей строения словосочетаний узбекского языка, а также анализируются проблемы субстанциальной их интерпретации. Точка зрения автора основана на теории субстанциального синтаксиса словосочетания.

The essence of linguistic syntactic templates of word combinations in Uzbek language is briefly described in the article, the problems related to their substantial interpretation are analyzed. The author's point of view is presented on the basis of the theory of substantial syntax.

Кириш. Ўзбек тили лисоний синтактик сатҳи субстанциал нуқтаи назардан ўрганилиб, сўз бирикмалари 16 хил лисоний синтактик қолип (ЛСҚ) асосида ҳосил бўлиши аниқланган [2]. Бу ЛСҚлар ўзбек тилида сўз бирикмаси ҳосил қилишга хосланган лисоний имкониятлар сифатида тилнинг синтактик сатҳида лисоний синтактик бирлик мақомида тайёр туриши ва сўз бирикмаси ЛСҚлари ҳақидаги мавжуд илмий мулоҳазалар тилшунослиқда сўз бирикмаларининг субстанциал талқинига доир илмий қарашларни мустаҳкамлади [1,2,3].

Маълумки, тил эгасининг нутқий коммуникатив мақсади мазкур лисоний имкониятларни ҳаракатга келтиради: турли тушунчалар сўз бирикмалари қиёфасида гавдаланади. Бироқ тилдан фойдаланувчи лисоний имкониятларнинг қай бири юзага чиқаётганлигини пайқамайди. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Зеро, сўз бирикмаси ЛСҚи қандай кўриниш ва хусусиятга эгаллиги ҳодисанинг илмий тадқиқи учун аҳамиятли бўлиб, сўз бирикмаси ЛСҚлари тизимини шакллантириш, мазкур қолиплараро муносабатларни ўрганиш ва уларнинг тил тизимидаги ўрнини белгилаш билишнинг идрок босқичида амалга ошади. Бу эса, биринчи навбатда, сўз бирикмаси ЛСҚлари тизимини ташкил этувчи ҳар бир қолип моҳиятини очиб берувчи хусусиятларни чуқур ўрганиш заруриятини белгилайди. Чунки сўнгги изланишлар сўз бирикмасини юзага келтирувчи ЛСҚлар умумий рўйхати 16 хил тил бирлигидан иборат эмаслигини, яъни лисоний умумлаштириш жараёни улар миқдоран камайганлигини тасдиқлади [5].

Хусусан, $[O^{б.к.} \sim O^{е.к.}] = СБ$ қолипи бош келишиқдаги отнинг эгалик шаклидаги отга тобеланиши асосида ҳосил бўладиган сўз бирикмаларининг синтактик қурилишини умумлаштириши, [тур-жинс] маъноли бирикмаларни юзага чиқариши ва бу қолип тил сатҳида умумий лисоний синтактик бирлик мақомига эга эмаслиги олдинги тадқиқотларимизда қайд этилган эди [1,2]. Муҳими шундаки, бу қолип маҳсулига хос маъновий ва лисоний синтактик хусусиятлар тилимизда [қаратувчи-қаралмиш] маъноли сўз бирикмаларини ҳосил қилувчи $[I^{к.к.} \sim I^{е.к.}] = СБ$ ЛСҚи моҳиятида умумлаша олади. $[O^{б.к.} \sim O^{е.к.}] = СБ$ қолипи акс эттирувчи тобе вазиятдаги бош келишлик от лексемаларнинг ҳоким вазиятдаги эгаликли от лексемаларга бирикиш усули ўзига хос бўлса ҳам, $[I^{к.к.} \sim I^{е.к.}] = СБ$ қолипида мужассамлашган бирикиш усулининг хусусий кўриниши саналади.

Шу сабабдан $[O^{б.к.} \sim O^{э.к.}] = СБ$ қолипи тил бирлиги сифатида алоҳида ажратилмайди. Шундай экан, сўз бирикмаси ҳосил қилувчи ЛСҚлар умумий рўйхатидаги лисоний синтактик бирликларни аниқлаштириб олиш ва уларга қисқача изоҳ беришни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1. $[И^{к.к.} \sim И^{е.к.}] = СБ$ қолипи қаратқич келишигидаги исмларнинг эгалик шаклидаги исмлар билан тобеланишидан юзага келадиган [қаратувчи-қаралмиш], [бутун-қисм//тўда-қисм], [тур-жинс] маъноли сўз бирикмаларини ҳосил қилади. Бу ЛСҚ тил сатҳида лисоний синтактик бирлик мақомига эга. Унинг нутқий ҳосилалари: *ўқувчининг китоби/ юзнинг ярми/ компьютернинг янғиси/ кўрмаганнинг кўргани; теримчилардан илғори/ тинглаётганлардан иккитаси/ мингдан бири/; физика фани/ китоб дўкони/ баҳор фасли (в.х.).*

2. $[И^{ч.к.} \sim И^{чег}] = СБ$ қолипи чиқиш келишигидаги исмларнинг чегара маъносини англатувчи морфологик воситалар билан шаклланган исмлар билан ўзаро тобеланишини умумлаштиради ва нутқда [масофа-ҳудуд] маъноли сўз бирикмаларини ҳосил қилади. Бу ЛСҚ ҳам тил сатҳида лисоний синтактик бирлик мавқеига эга. Қуйидаги сўз бирикмалари унинг нутқий ҳосилалари ҳисобланади: *Бухородан Тошкентгача/ уйдан мактабга қадар/ ердан осмонга доғур (в.х.).*

3. $[И^{ч/ж.к.} \sim Ф^{м/о.н.}] = СБ$ қолипи чиқиш ва жўналиш келишиги кўрсаткичларига эга бўлган исмларнинг мажҳул ва орттирма нисбат шаклларидаги феъллар билан тобеланишидан ҳосил бўладиган сўз бирикмаларини юзага чиқаради. Мазкур қолип [сабаб-ҳаракат], [восита-ҳаракат], [қўзғатувчи-ҳаракат] маъноли сўз бирикмаларини ҳосил қилади ва тил сатҳида лисоний синтактик бирлик мавқеида туради. Қолипнинг нутқий ҳосилалари қуйидагилар: *шамолдан емирилмоқ/ опасига ёздирмоқ/ рассомга чиздирмоқ (в.х.).*

4. $[И^{к.к.} \sim Ф] = СБ$ қолипи келишик кўрсаткичлари (уларга маънодош кўмакчилар) билан шаклланган исмларнинг феъллар билан ўзаро тобеланиши ва мазкур тобеланиш натижасини умумлаштиради. Синтактик сатҳда бу қолип [объект-ҳаракат] маъноли сўз бирикмаларини ҳосил қилувчи лисоний бирлик мақомида ўрин тутди. Қуйидаги сўз бирикмалари унинг нутқий ҳосилаларидир: *китобни ўқимоқ/ телефон орқали айтмоқ/ автобусда келмоқ/ завқ билан ишламоқ (в.х.).*

5. $[И^{ўхш} \sim Ф] = СБ$ қолипи исмларнинг ўхшатиш шакллари (уларга маънодош кўмакчилар) ёрдамида феълларга тобеланиши ва мазкур тобеланиш натижасида ҳосил бўладиган [ўхшатиш объекти-ҳаракат] маъноли сўз бирикмаларининг синтактик моҳиятини ўзида мужассамлаштиради. Бу қолип ҳам синтактик сатҳда [ўхшатиш объекти-ҳаракат] маъноли сўз бирикмаларини ҳосил қилувчи лисоний бирлик мавқеида туради. Унинг нутқий ҳосилалари қуйидагилар: *боладек кулмоқ/ балиқ каби сузмоқ/ денгиз мисоли тошмоқ (в.х.).*

6. $[И^{к.к.} \sim Сф] = СБ$ қолипи келишик кўрсаткичлари билан шаклланган исмларнинг сифатлар билан ўзаро тобеланишидан ҳосил бўладиган сўз бирикмаларини воқелантиради. Нутқда [ўхшатиш-қиёслаш] маъноли сўз бирикмаларини юзага чиқарувчи бу қолип ўзбек тили синтактик сатҳида лисоний синтактик бирлик мақомига эга. Мазкур қолип асосида қуйидаги нутқий ҳосилалар юзага келади: *сўзга чечан/ дунёда ягона/ мошдан йирик (в.х.).*

7. $[Ф^{рл} \sim Ф] = СБ$ қолипи равишдош кўрсаткичлари билан шаклланган феълларнинг феълларга тобеланишини ва мазкур бирикиш тарзига эга бўлган сўз бирикмаларини ўз моҳиятида умумлаштиради. Ушбу қолип нутқда ҳаракатнинг ҳолати ва тарзи ифодаланган сўз бирикмаларини воқелантиради. Қуйидаги сўз бирикмалари ушбу қолипнинг нутқий ҳосилаларидир: *шошиб сўзламоқ/ тўйгунча йиғламоқ/ ўйламай гапирмоқ (в.х.).*

8. $[С^{к.к.} \sim С] = СБ$ қолипи тобе вазиятдаги сонларнинг ҳоким мавқеидаги сонларга жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги ёрдамида бирикиш тарзи ва бирикиш маҳсулини умумлаштиради. Бу қолипнинг лисоний синтактик бирлик ҳисобланиши шубҳасиз, аммо тил сатҳида умумий лисоний синтактик бирлик сифатида ажратилиши баҳсли. Қолипнинг нутқий ҳосилаларига қуйидагилар киради: *учга бир/ учдан бир/ учда бир (в.х.).*

9. $[И^{к.к.} \sim О] = СБ$ қолипи келишик кўрсаткичлари билан шаклланган исмларнинг отлар билан ўзаро тобеланишидан ҳосил бўладиган сўз бирикмаларини нутқда воқелантиради.

Қолип ҳосилалари предметнинг объектга (шахс/нарс/маконга) муносабатини ифодалайди. Мазкур қолип ўзбек тили синтактик сатҳида лисоний синтактик бирлик мақомига эга. Қуйидаги сўз бирикмалари унинг нутқий ҳосилалари ҳисобланади: *тилга эътибор/ элга хизмат/ заводда ишчи* (в.х.).

10. $[И^{ўхш} \sim И] = СБ$ қолипи тобе вазиятдаги исмларнинг ҳоким вазиятни эгаллаган исмларга ўхшатиш шакллари (уларга маънодош кўмакчилар) воситасида боғланишини ва шундай боғланиш табиатига эга бўлган [қиёслаш-ўхшатиш-нисбатлаш] маъноли сўз бирикмалари моҳиятини ўзида умумлаштиради. Бу қолип ҳам ўзбек тили синтактик сатҳида лисоний синтактик бирлик мавқеида туради. Қолипнинг нутқий ҳосилалари: *гулдай нозик/ нондек азиз/ осмон сингари бепоён* (в.х.).

11. $[Ф^{сд} \sim О] = СБ$ қолипи феълнинг сифатдош шакли ҳамда от орасида юзага келадиган бирикиш тарзи ва бирикиш маҳсулини умумлаштиради. Ўзбек тилида [белги-предмет] маъносини белги семали лексемалардан ташқари сифатдош англатган ҳаракатни натижаловчи белги (исми фоил) орқали ифодалаш имконияти шу қолип ва унинг вазифасида мужассамлашган. Мазкур қолип асосида қуйидаги нутқий ҳосилалар юзага келади: *кулаётган одам/ синган шиша/ уйғонгувчи боғлар* (в.х.).

12. $[О_{м-а} \sim О_{н-б}] = СБ$ қолипи модда-ашё номларининг нарс-буюм номлари билан тобеланишидан ҳосил бўладиган сўз бирикмаларининг синтактик қурилишини ўзида акс эттиради. Мазкур қолип нутқда муайян модда-ашёдан ясалган предмет маъносини англатувчи сўз бирикмаларини ҳосил қилади. Бироқ бу қолип ҳам тил сатҳида умумий лисоний синтактик бирлик мақомига эга эмас. Қуйидаги нутқий ҳосилалар ушбу қолип асосида юзага келади: *мис қозон/ темир дарвоза/ сопол коса* (в.х.).

13. $[О_{ш} \sim О_{ш}] = СБ$ қолипи тобе ва ҳоким вазиятларни эгаллайдиган шахс отларининг ўзаро бирикиш тарзи ва бирикиш маҳсулини ҳамда улар орасидаги алоқадорлиқни умумлаштиради. Мазкур бирлик бирикиш тарзи ва маҳсулини умумлаштирса-да, тил сатҳида умумий лисоний синтактик бирлик сифатида ажратилмайди. Бу қолип нутқда шахснинг муайян хусусиятини тавсифловчи сўз бирикмаларини воқелаштиради: *сувчи қиз/ ошпаз аёл/ таржимон шоир* (в.х.).

14. $[И \sim О] = СБ$ қолипи тобе вазиятдаги исмларнинг ҳоким вазиятда турган отлар билан бирикиш тарзи ва бирикиш маҳсулини ўз моҳиятида мужассамлаштиради. Бу қолип $[Ф^{сд} \sim О] = СБ$, $[О_{м-а} \sim О_{н-б}] = СБ$ ва $[О_{ш} \sim О_{ш}] = СБ$ қолиплари вазифасини қамраб олган ҳолда, ўзбек тилида [белги-предмет] маъноли сўз бирикмаларини юзага чиқаришга хизмат қилади. Шунга кўра, ушбу қолип синтактик сатҳда лисоний синтактик бирлик мавқеига эга. Қуйидаги сўз бирикмалари қолипнинг нутқий воқеланишидан ҳосил бўлади: *яхши фарзанд/ мингта китоб/ дўстона муносабат/ шивир-шивир овоз; биллур қандил/ чарм этик/ ёғоч кўприк; чўпон йигит/ шифокор аёл/ тилшунос олим* (в.х.).

15. $[И \sim Ф] = СБ$ қолипи тобе вазиятдаги исмлар ва ҳоким вазиятни эгаллаган феълларнинг ўзаро бирикиши ҳамда бирикиш натижаси ўлароқ [белги-ҳаракат] маъноли сўз бирикмаларини умумлаштирувчи лисоний бирликдир. Ўзбек тилида [белги-ҳаракат] маъносини ифодаловчи сўз бирикмаларини юзага чиқаришга хизмат қиладиган бу қолип тил сатҳида лисоний синтактик бирлик мавқеида туради. Қуйидаги нутқий ҳосилалар мазкур қолип асосида вужудга келади: *тез келмоқ/ уч-тўрт марта қарамоқ/ чалқанча ётмоқ/ лип-лип ёнмоқ* (в.х.).

Англашиладики, ўзбек тилшунослигида сўз бирикмаларининг субстанциал таҳлил назарияси шаклланган ва муҳими, мазкур синтактик бирликнинг лисоний моҳияти кашф этилган. Бироқ сўз бирикмаси ЛСҚлари умумий рўйхатида 15 турдаги синтактик қолип ўрин олган бўлса ҳам, фақат 1-; 2-; 3-; 4-; 5-; 6-; 9-; 10-; 14-; 15- тартиб рақамлари остида берилган 10 хил ЛСҚгина лисоний синтактик бирлик мақомига эга. Демак, сўз бирикмалари субстанциал талқинида ҳал қилиниши зарур бўлган айрим муаммолар мавжуд. Чунончи, сўз бирикмаси ЛСҚлари орасидаги парадигматик муносабатни алоҳида тадқиқ этиш, мазкур лисоний синтактик қолиплар парадигмалари ва уларнинг етакчи аъзоларини белгилаш ҳамда юксак даражада умумлашган сўз бирикмаси ЛСҚларини ажратиш муаммоси тўлиқ ечилмаган. Жумладан, $[С^{к.к} \sim С] = СБ$, $[Ф^{рл} \sim Ф] = СБ$ қолипларининг сўз бирикмаси ЛСҚлари тизимидаги мақоми ва ушбу қолипларнинг лисоний бирлик сифатида

ажратилиши масаласи турли баҳсларга сабаб бўлмоқда. Табиийки, бу сўз бирикмаси ЛСҚларининг субстанциал таҳлили давом эттирилишини тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Назарова С.А. Сўзларнинг бирикиш омиллари ва усуллари. – Т.: Фан, 2013. – 98 б.
2. Назарова С.А. Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда. – Т.: Фан, 2015. – 112 б.
3. Қурбонова М. Ҳозирги ўзбек тили (содда гап синтаксиси учун материаллар). – Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2002. – 117 б.
4. Nazarova S. So'z birikmasi lisoniy qurilishiga xos umumiylik// "Филология масалалари". 9-жузв. – Т.: Наврўз, 2016. – Б. 104-106.

УДК 81-119

СЕМАНТИКА ЛИЦА В ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ГРАММАТИКЕ А.В. БОНДАРКО

Хидирова Гулнора Нарзиевна

Ст. преподаватель кафедры Русского языка и литературы НавГПИ, к.ф.н.

Таянч сўзлар: тил, нутқ, семантик категория, грамматик категория, шахс, феълнинг шахс-сон категорияси шакллари, кишилиқ олмошлари, шахс майдони, шахс вазияти, ядро, периферия, матн.

Ключевые слова: язык, речь, семантическая категория, грамматическая категория, лицо, личные формы глагола, личные местоимения, поле личности, персональные ситуации, ядро, периферия, текст.

Key words: language, speech, semantic category, grammatical category, person, personal forms of the verb, personal pronouns, the field of a person, the situation of a person, nucleus, periphery, text.

Мақолада А.В. Бондарко рус тили функционал грамматикасининг муҳим бир томони, яъни шахс семантикаси ўрганилган. Шахс семантикасининг тил ва нутқдаги ифодаси таҳлил қилинган.

В работе рассматривается один из аспектов функциональной грамматики «семантика лица», который трактуется А.В. Бондарко посредством поля личности и персональной ситуации. Анализируется проявление семантики лица в языке и речи.

The article deals with one of the aspects of functional grammar of the semantics of the person, which is interpreted by A.V. Bondarko through the field of personality and personal situation. The expression of the semantics of the person in the language and speech are analyzed in the article.

Введение. Широкое исследование понятия функции в языкознании началось со второй половины XX века, «катализатором» этого процесса, на наш взгляд, стала синтаксическая теория Н. Хомского. Проблемами функций языка занимаются такие российские ученые, как В.Г. Адмони, Н.А. Слюсарева, Н.Ю. Шведова, Д.Н. Шмелев, В.Г. Гак, Ю.С. Маслов, А. В. Бондарко, Г.А. Золотова и другие.

В исследованиях современных ученых отражаются различные подходы к функциональному описанию языка. Если одни лингвисты (например, А.В. Бондарко в своей теории функционально-семантических полей) пытаются описать функцию в языке и речи с точки зрения той среды, в которой она проявляется и имеет предназначенный характер, то другие ученые (как Г.А. Золотова - в своей коммуникативной грамматике) рассматривают языковые функции в зависимости от специфики их знаковых носителей. Ученый подвергает тщательному анализу функционирование синтаксических единиц в языке.

Логичным итогом этой работы, на наш взгляд, стал выход ее «Синтаксического словаря русского языка. Репертуар элементарных единиц русского синтаксиса».

Можно предположить, что функциональная грамматика будет определяться как грамматика, изучающая язык в «действии», рассматривающая грамматику с точки зрения деятельности (или теперь – функционирования) ее составляющих единиц, ее деятельности в целом в какой-либо среде. Среда для функционирования языка, по-видимому, будет считаться коммуникативной в силу того, что именно в речевом акте, в общении всякий язык реализовывается и может проявлять свои те или иные качества и свойства. Поэтому многие ученые в своих исследованиях различных аспектов теории функциональной грамматики часто используют определение *коммуникативный*: **Золотова Г.А.** Коммуникативные аспекты русского языка (2003), **Золотова Г.А.** Коммуникативная грамматика русского языка (2004), **Золотова Г.А.** и др. Русский язык. От системы к тексту. 10 класс (2002), **Щерба Л.В.** Языковая система и речевая деятельность (1974), **Арутюнова Н.Д.** Предложение и его смысл (1976), **Бондарко А.В.** Грамматическая категория и контекст (1971), **Всеволодова М.В.** Теория функционально-коммуникативного синтаксиса (2000), **Кислевич А.** Коммуникативная лингвистика (2007) и др.

В современных теориях функциональной грамматики (Бондарко, Золотова и др.) рассматривается именно функция коммуникативная. В своей разрабатываемой модели функциональной грамматики А.В. Бондарко определяет функцию как «присущую той или иной единице в языковой системе способность к выполнению определенного назначения и соответствующему функционированию».

В этой связи нужно отметить также следующее, функции языковых единиц лингвистами делятся на семантические и структурные. Семантические функции связаны со смыслом, смысловым содержанием высказывания и проявляются в описании внеязыковой действительности. Структурные функции же служат системно-структурному объединению языковых единиц. Эти два вида функций тесно связаны между собой, поскольку оба характеризуют одно понятие – языковую единицу. К примеру, «...согласование прилагательного с существительным по роду, числу и падежу дополнительно (избыточно) подчеркивает связь признака с его носителем, дублируя вместе с тем выражение грамматических категорий существительного» [1].

Кроме перечисленных видов функций различают также функцию прагматическую. Она передает отношение содержания языковых единиц и высказывания в целом к участникам речевого акта и его условиям. Данная функция многими учеными (Е.В. Падучева, Н.Д. Арутюнова) рассматривается в качестве особого подтипа семантических функций.

Предметом функциональной грамматики является изучение функции грамматических единиц и категорий, а также лексико-грамматических средств как в целевом, так и потенциальном аспектах. При рассмотрении второго аспекта понятие функции может перекрещиваться с понятием значения. Поэтому возникает ситуация разграничения функций грамматических единиц (форм и конструкций) от их значений.

Как указывает А.В. Бондарко «функция в ее потенциальном аспекте более тесно связана с понятием «значения», чем функция как цель (назначения)» [1]. Однако *значение* выступает в качестве знакового содержания формы, ее системно значимое внутреннее свойство. Значения грамматических форм относятся к содержательной стороне языка и включаются в понятие языковой строй. А реализация *функции* в речи представляет собой цель употребления того или иного средства или комплекса средств, выходящую за пределы языка. В качестве подтверждения используем пример Бондарко: такие функции форм настоящего времени, как настоящее сценическое, изобразительное, настоящее изложения, репортажа, номинации и т.п. Во всех этих случаях глагольная форма употребляется для выражения настоящего времени, что отражает ее категориальное значение. Однако употребление данной формы для передачи действий в сценических ремарках, для изложения содержания произведения и т.п. – это такие функции грамматической формы, которые представляют собой внеязыковые цели ее употребления. Каждый раз мы констатируем, для чего употребляется данная форма, имея при этом в виду не только ее внутреннее содержание, ее значение, но прежде всего ее

предназначение в конкретных условиях коммуникации. Подобные функции связаны с определенной сферой, условиями общения, жанром, целенаправленностью речевого акта и т.п.

Таким образом, функция связывает значения и внеязыковые цели общения. Конечно, семантические функции коренятся в значениях, но отличаются ярко выраженной обращенностью к внеязыковым целям – к смыслам, которые нужно передать и воспринять в процессе коммуникации.

Значения языковых единиц (в частности категориальные значения грамматических форм и синтаксических конструкций) – это относительно замкнутая система с ограниченным числом элементов. Функции же выступают в качестве незамкнутой системы и значительно более широкой, с ярко выраженной неопределенностью границ на периферии. Заметим, что вопрос о соотношении значений и функций входит в более широкую проблематику, связанную с осмыслением того, как язык с ограниченным количеством языковых единиц (и их значений) оказывается способным реализовать в речи бесконечное многообразие конкретных целей общения.

Как видно, понятия *значения* и *функции* несут в себе различное содержание. Первое нужно рассматривать как внутрисистемное языковое понятие. Второе же понятие *функции* используется при так называемом «выходе языка в речь», т.е. применяется при описании языка в динамике. Их близость обусловлена тем, что оба понятия характеризуют одну систему – систему языка, но с различных аспектов.

Вслед за А.В. Бондарко и другими исследователями функциональной грамматики мы определяем функцию языковой единицы как ее способность к выполнению определенного назначения и к соответствующему функционированию в речи.

Известно, что в традиционной грамматике лицо, как грамматическая категория, находит свое выражение, в первую очередь, в местоимениях (личные, притяжательные местоимения), а также в личных формах глагола [6]. Лицо является одним из обуславливающих признаков глагола, наряду с категориями времени, вида, наклонения и залога.

В функциональной грамматике русского языка категория лица определяется посредством семантической категории персональности. Данная семантическая категория входит в систему семантических средств функционального анализа. В функциональной грамматике А.В. Бондарко составляющими этой системы также являются такие категории, как аспектuality, темпоральность, модальность, залоговость, субъектность, объектность, локативность и др. Каждая семантическая категория определяет то или иное функционально-семантическое поле (ФСП). Так, ФСП аспектuality базируется на семантической категории аспектuality. В русском языке центральную роль среди средств выражения аспектuality отношений играет грамматическая категория вида. А семантическая категория времени определяет ФСП темпоральности. В силу этого, семантическая категория персональности является объединяющим началом поля персональности.

Учитывая, что целью функциональной грамматики является исследование функционирования языковых единиц и средств в речевой среде, данная отрасль лингвистики разрабатывается в тесной взаимосвязи языка и речи. Поэтому сначала рассмотрим аспект проявления семантики лица в речи.

Говоря о персональности, Бондарко имеет в виду, прежде всего речевую ситуацию, участников коммуникации и участников обозначаемой ситуации. Именно в речевом акте актуализируется категория персональности. Каждый участник речевой ситуации – персона, лицо – обусловлен своим отношением к лицу. Семантику лица, Бондарко трактует, как «характеристику участников обозначаемой ситуации по отношению к участникам ситуации речи — прежде всего к говорящему... То или иное отношение к лицу устанавливается с точки зрения говорящего и ориентируется прежде всего на говорящее лицо как центральную фигуру речевого акта» [2].

Таким образом, ученый характеризует персональность как актуализационную семантическую категорию дейктического типа. Дейктический признак персональности обусловлен тем, что всякий коммуникативный акт определяется своими физическими

координатами – временем, местом и лицом. И соответствующие вербальные средства именуются дейктическими выражениями или элементами, в данном эпизоде – это лицо участника: говорящий (я), слушающий (ты, вы) или третье лицо (о ком/чем говорят).

А теперь рассмотрим языковые средства выражения личности в функциональной грамматике русского языка. Еще О. Есперсен (1958) в своих трудах выделял понятийное лицо как семантическую категорию, рассматривая его во взаимосвязи с лицом грамматическим, поэтому в лингвистике личность традиционно выражается такими формальными средствами, как формы лица глаголов и местоимений. Таким образом, явление личности в языке, в первую степень, связано с категорией лица.

В русской грамматике лицо является «словоизменяющей грамматической категорией глагола, выражающей отношение производителя действия к говорящему и служащей для разграничения участников коммуникации».

Первое лицо указывает на то, что говорящий является производителем действия, обозначенного глаголом (1 л. ед. ч.), или он входит в некую группу лиц — производителей данного действия (1 л. мн. ч.). Второе лицо указывает на действие, производимое собеседником или адресатом (2 л. ед. ч.), или на то, что действие производится некоторой группой лиц, где есть и слушающий (2 л. мн. ч.). Третье лицо указывает на то, что действие совершается тем лицом (лицами) или неодушевленным предметом (предметами), которые непосредственно не участвуют в процессе коммуникации (3 л. ед. и мн. ч.).

Далее Бондарко указывает, что категория лица присуща также личным местоимениям, которые могут дополнительно к личным глагольным окончаниям указывать на статус участника диалога или же быть единственными показателями данной категории, в случае, когда глагол стоит в форме прошедшего времени или сослагательного наклонения: я пришел (бы), ты пришел (бы), он пришел (бы) и т.д.

Противопоставление по лицам чаще всего выражается при помощи специальных личных глагольных окончаний (в настоящем и будущем времени): смотрю, смотришь, смотрит; пойду, пойдешь, пойдет и т.д.

М. Шелякин в своей работе «Функциональная грамматика русского языка» к личным местоимениям относит «местоимения-существительные, выделяющие лица или предметы по их роли в речевом акте: местоимения 1-ого типа указывают на говорящего (я) или на группу лиц, в составе которых находится говорящий (мы); местоимения 2-ого лица — на адресата предложения (ты, вы) или на группу лиц, в составе которой находится адресат высказывания (вы = ты + он, она, они); местоимения 3-ого лица (он, она, они) — на лицо / лица, предмет / предметы, не участвующие в данном акте речи» [5].

Таким образом, исходным и первичным для выявления сущности семантической категории личности и грамматической категории лица является ситуативное функционирование форм лица глаголов и местоимений. Именно в живых актах речи, где непосредственно выступает в актуальной форме противопоставление «я — ты — он», в полной мере проявляется сущность личности как актуализационной категории. В истолковании категории лица используется подход от категориальной семантики к средствам ее выражения: «Категория лица как структурный элемент предложения является потенциальной. Она выражается, кроме личных форм глагола, также формами личных местоимений...»

А теперь рассмотрим, каким образом проявляются свойства семантической категории личности в функциональной грамматике А.В. Бондарко. Исследование грамматики русского языка ученый организует посредством таких объединений, систем и структур, как функционально-семантическое поле (ФСП) и категориальная ситуация (КС). Как указывалось в начале статьи, каждая семантическая категория определяет то или иное функционально-семантическое поле. Кроме того, что эта категория определяет то или иное поле, она входит в состав этого поля. Вместе с указанной семантической категорией структуру поля составляют соответствующие языковые единицы, языковые средства, грамматические категории, части речи, целые предложения и фразы. В своей теории ученый различает центр и периферию поля.

Поле персональности, трактуется Бондарко, как группировка разноуровневых (морфологических, синтаксических, лексических, а также комбинированных — лексико-грамматических) средств данного языка, служащих для выражения различных вариантов отношения к лицу [2]. Центр поля персональности составляют личные формы глагола и личные местоимения 1 и 2 лица в именительном падеже, т.е. глаголы и местоимения, являющиеся в предложении главными членами предложения. Все остальные формы личных местоимений (3 лицо) будут входить в ближайшую периферию центра (ядра) поля персональности. Здесь мы считаем необходимым отметить, что ядро поля персональности само представляет собой сложную полевую структуру: центр ядра составляют личные местоимения только 1 и 2 лица (непосредственные участники речевой ситуации), а в периферию ядра войдут местоимения 3 лица (опосредованные участники).

Бондарко отмечает, что «основанием для истолкования персональности как ФСП является тот факт, что глагольные и местоименные формы лица взаимодействуют друг с другом и с иными средствами выражения отношения к лицу, образуя в данном языке определенную систему, в которой выделяются центральные и периферийные компоненты» [2].

Таким образом, центральную роль в рассматриваемом ФСП в русском языке играют грамматические формы лица глаголов и личных местоимений (выступающих в позиции подлежащего).

Бондарко выделяет персональные элементы I и II ранга. Персональные элементы I ранга выражают отношение к лицу, касаются субъекта-подлежащего. Персональные элементы II ранга находятся за пределами субъекта-подлежащего (когда отношение к лицу касается субъекта, выраженного дополнением, а также объекта и атрибута).

Каковы языковые средства, составляющие периферию поля персональности? В качестве ответа мы приведем следующие области поля, сводное расположение которых (по Бондарко) представлено по мере удаления от центра поля персональности:

- формы личных местоимений в косвенных падежах (относятся к ближайшей периферии): *Скажу тебе...*; *Тебе дежурить*; *Нами было отмечено...*;
- «грамматическая категория лица находит выражение и в местоимениях притяжательных»: *Мою статью* [ср.: статью, которую написал я] *рассмотрели в срок*;
- формы возвратного местоимения (себя, себе и т. п.) (представляют собой морфолого-синтаксический компонент периферии поля персональности): *Ты себя не оправдывай*;
- деепричастные конструкции (относятся к числу синтаксических средств выражения персональности): *Я иду, оглядываясь по сторонам* (*оглядываясь* получает отношение к 1-му лицу благодаря соотнесенности с 1-м лицом *Я иду*);
- инфинитивные конструкции (интонационно-синтаксические средства выражения персональности): *Вам бы прилечь*; *Встать!*;
- разнообразные сочетания с глагольным и местоименным лицом (лексические элементы персональности): *Ваш покорный слуга тоже поставил свою подпись*;
- лексические средства выражения персональной семантики обобщенно-личного типа: *...у нас уже так на Руси заведено: одному искусству человек предаваться не может — подавай ему все* (И. Тургенев);
- к крайней периферии персональности относятся формы безличности: *Светаёт. Смеркается. Моросит*.

Таким образом, при отнесении того или иного языкового средства к центру или периферии рассматриваемого поля существенно то, занимает ли данное средство (комплекс средств) центральное место в субъектно-предикатной структуре предложения (при субъекте - подлежащем) или выступает в позиции дополнения или определения [2].

А теперь обратимся ко второму фундаментальному понятию в функциональной грамматике Бондарко - категориальной ситуации. Для рассматриваемого нами поля персональности эта ситуация, следовательно, будет называться персональной. Ученый дает следующую трактовку данному понятию: «Персональная ситуация — это базирующаяся на семантической категории и поле персональности типовая

содержательная структура, представляющая собой тот аспект передаваемой высказыванием общей ситуации, который заключает в себе отношение к лицу». Здесь исследователь выделяет конкретно-личные (определенно-личные), неопределенно-личные и обобщенно-личные ситуации в системе их типов, подтипов, разновидностей и вариантов, выступающих в речи.

Для данного понятия следует отметить следующее:

– во-первых, типовой содержательной структурой поля персональности будет являться высказывание, выражающее отношение к лицу, например, высказывания с дателъным падежом субъекта: *Теперь, когда по пьесам Вампилова знают во всем мире, надо и нам знать [ср.: чтобы и мы знали], каково было становиться Вампиловым.* (Н: А.В. Бондарко). В данном выражении семантический субъект занимает позицию не подлежащего, а дополнения.

– во-вторых, семантика персональности может реализоваться не только в отдельном высказывании, но и на уровне целостного текста.

Известно, что многие типы речи (типы текстов) имеют свой, так называемый, ключ персональности. Примерами могут служить такие произведения, как повествование в условном 1-м лице, живой рассказ от реального 1-го лица, историческое повествование в 3-м лице, отрешенное от личности говорящего изложение, характеризующееся образным включением обобщенного адресата-читателя (как в первом из «Севастопольских рассказов» Л. Н. Толстого: Вы подходите к пристани — особенный запах каменного угля, навоза, сырости и говядины поражает вас... — пример А. Бондарко). Таким образом, персональность высказывания и персональность текста — характеристики, находящиеся в отношениях взаимной связи.

Заключение. Рассмотренные в данной работе функциональные аспекты семантики лица свидетельствуют о том, что описание А.В. Бондарко грамматики русского языка основано на известной теории полей. Фундаментальными понятиями функциональной грамматики ученого явились функционально-семантическое поле и категориальная ситуация. Применительно к русскому языку им совместно с коллективом ученых разработано описание около 30 функционально-семантических полей.

Семантика лица трактуется А.В. Бондарко посредством поля персональности и персональной ситуации. Даны подробные научные выкладки проявления семантики лица в языке и речи. Семантика персональности может реализоваться не только в отдельном высказывании, но и на уровне целостного текста. Исследование персональности может представлять собой один из элементов функционального анализа текста.

ЛИТЕРАТУРА

1. **Бондарко А.В.** Основы функциональной грамматики: Языковая интерпретация идеи времени. - СПб.: Изд-во СПбГУ, 2001. – 260 с.
2. **Бондарко А.В.** Теория значения в системе функциональной грамматики: На материале русского языка // Рос. академия наук. Ин-т лингвистических исследований. – М.: Языки славянской культуры, 2002. – С. 543-589.
3. **Всеволодова М.В.** Практикум по курсу «Функционально-коммуникативный синтаксис». – М., 1995. – 63 с.
4. **Золотова Г.А.** Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М., 2007. – 368 с.
5. **Шелякин М.А.** Функциональная грамматика русского языка. – М., 2001. – С. 59-63, 111-116.
6. **Языкознание.** Большой энциклопедический словарь/ Гл.ред. В.Н. Ярцева. – М., 1998. – С. 271-272, 564-567.

УДК 81-2

ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИДА ОЛМОШ ТУРКУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТЕРМИНЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Мустафаева Самида Тошмухаммедовна

ТошДШИ Хитойшунослик факультети Хитой тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: олмош, сўз туркумлари, тасниф, грамматика, семантика, калькаш-тириш, сўз, иероглиф.

Ключевые слова: местоимение, части речи, классификация, грамматика, семантика, калькирование, слово, иероглиф.

Key words: pronoun, parts of speech, classification, grammar, semantics, calquing, word, Chinese character.

Мақола хитой тилида олмош туркумининг сўз туркумлари таснифида тутган ўрни, олмош туркуми тадқиқи, олмошнинг турларга ажратилиши ва мазкур сўз туркуми билан боғлиқ терминлар эволюцияси, уларнинг лексик-семантик тадқиқига бағишланади.

В данной статье рассматриваются вопросы исследования местоимений в китайском языкознании, определения его места среди других частей речи, классификация местоимений, эволюция терминов, употребляемых по отношению к местоимениям и его подтипам, также анализируются лексико-семантические свойства этих терминов.

The article is devoted to the place of pronoun among other parts of speech in Chinese language as well as the study of pronoun, the division of pronoun, the evolution of terms related to pronoun and lexical and semantic study of it.

Кириш. Олмош сўз туркуми сифатида тилда алоҳида ўрин эгаллайди. Олмош туркумига оид сўзлар нутқда фаол бўлиб, сўзловчининг суҳбатдошига бўлган муносабатидан тортиб, миллатнинг маданияти, анъаналарини ҳам акс эттиради. Шу сабаб, олмош туркумини ўрганиш, мазкур сўз туркуми тадқиқи ҳамма вақт алоҳида қизиқишга сабаб бўлган.

Хитой тилида олмошларнинг сўз туркуми сифатида ўрганилиши 1898 йилда нашрдан чиққан Ма Цзянчжуннинг “Машивтун” (“*马氏文通*”) грамматикасидан бошланади. Хитой тили грамматикаси илк бор тизимли тадқиқ қилинган ушбу асар юзага келгандан кейин кўплаб тадқиқотчилар, олимлар сўзларни синфларга ажратишга киришди, чунки ғарб тиллари грамматикалари ҳам айнан сўзларни таснифлашдан бошланар эди. Демак, сўз туркумлари таснифисиз грамматика ҳам бўлиши мумкин эмас, деган фикр илгари сурилди [1].

Ма Цзянчжун олмош сўз туркумини 代字 *daizi* ‘алмаштирмак; ўрнида келмоқ’+ ‘сўз; иероглиф’ термини билан атаб, уни мустақил сўз туркумлари сафига киритади [2]. Олим хитой тилида олмошларни тўрт турга ажратади: 指名代字 *zhiming daizi* ‘шахсни аташ олмошлари’, 接读代字 *jiedou daizi* ‘боғловчи олмошлари’, 询问代字 *xunwen daizi* ‘сўроқ олмошлари’, 指示代字 *zhishi daizi* ‘кўрсатиш олмошлари’.

Шундан 指名代字 *zhiming daizi* ‘шахсни аташ олмошлари’ → 指 *zhi* ‘кўрсатмоқ; ишора қилмоқ’+ 名 *ming* ‘ном, исм’+ 代字 *daizi* ‘олмош’ компонентларидан иборат. Муаллиф бу туркум олмошларини икки турга ажратади: бири гапираётган шахсни ифодаловчи олмошлар ва иккинчиси матн ёки гап таркибида олдинги жумлани алмаштириб келувчи олмошлар. Шахсни аташ олмошлари қаторида Ма Цзянчжун 吾 *wu* ‘мен, менинг’, 我 *wo* ‘мен’, 余 *yu* ‘мен’ нутқ эгасини ифодаловчи¹, 爾 *er* ‘сен, сенинг’, 汝 *ru* ‘сен’, 而 *er* ‘’, 若 *ruo* ‘сен’

¹ Санаб ўтилганлардан фақат 我 *wo* ‘мен’ гина ҳозирги хитой тили шахс олмоши сифатида қўлланади. Қолганлари қадимги хитой тили взянда қўлланилган олмошлардир.

сухбатдош (нутқ қаратилган шахс)ни ифодаловчи ва нутқда иштирок этувчи (ким ёки нима ҳақида бўлса) 彼 *bi* 'у', 夫 *fu* 'у', 之 *zhi* 'у; бу'² [2] сўзларини санаб, изоҳлаб ўтади.

接读代字 *jiedou daizi* 'боғловчи олмошлар' → 接 *jie* 'боғламоқ, бирикмоқ' + 读 *dou* 'фраза, жумла' + 代字 *daizi* 'олмош'. Боғловчи олмошлар олдинги жумлага мазмунан боғланган ҳолда кейинги жумлани тузишда қўлланилади [2]. Бундай олмошларга 其 *qi* қадимги хитой тилида тахмин, буйруқ маъноли гаплар ва гапларда маъно кучайтиришга хизмат қилган; 者 *zhe* гап ўртасида паузани ифодалаш учун қўлланилган; 所 *suo* иш-ҳаракатнинг қабул қилувчиси, умумлаштирувчи сўз сифатида қўлланилган.

询问代字 *xunwen daizi* 'сўроқ олмошлари' → 询 *xun* 'сўрамоқ; фикрни билиш учун савол билан мурожаат қилмоқ' + 问 *wen* 'сўрамоқ; савол бермоқ; савол' + 代字 *daizi* 'олмош' компонентларидан тузилган ушбу термин асарда қуйидагича изоҳланади: номаълум бўлган нарсани сўраш учун қўлланилади [2]. Муаллиф бу гуруҳ олмошлар сирасига 谁 *shui* 'ким?', 孰 *shu* 'ким?' 'нима?' 'қайси?', 何 *he* 'нима?', 'нима учун?', 'қандай?', 'қай тарзда?' сўзларини киритади. Бундан ташқари 奚 *xi* 'нима учун?', 'қандай?', 'қаер?', 胡 *hu* 'нима учун?', 曷 *he* 'қандай?', 'қачон?', 恶 *wu* 'нима?', 'қайси?', 安 *an* 'қаер?' ва 焉 *yan* 'қандай қилиб?', 'қай йўсинда?', 'қаер?' сўзлари эса сўроқ маъносини англатганда олмош саналади, бундан ташқари улар равиш ҳам бўлиши мумкин. Ушбу олти лексеманинг гапдаги вазифасидан келиб чиқиб қай туркумга хослиги аниқланади [2].

指示代字 *zhishi daizi* 'кўрсатиш олмошлари' → 指 *zhi* 'кўрсатмоқ; ишора қилмоқ' + 示 *shi* 'намоиш этмоқ' + 代字 *daizi* 'олмош'. Асарда улар 逐指 *zhuzhi* 'умумлаштириб кўрсатиш', 特指 *tezhi* 'ажратиб кўрсатиш', 约指 *yuezhi* 'тахминий кўрсатиш (ишора)', 互指 *huzhi* 'ўзаро кўрсатиш' каби тўрт турга ажратилади [2]. 每 *mei* 'ҳар; ҳамма', 各 *ge* 'ҳар'; 夫 *fu* вояга етган ўғил болалар, эркакларга мурожаат учун қўлланилган 'у, улар', 是 *shi* 'бу', 若 *ruo* 'сен', 彼 *bi* 'у', 此 *ci* 'бу'; 皆 *jie* 'ҳамма', 等 *deng* кўп сонлиликни ифодалаш учун қўлланилган бўлиб, 'синф, тур, тўда' маъноларини беради, 大要 *dayao* 'асосий мазмун', 大抵 *dadi* 'аксарият; асосий қисм', 大凡 *dafan* 'умуман; ҳамма'; 自 *zi* 'ўз', 相 *xiang* 'ўзаро', 交 *jiao* 'ўзаро; бир-бирига' сўзларини мазкур туркум олмошларга мансуб деб талқин этади.

Ли Цзинси сўз туркумлари 词类 *cilei* ни олти турга ажратиб, олмошларни от сўз туркуми билан бирга 实体词 *shitici*, яъни 实 *shi* 'ҳақиқий' + 体 *ti* 'шакл' + 词 *ci* 'сўз', ҳақиқий шаклга эга бўлган сўзлар, 'ном сўзлар'га киритади [3].

Инглиз тилидаги 'pronoun' аслида хитой тилига 代名词 *daimingci* 'алмаштирмоқ, ўрнида келмоқ' + 'от' + 'сўз', яъни от ўрнида келувчи сўзлар маъносини англатади, бироқ биз ҳозирда 代词 *daici* 'алмаштирмоқ, ўрнида келмоқ' + 'сўз' терминини қўллаймиз, чунки хитой тилида олмошлар наинки от, балки барча мустақил сўзлар ўрнида келиши мумкин [4].

Баъзи адабиётларда от ва олмош биргаликда 实体词 *shitici* (*substantives*)га киритилади [4].

Хитой тили кишилиқ олмошлари 人称代词 *rencheng daici* 'шахсни номловчи олмошлар' инглиз тилидаги 'personal pronouns'нинг хитой тилидаги семантик калькасидир. Қадимги хитой тилида ҳам айрим олмошлар - 其 *qi*, 之 *zhi* кабилар ҳам шахсга нисбатан, ҳам нарсабуюм ва ҳайвонларга нисбатан қўлланилиши мумкин, бироқ ҳозирги хитой тили оғзаки шаклида 人称代词 *rencheng daici* терминини қўллаш мантиқан тўғри бўлади, чунки ҳозирда кишилиқ олмошларидан фақат 我 *wo* 'мен', 你 *ni* 'сен', 他 *ta* 'у' фақат шахсга нисбатан қўлланилади [4]. Ван Ли олмошларни етти турга бўлади: 人称代词 *rencheng daici* 'кишилиқ олмошлари' → 人 *ren* 'шахс; киши' + 称 *cheng* 'атамоқ' + 代词 *daici* 'олмош', 无定代词 *wuding daici* 'инфинитив олмошлар' → 无定 *wuding* 'ноаниқ; номаълум' + 代词 *daici* 'олмош', 复指代词 *fuzhi daici* 'ўзлик олмоши' → 复 *fu* 'қайтармоқ; жавоб бермоқ' + 指 *zhi* 'кўрсатиш; ишора

² 'сен'ва'у' маъноларини англатувчи бу сўзлар қадимги хитой тили олмошлари бўлиб, бугунги кунда уларнинг баъзилари олмош сифатида асосан расмий доиралар ёки фразеологизмлар таркибида қўлланилади.

қилиш'+代词*daici* 'олмош', 交互代词 *jiaohu daici* 'ўзаро муносабат олмошлари' → 交互 *jiaohu* 'ўзаро муносабатда бўлмоқ' +代词*daici* 'олмош', 被饰代词 *beishi daici* 'аниқланмиш олмошлар' → 被 *bei* 'томонидан' + 饰 *shi* 'аниқламоқ; изоҳ бермоқ' +代词*daici* 'олмош', 指示代词 *zhishi daici* 'кўрсатиш олмошлари' → 指示 *zhishi* 'кўрсатмоқ' +代词*daici* 'олмош', 疑问代词 *yiwen daici* 'сўроқ олмошлар' → 疑问 *yiwen* 'сўрамоқ; сўроқ' + 代词*daici* 'олмош' [4, 278].

Лю Шусян сўзларни туркумларга ажратишда бироз ўзгача қарашларни баён этади. У олмошларни мустақил сўз туркумларига эмас, ёрдамчи сўз туркумларига киритади ва бу сўз туркумини 指称词 *zhichengci* 'кўрсатиш ва аташ сўзлари' ёки 称代词 *chengdaici* 'муружаат ва алмаштирувчи сўзлар' деб атайди. Олмошлар Лю Шусян таснифи бўйича беш турга: 三身指称 *san shen zhicheng* 'уч шахсни ифодаловчи олмошлар'; 确定指称 *queding zhicheng* 'аниқлик олмоши'; 无定指称 *wuding zhicheng* 'номаълумлик олмоши'; 数量指称 *shuliang zhicheng* 'миқдор олмоши'; 单位指称 *danwei zhicheng* 'ўлчов олмоши'; (简称单位词 *jiancheng danweici* 'қисқартма ўлчов сўзлар'га ажратилади [5].

Гао Минкай грамматикасида олмошлар 虚词 *xuci* ёрдамчи сўз туркумлари таркибидаги 代表虚词 *daibiao xuci* 'вакил ёрдамчи сўзлар' га киритилади ва икки: 指示词 *zhishici* 'кўрсатиш сўзлари' ва 代词 *daici* 'олмошлар' [6] га ажратилади.

Хитой тили грамматикасининг кейинги босқичига келиб олмош сўз туркумига нисбатан қўлланилувчи терминлар ўз муваққатлигини йўқотиб, доимий қўлланилувчи терминлар ажралиб чиқади ва лингвистик адабиётларда олмош сўз туркуми билан боғлиқ терминлардаги тафовутлар 40-йиллар грамматикаларидаги каби кўп учрамайди. 60-йиллар лексикографик адабиётларида яқдил равишда олмош 代词 *daici* 'алмашлаб (ўрнида келувчи) сўз', унинг турлари эса 人称代词 *rencheng daici* 'кишилик олмоши', 反身代词 *fanshen daici* 'ўзига қайтариш (ўзлик) олмоши', 指示代词 *zhishi daici* 'кўрсатиш олмоши', 疑问代词 *yiwen daici* 'сўроқ олмоши' каби тавсифланади [7].

XXI аср хитой тилшунослигида эса 代词 *daici* олмошларнинг фақат уч тури: 人称代词 *rencheng daici* 'кишилик олмошлари', 指示代词 *zhishi daici* 'кўрсатиш олмошлари', 疑问代词 *yiwen daici* 'сўроқ олмошлари' кабилар ажратилади [8].

Хитой тилшунослигида грамматика тараққиёти, сўз туркумларига ажратишга бўлган қарашларнинг хилма-хиллиги, ўз навбатида, хитой тилида сўзнинг ўзига хос мураккаб хусусиятлари олмош туркумининг ўрганилиши, тавсифи ва таснифи, хусусан, ушбу сўз туркуми ва унинг турларига нисбатан қўлланилувчи терминлар эволюциясида ҳам акс этган. Лотин тилидан хитой тилига калькалаштирилган 代名字 *daimingzi* → 代 *dai* 'алмаштирмоқ; ўрнида келмоқ' + 名 'ном; от' + 字 *zi* 'иероглиф; сўз' ёки 代名词 *daimingci* → 代 *dai* 'алмаштирмоқ; ўрнида келмоқ' + 名 'ном; от' + 词 *ci* 'сўз; ёрдамчи сўз' терминлари хитой тилида олмошларнинг хусусиятларини тўлиқ акс эттирмаганлиги сабаб 代字 *daizi* → 代 *dai* 'алмаштирмоқ; ўрнида келмоқ' + 字 *zi* 'иероглиф; сўз' ва 代词 *daici* → 代 *dai* 'алмаштирмоқ; ўрнида келмоқ' + 词 *ci* 'сўз; ёрдамчи сўз' терминларига ўз ўрнини бўшатиб берди. Вақт ўтиши билан терминлардаги ўзгаришлар, хитой тилида сўз тушунчаси тадқиқи термин таркибидаги иккинчи компонент, яъни 字 *zi* ва 词 *ci*нинг қўлланилишида ҳам аниқликни келтириб чиқарди. XX аср тилшунослигида 字 *zi* асосан 'иероглиф' маъносида, 词 *ci* эса 'сўз', 'лексема' маъноларида қўлланила бошлагани сўз туркумлари номлари, хусусан, олмош сўз туркумининг умумий номини ифодаловчи терминлар унификациясида қўл келди. 40-йилларда яратилган грамматикаларда ғарб грамматикаси таъсири салмоқли бўлганлиги сабаб олмошларнинг таснифида ҳам "ғарблашиш" тенденцияси кучли. Моҳиятга таъсир ўтказган ғарб илми терминларда ҳам акс этади. Уларнинг аксарияти инглиз ёки француз тили олмошларининг турлари ва уларга нисбатан қўлланилган терминларнинг таржимаси бўлиб қолди. Фақат 60-йилларга келиб олмошлар таснифида аниқлик кўринади. XXI асрга келиб эса олмош туркумига нисбатан қўлланилувчи терминлар масаласи яқдил ечимини топди.

АДАБИЁТЛАР

1. Гао Мин-кай. Проблема частей речи в китайском языке // Вопросы языкознания. – Москва, 1955. – № 3. – С. 48-58.
2. 马建忠. 马氏文通. –北京: 商务印书馆, 1998. – 457 页.
3. Курдюмов В.А. Курс китайского языка: Теоретическая грамматика. – Москва: Цитадель-трейд, Вече, 2006. – 573 с.
4. 王力. 中国语法理论. –山东: 教育出版社, 1984. – 523 页.
5. 吕叔湘. 中国文法要略. –北京: 商务印书馆, 1982. – 483 页.
6. 高名凯. 汉语语法论. –北京: 商务印书馆, 1985. – 579 页.
7. 语言学名词. –北京: 商务印书馆, 1963. – 158 页.
8. 程明安, 郝文华. 应用汉语. –湖北: 湖北人民出版社, 2005. – 430 页.

УДК 8.08.

АСКИЯ МАТНЛАРИДА ОККАЗИОНАЛ ПАРОНИМЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дўсматов Ҳикматулло Ҳайитбоевич

*Фарғона давлат университети Тилшунослик кафедраси ўқитувчиси***Таянч сўзлар:** аския, сўз ўйини, миллий жанр, контекстуал пароним, контекст.**Ключевые слова:** юмор, игра слов, национальный жанр, контекстуальные паронимы, контекст.**Key words:** askiya (a game in which two contestants try to outdo each other in making witty, often ribald responses full of suggestive puns), word game, national genre, contextual paronyms, context.

Ушбу мақолада контекстуал паронимларнинг аскиячилар нутқида ифодаланиши ҳамда улардан сўз ўйини ва бадиий тасвир воситаси сифатида фойдаланиш усуллари ҳақида фикр юритилади.

Данная статья посвящена изучению употребления контекстуальных паронимов в качестве художественно-выразительных средств и в игре слов.

The article is devoted to the expression of contextual paronyms in the speech of askiyachi (one gifted at making witty rejoinders) and their usage as a word game and the means of literary description.

Кириш. 2014 йил 27 ноябрь куни ЮНЕСКО бош қароргоҳида ўтказилган Номоддий маданий мерос қўмитасининг IX сессиясида ўзбек миллий сўз санъати гултожи ҳисобланган аскиянинг инсоният номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилганлиги [1] уни янада ривожлантириш ва келажак авлодга етказиш долзарблигининг халқаро умумэтирофи ҳисобланади.

Маълумки, тилшуносликда сўзларни шакл ва маъно муносабатига кўра турларга ажратиш, асосан, лексемага нисбатан татбиқ этилади. Бироқ, мазкур ҳодисаларнинг нутқий вазиятда ҳам реаллашувини назарда тутган ҳолда уларни матн доирасида махсус тадқиқ этиш биров эътибордан четда қолаётганини айтиб ўтиш жоиз. Аммо, бу ҳақда айрим фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, профессор Ш. Раҳматуллаев омонимияни тил босқичида ва нутқ босқичида алоҳида-алоҳида баҳолаш кераклигини, тил босқичида омонимия тил бирликлари (*лексемалар, морфемалар, фразеологик бирликлар*) доирасида мавжуд бўлиши, нутқ босқичида эса нутқ бирликлари доирасида (*сўзформалар ва бирикмаларда*) юз беришини таъкидласа [2], профессор А. Нурмонов омонимиянинг матн кўриниши – амфиболия ҳам мавжудлигини эслатиб ўтади [3]. Ёки кейинги йилларда контекстуал антонимияга доир тадқиқотлар ҳам юзага келаятганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбек тилшунослигида нутқий омонимия, матн омонимияси, контекстуал антонимия ҳодисаларидан ташқари яна бир ҳодиса ҳам мавжудки, у ҳам бўлса, **контекстуал**

паронимиядир. Контекстуал паронимия матнда нутқ бирликлари доирасида (*сўзшакллар, бирикмалар ва гап кўринишларида*) юзага чиқади.

Паронимлар нутқда, айниқса, аскиячилар нутқида ўзига хос услубий аҳамиятга эга: товуш таркибидаги ўхшашлик, бир-бирига яқинлик баъзан, қисман бўлса-да, шакл нейтрализациясига олиб келади. Бундай ҳолатни пайкаган аскиябозлар ўз нутқида паронимларни услубий фигура сифатида ишлатиб, турли мақсад ва ниятларини сўз ўйини асосида баён этадилар ва шу тариқа паронимазия асосида рақибларига нисбатан образли тарзда субъектив муносабат билдирадилар.

Паронимлардан сўз ўйини ҳосил қилишда кенг фойдаланилиб, халқ орасида кенг тарқалган миллий санъат тури – аскияда улар муҳим қимматга эга бўлган восита ҳисобланади. Аския деярли ҳолларда паронимларга (шунингдек, омонимларга, полисемантик бирликларга) асосланади [4]. Ўзига хос бир нутқ кўриниши ҳисобланган аския матнларида паронимлар сўз ўйини ва таг билимга ишора қилади. Таг билим – бевосита ахборотда шакланмаган, яширин ҳолда акс этган маъно ҳисобланади. Аскиячиларнинг бир-бирига кўчма маъно орқали таъсир қилиш учун қўллаган ҳар қандай жумла (дискурс)ларида яширин мазмун ифодалаш имконияти аксар ҳолларда паронимлар орқали реаллашиб, турли пресуппозицияларни намоён қилади.

Тилшуносликда пароним бирликларга фонетик структураси бошқа-бошқа, талаффузда ўхшаш, яқин бўлиб қоладиган [5], тилда тасодифан талаффуз жиҳатдан бир-бирига ўхшаб қолган ёки тил тараққиёти давомида маънолари дифференциация қилинган сўзлар [6] сифатида таъриф берилади. Яъни:

Иброҳимжон. Колхозда сабзавот ачиб ётибди! Шаҳарга жўнатгани бригадир раиснинг **амирини** кутиб ўтирипти.

Турсунбува. Айб раисдами, бригадирда? Айтинг-чи, қайси бирлари **қовун туширишган?** **“Қовун”** пайрови. Аския [7].

Матнда Иброҳимжон нутқида қўлланилган **амири** сўзи **амири** – *пўчоғи ва эти кўкиш, хипча, узунчоқ, эртапишар қовун нави* [8, I том, 79] маъносида ҳамда **амр** – *юқори тоифа томонидан бериладиган фармойиш ва буйруқ* маъноларида қўлланган. Аскиячи ўз нутқида **амири** (*қовун нави*) сўзини қўллаш орқали **амри** (*раиснинг буйруғи*)га маълум маънода ишора қилган ва зукколик билан сўз ўйини ҳосил қилган.

Пароним бирликлар бир сўз туркумига ҳам, турли сўз туркумларига ҳам оид бўлиши мумкин. Қуйидаги аскияда **пол** ва **фол** бирликлари бир сўз туркуми (*от*) доирасида ўзаро паронимликни ҳосил қилган:

Иброҳимжон. Қойилман, саркор, жойи келганда сиз ҳам гапни қуйиб ташлайсиз – **гувалакдай** қилиб!

Олимжон ака. Сиз ҳам **фолбинга** ўхшаб, қаёқдаги гапларни топасиз иш вақтида бекор турмай, деб **пол очай** дейсиз-а!

“Иморат” пайрови [7].

Ушбу матнда қўлланилган **пол** сўзи **фол** лексемасининг пароними ҳисобланиб, *уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган ва ўтириладиган сатҳи* [9, I том, 597] маъносини, **фол** – *бирор нарсага қараб кишини билишга қизиққан нарса ёки ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб бериш, “сохта башорат”* [9, II том, 304] маъноларини ифодалашга хизмат қилган.

Паронимларнинг аския матнида қўлланилиши сўз ўйинининг нозик маъно қирраларини ифодалаш имкониятларини кўрсатади. Улар нутқнинг гўзаллиги, таъсирчанлиги ва уни таъминловчи муҳим стилистик воситалардан биридир. Шунинг учун аскиячилар фонетик жиҳатдан оҳангдош бўлган бундай сўзларни муайян стилистик мақсад билан қўллашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, тўғри танланган ва ўз ўрнида қўлланган паронимлар аскиянинг аниқлиги, ифодалилиги ва образлилиги, шу билан бирга, чиройли оҳангдорлигини ҳам таъминлайди. Шуни таъкидлаш керакки, аскиячилар ўз нутқида маъноси бир-биридан йироқ, қарама-қарши паронимларга мурожаат қиладилар. Зеро, оҳангдош сўзларнинг маъносидаги алоҳидалик, қарама-қаршилиқ ёрдамида солиштириш кутилмаганлик даражасига олиб чиқилади, натижада улар ўртасидаги контрастлик беҳад кучаяди ва ифодалилик ҳамда таъсирчанлик ҳам ўз-ўзидан ортади.

Тоҳиржон. Ҳа, майли, бу ёғига хафа бўлманг. Танқид қилсам, дўстингизман-да. Комиссия келиб, элак-элак қилса ҳам, нима қилардингиз. Ишингиз остун-устун бўлади-кетди.

Ҳасанжон. Комиссия камчиликларни кўрсатгани яхши, ишга фойдаси тегади. Сиз бўлсангиз, комиссия келганда, ўзингизни **понага оласиз**.

Бу ўринда қўлланилган **пона** сўзи – *нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тигли ёғоч ёки темир [9, II, 598]* маъносини англатса, унинг пароними – **пана** сўзи – *бошқаларнинг назаридан яширадиган ёки бирор нарса таъсиридан сақлайдиган, ҳимоя қиладиган жой [9, II, 507]* маъноларини англатади. Бу билан дурадгорлик соҳаси атамаларига изоҳ берилган. **Панага оласиз** бирикмаси **“понага оласиз”** шаклида қўлланилган ва фонетик ҳодиса юз берган. Бу фонетик ҳодиса аниқ бир мақсад асосида юзага чиқарилиб, “рақиб”нинг камчилигига ишора қилинади.

Юқоридаги мисолларда товуш алмашиши асосида фонетик ҳодиса рўй берган бўлиб, нутқий фаолиятда *п–ф* ва *о–а* товушлари дурадгорлик соҳасига алоқадор прагматик ишора (дискурс)ни юзага чиқармоқда. Бирикмаларнинг мазмун томонига эътибор қаратсак, *пол очмоқ* – уйнинг юрадиган тахтали қисмини очмоқ, *фол очмоқ* – киши билишга қизиққан номаълум воқеа, ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб беришга уринмоқ ёки олдиндан “билмоқ”, айтиб бермоқ [8, IV том, 354] маъносида; *панага оласиз* – ҳеч ким кўрмайдиган яширин жойга беркинасиз маъноси, *пона* – нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тигли ёғоч ёки темир [9, I том, 598]ни назарда тутган ҳолда юзага чиқарилган. Аскиячиларнинг бундай йўл тутишида нутқий бирликларнинг маълум соҳа атамасига монанд талаффуз қилиниши, фонетик ҳодисанинг аниқ бир мақсад асосида юзага чиқарилиши, рақибнинг камчилигига ишора қилиниши кабилар асос вазифасини бажаради. Бирикмаларнинг бундай маъноси тил ҳодисаси сифатида реаллашмай, балки фақат нутқда, у ҳам бўлса аскиячилар нутқида ифодаланиб, контекста прагматик маънонинг таъсирчан услубий-хусусий қуроли бўлиб хизмат қилади.

Лексик паронимлар аския матнида кенг қўлланади. Бундай воситалар кўчим асосида ҳам паронимия ҳодисасини юзага чиқариши мумкин:

Расулжон. Мулла Ғанижон, келинг бир **улоқ чопишайлик**. Сиз билан **елкалашиб** кўрмоқчиман.

Ғанижон. Бизнинг отлар улоқ олиб, улоқ ташлаб юрган. Бу гапларингизни **думда юрадиганларга айтинг**.

“Улоқчилар” пайрови [7].

Ғанижон ака нутқида **думда юрадиганларга айтинг** гапи, биринчидан, метафорик ифода, яъни жойлашиш нуқтаи назардан думнинг орқада ўринлашувига асосланиб, *“орқада қоладиганларга айтинг”* маъносида, иккинчидан, улоқ ўйини қишлоқ жойларида ўтказилиши, унда, аксарият ҳолларда, қишлоқ чавандозлари беллашувини назарда тутиб, *“домда яшайдиганларга айтинг”* мазмунида ишлатилган. Бундай метафорик ҳолат яратиш аскиячидан кенг дунёқараш, олам ва одам ҳақида чуқур фикр юрита олиш, руҳият ва табиатни яхши билишни талаб этади. Метафора образ (тимсол)нинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг руҳий оламида кечаётган ҳолатларни тингловчи ёки “рақиб” кутмаган фавқуллодда бадиий ҳукм асосида тасвирлаш ёки ифодалашга ёрдам беради.

Баъзан аскиячилар **касбий атамалардан** ҳам унумли фойдаланиб, сўз ўйини қиладилар. Натижада нутқда паронимия ҳодисаси экспрессив-эстетик вазифа бажарувчи воситага айланади:

Озод ака. Мулла Охунжон, Эркинбойга унақа деманг, у кишининг **феъли** ёмон, **пиёдани** кўрди, бўлди, **сипоҳ**гарчилик қилиб нариги чеккага суриб қўядилар.

Охунжон. Ҳали Эркинбой ана шунақа **шоҳ**милар, бўлмаса мен билан ўйнасинлар – **руҳ**ларини ўзим қочираман.

“Шахмат” пайрови [7].

Аскияда қўлланилган **руҳ** – *(кишининг ички ҳолатини, психик кечинмаларини, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти)* ва **руҳ** – *(шахмат ўйинида тахтанинг икки четли қатор охиридаги хонага жойлашадиган ва вертикал ҳамда горизонтал ўйналишда истаганча юра оладиган сипоҳ, тўра); сипоҳ* – шахмат донаси ва **сипо** –

характер-хусусият билдирувчи сифат (*назарга илмайдиган, гердайган*) кабиларни пароним дейиш мумкин.

Гарчи талаффуздаги ўхшашлик туфайли бундай лексемаларни ишлатишда қийинчиликлар, ноўрин қўллашлар воқеъ бўлса-да, паронимларнинг бири ўрнида иккинчисидан фойдаланиш услубий хатога олиб келади. Аскияда эса бундай хатога йўл қўймаслик лозим. Чунки, нутқда паронимлардан аниқ бир мақсадда фойдаланилади. Бу эса сўз ўйинининг асосий талабларидан биридир. Масалан:

Турсун бува. Афтидан, сиз заводда иш сифатини текшириб юрадиган одамга ўхшайсиз. Келинг, текширишингизни мен ҳам бир кўрай – бу ишда қанчалик **руль** ўйнайсиз экан.

Қодиржон ака. Астойдил ишляпман дейсизу, лекин кам-кўстларингиз ҳали кўп. Ўзим текшириб кўраман – **кал, бура тур!**

“Трактор” пайрови [7].

Турсунбува нутқда қўлланилган **руль** сўзи *бошқариш механизми* [8, I том, 628] ҳисобланса, унинг пароними **роль** сўзи *сахна асарида актёр гавдалантирадиган образ* [9, I том, 626]ни ифодалайди. Қодиржон ака эса мошинанинг яна бир механизми ҳисобланган **карбюратор**ни ўзбекона талаффузга мослаштириб, “рақиб”га нисбатан ўзининг салбий муносабатини аналогия усулидаги сўз ўйини асосида ифодаламақда. “Трактор” аскиясидан келтирилган ушбу мисолдаги **кал, бура тур** бирлигининг ҳосила маъноси тракторнинг қурилмаси бўлган **карбюратор** лексемасига шаклий-ифодавий ўхшашлик асосида юзага чиқарилган. Натижада эса лексема билан **пароним гап (атама бизни)** ўртасида талаффуздаги ўхшашлик юз берган ва сўз ўйинининг асосий омилига айланган. Бундан яққол кўриниб турибдики, **ўзбек тилида пароним гаплар ҳам мавжуд.**

Баъзан аскиячилар сўз ўйини қилиш мақсадида атайлаб сунъий равишда нутқий бирикмалар ўхшашлигидан унумли фойдаланиб, **пароним бирикмалар** ҳосил қиладилар. Демак, “**пароним бирикмалар**” атамасини ҳам бемалол қўллаш мумкин. Пароним бирикмалар ёки пароним гаплар асли бутун ҳолатда бўлган бирикмани бир неча бирикмага айлантириш ёки бир неча бирликни бир бутун бирикмага айлантириш усулида ҳосил қилинади. Биринчи усулда бир неча сўз ҳосил бўлса, иккинчи усулда битта сўз шакл ҳосил қилинади. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Мамарозиқ ака. Ғойиб ака, у кун Раштонга бориб **қандақ ўрик** еб келдингиз?

Ғойиб ака. Қантақ ўрик ейман ахир, сиз боғнинг ўртасида туриб: **олма-олма** дейсизу!

Мамарозиқ ака. Сўраб енг-да, ёқмаса **анжир** қилиб қўяман// Анжирнинг япалоқ шаклига ишора: «*пачагингни чиқараман*», «*пачақ қилиб қўяман*» мазмунида.

“Мева” пайрови [7].

“Қандай” сўроқ олмоши тил босқичида бирон-бир лексемага пароним бўла олмайди. Талаффуздаги ўхшашлик эса фақатгина сўзлар занжирини, яъни бирикмани ҳосил қилгач, уни узлуксиз талаффуз этгандагина юзага чиқиши мумкин. Шу боис, *қандай* ва *қантақ* ўзаро пароним бўлмай, балки *қандай ўрик* билан *қантақ ўрик* ўзаро **нутқий пароним бирикма** бўла олади.

Нутқнинг диалогик кўринишида шаклланган юқоридаги жумлада эса *қандай?* соф сўроқ маъноси (ўрик нави: “қантақ”ни ифодалаш)дан ташқари «...*Қандай қилиб ўрик еб келдингиз?*» (сўроқ) // «...*Қантақ ўрик еб келдингиз*» (дарак) тарзида дарак мазмуни ҳам ишлатилганки, бундай шакл ва мазмуний номувофиқликка эга бўлган *қандай* олмошли сўроқ гапларда бирдан ортиқ ахборот ифодаланган.

Нутқий паронимлар сегмент бирликларнинг асосан шаклий ўхшашлигига асосланиб, устсегмент бирликлар ёрдамида фақатгина нутқий жараёнда руёбга чиқади:

Ғойиб ака. Боғбон ака, гапингиз **жийда чўпга ўхшайди**, қани **ишком** жойга ўтайлик.

Мамарозиқ ака. Иш кам деб юмалоқ бўлиб ётиб олсангиз-а?!

Ғойиб ака. Узумзорга қирайлик дебам бўлмайди, дили каптардай ўйнайди.

“Мева” пайрови [7].

Ушбу мисолда *жийда* – *жуда*, *ишком* – *ишкам* паронимлари ҳамда *иш кам* (*иш оз*) ва *ишкам* – форс-тожикча *қорин* маъносини ифодаловчи омоним сўз нутқий ва лисоний ўйиннинг тасвирий ифода воситасига айланади.

Юқоридаги мисолларнинг лисоний таҳлилидан кўринадики, аския жараёнида “рақиб”лар ўзлари танлаган мавзуни кенгроқ ёритиш мақсадида баъзи бир сўзларни соҳага оид сўзларга мослаштириб талаффуз этадилар ва бу орқали нутқни турли буёқларда жонлантирадилар. Натижада турли фонетик ҳодисалар воситасида юзага чиққан сўз ўйини фикрнинг жонлилиги ва таъсирчанлигини таъминлайди ҳамда тингловчини зийракликка чорлайди. Шу жиҳатдан аскиянинг лисоний хусусиятларини атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгаки, унда *“ҳар бир сўз бир неча маънода ўткир поэтик куч билан жаранглайди”* [10].

Контекстуал паронимлар аския матнида ўзбекона сўз ўйинлари яратишнинг муҳим бир усули сифатида турли-туман пропозицияларга ишора этади. Бу эса аскиябозларнинг лингвистик маҳорати, яъни сўзга чечанлигидан далолат беради. Масалан, қуйидаги мисолда аскиячилар **“кўргилик”** ва **“кўрчилик”** сўзларининг талаффуз ўхшашлигидан унумли фойдаланган ҳолда қофия усулида маҳорат билан сўз ўйини яратадилар:

Турсунбува. Ҳосил тўйига алоқадор ҳам келганми дейман, нафаслари ичларига тушиб, “кўргилик, кўргилик” деб ўтирибдилар.

Қодиржон ака. Кўргилик эмас, Турсунбува, айб ўзларида, бўлмаса нима учун “кўрчилик, кўрчилик” дейдилар.

“Пахтачилик” пайрови [7].

Ушбу мисолдан англашиладики, паронимия ҳодисаси Турсунбува ва Қодиржон акаларнинг нутқи доирасида, алоҳида гаплари орасида мақсадли тарзда юзага чиқарилмоқда. Демак, сўзловчиларнинг бу каби мақсадли анологиялари, яъни сўзларнинг шаклий ва ифода ўхшашлигидан фойдаланиб, қофиядорлик ва оҳангдорликни юзага чиқарган ҳолда, сўз ўйини қилишлари аскиянинг комик ва прагматик табиатига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур нутқий бирликларни ўзаро зидлаш орқали контекстуал антонимия ҳодисаси ҳам юзага чиқарилмоқдаки, натижада нутқ талаби билан улар бир пайтнинг ўзида икки ҳодисани, яъни контекстуал паронимия ва контекстуал антонимияни ифодалаш жиҳатидан нутқий полифункционал бирликларга айланмоқда.

Нутқ бирликларининг бундай кўп вазифавийлиги аския матнида гап бўлақларининг синтактик ҳосланишига ҳам таъсир этиб, аския матнининг бошқа одатий матнлардан кескин фарқланишида муҳим роль ўйнайди:

Расулжон. Ҳали қўлингиз **улоққа** теккани йўғу, бизни қантариб ҳам қўясиз. Бу гапингизни бирорта қирқинчи колхоз раисига айтинг, **у – лаққа**, тушади.

Ғанижон. Яхши отга бир қамчи кифоя. Келинг, отингизни қамчиланг, маррага яқин қолганда **той чоғлик қилиб қолди** деб, узр айтиб ўтирманг яна.

“Улоқчилар” пайрови [7].

Гарчи паронимия лексик сатҳга тегишли ҳодиса ҳисобланса-да, “Улоқчилар” аскиясидан олинган юқоридаги мисолда унинг синтактик усулда намоён бўлаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, сўзловчиларнинг биринчи вазифаси улоқ (кўпкари) ўйинига алоқадор атамалар билан сўз ўйини қилиш ҳисобланади. Шу боис, аскиябозлар **УЛОҚ** – ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (*одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни*) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элиб ташлаш учун курашишдан иборат миллий спорт ўйини; кўпкари [8, IV том, 279] – сўзидаги **у** товушини пауза билан ажратиб, 3-шахс кишилиқ олмоши (**у**) маъносида ишлатган. Шунингдек, улоқ лексемасининг иккинчи бўғинидаги **о** товушини **а** товушига мақсадли алмаштириш билан ҳамда **-қа** жўналиш келишиги қўшимчасини қўшиш орқали **лаққа**, яъни *суриштирмасдан, ўйлаб кўрмасдан, осонгина алданадиган одам* маъносини ифодалашга эришган. Бунинг натижасида матнда нутқ бирлиги элементларининг синтактик вазифаси ҳам ўзгаради. Яъни, нутқий талаб билан кишилиқ олмоши ўрнида ишлатилган **у** – эга вазифасида, **лаққа** равиши эса отлашиб ундалма вазифасида келади. Ғанижон ака ҳам ўзининг жавоб нутқида синтактик алоқа усули орқали нутқий паронимлар ҳосил қилиб, бир бутунлик ҳисобланган **тойчоқ** лексемасига ноодатий тарзда **-лик** қўшимчасини қўшиш эвазига морфонологик жараёни юзага чиқарган. Бундай морфонологик жараён мақсадли тарзда амалга оширилган бўлиб, рақибга нисбатан ҳужум қуроли сифатида прагматик мазмуннинг ранг-баранг тарзда ифодаланишида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, келтирилган лисоний далилларни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин:

Лексема	Лексема	Бирикма	Бирикма	Гап
амир	амр			
фол	пол			
пона	пана			
рух	руҳ			
жийда	жуда			
кўргилик	кўрчилик			
дум	дом			
ишком		иш кам		
тойчоқ				той чоғ(лик қилди)
		қандай ўрик	қантак ўрик	
карбюратор				кал, бура тур
улоқ(қа)				у – лаққа

Юқоридаги лисоний далиллар таҳлилидан келиб чиқиб, **хулоса** сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Паронимия фақат лексик сатҳга тегишли ҳодиса эмас. У лексемалар доирасидагина юзага чиқмайди. Аския матнига хос лисоний далиллар пароним бирикмалар ва пароним гаплар мавжудлигидан далолат беради.

2. Аския матнида паронимлардан сўз ўйинларининг маҳсулдор воситаси сифатида фойдаланилади. Сўз усталари томонидан мазкур бирликларга сўз ўйинининг стилистик талаблари асосида бер неча ҳосила маъно юклатилади.

3. Аския матнида контекстуал паронимлар полифункционаллик ва полисемантик хусусиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. [HTTP://WWW.UNESCO.ORG/CULTURE/ICH/EN/FORMS](http://www.unesco.org/culture/ich/en/forms)
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 6.
3. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. – Т.: Академнашр, 2013. – 87 б.
4. Абдурахмонов Ҳ., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981. – 32 б.
5. Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 113 б.
6. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 142 б.
7. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Кўп томлик. Аския. – Т.: Ф. Фулом, 1970. – Б. 19-73.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдли /А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: ЎзМЭ, 2006-2008.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилдли. – М.: СЭ, 1981.
10. Раззоқов Ҳ. ва б. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 266 б.

UDK 802.0.-561.32+809.437.5-561.32.

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ КЕСИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Болибекова Мавжуда

ЎЗМУ мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: тилнинг онтологик табиати, синтактик категория, структура, эга, кесим, морфологик ифодаланиш, субстанциал ёндашув, кесимлик шакллари.

Ключевые слова: онтологическая природа языка, синтаксическая категория, структура, подлежащее, сказуемое, морфологическое выражение, субстанциальный подход, формы сказуемости.

Key words: ontological nature of the language, syntactic category, structure, subject, predicate, morphological expression, substantial approach, the forms of predicate.

Мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги кесимнинг моҳияти, табиати ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

В статье рассматриваются сущность, природа и особенности сказуемых в узбекском и английском языках.

The essence, nature and peculiarities of predicates in the Uzbek and English languages are considered in the article.

Кириш. Ҳар бир инсон ўз хулқ-атвори, дунёқарашига эга бўлганидек, ўз миллий тилида фикрлайди, гаплашади. Ҳар бир тил ўз онтологик табиатига эга экан, уларга миллийлик асосида ёндашган ҳолда ўзига хос қонуниятлари, хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш ва тадқиқ этиш зарур. Инсоннинг фикрлаши, сўзлашуви, умуман, мулоқоти тил, уларнинг синтактик қурилиши билан боғлиқ, чунки синтактик қурилишнинг энг асосий категорияси - гап. Гапнинг синтактик қурилиши ҳамма тилларда ўзига хос. Ҳинд-европа тилларига мансуб инглиз, рус, немис ва бошқалар ҳамда туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек, қozoқ, татар тиллари синтактик қурилиши тубдан фарқ қилади. Ҳар бир она тили структурасининг содда ёки мураккаблиги, инсоннинг тафаккур қилиш қобилиятига таъсири олимлар томонидан исботланган [1]. Уларнинг фикрича, инсон гўдаклигидан синтактик қурилиши мураккаб она тилини ўрганса, шунингдек, бир пайтнинг ўзида яна бирор хорижий тилни ўрганса, у кейинчалик монолингга тенгдошларидан кўра ақллироқ бўлиб, келажакда етук шахс сифатида шаклланади.

Ҳаммага аёнки, кесим масаласи энг қизиқарли ва мураккаб муаммолардан биридир. Тилшунослик фан сифатида шаклланишидан бошлаб, турли тизимли ва ҳар хил оилаларга кирувчи тилларда кесим, унинг моҳияти бир хил. Масалан, инглиз тилида эгада ифодаланган маъно ҳақидаги ҳукми кўрсатувчи гап бўлаги кесим деб аталади ёки кесимнинг категориал моҳияти унинг эга билан бўлган муносабати орқали аниқланади. Қайд этилган қоидага айланиб ёки ўхшаш таърифларни хоҳлаган тил грамматикасида учратиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон тилшунослигида гапларнинг “икки чўққили” бўлиши ва уларда, албатта, эганинг ифодаланиши кўп ҳолларда зарурлиги назарияси кенг тарқалган эди. Бу назария ҳар бир тилда, хусусан, туркий тиллар оиласида ҳам кенг тарқалиб, мустаҳкам ўрин эгаллади ва ҳукмронлик қилди. Шунинг учун ҳам бу тиллар оиласида ўн йилликлар давомида “икки чўққили” назария яшаб келди.

Хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам мустақиллик давригача шу назария ҳукмронлик қилди, яъни проф. Н. Маҳмудов айтганидек, истиқлолга қадар ўзбек тили ҳодисаларини рус қолипига солиб тушунтириш [2] мажбурий эди. Қайси дастур, дарслик ёки ўқув қўлланмани олиб кўрманг, бу ҳодиса кўзга яққол ташланади. Мустақиллик даврида ҳар бир тил, шунингдек, ўзбек тилшунослиги қурилишининг ўзига хослигини очиш, таҳлил ва тадқиқ қилишга ҳамда бу билан она тили таълими жараёнида грамматик қурилишнинг ўзига хослиги асосида ёш авлодда миллий тафаккурни ўстириш учун кучли замин тайёрланди [3]. Ўзбек олимлари яратган назария бўйича кесим нафақат гапнинг бўлаги, балки гапнинг маркази эканлиги исботланди. Уларнинг таъкидлашича, кесимлик категорияси тасдиқ/инкор, майл/ модаллик, замон, шахс/сон кабиларни ўзига мужассамлаштирган морфологик категориядир [4]. Бундай фикрнинг вужудга келишида субстанциал талқиннинг фалсафий методологик асосларини тадқиқ этиш сабаб бўлди. Ҳаёт ва жамиятдаги ҳар бир ҳодиса ёки ҳосила каби тил ҳодисаларини ўрганиш ҳам амалий (эмпирик, фаҳмий) ва назарий (рационал, идрокий) босқичларда амалга оширилади.

Аниқки, ҳар бир фаҳмий тадқиқ жараёнида унинг методологик асоси формал мантиқ бўлганлиги туфайли ўрганиш объектининг зоҳирий белги хусусиятлари релевант қиймат касб этса, идрокий таҳлил жараёнида асосий эътибор муносабат томонига қаратилади. Масалан, кесимнинг, яъни нутқий гапдаги кесимнинг зоҳирий аломатлари сезги органлари учун аниқ бўлганлиги боис, улар кесимнинг аниқ кузатишда берилган хусусиятлари сифатида қаралади. Идрокий ўрганиш предмети сифатида танлаб олинган жиҳат - кесимнинг муносабатлар тизими, лисоний гап ичида гап марказининг ўрни – мавҳум, бевосита кузатишда берилмаганлик хусусиятига эга. “Бу усул билан ҳосил қилинадиган

билимларнинг ақлий, идрокий ёки ботиний деб аталишига ҳам сабаб шу омил. Фаҳмий (зоҳирий) ва идрокий (ботиний) билимлар нарсанинг (тадқиқ манбаининг) турли томонлари асосида ҳосил қилиниши сабабли кўп ҳолларда зоҳирий бевосита кузатишда берилган белгилар нарсанинг моҳиятини очиб берувчи идрокий таҳлил учун тўсик бўлиши мумкин» [4]. Буни методология масаласи билан махсус шуғулланган тилшуносларимиз қуйидагича тавсифлашади. Уни шарҳлашга ҳаракат қиламиз. Тадқиқотчининг ўз тадқиқ манбаи ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шуғулланиши аҳамиятлидир. Шунингдек, тадқиқотчининг таҳлил манбаи/нарсига қандай усул билан ёндашиши ҳам методологик моҳият касб этади. Ҳар бир илмий изланиш маълум методологик асосларга таяниши зарур. Бу ҳол субстанциал тилшуносликда яққол кўзга ташланади.

Субстанциал морфология тадқиқотчилари С. Иванов, В. Гузев, Ҳ. Неъматов ва бошқа қатор тилшунослар томонидан туркий тилларда гап қурилиши тавсифига субстанциал (формал-функционал) ёндашиш масаласи ҳам чуқур тадқиқ этилган. Бунинг ибтидоси сифатида ўзбек тилшунослари сардорлигида бир гуруҳ туркийшунослар томонидан 1984 йилда “Советская тюркология” журналида эълон қилинган мақола – формал-функционал (субстанциал таҳлил) тезисларни кўрсатиш мумкин [5].

«Тезислар»да туркий тилларда гап синтаксиси билан бевосита алоқадор бўлган қуйидаги масалалар: 1) гап таърифи, 2) кесим моҳияти, 3) кесимлик категорияси, 4) кесимнинг шаклланиш усуллари, 5) уюшган кесимлар, 6) қўшма гап, 7) кесим кенгайтирувчилари, 8) содда гапнинг структур типлари бўйича синтактик таҳлил учун методологик асос бўла оладиган фикр ва қарашлар баён этилади ва муҳокамага чиқарилади. Бунда гап моҳияти кесим орқали, кесимнинг ўзи - лексик ва морфологик сатҳ бирликлари орқали, гапнинг қурилиши - лексик (номинатив) ва морфологик бирликларнинг валентлиги (бирикиш, нутқий воқеланишда кенгайиш имкониятлари) орқали аниқланиш ғояси илгари сурилади. Жумладан, “гап - кесимлик категорияси билан шаклланган номинатив бирлик (сўз шакл) ва унинг кенгайтирувчилари” сифатида таърифланади. Муаллифлар фикрларини давом эттириб: «Гап марказини ифода талаблари асосида зарур шаклларга эга бўлган истаган турдаги аташ/номлаш қобилятли бирликларнинг /W/ кесимлик категорияси шакллари билан бири /Pm/ билан келган кўриниши сифатида талқин этиш гапнинг лисоний босқичда моҳиятини акс эттиради ва бу босқичда унинг энг кичик қурилиш қолипни /WPm/ сифатида бериш имкониятини беради» [5], деб хулоса қиладилар. Бу таърифдан кўриниб турибдики, муаллифлар гапни шакллантиришда кесимлик категориясига катта эътибор берадилар – моҳиятан бу морфологик категория гапни грамматик шакллантирувчи восита сифатида қабул қилинади. Бундай таъриф соф грамматик (лингвистик) табиатли бўлиб, эклектик (уқилмай, тўппа-тўғри кўчирилган, эргашилган) мантиқийлик, фалсафийлик, матнийлик каби нольингвистик омиллардан тамоман холидир – у грамматикага таянади ва унга асосланиб, грамматик бирлик моҳиятини очади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бунда ҳам тўғри (асосли) ҳукм/таъриф/хулоса... учун мантиқнинг бош талабларидан бирига - юқори босқич бирликларини қуйи босқич бирликлари асосида таърифлаш тамойилига - тўла-тўқис риоя қилинади.

Гап қурилишида кесимни марказга қўйиш тилшуносликда янги эмас. Биринчидан, гап кесимининг морфологик шакли ривожланган тилларни ўрганиш асосида шаклланган ва ривожланган араб тилшунослиги учун бу меъёрий ҳолдир. Иккинчидан, ўзбек тилшунослигида бу ғояни формал тадқиқнинг ғарбий кўринишини фанимизга олиб кира бошлаган Абдурауф Фитрат илгари сурган. Лекин, Абдурауф Фитрат бу ғояни, Низомиддин Маҳмудов жуда ўринли таъкидлаганидек, “замонавий грамматик тушунчалар асосида” эмас, соф прагматик-эмпирик асосда олиб кирди. «Тезислар»да эса бундай талқин туркий тиллар грамматик қурилишининг формал таҳлилида келиб чиққан зиддиятларни бартараф этиш, бу тилларнинг зотий (онтологик) табиатини илмий грамматик тушунчаларда акс этиш мақсадида киритилди.

Кесимлик категорияси тушунчаси ҳам тилшунослик учун мутлақо янги эмас. Лекин, биринчидан, бу тушунча илмий грамматикаларда мавжуд бўлса-да, оммалашган тил грамматикаларида (таълим тизими учун ишлаб чиқилган қўлланма ва дарсликларда)

четлаб ўтилар эди; иккинчидан, илмий адабиётларда ҳам кесимлик категорияси ҳақида гапирилганда, асосан, кесимнинг шахс/сон шакллари тушунилар эди.

Бунинг ёрқин далили сифатида икки машҳур туркийшуноснинг - фанимизда формал грамматик таҳлил асосчиларининг - Н.К. Дмитриев ва Э.В. Севортянларнинг айна бир масалага бағишланган ва айна бир илмий тўпламдан жой олган мақолаларини келтириш мумкин [6]. Ҳар иккала олим ҳам бу мақолаларида, асосан, шахс/сон шаклларининг келиб чиқишини таҳлил этади. Ғарб тилшунослигида эса «кесимлик категорияси» деган тушунча йўқ, чунки рус тилшунослигидан бошқа тилшуносликларда грамматик тушунча бўлган кесим мантикий атама – предикат (предикация) атамаси билан номланади ва табиийки, мантикий ва грамматик ҳодисалар аралаштириб юборилади [6]. Шунинг учун рус тилшунослигида ҳам «кесимлик категорияси» («категория сказуемости») деган грамматик категория махсус ажратилмайдиган [6]. «Тезислар»да эса бу категория тамоман бошқача – мантикий предикация билан деярли алоқадор бўлмаган талқинини олди – *Бола ўқиди* бутунлигида ҳам мантикий предикация, ҳам грамматик кесимлик мавжуд, *Бола ўқигач* ҳосиласида эса фақат мантикий предикация бор, грамматик кесимлик йўқ.

Кесимлик категорияси мураккаб категория – у тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон маъно ва шакллариининг яхлитлигидан иборат. Бу маъно турларидан ҳар бири ўзича нисбатан мустақил м о р ф о л о г и к категория бўлиб, алоҳида-алоҳида – кесимлик категорияси ва шакллариининг ташқарида ҳам - воқелана олади. Лекин, гап марказини тузувчи синтактик категория сифатида кесимлик категориясида бу морфологик категориялар биргаликда, бир-бири билан боғланган, бириккан тарзда юзага чиқади.

Кесимнинг ўзбек тилидаги субстанциал талқинида ўзига хос ҳолатлардан яна бири мустақил (МКШ) ва номустақил (НКШ) кесимлик шакллариининг фарқланишидир. Тадқиқотчи Л. Раупова ўз номзодлик диссертациясида номустақил кесимлик шаклини махсус ўрганди ва унинг қўшма гап кесимини шакллантиришдаги ўзига хос хусусиятларини тавсифлади.

“Ўзбек тилида гап марказини ташкил этувчи ва кўп ҳолларда унинг қурилишини белгилловчи кесим икки турдаги морфологик шаклларга: 1. МКШ. 2. НКШларига эгадир.

НКШлар қатъий белгиланган синтактик вазифага эга бўлиб, улар қўшма гап таркибидагина воқелана олади. Қўшма гап таркибидан бошқа ҳолатларда улар ё тамоман бошқа маъно ва вазифаларда қўлланади, ё қўшимча матний ва нуткий шароит ҳамда воситаларнинг мавжудлигини талаб қилади. МКШлари эса қўшма гап таркибида ҳам, содда гап таркибида ҳам бемалол қўлланила олади.

НКШлар сифатида ўзбек тилида –са; -са ҳам, -са-ку, -са-ю, -са+я, -а(р)+ кан, -а(р)+ экан, -а(р)+ди; -ган ҳам эди, -ди+ям каби шакллар баҳоланиши мумкин” [7].

Кесим талқинидаги яна бир ўзига хослик кесимлик сўзларининг ажратилишидир. Кесимлик сўзлари деганда лексик-семантик жиҳатдан гап кесими вазифасида келишга ихтисослашган, кесим вазифасидан бошқа ўринларда ёки умуман қўлланилмайдиган, қўлланилганда ҳам маъно ва вазифа жиҳатидан кесим мавқеида қўлланилишдан кескин - омонимия ҳосил қилиш даражасида фарқ қиладиган бирликлар тушунилади. Шу жиҳати билан кесимлик сўзлари сўз-гапларга яқиндир, лекин сўз-гаплардан фарқли равишда улар *эмоқ* ва *бўлмоқ* боғламалари ёрдамида кесимлик категориясига хос грамматик маънолар (тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон)нинг ранг-баранг кўриниш-ларини ифодалай олади. Кесимлик сўзлари икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳини ихтисослашган кесимлик сўзлари деб аташ ва бу гуруҳга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) функционал жиҳатдан ихтисослашаётган (керак, лозим, зарур, мумкин, даркор) ва генетик жиҳатдан сифатга яқин сўзлар;

б) функционал жиҳатдан ихтисослашаётган ва генетик жиҳатдан отга яқин сўзлар (шарт).

Бу сўзлар **-(и)ш** ва **-моқ** ҳаракат номи шакллари билан бирикишда бир таркибли гапларнинг ўзига хос кесимини шакллантиради – шахсиз кесим мавқеида келади. Бунда юқоридаги сўзлар кесимдаги шахс-сон маъносини четлаштиради: *Бу ишларни бажариш керак* каби. Шахсиз кесим ва шахсиз кесимликнинг бундай кўринишлари тарихан қайта бўлиниш асосида эга-кесим қурилмали икки таркибли гаплардан ривожланган ва у билан

алоқалари ҳозиргача сақланиб қолган. Қиёсланг: *Биз боришимиз керак – Бизнинг боришимиз керак – Бизга бориш керак.*

Ўзбек тилшунослигида тилимизда кесимнинг гапдаги мавқеи ва хусусиятларининг субстанциал талқини, асосан, мана шулардан иборатдир. Юқоридаги тавсифдан кўриниб турибдики, у тилшунослиқда *о р и г и н а л* (мустақил, тақдорланмас) талқин бўлиб, унинг асосини ўзбек тилининг ички (онтологик) хусусиятлари ташкил этади. Бундай талқин «Гапда мутлақ ҳоким бўлак кесимдир», деган фикрни декларатив соддагина қайд этиш, айтиб ўтиш билан чекланмайди, балки уни ҳар томонлама асослайди ва гап қурилишининг шу нуқтаи назардан изчил талқинини беради. Шунинг учун субстанциал талқинда гапнинг ўзининг тушунилиши ва ажратиладиган тузилиш турлари, гап таркибида келадиган истаган турдаги кенгайтирувчиларнинг мавқеи, уларнинг бир-бирига муносабати формал таҳлил талқинларидан фарқлидир, ўзига хосдир.

Туркий тиллардаги кесимнинг морфологик структураси Ғарбий Европа ва рус тилларидагидан кесим таркибида шахс/ сон маъноларининг ҳамшиа ифодаланганлиги билан фарқланади. Юқорида келтирилган фактлардан шу кўриниб турибдики, инглиз, рус, немис тилларидаги гаплар «икки чўққили» ва уларда эга кўп ҳолларда ифодаланган бўлиши зарур. Бунинг сабаби шу тилларнинг кесими яхлит ҳолда, яъни бир ўзи қўлланганда, гап ҳосил қилмайди. Бундан ташқари ушбу тиллардаги гап кесимларида замон, майл, шахс/сонларни ифодаловчи морфологик кўрсаткичлар ўзбек тилидагидек ривожланмаган.

Ўзбек тилида кесимлик шакли бошқа морфологик шакллардан фарқ қилади, юқорида қайд этилганидек, бир неча категорияларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Кесимлик категорияси гапнинг моҳиятига тегишли бўлгани учун усиз шакллана олмайди. Бошқа барча тилларда, хусусан, инглиз тилидаги гапларда доимо кесим эга билан келиши – ифодаланиши шарт: *I play. I dance. He entered.* ва ҳоказолар. Ҳинд-Европа, хусусан, инглиз тили ва ўзбек тилида ҳам кесим сўз туркуми билан ифодаланишига кўра иккига бўлинади. 1. От-кесим, 2. Феъл-кесим.

Худди шунингдек, ўзбек тилида от, сифат, сон ёки бошқа сўз туркуми билан ифодаланган қисм предикативликнинг шахс ва сон кўрсаткичини қабул қила олади ёки предикатив сўзлар орқали ифодалайди, шунинг учун улар эгасиз гапда кесим вазифасини бажара олади. Аммо, рус тилида эса отлар предикативли кўрсаткичга эга бўла олмайди, шунинг учун предикатив отлар эга билан келгандагина кесим вазифасини бажара олади. Бу ҳолатни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин. *He became a pilot.* - *У учувчи бўлди.* *Я учитель.* - *Ўқитувчиман.* Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятларга ҳам эга. Ўзбек тилида кесим содда ва таркибли бўлиб, турли кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланади. Юқорида таъкидланганидек, кесим вазифасида келган сўзларда шахс/ сон, модаллик ва замон кўрсаткичлари бўлиши лозим.

Ўзбек тилида от кесимдан иборат гаплар ҳам мавжуд. Бу от кесимларда бирлик ва кўплик, шахс қўшимчалари шахс маъноларини ифодалаши билан бирга, ҳозирги замон маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, *Таътилдаман. Тикувчиман.* Ўзбек тили синтактик қурилишида от-кесимлар ҳам феъл-кесимларидаги каби эгали ёки эгасиз қўлланиши мумкин. Рус тилида эса, айтиб ўтганимиздек, отларга қўшиладиган предикатив шахс-сон қўшимчалари йўқлиги боис отнинг ўзи мустақил ҳолда маълум бир морфологик кўрсаткич ёрдами билан кесимга айлана олмайди. У фақат эга билан келиб, кесим вазифасини бажариши мумкин. Масалан, *Тадбиркорман.* - *Я бизнесмен.* Кўриниб турибдики, ҳинд-европа тилларида гапнинг минимал қолипи [S-P] амалида бўлса, ўзбек тилидаги гапларнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи [WPm]. Бу эса ўзбек тили ва ҳинд-европа тиллари, хусусан, инглиз тили орасидаги фарқларни кўрсатиб турибди. Ўзбек ва қардош бўлмаган тиллар грамматикаларида кесимнинг тузилиши (содда, мураккаб) ҳам бир хил. Келтирилган айрим мулоҳазалар ҳамма тип тиллар гап кесимларида ушбу маънолар мажмуини кўриш мумкинлигини исботламоқда. Аммо, бу маъноларнинг ифодаланиш усуллари, уларни ифодаловчи воситалар турлича бўлиб, бу тилларнинг типик морфологик хусусиятлари билан белгиланади. Умуман олганда, бир тилда кесимлик маънолари категориял шакллар тизими билан ифодаланса, бошқаларида у турли

гетероген воситалар билан ифодаланиб, уларга бир бутун ҳолда грамматик категория эмас, балки функционал- семантик майдон сифатида қараш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилида [WPm] қолипи, инглиз тилида [S-P] қолипи асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу икки қардош бўлмаган тилларнинг асосий фарқларидан бири - кесим ўзбек тилида гап маркази, инглиз тилида эса гапнинг бош бўлақларидан бири вазифасида келади. Ўзбек тилида номустиқ кесим ҳосиласи мавжуд ва тадқиқ этилган, инглиз тилига кесимнинг бу шакли ҳос эмас, лекин баъзида бу ҳол учрайди. Инглиз тилидаги номустиқ кесимнинг ўзига ҳос томонлари, қўлланилиши, ифодаланиши каби қатор масалалар бошқа илмий тадқиқотлар объекти бўлиши табиийдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Бўронов Ж., Юсупов У. ва б. Инглиз, ўзбек ва рус тиллари грамматик структураси: (Олий ўқув юртлари учун). – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 312 б.

2. Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти //Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – № 4. – Б. 5.

3. Умумий ўрта таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. Она тили. Адабиёт. //Таълим тараққиёти. – 1999. – 1- маҳсус сон.

4. Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (содда гап синтаксиси учун материаллар). – Т.: ЎЗМУ, 2002. – 117 б.

5. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Маҳмудов Н.М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков:Тезисы формально-функционального исследования//Сов. тюркология. – 1984. – № 5. – С. 3-10.

6. Абузалова М.К. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қолипи ва унинг нутқда воқеланиши/ Филол. фанлари номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1994. – 20 б.

7. Раупова Л. Ўзбек тилида номустиқ кесим масаласи ва [WPm-WPm] қурилишли гаплар/ Филол.фанлари номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1999. – 21 б.

УДК 81-373.47

ҚЎШМА СЎЗЛАРДА ТИЛЛАРАРО ВА ТИЛ ТАРКИБИДАГИ ИДИОМАТИКЛИК

Юлдашев Акмал Гуламжанович

ЎДЖТУ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: идиоматика, тиллараро, тил таркибидаги, идиоматик қўшма сўз, эквивалент.

Ключевые слова: идиоматика, межазыковая, внутриязыковая, идиоматичность сложных слов, эквивалент.

Key words: idiomatics, interlingual, intralingual, idiomatic compound words, equivalent.

Мазкур мақолада тиллараро ва тил таркибидаги идиоматикликнинг назарий ва амалий аҳамияти атрофлича ўрганилган бўлиб, қўшма сўзларларнинг луғавий таснифлари ва уларнинг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли томонлари таҳлил этилган.

В статье речь идет о теоретической и практической значимости межазыковой и внутриязыковой идиоматичности сложных слов английского и узбекского языков. Также проводится лексикографический и сопоставительный анализ сложных слов в английском и узбекском языках.

The article studies the theoretical and practical importance of interlingual and intralingual idiomatics of complex words of English and Uzbek languages. Lexicographical and comparative analysis of complex words in English and Uzbek languages are also presented.

Кириш. Тилшунослиқда тилларнинг тил таркиби ва тиллараро тадқиқи қиёсий жиҳатдан анча ўрганилиб, бу масалада бир қатор тилшунослар тадқиқот олиб борганлар. Ў.Қ. Юсупов тилшунослиқда тил таркибидаги ва тиллараро қиёслаш борасида сўз юритар экан, тил таркиби остида тил бирликлари фонемадан бошлаб мураккаб синтактик

бирликка қадар, тиллараро қиёслашда эса, камида иккита тилнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари барча тил бирликлари орқали тадқиқ этилишини назарда тутати [9].

Н.И. Кондаков *қиёслаш* сўзига мантиқ нуқтаи назаридан шундай таъриф беради: “Идрок қилинган ҳар қандай нарса ва ҳодиса ўзаро қиёслашдан бошланади, яъни бошқа предмет билан ўхшаш ва фарқли томонларини ўхшатиш ва фарқли томонлари қиёсланади” [4]. Мазкур таъриф қиёслаш нафақат икки тил, балки тил таркиби миқёсида ҳам амалга оширилишини назарда тутати. Ушбу мақолада идиоматик қўшма сўзлар тил таркибида ва тиллараро қиёсий типологик жиҳатдан тадқиқ этилади.

В. Савицкий идиоматикликни тил таркибидаги ва тиллараро гуруҳларга бўлинишини таъкидлайди [7]. А.А. Реформатский фикрига кўра, тиллараро идиоматик қўшма сўзлар “ўзга тилга сўзма-сўз таржима қилинмайдиган” [6] бирликлардир, тил таркибидаги идиоматик қўшма сўзлар эса А.И.Смирницкий томонидан “умумий маъно компонентлар маъно йиғиндисидан келиб чиқмайдиган” [8] бирликлар сифатида таърифланади.

Тиллараро, яъни инглиз ва ўзбек тилларида идиоматикликни тадқиқ этиш икки хил, яъни “*нишондан маъно томон*” ва “*маънодан нишон томон*” бўлган жараённи назарда тутати. Е.С. Кубрякованинг фикрича, “... семасиологик таҳлил – товушдан мазмун томон, ономасиологик таҳлил эса – мазмундан ифода томон йўналтирилган сўз ва сўз бирикмалари” [5]. Шунга кўра, тиллараро идиоматикликни *нишондан маъно томон* борадиган йўналишда таҳлил этиш билан ифода план изоморфли, лекин мазмун план жиҳатидан алломорфли бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзлар қиёсланади. Бунда қиёсланаётган тиллардаги айна бир ифода шаклини идрок этишдаги фарқларни таҳлил қиламиз. Идиоматик қўшма сўзнинг қайта идрок этилган маъноси унинг ифодаланиш жиҳатини, унинг лексик-грамматик расмийлаштирилиши ва бу ҳолда ички шакл бўладиган сўзма-сўз маъноси эса ифода планини ташкил этади [3]. Тилшунослик фанидаги изоморф ва алломорф терминлари қуйидагича изоҳланади: Изоморфизм – типологик жиҳатдан бир хил тузилишга эга бўлган тил бирликлари; Алломорфизм – типологик жиҳатдан турли тузилишга эга бўлган тил бирликлари [2]. Мазкур терминлар илк бор математика фанига оид бўлган, тилшуносликка биринчи бор польшалик тилшунос Е.Курилович томонидан киритилган.

И.Е. Аничков тиллараро идиоматикликка эга барча тил бирликларини идиомаларга киритади [1]. Агар унинг нуқтаи назарини қабул қиладиган бўлсак, унда айна бир тил бирлиги бир вақтнинг ўзида идиоматик бўлиши ва бўлмаслиги, кўпроқ ва камроқ даражада идиоматик бўлиши мумкинлиги, бу албатта мантикий ҳол бўлмайди.

Қўшма сўзларнинг идиоматиклик таҳлили уларнинг тузилиши ўртасидаги муносабатлар тусини ўрганишдан иборат. Тиллараро идиоматиклик бир тилдаги тил бирлиги, унинг турли тиллардаги муқобилига нисбатан тузилмавий ўзига хослигидан иборат бўлиши асосида амалда барча тил бирликлари ана шундай хусусиятга эга бўлади. Масалан: инглиз тилидаги *ladybird* – a small beetle with a domed back which is typically red or yellow with black spots [OALD, 2010: 861], ўзбек тилидаги *хонқизи* – гавдаси қизғиш, қора юмшоқ доғлари бор ҳашарот [ЎТИЛ I, 2006: 304] бирликларининг мазмун плани бир хилликка эга, яъни *ҳашарот*, аммо ифода плани эса ҳар хил, сабаби инглиз тилидаги *lady* – *хоним (аёл)*, *bird* – *қуш*, ўзбек тилида эса *хон* – *king*, *қизи* – *daughter* компонентлар билан ифодаланган.

Тиллараро идиоматик қўшма сўзларнинг мазмун плани бир хил, аммо ифода плани турли бўлганлигини кўрсатади. Масалан: инглиз тилидаги *ponytail* – long hair that is tied at the back of the head and hangs down [OALD, 2010: 1175] (*pony* – бичими кичкина тоти от, *tail* – дум)нинг тил таркибидаги идиоматиклиги шундаки умумий маъно компонентлар маъносидан келиб чиқмайди ва унинг ўзбек тилидаги муқобили *узун соч*, инглиз тилида мазкур маъно қўшма сўз орқали, ўзбек тилида эса сўз бирикмаси билан ифодаланган ва бу ҳолат тиллараро идиоматикликни белгилайди. Ўзбек тилидаги *отпайпоқ* – болдир-панжа бўғими қимирламайдиган бўлиб қотиб қолган, оёқ панжа кафт томонга (остиға) букилиб қолган панжа [ТТИЛ I, 2003: 163] демак, ушбу мисолда ҳам *от* ҳеч қачон *пайпоқ* киймаслиги ва мазкур тилда ҳатто бундай предметнинг мавжуд эмаслигидир, инглиз тилидаги муқобили эса *tip foot* (*tip* – уч, *охири*, *foot* – оёқ), *оқсоқ* – бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл, чўри [ЎТИЛ III, 2007: 182] инглиз

тилида эса *servant* ёки *housemaid* (*house* – уй, *maid* – қиз бола), яна бир мисол *foxglove* – a tall plant with purple or white flowers shaped like bells [OALD 2010: 615] (*fox* – тулки, *glove* – қўлқоп) ўзбек тилидаги муқобили эса *дигиталис*.

Тиллараро идиоматиклик эса, айнан бирор бир ҳалқ истеъмолидаги сўзларнинг ўзга тилга таржима қилинмаслиги, аксинча ўзга тилдаги муқобиллари орқали таржима қилиниши билан боғлиқ бўлади, *killjoy* – a person who intentionally spoils the pleasure of other people [LDELС, 2006: 762] (*kill* – ўлдирмоқ, *joy* – хурсандчилик), бу идиоматик қўшма сўзни ўзбек тилига таржима қилганимизда ҳеч қандай маъно келиб чиқмайди, мазкур маъно “вайсақи” ясама сўзи билан ифодаланади, *egghead* – a person who is very intelligent and is only interested in studying [OALD, 2010: 488] (*egg* – тухум, *head* – калла), ўзбек тилида эса “билимдон” сўзи билан ифодаланади. Инглиз тилидаги *graveyard* (*grave* – қабр, *yard* – ҳовли) қўшма сўзи қабристон маъносини англатган бўлса эндиликда – a market where prices are low and no one is buying because investors prefer to remain liquid [DBF 2005: 160] *нархи паст бўлган бозор* маъносини ҳам англатмоқда. *Chinese wall* – (Chinese – Хитой, *wall* – девор) imaginary barriers between departments in the same organization, set up to avoid insider dealing or conflict of interest (as when a merchant bank is advising on a planned takeover bid, its investment department should not know that the bid is taking place, or they would advise their clients to invest in the company being taken over) [DBF 2005: 61] *фирма ёки бирор ташкилот бўлимларининг ўртасидаги ўзаро фикр алмашилмайдиган тўсиқ* маъносини англатади.

Тиллараро идиоматиклик тил бирликларининг қурилиши ва амал қилиш тусини белгилайдиган хусусияти бўлиб ҳисобланмайди. Қўшма сўзларда тиллараро идиоматиклик тилларни таққослаш орқали аниқланадиган ташқи тусга эга бўлади. *Mouse potato* – someone who spends all their time on the computer surfing the net or playing games [ABBAY Lingvo] ўзбек тилига сўзма сўз таржимаси *сичқон картошка*, лекин асл маъноси *кўп вақтни компьютер олдида ўтказадиган инсон* бўлиб, инглизлар одатда бирор ишга хаддан ташқари берилган инсонни *potato* сўзи билан ифодалайди. Масалан, *couch potato* – a person who spends a lot of time sitting and watching television [OALD 2010: 343] *кўп вақтни телевизор кўриш билан ўтказадиган инсон* каби. Ўзбек тилидаги *шўрпешона* – бахтсиз, омадсиз киши [ЎТИЛ V, 2008: 14], *суюғоёқ* – фоҳиша [ЎТИЛ III, 2007: 601] мазкур қўшма сўзларнинг айнан ташқи тузилиши тиллараро идиоматиклигини белгилайди.

Битта ҳам изоморфли ўхшашига эга бўлмайдиган тил бирлигидаги тиллараро идиоматиклик амалда мутлоқ бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *double-decker* – a sandwich with two layers of filling and three slices of bread [OALD 2010: 454] (*double* – қўшалок, *decker* – кўп қаватли) *бутерброд* маъносини англатади. Мутлоқ тиллараро идиоматиклик – бу тил бирлигининг тузилмавий ноёблигидир. Ўзбек тилидаги *бутунтирноқ* – Хоразм аёлларининг зийнат буюми, чаккага тақиладиган тақинчоғи [ЎМЭ 1, 2002: 276], *яримтирноқ* – заргарлик буюми; Хоразм аёлларининг зийнат буюми, чаккага тақиладиган тақинчоғи, тумор [ЎМЭ 10, 2005: 407].

Қўшма сўзларда тил таркибидаги идиоматикликни аниқлаш учун, умумий маъно компонентлар маъно йиғиндисидан келиб чиқмаслиги билан унинг тил ичидаги аналогини қиёслаш билан аниқланади. Қўшмасўз бўлиб келганда *cheesecake* – аёл маъносини англатади, сўз бирикмаси бўлиб келганда эса *cheese cake* – *пишлоқли пирог* маъносини англатади. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, тил таркибидаги идиоматикликни аниқлашда уларнинг аналогини қиёсий равишда олинди. Мазкур тил бирликлари қўшма сўз ҳолида идиоматик маънони англатган, компонентларнинг асл маънолари эса сўз бирикмалари орқали ифодаланган. Инглиз ва ўзбек тилларида яна шундай мисолларни учратиш мумкин: *Spoonbill* – a large bird with long legs, a long neck and a beak that is wide and flat at the end [OALD, 2010: 1491] узун бўйинли, тумшуғи кенг ва учи ялпоқ қуш, ибислар оиласига мансуб, иссиқ мамлакатларда яшайдиган, лайлакка ўхшаш узун оёқ қуш *колпица*, унинг аналогини *spoon bill* – *қошиқ ҳисоби*, *early-bird* – a person who arrives early, or one who gets up early in the morning [OALD, 2010: 478] барвақт турадиган ёки барвақт келадиган инсон, *early bird* – *барвақт қуш*. Ўзбек тилида *кампирчопон* – танаси ва уруғлари заҳарли кўп йиллик ўт, ёки қовун тури [ЎТИЛ II, 2006: 310], *кампир чопон* – *кекса аёл кийими*, *бешиктерватар* – бешик каби тебраниб турадиган, оёқлари узун, яшил

рангли, тўғри қанотли кемирувчи ҳашорат [ЎТИЛ I, 2006: 246] *бешик терватар* – *бешикни тебратаётган инсон* каби.

Тил таркибидаги идиоматиклик тил бирлиги реал ифодаладиган нарсa билан унинг қисмлари мажмуи таркибидаги нарсa ўртасида тафовут бўлишини назарда тутди. Тил таркибидаги идиоматикликни аниқлашда қўшма сўзнинг умумий маъноси унга сўзма-сўз аналог бўлган тил бирлиги қисмлари маънолари мажмуига мос келмайдиган тил бирлигининг қиёсланишини назарда тутишини кўриб чиқилди. Шунда бундай аналогнинг тил ёки нутқнинг мустақил бирлиги сифатида амал қилиши ҳисобга олинмайди ва унинг сўзма-сўз ўхшаш варианты аналогини нутқда ишлатилмайди, лекин бу тил ичидаги идиоматикликни аниқлаш учун ҳалақит бермайди.

Масалан, ўзбек тилидаги *латтачайнар* – гапининг тутуриғи йўқ; бир гапни ҳадеб такрорлай берадиган инсон, мижғов, эзма [ЎТИЛ II 2006: 490]. Ушбу қўшма сўзни ҳам тил таркибидаги идиоматиклик деб аташимизга сабаб унинг ҳам умумий маъноси компонентлар маъносидан келиб чиқмаслигидадир. Инсон ҳеч қачон матони (латта)ни чайнамайди. Мазкур қўшма сўзнинг ясалиши *латта* қанча кўп *чайналмасин* барибир самарасиз ва у ошқозонда ҳазм бўлмайди, шунинг учун ҳам *латта* мажозий маънода қўлланилмоқда. Инглиз тилида *fruitcake* – a person who behaves in a strange or crazy way [OALD, 2010: 627] (*fruit* – мева, *cake* – кекс, пирог) ўзбек тилида *телба* маъносини англатади. Ушбу идиоматик қўшма сўзнинг ясалишда *fruit* – *мева* компоненти кўпроқ қуруқ мевага нисбатан қўлланилган, инглиз маданиятида инсон феъл-атворини англатувчи қўшма сўзларда *cake* – кекс фаол қўлланилади.

Тил таркибидаги идиоматиклик иккита эмас, балки учта: маънонинг мураккаблашуви, тенг ҳажмга эга эмаслиги, яхлитлик жиҳатларига эгадир. Мураккаблашув маънонинг мазмунини, тенг ҳажмга эга эмаслик – маъно ҳажмини, яхлитлик эса – маъно тузилмасини тавсифлайди.

Юқоридаги инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий таҳлили шу билан боғлиқки, тилларни қиёслаш орқали оламнинг лисоний манзарасини тасвирлашда қўлла-ниладиган универсал ва фарқловчи тил бирликларини аниқлаш мумкин. Бу ушбу халқлардан ҳар бирининг оламнинг лисоний манзарасини образли тасаввур қилиш, турли халқларнинг атроф-муҳитни идрок этиши, англаши учун типологик умумийликни белгилаб бериш имконини беради.

Хулоса. Демак, қўшма сўзларда тиллараро идиоматикликни аниқлашда икки омил: мазмун плани ва ифода плани, шунингдек идиоматик қўшма сўзларнинг тузилиш жиҳатидан изоморфли ва алламорфли томонларининг таҳлилига урғу берилади.

Амалда ҳар қандай тил бирлиги тиллараро идиоматикликка (жуда бўлмаганда, нисбий) эга бўлади. Бундай хусусиятнинг нисбийлиги шунда намоён бўладики, T_1 даги тил бирлиги ўзининг T_2 даги ўхшаш вариантга нисбатан изоморфли бўлиб, лекин айти бир пайтда T_3 даги ўхшаш вариантга нисбатан анизоморфли бўлиши ҳам мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. **Аничков И.Е.** Идиоматика и семантика: Пер. с франц. //Вопросы языкознания. – Москва, 1992. – № 5. – С. 136-148.
2. **Аракин В.Д.** Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Просвещение, 1989. – 254 с.
3. **Долинин К.А.** Стилистика французского языка. – Л.: Просвещение, 1978. – 344 с.
4. **Кондаков Н.И.** Логический словарь – справочник. – М.: Наука, 1975. – 2 изд. – 772 с.
5. **Кубрякова Е.С.** Ономазиология. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: БРЭ, 1998. – С. 345-685.
6. **Реформатский А.А.** Введение в языковедение. – М.: Аспект пресс, 2010. – 536 с.
7. **Савицкий В.М.** Основы общей теории идиоматики. – М.: Гнозис, 2006. – 208 с.
8. **Смирницкий А.И.** Лексикология английского языка. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1956. – 255 с.
9. **Юсупов У.К.** Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, 2007. – 123 с.

10. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати.** V жилдли. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: ЎзМЭ, Жилд I 2006. – 680 б., Жилд II 2006. – 672 б., Жилд III 2007. – 688 б., Жилд IV 2008. – 608 б., Жилд V 2008. – 592 б.
11. Longman Dictionary of English Language and Culture. – London, 2006. – 1620 p.
12. Oxford Advanced Learner's Dictionary – Typeset by Oxford University Press. Printed in India, 2010. – 1796 p.
13. **Қосимов А.И.** Тиббий терминлар изоҳли луғати. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 472 б.

УДК 4С(Ўз)Р-92

АНЕКДОТ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Рустамов Илҳом Турсунович

СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: анекдот, жанр, юмор, лингвокогнитив, социолингвистик, матн, виртуал матн, ҳазил, стереотип, рефлексия, текстотип.

Ключевые слова: анекдот, жанр, юмор, лингвокогнитивный, социолингвистический, текст, виртуальный текст, шутка, стереотип, рефлексия, текстотип.

Key words: anecdote, genre, humour, linguocognitive, socio-linguistic, text, virtual text, joke, stereotype, reflection, textotype.

Мақолада кичик бадиий матн жанрига мансуб анекдотнинг табиати ва структур тузилишига оид категориялари хусусида фикр юритилади. Ушбу турдаги матнларнинг прагматик вазифаси ва бошқа мазмундаги кўринишлари аниқланади. Муҳими, анекдот жанрига мансуб матнларда кенг тарқалган комик ҳолатларни ифодаловчи унсурларга алоҳида аҳамият берилади.

В работе изучаются природа и структура текстов, принадлежащих к категории малого жанра, а именно анекдотов. Определены цель, функция и другие содержательные признаки текстов указанного типа. Особое внимание уделяется жанровым характеристикам анекдота, в числе которых перечисляются массовая распространенность, анонимность, структурная вариативность, комизм.

The nature and structure of anecdote, a small literary text genre is analyzed in the article. The pragmatic functions of the texts of this type and its forms with other contents are also identified. A special attention is paid to the elements that express comic situations in the texts belonging to this genre.

Кириш. «Анекдот» тушунчаси кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлиб, бир вақтнинг ўзида лисоний, фольклор, комик жанр ҳисоблангани сабабли тилшунослик, адабиётшунослик, маданиятшунослик, семиотика, социология, психология, тарих каби фан соҳаларининг тадқиқ предмети бўлиши мумкин. Анекдотнинг жанр сифатида алоҳида ажратилиши матндаги боғланганлик, интенционаллик, ахборотлилик, талқин қила олиш (изоҳлаш), образлилик, интерматнлик сингари муайян мезонларга мосликни кўзда тутди. Анекдотнинг тавсифи турли аспектларда, масалан, социолингвистик, психосоциолингвистик, лингвокогнитив, лингвоэстетик, лингводидактик ва бошқаларда амалга оширилиши мумкин.

Анекдотнинг асосий мақсади – нутқий воситалар ёрдамида комик таъсир яратишдир [4]. Анекдотнинг асосий вазифалари – комик вазият яратилишини кўзда тутувчи рекреатив (кўнгилочар) ҳамда мулоқот жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатига имкон туғдиришдир. Анекдотнинг бошқа вазифалари фош этувчи, тарбиявий, коммуникатив ва прагматикдир.

Тилшуносликда анекдотнинг энг муҳим қирраси сифатида тезкор жавоб хусусияти эътироф этилади, сабаби анекдот жанри ўзига хос индикатор сифатида воқеликдаги ва шу

анекдот юзага келадиган лисоний-маданий умумийлик ҳамда ҳаётий фаолиятдаги истаган ўзгаришларга шу заҳоти муносабат билдиради. А.Д. Шмелёв ва Е.А. Шмелёвалар ўз тадқиқотларида анекдотнинг қуйидаги таърифини келтиришади: «Бу – сўзловчи томонидан атайин, тингловчини кулдиришдек махсус мақсадда айтиливчи, тингловчига тушунарли, муайян вазиятда сўзлашувчи томонидан тингловчига етказилувчи ва бошқа анекдотлар ҳамда анекдотга оид макон стереотиплари билан интертекстуал алоқаларда боғланувчи қисқа матн» [15]. Анекдотнинг ўз мақсад ва вазифаларини тўғри бажариши учун бир неча шартлар мавжуд бўлиб, уларга риоя қилин-маса керакли комик эффектга эришиб бўлмайди. Анекдотда комик эффектга эришишни таъминловчи бош механизм – бу кутилмаганлик эффекти бўлиб, анекдотда ҳақиқий туюладиган ноодатий ҳол, ғаройиб ҳодисани тасвирлаш орқали шу эффект ҳосил бўлади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, анекдот матн сифатида муайян структурага эга: «узунроқ бошланма, сўнг қисқа ва кутилмаган юзага якун келиб, тингловчи анекдотнинг бошланишини қайта талқин қилишга мажбур бўлади» [15] ва боз устига, ҳар қандай матн ҳам анекдот бўла олмайди: «Анекдот матни қатъий структураланган: маълум тарзда бериладиган, кўпинча стереотипли бошланма, маълум лисоний ниқоблари билан ажратиб турувчи персонажларнинг чекланган тўплами. Ва ниҳоят, муайян қоидалар бўйича ҳосил бўладиган, аммо шундай бўлса-да кутилмаган якун» [15].

Анекдотнинг жанрий ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат: умумий тарқалганлик (анекдотлар ҳар бир маданиятда кенг тарқалган бўлади), анонимлик (одатда анекдот муаллифи номаълум), вариативлик (анекдот матнлари доимий қайд этилмаган ва маълум омиллар таъсирида мунтазам ўзгариб туради), оғзакилик (анекдот аксарият ҳолларда оғзаки шаклда мавжуд), оммавийлик (анекдот жамоатда, кишилар даврасида айтилади), театраллик (анекдотни ҳикоя қилиб бера олиш баъзан актёрлик маҳоратини кўзда тутди), синтетизм (анекдотда оғзаки ва ёзма ижодиёт ҳамда ижро санъатининг хусусиятлари бирлаштирилади), комизм (анекдотнинг асосий мақсади – кўнгил очиш, завқлантириш), назоратсиз пайдо бўлиш ва тарқалиш (анекдот ўз-ўзича яралади ва тарқалади) [3]. Шунингдек, бошқа анекдотлар ва анекдотга оид сатҳдаги стереотиплар билан интерматнлик алоқалар ҳам мавжуд бўлади.

Анекдотнинг муҳим хусусияти динамик сюжет, шакл соддалиги, сўз ўткирлиги бўлиб, булар ёрдамида иккиламчи олам яратилади, бир томондан, у стереотипли, кутилган, иккинчи томондан, унда мўлжаллар, белгилар, хусусиятлар, йўналишлар ўзгарувчандир.

В.М. Ивановнинг [6] фикрича, анекдотнинг марказий прагматик категорияси – бу комик эффектнинг натижасини белгилайдиган ўринлилиқдир, яъни бунда тингловчи-нинг завқ олиши, анекдот юморини тушуниб, баҳолай олиши муҳим.

Илмий адабиётларда «ҳазил» ва «анекдот» тушунчалари алоҳида ажратилади. Ҳазил – муайян коммуникатив вазиятда юзага келувчи кутилмаган ечимга эга кичик шаклли матн, макроматн ичида функция бажарувчи ва ундан алоҳида мавжуд бўлмаган микроматндир. Ҳазилнинг ўзига хос хусусиятлари қисқалик, лўндалик, бир маънода бўлмаслик кабилар, анекдот ҳам кутилмаган ечимга эга кичик шаклли матн бўлса-да, бироқ у ҳам макроматн ичида, ҳам ундан ташқарида мавжуд бўлаверади [10].

Юмористик матн сифатида анекдот алоҳида мавқели белгилар қаторига эга ва улардан энг муҳимлари қарама-қаршиликлар, имплицитли мазмун, мундарижанинг функционал мавзувий йўналтирилганлигидир [13].

Г.Г. Слышкин ёзганидек, «Кулгили матнлар лаҳзалик идрокка (бир лаҳзада қабул қилиш) мўлжалланган. Уларда кулги қилинадиган ёки шунчаки эслатиб ўтиладиган ҳамма нарса тингловчиларнинг тажрибасидан ўрин олиши ва унинг учун долзарб бўлиши зарур» [12].

Анекдотлар жамоавий рефлексия маҳсули ҳисобланади, уларда муайян жамиятнинг долзарб ижтимоий жараёнлари акс этади [5]. Анекдотнинг маъновий мундарижаси контекст билан белгиланади ва омма онгидаги энг кичик ўзгаришларни ҳам қайд этгани ҳолда шу воқеликни намойиш этади. Бироқ, анекдотларни яратишда беихтиёр таассуротлар эмас, балки ғоялар босқичидан ўта олганларигина иштирок этадилар ва бундан келиб чиқиб, «анекдотни ахборотни иккинчи қайта ишлаш, билим устидан рефлексия шакли деб аташ мумкин» [14].

Анекдот – бу ўзига хос индикатор (ўлчам) бўлиб, ҳаётдаги ва инсонлар онгидаги ўзгаришларга дарҳол муносабат билдиради ва шу билан бирга, аксиологик парадигмадаги ўзгаришларга ҳам, шундан сўнг лисоний – маданий маконнинг миллий маданий ўзига хосликларини акс эттиради. Жанр сифатидаги анекдотнинг ижтимоий маъноси «ижтимоий тажрибани, маданий ўз-ўзини англаш ва рефлексияни чуқурлаштиришдан, ижтимоий оннинг бошқа, масалан, мафкура каби шаклларида бир маъноли деб қабул қилинадиган ҳодисаларнинг амбивалентли моҳиятини очиб беришдан иборат» [1].

А.Г. Баранов [2] фикрича, анекдот уч турдаги матний бирлик намунасидир; долзарб матн, виртуал матн ва намунавий матн (текстотип). Долзарб матн – нутқий мулоқот вазиятида дискурс парчаси сифатида юзага келадиган матн. Виртуал матн – коммуникатив вазиятдан ташқарида ёзиб олинган матн. Текстотип – матннинг умумлашган структураси бўлиб, унда турли жанрлар матнларни аниқловчи маълум компонентлар алоҳида ажратилади.

Ахборот таъсири назарияси [9] нуқтаи назаридан анекдотларни ахборотнинг алоҳида шакли деб баҳоланиши мумкин, кодлашнинг ўзига хос усули сифатида анекдотлар уларни кодни очиш тури сифатида идрок этиш, анекдотлар билан алмашинув алоҳида ўзаро таъсир деб қаралади.

Анекдотнинг композицион қурилиши қуйидаги кўринишга эга

1) тугун босқичи – тасвирлаётган вазиятни актуаллаштириш, воқеа жойини кўрсатиш, иштирок этувчи шахслар ва вазият хусусиятларини кўрсатиш каби прагматик мақсадга эга;

2) вазият (воқеалар) ривож босқичи – мавзунинг ифодаси анекдот сценарийси ривожланаётган мулоқот вазиятини ҳисобга олган ҳолда кечади;

3) ечим босқичи – у ҳамма анекдотларда бўлмади ва зарурий ҳисобланмади.

Олимларнинг фикрича, анекдотнинг бош хусусияти унда умумий ва ўзига хос белгилари билан биргаликда оғзаки ҳамда ёзма шаклларнинг мавжудлигидир. Икки қисмлик (бошланма тугун ва ечимнинг мавжудлиги) тамойили, анекдот тугаши олдидан структур – маъновий тўхталиш (пауза) умумий белгилар ҳисобланади.

Анекдотнинг ёзма шаклига қуйидаги хусусиятлар хос:

- мураккаб грамматик қурилмалар йўқлиги;
- сўзлашув лексикаси мавжудлиги;
- матн боғлиқлиги (равонлиги)ни таъминловчи киритма сўзлар мавжудлиги;
- феълларнинг замон ва турга оид шаклларида маъқулларининг танлови;
- четлаштириш (узоқлаштириш, қочиш) қонунини – қайта англашнинг кутилмаганлиги

анекдот бошининг мантиқсизлигига асосланади, чунки тингловчи «фириб, панд» қаердалигини билмайди;

- метаматнли киритмалар мавжудлиги;

- икки лисоний қатлам мавжудлиги (персонажлар нутқи ва ҳикоячи нутқи).

Хулоса. Анекдотларни тасвирлаш ва таҳлил қилишда замонавий тилшуносликда когнитив семантик категорияларидан фойдаланилади. Бундай категориялар қаторига қуйидагилар киради; Фрейм (стереотипли вазиятларни қайд этувчи ментал структура); скрипт (маълум сўз ёрдамида мулоқот иштирокчиси онгида келтириб чиқариладиган ахборот тўплами) ва сценарий (нутқий акт изчиллигини тасвирловчи калит сўзлар). «Фрейм тушунчаси кўп ҳолларда иштирок этувчи шахсларнинг стереотипли тўплами ва воқеа – ҳодисаларнинг муайян изчиллиги билан ажралиб турувчи вазиятларга нисбатан қўлланади, худди шу маънода сценарий тушунчасидан ҳам фойдаланилади» [7].

АДАБИЁТЛАР

1. Ахиезер Л.С. Россия: критика исторического опыта. – М., 1991. – Т.3. – С. 12.
2. Баранов Л.Г. Функционально – прагматическая концепция текста. – Ростов-на-Дону: Изд-во. Рост.ун-та, 1993. – С. 182.
3. Воробьева М.Б. Анекдот как феномен повседневной культуры советского общества (на материале анекдотов 1960–1980 гг): Автореф. дисс...канд.культ.наук. – Екатеринбург, 2008. – С. 190.

4. **Евсеева И.С.** Средства создания комического эффекта в русском анекдоте // Специализированный вестник «Речевое общение. Категория комического в аспекте теории и практики речевого воздействия». – Красноярск: СФУ, 2011. – Вып. 13 (21). – С. 65-72.
5. **Ерофеев Ю.В.** Вербальная рефлексия мужского шовинизма в немецкоязычных интернет-анекдотах про женщин: Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Самара, 2011. – С. 20.
6. **Иванов В.М.** Явление эквивокации в дискурсе анекдота в современном немецком языке: Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Иркутск, 1999. – С. 18.
7. **Иссерс О.С.** Коммуникативные стратегии и тактики русской речи: Автореф. дисс...докт.филол.наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 29.
8. **Латышев Ю.В.** Феномен юмора в социально-информационном взаимодействии: Теоретико-методологический анализ: Дисс...канд.фил.наук. – Новосибирск, 2003. – С. 147.
9. **Месропова О.М.** Структурные, прагматические и содержательные аспекты текстотипов «анекдот» и «шутка»: Дисс...канд.филол.наук. – СПб: Гос.пед.ун-т им. Л.И. Герцена, 1999. – С. 172.
10. **Руднев В.П.** Прагматика анекдота. – Даугава, 1990. – № 6. – С. 99-102.
11. **Слышкин Г.Г.** От текста к символу: Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М.: Academia, 2000. – С. 128.
12. **Хрущева Е.А.** Национально-культурная основа анекдота: Сопоставительный анализ английского, французского и русского языков: Автореф. дисс...канд. фил.наук. – М., 2009. – С. 28.
13. **Чиркова О.А.** Поэтика современного народного анекдота: Автореф. дисс... канд. филол.наук. – М., 1997. – С. 20.
14. **Шмелёв А.Д., Шмелёва Е.В.** Русский анекдот: текст и речевой жанр. – М.: Языки славянской культуры, 2002. – С. 144.

УДК 407

МАДАНИЙ КОДЛАР ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Полванова Саломат Тураевна

ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: маданий код, тематик маданий кодлар, фразеологик бирликлар, коннотация, сўзнинг ички шакли.

Ключевые слова: культурные коды, тематические культурные коды, коннотация, фразеологические единицы, внутренняя форма слова.

Key words: cultural code, thematic cultural codes, phraseological units, connotation, the inner form of the word.

Мақола семиотика терминларидан бири бўлган маданий кодлар концептуал таснифи ва уларнинг инглиз, француз ва ўзбек тили фразеологик бирликларида ифодаланиш хусусиятларига бағишланган.

Эта статья посвящена изучению культурных кодов и концептуальным классификациям фразеологических единиц, а также восприятия картины мира на их основе.

The article is devoted to the conceptual classification of cultural codes, the terms of semiotics and their expression in English, French and Uzbek languages.

Кириш. Тилни концептуал англаш унга лингвокультурологик ва когнитив лингвистик жиҳатдан ёндашиш сифатида тушунилади. Замонавий тилшунослик фанида тил ва маданият ўзаро таъсирини тил ва белги уйғунлигида ўрганиш ўз аҳамиятини кўрсатмоқда. Ҳар бир тилнинг миллий маданиятини акс эттирувчи белгилар фразеологик бирликлар ичида яширинган маданий кодларида мужассам бўлади. Айнан мана шу масалани тадқиқ этиш мавзу долзарблигини келтириб чиқаради.

XXI асрга келиб тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганувчи лингвокультурология фани жаҳон тилшунослигида асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. Лингвокультурологиянинг энг муҳим объектларидан бири фразеологик бирликлар ҳисобланади. Бу фан ривожига В.А. Маслова, А.Т. Хроленко, В.В. Воробьев, Н.Ф. Алефиренко, М.Л. Ковшова, Д. Ашурова, А.Э. Маматовлар ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Лингвокультурология соҳасига салмоқли ҳисса қўшган В.А. Маслова фразеологик бирликларни ўрганиш борасида қуйидаги фикрларни илгари суради: 1) кўпчилик фразеологизмларда миллий маданият “излари” мавжуд; 2) миллий-маданий колоритни фразеологизмларда ифодалаб берувчи олам ҳақидаги образли тасаввур бўлиб, улар фраземаларнинг ички шаклида маданий маълумотни сақлайди; 3) миллий маданий хусусиятларнинг намоён бўлиши миллий маданий коннотацияни очиб беради [7].

М.Л. Ковшова эса лингвокультурология объекти фразеологик бирликларга ўхшаш вербал маданий белгилар ҳисобланади, деган фикрни билдиради. Фразеологик бирликлар образи иккита семиотик тизим, яъни тил ва маданиятнинг бир-бирига сингиб кетиши сабабли маданий белгилар ҳосил қилади. Олима фикрини давом қилдириб шундай изоҳни баён қилади: “Фразеологизмлар ички шаклида уларнинг образлилиги ва семантикаси шаклланишида алоқадорликнинг узлуксизлиги мавжуд. Фразеологизмлар ички шаклида ётувчи троплар уларнинг маданий коннотациясини яратмайди. Уларнинг қимматли мазмуни билан маданий кодлар бирикишидан тропларга хос маъно келиб чиқади” [3]. Бундан шуни тушуниш мумкинки, фразеологик бирликларнинг ички мазмуни маданий кодларни келтириб чиқаради. Шу ўринда маданий кодга изоҳ бериб ўтиш жоиздир.

Белги ва белгилар тизимини ўрганувчи фан семиотика бўлиб, унга код термини француз олими Ролан Барт томонидан киритилган ва у код моҳияти тубдан маданий-лигидадир, деган илмий фикрни билдирган. Италиян олими Умберто Эко, Д. Чандлер ва рус олими Бразговская эса семиотикада код таснифини келтириб ўтган. Олиб борилган изланишлар натижасида олдинги мақоламизда маданий код ҳақида қуйидаги изоҳни келтириб ўтганмиз: Маданий кодлар муайян шахс ёки миллат менталитетини намоён қилувчи борлиқдаги барча моддий ва маънавий маданият бирликлари, жумладан, артефакт, ментефакт, маданий ва экстралингвистик ҳодисаларни сақлаш, шунингдек, оламнинг лисоний, маданий, маънавий, диний ва шу каби турфа манзараларини очиб берувчи рамз ёки белгидир” [8].

Демак, маданий кодлар миллат белгисини ташувчилар ҳисобланади ва улар фразеологик бирликларнинг ички мазмунида мавжуддир. Сўзнинг ички шаклини ўрганиш А.А. Потебня билан боғлиқ бўлиб, у сўзнинг ички шаклида маъно, мазмуннинг онгга муносабати мавжуд ва инсонга ўз маъносини қандай намоён қилишини кўрсатади, деган фикрни билдирган.

А.Т. Хроленко фикрича, “Маънолар инсон миясида пайдо бўлади ва сақланади. Маънолар маданият ҳодисаси бўлиши учун улар ўзини намоён қилиши, моддийлаштириши ва объективлаштириши керак. Мана шунда маънолар маданий кодларда амалга ошади. Булар сўз, символ, мифологема, идеологема, стереотип, хулқ-атвор, ритуал ва белгилар бўлиши мумкин” [12].

Кўпчилик олимлар томонидан маданий кодлар маънолар деб юритилган. Бироқ Фразеологик бирликларни лингвокультурологик жиҳатдан ўрганиш орқали фразеологик белгининг лисоний ва маданий семантикасини бир-бирига боғлаш механизминини М.Л. Ковшова қуйидагича тадқиқ қилишни кўзда тутди: “Маданий интерпретация моделини қайта ишлаш; маданий коннотация тизимини тасвирлаш; фразеологизм-ларнинг лингвокультурологик изоҳ тамойилларини аниқлаштириш; фразеологизмларни лингвокультурологик таҳлил қилиш учун маданий макон ва модель сатҳини ташкил қилиш сифатида маданий кодларни тасвирлаш; маданий кодлар ва уларнинг компонентлари

орасидаги ўзаро муносабатлар фразеологизмларнинг маданий интерпретацияси асосида тадқиқ қилиш аҳамиятлидир” [3]. Бизнинг фикримизча, маданий коннотация фразеологик бирликларни лисоний ва маданий жиҳатдан интерпретация қилишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада сўз коннотациясига ҳам тўхталиб ўтишни лозим, деб топдик. Коннотация тушунчаси дастлаб XIX асрда инглиз лексикографиясида пайдо бўлган (Webster / Oxford English Dictionary). Н.Г. Комлев бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Коннотация компонентлари сўз белгини идрок қилиш жараёнида яратилади. Сўз белгиси қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) тасаввур; 2) эмоционал-ҳиссиёт; 3) маданий компонент; 4) майдон компоненти (семантик майдонда), 5) информатив (билиш даражаси), 6) дунёқараш (мотивация ва олам манзараси). Коннотация турли социал гуруҳларда турлича ижтимоий шароитларда сўз қўлланилишида ҳосил бўлади” [4]. Бундай коннотациялар табиат унсурлари ва ҳодисалари, ранглар, кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш, сезиш ёки тегиб кўриш органлари билан номланувчи зооморф, соматик, антроморф, биоморф, анимизм, фетишизм каби маданий кодларга таянади.

Ўзбек тилшунослари фразеологик бирликларни маданий код доирасида ўрганмаган бўлсалар-да, улар фразеологизмларни тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган, образли, турғун сўз бирикмалари доирасида тадқиқ қилишган. Масалан, ўзбек фразеологиясининг асосчиси Ш. Раҳматуллаев фикрича, фразеологик бирлик бўлиш учун сўзларнинг турғун бирлашмаси образли ва кўчма маъно англатиши шарт [9], Абдуғафур Маматов эса фразеологизмларнинг шаклланиши турли даврларда ва ҳар хил ижтимоий ҳаётий воқеалар, тасаввурларнинг умумлашуви билан содир бўлади [6], деган фикрни билдиради. Шунингдек олим фикрини давом эттирар экан, фразеологизмлар кўпинча шахс тушунчаси доирасида шахснинг тасаввури, хатти-ҳаракати, физиологик ва руҳий ҳолатларини гавдалантиради ҳамда жамиятнинг турли соҳалардан маълумот беришига қараб тематик гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилиш энг маъқул йўл эканлигини ўзбек тили доирасида исботлашга ҳаракат қилганлар.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек фразеологизмларининг турли тушунчалар доирасида шаклланиши тематик маданий кодлар ёки маданий кодлар субкодлари терминларига мос келади.

В.М. Савицкий ва Э.А. Гашимов таъкидлаганидек, барча семиотик аспекти фразеологик бирликлар маданий код ҳисобланиб, у жамиятда ижтимоий рамзийлик тизими кўринишида мавжуд бўлган ахлоқий этикет, турли сигналлар, шунингдек, лисоний шаклдаги белгилар (буйруқлар, диний битиклар, матн, қонунлар, афоризмлар, мақол, матал, фразеологизмлар ва б.) кўринишларида зоҳир бўлади. Бу ўринда инсон тафаккури, онги ва хулқини чекловчи жамият қатламлари тарзида миф, дин, ахлоқ, мафкура, ташвиқот, қонун чиқариш, таълим ва тарбия тизими, реклама ва бошқалар орқали тасаввур қилиниб, буларнинг барчаси тилда моддий ва маънавий маданият бирликларини ифодаловчи маданий кодлар орқали амалга оширилади.

Дарҳақиқат, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги маданий семиотикада лисоний ва нольисоний этномаданий белги тизимини намоён қилади. Бунга мувофиқ қолган барча белгилар тизими маданиятнинг ёрдамчи механизмлари, нольисоний маданий кодлар эса белги ясовчи тизим ҳисобланади. Лисоний ва нольисоний кодлар орасида доимий узвий уйғунлик кўзга ташланиб туради. Масалан, бунга бош кийими, кийиниш, иш, уй-жой ва овқатланиш ҳам мисол бўла олади. Бош кийим инсоннинг бошини ёзда иссиқдан, қишда совуқдан асраши, бош оғриғи ва бош касаллигига чалинишининг олдини олишидан ташқари, унинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми, эстетик, этик ахлоқи ва диди ҳақида атрофдагиларни хабардор қилиб туради. Бугунги кунда оппоқ салла ўраган киши унинг мусулмон, муфти ёки мулла эканидан дарак беради. Тарихдан маълумки, бош кийими қанчалик баланд бўлса, унга тақилган тош ёки турли қуш патларидан унинг табақаси маълум бўлган. Шунингдек, автомобиль маркаси ҳам эгасининг ижтимоий мақоми ва нуфузини рамзийлаштиради. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, К.А. Долинин инсоният дунёсида белги аспекти кўп хусусиятларга эга, деб фикр юритса, Ю.М. Лотман эса инсоният жамиятида маданиятдан ташқарида ҳеч нима содир бўлмайди, деб

таъкидлайди [10]. Англашиладики, оламда семиотик аспектнинг хусусиятлари бекиёс ва улар маданиятга алоқадорликда маданий кодлар билан гавдалантирилади.

Дарҳақиқат, овқатланиш маданиятига озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқатланиш удумлари киритилади. Демак, овқат инсон соғлиги, гўзаллиги ва тетиклиги учун энг зарурий энергия ҳисобланиб, инсонни тўқ тутиши ва очликдан сақлаши учун истеъмол қилинади. Овқатланиш удумлари ва озиқ овқат маҳсулотлари турли миллатларда турфа хил номлар билан аталади ва улар ўша миллат ёки элатлар рамзини англатади. Овқат номларини ифодаловчи маданий кодлар ҳам бир қатор олимлар томонидан ўрганилган, Хусусан, В.М. Савицкий ва Э.А. Гашимов маданий кодлардан бири бўлган **элиментар (фр.alimentaire-оziқ овқат) кодни** [10] тадқиқ қилган. Бунда рус ва инглиз миллатининг ўзига хос кулинар рецептлари, биргаликда овқатланиш қоидалари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг социомаданий аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллифлар алиментар кодга лингвокультурологик жиҳатдан ёндашиб икки – **вербал-семиотик ва маданий-семиотик** аспектнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб ўрганишган. Чунки, вербал-семиотик аспект тил белгиси бўлса, маданий-семиотик аспект маданият белгисидир.

Фразеологик бирликлар ҳар бир миллатнинг маданий семиотик, яъни маданият белгисини ифодаловчи кодлардир. Инглиз, француз ва ўзбек миллати менталитетидан дарак берувчи маданий кодларга қуйидаги мисолларни келтирдик:

	Фразеологик бирлик	Денотат	Маданий код
Инглиз тили	It is raining cats and dogs.	Ит ва мушук ёғяпти.	Ёмғирнинг кучли ва тўхтовсиз ёғиши
Француз тили	Il pleut comme vache qui pisse.	Худди сигир сийган-дек ёмғир ёғяпти.	Ёмғир челақлаб қўйгандек ёғяпти ёки кучли ёғиши
Ўзбек тили	Ёмғир челақлаб қўйяпти.	Ёмғирнинг челақ билан сув қўйгандек ёғиши	Ёмғирнинг кучли/шаррос ёғиши

Жадвалдан кўриниб турибдики, ёмғир табиат ҳодисасини ифодаласа, ёмғирнинг кучли ёғиши инглиз ва французларда зооморф маданий код, ўзбекларда эса предметга хос маданий код билан ифодаланади. Бизнинг талқинимизча, қадимда сув инсонлар томонидан турлича йўллар билан узоқ масофалардан ташиб келтирилган. Масалан, ўзбекларда қудуқ, сардоба, ариқ ёки дарёлардан сув ташиш учун аввал сопол кўзалардан, кейинчалик эса челақлардан фойдаланилган. Шунинг учун бўлса керакки, ёмғирнинг кучли ёғишини челақда сув қўйишга менгзашган. **“Челақлаб қўймоқ”** фразеологизми ўрнида оғзаки сўзлашувда “челақнинг кети тешилибди” деган муқобили қўлланилади.

Инглиз тилидаги **“to rain cats and dogs”** фразеологик бирлигининг этимологияси дастлаб XVII асрда инглиз драматурги Ричард Бромнинг (The City wit, 1653) кулгили латифаларида **“to rain dogs and polecats”** (polecats-тўқ жигар ранг мўйнали, узун гавдали хидли ёввойи ҳайвон) тарзда қўлланилган. Этимологларнинг фикрича, бу иборанинг келиб чиқиши грекча **“kata doxan”** – *ишонишга зид/ноодатий бўлиб, хавфдан ҳимояланувчи бошпана*, француз тилида **“catadoue”** ёки унинг кўплиги **“katadoupe”** – *мик қоядан оқиб тушувчи шаршара*, деган маъноларни англатади. Бошқа бир маълумотда эса **“to rain cats and dogs”** мақол сифатида **“strife ва enmity”** – *одамлар орасида, икки одам ўртасидаги келишмовчилик ёки араз* семаларида берилган. Демак, **“to rain cats and dogs”**нинг биринчи изоҳи инглизларда ҳаддан ташқари кучли ёмғир ёғиши ва ундан бекиниш зарурлигини англатади. Чунки, Буюк Британияда тез-тез ёмғир ёғиб, деярли кунига уч, тўрт марта ҳаво айнаиб туради. Шунингдек, инглизлар билан танишиш суҳбати ҳам об-ҳавони сўраш билан бошланади. Бу иборанинг иккинчи изоҳи келишмовчилик рамзи бўлиб, унинг инварианти **“to fight like cats and dogs”**, яъни “эр ва хотин уришмоқ”дир. Бизнинг таҳлилимизча, ёмғир ёғиши худо томонидан ерга, яъни одамларга туширилган ризқ насиба ҳисобланиб, мўл ҳосиллик белгисидир.

Француз тилидаги “**Il pleut comme vache qui pisse**” иборасидаги “vache” сўзи лотинча “vassa” сут маъносини, “pisse” француз тилида сийдик деб таржима қилинсада, унинг этимологияси лотинча “pectus, pectoris” кўкрак/ сийна/ елин бўлиб, французчаси “poitrine”дир. “se battre le pis / se frapper la poitrine” урушмоқ семаси бўлиши билан бирга пушаймонлик ва тавба қилиш белгисини англатади. Шунингдек, французлар “vache” сўзини аёлларнинг семизлиги, эркакларнинг худбин, ноинсоф, ланжлигига қиёслашади. Бизнинг тушунишимизча, ёмғирнинг кучли ёғиши сигирни соғишдаги тезликка қиёсланган.“**Il pleut comme vache qui pisse**” иборасининг синоними “il pleut à torrents à verse / à seaux” ва “pluie du chien”дир.

Инглиз, француз ва ўзбек миллати тасаввурида оламнинг лисоний манзараси турличадир. Чунки, “ёмғир челақлаб қуймоқда” ибораси ўзбекларда сув челақ билан ўлчанишини, инглизларда ит ва мушук каби аямай бир-бирига чангал солишидагидек тезлик билан ризқ тушиши, французларда эса сигирни соғишдаги тезлик даражасида метр-эталон бўла олади. Демак, бу иборалар асоси предмет ва зооморф маданий кодлардан иборат.

М.Л. Ковшова томонидан маданий кодлар концептуал таснифининг рус тили фразеологик бирликлари мисолида ўрганганлигини қуйидаги жадвалда бериб ўтишни жоиз топдик:

МК-маданий кодлар	Муаллифлар
ўйин МК	М.В. Гаврилова 2007.
табиат МК	Г.И. Кабакова 1992.
ўсимлик МК	В.Н. Топоров 1977; Т.Н. Толстой 1995; С.А. Сиднева 2007; М.Л. Ковшова 2009.
тана /соматик МК	И.В. Захаренко 2003; Д.Б. Гудков, М.Л. Ковшова 2007.
кулинар(гастрономик, егулик, элементар)МК	В.Н. Топоров 1980; А.К. Байбурун 1992; Е.Л. Березович 2007; В.М.Савицкий, Э.А. Гашимов 2007; М.Л. Ковшова 2009.

Юқорида ўрганганлар асосида маданий кодлар манбасини тил бойликлари бўлган фразеологик бирликлар ташкил қилиши ҳақида умумий хулосага келиш мумкин. Шу сабабли, фразеологик бирликлар маданий ва вербал семиотик ҳамда тематик маданий кодларга ажратилган ҳолда ўрганилади. Чунки, код истаган инфосфера қатламида рамзийлаша олади. Бундай талқин қилиш маданиятлараро муносабатларни тиклашда миллат тили ва унинг маданий белгиларининг аҳамиятини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, маданий кодлар, яъни моделлаш тизими ва оламнинг лисоний манзарасини идрок қилишда фразеологик бирликлар манба бўла олади. Чунки, уларни турли маданий тематик кодлар ва субкодларга бўлиб ўрганиш унинг динамикигини англатади. Фразеологизмларнинг маданий семиотик аспекти нафақат коннотацияси ва этимологияси орқали, балки уларнинг маданий интерпретацияси ҳам оламнинг лисоний манзарасини очиб бериш қалитидир. Шундай экан, маданий кодларни концептуал тасниф қилиш тилларни солиштириб ўрганишда, оламнинг лисоний, маданий, маънавий каби турфа манзараларини очиб беришда таянч бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Alien's.** Dictionary of English phrases. – Oxford.: Oxford University Press, 2008. – P. 1422.
2. **Gilbert L., Lagane R., Nioby G.** Grand Lrousse de le langue française. En sept volumes, Tome septième : SUS – Z. – France: 1989. – P. 6528.
3. **Ковшова М.Л.** Лингвокультурологический метод во фразеологии: Коды культуры. – М.: Либроком, 2013. – Изд. 2-е. – 456 с.
4. **Комлев Н.Г.** Компоненты содержательной структуры слова. – М.: Ком Книга, 2006. – Изд. 3-е. – 192 с.

5. Латинско-русский словарь. – М.: АСТ Астрель, 2006. – 185 с.
6. **Маматов А.Э.** Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол.фанлари докт...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б.
7. **Маслова В.А.** Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – 208 с.
8. **Полванова С.Т.** Фразеологик бирликлар – маданий кодлар асоси//Илм сарчашмалари. – Урганч, 2016. – Б. 57-63.
9. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилининг фразеологик лугати. – Тошкент, 1992. – 363 б.
10. **Савицкий В.М., Гашимов Э.А.** Лингвокультурный код (составы и функционирование): Монография. – М., 2005. – 168 с.
11. **Сальнова А. Б.** Греческо-русский словарь. – М.: Русский дом, 2000. – 586 с.
12. **Хроленко А.Т.** Основы лингвокультурологии. – М.: Флинта, Наука, 2005. – 184 с.

УДК: 81.362.7

ПАЙТ ҲОЛИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎГИРИЛИШИ

Болтақулова Гулноза Фарруховна

СамДЧТИ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: пайт ҳоли, синтактик бирликлар, адвербиал элементлар, темпорал синтаксема, предлог, равиш, сон, олмош, лексик бирликлар.

Ключевые слова: обстоятельство времени, синтаксические единицы, адвербиальные элементы, темпоральная синтаксема, предлог, наречие, числительное, местоимение, лексические единицы.

Key words: adverbial modifier of time, syntactic units, adverbial elements, temporal syntaxeme, preposition, adverb, numerals, pronoun, lexical units.

Мазкур мақолада асосан гап қурилмасида пайт ҳолини ифодаловчи синтактик бирликларнинг ўзбек тилига таржима қилиш усуллари ҳақида қисқача маълумот берилган.

В данной статье рассматриваются основные вопросы, касающиеся различных методов перевода на узбекский язык синтаксических единиц, выраженных обстоятельством времени.

The article presents information on the methods of translating syntaxemes that express adverbial modifier of time in the sentence structure.

Кириш. Маълумки, гап қурилмасида пайт ҳолини ифодаловчи синтактик бирликлар ранг-барангдир. Жумладан, инглиз тили гап қурилмасида иштирок этган пайт ҳолини ифодаловчи бирликларнинг ўзбек тилига таржима қилиниш усуллари аниқлаш ҳам таржима назариясида муҳим рол ўйнайди. Таъкидлаш жоизки, таржимашунос олимлар асосан матннинг мазмунига, стилистик омилларга кўпроқ эътибор қаратганлар, аммо бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилишда грамматик шакллар таржимасига ҳам эътибор қаратиш фойдадан холи эмас.

А.М. Мухин структуравий грамматикаси бўйича концепсиясига асосланган ҳолда пайт ҳолини ифодаловчи синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиси “темпораллик” атамаси билан юритилади [2]. Шунга кўра темпоралликини ифодаловчи синтактик бирликларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада берилишини кўрамиз.

Темпорал синтаксемани ифодаловчи бирликлар гап қурилмасида кесимга боғланиб, унда ифодаланган иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги, давомийлигини, чегараланганлигини, нутқ жараёнидан кейин бажарилишини, иш-ҳаракатнинг жараёнида кетма-кетликини ифодалаши мумкин [4].

Инглиз ва ўзбек тилларида темпораллик турлича ифодаланиши мумкин ва таржимада ҳам ҳар хил берилиши мумкин:

Адвербиал элементлар билан ифодаланган ўзбек тилига қуйидагича берилади:

а) yet $\longleftrightarrow$ ҳали – бу кесимнинг инкор шаклида учрайди:

You haven't reached it yet.

Сиз учун ҳали ўзгариш бўлгани йўқ.

б) never $\longleftrightarrow$ ҳеч қачон:

You'll never take me seriously will you Thomas.

Сиз, рост, менга ҳеч қачон жиддий муомала қилмайсиз, - деб жавради Пайл.

в) now $\longleftrightarrow$ ҳозир:

He sat now in his legation room pretting at a telegram to decode.

Пайл ҳозир ўз миссиясида ўтириб, сабрсизлик билан телеграммани расшифровка қилаётгандир.

г) still $\longleftrightarrow$ ҳамон:

She is waiting for him still.

Ҳамон уни кутаяпти.

д) ever $\longleftrightarrow$ бир пайтлар:

Were you ever in love with her?

Сан бир пайтлар унга ошиқ бўлганмидинг?

е) once $\longleftrightarrow$ бир вақтлар:

Robert Cohn was once Middlweight boxing champion of Prinstone.

Роберт Кон бир вақтлар ўрта вазндаги Принстон университетининг чемпиони бўлганди.

ё) just $\longleftrightarrow$ бир пайтлари:

It's just like the Fretellinis used to be.

Бир пайтлари худди Фрателлини циркчилари айтганидек.

ж) already $\longleftrightarrow$ аллақачон:

Mike was already in bed.

Майк аллақачон ётганди.

з) always $\longleftrightarrow$ пайтида:

There was always a breeze even in the heat of the day.

Куннинг ҳатто энг жазирама пайтида ҳам нуқул шабода эсиб турар эди.

к) then ўзбек тилига кейин, шу пайт, ўшанда,бу пайтда кабилар ёрдамида таржима қилинади:

-Then they pulled up the door of the cage.

Кейин қафаснинг эшигини очишди.

-Then all of a sudden I started to cry.

Шу пайт ўзим учун кутилмаганда йиғлаб юбордим.

- Then you'd know these things.

Ўшанда буларнинг ҳаммасини билиб олган бўлардинг.

- Men were standing on the wall ready to pull up the gate of the corral and then the gate of the cage.

Бу пайтда эса корролнинг дарвозасини ва қафаснинг эшигини очишга ҳозирланиб бошқа хизматчилар деворда туришарди.

л) sometimes $\longleftrightarrow$ баъзан:

Sometimes Bill went along.

Баъзан Билл мен билан сайр қиларди.

м) at once $\longleftrightarrow$ дарров:

At once he forgave me all my friends.

У мени деб барча дўстларим гуноҳини дарров кечирди.

н) during + кўрсатиш олмоши ёки сон+от $\longleftrightarrow$ бу пайтда, ... мобайнида:

During this time Robert's mother had settled an allowance on him about three hundred dollars a month.

Бу пайтда Робертнинг онаси унга ойига уч юз доллардан пул юбора бошлаган эди.

During these three year, the first spent in travel, the last two in Paris.

Мана шу уч йил мобайнида биринчи йилни саёҳат билан ўтказишди, кейинги иккинчи йили Парижда бўлишди.

о) soon now ↔ ... кўпи кетиб ози қолди:

But he is going to marry me, she said, soon now.

Ахир у менга уйланади. Энди кўпи кетиб ози қолди.

Адвербиал элементлардан ташқари инглиз тилида турлича предлоглар билан ҳафта кун номлари, ойлар, йиллар, овқатланиш пайтини ифодаловчи лексик бирликлар бирикиб келиб, темпоралликни ифодаласа, ўзбек тилида темпоралликни ифодаловчи отлар, сифатдошлар ҳар хил келишик қўшимчалари ёрдамида таржима қилинади [5].

Шу борада таъкидлаш жоизки, "... предлогларнинг алоҳида сўз туркуми сифатида ўзига хос хусусиятлари синтактик даражада кўзга ташланади. Улар синтактик конструкция таркибид алоҳида сўз сифатида аниқ ажралиб туради ва бирикманинг маркази ҳамда тобеланувчи компонентлари ўртасида тобе алоқани ифодалаш вазифасини бажаради" [3]. Герман тилшунослигида, жумладан, инглиз тили мисолида предлог бажарадиган функцияни отнинг келишик формаси билан боғламаслик лозим. Гап қурилмасида предлогларни мазмун жиҳатидан аниқлашда, уларнинг қандай отлар билан бирикиб келиши орқали аниқлаш мумкин. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур ишимизда айнан темпоралликни ифодаловчи предлогли бирикмаларга эътибор қаратиб, уларни ўзбек тилига таржимаси ҳақида тўхталамиз.

а) After+от ↔ от+дан+кейин:

After breakfast Bill and I were sitting warming in the sun on a bench out in front of the inn and talking it over.

Нонуштадан кейин Билл билан меҳмонхона рўпарасидаги ҳаракда ўзимизни офтобда тоблаб ўтирарканмиз, юзага келган вазиятни муҳокама қилдик.

б) от+befo ↔ бундан+сон+олдин:

He had come in with me an hour before.

У бундан бир соат олдин мен билан бирга қайтганди.

в) before ↔ илгари ҳам:

Brett's had affairs with men before.

Илгари ҳам Бретнинг хушторлари бўлганди.

г) before+сон ↔ сондан+илгари:

I can't manage before nine.

Мен соат тўққиздан илгари бўшамайман.

д) at+от ↔ от+сифатдош+да:

Tell you some more at lunch.

Қолганини тушлик қилаётганимизда гапириб бераман.

е) at+сон+от ↔ от+сон+да:

At five o'clock I was in the Hotel Crillon waiting for Brett.

Соат бешда мен "Крион" меҳмонхонасида Бретни кутиб турардим.

ё) for+сон+от ↔ сон+от+давомида:

For four years his horizon had been absolutely limited to his wife.

Тўрт йил давомида унинг фикри хаёли хотини билан чекланиб қолганди.

Юқорида қайд этилган предлоглар ёрдамида темпоралликнинг ифодаланишида in предлогининг иштирокида ўзбек тилига таржимада содда гаплар қурилмасида турлича берилиши мумкин:

- In the morning ↔ эрталаб:

Brett can't get up in the morning.

Берт эрталаб туролмайди.

- Late in the afternoon ↔ кечга яқин:

We got into Pamplone late in the afternoon.

Биз кечга яқин Помплонга етиб бордик.

- In a few minutes ↔ бир неча минутдан кейин:

In a few minutes a fire brought a stone pitcher.

Бир неча минутдан кейин хизматчи сопол қозонни олиб келди.

- In a little while ↔ ҳаш-паш дегунча:

In a little while I had six.

Хаш-паш дегунча олтитасини тутдим.

Бундан ташқари, бу предлогли бирикмалар ёрдамида ҳам темпораллик ифодаланади, улар ўзбек тилига илгари, бу пайтга келиб кабилар ёрдамида таржима қилинган:

- By that time Cahn, who had been regarded purely as an angel.

Илгари саҳоватли фаришта сифатида қаралган.

- By that time though, he had other things to worry about.

Айтгандек, бу пайтда келиб, унда бошқа ташвишлар ҳам пайдо бўлиб қолганди.

Темпоралликни ифодаловчи синтактик бирликлар нафақат адвербиал элементлар ва пайтни ёки вақтни ифодаловчи синтактик бирликлар предлоглар ёрдамида ифодаланади, балки пайтни ифодаловчи лексик бирликлар ёрдамида ҳам иш-ҳаракатининг бажарилиш пайтини ифодалаш мумкин. Масалан: tomorrow-эртага, yesterday-кеча, Thursday-пайшанбада, tonight - бугун кечқурун, ҳамда пайтни ифодаловчи лексик бирликлар билан айрим равиш, сон, олмош кабилар бирикиб келиши ёрдамида ҳам иш-ҳаракатининг тугалланганлиги, давомийлиги, ҳали руёбга чиқмаганлиги, чегараланганлиги каби замон шакллариининг ифодаланишига аниқлик киритади.

а) one day – бир куни:

One day Montoya took them all out and dropped them in the waste – basket.

Бир куни келиб Монтоя ҳаммасини яшиқдан олиб саватга ташлади.

б) all day– кун бўйи, эрталабдан кечгача:

Drunk all day and spend all their time beating their poor old mothers.

Эрталабдан кечгача ичкиликбозлик қилишиб, ўзларининг бахтиқаро оналарини калтаклаш билан шуғулланишади.

в) the next day – эртаси куни:

They expected their money the next day.

Улар пул эртаси куни етиб келишини мўлжаллашаётганди.

г) last night – кеча кечқурун:

I was tight last night.

Кеча кечқурун, афтидан роса қайд қилибман.

д) the same day – ўша куниёқ:

It's too far to go and fish and come the same day, comfortably.

Ўша ерга етиб бориш, балиқ овлаш ва ўша куниёқ шошилмай орқага қайтиш учун ҳаддан ташқари узоқлик қилди.

е) every morning – ҳар куни эрталаб:

I want you to do that every morning.

Ҳар куни эрталаб худди шу йўсинда ишлайвер.

ё) each year – ҳар йили:

The good ones came each year.

Моҳир матодорлар ҳар йили келишарди.

Темпоралликни ифодалашда эргашган қўшма гапларнинг роли каттадир. Немис тили мисолида С.Я. Абдуллаеванинг “Пайт эргаш гапли қўшма гаплар синтаксиси” мавзусидаги монографик тадқиқотида таъкидланишича, “аксарият ҳолатларда пайт эргаш гапли қўшма гапларда у ёки бу замон шакллариининг, у ёки бу бошқа пайт боғловчиларининг қўлланилиши қўшма гапда қўлланилган феълнинг акционал (чегараланган/чегараланмаган) маъноларига ва улар ёрдамида ифодаланган аспектual вазиятларга боғлиқ бўлади. Пайт эргаш гапли қўшма гапларни таҳлил қилганда нафақат пайт боғловчиларининг семантикаси, эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан жойлашуви, замон шакллариининг қўлланилиши, балки тус-замон шаклларида феълларнинг акционал семантикаси, улар ва аспектual (ва таксис) контекстлари ёрдамида ифодаланган аспектual вазиятларни ҳам инобатга олишимиз шарт” [1].

Айтиш жоизки, бундай ҳолда пайт эргаш гапни кесими ифодалаган иш-ҳаракат семантикасини бош гап кесими ифодалаган семантика билан қиёслаш натижасида амалга оширилганда, эргаш гап кесимининг иш-ҳаракати бош гап кесими иш-ҳаракатидан олдин, кейин ёки ҳар иккала, яъни бош ва эргаш гаплар кесимларини иш ҳаракати бир пайтда бажарилишига қараб таҳлил қилиш билан чекланиш мумкин. Аммо, пайт эргаш гапли

қўшма гаплар таркибида инглиз тили мисолида темпоралликни ифодаловчи боғловчиларнинг роли бекиёсдир.

Пайт эргаш гап инглиз тилида when боғловчиси билан берилганда ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади:

1. While her true love waited too, and they were still waiting when Bill came in.

Билл келганида севишганлар ҳамон висолига етишмаганди.

2. A few kids came up when the bus stopped.

Автобус тўхтагач, бир неча бола югуриб келди.

3. When the fitters stopped they all crouched down in the street.

Куй тиниши билан ҳаммалари кўчанинг ўртасида чўққайиб ўтириб олишди.

4. When the last two bulls had been unloaded the herd were all together.

Охирги икки буюкани туширишгандан сўнг пода бир жойга тўпланиб олди.

5. When I went back into the inn the woman was down in the kitchen.

Меҳмонхонага қайтиб келсам, бека ошхонада экан.

Пайт эргаш гапларни бош гап билан боғланишида while, after, as, what time кабилар ҳам қўлланилади:

1. While I had him on, several trout had jumped at the falls.

Уни илмоқдан олаётганимда бир неча хонбалиқ ҳавога сакради.

2. After it was over we went out and pressed tight in the crowd.

Жанг тугагач, биз кўчада туртиниб-суртиниб оломон орасидан чиқиб олдик.

3. As we started along the road he turned and walked back toward the inn.

Биз йўлга чиқиб олгач, у орқасига ўгирилиб меҳмонхона томон юрди.

4. I don't know what time I got to bed.

Соат нечада ётганимни эслолмайман.

Темпоралликни ифодаловчи синтактик бирликлар содда гаплар таркибида иштирок этганда, айнан ўша гапнинг кесими ифодалаган иш-ҳаракатининг бажарилиш пайтини англатади, яъни сўзловчи ўзининг суҳбатдошига иш-ҳаракатининг бажарилганлиги, бажарилаётганини, бажарилиш пайтини аниқ ифодалаш учун гапда иштирок этади. Демак, содда гап қурилмасида темпораллик элементларининг ифодаланиши адвербиал бирликлар yet-ҳали, never-ҳеч қачон, now-ҳозир, still-ҳамон, ever-бир пайтлар, once-бир вақтлар, just-бир пайтлари, already-аллақачон, always-пайтида, ҳамиша, then-кейин, шу пайт, ўшанда, бу пайтда, sometimes-баъзан, at once-дарров, during-бу пайтда, мобайнида, soon now-кўпи кетиб ози қолмоқ кабилар ёрдамида ифодаланса, темпоралликни ифодаловчи предлогли бирикмалар after+от - отдан кейин от+before - бундан+сон+олдин, before+от - от +дан олдин, at+от – от + сифатдош+да, от + сон + да, for+сон +от – сон+от + давомида, in ва by предлоглари эса вақтни ифодаловчи лексик бирликлар билан бирикиб келиши мумкин. Ундан ташқари, yesterday, tomorrow, tonight, day ҳафта кунларини ифодаловчи лексик бирликлар one, all, next, last, same, each кабилар билан бирикиб ўзбек тилига сон+от, от+бўйи, ўша+от, ҳар+от таржима қилинади.

Темпораллик эргашган қўшма гаплар таркибида қаралганда, пайт эргаш гаплар бош гапга when, while, after, as, what time каби боғловчилар ёрдамида берилиб, бош гапда иш-ҳаракат билан пайт эргаш гапдаги иш-ҳаракатини бир-бири билан таққослаб, кесимлар ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилишига аниқлик киритади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Абдуллаева С.Я.** Пайт эргаш гапли қўшма гаплар синтаксиси (ҳозирги замон немис тили материали асосида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореферати. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2009. – 26 б.
2. **Мухин А.М.** Структура предложений и их модели. – Ленинград, 1968. – 230 с.
3. **Сайфуллаев А.** Предлогларни кодификациялашнинг контекстуал асослари. – Тошкент: Фан, 2014. – 144 б.
4. **Терешенко Н.М.** Синтаксис самодийских языков. – Ленинград: Наука, 1973. – 251 с.
5. **Quirk R., Greenbaum S., Leech Y., Svartvik T.Q.** University Grammar of English. – Moscow: High school, 1982. – 321 p.

УДК 398(09)894.322ўзб.

ЭЛНИ ДЕБ ЭЛ КЕЗГАН ОЛИМ

Ўраева Дармон Саидахмедовна*БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори***Ражабов Дилшод Зарипович***БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди***Таянч сўзлар:** фольклор, фольклоршунослик, миф, афсона, эртақ, сеҳрли рақамлар, маросим, халқ қўшиқлари.**Ключевые слова:** фольклор, фольклористика, миф, легенда, сказка, волшебные цифры, обряд, народные песни.**Key words:** folklore, folklore studies, myth, legend, fairy tale, magic figures, ritual, folk songs

Мақолада умрини юртимизда яратилган бой номоддий мерос анъаналарини ўрганишга, ўзбек фольклоршунослиги илмини янада ривожлантиришга, шу асосда баркамол авлодни тарбиялаш ишига бағишлаб келаётган таниқли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Маматқул Жўраевнинг серқирра илмий-ижодий йўли ҳақида фикр юритилган.

В статье рассматривается разносторонняя деятельность знаменитого узбекского ученого-фольклориста, доктора филологических наук, профессора, заслуженного деятеля культуры Республики Узбекистан Маматкула Жураева, который посвятил свою жизнь изучению богатого духовного наследия страны, воспитанию развитого поколения на его основе и развитию узбекской фольклористики.

The article describes the life and scientific-creative activity of the doctor of Philological Sciences, professor Mamatkul Juraev, who devoted his life to the study of rich non material hereditary traditions of our country, to the development of Uzbek folklore studies and to the process of upbringing harmoniously developed generation.

Кириш. Бор-йўғи ўтган асрнинг 20-йилларидан фан сифатида шакллана бошлаган ўзбек фольклоршунослиги ҳали энди бир асрлик табаррук ёшини нишонлайди. Аммо, шу давр ичида у ўз тарихини намоён эта олди. Бу тарих зарварақларини безашда фольклоршуносларнинг учинчи авлоди вакили бўлиб етишган филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маматқул Жўраевнинг алоҳида ўрни бор.

Маматқул Жўраев фольклор назарияси, фольклор тарихи ва текстологияси, фольклор асарлари поэтикаси, локал хусусиятлари, фольклор ижодкорлиги ва ижрочилиги, фольклор ва ёзма адабиёт, фольклор ва профессионал санъат, этнофольклористика, фольклор ва маросим, фольклоршунослик методологияси масалалари бўйича яратган тадқиқотлари орқали фаннинг назарий йўналишлари шаклланиши ва тараққиётига муносиб ҳисса қўша олди. Ўзбек мифологияси, маросим фольклори, халқ насрининг жанрлар таркиби, фольклоршунослик тарихи ва «постфольклор» масалаларини тадқиқ этиб, ўзбек фольклоршунослиги мактабининг кўзга кўринган вакилларида бири сифатида танилди.

Асосий қисм. Кўп йиллардан буён халқимизнинг миллий анъаналарини ва бой фольклор меросини қунт билан тўплаб, илмий тадқиқ қилишда пешқадамлик қилиб келаётган, фольклоршунослик фанининг кучидан баркамол авлодни тарбиялашда фойдаланаётган заҳматкаш олим, етук зиёли, жонкуяр устоз Маматқул(и) Жўраев кўхна Пойкент тупроғидаги Жигачи қишлоғида 1956 йил 1 октябрда таваллуд топди. Туғилиши биланоқ онаси аллаларидан, момо-боболари куйлаган эркаламаларнинг ҳузурбахш наволаридан, бир-биридан қизиқ эртақлар сеҳридан куч олиб улғайди. Шу-шу уни халқ ижодига ошуфталик бир умрга тарк этмади.

Юртига ва юртдошларига садоқат туйғуси олимни кўп бор ўз қишлоғида илмий экспедицияда бўлиб, олимлик нигоҳи билан қишлоғини кезишга, эли орасида юриб, анъанавий халқ қўшиқларининг кўплаб беназир ижрочиларини аниқлашга ва улардан жонли ижро жараёнида бир талай оромбахш наволарни ёзиб олишга даъват этди.

Айтиш мумкинки, фольклоршунос бўлиш учун, энг биринчи навбатда, инсон ватанпарвар, юртпарвар ва элпарвар бўлмоғи лозим. Аслида ўз юртини ва юртдошларини, киндик қони тўкилган муқаддас заминни, унда ёнма-ён, ҳамнафас, елкама-елка, яқин бўлиб, яхши-ёмон кунида унга яраб келаётган инсонларни қалб меҳри билан сева олган, кадрлай билган кишигагина бу бахт насиб этади. М. Жўраев айнан мана шундай элим деб, юртим деб ёниб яшаб келаётган заҳматкаш, бағрикенг, танти ва олийжаноб, етук юртдошларимиздан биридир.

М. Жўраев этнофольклористик йўналишдаги тадқиқотлари билан дастлаб фан номзоди, кейин фан доктори илмий даражаларига, профессор илмий унвонига эришди. Жумладан, олим 1987 йил 3 декабрда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш йиғилишида 10.01.09 – фольклоршунослик ихтисослиги бўйича “Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар (тарихий асослари ва бадиий функциялари)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Орадан уч йил ўтиб, яна у ўз илмий изланишларини давом эттиришга жазм қилди. Шу мақсадда у 1990-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти докторанти бўлди.

1996 йил 18 сентябрда М. Жўраев ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д 015.04.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида 10.01.09 – фольклоршунослик ихтисослиги бўйича “Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясини Т. Мирзаев илмий маслаҳатчилиги остида муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори илмий даражасини олишга эришди. Шунингдек, 2006 йилда профессор унвонини олишга ҳам муваффақ бўлди.

Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли рақамлар” ва уларнинг бадиий вазифаларини ўрганиш билан ўзининг чинакам илмий фаолиятини бошлаган Маматқул Жўраев йиллар давомида халқ оғзаки насрининг эртақка кирмаган намуналари (ноэртақ жанрларнинг), яъни миф, афсона, ривоят ва бошқаларнинг жанр хусусиятлари, таркибини тадқиқ этишда жиддий ютуқларга эришди, фольклор асарларини халқ маиший турмуши билан боғлаб ўрганиш зарурлигини асослаб берди.

Йирик фольклоршунос олимлар билан ҳамнафас ишлаш, уларнинг ўғит ва тажрибаларидан баҳраманд бўлиш, айниқса, фольклор экспедицияларида иштирок қилиш М. Жўраевни фольклоршунослик соҳасига бутунлай боғлади-қўйди. Устози ва ҳамкасблари айтганидек: “Кабинет” олими эмас, халқ ичида доимо фаол изланишда бўлган олим сифатида шаклланди” [2].

Илму зиёни давлат деб билган, фольклоршунослик уммонининг моҳир ғаввоси сифатида танилган Маматқул Жўраев ўз ижодий фаолиятининг асосий қисмини ўзбек халқ насри намуналарини тўплаш ва тадқиқ қилиш, кенг оммалаштиришдек машаққатли ишга бахшида этди ва шу заҳматкашлиги туфайли фольклоршунослигимизда ўзбек халқ насри жанрларини тарихий-қиёсий ҳамда структурал-типологик усулда ўрганиш бўйича ўзига хос йўналишни шакллантира олди ва юқори малакали фольклоршунос кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Зукко ва нуктадон тадқиқотчининг асотир (миф), афсона, эртақ ва ривоят жанрларига бағишлаб яратган фундаментал тадқиқотлари ўзбек фольклоршунослигида катта воқеа бўлди. Олим миф, афсона, ривоят, эртақ каби эпик жанрларнинг генезиси, табиати, таснифи, бадиияти масалаларига доир теран тадқиқотлар яратиб, ўзбек халқ насри йўналишида бажарилган илмий тадқиқотлар салмоғини янада бойитиш билан бирга, бу йўналишда янгидан-янги тадқиқотлар яратилишига пухта замин ҳозирлади. У ўзбек халқ оғзаки насри жанрларини тасниф қилишнинг илмий мезонларини ишлаб чиқди [1]. Айниқса, ўзбек фольклорида мифология ва унинг эпик сюжетлар генезисида тутган ўрни, эртақ бадиияти ва эпик сюжетлар типологияси, халқ тақвими ва у билан боғлиқ фольклор жанрлари, афсона ва ривоятларга бағишланган фундаментал тадқиқотлари билан ўзбек фольклоршунослигининг назарий уфқларини кенгайтиришда иштирок этди.

М. Жўраев ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалаларига доир эллика яқин китоб, шу жумладан, 14 монография, 6 ўқув қўлланма ва хорижий мамлакатларда босилган 2 та китоб муаллифидир. Унинг ҳозирга қадар 600 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари нашр этилган бўлиб, шундан 55 та илмий мақола ва ахборотлари Германия, Жанубий Корея, Хитой халқ республикаси, Россия федерацияси, Туркия, Туркменистон, Озарбайжон каби мамлакатларнинг илмий нашрларида чоп этирилган.

Дунё илм аҳлини аждодларимизнинг бадий тафаккури зиёларидан баҳраманд этиш орқали юртимиз донғини таратиш, она Ўзбекистонимизнинг қадим ва кўҳна ғўшаларини дунё билан боғлаш мақсадида олим қатор хайрли ишларни амалга оширди. У азалдан ижодкор халқимизнинг бадий тафаккури самаралари бўлган афсонаю ривоятларни, эртақ ва дostonларни, қўшиқ ва ўланларни тўплаб ўрганиш орқали чиқарган илмий хулосалари ҳақида чет эл олимлари ўртасида маърузалар қилди, хориж матбуотида мақолалар эълон қилди.

Олимнинг ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамлар, уларнинг тарихий-мифологик асослари, бадий-тадрижий тақомили ва поэтик вазифалари масаласини жиддий ўрганишга бағишланган “Рақамларда яширинган олам” (1986), “Етти иқлимдаги “етти”лар” (1989, Комил Холмуҳамедов билан ҳаммуаллифликда, “Фан” нашриёти), “Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар» (1991), “Сеҳрли” рақамлар сири” (1991) каби илк монография ва рисолаларида эпик асарларнинг, хусусан, эртақларнинг бадийиётига хос айрим хусусиятлар, уларда “сеҳрли” рақамларнинг тутган ўрни, қаҳрамонлар саргузаштини изоҳлашдаги бадий-эстетик вазифалари, қадимги инсонларнинг рақамлар билан боғлиқ эътиқодий қарашларининг тарихий-мифологик илдиэлари, шу асосда рақамларнинг тимсоллаштирилиши ва халқ эртақлари бадий қурилишида муайян мазмун касб этиб келиши, шунингдек, маълум мифологик моделлар кўринишида фольклор асарларида анъанавий бадий шаклга айланиш жараёни ўзига хос тарзда тадқиқ қилинган.

М. Жўраев магик рақамларнинг фольклор поэтикасидаги ўрнини тизимий асосда таҳлил қилар экан, бундай сонлар билан боғлиқ поэтик формулаларнинг поэзия элементига айланиш қонуниятларини, магик сонлар ҳақидаги халқ қарашлари тараққиётининг “миф-ритуал-фольклор” босқичларини ҳар томонлама, кенг кўламли ва бой материал асосида тадқиқ эта олди.

М. Жўраевнинг бу борадаги хизматлари Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Бурятия илмий марказига қарашли Ижтимоий фанлар институти катта илмий ходими, филология фанлари доктори С.С. Бардаханова, Озарбайжон Республикаси ФА Низомий номидаги Адабиёт институти Фольклор бўлимининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор Мирали Сейидов, Қозоғистон Республикаси Фанлар академияси М. Авезов номидаги Адабиёт ва санъат институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори С. Мусина, Туркменистон Республикаси Фанлар академияси Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор секторининг мудири, филология фанлари номзоди Бабиш Мамедязов томонидан алоҳида эътироф этилган. М. Жўраевнинг мазкур тадқиқоти матбуотда ҳам кенг тарғиб этилди.

Олимнинг докторлик диссертацияси ҳамда унинг мазмунини қамраб олган «Ўзбек халқ самовий афсоналари» (1995) китоби ўзбек халқ мифологик афсоналари силсиласига кирувчи само ёритқичлари, табиат ҳодисалари, олам ва заминнинг яратилиши тўғрисидаги самовий афсоналар туркумининг тарихий-мифологик асослари, самовий мифологияга муносабати, мавзу доираси, таснифи, сюжет тизими ва уни ташкил этувчи асосий мотивлар, образлар таркиби, бадий хусусиятлари каби муҳим ва долзарб муаммолар тадқиқига бағишланган.

М. Жўраев йигирма йилдан зиёдроқ муддат давомида тўплаган самовий мифлари-ю афсоналарини “Эл деса Навоийни” (1991), “Кенжа ботир” (1991), “Наврўз” (1992), “Ипак йўли афсоналари” (1993), “Боболардан қолган нақллар (1998)”, “Бухоро афсоналари” (2001), “Қадимий Кармана ривоятлари” (2013), “Доно Алишер (2016)” сингари тўпламларида тартиб берган ҳолда эълон қилиб, амалиётчи-тўпловчи фольклоршунос эканлигини намойиш этди.

М. Жўраев ўзигача ўзбек асотирунослигини бошлаб берган Ғ. Акрамов ва асотируларни тўплаб, нашр этишни йўлга қўйган М. Муродов анъаналарига таяниб, **ўзбек фольклоршунослигида мифшунослик йўналишини янги назарий босқичга кўтара олди**. Олим бевосита ўзи йиққан салмоқли материалга суяниб, ўзбек асотирунослигининг назарий асосларини ишлаб чиқди. Унинг ички мавзуй типларини аниқлаб, асотирулар таснифотини амалга оширди.

М. Жўраев “Наврўз байрами” китобида 3500 йилдан улуғроқ Наврўзнинг илк пайдо бўлиши, тараққиёти, у билан боғлиқ удумлар, ривоятлар маъносига назар солар экан, ўзбек асотирунослигининг назарий уфқларини кенгайтиришга эришди. Шунингдек, у “Ўзбек халқ тақвими ва мифология афсоналари” китобида йигирмадан ортиқ ҳисобдон (осмон жисмларининг жойлашувига қараб йил воқеа-ҳодисаларини башорат қилувчи) ҳаётининг тажрибаларини фольклоршунослигимизда илк бор атрофлича тадқиқ этди.

М. Жўраев ўз илмий фаолияти давомида халқ тақвими ва у билан алоқадор афсоналар, маросимлар фольклорини йиғишга ва ўрганишга катта қизиқиш билан қаради. Олимнинг бу йўналишдаги тадқиқотларида оғзаки ижод намуналари **миф-маросим-фольклор** учлигида илмий тадқиқ қилинганлиги кузатилади.

М. Жўраев халқ тақвимида қизиқиши туфайли яна муборак рамазон ойида рўза кунлари ҳар оқшом болалар томонидан эшикма-эшик юриб куйланадиган “Ё рамазон” қўшиқларини тўплаб, филология фанлари доктори Шорустам Шомусаров билан ҳамкорликда “Улуғ ой умидлари” тўпламини чоп этиришга эришди.

Олим ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида “Шохмойлар” ёки “Биринчи қўш” удуми, “Шерда” маросими ва унинг қўшиқлари ҳақида қизиқарли мулоҳазаларни илгари сурган бўлса, ўзбек фольклоршунослигида гулга эътиқод билан боғлиқ ҳолда шаклланган “Бойчечак”, “Қизил гул” сайли ҳақида, уларнинг этнофольклористик таҳлили хусусида ҳам эътиборли мақолалар эълон қилди.

Оилавий-маиший характердаги никоҳ тўйи маросимига алоқадор келин салом қўшиқларини этнофольклористик жиҳатдан ёзиб олиб, алоҳида нашр этишда М.Жўраевнинг хизматлари анча катта. У шогирди О. Исмонова билан келин салом-ларини тўплаб, “Қизил гулнинг ғунчаси” (1999) номи билан чоп эттирди.

Олимнинг “Келин тушди” маросими ҳамда ўлан айтиш удуми ҳақидаги рисоалари, “Остонаси тиллодан” сафарномаси, “Ой олдида бир юлдуз” номли ўзбек халқ маросим қўшиқлари тўплами, “Маросимнома. Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида маълумотнома”си, “Ўзбек мавсумий маросим фольклори” ўқув қўлланмаси, “Наврўз байрами” монографияси ўзбек маросимшунослиги хазинасини бойитиши баробарида унинг янги қирралари очилишига туртки бўлди.

М. Жўраев ўзбек фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарини этнофольклористик нуқтаи назардан диалектал таҳлил қилиш усулини бошлаб берган билимдон олимлардан биридир.

М. Жўраев ўзбек фольклорининг билимдони, моҳир ташвиқотчиси ва тарғиботчиларидан бири сифатида мустақилликкача ва мустақиллик даврида ҳам халқимиз онгига миллий қадриятларимиздан ғурурланиш ҳиссини сингдиришда алоҳида ғайрат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, истиқлол йилларида тарихий хотирани тиклаш, миллий ўзлиқни англашда фольклордан фойдаланишга қаратилган юксак эътибор туфайли олимнинг бу борадаги фаоллиги янада кучайгани кузатилади. Истиқлол йилларида олим маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари таркибига киритилди. У 2000 йилдан ҳозиргача Сурхондарё, Фарғона, Навоий, Бухоро, Тошкент, Жиззах вилоятларида мустақиллик даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини, эришилган ютуқларни, ўзбек фольклори анъаналарини, миллий қадриятларимизни кенг кўламда тарғиб этиб келмоқда. У шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган “Халқ ижоди поезди”нинг Фарғона водийси (2007), Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси туманлари (2009 йил, 28 апрель -7 май) бўйлаб ўтказилган ижодий сафарда илмий гуруҳнинг раҳбари қилиб тайинланди.

М. Жўраев халқ бахшилари, ўлан, лапар, аския, алла ижрочилари, фольклор-этнографик жамоалари кўрик-танловларида ҳакамлар ҳайъати аъзоси ёки раиси (2012-

2015) сифатида ҳам номоддий маданий мерос дурдоналарини тарғиб этишга муносиб ҳисса қўша олди.

Айниқса, олим бир неча бор аскиячи ва қизиқчиларнинг кўрик-танловларида хайъат аъзоси сифатида иштирок этар экан, бу ҳақда мақола ва усулий қўлланмалар яратиш фикри пайдо бўлди. Хусусан, олим Тошкент давлат маданият институти талаба ва магистрларига дарс берар экан, халқ ижрочилиқ санъати сирларидан маъруза матнлари тайёрлаш асносида шу мавзуда бир неча методик қўлланмалар яратиб, чоп эттирди.

М. Жўраев – ёш олимлардан ҳеч қачон ёрдамини аямаган меҳрибон устоз фольклоршунослардан бири. Олим тарбиялаб етиштираётган шогирдларини ҳам айнан ўзи изланаётган илмий йўналишларга кенг жалб эта олган. Унинг илмий раҳбарлигида шу кунгача 1 нафар фан доктори (корейлик Ингён О), 9 нафар фан номзоди (О.С. Қажумов, У.Ф. Сатторов, қирғизистонлик О. Исмонова, М.Р. Раҳмонова, З.Х. Жумаев, Ф. Нурмонов, Л. Худойқулова, З.Ж. Расулова, С.Х. Ҳамдамова), 8 нафар магистр тайёрланган.

Кўриняптики, олим нафақат республикамиз, балки хориж мамлакатлари учун ҳам юқори илмий малакали мутахассислар етиштириб беришда тажрибага эга.

Халқ ижоди жанрларини илмий жиҳатдан ўрганиш, тўплаш ва тизимлаштиришда, уларни тўплам ҳолида тузиб чоп эттиришда Маматқул Жўраевнинг алоҳида хизматлари бор. Олим бу борада қатор муҳим ютуқларга эриша олди. У тўплаб, нашрга тайёрлаган “Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар” (1991), “Ипак йўли афсоналари” (1993), “Боболардан қолган нақллар” (1998), “Қизил гулнинг ғунчаси” (1999), “Ой олдида бир юлдуз” (2000), “Улуғ ой умидлари” (2001), “Бухоро афсоналари” (2002) каби тўпламлар орқали аجدодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган қадимий асотирлар, ҳайратомуз ривоят ва афсоналар, жонбахш қўшиқларни халққа туҳфа этади. Бу тўпламлар заҳматкаш олимнинг бевосита жойларда олиб борган фольклористик изланишлари натижасида тўплаган материаллари асосида тартиб берилган. Шу ўринда олимнинг Бухоро давлат университети (Олот тумани, 1989) ҳамда Навоий давлат педагогика институти (Нурота, 1999-2002) талабаларининг фольклор-этнографик экспедициялари жараёнида ҳам фаол иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маматқул Жўраевнинг “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш муаммолари бўйича хайрли ишларни йўлга қўйишдаги ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Олим 100 жилдлик таркибида халқ дostonларини қайта нашрга тайёрлаш жараёнида мустабид даврнинг ҳукмрон мафқураси тазйиқи остида қисқартирилган ўринларни тиклашга, араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувидаги қўлёзмаларни ўқиш давомида йўл қўйилган камчиликларни тузатишга, матнларнинг насрий қисмидаги қисқартиришларни ҳам бартараф этишга, шеърий қисмларни кўпайтиришга айрича эътибор қаратди. У “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини тайёрлашда яна мазкур соҳада жаҳоннинг бошқа мамлакатларида эришилган илғор тажрибаларга таяниб, юртимизда халқ дostonларининг мукаммал академик нашрини илк бор йўлга қўйди. Бу нашрларда дostonларнинг матнidan ташқари унга бағишланган ихчам сўзбоши-тадқиқот, асарда учрайдиган мифологик образлар, тарихий шахслар номлари, диний ва этнографик тушунчалар, айрим жўғрофий ва эпик атамалар учун изоҳлар, тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг луғати, дoston оғзаки вариантларининг қўлёзмалари, ижрочилари, ёзиб олувчилари, дostonнинг олдинги нашрлари ҳақида маълумот берувчи фотоматериаллар, дostonдаги лирик қисмлар ижросининг нота ёзувлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар тавсифи, рус ва инглиз тилларидаги аннотациялар билан таъминланганки, бир сўз билан айтганда, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” рукнида нашрга тайёрланган асарлар юртимизда фольклор асарларининг академик нашрларини тайёрлаш ва чоп эттириш борасида эришаётган ютуқларимизни намоён эта олади. Унинг нашр этилиши мамлакатимизда маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол ишлар олиб борилаётганлигидан гувоҳлик бера олади.

Хулоса. Халқ оғзаки ижоди – маънавий бойлигимиз сарчашмаларидан бири. Унинг илдишлари жуда-жуда қадимга, инсониятнинг илк даврига бориб тақаладики, шунинг учун

уларни тўлиқ ўрганиш, ҳозирги давр ўқувчисига етказиш осон иш эмас. Бу, албатта, фольклоршунослардан кенг билим, сабр-тоқат, катта заҳматли меҳнат ва чуқур қобилят ва истеъдод уйғунлигини талаб этади. Маматкул Жўраев эса шундай фольклоршунослардан бири сифатида самарали меҳнат қилиб келаётган юртсевар ва элсевар олимлардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. – 5-сон. – Б. 36.
2. Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 3-9.
3. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо хазина. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – Б. 350-357.

УДК 82.3 (5Ў)

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ОЛА РАНГ ВА УНИНГ МАЪНО-МОҲИЯТИ

Жўраев Маматкул

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёт университети, филология фанлари доктори, профессор

Рўзиева Моҳичеҳра Ёқубовна

БухДУ Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ўзбек фольклори, ранг рамзлари, мифологик асос, генезис, достон, эртақ, қўшиқ, “Гўрўғли” туркуми, “Алпомиш” достони, Фирот, Бойчибор, “Одамтой” эртаги, от, от култи, от танлаш.

Ключевые слова: узбекский фольклор, символика цвета, мифологическая основа, генезис, дастан, сказка, песня, цикл “Гор-оглы”, эпос “Алпамыш”, Герат, Байчибар, сказка “Адамтай”, лошадь, культ лошади, выбор лошади.

Key words: uzbek folklore, color symbolics, mythological foundation, genesis, epic poem, fairy tale, song, “Gurugli” series, epic poem “Alpomish”, Girot, Boychibor, “Odamtoy” fairy tale, horse, the cult of horse, horse selection.

Мақолада ўзбек халқ оғзаки ижодида ола рангининг бадиий талқин этилишига ҳос хусусиятлар, у билан боғлиқ қарашларнинг мазмун-моҳияти, халқ достон, эртақ ва қўшиқларида унинг рамзий талқини хусусида фикр юритилган.

В статье рассматриваются особенности интерпретации черного цвета в узбекском устном народном творчестве, сущность и содержание народных поверий, связанных с ним, а также символическое его толкование в народных эпосах, сказках и песнях.

The article deals with the peculiar features of literary interpretation of pied color in Uzbek folklore, the meaning and essence of views related to it and its symbolic interpretation in folk epic poems, fairy tales and songs.

Кириш. Ўзбек фольклорида асосий ўрин тутувчи ранглар сирасига оқ, қизил, қора, ола, кўк, яшил, сариқ каби ранглар киради. Бу ранглар бадиий матнда алоҳида рамзий маъноларга эга. Хусусан, туркий халқлар ҳаётида от жуда муҳим ўрин тутган, шу сабабли ҳам отларнинг ранги билан боғлиқ атамалар бу тилда кўп учрайди. Масалан: *орам* – тўқ қизил ва сариқ ранг орасидаги от [5], *ажам* – қора от [5], *уғар ам* – пешонасида оқи бор (қашқа) от [5], *а: қ – оқ* . Ҳар нарсанинг оқи (ўғизча). Туркий халқлар чипор отга *а:қ от* дейдилар [5], *Ала-* пес, ола тўнли одам, *оқ-* қора рангли отга ола от дейдилар, *Бўл ам* – оёқларида ақл бор от, пешонаси оқ- қашқалик отларга ҳам айтадилар [5], *Тўм* – мол, ҳайвонлар рангини аниқлашда “тўқ” маъносини бериш учун қўлланадиган сўз. *Тўм қара ам* – тим қора от, жуда қора, тиниқ қора [5], *токуз ам* – пешонасида тангадек оқи бўлган от, қашқа от [5], *қара қароқ* – кўзнинг қораси, урун қарақ – кўз оқи, от қарақ – кўз қорачиғи [5], *Чилки ам* – тўқ сариқ от [5], *Чиндаш ам* – жийрон от, қизил гул рангли от [5], *Бўкрул ам* –

икки биқини оқ от [5], *тэгузлук* – пешонаси оқ човкар от [5], *Боз* – кулранг, боз ат – кулранг от, оқ ва қизил ранг орасидаги рангда бўладиган ҳар бир ҳайвонга ҳам бу сўз қўлланилади. *Боз қој*– бўз, кулранг қўй [6,134], б. *Tif am* – ёш ва думи қизил, танаси қизил билан қора орасида бўлган қўнғир от [6]. Бу хил рангларнинг барчаси рамзий маънога эга эмас. Эътиборни жалб этган томони туркий фольклорда от образи ва у билан боғлиқ ранг символикасининг қатъий ўринга эгалигидир.

Ўзбек фольклори, хусусан, халқ достонларида асосий қаҳрамонларнинг отлари ола, чипор, тарлон, човкар тусли бўлиши билан ажралиб туради. Масалан, Алпомишнинг оти Бойчибор – чипор ранг, отнинг ола тусда эканлигини билдиради. Гўрўғлининг Ғирқўк оти ҳам туркумнинг барча достонларида:

Тимкил-тимкил холларингдан,
Шол ипакдай ёлларингдан...
Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Сени минган топар мурод... [4],

деб куйланганидек майда холли, ола, қўк тусли от сифатида таърифланади.

Фольклоршунос Маматқул Жўраев “Ола от культининг ўзбек эпосидаги излари” мақоласида халқ достонларида эпик от образининг ҳар жиҳатдан мукамал ишланганлигини таъкидлаб, эпик от образининг ола, човкар бўлишининг қадим мифологик ва ҳаётий асосларини ишонарли фактик мисоллар билан батафсил исботлаб берган ва бадиий талқинларига махсус тўхталган [7]. “Жанговор от – Бойчибор (қозоқ, қорақалпоқ вариантларида – Байшубар) ола тусли бўлиб, уни Тарлон бия туққан. Бойбўрининг йилқисида тарлон бия бор эди. Шу ола рангли бия бир қулун туғди. Қултой бу қулунни тулпор бўлади деб Бойбўрига келтириб берган. Достонда “Тарлон бия Алпомишга энчи эди” дейилади. Бу қариндошлик мотиви халқимизнинг отни мўътабарлаштириш билан боғлиқ кўҳна тасаввурларига бориб тақалади.

Бойбўри тарлон биянинг қулунини неча йил таблада боқиб ётди. “От сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнай берди”. Халқ удумига кўра ола отнинг ўйноқлагани яхшилиқдан дарак бермайди. Бойбўри “бу ёмонлагурнинг ўйнагани ҳам яхшилиқдан эмас” деб табладан чиқариб йилқиларга қўшиб ҳайдаб юборди” [7]. Олим ушбу ола отнинг ўйнагани фожиадан дарак беришини қозоқ, нўғай халқ удум ва фольклори мисолида далиллаб: “... ола той кароматли от деб билинган ва унинг безовта кишнай бошлаши даҳшатли фожиадан дарак берган. Таблада боқиладиган Бойчибор Барчиннинг чопари келиб кетгандан сўнг ўйноқлай бошлайди. Бу ёш – Алпомишнинг олис сафаридан нишона эди.” – деб ёзади [7]. М. Жўраев “Девони луғатит турк” ҳамда Ҳ.Т. Зарифов фикрларига асосланиб, “Ғирот ҳам ола, яъни саман айғир экан. Ғир (хыр) сўзининг хакас тилидаги маъносига таянадиган бўлсак, Ғиротнинг манглайида оқи (юлдузи)бор кароматли чипор тулпор деб баҳолаш керак”. дейди. Кўринадик, Ғирот умумтурк эпосидаги анъанавий ола отлар наслидан ва туси бутунлай ола-була эмас, танасининг бирор ерида оқи бўлган қўк – бўз тулпордир.

Ола отнинг қадим туркий “Таъбирнома”да кишиларга бахт (қут) улашувчи йўл тангриси сифатида талқин этилганлиги ва И.В. Стеблеванинг от рангининг ола бўлиши тун ва куннинг алмашилишини билдиради деган фикрига тўхталар экан, фольклоршунос “Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Чунки, бундай отлар мифологик тасаввурларга бориб боғланадиган пешонасида оқи (юлдузи) бор самовий айғир наслига алоқадор ҳамда бутунлай ола була ола-була эмас, балки танасининг бирор қисмида, кўпроқ пешонаси, оёқларида оқи бўлган ва йилқи ичида ажралиб турган” [7] – деб ёзади.

Ола рангнинг мифологик асослари ҳақида тўхталар эканмиз, И.В. Стеблева фикрининг асосига диққат қаратиш лозим. Халқ маросимларида кенг қўлланилувчи қуроқлар, тумор ипларининг оқ ва қора рангли иплардан эшиб таёрланиши ва “Гўрўғли” достони генезисини ўрганган фольклоршунос Ш. Турдимовнинг Гўрўғли образи ва достон сюжети ибтидосида халқимизнинг қадимий ёз ва қиш фасллари алмашинуви ҳамда ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги маросимий мифлар турганлиги ҳақидаги фикрига таянадиган бўлсак, ола ранг, хусусан, ола от топинчи асосини ҳам ушбу тасаввурлар билан боғлаб қараш мумкин. Яъни, ола ранг космик мутаносибликни, уйғунликни ифодаловчи рамзий-тимсолий маъноларга эга. Бу ранг туркий халқлар орасида муқаддаслаштирилган от

топинчи ҳам муҳим ўрин тутган. Айни пайтда М. Жўраев айтган юлдуз билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ҳам ушбу қарашларга қўшилганлигини ва яхлит бир тизим пайдо қилганлигини эътибордан соқит этмаслик лозим. Натижада ола от муқаддас отга айланган ва эпик қаҳрамонлар отининг ола рангда бўлиши анъанаси шаклланган. Хусусан, “Гўрўғли” дostonларида эпик жанговор от – Ғиркўк шажарасида бу ҳолат босқичма-босқич давом этиб келган ва ўз бадий тасвири олиган. Ушбу анъанавий тасаввурнинг бадий талқинларини туркумликдаги барча дostonларда кузатамиз.

Жанговор эпик отнинг ола (тарлон, чипор) рангли эканлиги қуйидаги ўринларда аниқ ифода топган.

Биринчидан, Гўрўғлининг отаси Равшаннинг кўзи Шоҳдархон подшонинг табласидаги отларни кўриб: “Тулпори бор экан, лекин бор ҳам бўлса йўқ экан” дегани учун кўр қилинади. Равшан кўчадан ўтаётган ҳолвачи отини:

Тахт устида арз сўраган пошшойим,
Томоша қил ҳолвачининг отини.
Ўзи хосиятли келган, қораёл,
Ўмгани кенг келган, қопландай чибор.
Дўнгалак саврили қоплон сиёқли,
Бўғжама саврили чилбир мўйинли.
Олти ой боқиб яна уч ой совитса,
Киш, деганда олтмиш икки ўйинли [4],

деб мақтайди ва кўзининг хунига айнан ана шу ҳолвачининг отини тилайди. Равшаннинг бу отни: “Ўмгани кенг келган, қопландай чибор” деб таъриф бериши бежиз эмас. Тасодифлар туфайли ҳолвачи қўлига тушиб қолган бу от ола отлар шажарасидаги дастлабки тулпорлардан эди ва Гўрўғлининг тулпори – Ғиркўкка ола от эканлиги билангина эмас, балки сув айғиридан тўраган тулпорлар шажарасида туриши билан ҳам қариндош эди. Равшан билан Ғаждумбекни ана шу чибор тулпор Шоҳдархон кўлидан озод қилади.

Иккинчи муҳим бир факт: Гўрўғли қабрда туғилиб, аввал онасини эмди. Сўнг: “Бир тешиқдан гўрнинг ичига куннинг шуъласи тушди. Гўрўғли куннинг тушганини кўриб, қўли билан ушлаб оламан, деб кунга қўл урди; ушлай олмади, ушлайман, деб қўли гўрнинг тепасига етди. Тирмалаб-тирмалаб тешиқни катта қилиб, гўрдан ташқари чиқиб, хайрон бўлиб қолди. “Бу нима деган сир бўлур?” – деди. Оч қолдим, деб гўрга суяниб, ётиб қолди. Буни очликдан йиғлаб ётмоқда қўйиб, энди гапни Рустамбекнинг байталидан эшитинг: бир байталнинг боласи ўлиб, боласининг ўлганига ичи куйиб, кишнаб юрар эди. Гўрўғлининг олдига келиб қолди. Байталнинг кўзи Гўрўғлига тушиб, меҳри кўкрагига жой олиб, унга суйканиб эмиза берди. Ана энди, Гўрўғли шу байтални эмиб, қорни тўйиб-тўймасдай бўлиб юра берди. Байтал ҳар куни Гўрўғлини уч вақт эмизиб кета берди” [4]. Пўлкан шоир:

“Томоша қил, тарлон байтал ишига
Гулдираб, гулдираб жонвор кишнайди” [4],

деб тарифлар экан, унинг тарлон – ола бия эканлигини таъкидлайди. Дostonнинг Раҳматулла Юсуф ўғли ва Эгамберди Алламурод ўғли вариантларида эса бия тўғридан-тўғри ола байтал деб аталган. “Гўрўғли мазоротда турпоққа буланиб ағнаб ётди. Девона бобоси олдига келиб бир қисим турпоқни олиб Гўрўғлининг устига чачиб юбарди. Шунда Рустамбекнинг ола байтали шер еп қўйган тойини кунда мазоротга излаб келади. Эмчагидан сути оқиб туради. Шунда бояги байтал қулунини излаб жун босган Гўрўғлини искалади. Девона бобоси исми Аъзамни ўқиб Гўрўғлига дам солган эди. Тойни иси баччада экан. Байтал Гўрўғлига тўғри бўлди. Гўрўғли байталнинг эмчагини кўриб, икки қўли билан ушлаб эмиб қолди. Яхшининг назари кетган Гўрўғлига байталнинг меҳри келиб эмизиб тура берди.”

Учинчидан, айнан ана шу Гўрўғли сутини эмиб улғайган ола байтал билан Така-Ёвмитга қайтади. “Ҳасанбекнинг хотини бир тўрва талқон қилиб: – Йўлда ерсан, – деб Гўрўғлибекнинг бўйига тақиб, ола байталга миндирмоқчи бўлган эди, Гўрўғлибек:

– Бу менга сут берган энам, деб байтални минмай етаклаб, Ҳасанбек кўрсатган ёққа қараб кета берди” [4].

Тўртинчидан, ана шу ола байтал ва сув айғиридан туғилган бия Райҳон подшо тулпоридан урчиб Ғиркўк туғилади.

Бешинчидан, дostonларда барча ола тулпорлар дастлаб кўримсиз ҳолда бўлишади ва уларнинг тулпор наслидан эканлигини ўта сезгир синчилардан бошқа бирор киши ажрата билмайди. Ғиркўк ҳам туғилган вақти яримжон ҳолатда эди.

“Қарасалар, кўчада бир ҳолва сотувчи келаётибди. Минган оти ҳориш, ёли-думи тўкилган, думгинаси бир қарич, остидан шамол эсган, чўққиларини олашақшақ тешган. Лукадан қуюшқони бор, чўпдан сувлуғи бор, ипдан тизгини бор. Ўзи ёғочдай қотган, қамчилаб дингиллатган” [4].

Айни ҳолат “Алпомиш” достонида Алпомишнинг от танлаш учун уйурга бориб кўриқ ташлаш саҳнасида янада аниқ тасвирланган. Алпомишнинг отга кўриқ ташлаш саҳнаси достонда шундай келган:

“Саман сарига туш, ё олапocha тўрига туш, шапақнинг зўрига туш”, – деб кўриқни солди, ёллари эшилган ипакдай бир чипор отнинг бўйнига тушди. Кўнглидаги бўлмай, отдан кўп кўнгли тўлмай: “Кўп нозик учради”, – (деб) бу отни қўйиб юборди; яна кўриқ солди, тағи шунинг бўйнига тушди. “Бир балo қиласанми, ё ёмонлаб ўласанми, менга дардисар бўп қоласанми”, – деб қўйиб юборди. Қайтариб тағи кўриқ солди, тағи шу чипорнинг бўйнига тушди. “Тақдирдаги шул экан-да”, – деб белбоғини отининг бўйнига солиб, эгар-абзалининг қошига етаклаб кела берди, эгар-абзалининг қошига бориб, уёқ-буёғини кўра берди” [2].

Ола отнинг асл тулпорлиги кейинчалик маълум бўлади. У қаҳрамоннинг ҳамкори, мақсадларга етишида камарбаста бўлиб хизмат қилади.

Алпомишнинг от танлашда кўриқ ташлаб айтган: “Саман сарига туш, ё олапocha тўрига туш, шапақнинг зўрига туш” сўзлари шунчалик келмаган. Бу формула замиридаги ҳолатларнинг бадиий ечимиде эпик ола отнинг ҳақиқий қиёфаси очилади.

Маълумки, эпик отнинг асосий хизматларини, қиёфасини бахши-шоирлар пойга мотиви талқинларида маромига етказиб қуйлашган. “Алпомиш” ва “Гўрўғли” дostonларидаги пойга мотивларини тадқиқ этар эканмиз, ушбу ҳолатнинг ёрқин бадиий талқинларини кўрамиз. Айнан пойга мотивида Алпомиш томонидан кўриқ ташлаш вақти айтилган: “Саман сарига туш, ё олапocha тўрига туш, шапақнинг зўрига туш”, формуланинг моҳиятини англаймиз. Нима сабабдан Алпомиш ушбу истакни билдиргани, тақдирнинг эса унга ола от наслидан бўлмиш тулпорни тухфа этганлигининг бадиий, мифологик асосларини англаб етамиз.

Бу ўринда туркий халқларнинг от билан боғлиқ кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ҳам ўз бадиий ифодасини топмоқда. Шу билан бир қаторда халқнинг асл тулпор қиёфаси қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги билим ва дунёқараши ҳам акс этмоқда. Асл тулпор оддий тулпорларга нисбатан бир қарашда кўримсизроқ бўлади. Унинг тулпор эканлиги билинмайди. Бошқа тулпорлар эса кўрар кўзга чиройли тусда бўлишади. Шу сабабли ҳам Алпомиш кўриқ ташлаганда: “Саман сарига туш, ё олапocha тўрига туш, шапақнинг зўрига туш” деб айтади. Бу вақтда Алпомиш ҳали камолатга етишмаган, омма тасаввурлари доирасида фикрловчи эди. Лекин, тақдир унга ола от наслидан бўлмиш Бойчиборни инъом этди ва Барчиной тили билан айтганда

“Ўзи шундай келган экан човқар кўк,
Қуйруғидан берисинда кири йўқ,
Минганларга бўладакан кўнгил тўқ,
Буни минсанг, ака, сенга душман йўқ” [2].

Бойчиборнинг назаркарда тулпор эканлиги дostonда, аввало, Қалмоқ шоҳининг сараланган олапocha тўриқ оти, шапак оти ва ўн бир минг тангага олган саман отининг асосий нуқсонларини кўрсатиб ўтиши баробарида исботланади ва ола от наслидан бўлган Бойчиборнинг афзалликлари намоёиш этилади.

“Алпомиш” дostonида Алпомишнинг, “Гўрўғли” туркумида Гўрўғли ва унинг ҳамкорларининг барча жасоратлари Бойчибор ва Ғиркўк ёрдамида амалга ошади. Халқ бахшилари бу тулпорларнинг хизмати, фазилатини ола тулпорлар билан боғлиқ қадим мифологик дунёқараш ва халқнинг ҳаётий тажрибаларига таяниб мукамал бадиий образга айлантيريшгани маълум бўлади.

“Алпомиш” достонида Бойчиборнинг пойгада Кўкалдошнинг оти Кўкдўнан билан кураши достондаги энг мукаммал бадиий тасвир олган сахналардан биридир.

Кўкалдош қалмоқдаги тўқсон алпнинг зўри эди. Унинг оти ҳам Бойчибордан бошқа барча тулпорлардан аъло эди. Лекин, унинг мукаммал тулпор эмаслиги Бойчибордек ола от – тўлиқ равишда чибор тулпорлар, учқур, самовий от наслидан эмаслиги, Кўк дўнан наслига қайсидир бўғинда оддий от қони аралашганлигидан далолат беради. Аслида Кўкдўнан ҳам бир шаҳобчада “Кўк” тулпорларга уланади, унинг номидаги “кўк” сўзи ҳам бунга ишорат қилади, лекин наслнинг тоза эмаслиги унинг нуқсони ҳисобланади. Бу фикрни унинг эгаси Кўкалдош алп ҳақида ҳам айтиш мумкин. Кўкалдош ҳам алп, лекин унинг кўнглида бузуклик бор, унинг кўнглида илдиз отган ёвузлик Кўкалдошнинг муқаррар ҳалокатини юзага келтиради.

Пойгада Бойчиборнинг ғолиб келиши адолатнинг, ҳақиқатнинг ғалабаси, эзгуликнинг ёвузликдан устун келиши эди.

Айнан Бойчиборнинг зиндонда ётган Алпомишни озод этиши ҳам унинг самовий ола тулпорлар шажарасига тегишли эканлигининг шарофати эди.

“Гўрўғли” туркумига кирувчи достонларда Ғиркўкнинг ерда, кўкда ва ер ости олами – Торкистонда бемалол юриши, қанот боғлаб учиши, халойиққа турфа ўйинларни кўрсатиши, умуман, жанговор эпик отнинг барча жасоратлари ҳам унинг самовий ола тулпорлар наслидан эканлиги билан бадиий далилланади.

Ўзбек халқ эртаклари таркибида ҳам ола ранг билан алоқадор образларнинг мавжудлиги ва уларнинг халқ достонларидаги каби қадим мифологик дунёқарашларга боғлиқ эканлиги алоҳида эътиборга сазовор. Бу жиҳатдан “Одамтой” деб номланувчи эртақ қимматлидир.

“Одамтой” эртаги шундай бошланади. “Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да тўқ экан. Бурунги замонда бир чолу кампир бор экан. Чолнинг икки ола оти бор экан” [8]. Ушбу мотивлар орасида энг эътиборга лойиғи бу ола отнинг одам боласини дунёга келтиришидир.

“Одамтой” эртагининг талқинига кўра ҳайвонот дунёси бир-бирига қариндош ва одамзот шажараси ҳам ушбу занжирга боғлиқ. Тириклик дарахти аввалида эса ола рангли ҳайвонот олами турибди. Инсон насли ҳам ана шу ола рангли мавжудотга боғлиқ пайдо бўлган. Ола ранг эса илоҳий қувват рангини англатади.

Халқ достонлари ва эртакларида ола ранг билан боғлиқ эпик маконлар ҳам мавжуд. Хусусан, “Алпомиш” достонидаги Олатоғ бунинг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилади. Достонда Олатоғ Бойсун-Қўнғирот ва Кашал ўртасидаги чегара сифатида тасвирланган ва моҳият эътибори билан “Гўрўғли” достонларидаги Асқар тоққа тенг бадиий функция бажаради.

“Шуйтиб Алпомиш йўл тортди,
Минган оти қоқиб кетди.
Юриб келган узоқ юртди,
Неча тоғдан турмай ўтди,
Неча ой, неча кун йўлда,
Тинмайин энди йўл тортди,
Олатоққа бугун етди [2].

Алпомишнинг ола тоққа чиқиши унинг ўз юртига омон-эсон етиб келганлигини билдиради.

Кўргандир Бойсин элатди,
Тоққа чиқиб шундай қараб турибди,
Ёйлаб ётган Бойсин юртин кўрибди.
Элатини кўриб кўнгли бузилди,
Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди:
“Етти йил бу юртдан ризқим узилди,
Ўлмаб эдим, тағи кўрдим бу элди” [2].

Етти йиллик зиндонда юртидан, яқинларидан айрилиқда бўлган Алпомишнинг Олатоғда туриб юрт жамолини кўргач, кўнглидан ўтказган кечинмалари бу мисраларда

ўзининг гўзал бадий ифодасини топган. Алпомиш Олатоғдан ошиб юртини оралайди. Қултой қиёфасида адолатнинг тантана қилишига киришади.

Халқ қўшиқларида қора соч, қора хол, қора қош ва ҳоказо каби ёрнинг гўзаллигини ифода этувчи бундай рамзий поэтик бирикмалар жуда кенг қўлланади ва улар маъшуканинг тез кўзга ёрқин ташланадиган ташқи гўзаллик аломатларини билдириб келади.

Гоҳо қора ранг тушунчаси ола сўзи орқали ифода этилганлиги кузатилади. Бу ҳолда ҳам қора ранг аниқланган маънони ўқиш мумкин:

От миндим, ола қашқа,
Чоптирдим чақир тошга.
Сен менинг ёрим кўрсанг,
Салом айт, қалам қошга [1].

Қўшиқда “ола” ранг сифатида оқ ва қора рангнинг қўшилган шакли аниқлашмаса. Бироқ, баъзан “ола” сўзи бир-биридан ажралган, айри маъносини ифода қилиб кузатилади:

Қалдирғоч қаро бўлур,
Қаноти ола бўлур.
Ёшлиқда берган кўнгил
Айрилмас бало бўлур [1].

Қўшиқда қалдирғочнинг қора тусда, қанотлари айри бўлиши шунчаки билдирилмаяпти. Бу билан аслида, халқ афсоналарида айтилганидек, қалдирғочнинг инсонга чин дўстлик кўрсатгани сабаб илоннинг ҳужумига йўлиқиб, дум қанотидан айрилиб, озор тортгани каби ошқининг ёшлиқда кўнгил қўйиб севган ёрига эришиши учун халақит берганлардан тортган озори, ошқинлик йўлида чеккан ситамлари қиёсан очиб берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ранг рамзлар, аввало, асрлар давомида шаклланиб, тарихан халқнинг қадимий мифологик тасаввур, эътиқодий қарашларига боғланади. Фольклордаги рамзий образлар қаторида ола ранг ҳам барқарор шакл ва туб мазмунга эга. Поэтик маъно ранг билан боғлиқ образ ботинида яширин келади. Муайян матнда бу яширин поэтик маъно халқнинг ушбу образ ҳақидаги тасаввур, тушунчалари асосида аниқлашмаса.

АДАБИЁТЛАР

1. **Алавия М.** Ўзбек халқ қўшиқлари. – Т.: Фан, 1974. – 178 б.
2. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони /Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 84 б.
3. Гўрўғлининг туғилиши. Айтувчи: Эгамберди Алламурод ўғли. Ёзиб олувчи: Темир Очилов. ЗЎФА. – № 1461.
4. Гўрўғлининг туғилиши. – Т.: Фафур Фулом, 1967. – 154 б.
5. Девону луғотит турк. Маҳмуд Қошғарий// Т.I. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов – Т.: ЎзФАН, 1960. – 499 б.
6. Девону луғотит турк. Маҳмуд Қошғарий/ 3 томлик. Т.III. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Т.: ФАН, 1963. – 463 б.
7. **Жўраев М.** Ола от культиниң ўзбек эпосидаги излари. – М., 1925. – Б. 29-36.
8. Одамтой / Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 103 б.
9. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи М. Алавия. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Т., 1972. – 68 б.

УДК 892.7.3

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ҲИКОЯНАВИСЛИГИДА ПСИХОЛОГИК РЕАЛИЗМ

Муҳиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна*Тошкент давлат шарқшунослик институти Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси, филология фанлари номзоди***Таянч сўзлар:** реализм, психологик реализм, модернизм, экзистенциализм, “онг оқими”, коллаж, рамз, паратекст, ички монолог, психологик портрет.**Ключевые слова:** реализм, психологический реализм, модернизм, экзистенциализм, коллаж, “поток сознания”, символ, паратекст, внутренний монолог, психологический портрет.**Key words:** realism, psychological realism, modernism, existentialism, collage, “stream of consciousness”, magic realism, symbol, paratext, interior monologue, psychological portrait.

Мазкур мақолада замонавий араб ҳикоянавислигида инсон руҳияти тасвирининг бадиий инъикоси баён қилинади. Бунда замонвий араб ёзувчиларидан Фуад ат-Текерлининг “Номаълум пичирлаш”, Муҳсин Юсуфнинг “Азоб”, Закария Тамернинг “Қамоқ” ҳикоялари таҳлилга тортилган. Таҳлил жараёнида мазкур ёзувчиларнинг ҳикояларида инсон руҳияти тасвиридаги бадиий маҳорат, услубий қирралар, бадиий усуллар тадқиқ қилинган.

В данной статье раскрываются художественные приемы изображения психологического состояния человека в современных арабских рассказах. С этой целью отобран ряд произведений таких современных арабских писателей, как Фуад ат-Текерли “Неизвестный шепот”, Мухсин Юсуф “Печаль”, а также Закария Тамера “Тюрьма”. В процессе анализа были изучены особенности художественного мастерства психологического анализа человека и грани стилей данных писателей, а также исследованы средства художественной выразительности в рассказах.

The article deals with the artistic reflection of the description of human psychological state in modern Arab story writing. The story of Fuad at Tekerli “Unknown whisper”, Muhsin Yusuf’s “Torture” and Zakariya Tamer’s “Prison” have been analyzed in the article. In the process of the analysis the artistic skill and literary methods of these writers to describe human psychological state have been studied.

Кириш. Адабиёт - ҳаёт, борлиқ ва инсон қалб диалектикасини очишда ва уни ёритишда асосий восита экан, замонавий араб ёзувчилари бу йўлда хилма-хил бадиий усуллардан фойдаланишмоқдаки, инсон хилқатининг барча мураккабликларини, инсон ва олам ўртасидаги зиддиятларда инсоннинг қалб туғёнларини моҳирона акс эттирмоқдалар. Замонавий араб адабиётида инсон руҳиятининг кенг кўламдаги тасвирига бағишланган асарлар талайгина.

Шу жумладан, биз мақолада ироқлик Фуад ат-Текерли, суриялик Муҳсин Юсуф, Закария Тамер каби замонавий араб ёзувчиларининг баъзи ҳикояларини таҳлилга тортдик. Мазкур ёзувчиларнинг асарлари инсон руҳиятининг турли ҳолатларини, инсонга ташқи муҳитнинг, ижтимоий зиддиятларнинг таъсири натижасида руҳий ўзгаришлар, ҳиссий кечинмалар юз беришини тасвирлашга бағишланган.

Ироқлик машҳур ёзувчи Фуад ат-Текерлининг “Номаълум пичирлаш”, “Ўчган чироқ”, “Жароҳат” каби ҳикоялари психологик реализм [8] йўналишида бўлиб, унда инсон руҳиятининг мураккаб қирралари, ҳис-туйғулари, ўй-кечинмалари, воқеликка нисбатан руҳий муносабати акс эттирилган. Шу жумладан, ёзувчининг “Номаълум пичирлаш” [10] ҳикоясида оилавий муносабатлар таркибида ота-онанинг ўзаро муносабати фарзандига қандай таъсир кўрсатиши, бундай ҳолатда фарзанд қандай аҳволга тушиши, унинг руҳиятидаги ўзгаришлар чуқур моҳирона тарзда, таъсирчан очиб берилган. Ҳикоя сюжети асосан бош қаҳрамон - мактаб ўқувчиси, яъни боланинг руҳий кечинмаларига қурилган. Ёзувчи асосий бош қаҳрамоннинг ҳолатини ёритиб беришда яна бир персонаж - ҳикоячи

образини ёрдамчи унсур сифатида киритади. У ҳаммактаб ўқувчи бола образи бўлиб, муаллиф мана шу бола тилидан иккинчи бир боланинг ҳаётини, руҳий ҳолатини очиб беради. Адиб бунда тенгқурлар, яъни 10-12 ёшлардаги болаларнинг психологик ҳолатларини, уларнинг руҳий изтиробларини ёритиб беришда уларнинг иккиси учун муҳим, асосий бўлган манбани, яъни китобни восита қилиб олган. Ҳикояда ёзувчи яна бир бор китобнинг инсон ҳаётида қандай мавқега эга эканлигини, ҳам дўст, ҳам дардкаш, ҳам йўлбошловчи бўла олишини акс эттиради. Ф.ат-Текерли бу сифатларни ҳикоя бош қаҳрамони бўлмиш ҳикоячи, яъни ўқувчи боланинг китоб магазинидан эски дарсликни сотиб олишида ва мана шу китобнинг четида, яъни хошияларида иккинчи бир боланинг дардли кечинмалари ёзганларини бу боланинг уни ўқишига жойлаган. Ҳикояда қаҳрамоннинг ҳаётига доир маълумотлар худди кундалик ёзувлари каби берилган. Мазкур ҳикояда паратекст [5] унсурларидан фойдаланилган бўлиб, ҳикояда паратекст муаллифнинг стратегияси сифатида қўлланилган. У ҳикоя бош қаҳрамонининг, китоб хошияларига ёзган бола ҳаётининг турли даврларига дахлдор маълумотларни шу йўл билан асар бадиий муҳитига олиб киради. Ҳикояда китоб хошияларига ёзган боланинг ҳаёти, яъни унинг ҳаётида ўн тўққиз кунда рўй берган воқеалар алоҳида қисмларда баён этилади ва бу қисмлар ой, кун каби вақт ўлчовлари билан ажратилади. Ф.ат-Текерли ҳар бир қисмда кўрсатилган санадаги қаҳрамоннинг ҳаётига оид маълумотларни бериб борган. Ф.ат-Текерли паратекстнинг бу шаклига (ҳикоянинг персонаж ҳаёти хронологиясини ўзида мужассамлаштирган бир неча сарлавҳачалардан иборат бўлишига) мурожаат этиши китобхонга бош қаҳрамонларнинг ҳаёти ва уларнинг ички кечинмалари, психологик ҳолатлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишига ёрдам беради. Шунингдек, ҳикояда бу усул ота-онасининг ўзаро ёмонлашган муносабатларидан азоб чекаётган боланинг руҳий кечинмаларини, дардли изтиробларини очиб беришда ўзаро мужассамланган муаллиф ғоясини кучайтиради. Ёзувчи китоб хошиясига ёзган боланинг ички-кечинмаларини, дард-изтиробларини унинг ички монотонликлари орқали очиб беради. *“4 апрель. Нима учун менинг ҳаётим бундай... дарслар, дарслар, дарслар? Ёмон сўзлар билан тўлган бу варақлар қачон тугайди. Қалбимда оғир дард. Дарҳақиқат, мен шу бугунгача ҳаётдан завқланмаганман. Бу ерда менга ҳаёт бахшида этадиган ҳеч ким йўқ. Булар тугайдими?”* [10].

Ёки ота-онасининг ўзаро уруш-жанжаллари, уларнинг ахлоқий камчиликларини очиб берган: *“5 апрель. Мен отамни деярли ҳечам кўрмайман. Онам отам билан чорак соатгина тинч гаплаша олади. Отам бутун ҳаётини уйдан ташқарида ўтказган - қимор, ичкилик, тўполон, гўзал аёллар, хуллас, уйда ўтирмаслик учун ҳар қандай баҳоналар.”; “14 апрель. Бу менинг онам. У тунда соат бирдан ошганда келиб, менинг хонамга кириб ўтди. У ҳам отам каби кайфу сафо қилган... қимор ўйнаган. Чунки, улар бойлар, диноралар улар учун ҳеч қандай қийматга эга эмас”* [10].

Ф.ат-Текерли бола тилидан унинг ота-онасига баҳо берар экан, жамиятдаги ахлоқий иллатларга эга ота-оналарнинг қилмишларини тасвирлайди ва буларнинг барчаси мурғак қалб эгаси бўлмиш боланинг руҳиятига қандай таъсир кўрсатишини кузатади:

“20 апрель. Эй, раббим, мен ҳам улар каби яшайманми? Улар яна уришмоқдалар. Улар бир-бирига нима деяётганларини ҳам сезмаяпдилар. Соат тунги икки ярим бўлиб қолган. Мен эшилтаётган сўзларимни тушунишга ҳаракат қилишимга ишонмай қолдим” [10]. Ёки

“22 апрель. Мен йиғлашни хоҳлайман. Кимдир мени қийнашини, қалбимни вайрон қилишини, мени яхши кўрадиган одам мени ёқиб юборишини хоҳлайман” [10].

Ёзувчи оиладаги нотинч муҳит бола психологиясига таъсир қилишини ёритар экан, натижада болалар ўзларини худди ҳеч кимга керакмасдек ҳис қилишлари, уларнинг бу ҳаётда яшашга бўлган қизиқишларининг сўнишига олиб келишини тасвирлаган:

“1 май. Ҳаёт қийин, аччиқ ва бешафқат. Мен узоқ йиғлашни, қўлларим билан юрагимни тилка-пора қилишни хоҳлайман.” “3 май. Мени ўз-ўзини ўлдириш фикри қамраб олди. Кўз ёшларим ҳам тугамоқда. Нима учун ҳамма мени шу кўринишда қийнамоқда. Мен ота-онамга уларга бўлган муҳаббатимни тушунтиришни хоҳлайман. Улар мени меҳрга муҳтож, бечора эканимни кўрмайпдиларми?” [10].

Ф.ат-Текерли ҳикояда ҳикоячи орқали китоб ҳошиясида ёзилган боланинг ҳар бир кунда оилавий муносабатлардан кечирган болаларча изтироблари, дард кечинмаларини жуда таъсирчан кўрсатар экан, ўқувчида бевосита ҳикоя бош қаҳрамони - болага нисбатан ҳамдардлик ҳиссини уйғотади. Ёзувчи оиладаги бундай оғир муҳит натижасида болаларнинг ҳаётда яшашга умидлари сўниши, ҳатто ўзларини ўлдириш истаги ҳосил бўлишини ишонарли тасвирлаган: *“15 май. Кеча совуқ. Намғарчилик бор. Ярим тунда боғда шудринг тушади. Сокин тун... ўша юлдузлар. Ўша само. Уйда ҳеч ким йўқ. Мен ҳозир бир ўзимман, ёлғизман. Умрбод шундай қоламан. Менга шу лаҳзада агар мен ўлсам, бахтли ўламан деган ҳаёл келди.” “16 май. Ҳеч нарса менга яқинлашмайди: на севги, на ҳаёт. Мен ер ва осмон ўртасидаги қоронғи зулматдаман” [10].*

Ф.ат-Текерли боланинг эндигина бу ҳаётга яшаш учун кириб келаётган мурғак қалбнинг ҳиссиётлари орқали унинг катталарча фикр-мулоҳаза юритишини, меҳрсизлик, эътиборсизлик оқибатида ёлғизланиб, яшашга умиди қолмаслигини, ёш вужуднинг қанчалик оғир руҳий аҳволга тушиб қолишини, унинг дардли қалб туғёнларини моҳирона акс эттирган.

Ф.ат-Текерли “Номаълум пичирлаш” ҳикоясида инсон руҳиятининг мураккаб хилқатларини ёритишда ўзига хос композицион тузилишдан фойдаланган бўлса, суриялик ёзувчи Муҳсин Юсуф ижодида инсон руҳиятидаги тўнтаришлар, тушкунлик ва кўтаринкилик ҳолатлари муаллиф нутқи, психологик портрет каби воситалар орқали гавдалантирилади. Л. Толстой «Санъатнинг асосий мақсади инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни айтишдир» [7], деган экан, араб ёзувчилари, шу жумладан, Муҳсин Юсуф психологик ҳикояларида жамиятдаги эзилган, руҳий изтиробдаги инсонларнинг қалбларидаги дард-аламлари, кечинмаларини ёритишга ҳаракат қилган. Шу жумладан, Муҳсин Юсуфнинг “Азоб” [2] ҳикояси ҳам психологик реализм йўналишида эзилган бўлиб, мазкур асарнинг сюжети ҳам ёшлигидан ота-онасининг меҳрига тўймаган боланинг вояга етганида ҳаётда ўз ўрнини топа олмаганлигига, руҳий изтиробдаги инсоннинг ҳолатига, фикр-ўйларига, дард-аламларига бағишланган ва бу орқали ёзувчи мураккаб инсон хилқатининг руҳий тўнтаришларини тафтиш қилишга ҳаракат қилади. М. Юсуф “Азоб” ҳикоясида қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар, изтироблар, тўнтаришлар каби ҳолатларни муаллиф нутқи орқали очиб беради, бу билан ёзувчи асар таъсирчанлигини камайтирмайди, ёзувчи гўё ҳикояда ўткир кузатувчи вазифасини бажаради: *“Бошиданоқ шундай бўлган эди. Бу мураккаб оламда ёлғиз ўзи эди. Ушбу оламни ҳис қилиб борар экан, атроф-муҳит унинг ҳисларини ўзгартирди. Бу олам билан унинг ўзи ўртасида ҳеч нарса йўқ, уларни ҳеч нарса боғлаб турмасди. Дунёдаги жамики зотлардан инсон учун энг яқини бўлмиш она ҳам ҳаттоки унга яқин эмасди. Онаси ундан шу даражада узоқлашдики, Аҳмад учун у гўёки авваллари ҳечам билмаган бир бегона аёлдек эди” [2].*

М. Юсуф отасидан эрта айрилган ва онаси бошқа одамга турмушга чиқиб кетган, болалигида бир зумда икки яқин кишини йўқотган инсон руҳиятини очар экан, тушкунликда, руҳан ёлғизликдан қийналаётган ҳикоя бош қаҳрамони Аҳмаднинг ҳаётини, онгу шуурини ўзгартириб юборган гўзал туйғу - муҳаббатни тараннум этади: *“Аҳмадга нисбатан Самаҳ Мажнуннинг Лайлиси ёки Одам Атонинг Момо Ҳавоси, ёхуд бўлмасам, ҳар қандай эркак учун аёл нисбатида эмасди. Самаҳ оналик муҳаббати, она меҳри, орзиқиб кутилган суюкли ёр ифори билан тўла эди. Унда Аҳмад муҳтож бўлган барча нарса мужассам эди” [2].*

Мазкур ҳикоянинг сюжети ёлғизликдан азобланаётган, ўзлигини англашга йўл қидираётган инсон хилқати турли тебранишлардан иборат эканлигини ёзувчи шоирона тарзда инсон қалб туғёнларини ойнадаги аксидек тасвирлаган.

Ташқи муҳитнинг инсон руҳиятига таъсири, ҳаётдаги фожиавий ҳолатлар, ижтимоий зиддиятлар натижасида инсоннинг руҳий кечинмалари суриялик машҳур ёзувчи Закария Тамернинг қаламида ўзига хос услубда намоён бўлади. Закария Тамер “Қамоқ”, “Қалтакесак”, “Момалқалдирик” каби бир қатор ҳикояларида жамиятдаги адолатсизлик, ноҳақлик, ҳақ-ҳуқуқларининг топталишидан, очликдан эзилган инсонларнинг руҳий кечинмалари, изтиробларини модернистик усулда акс эттиради. Ёзувчи мазкур ҳикояларида жамиятдаги мана шундай иллатларнинг инсон табиатига таъсири, ҳаттоки

унинг характери, онги, шууридаги ўзгаришларга сабаб бўлиши, олий хилқат бўлмиш инсоннинг бу ҳаётда яшашга чора қидириши, лекин ҳаракати бесамар кетиши каби абсурдлик даражасидаги ҳис-кечинмаларини тасвирлайди. Шу жумладан, 3. Тамернинг “Қамоқ” [1] ҳикоясида ноҳақ қамалган кишининг қамоқдан қочиши ва унинг яқин инсони, турмуш ўртоғининг руҳий аҳволи, изтироблари тасвирланиб, ёзувчи ижтимоий зиддиятлардан азоб чекаётган инсоннинг руҳий кечинмаларини туш, галлюцинация каби усуллар орқали баён этган. 3. Тамер қамоқдан қочган қочоқнинг аянчли тақдирини унинг турмуш ўртоғи Ламиянинг тушида, алаҳсирашларида ифода этган. Ҳикоя мураккаб бадиий усулда ёзилган бўлиб, қаҳрамонларнинг ҳис-кечинмалари, руҳий ҳолатлари, ўй-фикрлари ўткир тасвирлар орқали берилган: *“Ламия кроватдан сакраб турди, уйни ой нури ёритиб турган эди, у қўқиб қадам ташлаб эшик томон шошилди ва қўрқув ва ҳаяжон билан эшикни очди. Шунда, шоҳсиз дарахт каби қуруқ танаси қолган, оқ кафанига ўралиб олган эрини кўрди”* [1].

3. Тамер қамоқда, тутқинликда қийналган кишининг, Мустафонинг озиб-тўзиб кетган ҳолатини *“шоҳсиз дарахт каби қуруқ танаси қолган”* каби ўхшатиш орқали образли ифодалайди. Ҳикояда ёзувчи қочоқнинг жисмоний ва руҳий изтиробларини тасвирлар экан, инсоннинг бу ҳаётда ниҳоятда ночорлиги, кўлидан ҳеч нарса келмаслиги каби ҳолатларини модернистик талқинда тасвирлайди: *“Мустафо аш-Шомий ўша пайт судьянинг қаршисида ҳозир бўлганида, судья унга жилмайиб турарди. Судьянинг юзлари буришиб кетган, ёши мингларда эди. Мустафого қочоқ жазоси берилган эди. Мустафо бунга қарши ҳеч қандай жавоб бера олмади ва у қабргина инсонлар учун макондир, дея олди”* [1].

3. Тамер биргина *“қабргина инсонлар учун макондир”* қисқагина жавоби орқали ҳикоя бош қаҳрамонининг бутун дардини, азоб-уқубатларини ёрқин ифодалаган. Ёзувчи ҳикояда Мустафонинг фикрлари орқали ҳаётда бу дунёга келган инсоннинг яшаш ҳуқуқи бўла туриб, турли тазйиқлар, адолатсизликлар, ноҳақликлар туфайли яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши, инсон фақатгина ўлсагина қабрдагина тинч бўлишини аччиқ киноя билан билдиради. Ҳикоя сарлавҳаси “Қамоқ” номиданоқ рамзий маъно касб этгани сезилади. Адиб мазкур ҳикоясида оддий ишчининг ноҳақ қамалиши туфайли озодликка сари интилиб, қамоқдан қочиши, унинг бу йўлдаги дард-изтироблари замирида бу дунёни қамоққа, инсонни эса унга тушган тутқинга ўхшагандек гўё. “Қамоқ” инсониятни ҳар томонлама эзадиган ҳаёт, турли ноҳақлик, адолатсизлик, чорасиз қолаётган оддий инсонлар ҳақ-ҳуқуқларининг топталиши рўй бераётган жамият тимсолидир. 3. Тамер мазкур кичик ҳикоясида бутун башариятга, инсониятга тааллуқли инсон эрки ва унинг яшаш ҳуқуқи ва унга ҳеч кимнинг дахл қилиши керакмаслиги каби долзарб муаммоларни янги, ўзига хос усулда акс эттирган.

Хулоса. Замонавий араб ёзувчилари инсон руҳиятининг тебранишлари, мураккаблиklarини очиб беришда турли бадиий тасвир усул ва услубларидан фойдаланишмоқда. Ҳар бир ижодкор қаламида инсоннинг руҳий дунёси, қалб диалектикаси ўзига хос тарзда акс эттирилиб, инсоннинг мураккаб табиати, сирли номаълум қирраларини акс эттиришга ҳаракат қилинмоқда. Фуад ат-Текерлининг “Номаълум пичирлаш” ва Муҳсин Юсуфнинг “Азоб” ҳикоялари психологик реализм усулида ёзилган бўлиб, мурғак қалби яраланган, ўз вақтида ота-она меҳрини кўрмаган фарзанднинг дардли изтироблари, унинг руҳиятидаги ўзгаришлар, ўй-фикрлар, шахсий муносабатлар кучли эмоционал равишда тасвирланган. Ф.ат-Текерли асарида инсон руҳиятини очиб беришда пратекст, ички монологлардан, М. Юсуф асарида муаллиф нутқи, психологик портрет каби бадиий тасвир усулларида фойдаланилган. Ҳар икки ёзувчининг асарларидаги ўхшашлик шу воқеалар баёнида кўринади, яъни ҳар икки ҳикоя сюжети бош қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини реал тасвирига қаратилган. Ёзувчиларнинг услубидан фарқли равишда Закария Тамернинг “Қамоқ” ҳикояси ўзига хос янгича усулда ёзилган бўлиб, унинг сюжетида ҳаётда ноҳақ қамалган ва умидсизликка тушган инсон ҳаётини тасвирлаш орқали ҳаётнинг маъносизлик касб этишини акс эттиришга қаратилган. 3. Тамер асарининг Ф.ат-Текерли, М. Юсуф асарларидан фарқи шундаки, “Қамоқ” ҳикоясининг ҳар бир матни тагида тағмаъно бўлиб, қаҳрамонларнинг ҳар бир ўй-қарашида жамият, инсонлар ҳақидаги фалсафий мулоҳазалар ётади. 3. Тамер

кахрамонларнинг руҳий кечинмаларини галлюцинация орқали ифодалаб, рўёни ҳақиқатга, ҳақиқатни эса рўёга айлантиради. Демак, инсон хилқати сирли ва мураккаб экан, унинг руҳий дунёси, кечинмалари, дард ва аламлари, изтиробларини тасвирлаш ҳам ниҳоятда хилма-хил ва ранг-барангдир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Тамер З.** Момақалдиروق. Ҳикоялар. – Ар-Риад: Риад ал-райис ал-куттаб, 2001. – 136 б.
2. **Юсуф М.** Ўша кунларнинг ғамлари. Ҳикоялар. – Дамашқ: Муншаварат визаратус-сақафа, 1988. – 188 б.
3. **Жўракулов У.** Худудсиз жилва. Илмий-адабий мақолалар. – Т.: Фан, 2006. – 204 б.
4. **Имомова Г.** Руҳий изтироблар: (Руҳият тасвирида диалог ва монолог). – Т.: Ёзувчи, 1992. – 22 б.
5. **Липская Л.И.** Предваряющий дискурс: функции предисловия в современном романе // Вестник МГУ. – Москва: Филология, 2005. – № 2. (9). – С. 97-116.
6. **Озод ватан саодати.** Адабий танқид. 5-жилд. – Т.: Адиб, 2013. – 424 б.
7. **Умутов Ҳ.** Бадиий психологизм ва ўзбек романчилиги. – Т.: Фан, 1983. – 148 б.
8. **Теория литературы.** Литературный процесс. – М.: ИМЛИ РАН, Наследие, 2001. – Т.4. – 624 с.
9. **Ўзбек адабий танқиди.** – Т.: Турон-Иқбол, 2011. – 244 б.
10. archive.sakhrit.com.

УДК 82.091

“МАРТИН ИДЕН” ВА “САРОБ” РОМАНЛАРИДА ПСИХОАНАЛИТИК ҲОДИСАЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Қобилова Наргиса Сулаймоновна

БухДУ Инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: психоанализ, сублимация, қиёсий таҳлил, руҳий ҳолат, психологик мотив.

Ключевые слова: психоанализ, сублимация, сравнительный анализ, душевное состояние, психологический мотив.

Key words: psychoanalysis, sublimation, comparative analysis, state of mind, psychological motive.

Мақолада Америка адабиёти намоёниси Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романларида психоаналитик ҳодисаларнинг бадиий талқини таҳлил қилинган.

В данной статье дана широкая информация о психоаналитических событиях в романах Джека Лондона “Мартин Иден” и узбекского писателя Абдуллы Каххара “Мираж”.

The literary interpretation of psychoanalytical developments in the novels “Martin Eden” by Jack London and “The Mirage” by Abdulla Kahhar are analyzed in the article.

Кириш. Психоанализ руҳий касалликлар сабабини аниқлаш ва даволаш усули сифатида XIX аср охири XX аср бошларида майдонга келди. Психоанализнинг асосчиси австриялик врач-психолог Зигмунд Фрейддир. Зигмунд Фрейд қарашларининг моҳияти шундан иборатки, унингча, инсонда болалик чоғларида пайдо бўлган турли хоҳиш-истаклар ижтимоий ҳаётда қаршиликка дуч келиб, амалга ошмай қолгандан сўнг онг қатламидан онг остига тушиб кетади. Аммо, бу хоҳиш-истаклар шу билан йўқолиб кетмай, онг остида яшаб қолади, қулай фурсат келиши билан эса турли шаклларда юзага чиқади.

Психоанализга кўра, онг остига тушиб кетган хоҳиш-истаклар бошқа шаклларда юзага чиқиши, реаллашиши мумкин. Шунга кўра, психоанализ туш, хаёл, янглишиб айтилган сўзлар ёки янглиш қилинган хатти-ҳаракатлар, руҳий хасталик кабиларнинг ҳаммаси тасодифий, тушунарсиз воқеа-ҳодисалар бўлмай, булар болаликдан онг остига тушиб кетган хоҳиш-истакларнинг воқеланиши сифатида қаралади. Баъзан эса бундай хоҳиш-истаклар юксак ижодий фаолият шаклида ҳам реаллашиши мумкин. Онг ости истақларининг бошқа шакл олишини Зигмунд Фрейд сублимация деб атайди. Ижод ҳам, Зигмунд Фрейдга кўра, сублимация шаклларида бирийдир.

“Мартин Иден” романи ҳам, “Сароб” романи ҳам ёзилган пайтда психоанализ бутун дунёга кенг ёйилган эди. “Фрейдизм концепцияси буржуа маданияти, хусусан, санъат назарияси ва санъат асарларига қаттиқ таъсир кўрсатди ва кўрсатишда давом этмоқда” [1] дейилади манбалардан бирида. Фақатгина XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб фрейдизм марксизмга зид бўлганлиги учун Абдулла Қаҳҳор яшаган Совет Иттифоқида ман қилиб қўйилган эди.

Ҳар икки романда ҳам психоаналитик ҳодисалар тасвирига дуч келамиз. Алоҳида таъкидлаш керакки, Жек Лондон ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам бундай ҳодисаларни психоанализни ўрганган ҳолда ўз асарларида киритдилар, дейиш тўғри эмас; жаҳон адабиёти тарихида психоанализни билган ҳолда бадиий матнга олиб кирган ёзувчилар ҳам бор.

Маълумки, Зигмунд Фрейд ва унинг издошлари Карл Густав Юнг, Эрнест Джонс, Жак Лакан кабилар психоаналитик ҳодисаларни бадиий адабиёт материаллари асосида ҳам изоҳлаганлар. Жумладан, Софокл, У. Шекспир, Ф. Достоевский, Э. По каби адибларнинг асарларига мурожаат қилганлар. Ваҳоланки, бу адиблар фрейдизм дунёга келишидан илгари яшаб ўтган бўлиб, улар ўз асарларида психоаналитик ҳодисаларни билган ҳолда тасвирлаганлар дейиш мантиқсизлиқдир. Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ҳам психоанализни ўз асарларига онгли равишда тадбиқ қилган эмас. Улар ўткир руҳшунос сифатида шундай психологик жараёнларни қаламга олдиларки, бу жараёнлар бемалол психоанализ учун яхши материал бўла олади.

“Мартин Иден” романида энг кўп учрайдиган психоаналитик ҳодисалардан бири уйғоқ ҳолатда кўриладиган “ўнгдаги туш” (“сон наяву”)дир. Психоанализда “ўнгдаги туш” ҳам оддий тушга тенг қийматли ҳодиса сифатида – онг ости истақларининг ихтиёрсиз рўёби маъносида идрок этилади; “ўнгдаги туш” ҳам оддий туш каби онг ости олами воқеланишининг бир шаклидир.

Романда берилган “ўнгдаги туш”ларга хос умумий жиҳат шуки, Мартиннинг кўз ўнгида ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар гавдаланади. Бу – фрейдизмдаги туш талқинига мосдир. Чунки, Зигмунд Фрейд экспериментларига кўра, тушлар ҳамма вақт ўтмиш ҳаётимиз билан боғланган бўлади. Ундаги айрим ҳолат ва нарсаларнинг бизга тушунарсизлиги эса тушларнинг рамзий маънога эгалиги билан боғлиқ. Мартиннинг тушлари ҳам тўғридан-тўғри кечмиш воқеалар манзарасидан иборат бўлади. Бунинг энг ёрқин намунаси безориларнинг бошлиғи Мой Қовоқ билан бўлган жанг эди. Бу воқеанинг ўнгдаги туш эканлиги шу билан асосланадики, будильникнинг жаранглаши ҳам Мартинни уйғота олмайди. Чунки, психоанализга кўра, туш – инсон организмнинг ташқи олам таъсирларига қарши қўйган “ҳимоя” воситасидир. Ташқи олам таъсири туш орқали бартараф этилади ва организм бемалол ухлайди. Шунинг учун ҳам будильник жарангласа-да, “Мартин уни эшитмай, юзини қўллари билан бекитиб, қимир этмай” ўтираверади (147). Ёзувчи Мартинни ўз оғушига олган тушнинг таъсирини шундай тасвирлайди: “Бир неча дақиқа давомидида уни зулмат ва бўшлиқ қуршаб олди. Сўнг кўзлари ола-кула бўлиб, терлаб-пишиб, худди тирилган мурда янглиғ сапчиб туриб кетди”. Мана шундай психологик ҳолатларнинг бирида Мартин “I have had a great visioning” (88) (“Мен кўзим очик ҳолича туш кўрдим” (96)) дейди.

Фрейднинг издошларидан бири Эрих Фроммнинг фикрича: “Аксарият тушларга хос умумийлик шундаки, улар уйғоқ онг мантиқини, қонун-қоидаларини тан олмайди. Тушда замон қонуниятлари ўз маъносини йўқотади. Чунки, тушда биз қачонлардир вафот этган одамлар билан мулоқотга киришамиз, ўтмишда бўлган воқеаларга гувоҳ бўламиз ёки вақт нуқтаи назаридан катта фарққа эга бўлган икки мустақил воқеанинг бир замон ичида содир

бўлганини кузатамиз. Шунингдек, маконларга хос қонун-қоидалар ҳам тушда ўз қийматини йўқотади. Биз энг кичик лаҳза ичида улкан макон чегараларини босиб ўтамиз ёки бир пайтнинг ўзида бир неча маконда “мавжуд” бўлишимиз мумкин. Тушда икки одам бир кишида ва айни пайтда бир одам икки кишида намоён бўлиши ёхуд бир киши тамоман бошқа кишига айланиб қолиши... уйғоқликда мутлақо ҳаёлга келмаган кишилар, воқеалар, билим ва тажрибалар тушда кашф этилиши мумкин” [2]. Худди шундай ҳолат Мартиннинг тушларига ҳам хосдир. Уларда бошидан кечирган воқеалар тушга хос фантастика билан аралашиб кетади. У тушида керакли нарсани “кўп асрлар давомида ахтаради”, “манжетларнинг ҳақини узиш учун минг йил ишлаб бериши кераклигини тушунади”, осмонда чархпалак бўлиб учиб юради, отилган чеклар “томни тешиб, фазода кўздан ғойиб бўлади”, кир ювувчи Жо ювилган ёқаларни эмас, қўлёмаларни крахмаллайди, болта ҳавода муаллақ туриб қолади... Жек Лондон Мартиннинг тушини ҳикоячи томонидан эмас, тўғридан-тўғри ўзи кўргандай тасвирлаб беради. Туш манзаралари Эрих Фромм тавсифлаган туш талқинларга тўла мос келади.

“Мартин Иден”даги иккинчи психоаналитик ҳодиса уйку билан боғлиқ. Романга кўра Мартин шу қадар шиддат билан ишлайдики, у суткасига беш соат ухлаш билан чегараланади: “He lived every moment of his waking hours, and he lived in his sleep, his subjective mind rioting through his five hours of surcease and combining the thoughts and events of the day into grotesque and impossible marvels” (94). Оддий одамлар мисолида жисмоний жиҳатдан бу мумкин бўлмаган ҳолат. Хўш, Жек Лондон ҳаёт ҳақиқатини бузганми? Йўқ, бу ҳолат психоаналитик жиҳатдан тўла асослангандир.

Зигмунд Фрейднинг кузатишларига кўра уйку – бу одам ташқи дунёни қабул қилишдан чарчаганда, зерикканда юзага келадиган биологик-психологик актдир. Одам жисмонан ёки руҳан чарчаб, уйкуга кетар экан, ташқи дунё унинг учун қизиқарсиз бўлиб қолади, у ташқи дунёни онгсиз равишда қабул қилолмай қолади. Фрейд болаларнинг ухлашдан бош тортишини худда ана шундай ҳолат билан изоҳлайди. Чунки, болалар ҳали ташқи дунёни яхши билмайдилар ва уларда ташқи дунёга қизиқиш жуда кучли бўлади.

Қалби Руфга бўлган муҳаббат билан тўлган вақтларда Мартин ҳам ўзида ғайритабиий равишда ортиқ даражадаги энергия ҳис этади. У Руфнинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун суткасига атиги беш соат ухлаб, қизғин ижодий фаолиятга берилади. Мазкур мотивга психоаналитик жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу пайтларда Руф яшаётган борлиқ – “The world itself was not so amazing because of the atoms and molecules that composed it according to the propulsion of irresistible force, what made it amazing was the fact that Ruth lived in it” (46) (“ўша дунё – ўртасида Руф исмли гулжамол турган дунё” (47)) Мартин учун бениҳоя қимматли, қизиқарли бўлган, у ташқи дунёни қабул қилишдан ғайриихтиёрий равишда чарчамаган. Ҳатто, Руф унинг муҳаббатини мактуб ёзиб, кўчада яна оғзаки равишда узил-кесил рад қилгандан кейин ҳам, ҳамфикри Бриссинден яшаётган ва “Кечиккан” асари ўз хотимасини кутиб ётган дунё Мартин учун қизиқарли эди. Аммо, беш кун тинимсиз ишлаб “Кечиккан”ни тугатгандан ва Бриссинденнинг фожиали ўлиmidан хабар топгандан кейин Мартин учун бу дунёнинг қизиғи қолмайди, у “кечаси билан донг қотиб ухлайди” (364) (“He slept heavily all night” (311)); “бир-биридан фарқи бўлмаган кунлар бир-бирини қувалашиб ўта бошладилар; энди Мартин суткасига саккиз соатлаб ухларди” (365) (“The days slipped along, and he slept eight hours regularly every night” (312)). Чунки “the cessation from writing and studying? The death of the Brissenden, and the estrangement from Ruth had made a big hole in his life; and his life refused to be pinned down to good living in cafes and the smoking of Egyptian cigarettes” (318) (“у ёзишни тарк этиб, китобларга қарамай қўйгандан кейин, Бриссинденнинг ўлиmidан ва Руф билан алоқани узганидан кейин (таъкид бизники – Н.Қ.) ҳаётида теран бир бўшлиқ пайдо бўлди. Бу бўшлиқни у ресторанлар, Миср папирослари билан тўлдиришга уриниб кўрди, лекин уринишлари зое кетди” (371)). Кўринадики, Мартиннинг онг остида ётган хоҳиш-истаклари ёки умуман ички энергияси уч хил шаклда – ижод, Бриссинден билан фикрдошлик ҳамда Руфга бўлган муҳаббат шаклида реаллашади. Ташқи дунё ва Мартиннинг ички дунёси шу уч восита орқали бир-бирига уйғунлашади. Бу воситалар барҳам топгандан сўнг у ташқи олам билан уйғунлигини йўқотади, уларнинг ўрнини бошқа нарсалар – илгари бўлгани сингари чекиш ва ичиш билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Илгарилари ичиш ва чекиш – онг ости

истакларининг ихтиёрсиз равишда реаллашиши, ўз-ўзича ташқи оламга йўл топиш шакли эди. Энди эса Мартин бу ҳаракатларни онгли равишда қилади, бироқ онг ости олами онгли равишда қилинган бу ҳаракатларга бўйсунмайди. Руфь билан охирги учрашувдан ва бошқа ишларини тугатиб олгандан кейин ҳам у “Once in his room he got into bed and slipped off to sleep as gently as a child” (356) (“хонасига кириб ўрнига ётди ва худди гўдаклардек бир зумда ухлаб кетди” (418)). Кемада эса “бу буюк одам вақтининг кўп қисмини палубада кўзини юмиб ётиш билан ўтказарди, кечкурун эса ётиб ухлагани ҳаммадан олдин кириб кетарди” (426) (“that he was the great man on board. But no more unsatisfactory great man ever sailed on a ship. He spent the afternoon in a deck-chair, with closed eyes, dozing brokenly most of the time, and in the evening went early to bed” (362)). Мартиннинг кам уйқулиги ва уйкуга берилиши психоаналитик жиҳатдан тўла асосга эга ва шунга кўра айтиш мумкинки, Жек Лондон психологик ҳодиса билан боғлиқ ҳаёт ҳақиқатини тўғри гавдалантирган.

Романда сублимация ҳодисаси ҳам реал кўрсатилган. Мартин ҳали Руфни учратмаган, ҳақиқий муҳаббат нималигини билмаган, ҳали ижодкорлик билан шуғулланмаган кезларида ичкилик ва чекишга муккасидан кетган эди. Фрейд “Достоевский ва падаркушлик” асарида бу даҳо ёзувчининг қиморбозликка майл қўйганини сублимация сифатида изоҳлайди. Худди шунга ўхшаш, Мартин ҳам ўз ичида яширин ётган ижодий куч уйғонмагунча, илоҳий муҳаббат шавқини тотмагунча ичиш ва чекишга берилади. У ўзида ижод қилишга тийиқсиз бир интилиш сезгандан ва Руфни илоҳий муҳаббат билан севиб қолгандан кейин эса аста-секинлик билан ичиш ва чекишни тарк этади. Ёзувчи ичкиликбозлик руҳий ҳолатлар билан алоқадор эканлигини очиқ айтиб ҳам ўтади: “They had their limitation to forget, and when they were drunk, they dim, stupid spirits were even as gods, and each ruled in his heaven of intoxicated desire. With Martin the need of strong drink had vanished. He was drunk in new and more profound ways – with Ruth...” (50) (“Ўртоқларининг ҳар бирининг ўз дарди бор эди, ичкилик эса мавжуд ҳаётни унутишга, орзу ва хаёллар оламига парвоз қилишга ёрдамлашарди. Лекин Мартинга энди маст қилувчи ичимлик даркор эмас. У жуда қаттиқ маст бўлган вақтлар бўлган эди – у қалбида муҳаббат туйғусини уйғотган ва янги, гўзал ҳаётга интилиш учун қанот бахш этган Руфдан маст эди...” (53).)

“Сароб” романида ҳам ичкиликбозлик асосий мотивлардан бири – сублимация сифатида намоён бўлади. Саидий аста-секинлик билан кириб борган Салимхон, Аббосхонлар муҳитида ичкиликбозлик авжига чиққан. Ҳатто, “маст бўлиш пайшанбалари” жорий қилинган эди. Чунки, бу давранинг барча кишилари – катта ижтимоий ғоялари [3] ни инқилоб қуюни чирпирак қилиб учираб юборган, шу ғоянинг рўёбига сарфлануви лозим бўлган кучлари бўғилган одамлар эди. Сублимация бу муҳитда ичкиликбозлик шаклида амалга ошади. Шунга ўхшаган ҳолат улуғ рус ёзувчиси М. Шолохов ҳаётида ҳам кузатилади. В. Шенталинскийнинг “Инқилобий кўрикхонадаги овлар” асарида шундай ёзилади: “Халқ бошига тушган фожаия унга ҳам таъсир қилмай қолмас эди – бу унинг онгини парчалаб юборди, шахсиятини парчалади; адиб санъаткор билан цензор ўртасидаги кескин ички зиддият исканжасига тушиб қолди, масхарабозлик билан пиёнисталик ўртасида икки йўл оворасига айланди”; “У ижодини жуда яхши бошлаганди, ёш даҳо бўлган эди, аммо аста-секин алланечук сўниб қолди – ўзининг иккинчи романини сохта тугалланма билан расво қилди. Сўнгги романини эса ўнлаб йилларга чўзди, шунда ҳам уни тугатгани йўқ” [4].

Абдулла Қаҳҳор роман ёзилганда жуда ёш бўлганига қарамасдан, сублимация билан боғлиқ руҳий ҳолатни савқи табиий билан ҳис қилган. У ёзади: “Маҳмуджон афанди адабиёт муаллими, ишидан, турмушидан рози эмас. Норозиликдан кўра келажақдан рози бўлиш умидининг йўқлиги кишини кўпроқ толиқтиради. *Бундай одамлар ё ичади, ё намозхон бўлиб қолади.* Маҳмуджон афанди эса ҳар иккисини ҳам қилар эди” (73). Хусусан, Саидий Мунисхондан ажралгандан сўнг ичишга, ишга қаттиқ берилиб кетади. Унинг кейинги пайтларда таржимага қаттиқ берилиб кетиши ташқи тарафдан гарчанд пул топиш омили билан боғланган бўлса ҳам, буни сублимациянинг кўринишларидан бири дейиш мумкин: “Саидийнинг назарига минг ҳарф жуда кам кўринди. Минг ҳарф! Уч сўм! Нега кунига бир саҳифа эмас, ўн саҳифа таржима қилиб бўлмайди?” (163). Охир-оқибатда эса тинимсиз ичиш Саидийни руҳий хасталикка, кейин эса худкушликка олиб келади.

Хар иккала романнинг бош қаҳрамонлари пировардида руҳий хасталикка йўлиқадилар. Бу ҳам психоаналитик ҳолат бўлиб, сублимациянинг бир кўринишидир; аслида психоанализ руҳий хасталик сирларини ўрганиш мақсадида майдонга келган бўлиб, бундай ҳолнинг асосий сабабларидан бири сифатида онг ости интилишларининг реаллашмаганлиги кўрсатилади. Мартин ва Саидийда ҳам бу хасталик онг ости интилишларининг сиқилуvidан келиб чиққанидан, ўзларига сезилмайди. Аммо, атрофдаги одамлар буни сезиб қоладилар.

Умуман, қаршилик ва тазйиққа учраб, амалга ошмаган ғоялар ички потенциал салимхонлар муҳитидаги барча кишиларда аста-секинлик билан руҳий хасталик аломатларини туғдира боради. Маҳмудхўжа афанди савдойироқ бўлиб қолади, Муродхўжа домла (“унга на май тасалли берар эди, на “золимнинг заволини бергин” деб худога ёлбориш” (211)) бир эчкисини супурги билан уриб ўлдириб қўяди, Илҳом уйланганига етти ой бўлганда хотинини қорнида боласи билан қўйиб юборади; “нима учун қўйганини Илҳомнинг ўзи ҳам билмади, биров сўраса “нима бўлганини билмайман, ўша кечаси кетдим, деб шапкамни олиб чиқиб кетавердим”, деб жавоб беради ва бир нуқтага тикилганича қолади” (211). Ёқубжон эса бир кечаси “Ўзбекторг” магазинининг чердагига гугурт чақиб ташлаганини айтиб ҳузур қилади. Буларнинг барчаси асабнинг ҳаддан ортиқ зўриқиши, руҳият меъёрининг бузилиши белгилари эди.

“Мартин Иден”да ҳам, “Сароб”да ҳам муҳаббат мотиви психоаналитик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Чунки, психоанализга кўра, сексуал интилишлар – биз уни муҳаббат деб атаймиз – инсонга табиат томонидан берилган бўлиб, болалик чоғлариданоқ мавжуд бўлади; 5 ёшдан балоғат ёшигача бўлган латентлик даврида бу интилишлар онг остига чўқади – яъни англамаган интилишларга айланади, онг доирасидан чиқади. Балоғатга етиш даврида эса яна ўз жуфтини излаш шаклида намоён бўлади. Ўз жуфтини тополмаган одамларда эса сублимация содир бўлади, яъни бу интилишлар бошқа шаклларда (ижодкорлик, руҳий хасталик каби) рўёбга чиқади.

Биз “Сароб” романида яна бир қизиқ психоаналитик ҳодисага дуч келамиз. Бу Карл Юнг “коллектив онг ости” деб атаган ҳодиса билан боғлиқ.

Исломий ривоятларга кўра дастлабки одам, яъни Одам Ато лойдан, тупроқдан ясалиш орқали пайдо бўлган, кейинчалик эса одамзод насли ўзидан кўпайган. Замонавий илм-фаннинг одамнинг пайдо бўлишига оид энг шов-шувли таълимоти (Чарлз Дарвин таълимоти)га кўра эса одам маймунларнинг маълум туридан эволюцион йўл билан – меҳнат таъсирида аста-секин такомиллашиши орқали пайдо бўлган.

Абдулла Қаҳҳор дин ижтимоий ҳаётдан буткул қувғин қилинган, дунёвий фан ва дин зиддияти кескин тус олган шўро даврида яшаб, ижод қилди. Шўро давлатининг барпо қилинишига мафкуравий асос бўлган марксизм таълимоти динни халқ учун афъюн деб эълон қилди. Бинобарин, адиб яшаб ижод қилган даврда одамнинг тупроқдан барпо бўлганлиги ҳақидаги қараш ҳам таги пуч афсона, ривоят деб қараларди. Абдулла Қаҳҳор ўз даврининг илғор кишиси сифатида, табиийки, Дарвин таълимотидан хабардор эди. Шунга кўра, у бир ўринда “гап” мажлисида йиғилганлардан бирини “маймунга ўхшаган одам” (62-б.) дейди.

Бизни қизиқтирган яна бир ўринда эса Мухторхоннинг портретини Саидий нигоҳи орқали чизар экан, шундай ёзади: “қиринди, *ташланди лойдан* ҳафсаласизлик билан “олам учун бир эрмак ҳам керак-ку, ахир” деб *ясалган ҳайкалга* – кўзлари қумлоқда дам олиб ётган калтакесакнинг кўзига ўхшаган бир киши” (137). Мазкур ўринда бизни қизиқтиргани “ташланди лойдан ясалган ҳайкал” деган жумладир.

Психоанализни Зигмунд Фрейддан кейин янгича йўналишда давом эттирган Карл Юнг “коллектив онг ости” деган тушунчани киритди. Бу тушунчага кўра, алоҳида олинган бир шахснинг хатти-ҳаракати ва нутқида фақатгина унинг ўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган, онг ости қаватида тушиб кетган хоҳиш ва интилишларгина эмас, балки, умуман, у мансуб бўлган халқ онг ва онг остида мавжуд бўлган ҳодисалар ҳам акс этиши мумкин.

Абдулла Қаҳҳор ҳам, шубҳасиз, Шарқ кишиси. У исломий анъаналар, қарашлар кенг тарқалган бир муҳитда ўсиб-улғайган. Айни пайтда адиб янги давр кишиси сифатида замонавий илм-фанны, марксизм таълимотини ўрганган, шу қарашларни маъқуллаган, ижодга ҳам, ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасига ҳам шу нуқтаи назарлардан ёндашишга ҳаракат

қилган – буларнинг ҳеч бирида истеъдодли ёзувчига таъна қилгудай салбий жиҳатлар йўқ. Чунки, ҳар қандай киши ҳам – муайян ижтимоий даврнинг маҳсули. Буни Ўзбекистон ҳрамони Абдулла Орипов мусалламлик билан эътироф этиб “Қайга ҳам борардим асримдан нари” дейди.

Айни пайтда юқорида иқтибосга олинган жумла Абдулла Қаҳҳорнинг ёзганларида Карл Юнг томонидан аниқланган “коллектив онг ости” мансубияти ихтиёрсиз равишда юз кўрсатганлигидан дарак беради. Ёзувчи коллектив онг остида ётган – инсоннинг лойдан яратилганлиги ҳақидаги қарашни беихтиёр ўхшатиш сифатида ишлатиб юборган. “Ҳайкал” деган сўз ҳам тасодифий бўлмай, Одам Ато дастлабки яратилишда жонсиз бўлиб, кейин унга жон бағишланганлигига оид тасаввурларнинг Абдулла Қаҳҳор қалами воситасида юзага қалқиб чиқишидир. “Олам учун бир эрмак ҳам керак-ку, ахир” деган жумла ҳам психоаналитик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Бу Одамнинг яратилиши – Оламнинг яратилиши билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги шарқона тасаввурдан ва шу тасаввурларнинг ихтиёрсиз равишда Абдулла Қаҳҳор асарида юз кўрсатганлигидан келиб чиқади.

АДАБИЁТЛАР

1. Философский словарь. – М.: Политиздат, 1987. – С. 524.
2. Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992. – С. 182.
3. Қаҳҳор А. Сароб. – Т.: Ғ. Ғулом, 1935. – Б. 39.
4. Шенталинский В. Инқилобий қўриқхонадаги овлар //Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари). – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 326.
5. Быков В. Романы Джека Лондона: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – М., 1966. – С. 19.
6. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари //Қаҳҳор А. Асарлар. Олти томлик. 1-том. – Т.: Ғ.Ғулом, 1967. – Б. 19.

УДК 82.091

НОДИР НОРМАТОВНИНГ “РЎЗИ ЧОРИЕВНИНГ СЎНГГИ ВАСИЯТИ” РОМАНИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Хажиева Феруза Мэлсовна

БухДУ Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: биографик роман, бадий характер, бадий образ, муаллиф характеристикаси, диалог, портрет.

Ключевые слова: биографический роман, литературный характер, литературный образ, авторская характеристика, диалог, портрет.

Key words: the biographical novel, literary character, literary image, author's characterization, dialogue, portray.

Мақолада ўзбек ёзувчиси Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти” романида бош қаҳрамон характеристикасида қўлланилган турли бадий техникалар таҳлили берилган.

В данной статье дан анализ различных литературных приёмов, использованных в создании характера литературного персонажа узбекским писателем Нодиром Норматовым в романе “Последняя воля Рузы Чориева”.

The implementation of various literary techniques in characterization of the main personage in the novel “The last will of Ruzi Choriyev” by Uzbek writer Nodir Normatov is given in this article.

Кириш. Биографик роман жанри мураккаб жараён ҳосиласи бўлиб ҳисобланади. Бадий романи яратишдан фарқли равишда биографик асарни яратиш жараёни нафақат серқирра ижодий тафаккурга боғлиқ, балки тарихий ҳужжатлар, яратмалар, далилларни синтезлаб, улардан тўлақонли, ҳақиқатга мос тушадиган ҳаёт чизигини қайта тиклай

оладиган, тарихий прототипга ўта яқин, ҳаётий, табиий характерга тўғри келадиган бадиий сиймо ярата оладиган қобилиятга ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир бадиий асарда бўлгани каби, биографик роман негизида бадиий характер муаммоси туради. Биографик роман ўзагини ташкил этадиган тарихий шахс, яъни прототип ҳаёти ва таржимаи ҳоли, унинг машҳур бўлишига сабаб бўлган фаолияти биографик роман учун намуна бўлса, прототип ички дунёси ва табиатидаги ўзига хосликлар бадиий образ характериани танлашда ва ёритиб боришда андоза вазифасини ўтайди.

Адабиётшуносликда характер муаммоси антик даврлардан буён ўрганилиб келинмоқда. Аристотель “Поэтика”сида “Характер инсон хусусиятларини белгилайди, унинг иш-ҳаракатлари эса инсоннинг бахтли ёки бахтсизлигини кўрсатади. Характер сюжетга нисбатан иккинчи ўринда туради. Характер инсоннинг ахлоқий хусусиятларини кўрсатиб, одамнинг нималарни танлашини ёки нималардан ўзини тийишини кўрсатади”, - деб ёзади [3]. Антик даврлардан бошлаб, характер муаммоси файласуфларни қизиқтириб келган ва уни тўла-тўқис ёритиб бериш ниҳоясига етмаган, чунки инсон табиати мураккаб зиддиятлар ҳосиласи бўлгани каби бадиий характер майда унсурлардан ташкил топиб, ўзгариб, сайқалланиб бораверади ва у инсоният каби абадийдир.

Характер яратишни сирли жараён деб билган буюк инглиз ёзувчиси Жон Голсуорси, бу жараёнга “Характери яратилаётган объектдан кўра характер яратаётган одамнинг ўзи учун сирлироқдир” [4], – деб таъриф беради. Бу билан у, адабиётда характер яратиш сирли жараён бўлиб, ёзувчининг ўзи ҳам бу жараённи тўла-тўқис англаган ҳолда тушунтира олишга қодир эмас, деб таъкидлайди. Чунки, характер худди тирик мавжудоддек роман сатрларида шаклланиб, воқеалар ривожига динамик ўзгариб, мураккаблашиб боради ва ҳаттоки, муаллиф тасарруфидан чиқиб, мустақил овозга эга бўла боришини асарларда кузатиш мумкин. Таниқли адабиётшунос Дилмурод Қуроноф бадиий характернинг бу хусусияти ҳақида қуйидагича ёзади: “Бадиий образ ёзувчининг қули эмас, у ўзининг характер мантиқига мувофиқ ҳаракат қилади. Албатта, асар персонажлари характерига хос асосий хусусиятлар (параметрлар)ни аввал бошда ёзувчининг ўзи белгилайди. Кейин, асар воқеалари ривожидан тўла шаклланиб ва мустақамланган характер энди муаллиф диктатини қабул қилмайди, ўзбошимча ҳаракатланади” [2].

Бадиий характернинг бу хусусияти тўқима образларга хос деб айтиш мумкин. Чунки, адиб ҳаётий образларни яратган бўлса ҳамки, уларнинг тақдири – тўқима маҳсули. Сюжетдаги воқеалар характерга таъсир ўтказади ва натижада характер ўзгаради. Биографик асарда эса, аксинча, характер муаммоси ўзгача ифодаланади ва ечилади. Биографик асар қаҳрамони оддий персонаж эмас. Унинг ҳаёт йўли ва тақдири муаллиф учун андоза, шу андозадан чиқилса, биографик роман қиймати йўқолади. Қолип бузилса, ҳужжатлик, ҳаққонийлик парчаланади. Натижада биографик роман қаҳрамони характери тарихий прототипидан йироқлашади ва ишонарсиз, тўқима бўлиб қолади. Жон Голсуорси “Адабиётда характер яратиш” деб номлаган эссесида биографик характер хусусида қуйидигича изоҳ беради: “Биография фақат муайян ҳоллардагина қимматга эга бўлади. Бунинг учун биография характер яратиши, ёки, яна тўғрироқ айтганда, қайта яратмоғи керак” [4]. Ҳақиқатдан ҳам, биографик романлар тарихий шахснинг кучли характериани қайта ярата олган тақдирдагина энг сара асарлар қаторига қўшилади. Ўзбек адабиётида мустақам ўринга эга, халқ дилидан жой олган Ойбекнинг “Навоий” романи, Пиримқул Қодиоровнинг Бобур ва Бобурийларга бағишланган қатор асарлари, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Мақсуд Қориевнинг “Ибн Сино”, “Спитамен” каби яратмаларидаги кучли образларнинг характери, ички олами ва дунёси буюк сиймоларни қайта гавдалантира олган, китобхон руҳиятига таъсир қила олган персонажлар ҳисобланади. Уларнинг характери муаллифлар томонидан олиб борилган чуқур тадқиқотлар натижасида вужудга келган. Даҳолар яратмалари синчковлик билан таҳлил қилинган. Улар яшаган давр воқеалари, ижтимоий, маънавий муҳит ўрганилган ва ўша давр хусусиятларининг асар прототипига таъсири кузатилган. Натижада биографик романларда кучли, халқпарвар, серқирра образлар вужудга келган.

Бугунги кунда яратилган биографик асарларнинг қаторидан жой олган ва ҳужжатларга тўла асосланган “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти” деб номланган биографик романида ҳам кучли характер эгаси бўлган Рўзи Чориевнинг образи Нодир Норматов томонидан моҳирона тасвирланган. Асарда Рўзи Чориев характери турли бадий воситалар ёрдамида яратилган. Бу воситалар характернинг давр муҳитига мос тушишини таъминлаган. Маълумки, адабиётшуносликда характер яратишнинг турли усул ва воситалари мавжуд. Ғарб адабий тадқиқчилигида бу воситалар қуйидагича ажратилган:

1. Муаллиф баёни.
2. Қаҳрамон иш ҳаракатида кўрсатиш.
3. Диалоглар орқали ёритиш.
4. Бошқа характерлар билан қиёслаш орқали.
5. Замон ва маконни танлаш орқали.
6. Антономасия (Характернинг хусусиятини очиб бера оладиган ном бериш) орқали.
7. Ташқи кўриниши (Портрет)ни тасвирлаш орқали [1].

Характер яратишнинг бу воситалари ҳар бир бадий асарга хос. Буларни нозик китобхон дарҳол пайқаб, таҳлил қилиш имкониятига эга. Чунки муаллиф инсон образини яратиш жараёнида унинг табиатини очиб бериш учун қаҳрамонига тавсиф беради. Портретини чизиш орқали сиймони яратади. Кийиниши, одат ва қилиқлари орқали унинг ўзига хослигини таъминлайди, кишилар қаторига киритади, замон ва макондаги обрўи, ўрнига кўра мавқеини кўрсатади, асардаги бошқа персонаж ва характерлар билан муқояса қилиш орқали савиясини белгилайди. Исмни жисмига монанд қилиш воситасида характернинг ядросини юзага чиқаради. Нутқ ва иш-ҳаракатларида характернинг нозик қирралари очилади.

Биографик романларида ҳам худди бадий романлар каби худди шу воситалар имкониятидан фойдаланилади. Чунки асар биографик маълумотларга таянган ҳолда ёзилган бўлсада, бу бадий роман ҳам, уни бадийлик техникаси тўлдиради. Шу сабабли куруқ далиллар, тарихий манбалар тилга киради. Лавҳалар қизиқарли ва драматик тус олади. Коллизия ва перипетиялар, кульминацион нуқталарда биографияси баён қилинаётган шахс табиати бирин-кетинликда намоён бўлиб очила боради. Ҳаётни бадий ифодалаган эпизодлар кучли характер эгасини акс эттира боради, китобхонга даҳоликнинг сабабини кўрсатувчи прототипнинг амалу ишлари, сўзлаган ва фикр юритганлари баён, диалог ва монологларда муҳрланади. Яшаган давридаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий-фалсафий зиддиятлар хронотопда ёритилиб, характернинг тобланиш, чиниқиш сабаблари кўрсатилади.

“Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти” романи, айтиб ўтилганидек, муаллифнинг дўсти ва ватандоши ҳақида ёзилган асар. Асарда Сурхон юртида туғилиб ўсган, халқнинг севимли санъаткори Рўзи Чориев ҳаёти ва ижоди ҳақида баён этилган. Рассом характери турли воситалар ёрдамида очиб берилганки, китобхон ўзи танимаган қаҳрамонни яқиндан билиб олишга, унинг табиатини, хусусиятларини ўрганишга муваффақ бўлади. Бу жараёни куйидаги кузатишлар орқали таҳлил қилиш мумкин.

Асарнинг “Ассалом осмон, Ассалом юлдуз, Ассалом одам...” деб номланган қисмида Нодир Норматов прототипи тўғрисидаги хотиралардан бирини эслаб, Рўзи Чориев билан бирга Тошкентдаги Ўрта овул мавзесидаги сурхондарёлик ҳамюртининг тўйида сўзлаган ноанъанавий нутқини ёдга олиш орқали рассомнинг ғайриоддий, бироқ кўнгли очик одам эканлигини аниқ кўрсата олган. Муаллиф бу эпизодни баён этиш жараёнида рассомнинг табрик сўзини келтиради. Рассом нутқи “Ассалом, Осмон!, Ассалом, Юлдузлар!, Ассалом Ой!, Ассалом, дарахтлар!, Ассалом Ер!, Ассалом, Одам!”, – деган ҳис-ҳаяжон гаплар билан бошланиб, ҳаммани ҳайратга қолдирган, тўйга келган одамларнинг бутун диққатини худди телбалардек тортиб, баланд овозда қандайдир мақомни куйлагач, узундан-узоқ гаплар ўрнига русча аралаш ўзбекчада “Он гениально стоит! Эҳ, буни мана шундай ҳолда чизиш керак. Сен яхши одам бўлгин!” – деб нутқини тугатган. Асар қаҳрамонининг бундай ҳаракати унинг табиатан телбаларча санъаткор эканлигини кўрсатади. Рассом нутқи унинг сўзга чечан адабиётчи эмаслигини, соф ўзбек тилида жимжимадор қилиб равон гапира олмаслигини, бироқ эҳтиросларга тўла, соддадил, эркин, чапани одамлигини муаллиф яққол, безакларсиз кўрсата олган. Рассомнинг рус тилидаги “гениально” деган сўзини

қўллаши прагматик хусусиятга эга бўлиб, мўйқалам устасининг келиб чиқишини рассомнинг келиб чиқишини, унда ўзбек ва рус менталитетининг уйғунлашганини, ёшлигида болалар уйида ўсиб-улғайгани сабабли ҳаётида, рус устозлар тарбиясининг роли катталигини яна бир бора таъкидлайди. Шунингдек, асардаги бу эпизод рассомнинг ҳар бир жараёни тубдан ҳис қиладиган, таъсирчан одам эканлигини, кичик ҳодисани бўрттириб, болаларча хурсанд бўладиган ва “гениально” деб таъриф берадиган, шу сўз орқали фахрланишини ифода этишини кўрсатади. Русча тарбия унинг шуурига сингиб кетганини, эркин ва софдил одам эканлигини ифодалайди.

Рўзи Чориевнинг русларга хос бундай табиати “Тилагинг чин дилдан бўлса...” деб номланган қисмида ҳам алоҳида ёритилган. Муаллиф рассомнинг олдида бир йигит келиб, “бизларга бир дуо беринг”, деб илтимос қилганида, оппоқ костюм-шим кийган “авлиёсифат” бўлиб кўринадиган Рўзи Чориев қўлини дуога очиб, ичида бир нималар деганини, шунда шогирди ундан “Қуръон”ни ёдлаган экансиз-да”, деб сўраганида, Рассом “мен ичимда бирдан йигирмагача санадим, агар нияти пок бўлса, худонинг ўзи албатта қўллайди”, -деб жавоб берганини, биров вақтдан кейин ўша одамлар келиб, нияти амалга ошганини ва миннатдорчилик билдирганини ёзган. Бу лавҳа Рўзи Чориевнинг диний илмдан хабардор бўлмаса-да, инсоннинг дили соф бўлса, ичида кири бўлмаса, худонинг ўзи унга ёр бўлишига ишонишини ва бу ишонч уни савоб ишларга бошлашини кўрсатган. Диний илм қонуниятларини билиши асосида бўлмаса-да, одамгарчилик, инсоф, виждон, савоб каби тушунчалар рассомни эзгуликка етаклаган. Бу савоб ишлар қаторига Шерободдаги Исо ибн ат-Термизийнинг харобага айланган мақбарасини таъмирлаш учун елиб юрганликлари ва бу жойнинг “баҳоли қудрат” таъмирланганлиги киради. Шунингдек, яна бир воқеа персонаж характерини ёритишга хизмат қилган.

Рўзи Чориев уйида яшаб юрган серфарзанд оиладан чиққан ватандоши шерободлик бир йигитнинг тўйига ёрдам бериш мақсадида “ўзини хор қилиб ялиниб”, қиммат нархда сотиш мумкин бўлган санъат асарини арзонгина 50 долларга сотиб, йигитга берганини ва “Нега ўзингизнинг шаънингизга тўғри келмайдиган иш қилдингиз?!, - деб қийилганида, “Ничево! Шу бола уйланса, бўлди” - деган экан. “Рассом бировларнинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ қараб туролмасди” - деб муаллиф юқоридаги воқеани тугатган. Уйланаётган йигит тўғрисидаги воқеани муаллиф ўз тилидан баён этар экан, асарда Рўзи Чориевнинг яна бир қирраси очилган. Рўзи Чориев, мен қадрланишим керак, деб ўзини олифта тутадиган, менинг асарларим бебаҳо деб, уларни одамлардан ҳам устун қўядиган, ўзини серқадр қилиб ҳиккасини туширмайдиган одам эмас, аксинча оддий бўлса ҳам, инсоннинг тақдирини ўйлайдиган, қийин пайтда инсонга мадад бўлишга, қўлидан келганча ёрдам қўлини чўзадиган камтарин инсон қилиб тасвирланган. Унинг тилидаги “Ничево”си бу характерни ёрқинроқ қилиб кўрсатишга ёрдам берган. Чунки, “ҳечқиси йўқ” деб таржима қилинадиган бу ибора остида инсонларга яхшилик қилиш йўлидаги бундай “хор” бўлиш, буюклик билан баробар эканлигини кўрсатиб турибди. Асарда бунга ўхшаган мисоллар кўп. Уларнинг барчаси Рўзи Чориев образини прототиپига яқинлаштириш, прототипидаги фазилатларни бадиий образда акс эттиришга хизмат қилган.

Асарнинг “Тилагинг чин дилдан бўлса...” деб номланган қисмида Нодир Норматов Рўзи Чориевнинг одабийлик қиррасини бўрттириш мақсадида яна бир образни қисқача таништиради. Бунда муаллиф қийинлаш техникаси орқали диний билимга эга бўлмаган рассом ва сохта, нопок диндорни бир-бирига қарама-қарши қўйиб солиштиради. Романда баён этилганидек, рассом устахонасида “тўртта суруни ёдлаб, муллагликка даъво қиладиган”лардан бири, “Сурхандарёнинг олис бир туманидан келган, етти-саккизта фарзандини ташлаб,” ичкилик ичадиган, айрим пайтларда қизларга гап ташлаб турадиган муллавачча яшаб юрган экан. Бир куни фарзандлари ҳақида сўралганида, “Ҳар ким ўз насибаси билан туғилади, насибасини худо беради” деб жавоб берган экан. Кунларнинг бирида Нодир Норматов шу муллавачча билан чиқишмай қолганида, Рўзи ака “Қўй, нима қилса ўзи билади! Жазосини ҳам худо беради. Сен эмас!” деб қўйган экан. Бу билан муаллиф Рўзи Чориев тилида Дин, Худо, “Қуръони карим” деб юрадиган, бироқ дилида худбинлик, нафс, эҳтирос, қасоскорлик каби иллатларни жамлаган одам эмаслигини айнан шу муқоясада яққол кўрсата олган. Муаллиф Рўзи Чориевнинг кечиримли, гуноҳкорларни худога топширадиган, беозор, кўнгли очик, беғуборлигини юзага чиқарган.

Муаллиф қиёслаш усулидан фойдаланиб, рассомни муллаваччага қарама-қарши қўйиши Рўзи Чориев характеридаги янги қирраларни топишга, ҳис этишга кўмаклашган.

Кўриниб турибдики, Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти” романида характер иш-ҳаракатларини баён этиш, бошқа персонаж билан қиёслаш, нутқ ва диалоглар каби воситалар кўмагида ёритилган. Бироқ бу айримлари холос, чунки романда муаллиф қўллаган бошқа, ноанъанавий усуллар ҳам бор.

Романда характерни очиб берадиган, юқорида санаб ўтилган воситалар қаторига яна бир воситани киритиш мумкин. Бу иккинчи даражали персонажларнинг сўз ва муносабатлари орқали қаҳрамон ички дунёсини очиш техникаси. Бунда асардаги иккинчи даражали қаҳрамонлар нуқтаи назарида бош қаҳрамонга тавсиф берилади ва табиатидаги ўзига хос хусусиятлари ёритилади. Бундай техника ёрдамида биографик романда бир ёқлама, муаллиф нуқтаи назаридан эмас, балки турли ракурсдан ҳар хил нуқтаи назарлардан тарихий шахсга муносабат билдирилади. Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти” романида худди шу техникадан фойдаланилган ва ёзувчининг ўзи бу ҳақда қуйидагича ёзади: “Мен рассом ҳақида иккинчи даражали персонажларнинг сўз ва муносабатлари орқали қаҳрамон ички дунёсини очишда кўпроқ фойдаланаман. Бу уринишлар оддий лавҳалар ва ёзишмаларда ҳам кўринади. Учинчи шахснинг бундай хизмати холос тасвирлашда биографик роман учун жуда муҳим”. [Норматов Нодир билан бўлган ёзишмалардан. 4 июль 2012 йилдаги мактубдан парча].

Агар характерни кўрсатадиган воситалар қаторига иккинчи даражали персонажларнинг сўз ва муносабатлари орқали қаҳрамон ички дунёсини очиш техникасини киритадиган бўлсак, биографик романда бунга мисоллар жуда кўп. Булар рассом ҳақидаги хотиралар, муносабатлар, қизиқарли воқеалар, умуман, рассом ҳаётидан лавҳалардир. Буларнинг бари биографик романдаги Рўзи Чориев образини яратишда хизмат қилган, унинг табиатини, ички оламини чизишда кўмаклашган. Айнан иккинчи даражали персонажларнинг муносабати, яъни ташқи омиллар, рассом ички дунёсига назар солишга имкон яратган. Чунки, реал ҳаётда ҳам, одам бошқаларга муносабати, атрофдагиларнинг шу инсонга нисбатан қарашлари орқали характери белгиланади. Ўзаро муносабатда, шахснинг кўринмас қирралари очилади. Мураккаб вазиятлада, хурсандчиликда инсоннинг фазилятлари бирин-кетин намоён бўла боради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Нодир Норматовнинг бу усули асарда кўпроқ субъектларнинг дифференциал муносабатлари объектив нуқтаи назарни шакллантиришга кўмаклашган. Китобхонга турли фикр ва мулоҳазаларни етказа олган, унга ўз муносабатини шакллантиришга имкон яратган.

Нодир Норматов Рўзи Чориевни таниган, билган жуда кўп шахслар образини романга киритган. Булар Тилаб Маҳмудов, Абдухалқ Абдуллаев, Муножот Йўлчиева, Андрей Дементьев, Минна Агинс кабилардир.

Асардаги Тилаб Маҳмудовнинг ҳикояси Рўзи Чориевнинг “қўли очик, саховатли” инсон эканлигидан далолат беради. Чунки рассом Тилаб Маҳмудов докторлик диссертациясини ёқлашга кетишидан олдин, моддий жиҳатдан қийналиб юрганида, Рўзи Чориев унга картинасини сотиб, ўша пайтда “катта пул” саналадиган 500 сўмни берган экан. Бу воқеа рассомнинг илм аҳлига иккиланмасдан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаганини кўрсатиб, ундаги бир қиррани очса, Абдухалқ Абдуллаевнинг ҳикояси Рўзи Чориевнинг серғайрат, шижоатли, битмас-туганмас куч-қудратга эга “ёқимли рассом-гладиатор” образини гавдалантиради. Чунки, уларнинг Африкада жўшқин саёҳатлари натижасида кўплаб картиналар яратганликлари, Ўзбекистонга қайтгач, Рўзи Чориев “бир қанча картиналар туркумини ёддан чизиб ташлаганини” устоз рассом Абдухалқ Абдуллаев эслайди ва унинг “ҳамма рассомларга насиб этавермайдиган ноёб эслаб қолиш хислатига қойил қолганлигини” таъкидлайди. Кўриниб турибдики, ҳар икки персонажнинг рассомга муносабати унинг турли жиҳатини кўрсатишга кўмаклашган.

Рўзи Чориевнинг яна бир хислати ўзбек халқ артисти Муножот Йўлчиева тилидан олинган қисқа таърифда роман сатрларида муҳрланган: “Табиатан эркин, аммо ижодда жиддий...” деб номланган қисмда хонанада “Рўзи ака рассом бўлмаганида, албатта, машҳур қўшиқчи бўларди”, – дейди. Ундаги санъаткорона тафаккурнинг, табиатидаги битмас қувват (энергия)нинг ҳар қандай йўл билан рўёбга чиқишига ишонган Муножот Йўлчиевнинг бундай таърифи ортида Рўзи Чориевнинг гениал артист, ҳар қандай

ҳолатда ҳам у санъатнинг бирор бир йўналишини танлайдиган инсонлиги, ижодга бўлган туғма қобилиятини имплицит тарзда ифодалайди. Шу қисмдаги муаллиф характеристикаси бу фикрни тўлдиради. “Санъатни ҳаёт тарзи деб билиш, ҳамма жойда, ҳар доим ҳар бир нарсадан гўзаллик излаш унинг эътиқодига айланган ўзгармас ақидалари эди. Унинг учун ҳаётдаги барча нарса иккинчи даражали эди” [5].

Рус шоири, “Юность” журнали Бош муҳаррири Андрей Дементьевнинг Рўзи Чориев ҳақидаги фикри ва унга бағишланган шеъри асарда кучли характерловчи ва психологик восита сифатида қўлланилган:

“Ҳали тегиб-тегмасдан бўзга,
Ўзга ҳолга солар уни бўз.
У айбдордек жилмаяр бизга,
Айтмагани учун таклиф-сўз.
Ранг, ҳаяжон ёғдусида жим,
Сузар унинг дунёси – хилқат.
Гўё йўқдир ёнида ҳеч ким,
Бордир фақат завқ ва сукунат.
Моцарт янграр...
Мусаввир шайдо.
Чизар оҳанг жилвасин – жондай.
Нечоғ қарздир санъатдан дунё,
Қарзи йўқдир гарчи ҳеч қандай!..” [5].

Шеърнинг бошида тасвирланган ҳолат рассомнинг бўзга бўёқларни тегиб-тегмасдан расм солиши, шу жараёнда ўзга ҳол, ўзга дунёга шўнғиб кириши, натурага (Шоир Андрей Дементьев ва унинг севгилиси) жилмайиб қараши, ҳаяжонланиб, рангтасвир дунёсида “сузиши”, Моцарт мусиқаси остида рассомнинг “шайдо” бўлиб ишлаши кучли психологик ҳолатни тасвирласа, охириги хиазмда ифодасини топган пародоксал икки мисрада дунёнинг санъатдан, яъни, Рўзи Чориевдан қарздорлигини ифодалаган. Санъат сўзи метонимия бўлиб келиб, рассомнинг касбига фидоийлиги, бутун борлиғи билан уни севишини кўрсатган. Рассом борлиғини, унинг табиатини санъат ташкил қилишини кўрсатган. Ҳатто дунё, табиат, хилқатни ўз асарларида муҳрлаб қолганлиги учун борлиқ ундан қарздор деб айтади, ваҳоланки, сўнгги мисра бу фикрни инкор этиб, санъат дунёдан қарздор, чунки олам гўзаллиги туфайли санъат пайдо бўлган. Дунёнинг ўзи бир санъатдир. Шунингдек, асарда шоирнинг “Санъат” журнали учун интервьюсидаги характерни очиб берувчи сўзлари ҳам киритилган. Рўзи Чориевнинг “хайратомуз ишчанлиги, ажойиб инсон ва катта рассом эканлиги, унинг устахонасида 500га яқин классик мусиқа ёзилган пластинкалар борлиги ва рассом уларни тинглаб расм чизишидан шоир таажжубланганлиги” кабилар баён этилган. Бу билан Нодир Норматов қаҳрамоннинг нафақат ўзбек аҳлининг, балки бошқа миллат вакиллари унинг ижодига ҳавас қилиши ва ҳайратланишини кўрсатган. Муаллиф рус шоири Андрей Дементьевнинг юқоридаги шеърий мисраларини асар тўқимасига киритиш орқали яна бир нуқтаи назарни, рассомга ва унинг санъатига бўлган юксак муносабатни яратишга эришган.

Кўриниб турибдики, рассом Рўзи Чориев характердаги буюклик, ундаги фидоийлик, жонкуярлик, халқпарварлик, одамийлик каби фазилатларни Нодир Норматов турли бадий воситалар ёрдамида кўрсатишга муваффақ бўлган. Биографик маълумотлар ёрдамида асар тўқимасидаги характерловчи воситаларни тўлдирган ва натижада рассомнинг ички оламини очиб беришга эришган. Муаллифнинг қизиқарли ва ўзига хос характер яратиш санъатига Иброҳим Ғафуров қўйидагича баҳо беради. “...Нодир характер қирраларини кесма пунктир билан чизади. Воқеалардан воқеалар шундай кесма пунктирларда туғилиб, бир – бирига ғулув билан уланиб боради. Бунда табиийки, баёнда парокандалик хавфи ҳам туғилади, воқеанинг боши, давоми ва охирига боғланмай қолиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо, ёзувчи қандайдир ўзига маълум ҳикоя қилиш заҳираларини бизга билинтирмайгина қўллаб, сюжет ва композицияда яхлитлик, бутунликка эришади. Кесма пунктир воситасида ҳикоя тарзида эришилган бутунлик – Нодирнинг ёзувчилик маҳорати ва бадий услубининг ўзига хос, уни бошқалардан ажратиб турадиган кўзга кўринарли қиррасидир. Мабодо уни табиий услуб деб аташ ва юритиш мумкинмикин?

Яъни ҳаёт ва табиатнинг ўзи қандай бўлса, шундай ёзиш манераси. Музработ даштлари, Қўхитанг тоғлари, Зарабоғ, Пошхурд, Вандоб каби тоғлар оралиқларидаги қадим-қадим қишлоқлардаги табиий минг йилларча устивор бўлган ҳаёт тарзи қандай эса шундай чатма услуб.

Нодир воқеалар ва қисматлар тугунларини бир-бирига табиий ўнгаштириб, биридан иккинчисини худди илгирга илгандай тортиб чиқариб борадики, ўқувчида росткам қизиқиш уйғонади, у бошини кўтармай воқеалар, тақдирлар оқими пўртаналарига сел оқизган улоқдай шўнғиб кетади” [6].

Ҳақиқатдан ҳам, Норматов ижодида характер чизишнинг ўзига хос йўлини, усулини кузатиш мумкин. Бу усул турли бадий воситалар қаторида янгича аҳамият касб этади ва тўлдиради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Delaney Denis.** Fields of vision. – Longman, 2003. – 42 p.
2. **Quronov Dilmurod.** Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Abdulla Qodiriy, 2004. – 71 b.
3. **Aristotle.** The Poetics. A Translation by S.H. Butcher. – Pennsylvania, A Penn State Electronic Classics Series Publication, 2000. – 11 p.
4. **Голсуорси Жон.** Адабиётда характер яратиш // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 389.
5. **Норматов Нодир.** Рўзи Чориевнинг сўнги васияти. – Тошкент: Санъат, 2008. – Б. 264.
6. **Ғафуров Иброҳим.** Нодирнинг Ойтоши ёки Сурхон руҳи // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. – 2010. – 24 декабрь. – 2-сон.

УДК 821.512.133'373.7:811.111.

“БОБУРНОМА”ДАГИ АФОРИЗМЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Тешабоева Зиёдахон Қодировна

ЎзДЖТУ Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

Таянч сўзлар: “Бобурнома”, таржима, тарих, мақол, афоризм, табдил, услуб, таржимон, бадий асар, автор.

Ключевые слова: “Бабур-наме”, перевод, история, пословица, афоризм, интерпретация, стиль, переводчик, литературный текст, автор.

Key words: “Boburnoma”, translation, history, proverb, aphorism, interpretation, style, translator, literary text, author.

Ушбу мақолада “Бобурнома”даги афоризмларнинг инглизча таржималари ҳақида фикр юритилади. Таржималар тарихи ва таржимонларнинг услуби ўрганилиб, таржима вариантлар ва афоризмларнинг адекват таржималари белгиланади.

В данной статье рассматриваются афоризмы в произведении “Бабур-наме” и их переводы на английский язык. Исследуются методы переводчиков и история перевода. Также определяются варианты переводов и адекватные переводы афоризмов.

This article deals with the aphorisms of “Boburnoma” and their translations into English language. The translation history and translators’ methods are investigated. The translation varieties and the adequate translations of aphorisms are determined.

Кириш. Бадий асарда ифодаланадиган мақоллар, маталлар ва фразеологик бирликлар халқнинг маънавий бойлигидир. Мақол даражасига етмаган бўлса-да, бадий асарда ифодаланган афоризмлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, автор уни қўллаш орқали ўқувчига ўзининг ўй-фигри, персонажларга нисбатан баҳо муносабатини ифода этади.

“Бобурнома”да фразеологик бирликларнинг ифодаланиши қаторида қирққа яқин мақол, матал ва афоризмлар мавжуд бўлиб, улар тарихий шахслар характери билан образли ёритиб бериш учун муаллиф томонидан қўлланган. “Бобурнома” хусусан инглиз тилига кўп марта таржима қилиниб, Европа олимларининг диққат-эътиборини тортган. У дастлаб Европа олимлари томонидан тижорий мақсадда ўрганилган бўлса-да, кейинчалик адабий нуқтаи назардан ўрганилган. Асарни тадқиқ этиш шу даражага етдики, у таржималар тарихини даврма-даврдан бошидан кечириб борди.

“Бобурнома”нинг дастлабки таржимони инглиз шарқшунос олими Жон Лейдендир. Таржимашунос олим Жон Лейден асарни инглиз тилига таржима қилишга киришиб, уни якунига етказа олмай ҳаётдан бевақт кўз юмади. Бу пайтда “Бобурнома”нинг таржимасини у билан бир вақтда бошлаган Вильям Эрскин асарнинг форсий вариантдан инглиз тилига таржима қилаётган эди. Баъзи маълумотларга қараганда бу икки таржимон бир-бирининг илмий фаолиятдан хабардор бўлмаган дейилади. Лекин, Ансоритдин Иброҳимовнинг “Бобурнома буюк асар” рисоласида таъкидлашича В. Эрскин Жон Лейденнинг таржима фаолиятдан бохабар бўлиб, ўзининг таржимасини нашр эттиришга шошилмай, балки асарни аслиятдан ўгирган Жон Лейден таржимаси билан солиштиришни афзал кўрган [2]. Унинг вафотидан сўнг В. Эрскин “Бобурнома”нинг Жон Лейден бажарган таржима нусхага эришган, уни яна қайта ишлаган. Вильям Эрскин Жон Лейденнинг машаққат меҳнатларини юқори баҳолаган ва ўзининг устози деб қабул қилган, натижада унинг хотираси учун “Бобурнома” таржимасини тўлиқ ҳолда 1826 йилда “MEMOIRS of ZEHIR-ED-DIN MUHAMMED BABER, EMPEROR OF HINDUSTAN” written by himself, in the Jaghatai Turki, and translated partly by the late John Leyden, Esq, M.D., partly by William Erskine. Printed by James Ballantyne and Co. Edinburg. London – 1826”,- деган ном остида чоп эттирган [3].

Ж. Лейден “Бобурнома”ни аслиятдан инглиз тилига таржима қилган эди. В. Эрскин эса форсийдан инглиз тилига ўгирган. Шунинг учун тадқиқотларимизда учрайдиган икки исм Ж. Лейден ва В. Эрскин таржимаси дейилганда, икки автор ва яхлит бир таржима тарзида тушуниш керак.

Р.М. Калдикот (1879), Ф. Талбот (1909), Л. Кинг (1921), А.С. Бевериж (1921), В. Текстонлар (1996) ҳам “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилишган. Амалга оширилган таржималар орасида Ж. Лейден – В. Эрскин (1826), А.С. Бевериж (1921) ва В. Текстонларнинг (1996) нашр қилинган таржималари олимлар томонидан нисбатан тўлиқ таржима деб қаралади. Таржиманинг йиллар орасидаги фарқлар ва таржимонларнинг турли таржима услубидан фойдаланганликлари, асарнинг адекват таржимасига эришишдаги саи-ҳаракатлари сезилади.

“Бобурнома” таржималарини қиёсан ўрганиш, уч турдаги инглизча: Ж. Лейден – В. Эрскин (1826), А.С. Бевериж (1921) ва В. Текстонларнинг (1996) вариантларида афоризмларнинг адекватларини белгилаш илмий ишнинг мақсадидир.

Муаллиф “Бобурнома”да келтирилган тарихий шахслар характери очиб беришда мақоллар ва маталларни ўз ўрнида қўллаб, эмоционал ҳолат, баҳо муносабат ва шахсга нисбатан фикр баёнини тасвирлайди. Масалан, ҳаётда содир бўлган, жон талвасасидаги наварларига нисбатан Бобур қуйидаги афоризмни қўллаган:

***Агар сад сол мони ва-р яке рўз,
Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз.***

Афоризмнинг табибли бундай: ***Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгиш очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур*** [2].

Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгиш очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлурнинг инглизча Ж. Лейден – В. Эрскин (1826), А.С. Бевериж (1921) ва В. Текстонларнинг (1996) таржималарида қай даражада акс этганлигини кузатамиз.

Ж. Лейден – В. Эрскин таржимасида: ***Should a man live a hundred, may a thousand years, yet at last he ...*** [3]. Мазмуни: *Гарчи инсон юз йил, балки минг йил яшаса, ниҳоят ... таржима ниҳоясига етмаган.*

С. Бевериж таржимасида: *If a man live a hundred years or a thousand years, at the last nothing ...* [1]. Мазмуни: *Агар инсон юз ва минг йил яшаса ҳам, ниҳоят ҳеч нарса ...бу жойда ҳам таржима ниҳоясига етмаган.*

“Бобурнома”нинг 1996 йилда амалга оширган сўнгги инглиз таржимони В. Текстонда: *Be it a hundred years or one day, in the end must depart from this noxious palace* [5]. *Юз йил яшасанг ҳам, охири бир кун келиб, бу ҳалокат қасридан кетиш керак бўлур.*

Лейден–Эрскин билан С. Беверижларнинг таржималари маъно жиҳатдан аслиятдаги *юз йил ва агар биргина кун*нинг бир-бирига зид бўлган, контраст маъносини қўллаб, *a hundred years or a thousand years –юз ёки минг йил*, тарзида берган, *юз йил–a hundred, биргина кун–a thousand*га ўзгарган. Таржимада баъзи сўзларнинг йўқотилиш ҳисобига экспрессив маъно кучайтириш билан иккинчи қисм тўлдирилади. Таржималарнинг кетма-кетлик, мазмунини қийслайдиган бўлсак, Ж. Лейден, В. Эрскин, С. Беверижлар таржимани тугатмаган, аслият матнида таржимонлар учун тушунмовчиликлар бўлгандирки, яқин бир асрдан сўнгги таржима С. Беверижда ҳам шундай ниҳоясига етказилмай қолган. Бироқ В. Текстон Бобур назарда тутган фикрни тўлиқ бўлмаса-да, якунига етказишга муваффақ бўлган. Муаллифнинг ачиниши, афсусланиши унинг қўллаган афоризм *Be it a hundred years or one day, in the end must depart from this noxious palace*да юзага чиққан.

Юқоридаги келтирилган мисоллар ва таржималарни ўрганган ҳолда биз *Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгул очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур*ни таржима қилишга уриниб кўрсак у: *Though a man lives a one or a hundred years, he must leave this much-admired palace one day*,-деб берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бошқа бир мисолни олайлик Бобурнинг холаваччаси тарихшунос олим Муҳаммад Ҳайдар Мирзога нисбатан қуйидаги афоризмни қўллаганда: *Отасини ўзбек ўлтургандин сўнг келиб, менинг мулозаматимда уч-тўрт йил бўлди, сўнгга ижозат тилаб, Кошғарга хон қошига борди.*

**Боз гардад ба асли худ ҳама чиз,
Зарри софию нуқраву арзиз.**

Афоризмнинг табибли: *Ҳамма нарса: Ҳоҳ соф олтин, ҳоҳ кумуш ва ҳоҳ қўрғошин бўлсин,барибир ўз аслига қайтади. Бу тарихда, дейдурларким, тойиб бўлуб, яхши тариқа пайдо қилибтур* [2].

Ушбу парчанинг таржимаси Ж. Лейден – В. Эрскинда: *...after his father was slain by the Uzbeks he entered my service and maintained in it three or four years; he then took leave of me and went to Kashghar to the Khan; but as:*

Everything returns to its original principles,

Whether pure gold, or silver, or tin; It is said that he has now adopted a commendable course of life and become reformed. [3].

Мазмуни: *Отасининг Ўзбеклар томонидан қатл қилинганидан сўнг менинг хизматимга кириб, икки-уч йил ишни бошқарди, кейин мендан рухсат олиб Қашқарга, хоннинг олдида борди; лекин айтадиларки,*

Ҳамма нарса ўз аслига қайтади;

У соф олтин, кумуш, ё мис бўлса ҳам; У ҳақида айтишадики, ҳозирда яхши ҳаёт тарзини йўлга қўйган ва анча шаклланган.

Ушбу афоризмнинг таржимаси Сусанна Беверижда: *He was in my service for three or four years after the Auzbegs slew his father, then asked leave to go Kashghar to the presence of Si.Said Khan.*

“Everything goes back to its source,

Pure gold, or silver or tin.”

People say, he now lives lawfully (ta'ib) and has found the right way (tariqa) [1].

Мазмуни: *У отасининг Ўзбеклар томонидан қатл қилдирилгандан сўнг менинг хизматимда икки-уч йил бўлди, кейин у Қашқарга Султон Сайдхон ҳузурида бўлмоқ учун боришга мендан рухсат сўради.*

**“Ҳамма нарса орқага, яъни асл ҳолига қайтади,
Соф олтин, ёки кумуш ёки мис бўлса ҳам.”**

Одамларнинг айтишига қараганда ҳозирда шарият тақвоси билан тўғри йўлни танлаган ва тақводор мусулмон бўлган дейишади.

В. Текстонда: *After his father was killed by the Uzbeks, he came and joined my retinue for three or four years. Later he requested permission to go to the khan in Kashghar. "Everything returns to its source-pure gold, silver, or tin." As of this date it is said that he has repented and discovered the right path* [5].

Мазмуни: Отасининг Ўзбеклар томонидан ўлдирилганидан сўнг келди ва менга қўшилди, уч-тўрт йил хизматимда бўлди. Кейинроқ Қашқарга хон қошига бориш учун мендан рухсат беришимни талаб қилди. **“Ҳамма нарса ўз аслига қайтади, олтин, кумуш ёки мис бўлса ҳам.”** Сўнги маълумотга кўра айтишдики, у тавба қилиб, ўзи учун тўғри йўл танлабди.

Кейинги афоризмни инглиз тилида акс эттириш учун ҳар бир таржимон таржиманинг сўзма-сўз усулидан фойдаланганини кўриш мумкин. Улар имконият доирасида аслиятни очиб беришга ҳаракат қилишган. Бизнингча кейинги қилинган таржималарда ҳар бир таржимоннинг ўзига хос услубини кузатиш мумкин. Таржимонлар аслиятга ҳар томонлама ёндошган, аслиятнинг маъносини беришга интилган ва уч турдаги таржима вариантни вужудга келтирган. “Бобурнома”нинг туркий вариантыда афоризм қандай бўлса, таржимага шундай кўчган, яъни таржима ниҳоясига етказилмай, афоризмнинг охири ёзилмаган. Форсий варианты тўлиқ бўлганлиги туфайли В. Текстон ундан тўлиқ таржимасини акс эттиришга муваффақ бўлган.

Ғ. Саломов ўзбек тилшунослиги учун ғоят долзарб муаммолардан бири фраземалар таржимаси билан махсус шуғулланган, шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган [7], бир неча монографик тадқиқотлар яратган [6]. Олим ўз ишларида “фразеологик ибора”, “идиома”, “ибора”, каби атамалардан синоним сифатида фойдаланади, бундай тил бирликларини мақол, маталлардан фарқлашга интилади.

Ғ. Саломовнинг таъкидлашича, агар биз аслида афоризм билан мақолларнинг фарқини астойдил ажратишни хоҳласак, у “Мақол – халқ ақл идрокнинг маҳсули, турмушдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ифодасидир”, - дейди у ўзининг китобида. “Мақол кундалик ҳаётда, кишиларнинг бир-бирлари билан муомалада бўлиши жараёнида туғилади. Халқ мақоли – халқнинг мулкидир. Мақол қайғуси – халқ қайғуси, мақол ғазоби – халқ ғазоби, мақол кулгуси – халқ кулгуси ва мақол кинояси – халқ кинояси демакдир. Мақол ишлатмаган биронта халқ бўлмагани каби, мақолсиз тил йўқ. “Дунёда тилсиз халқ бўлмагани каби, мақолсиз тил ҳам йўқ”, - деб кўрсатади” [6].

Агар мақол – турмушда синалган, маълум эзгу, тугал, умумий маъно англатувчи, ихчам бир шаклдаги халқ ҳикмати бўлса, **“матал нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг ишлатиладиган ибора ва нутқ оборотларидир.** Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди. Матал кишининг хотирасида осонлик билан сақланиб қолади” [7].

Олим ўзининг “Таржима назарияси асослари” асарида мақол, матал ва идиомани фарқлашга хизмат қилувчи қуйидаги схемани келтиради:

Мақол	Матал	Идиома
Сўзловчи нодон бўлса тингловчи доно керак. Бир йигитга етмиш хунар оз. Дўстинг учун заҳар ют.	Ўзини ака, эчкисини така демоқ. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмоқ. Қўйинини пуч ёнғоқ билан тўлдирмоқ.	Тарвузи қўлтиғидан тушмоқ. Оёғини қўлига олиб қочмоқ. Онасини учкўрғондан кўрсатмоқ.

Юқорида келтирилган моделга кўра “Бобурнома”даги мақолларни маталлардан фарқлаб мақолани афоризмларнинг таржималарига бағишладик.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, афоризмларнинг инглизча таржималари турлича бўлиши билан бирга ҳар бир таржимоннинг ўзига хос услуби мавжуд. Миллатнинг эътиқоди, ишончи, урф-одатлари, яшаш тарзи муҳим аҳамият касб этганидек, бошқа миллатлардан фарқли томони миллий-маданий сўзлар, мақол ва маталлар, афоризмлар

халқнинг маънавий қадриятларида мужассамдир. Уларни таржима қилишда калькалаш, эквивалентларини қўллаш, аналогларини топиш ва тасвирий таржима орқали адекват таржимага эришиш мумкин. Мумтоз асарларда қўлланган афоризмларнинг таржималарига эътибор қаратилса, таржимонлар аксарият ҳолларда сўзма сўз таржимадан фойдаланадилар, бу билан улар муаммони ечишнинг бирдан бир осон йўли деб қарашади. Чунки, аналогларини қўллаш ёки эквивалентларини қидириб топиш унчалик ишонарли эмас, яна бунинг учун унга алоқадор бир неча адабиётларни мутаола қилиб, манбалардан изланиш даркор. Айни пайтда таржима мукамал бўлиши учун бир келганда афоризмнинг маъносини тушуниш ҳам таржимонга анча мушкуллик туғдиради. Юксак интеллектуал, маънавий салоҳият соҳиби бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ва унда қўлланган залворли афоризмлар ҳар қандай таржимонни шошириб қўяди. Қийин ҳолатга дучор бўлганда таржимон аслиятга қайта-қайта мурожаат қилиш ва ундан йироқлашмаслик энг мақбул ечим деб ўйлаймиз. Мақоллар, маталлар ва афоризм таржималари эса таржимондан катта маҳорат ва меҳнат талаб этадиган санъат даражасидаги тадқиқотдир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Beveridge, Anette Susannah.** The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur. – London, 1921. – P. 880.
2. **Иброҳимов А.** Бобурнома – буюк асар. – Т.: Ғафур Ғулом, 2000. – 78 б.
3. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** Бобурнома. – Тошкент.: Шарқ, 2002. – Б. 335.
4. **John Leyden.** Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. – London, 1826. – P. 432.
5. **Раҳмонов В., Муллахўжаева К.** Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 2008.
6. **Саломов Ғ.** Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Т.: Фан, 1966. – Б. 263.
7. **Саломов Ғ.** Мақол ва идиомалар таржимаси. – Т.: ЎзФАН, 1961. – 169 б.
8. **Саломов Г.Т.** Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода (принципы перевода пословиц, поговорок и идиом с русского на узбекский язык): Автореф. дисс. ...к.ф.н. – Ташкент, 1964. – 31 с.
8. **Wheeler M.** Thackston. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor of Hindustan. – New York. 1996. – P. 554.

УДК 891.5-1/-8

РАҲНАВАРД ЗАРЁБ ҲИКОЯЛАРИДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ

Кабинова Наргиза Кахрамоновна

Тошкент давлат шарқшунослик институти Эрон-Афғон кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мудҳиш қисмат, пейзаж, адолатсизлик, хроникал, консентрик, конфликт, сюжет, симпатия, антипатия.

Ключевые слова: ужасная судьба, пейзаж, несправедливость, хроникальный, концентрический, конфликт, сюжет, симпатия, антипатия.

Key words: awful destiny, landscape, injustice, chronical, concentric, conflict, plot, sympathy, antipathy.

Бу мақолада Раҳнавард Зарёбнинг “Қарғишга учраган шаҳар” ва “Фарёд” номли ҳикояларидаги сюжет линияси таҳлил қилинади. Ҳикоя ҳали ҳаётнинг қийинчиликларини татимаган содда боланинг тилидан баён қилинади. Аммо, бу содда баён замирида афғон жамиятининг аччиқ ҳаётини муаммолари ўз инъикосини топади.

В статье дан анализ сюжетов произведений Рахнаварда Зарьяба “Проклятый город” и “Зов” о тяжелой жизни афганского общества. Повествование ведется от лица ребенка, который, в силу своего возраста, не может дать реальной оценки происходящего.

The plot line of the stories “The Cursed City” and “The Wail” by Rahnaward Zaryab is analyzed in the article. The story is narrated by a little boy. But behind this naive narration hard life of Afghan people is reflected.

Кириш. Афғонистон адабиётида замонавий насрий жанр турлари кўлами жуда кенгдир. Бироқ, уларнинг ичида ҳикоячилик бошқаларига нисбатан кенгроқ ривож топмоқда. Бу жанрда таниқли афғон адиби Раҳнавард Зарёб ижод қилиб келмоқда. Ёзувчининг ёзган асарларида сюжет яратилишини ғоявий мазмун бошқаради, ғоявий мазмунни уйғун ҳолда характерлар намоён бўладиган ва ҳаёт зиддиятларини умумлаштирадиган воқеалар силсиласи кашф этади. Воқеалар силсиласи ўз навбатида асар ғоясини бадиийлаштиради, уни жонлантиради. Раҳнавард Зарёб ҳикояларида мана шундай бадиийликни кузатишимиз мумкин. Бунга унинг “Қарғишга учраган шаҳар” [1] - “شهر طلسم شده” ҳикояси мисол бўла олади.

“Қаттиқ шамол ўзини шаҳар деворига урар, гўлдура, худди қафасга тушиб қолган жонивор каби ўзини ҳар ерга урарди. Деворлардан ошиб ўтар, томларда рақс тушар ва дераза ортидан одамларга таҳдид қиларди. Шаҳарни туман қоплаган, чанг аралаш шамол дастидан ҳаммаёқ қоронғи эди” [2].

Ҳикоя асосий қаҳрамонлардан бири бола тилидан баён этилади. Ҳикояда тасвирланган воқеалар тизимининг ўзаро муносабатига кўра хроникал ва консентрик турларга мос келишини кўришимиз мумкин. Чунки, ҳикояда воқеалар орасидаги вақт муносабати етакчилик қилади, шунингдек ҳикояда тасвирланган воқеалар орасидаги сабаб-натижа муҳим аҳамият касб этади.

Ҳикояда ночор бир оиланинг тақдири, уларнинг ижарага олинган уйда ота-она ва тўрт фарзанднинг қанчалик қийинчилик билан яшаётгани тасвирланади. Бола ўз отасини доимо асабий ҳолда кўради, онасига жаҳл билан *Бесузи, ҳой менинг қисматимга битилган Бесузи...* деб бақириб чақиритишини, онаси эса ҳар гал шошилиб, *“Нима бўлди... нима гап?”* [2], - деб ҳавотирга тушиб гапиритишини ёзувчи юксак маҳорат билан тасвирлайди.

Ҳикоядаги боланинг акаси образи ҳам ёзувчи томонидан худди оиланинг танг аҳволини очиб бериш учун яратилгандек туюлади. Отаси ва “Текинхўр” номини олган ака ўртасидаги жанжаллар вақтида бола доим уларнинг устидан кулар, масхара қилар эди. Уларнинг гапини баланд овозда масхараномуз такрорларди. Баъзи пайтларда беихтиёр гиламга ётиб олиб, у ердан бу ерга хахолаб думаларди.

Шу ўринда бир савол туғилади, ёзувчи нега айнан ота ва ўғил жанжали вақтида бошқа бир фарзанднинг кулишини тасвирлайди? Дарҳақиқат, Раҳнавард Зарёб ўз ҳикоясида бир оила тақдирини тасвирлаш орқали афғон халқининг бошидан кечираётган қийинчиликларига бир томондан ачиниш, иккинчи томондан танқидий муносабатини билдиради.

Раҳнавард Зарёб ҳикояларида ранглар символикасига ҳам катта эътибор қаратган, жумладан, *“Онам қора матони бошига ўраганча қўрқиб хона бўйлаб юрарди”* [2]. Бу ерда айнан қора матони бошига ўраб юриши ҳаёт қийинчиликларидан дарак беради ва қора ранг Раҳнавард Зарёб ижодида айнан шу маънода қўлланишини унинг бошқа асарларида [3] ҳам кузатиш мумкин. Аслида жаҳон адабиёти намуналарида ҳам қора ранг фожиадан дарак беради. Ушбу ҳикоядаги қора ранг эса онанинг зулмат исканжасида ҳаёт кечираётганини кўрсатади.

Ҳикоянинг фожиали жиҳатларидан бири уларнинг “уйсиз” эканликларидадир.

“Биз “уйсиз” халқ эдик. Отам доим шуни гапирарди. Бизнинг камбағаллигимизни кўрсатмоқчи бўлганида маъюслик билан бошини қимирлатиб, дерди: - Биз уйсизлар энди нима қиламиз?” [3].

Ижарага олинган уй ҳам уларга ўттиз минг афғонга гаровга берилганди. Бу ўттиз минг эса отанинг доим диққат марказида турар эди. Оиладаги ҳар бир гап айланиб келиб шу ўттиз мингга тақаларди. Ҳатто, уйқусида ҳам бир неча марта ўттиз минг ҳақида гапиргани, овқатланаётганида ҳам, ҳатто ўғли билан жанжаллашаётганда ҳам ўттиз минг ҳақида гапиравериши отанинг энг катта муаммоси сифатида тасвирланган. Баъзи-баъзида хурсанд бўлиб қолса, ён атрофига қараб худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, дерди:

“Ўттиз мингимиз бор, яна йигирма минг топсак яхши бўларди. Бу ўттиз мингга бир парча ер сотиб оламиз ва йигирма мингга уй қурамыз. Фақат яна йигирма минг....” [3].

Сюжетда образларнинг ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, симпатиялар ва антипатиялар бор экан, демак, ёзувчи ҳикояда ҳаёт зиддиятларини акс эттиради, бадиий тасвирлайди ва китобхонга етказди. Ҳаётини зиддиятлар ҳикояда ифода этилган ғоялар, тасвирланган характерлар ва кайфиятлар кураши тарзида кўчади ва у конфликт деб юритилади. Биз таҳлил қилаётган ҳикояда ҳам қаҳрамонлар муносабатидаги келишмовчилик ва зиддиятлар яққол намоён бўлади.

Шу вазиятда ҳикояда кескин бурилиш юз беришининг гувоҳи бўламиз:

“Отам уйқудан уйғониб қараса, пул жойида йўқлигини кўриб, ақлдан озай деди. Отам ҳудди камондан отилган ўқдек, ертўланинг эшигини очиб пастга тушиб кетди. Бир оздан сўнг ҳолсиз қайтиб чиқди: - Йўқ, бу ерларда йўқ. Ўттиз мингга топа олмади. Сўнг ўрнидан туриб, дераза томонга югурди, деразани очиб, ҳудди кўчада ким биландир гаплашаётгандек, бақирди. - Олиб кетибди, “Текинхўр” охир- оқибат ўттиз мингга олиб кетибди...” [3].

Ночор ота гўёки шу ўттиз мингга барча орзуларини, фаровон ҳаётини сотиб олмоқчидай эди, энди эса бор орзу-умидлари, уй ва тўкин ҳаёт булар учун ушалмас орзу бўлиб қолган эди:

“Отам деворга суяниб ўтириб олди, ханг-у манг бўлиб қолганди. Номаълум нуқтага тикилиб турарди. Бироз муддат шу аҳволда ўтирди, сўнг йиғлашга тушди: - Энди биз нима қиламиз... биз уйсизлар...” [3].

Шу ҳолатда ҳам ота “ўттиз минг бор эди-я, яна йигирма минг бўлганида ўзига тегишли бир уй сотиб олиши мумкин”лигини такрорлайди. Энди ўша ўттиз минг қиморхоналарда йўқ бўлиб кетишини ўйлаб, чуқур қайғуга ботиб қолган эди.

“Сўнг синглимининг юзига қараб, ўрнидан туриб уни меҳр билан бағрига босди, пешонасидан ўпиб деди: - Энди сизлар нима қиласиз... Уйсизлар... бошпанасиз қолдингиз... Буни кузатиб турган укам бошини эгиб, қимирлатарди, қиқир-қиқир кулгисининг овози деворларга урилиб, отамга қайтарди” [3].

Ҳозир олдида турган ҳамма нарсани олиб унга қараб отса керак, деб ўйлагандик, лекин, ундай бўлмади. Аксинча, олдида бориб, мулойимлик билан бағрига босиб, сочларидан ўпиб шундай деди:

“Бечора... Бечора болам... Сизлар энди нима қиласиз? Бу шаҳарда... Бу қарғиш урган шаҳарда...” [3].

Лаънатланган бу мамлакатда одамнинг кадр-қимматини “пул” белгилашини, энди уларнинг жамият олдида ҳеч қандай ўрни йўқлигини англаш отага қаттиқ таъсир қилиб, унинг оламдан кўз юмиши қуйидаги сатрларда намоён бўлади:

“Худди адоватини унутиб ухлаётгандек эди. Бироздан сўнг акам хурсанд ҳолда хона эшиги олдида пайдо бўлди. Юзидан бахт порларди. Отам ётганини кўриб, секин сўради: - Ухляптимми?”

Ҳеч ким жавоб бермади, баланд овозда деди: - Уйғотинг... Агар яна йигирма минг бўлганда уй эгаси бўламиз деган эди... Мен йигирма минг олиб келдим, йигирма минг...” [3].

Ўғли отасига қараб кеч қолганлигини тушунади. Ўғлининг йигирма минг олиб келганини ота гўё эшитгандай, юзида енгил табассум пайдо бўлгандек туюлади. Эҳтимол қарғишга учраган шаҳар устидан кулгандир. Оиладагилар эса шаҳарга ҳеч нарса бўлмаганини, қарғишга учраган уларнинг ўзлари эканлигини ҳаёлларидан ўтказар эдилар.

Ҳикоя асосида шуни айтиш мумкинки, ота образида ёзувчи жаҳлдор инсонни эмас, балки ўз оиласининг аччиқ қисмати, уни яхшилаш учун чора қидираётган инсонни, қарғиш теккан шаҳарда ўз орзусига эриша олмаслигига ачиниб яшаган, ҳаттоки, қўлида пули бўлса ҳам бирор-бир тайинли иш қила олмаган инсонни тасвирлаган. Оиладаги ҳар бир фарзанд характери орқали афғон жамиятидаги ёшлар ҳаёти, жамиятда юз бераётган воқеалар очиб берилади. Ёзувчининг кўп асарларидагидек, бу ҳикоя ҳам фожиали, яъни отанинг ўлими билан якун топади. Бу фожиалар эса афғон халқининг мудҳиш муаммоларидан бири эканлигини ёзувчи бош ғоя сифатида олиб чиққан.

Муайян муҳитдаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, кўнглида кечган туйғулар ўзгариши орқали қаҳрамон психологияси ва шу асосда давр психологияси инкишоф топади. “Қарғишга учраган шаҳар” ҳикоясида ҳам айнан ана шундай вазиятларнинг гувоҳи бўламиз.

Демак, ҳикоядаги воқеалар ва образлар тизими орқали афғон халқининг оғир қисмати, жамиятда ҳукм сураётган адолатсизлик ва келажакка бўлган ишончсизлик акс эттирилган. Бу қисмат ҳақидаги ёзувчининг мулоҳазаси ҳикоянинг “Қарғишга учраган шаҳар” деб номланишидаёқ ўз аксини топган.

Ёзувчининг яна бир ҳикояси “فریاد” - “Фарёд [4] ҳам кундалик ҳаётда учраб турадиган воқеаларга асосланган. Бу ҳикояда бошлиқнинг ишчиларга бефарқлиги кўрсатилиб, бошлиқлар олдида инсон умри, тақдири бир пул эканлиги ёзувчи томонидан моҳирлик билан очиб берилган.

Ёзувчининг юқоридаги ҳикояси каби “Фарёд” ҳикоясида ҳам реалистик метод услубидан фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳикояда воқеалар бошлиқ уйига келиши билан бошланади:

“Раис уйнинг зинасидан қийинчилик билан чиқар экан, қўлига иккита хат тутқазди. Бири идора ходимидан ва яна бири нотаниш шахсдан эди. Ажабланди. Биринчисини очиб, эътиборсиз ўқишга киришди” [4].

Биринчи хат ўз кўлида ишлайдиган ходими томонидан ёзилган бўлиб, унда ишдан бўшатилиши учун асосли сабаб йўқлигини баён этган эди.

“Ҳурматли бошлиқ, гапни қаердан бошлашни ҳам билмайман. Мен мана шу идоранинг ходимиман. Ҳа, мен бу ерда хизмат қилаётганимга 12 йил бўлди, лекин 2 кун олдин мени ишдан бўшатишди, ўйлашимча, сиз ҳам менинг тарафимни... Кечирасиз... Мен бир пайтлар 6-синфда ўқиётганимда, ўқитувчимиз хат ёзаётганингизда ёки гапираётганингизда бир сўзни кўп такрорламанг деб ўргатган эди. Аммо, мен бу хатимда “мен” сўзини бир неча марта такрорладим... Илтимос, кечиринг... Мени сиздан, сизнинг марҳаматингиздан умидим катта...” [4].

Шу ўринда ёзувчи Афғонистондаги ижтимоий муаммолар ҳали-ҳануз борлигини кўрсатишга уринади. Бечора ишчи ўзи ҳақида гапириши, вазиятини тушунтиришининг фойдаси йўқлигини билса ҳам, ночорлиги туфайли хат ёзиб авф этишларини кутади.

“Ҳақиқат шуки, мен ҳам беғуноҳ эмасман, аммо гуноҳим жуда кичкина. Жуда ҳам... Мен бу воқеани сизга айтиб беришим керак...”

Бу воқеадан хабардор бўлишингиз керак: Ҳақиқат шуки, мени ҳаммани ҳайратга солаётган онам бор эди. Яъни, ҳамма нега ўлмаётганидан ҳайрон эди. Уни тирик деб ҳам бўлмасди... Хўп, тўғриси шуки, у ўлим ва тириклик орасида эди” [4].

Бундан бир ҳафта олдин, ишчининг онаси жуда қаттиқ касал бўлиб қолганлиги, ярим маоши дори сотиб олишга кетганлиги, лекин бу ҳам унга ёрдам бермаслиги, кун бўйи онасига қараб ишга боролмай, эртаси кун ишдан эртaroқ жавоб олиб уйга қайтганида эса онасининг вафот этганлигини кўриб шундай дейди:

“Ҳа... менинг ҳаётим шундай қийин ўтарди. Икки кун олдин, эрталаб унинг аҳволи яхши эди. Мен ҳам ишга кетган эдим, иш билан банд эдим. Қасам ичаманки, мен сидқидилдан ишлайман. Шу заҳоти мудирнинг хонасига югурдим. Рухсатсиз - тан оламан салом-аликсиз, рухсатсиз кириб дедим:

- Онам ўлиб қолди... Менга рухсат берсангиз бориб, қабрга қўйиб келай?

Ўша пайт мудир менга бошдан-оёқ қараб чиқди, озғин гавдамга, кенг кийимимга назар солди, ранг-рўйи ўчган, озғин юзимга қараб деди: - Ҳар кун бир баҳона ўйлаб топасан, осон йўлини қидирасан!...”

“Ўша пайт мен беихтиёр кулиб юбордим; - Аблаҳ, нега ёлғон гапирарканман, рост айтяпман...” [4].

Тўсатдан мудирнинг жаҳли чиқиб, ишчига бақира кетди: *“Пасткаш... менга ҳурматсизлик қиляпсанми?!” [4].*

Сўнгра ишчи бошини ҳам қилганича хонадан чиқиб кетди. Сўнгра бечора ишчини, ишдан бўшатиб юборишди. Энди ночор қолган бир бечора нима қилсин? Олтига боласига нима ичириб, нима едирсин? Ахир ишламаса оиласи билан ўзи ҳам очлик йўқлиқдан ҳалок бўлишади-ку.

Шу ўй ҳаёллар билан раисга хат ёзган ишчини ҳолати орқали ёзувчи бутун афғон халқи шундай қийинчиликлар билан фарзанд тарбиялаётганлигини кўрсатмоқчидек назаримизда.

Ҳикоянинг сюжети шу жойга келганида ривожланиб, биринчи хат ўқиб бўлиши билан эсдан чиқариб, раис иккинчи хатни бирма-бир ўқишни бошлайди:

Бу хат нотаниш кимсадан келган бўлиб, у хатида шикоят ҳам илтимоси ҳам йўқлигини таъкидлайди. Хат ёзишдан мақсади кўрган тушини баён қилиш бўлади.

“Бу туш гарчи муҳим бўлмаса ҳам, аммо сиз ундан хабардор бўлишингиз керак. Кеча кечқурун ухлаётган эдим, бир туш кўрдим. Жуда кўп одам тўпланиб турганини кўрдим. Сиз келиб бинони очиб беришингиз керак экан. Мудирлар ва ходимлар келишибди. Озгина вақт ўтибди. Одамлар бетоқатлик билан сизни кутишарди. Тўсатдан ҳаммамиз сиз келаётганингизни кўрдик. Машинада эмас самолётда келардингиз. Ҳа, қуш каби парвоз қилардингиз. Қанот ўрнига қўлингизни қимирлатардингиз. Ҳамма қўлсилкита бошлади. Сиз келганингизга хурсанд бўлишди ва учаётганингиздан ҳайрон бўлишмадиҳам” [4].

Шу пайтда ҳикоянинг кулминацион саҳнаси бошланади.

“Ўринбосарингиз одамлар орасидан чиқди. Сизга қўлсилкитди ва иморатни очиш кераклигини ишора қилиб тушунтирди, аммо сиз пастга тушмадингиз, шу ҳолатда тепамизга келардингиз. Шу пайт одамлар орасидан бир ходим чиқди, ҳозир бу ходим ишдан бўшатилган. У озғин, юзида ранги йўқ, соқоли ўсиб кетган, кўйлаги кенг эди. Оҳиста ўринбосарнинг олдида бориб сўради: - Мен уни пастга тушираман?”

Шу пайт озғин одам ўқ ва камонини олиб. Ўқни камонга қўйиб, раисга отади. Ўқ тўппа-тўғри раиснинг бўйнига тегди, раис яраланган кабутардек ерга йиқилди. Мисли жуда катта ва гўштли кабутардек. Шу пайт ўринбосар оёғидан ушлади, раисни судраб бир чуқурликка ташлади. Кейин қайтиб келиб, қўлида ҳали ҳам камонини ушлаб турган ҳалиги ходимга таъзим қилиб деди: - Марҳамат очинг! Сўнг ўша ишчи бинони очди. Раис бегона кимса кўрган тушини ўқиб, терлаб кетди. Ҳўл бўлиб кетгандай ҳис қиларди. Юраги тез-тез урарди, секин ўзига-ўзи деди:

- Мени улоқтиришибди?... Мени улоқтиришибди?... [4].

Бир лаҳзада бутун ҳаёти кўз олдидан ўтди. Юраги ғаш бўлиб, бошини кўтариб, бир лаҳза шу нотаниш шахс ҳақида ўйлаб қолди. Сўнг беихтиёр ўзидан сўради:

- Ҳеч қачон бировга яхшилик қилмаган бўлсам? Шу пайт қаердандир овоз келди:

- Йўқ, йўқ... Ҳеч қачон... [4].

Ҳикоя муаллиф тили билан баён қилинади. Ҳикоя содда, тушунарли дарий тилида ёзилган. Раҳнавард Зарёбнинг ҳикояларининг ажралиб турадиган хусусиятларидан бири, сюжетнинг шиддатли ривожланиши, қутилмаган бурилишларга эгалигидадир.

Ҳикояда сюжет билан композициянинг ўзаро уйғунлашуви ҳикоядаги воқеа ва тасвирларни мазмунли ва таъсирчанлигини таъминлайди. Бундай уйғунлик Раҳнавард Зарёбнинг кўпгина асарларида, хусусан, таҳлилга тортилган “Қарғишга учраган шаҳар” ва “Фарёд” ҳикоялари мисолида яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, Раҳнавард Зарёб асарларида ижтимоий муоммоларни ишчи-деҳқонлар ҳаёти орқали ёритар экан, у мана шу соҳадаги инсонларнинг реал ҳаётини, уларнинг муаммоларини, руҳий ҳолатларини атрофлича ҳаққоний очиб беришга ҳаракат қилган.

Хулоса. Раҳнавард Зарёбнинг юқорида таҳлил қилинган психологик ҳикояларида, ҳаётнинг мураккаб синовлари бошига тушган инсонларнинг руҳий кечинмалари, изтироблари ёритилган. “Қарғишга учраган шаҳар” ҳикоясида яқин кишисидан айрилиш ҳодисасини инсоннинг ақл-ҳушига, руҳиятига фожиавий таъсири баён этилган бўлса, “Фарёд” номли ҳикояси ўзининг мураккаб сюжетлилиги билан сермазмунлиги, драматик нуқталарининг қизғинлиги билан ёзувчининг бошқа асарларидан кескин фарқ қилади. “Фарёд” ҳикоясининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда нафақат инсоннинг бегоналашуви, ёлғизлиги, шунингдек инсоннинг орзу-ҳаваслари, хоҳиш - истаклари масаласи баён этилган.

Бизга маълумки, меҳр-оқибат ва кадр-қимматнинг йўқолиши, ёлғизликка интилиши, фақат ўз манфаатини ўйлаши, кибр-у ҳаво ва манманлик каби салбий ахлоқий муаммолар барча адибларни доим қийнаб келган ва ўз асарларида бу муаммоларга

катта ўрин бериб келганлар. Раҳнавард Зарёб ҳам ўз ижодида мана шу умумбашарий муаммоларни ўзига хос бадий усуллар билан яратишга ҳаракат қилган. У “Фарёд” номли ҳикоясида ахлоқий муаммоларни мистик сюжет ва рамзий образлар орқали ёритган. Бу ҳикояларни таҳлил қилиб адибнинг бой фантазия ва кенг дунёқарашга эга эканлигини яна бир бор гувоҳи бўламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. **Раҳнавард Зарёб.** شهر طلسم شده“ (Асрлар қаридан келган садо)“ (Қарғишга учраган шаҳар) ҳикоясидан олинган. – Кобул., 1362. – Б. 1-11.
2. **Раҳнавард Зарёб.** فریاد“ (Фарёд) (Асрлар қаридан келган садо)“ (Асрлар қаридан келган садо) ҳикоясидан олинган. – Кобул., 1362. – Б. 3-31-41.
3. **Полякова Г.** Азам Раҳнавард Зарьяб “Портрет” и другие рассказы. – Москва, 1983. – С. 250-263.
4. **Маннанов А.М., Инамходжаев Р.** Современная дариязычная литература Афганистана. – Ташкент, 1986. – 263 с.

УДК 891.709

МИРҲАСАН САДОИЙ ИЖОДИДА ОРИФОНА ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна

СамДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: адабий муҳит, тасаввуфий қарашлар, ғоявийлик, бадий тимсол, комил инсон.

Ключевые слова: литературный круг, суфизм, идейность, художественный образ, совершенная личность.

Key words: literary circle, Sufism, ideology, artistic image, ideal person.

Ушбу мақола Қўқон адабий муҳитининг етук вакили Мирҳасан Садойи ижодидаги тасаввуфий қарашлар ва уларнинг бадий тимсоллардаги ифодасини ёритишга бағишланади. Шоир ижодида орифона қарашлар ва унинг мавзу кўлами қатор шеърлари таҳлили асосида ёритилади ҳамда комил инсоннинг бадий талқини тадқиқ этилади.

Данная статья посвящена рассмотрению понятия суфизм и его отражению в художественных образах в лирике видного представителя литературной среды Коканда Мирхасана Садаи. На примере ряда стихотворений раскрываются основные темы его поэзии и создание художественного образа совершенной личности.

The article is devoted to the consideration of the notion Sufism and its reflection in literary characters in the lyrics of Mirhasan Sadoiy, the prominent representative of Kokand literary circle. The views of the poet and the scope of the theme in his poetry are reflected through the analysis of his poems. The major themes of his poetry and the creation of the portrait of a literary character are disclosed in the article.

Кириш. Инсон ва унинг маънавий камолоти масаласи Садойи лирикасининг асосий мавзуси ҳисобланади. Шоирнинг орифона ғазалларида, бир томондан, унинг комил эътиқоди, тасаввуфий дунёқараши, баркамол фуқаролик жамияти ҳақидаги идеаллари ўз ифодасини топса, иккинчи томондан, уларда шоирнинг Шарқ мумтоз шеърляти анъаналари асосида шаклланган юксак бадий маҳорати намоён бўлади. Шоир шеърлятни фақат кишиларга бадий завқ берувчи ҳис-туйғуларни ифода этадиган бадий санъат туригина деб тушунмайди, балки унга ижтимоий ҳаёт муаммоларига фаол муносабат билдирувчи восита сифатида ҳам қарайди. Бу эса шоир меросининг бугун учун ҳам маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамияти кучли эканини кўрсатади.

Ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихини тасаввуф таъсиридан айри ҳолда тасаввур қилишнинг асло имкони йўқ. Чунки, тасаввуф миллий маънавий ҳаёт учун асосий эътиқод фалсафаси, ўзига хос мафкура эди. Тасаввуфнинг асл мақсади ахлоққа йўналтирилган.

Комил инсон ғояси бу таълимотнинг бош ғояси ҳисобланади. Ҳаётнинг ўзида шундай ғоя ва унга интилишнинг назарияси, кучли амалиёти бўла туриб, адабиётнинг бу таълимотга бефарқ бўлишининг иложи йўқ эди. Негаки, инсон ва унинг камолотига эришиш сўз санъатида асл мақсад янглиғ тарғиб этиб келинган.

XVIII - XIX асрлар Қўқон адабий муҳитида ўзининг содда, халқона асарлари билан диний-маърифий ғояларни тарғиб қилишда иштирок этган шоирлар ҳам бор эди. Зеро, мусулмон Шарқи, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётини маърифий талқинлардан холи ҳолда тасаввуф қилишнинг асло иложи йўқ. Маърифатнинг моҳияти – инсонпарварлик. Маърифий мавзудаги ҳамду наът, муножот, тавсифи чаҳорёр, тавсифи шоҳи шаҳидон, шариат аҳкомларининг шеърий шарҳ ва изоҳлари, ҳадисларнинг шеърий талқинлари каби асарлар ҳам, агар улар қуруқ баёндангина иборат бўлмай, инсонни тафаккур қилишга чорласа, орифона шеърият намуналари ҳисобланади. Орифона шеъриятнинг ана шундай намояндаларидан бири – Мирҳасан Садойи эди. Унинг халқона, содда шеъриятида орифона ғоялар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Унинг 2619/1 рақами билан сақланаётган тўлиқ ва мукамалроқ қўлёзма девони [2] мавжуд бўлиб, мақоламизда, асосан, ана шу қўлёзма девондан фойдаландик.

Назаримизда, девондан каттагина ўрин эгаллаган орифона, суфиёна шеъриятни мавзу моҳияти нуқтаи назаридан, яъни ўз-ўзини маломат руҳида ёзилган, риндона кайфият баён этилган ва орифона ғазаллар мағзи-мағзига даврон ва замона аҳлидан шикоят мотивлари сингдириб юборилган асарлар мисолида - уч ўзанда таҳлил этиш лозим.

Тасаввуфда маломатийлик солиқнинг ўз нафсини синдириш, мавҳ этиш йўлидаги ҳаракатларини ифода этувчи бир йўл, сулуқдир.

Бу мутасаввуфлар қарашида қуйидагича таъкидланади: "...Тасаввуф тарихида маломатиянинг аҳамияти катта бўлганини таъкидламоқ жоиз. Маломатия қаландарлик ҳаракатининг бошланишига туртки бўлди. Шариат расму қоидаларига риоя қилмайдиган, фақат ирфоний – ботиний маърифатни асосий инсоний фазилат деб биладиган, бепарво, надомату маломат, таъна ва таҳқирни писанд қилмайдиган ринди хароботий тасаввуф идеалига айланди ..." [1]. Шу ўринда келтириш жоизки, Садойи ижодида ҳам яссавиёна, машрабона руҳ яққол намоён бўлган:

Торттим бу дунё меҳнатин, бир зарра кўрмай роҳатин,
Юз минг жафоу жабр ила бу кўзларим ўйдим мано [2].

Шоир маломат мавзусини жуда кўп ғазалларида кўтариб чиқади. Ўзининг маломатийлардан эканлигини қайта-қайта қайд этади:

Ёғар бошимга ёмғурдек маломат тошидин сўргил,
Кўруб бу рўи зардимини кўзумни ёшиндин сўргил [2].

Садойи шеъриятида шу тариқа маломатийликнинг руҳи сезилиб туради. Тасаввуфда маломатийлик солиқнинг ўз нафсини синдириш, мавҳ этиш йўлидаги ҳаракатларини ифода этувчи бир йўл ҳисобланади.

Тасаввуф учун Қуръон – энг муқаддас манба, бу таълимот ана шу илоҳий китобнинг ботиний, яъни ички интуиция билангина билиш мумкин бўлган маъноларини англаш асосида шаклланган назария. Садойининг бир ғазалида лирик қаҳрамон ўқувчига, дунё мажозини била олмасанг, ҳақиқат сирлари файзини Қуръондан тила, тарзида маслаҳат беради:

Фикр айлаб, билмасанг асрори дунёи мажоз,
Файзи асрори ҳақиқатларни Қуръондан тила [2].

Садойи ўзининг бир ошиқона ғазалида ҳижрон ва фироқ ғамларидан шикоят этар экан, ноҳосдан ринд сифатида аҳли динга қарши ишқ аҳли тарафида бўлиб исён қилади:

Куфр элини хуш кўруб, зуннор боғлаб доимо,
Эмди мандек сокини майхона бўлгон бормукин? [2].

Бундай руҳдаги ғазаллар риндона ғазаллар дейилади. Риндона кайфият аксаран шоирнинг ошиқона ғазалларида намоён бўлади. У гўзал маъшуқа қошида турган мағрур ва мард ошиқнинг сиймосини чизади:

Ёрни ҳар субҳу шом ўйламакка айлаб изтироб,
Демагил номард, ҳаргиз мардларни(нг) мардиман.

Сан киму, эй зоҳидо, манга насиҳат айламак,
Ишқ устодини таълим айлаган шогирдиман [2].

Лирик қаҳрамон ғазалларида тасаввуфнинг юксак даражасини орзу қилади. Навоий ва бошқа шоирлар ижодида бўлгани каби Садоий шеъриятида ҳам ошиқлик зоҳидликдан устун кўрилади ва мана бу мисолда зоҳид зоғу зағанга, ошиқ эса булбулга қиёс қилинади:

Зоғу зағанни ҳаргиз булбулга қилма ташбеҳ,
Ошиқ эли қошида зоҳид эли чикоро?! [2].

“Найлайин” радифли ғазалида лирик қаҳрамон ўзининг ишқ дардидан беҳабар бўлган, шариат билан покиза юрган дамларини Эрам боғларида сайр этган булбулга қиёс қилар экан, қалбига ишқ чўғи тушгач, манзили бойқуш боласи янглиғ вайрона бўлганини, охириги маскани бутхона бўлганини “юз ҳайф” билан баён этади:

Мисли булбул сайр этар эрдим гулистони Ирам,
Чуғз янглиғ манзилим вайрона бўлди найлайин? [2].

Яна бир ғазалида шоир риндликни фавқулдда бир бадий лавҳа воситасида намоён этади. Ёрнинг қушлари менинг жонимни ов қилмоқ учун ҳаволаб учиб келсалар, - дейилади, жумладан, ғазалда, – мен кўкрагимни уларнинг заҳарли минқорлари (тумшуқлари) учун кенг очаман:

Қушлари келса ҳаволаб, бул мани жоним учун,
Кўкрагимни ман очарман заҳрлик минқориға.
Ёр айтур бўлсалар, қилсам тавофи Каъбаға,
Бир назар солсун Садоийдек дили афғориға [2].

Садоий ишқий лирикасида бундай байтлар кўп учрайди. Аммо, девондан ўрин олган бир якпора ғазал – бошдан-оёқ ринд шарҳи ҳолидан, Шарқ сўфиёна тафаккурининг диний бир шоир ижодидаги ўзига хос ифодасидан иборат. Ғазалнинг ҳар байтида “ошиқ” сўзи илтизом қилиниб, издивож (бир сўзни турли шаклларда ишлатиш) санъати асосида риндона фикр - мушоҳадалар изҳор этилади:

Бўлиб масту **жунун** ошиқ агар майхонага кирса,
Бўлур, албатта, ул обод, агар вайронага кирса, –
Ки ошиқ **ишқидан** қилса агар ҳар қайсига таъсир,
Ўзин тутмай урар ўтқа, ўзин (?) парвонага кирса.
Қадамни қўйса **ошиқларки**, бу бутхона сориға,
Ҳама бутлар қилур сажда, агар гирёна кирса.

Жунун аҳлини айб этмангки, бу девоналик бирла,
Чиқиб Эрону Турондин, агар Фарғонага кирса.
Ҳама **ушшоқ эли** бир дам такаллум айласа ногоҳ,
Қолур зоҳид эли ҳайрон, агар афсонага кирса.
Садоий бу **жунун** бирга бўлуб гирёну ҳам нольон,
Чиқорур унларин ҳар масжиду майхонага кирса [2].

Бу ғазалда ишқни фақат кенг, яъни тасаввуфий маънода тушуниб талқин этсаккина шоир кўзда тутган асл маъно - мақсадни тўғри англай оламиз.

Модомики, гап бу ерда тасаввуфий шеърят ҳақида борар экан, бир нарсага аниқлик киритиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Агар ёр тимсолида зимдан Аллоҳ кўзда тутилган, ошиқ ўзини сўфий тарзида намоён этган, анъанавий тасаввуфий тимсоллар қўлланган бўлса, бундай шеърлар тасаввуфий талқинларга тортилиши мумкин. Аммо, шариатнинг ўзида ҳам Аллоҳга муножот қилиш, ундан ўзи ва бошқалар учун нималарнидир илтижо қилиб сўраш бор. Буни, ҳатто, маросимлардаги дуоларда ҳам кўп бор учратамиз. Агар шеърда шундай муножотлар бўлса-ю, тасаввуфий шеърятнинг юқорида санаганимиз хусусиятлари бўлмаса, бундай асарларни тасаввуфий адабиёт намунаси деб ҳисоблай олмаймиз. Масалан, қуйидаги ғазал-муножот, унда анъанавий ёр тимсоли йўқ, аксинча, лирик қаҳрамон Тангри таолога тўғридан - тўғри (яъни Ҳайю Субҳоним, Худоё, ё Илоҳо, подшоҳо, ё Раб, султоним каби ундалмалар билан) мурожаат этади, унга банда сифатида ялиниб- ёлворади:

Раҳм қил ман хастага, эй Ҳайю Субҳоним манинг,
Икки олам сандин ўзга йўқтур дармоним манинг.

Дарғаҳингга йиғласам ушлаб яқомни гоҳлар,
 Сан қабул этгин, Худоё, оҳу афғоним манинг.
 Ё Илоҳо, подшоҳо, бандайи бечораман,
 Кабзае йўқтур танимда жисм ила жоним манинг.
 Бўлса ҳукминг манга, ё Раб, бемаҳал қилсам сафар,
 Ул бузуқ кунларда қил, ҳамроҳи иймоним манинг.
 Бу Садоий эшикингда ястаниб, афтодаҳол,
 Қил мадад мандек йиқилғон кулга, султоним манинг [2].

Бу ғазалда лирик қаҳрамон ошиқ эмас, балки бир мусулмон банда. Шунинг эсдан чиқармаслигимиз керакки, Худога бандалик ва уни дилдан севишлик – ҳар бир мусулмоннинг иши, Худога хос ошиқлик – сўфийнинг иши. Сўфий Аллоҳни худди киши ёрини севгани каби, ҳатто, ундан минг чандон ортиқ севади. Тасаввуфий шеърятда эса лирик қаҳрамон ўқувчи кўз ўнгидан ошиқ тарзида намоён бўлади - Садоийнинг мана бу байтларидаги каби:

Дилбаро, кимдин сўрарман, умр ила солинг санинг,
 Маҳв бўлдум бир кўруб Ой юздаги холинг санинг.
 Ман сани(нг) шаънингда кўрдум бул ажаб нақшу нигор.
 Икки олам ўхшасам ҳеч кимга тимсолинг санинг.

Қуръа солдиму рақам чекдим мисрайи холинг учун,
 Етти кат кўк устида кўрдумки иқболинг санинг.
 Билмади ҳаргиз Фалотун бирла Луқмони ҳаким,
 Қолдилар ҳайрон бўлуб, билмоди қил- қолинг санинг [2].

Бу ғазалнинг тасвир объекти – дилбар. У биринчи сўзданоқ ўқувчига маълум қилинган. Кейинги байтлардаги тасвир ҳам шунга мос равишда давом этади. Агар кимдир шеърни тоза дунёвий маънода, яъни ошиқнинг бир инсонга ишқи тарзида ҳам англаса, моҳиятан ҳеч нарса ўзгармайди. Аммо, зукко ўқувчи яхши англаб турадики, мажозий ишқ замирида ақиқий ишқ илинжи ётибди.

Мирҳасан Садоий шеърятини тасаввуфдан холи ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳаттоки, тасаввуфий талқинлар шоир ижодининг бош йўналишини белгилаб туради. Шоир асарларидаги тасаввуфий талқинларда моҳиятан нақшбандия тариқатининг асосий ғоялари тарғиб қилинган.

Садоий шеърларидаги мажозий ишқ замирида ҳақиқий ишқ кўзда тутилган. Тасаввуфий шеърда лирик қаҳрамон ошиқ сифатида намоён бўлади. Бироқ, Мирҳасан Садоий девонида бир мусулмон банда сифатида Аллоҳга илтижолар акс этган муножотлар ҳам мавжуд. Уларни тасаввуфий шеър сифатида талқин этмаслик керак.

АДАБИЁТЛАР

1. **Комилов Н.** Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr, O'zbekiston, 2009. – 448 б.
2. **Садоий, Мирҳасан.** Девон. – Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инвентарь – № 2619/1.
3. **Садоий, Мирҳасан.** Девон. Нашрга тайёрловчи Муҳитдинова Н. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 168 б.
4. **Қаюмов А.** Қўқон адабий муҳити. X жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 278 б.
5. **Ҳомидий Ҳ.** Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 205 б.
6. **Қайюмов П.** Тазкираи Қайюмий. III жилдлик, 3-жилд. – Т., – 1998. – 712 б.



*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак – шоирларнинг султони дур.*

И.А. Каримов

«SAMANDARDEK UL O`TDIN KULGA BOTTI BULBULI SHAYDO»

Sayliyeva Zarina Rahmiddinovna

BuxDU magistranti

Alisher Navoiy g`azallarida zohiriy va botiniy ma`nolar silsilasi mavjudligi hech kimga sir emas.

*Zihi husnuning zuhuridin tushub har kimga bir savdo,
Bu savdolar bila kavnayn bozorida yuz g`avg`o.
Seni topmoq base mushkuldurur, topmaslig` osonkim,
Erur paydoling`ing pinhon, vale pinhonlig`ing paydo.
Chaman otashgahiga otashin guldin chu o`t solding,
Samandardek ul o`tdin kulga botti bulbuli shaydo.
Quyoshg`a goh qizarmoq, goh sarg`armoq erur andin,
Ki sun`ung bog`ida bor ul sifat yuz ming guli ra`no.
Ne ishq bo`ldi beorom ko`zgu aksidek Majnun,
Yuzi ko`zgusida aksini ko`rguzmadi Laylo.
Nedin yuz gul ochar ishq o`tidin bulbul kabi Vomiq
Yuzingdin gar uzori bog`ida gul ochmadi Uzro.
Kalomingni agar Shirin labida qilmading muzmar
Nedin bas la`l erur Farhodning qon yoshidin xoro.
Malohat birla tuzdung sarvqadlar qomatin, ya`ni
Ki, mundoq zeb birla ul alifni aylading zebo.
Qanoatning dalilin inzivo qilding yana bir ham
Dalil ushbuki, qoni` harfidin xalq aylading anqo.
Navoiy qaysi til birla Sening hamding bayon qilsun,
Tikan jannat guli vasfin qilurda gung erur go`yo.*

Navoiyning bu g`azali "Badoyi" ul-bidoya" devonida ikkinchi o`rinda turadi. G`azal hamd mazmuniga ega bo`lib, unda bevosita Haqqa murojaat qilinib, uning qudrat va sifatleri tarannum etilgan. G`azaldagi so`zlarning hammasi ramziy ma`nolarga ega. Ulardan ayrimlarining ma`nolarini ko`rsatib o`tamiz. Juda ko`p hollarda so`zlarning ramziy-botiniy ma`nosi so`z birikmasi yoki butun gap doirasidagina ayon bo`lganligi uchun bizning bu lug`atimiz ham so`z va so`z birikmalaridan iborat.

Husnuning zuhuri - borliq, dunyo; butun koinot va undagi bor narsa, go`zalliklarning barchasi Haqqi mutlaq sifatlarining tajallisi sifatida.

Savdo tushmoq - Haq husniga maftun bo`lib, unga erishish yo`llarini izlamoq.

Kavnayn bozori - hayot yo`li.

G`avg`o - har kimning o`z tashvishi bilan bo`lishi. Boshqalarga e`tibor bermay, o`z yo`lidan borishi.

Topmoq mushkul - Haqning moddiylikka ega emasligi sababli ko`zga ko`rinmasligi, Haq taolloning ko`z, quloq, sezgi bilan topib bo`lmasligi.

Chaman otashgahi - koinot, borliq va undagi narsalar.

Otashin gul - borliqdagi go`zalliklar, haqning go`zalligi tajallisi.

Bulbuli shaydo - tariqat ahli. Haqqa yetishishni istovchilar.

Samandar - isman boru, jisman yo`q.

**Ko`zgu** - Haq tajallisi, Haq sifatleri aksini ko`rsatuvchi vosita.

Sun`ung bog`i - borliq, koinot va undagi yaratilmish narsalar.

G`azal hamd mazmuniga ega bo`lganligi uchun unda Haqqi mutlaqning sifat va qudrati yuqorida ko`rsatilgan ramziy ma`nolar orqali tarannum etiladi. Lekin, g`azalning ma`rifiy mohiyati bu bilan cheklanmaydi. Ma`lumki, tariqat bu - Haqqa yetishish yo`li. Foni insonning abadiy Haqqa qarab me`roji – yuksalish yo`lidir. Juda ko`p tariqatlarda uning maqomlari yettitagacha mavjud bo`ladi:

1. Talab
2. Ishq
3. Ma`rifat
4. Istig`no
5. Tavhid
6. Hayrat
7. Fano.

Fariddin Attor ham “Mantiq ut-tayr”da Haq me`roji bosqichlarini yuqoridagidek belgilaydi. Ma`lumki, Alisher Navoiy yoshligidanoq “Mantiq ut- tayr”ga berilib, shunga monand asarni yaratishni umr bo`yi maqsadi deb bilgan. Bu haqda “Lison ut-tayr” da shunday yozadi:

*Munchakim nazm ichra qildim ishtig`ol,
Xotirimdin chiqmas erdi bu xayol, —
Kim bu daftarga berib tavfiq haq,
Tarjuma rasmi bila yozsam varaq.*

Shuning uchun Navoiyning 1468-70-yillarda hali o`ttizga kirmagan paytda yaratgan “Badoyi` ul bidoya” devonidan o`rin olgan bu g`azal buyuk mutafakkir fikrini to`la tasdiqlaydi.

Bu g`azaldagi 11 baytdan deyarli har birida tasavvufning, insoniy me`roj bosqichining o`ziga xos xususiyati va mavzusi Suyima G`aniyeva, Hamid Ne`matovlarning “Navoiy asarlarida tasavvuf ohanglari” maqolalarida berilgan va biz uni takrorlab o`tirmadik.

G`azalning birinchi bayti talab vodiysi mavzusida yozilgan. Unda haq go`zalligi va qudratining namoyon bo`lishi va inson ongini qamrab olishi, Haqqa ishtiyoqi haqida gap boradi.

G`azalning 2-3-baytlarida Haqqa yetishish oson emasligi, bu yo`lda chekish lozim bo`lgan qiyinchiliklar, ya`ni ishq holati tasvirlanadi.

To`rtinchi bayt – ma`rifat vodiysi. Maqomi holatiga, gulday kamtarin va “arziyas” narsada Haq san`ati qudratining quyoshday ulkan va buyuk narsadan ko`ra ko`proq shaklda mujassamlanganligi tavsiflanadi.

5-8-baytlar Istig`no maqomi holatiga mansub bo`lib, Layli yuzida – Haq yuzi, Shirin labida – Haq kalomi, Uzro yuzida – Haq go`zalligini, sham o`tida Haqni ko`rish va shu cheklangan tajallilar vositasida Haqni topish majoziy va haqqoniy ishq orasidagi munosabatlarni to`g`ri tushunish va baholay olish, cheklanganlikda cheklanmaganlikni ko`ra olish va shu bilan qanoat qilish holati tavsiflanadi.

9-bayt – Tavhid maqomi holatidir. زيبا ning o`zi ham go`zal qomat, ham zebdir. Go`zal qad l (alif) زيب dan, زيب esa go`zal qad l (alif) dan ayri-ayri emas.

10-bayt. Hayrat maqomida haqiqatan qanoat قنعة dan anqoni hosil qilish hayrotomuz narsa.

Oxirgi baytda foniylilik ramzi – tikan, abadiylik – boqiylik ramzi –jannat gulini bir-biriga solishtirib bo`lmasligiga bag`ishlangan.

G`azalning yuqorida berilgan ma`rifiy talqinidan ko`rinib turibdiki, bu g`azal Mir Alisher Navoiyning “Lison ut-tayr” dostonining ixchamlashtirilgan tezisidir. Butun tasavvuf mohiyatini muallif shu g`azalda mujassamlashtira olgan. Zero, mumtoz adiblar tasavvufning mohiyatini ochib berishda ikki yo`ldan borganlar:

1. Sof orifona - Ahmad Yassaviy, Sulayman Boqirg`oniy...
2. Badiiy-ma`rifiy - Sa`diy, Hofiz, Jomiy, Navoiy.

Biz tahlilini bergan g`azal ikkinchisiga mansub bo`lib, mazmun va mohiyat ramziy shakl va hodisalar bilan berilgan.

УДК 336.71

ШАРҚ ИЛМ-ФАН РИВОЖИНИНГ ОЛТИН ДАВРИДА ҚАДИМИЙ ВА ҒЎЗАЛ ДИЁРИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Авлиякулов Низом Хаятович

Бухоро шаҳри, техника фанлари доктори

Таянч сўзлар: олий таълим, жаҳон цивилизацияси, олтин давр, илм-фан, жамият тараққиётининг жадаллашуви, вакуфнома, олий мадраса.

Ключевые слова: высшее образование, мировая цивилизация, золотая эпоха, наука, интенсивное развитие общества, вакуфнаме, высшее медресе.

Key words: higher education, world civilization, golden era, science, intensive development of society, vakufnoma, higher madrasa.

Бизнинг қадимий ва ғўзал диёримизда IX-XI асрларда олий таълимнинг вужудга келиш омиллари ҳолисона ёритилган ва тарихий манбалар асосида исботланган.

В статье на основе исторических фактов отражены предпосылки становления высшего образования в IX-XI веках на территории нашей древней и прекрасной земли.

The establishment of higher education in our ancient and beautiful country in IX and XI centuries are reflected in the article and proved on the basis of historical sources.

Кириш. Мустақиллик улуғ неъмат. Фақатгина истиқлол шарофати билан бизнинг юртимиз жаҳон цивилизациясининг тарихий ривожига бетақдор ҳисса қўшганлигини намоён қилишга имконият пайдо бўлди. Бугунги кунда “Бизнинг қадимий ва ғўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда” [1]. Шу билан бирга биринчи президентимиз И.А. Каримов “... шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимиз меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур...” деб вазифани белгилаб берганлар [1].

Улуғ аجدодларимиз меросининг чуқурроқ ўзлаштирилиши юртимиз жаҳон цивилизацияси шаклланиши ва ривожига улкан ҳисса қўшганлигини, биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни ва давлатимизнинг буюк келажагини қурилишига мадад беришини теран англашига имконият беради.

Тарихан жаҳон цивилизацияси узлуксиз босқичма-босқич энг аввало илм-фан негизида шаклланди ва юксалмоқда. Унинг ривожланишдаги энг муҳим босқичларидан бири олий таълимнинг вужудга келишидир. Зеро, олий таълимнинг асосий мақсади жаҳон цивилизация ривожини жадаллаштиришдан иборат.

Табиийки, ҳеч нарса ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Шу боис олий таълимнинг вужудга келиши ҳам ўзига хос тарихий омилларига таянади. Катта мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, **жаҳон цивилизациясининг кўп минг йиллик тарихида IX-XI асрлар муҳим аҳамияти билан ажралиб туради. Бу давр Шарқ илм-фан ривожининг ҳақиқий олтин даври сифатида намоён бўлди.**

Мазкур давр бутун дунё фани ривожига ва умуминсоний цивилизацияга қиёслаб бўлмайдиган даражада таъсир ўтказди.

Қишлоқ хўжалигига ҳам, тоғ ишларига ҳам, ҳунармандчилик тармоғига ҳам, шаҳарсозликка ҳам, савдо соҳасига ҳам, ишлаб чиқариш кучларининг шиддатли ривожини, аниқ ва табиий фанлар, жамоатчилик фикри ва адабиётнинг жадал ривожига замин яратди. Бу билан чамбарчас боғлиқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан, ҳунармандчиликни ажралиб чиқиш жараёнини жадаллашуви натижасида шаҳарлар кенгайиб ва кўпайиб кетди. Ушбу даврда, жумладан, Бухоро шаҳри ҳудуди 10-15 мартага, Самарқанд шаҳри ҳудуди 3-4 мартага кенгайди [5].

Шаҳар, энг аввало, саводхонлик маркази эди, шунинг учун шаҳарларда педагогик ва тадқиқодчилик, тилшунослик, диний таълимот анъаналари ривожланган эди.

Шаҳарларда табиблар ва доришуносларга эҳтиёж катта эди, шаҳар *тиббиёт ва фармокология* ривожини учун катта моддий имкониятлар яратди. Бу эса ўз навбатида қатор табиатшунослик фанлари – ботаника, зоология, минерология, кимёнинг ривожланишига олиб келди. Бўёқлар, сопол, шиша, қоғоз ишлаб чиқарилиши ҳам минералогия ва кимё фанларининг ривожланишига сабаб бўлди.

Астрономия – вақт хизмати учун ҳам, картография учун ҳам, диний маросимлар ўтказиладиган биноларни дунё томонларига кўра жойлаштириш учун ҳам зарур эди. Шаҳарлар ва карвон йўллари йўналишлари ва жойлашувларини аниқлаш фақат астрономия ва география ёрдамида мумкин эди.

Математика фанлари, айниқса геометрия ҳунармандлар учун ҳам, қурилиш техникасининг тараққиёти учун ҳам, меъморчилик учун ҳам зарур эди.

Геометрия ва меъморчилик шу даражада бир-бири билан боғлиқ эдики, ўша даврдаги араб тилида «геометро» ва «архитектура» бир сўз билан ифодаланар эди.

Меъморчилик (архитектура) Шарқда математика фанлари жумласига киритилган эди, чунки у геометрия ва ҳисобларга таянарди. Бундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, Шарқнинг машҳур меъморий обидалари – меъморлар ва математикларнинг биргаликдаги ижод маҳсулидир. Бунга IX асрда Бухоро шаҳрида бунёд этилган, Марказий Осиё меъморчилиги дурдонаси Сомонийлар мақбараси яққол мисол бўлади.

IX–XI асрларда фаннинг жамият учун аҳамияти шу даражада кўтарилдики, ҳукмдорлар ва уларнинг ноиблари ўз саройларини олимлар, шоирлар, мусиқачилар билан тўлдириш одатий ҳолга айланиб қолди.

Шаҳарларда жадаллик билан китоб омборлари ва кутубхоналар пайдо бўла бошлади. Бозорларда кўлёзма китоблар савдоси чаққонлашди, машҳур олимларнинг маърузалар курси ўтказилар эди, ҳукмдорлар саройида турли фанларга оид мунозаралар ва илмий маърузалар мунтазам ташкил этилар эди. Сомонийлар даврида Бухоро «*шуҳратга бой, салтанатнинг муқаддас шаҳри, даврнинг буюк инсонлари йиғиладиган жой*» [4] деб эътироф этилган эди. Сомонийлар кутубхонасини Ибн Сино қуйидагича ифода этади: «*Мен ўтмишдошлар китоблари рўйхати билан танишдим, кераклиларини сўраб олдим. Мен у ерда шундай китобларни кўрдимки, уларнинг номини кўпчилик эшитмаган, ўзим ҳам уларни аввал кўрмаганман ва ундан кейин ҳам кўрмадим. Мен уларни ўқидим, улардаги барча фойдали нарсаларни ўргандим ва ҳар бир олимнинг ўз фани бўйича ўрнини англадим*» [4].

Бундан хулоса қилиш мумкинки, мазкур кутубхона дунёнинг энг бой кутубхоналаридан бири бўлган.

Фан давр эҳтиёжларини тўла қондира олди. Бунда машҳур олимлар: Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синоларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим. Уларнинг ёрқин илмий фаолияти дунё фанини мисли кўрилмаган янги тарихий босқичга олиб чиқди ва бугунги кунда ҳам ғурурланишга асос бўлмоқда. Шунинг учун ҳам биринчи президентимиз И.А. Каримов «... *заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим*» [1], деган эдилар.


Уларнинг илм-фан ривождаги нуфузи шу қадар юксак эдики, уларнинг исми-шарифи ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди. Биринчи бўлиб бундай шуҳратни Аҳмад Фарғонийнинг исми шарифи топди: «*Европада Аль-Фраганус номи билан машҳур бўлган бу алломанинг илм-фан ривождаги нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исми шарифи ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди*» [1]. XX асрда Ойдаги яна уч кратер 1970 йил Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, 1973 йил Муҳаммад Мусо Хоразмий номлари билан аталди.

Шаҳарларнинг шиддатли тараққиёти шаҳар аҳолисининг асосан ёшлар ҳисобидан кескин ўсишига олиб келди. **Ишлаб чиқариш кучлари ва фаннинг жадал ривожланиш шароитлари, табиийки, таълим ва ўқитиш тизими олдида бутунлай янги**

вазифаларни қўйди. Пировард натижада умумий таълим, узлуксиз таълим ғоялари пайдо бўла бошлади.

Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синоларнинг доҳийликлари ва юзлаб уларнинг истеъдодли замондош олимлари туфайли аниқ ва табиий фанлар даражаси шундай тарихий юксакликка кўтарилдики, улар ишлаб чиқариш кучлари, цивилизация ва жамият тараққиётининг энг муҳим таркибий қисмига айланди. Бу ўша давр таълим тизимида мазкур фанлар ўрганилишининг илк бор мажбурийлигини белгилаб берди. Яъни ўқитилаётган диний фанларга дунёвий фанлар ҳам қўшилди.

Бизнинг буюк ватандошларимиз математика, физика, кимё, астрономия, геодезия, тиббиёт, фалсафа, география, тарих ва ўша замонда маълум бўлган деярли барча фанларнинг гуркираб ривожланишини таъминладилар. **Улар замондан асрларга ўзиб кетдилар, вақтни асрларга яқинлаштирдилар**, умуминсоният цивилизацияси ривожига ва жамият тараққиётининг жадаллашувига туртки бердилар, уларнинг таълимоти фаннинг ва билимлар кўламининг кейинги ривожланиш траекториясини – экспонентани белгилади (1- расм) [3].



1- расм. Инсониятнинг уч минг йиллик ривожланиш даврида билимлар кўлами ортишининг схемаси

A – билимлар шаклланишининг антик даври, B – Шарқ фанининг олтин даври, C – уйғониш, D – илмий-техник тараққиётнинг космик эраси.

Фанларнинг жадал ривожланиш заруриятини ўсиб келаётган иқтисод ва жамиятнинг тараққиёти талаблари тақозо этди. **Фанлар ривожига эришилган янги тарихий даража ва унинг ишлаб чиқариш кучлари жадал ривожланиши учун зарурияти аниқ ва табиий фанларга ўқув фанлари мақоми берилишига олиб келди.** Бу эса, **Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино таълимотларининг яна бир тарихий аҳамиятини эътироф этади.** Улар илмий фаолиятнинг тарихий натижалари, таълим даражасининг юксалишига ҳамда ривождаги янги тарихий босқичга чиқишига хизмат қилди.

Натижада жамиятнинг таълим ва ўқитиш мазмунига нисбатан муносабатиди кескин бурилиш содир бўлди, чунки дунёвий фанларнинг ўрганилиши жамиятнинг ҳам маданияти, ҳам ишлаб чиқарувчи кучлари, ҳам иқтисоднинг самарали ривожига имкон яратди. Ушбу тарихий даврда халқнинг дунёқараши ва маданияти, таълим ва ўқитиш тизимидаги тараққиёт, ўз моҳиятига кўра, Европада бўлгуси Уйғониш даври XV асрлар учун ғоявий ва илмий шарт-шароит яратганлиги билан характерланади.

Шундай қилиб, тарихий-илмий ютуқлар натижасида IX – XI асрларда дунёвий фанлар илк маротоба таълим ва ўқитишнинг тўлақонли таркибий қисмига айланди, турли хилдаги ўқув юртлари жадал ривожлана бошлади.

IX – XI асрларда шаклланган ўқув муассасаларининг турлари XX аср бошигача деярли ўзгаришсиз қолди. Улар мактаб (мактаб – «арабча» ёзадиган жой, моҳиятига кўра бошланғич мактаб), мадраса («арабча» дараса – ўрганиш) ва олий мадраса эди.

Олий мадрасаларда тақдим этиладиган таълимнинг мазмуни жуда юқори даражада бўлиб, илмий кузатишлар ва тадқиқотлар ҳам бажарилган. Шунинг учун олий мадрасаларда жуда қобилиятли ёшлар таҳсил олишган. Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида мадраса ва олий мадрасалар IX–XI асрларда ташкил этилган. Бу ҳақда анча маълумотлар мавжуд. Мана улардан бири: Сомонийлар давлатининг X аср бошларидаги вазирларидан бири Абу Абдулло Жайхоний (вафоти йили 941 йил) ўзининг «Ашъол ал-олам» китобида *«Мовароуннаҳр, жумладан, Самарқанд аҳлининг доимий одати зиёфат ташкил этиш, рабоблар қуриш, хайриялар бериш, масжид ва мадрасаларга вақф сифатида мол-бойликларини сарф этишдан иборатдир»*, деб ёзади [6].

Баён этилган ушбу фикрнинг эътиборга лойиқ томони мадраса ҳақидаги эслатмадир. Зеро, бу IX–X асрларда мадрасаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи тарихий маълумотдир.

Самарқанд тарихига бағишланган асарларда IX–X асрларда бу шаҳарда 17 та мадраса ва олий мадраса фаолият кўрсатгани ҳақида маълумотлар келтирилади.

Афсуски ушбу маълумотларни тасдиқловчи мадрасаларнинг вакуфномалари ҳозиргача топилмаган. Айнан шу даврда олий мадрасаларнинг вужудга келишига диншуносликда – Имом Бухорий, математикада – Муҳаммад Мусо Хоразмий, астрономияда – Аҳмад Фарғоний томонлардан эришган тарихий оламшумул ютуқлари ҳам таъсир этган деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур ўқув юртларининг IX–XI асрларда жадал ривожланиш сабабларидан бири жамиятнинг дунёвий фанларга – аниқ ва табиий фанларни эгаллашга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқдир. Мазкур фанлар ўша даврда «адаб» деб аталувчи умумий тушунча остига йиғилган эди: араб олими Ханна ал-Фахури буни қуйидагича изоҳлайди: *«IX аср ва ундан кейинги даврда мазкур ибора билан фан ва санъатнинг бутун гуруҳи тушунилар эди, жумладан, фалсафа, математика, тарих, генеология, шеърят каби билимнинг қатор бошқа соҳалари. Улар инсон тафаккурини бойитади ва ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказишга қодир»* [5].

«Адаб» ибораси ушбу изоҳнинг ўринли эканлигини қуйида келтирилган фикрдан ҳам кўриш мумкин: *«Адаб институти фанлар ҳақида турли маълумотларни берар ва IX–XI асрларда маданий инсонлар дунёқараши ва меъёрларини белгилар эди. Шаҳар зиёлилари адаб адабиётидан кенг фойдаланар, ундан география, тарих, фалсафа, математика, дин ва этикага доир зарурий билимларни олар эдилар. Мазкур адабиёт унга бўлган етарли даражадаги катта эҳтиёж туфайли, турли ҳажмларда, китоб бозорларида пайдо бўлар эди»* [5].

Фан ва санъатнинг «адаб» тушунчасига кирувчи гуруҳи XI асрда ўқув фанлари мақомига эга бўлгани ва олий мадрасалар фаолият кўрсатгани ҳақидаги яна бир маълумот узоқ ўтмишдан бизгача етиб келган Самарқанд ҳокими Тугжажа Буграқорахоннинг (1040–1068 йй. бошқарган) вақфномаси (1065–1066 йй.) ҳисобланади [5]. Унда мадрасани ташкил этишга доир қуйидаги далолатнома келтирилади: *«... (Подшоҳ) мадрасани ташкил этиш ҳақида буйруқ берди, у фан ва дин кишиларининг йиғиладиган жойи бўлиши лозим. Мадраса Машад соғонасига ёндаштириб қурилиши ва у масжид, машғулотлар, Қуръон ўқитиш заллари, кутубхона, оммавий Қуръон ўқиш зали, адаб ўқитиш учун кичик хоналар, ҳовли, боғлардан иборат бўлиши даркор. Бу ишлар учун у хайрли ишларни амалга оширишда илм-фан талаблари бўйича қонуний шарт-шароитларни яратди»*. Вақфномада ҳамма замонларда мадрасанинг мадраса ёки олий мадраса деб мақоми кўрсатилмас эди. Шунинг учун қуйида олий мадрасаларнинг фарқли белгиларини келтириб ўтиш ўринлидир.

Биринчидан, бу ташқи белгилар:

- одатда, у улкан, ҳашаматли меъморий мажмуа. Тасодифан эмас, ушбу меъморий ёдгорликлар ҳозирги пайтда ҳам республикаимизнинг диққатга сазовор тарихий жойларидан ҳисобланади;
- талабаларнинг кўп сонлиги, одатда 100 нафардан ортиқ.

Тугжажа Буграқорахон мадрасаси олий ўқув юртларига қўйиладиган энг юқори талабларга мос қурилганини, унда жойлаштирилган махсус аудиториялар – машғулотлар учун оддий заллар, Қуръонни оммавий ўқиш учун маъруза заллари, адаб ўқитиш учун заллар мавжудлигидан хулоса чиқариш мумкин.

Иккинчидан, бу ўқитиш (таълим) мазмуни:

- “адаб”нинг тўла ҳажмда ва жуда юқори савияда ўқитилишининг мажбурийлиги;
- юқори илмий ютуқлар соҳиби, машҳур олимлар жумласидан иборат бўлган ўқитувчилар таркиби, шунинг учун уларнинг маоши диншунослик бўйича маъруза ўқувчи мударрисларнинг маоши доирасида бўлиши.

Барча замонларда бериладиган маош сарфланган меҳнатнинг сифати ва миқдорини ўзида акс эттиради. Шу асосда Тугжажа Буграқорахон мадрасасида адаб мақоми, адаб бўйича бериладиган билимларнинг тўлаллиги ва даражаси ҳамда ўз навбатида адаб ўқитувчиларининг салоҳиятини илмий ва диний фанлар ўқитувчилари учун ўрнатилган маошнинг нисбий миқдорига кўра хулоса чиқариш мумкин.

Бу ҳақда мадраса вақфномасидан маълум бўлдики, диний фанлар ўқитувчилар каби «адаб» ўқитувчиларга ҳам муносиб иш ҳақи ўрнатилган эди.

Диний фанлар доимо энг юқори даражада ва тўла ҳажмда ўқитилишини ҳисобга оладиган бўлсак, шу йўл билан худди шу даражада ва ҳажмда «адаб»дан сабоқ бериш талаб этилган деб хулоса чиқариш мумкин. Маълумки, бундай талаблар фақат олий таълим тизимига хосдир.

«Адаб»га баланд мақом берилиши ва ўқитувчилари учун ўрнатилган маош миқдори, шубҳасиз, мазкур ўқув юрти олий маълумот тақдим этувчи олий мадраса эканлигидан далолат беради. Вақфномада тақдим этиладиган маълумотнинг мазмуни бўйича ушбу олий мадраса замонавий университетнинг прототиби деб хулоса чиқаришга ҳам асос бўлмоқда.

XI асрнинг биринчи ярмида олий таълим фаолияти учун энг зарурий шарт-шароитлар юқори даражада яратилган эди. Булар қуйидаги шароитлар эди:

- буюк ватандош олимларимиз ва Хоразмдаги Маъмун академияси томонидан фанларнинг деярли барча соҳалари бўйича юзлаб ва минглаб олимлар тайёрланганлиги;
- Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино таълимотлари шаклланиб бўлганлиги, унинг натижасида ўша даврда маълум бўлган барча фанлар юксак тарихий босқичга кўтарилганлиги;
- Муҳаммад Мусо Хоразмий, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар томонидан ўқитиш назарияси – дидактиканинг илк маротаба илмий асосларни яратилганлиги. Ушбу замоннинг умумлашган ўқитиш принципларига қуйидагиларни киритиш мумкин [3]:
 - * *Ўқитишнинг мақсадга йўналтирилганлик, тизимлилик ва кўрсатмалilik принциплари (Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий);*
 - * *Таълимнинг изчиллик принциплари (Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий);*
 - * *Ўқитишни ўқувчиларнинг имконияти даражасида ташкил этиш принциплари (Ибн Сино);*
 - * *Ўқув материаллини ўқувчилар томонидан мустақкам эгаллаш принциплари (Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий);*
 - * *Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш принциплари (Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий);*
 - * *Тарбия ва таълимнинг яхлитлик принциплари (Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий);*
 - * *Назариянинг ҳаёт билан боғлаш принциплари (Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Ибн Сино);*

* Ўқитишнинг жамоавий характери ва ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш принципи (Ибн Сино).

Умумлаштирилган Шарқ ўқитиш принциплари (IX–XI асрлар) ва Я.А. Коменскийнинг (XVII аср) «Буюк дидактика», ҳамда замонавий (XXI аср) ўқитиш принципларининг қиёсий таҳлилидан қуйидаги хулосани шакллантириш мумкин:

IX–XI асрлар Шарқнинг буюк олимлари ва мутафаккирлари педагогик меросидан келиб чиқадиган ўқитиш принциплари моҳияти жиҳатидан «Буюк дидактика» ва замонавий ўқитиш принципларининг асосий ирмоқларидир.

Айнан шу даврда таълим тизимида Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино таълимотлари олимлар томонидан анча ўрганиб бўлинди ва кенг қўлланила бошланди. Ушбу таълимотлар негизида ифодаланган олий таълим тизими ғоят юқори, дунё даражасида эди. Бу эса бутун дунёни ва биринчи навбатда европаликларни ўзига жалб этди.

Франциялик машҳур профессор Карл Сеньобос бу ҳақда шундай дейди [9]: «Ўн биринчи асрда Европа ва мусулмон дунёси бир-бирининг мутлақо акси эди: Европа шаҳарлари кичкина, аянчли ҳолатда, унинг қишлоқлари бутунлай харобага айланган кулбалардан иборат; ҳеч ким унинг йўлларида ўлим қўрқуви остида ўн фарсанг ҳам йўл боса олмасди; Мусулмон дунёси эса Боғдод, Сурия, Миср ва Испаниядагидек гуллаётган шаҳарлар, мрамрли саройлар, такомиллаштирилган фабрикалар, мактаблар, машҳур мадрасалар ва фаровон бозорларга эга эди; унинг чўллари томошабинга қадамба - қадам янги шаҳарларни, ҳаёт учун зарурий маҳсулотлар – йиғилган ҳосилни кўрсатадилар. Четки Испаниядан Туркистон чегарасигача доимо савдо карвонлари ҳаракат қиладилар; европаликлар мусулмонлар маданиятини чин юракдан олқишлаб, уларнинг шаҳарларига илмий билимлар олиш учун келар ва уларни олар эдилар. Европаликлар мусулмонларга яқинлашишлари туфайли тараққиёт сари олға ҳаракат қилдилар.

Мусулмонлар фанлар ва билимларни юнонлар, форслар, ҳиндулар ва хитойликлардан тўплаб ва унга ўзларидан кўп нарса қўшиб, охир-оқибатда буларнинг барчасини европаликларга тақдим этдилар».

Табиийки, европаликлар Шарқ мадрасаларда биринчи навбатда дунёвий фанларни ўзлаштирганлар. Европаликларнинг дунёвий фанлар даражаси ва ҳажмига оид талаблари фақат олий мадрасаларда қониқтирилар эди. Бу эса мамлакатимиз ҳудудида XI асрда олий мадраса фаолият кўрсатганлиги ҳақидаги яна бир далилдир, унда дунёвий фанлар юқори жаҳон даражасида ўқитилар эди. XI асрда европаликлар Шарқ ва Ғарб маданиятлари орасида кўприк кура бошладилар, бу эса XII асрда Европада университетлар яратилишига замин ҳозирлади.

Бинобарин, Тугжажа Буграқорахон мадрасаси – олий мадраса вақфномаси Ўзбекистон ҳудудида 1066 йилда олий таълим муассасаси ташкил этилганидан далолат берувчи тарихий ҳужжат эканлиги, мутлақо равшан бўлади. Мазкур олий мадрасанинг вориси деб, ҳақли равишда Самарқанд Давлат университетини ҳисоблаш мумкин.

Хулоса. Тугжажа Буграқорахон мадрасаси – олий мадраса вақфномаси бизгача етиб келган ҳужжатларнинг энг сўнггиси эканлигини, унинг илмий таҳлили ҳамда ушбу даврдаги ватанимиз ҳудудида илм-фан эришган юксак натижаларни ҳисобга оладиган бўлсак, 1066 йилни ватанимиз олий таълимининг вужудга келган йили деб, ҳисоблаш мумкин.

1. Бизнинг ҳудудимизда XI асрда олий таълимни вужудга келиши ҳамда дунёда олий таълим ривожланишига яққол таъсир этилиши, жаҳон цивилизациясининг юксалишига юртимиз яна бир тарихий ҳисса қўшганлигидан дарак беради.

2. Фанимиз ва таълимимизнинг буюк ўтмиши Ватанимизнинг мустақиллиги ва юртимизда яратилган имкониятлар шароитида фанимиз ва таълимимиз буюк келажагининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Ал-Бухорий. «Ҳадис». I том. «Илм китоби». – Т., 1992. – 560 б.
3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Дидактика бошланиши. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 132 б.

4. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – Т.: Фан, 1992. – 428 с.
5. Булатов М. Мавзолей Саманидов – жемчужина архитектуры Средней Азии. – Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1976. – 182 с.
6. Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасайи олия – университет тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: А. Қодирий, 2001. – 183 б.
7. Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сины. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 428 с.
8. Салдадзе Л. Ибн Сина (Авиценна). Страницы великой жизни. – Т.: Изд-во им. Г. Гуляма, 1985. – 404 с.
9. Фитрат А. Рассказы индийского путешественника. – Т.: Фан, 2007. – 98 с.

УДК П-96

РЕАЛИЯЛАР ЁХУД АМЕРИКАНИЗМЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Мавлонова Ўғилой Ҳамдамовна

БухДУ Чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Қодиров Даврон Ҳошимович

БухДУ Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: реалия, коннотация, эквивалентсиз, лексика, неологизм, тил, маданият, маҳаллий реалия, даврий колорит.

Ключевые слова: реалия, коннотация, безэквивалентная, лексика, неологизм, язык, культура, местная реалия, периодический колорит.

Key words: realia, connotation, without an equivalent, lexis, neologism, language, culture, local realia, periodical colouring.

Мақолада инглиз тилидаги реалия (американизм)лар тушунчаси, уларнинг турлари ва қўлланилиши ҳақида баён қилинган.

В статье рассматриваются понятие “реалии” на английском языке (американизмы), его виды и употребление.

The article deals with the notion of realia(americanism) in the English language, its types and usage.

Кириш. Мамлакатшуносликка йўналтирилган лексикани тадқиқ қилган рус олими Г.Д. Томахин америкача инглиз тили варианты тадқиқотида “денотатив реалия” ва «коннотатив реалия» атамаларини ишлатади. Денотатив реалиялар Г.Д. Томахиннинг таърифига кўра қиёсланаётган маданиятда мос равишдаги сўзга эга бўлмаган ва ўша маданиятга хос предмет ҳамда ҳодисаларни белгилайдиган тил фактларидир. Коннотатив реалиялар денотативга тескари равишда қиёсланаётган маданиятнинг муқобил предметларидан бирон нарсаси билан фарқ қилмайдиган предметларни англатади.

Таржимашуносликда реалия сўзларни белгилаш учун тадқиқотчилар томонидан куйидаги тушунчалар киритилган:

- эквивалентсиз лексика – тил доирасидан ташқари, шу тилга тааллуқли эквиваленти бўлмаган сўзлар (Г.В. Чернов, А.В. Федоров);

- экзотик лексика – географик ва тарихий реалияларни ифодаловчи лексик бирликлар (А.Е. Супрун);

- пробеллар (лакунлар) – бир халқ маданияти учун одатий, аммо бошқа маданиятда кузатилмайдиган ҳолатлар (И.И. Ревзин, В.Ю. Розенцвейг);

- варваризмлар – хориж урф-одатлари, турмуши ва рўзғорига доир хусусиятларни тасвирлашга имкон берадиган ҳамда маҳаллий колоритни яратишга ёрдамлашувчи сўзлар (А.А. Реформатский) [1];

- этномаданият лексикаси (этнолексемалар) – муайян бир халқнинг ўзга хос маданияти тўғрисида одамларнинг тарихий-этник жамоавийлиги сифатида билимлар тизимини тавсифловчи лексик бирликлар (Л. А. Шейман);

• алиенизмлар – экзотизмларнинг стилистик функциясини ифодаладиган ҳаммага маълум бўлмаган тиллардаги сўзлар (В.П. Берков).

Баъзи тилшунослар реалияларга барча миллий жамиятнинг давлат тузumi ва тарихининг ўзига хос фактларини, унинг географик муҳитини ўзига хослигини, ўтмиши ва ҳозирга тааллуқли рўзгорга доир буюмларни, этнографик ва фольклор тушунчаларни эквивалентсиз лексикага тегишли ҳисоблайдилар.

Одатий реалиялардан ташқари тадқиқотчи қиёсланаётган тилларда ўхшаш тушунчаларнинг информатив мос келмаслигини аниқлаган ҳолда эмоционал-экспрессив обертонларда, ички сўз шаклларида, сўз маъноси компонентларида ўзининг моддий ифодасини топадиган ассоциатив реалияларни ажратиб кўрсатади.

С. Влахов ва С. Флоринлар реалияларни бир халқ учун хос, аммо бошқа халқ учун бегона бўлган маданияти, тарихи, турмуши учун хос объектларни атайдиган, сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олган махсус ибора категорияси сифатида таърифлайдилар. Тадқиқотчилар таржима жараёнида реалияларга алоҳида ёндашиш лозимлигини таъкидлайдилар, чунки реалиялар миллий ва тарихий колоритни ифодалаб, ўзга тилларда аниқ бир муқобилга эга эмас.

Умуман олганда, юқорида келтирилган дефиницийлар, биз кўриб чиқаётган “реалия-сўз” тушунчасини бошқа тил ва маданиятларда эквиваленти бўлмаган миллий, тарихий ҳамда рўзгорни тасвирловчи, “бегона” маданият элементларини ифодаловчи тил бирликлари сифатида тавсифлайди.

Лингвистика ва таржимашуносликдаги мавжуд “реалия” атамасини солиштириб, уни тил бирлиги сифатида кўриб чиқамиз. Реалия тил бирликларининг қайси категориясига тааллуқли деган саволга ягона бир фикр мавжуд эмас. Бироқ кўпчилик олимлар (А. В. Федоров, С. Влахов, С. Флорин ва б.) реалиялар семантик жиҳатдан баробар бўлган алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари билан ифодаланиши мумкин деб ҳисоблайдилар [2].

Сўз сифатида реалиянинг грамматик шакли унинг маълум бир нутқ қисмига тегишлилигига ва тилнинг грамматик тузилишини ўзига хослигига боғлиқ. Тилшунослар С. Влахов ва С. Флориннинг кузатувларига кўра кўпгина реалиялар от бўлиб келади (имена существительные), чунки улар предмет ва ҳодисаларни номини англатади. Шунингдек, реалия деб сифатдошларни ҳисоблаш мумкин, уларнинг маъноси бевосита реалия маъноси билан боғлиқ бўлади. Ясалмаган реалиялар (Непроизводные реалии) нутқнинг бошқа қисмлари орасида жуда кам учрайди.

Таржимашунослик атамаси сифатида реалия мазмунини аниқлаш мақсадида уни лексиканинг бошқа синфлари фонида кўриб чиқиш зарур. Реалиялар атамалар билан энг кўп умумий хусусиятларга эга. Реалиялар атамалар сингари кўпинча бир маънодаги, синонимлардан холи ва ҳодиса, тушунча, предметларни номлайдиган сўз бирикмаларини англатади. Икки синф орасида чет тилларига хос бирликлар, шунингдек, тарихий жиҳатдан маъноси чекланган бирликлар мавжуд.

Реалияларни атамалар билан таққослаганда фарқланувчи белгилари сифатида миллий ва тарихий ранглари ҳамда бадиий адабиёт билан боғлиқлигини ҳисоблаш мумкин. Кўриб чиқилган лексик категориялар бошқа тилларга кириб бориш услубига кўра ҳам фарқланади: атама ОАВ ва адабиёт орқали бошқа тилга киради, атама эса предмет номи билан тарқалади.

Келиб чиқишига кўра реалиялар сўзларни табиий яратиш орқали вужудга келади, атамалар эса сунъий равишда, кўпинча лотинча ва грекча сўзлар асосида ёки мавжуд сўзларнинг ўзга маъно касб этиши йўли билан яратилади.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳолатларда реалиялар атамаларга ўтиши ва аксинча ҳолат кузатилади; шунингдек, бир пайтнинг ўзида ҳам реалия, ҳам атама деб санаш мумкин бўлган бирликлар категорияси мавжуд. Шунинг учун тушунчаларни чегаралаш мақсадида матн мазмунига таяниш лозим.

Дунё тили ва маданиятларини солиштиришда мос келадиган ва келмайдиган унсурлар ажралиб туради. Маданиятнинг таркибий қисми саналган тил мос келмайдиган унсурлари сирасига киради. Солиштириладиган тиллар қанчалик ўзига хос бўлса, қанчалик унинг тарихида маданий алоқалар камроқ бўлса, шунчалик улар бир-биридан бутунлигича ёки қисман фарқ қилади. Мос келмайдиган унсурларга эквивалентсиз лексика билан

белгиланадиган предметлар ва бир тилга хос сўзлар ҳамда бошқа тилда мавжуд бўлмаган ёки сўзларда фарқ қиладиган коннотациялар киради.

Реалия бу фақат муайян миллат ва халқларга тегишли бўлган моддий маданият ашёлари, тарихий фактлар, давлат институтлари номи, миллий ва фольклор қаҳрамонларининг исмлари, мифологик мавжудотлар ва бошқа номлардир [1]. Тилларни чоғиштирганда ушбу ҳолатларни англатувчи сўзларни эквивалентсиз лексикага киритадилар. Эквивалентсиз лексика бошқа маданиятда мавжуд бўлмаган ва қоидага кўра бошқа тилга битта сўз билан таржима қилинмайдиган, ўзига тегишли тил доирасидан ташқарида муқобили бўлмаган тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар ҳисобланади. Одатда таржимонлар узун(кенг) таърифларга таянишга ёки ўзларининг неологизмларини таклиф қилишларига тўғри келади. Масалан: **виктрола – Victrola** (муайян маркадаги аппарат; **Victor** – радио ва телеаппаратура ишлаб чиқарувчи фирма номи); **букмекер – book-maker** (пойга пайтида томошабинлар тикадиган пулни қабул қилувчи киши); **родстер – roadster** (усти очиладиган икки ўриндиқли машина).

Эквивалентсиз лексика тилларни солиштирганда осон аниқланади, чунки унда мазкур тил томонидан воқеликнинг бўлиниб кетиш спецификаси ва маданиятнинг ўзига хослиги яққол намоён бўлади. Агар эквивалентсиз лексикага нафақат кундалик турмуш реалияси белгиларини, балки давлат сиёсий тузуми, халқнинг маданий ҳаёти ва ишлаб чиқариш турли соҳаларининг ўзига хос номланишини киритсак, ҳар бир халқ тилидаги реалиялар сони янада ошади.

Тил ва маданиятларни солиштирганда англанадиган (реалиядан ташқари) ва англатувчи (шаклдан ташқари) орасидаги фарқни ажратиш кўрсатиш мумкин. Англанадиганлар ўртасидаги фарқ қуйидаги ҳолатларда кузатилади:

1. Бир тил жамоасига хос реалия бошқасида мавжуд бўлмайди. Масалан: **Am. Drugstore** – дорихона; **Yellowpages** – телефон маълумотномасининг сариқ рангли қоғозли тижорат бўлими [2].

2. Реалия икки тил жамоасида ҳам мавжуд бўлади, аммо бирида у алоҳида ёки махсус ҳолда ифодаланмайди. Масалан: **Am. Cloverleaf** – беда япроғи кўринишидаги автотўл чорраҳаси [3].

3. Турли хил жамиятларида бир-бирига ўхшаш вазифалар ҳар хил реалиялар (турли хил реалияларнинг функционал ўхшашлиги) воситасида амалга оширилади. Масалан: **Am. hotdog** - иссиқ сосискали бутерброд; **Am. Sodafountain** - музқаймоқ кафеси [4].

4. Ўхшаш реалиялар функционал жиҳатдан фарқланади. Масалан: **cuckoo`scall** - “каккунинг сайраши” америкаликларнинг ишончига кўра қиз боланинг турмушга чиқишига неча йил борлигига ишора қилади, русларда эса инсон қанча умр кечиришини билдиради.

Қиёсий лингвоўлкашуносликда солиштирилаётган тилдаги сўзларнинг лексик маъносидан бутунлай ёки қисман фарқ қилувчи, тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи, маданияти, иқтисоди ва турмуш тарзи билан боғлиқ предмет ёки ҳодисани ифодаловчи сўзлар реалиялар ҳисобланади.

Реалияда тил ва маданият ўртасидаги яқинлик намоён бўлади. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида бўладиган ўзгаришлар тилда реалия вужудга келишига олиб келади. Лексика ижтимоий ҳаётнинг барча ўзгаришларига ўз таъсирини кўрсатиши сабабли тилда янги реалияларнинг пайдо бўлиш пайтини аниқ айтиш мумкин.

Тилда “коннотатив сўзлар”ни лексик бирликнинг ўзига хос типи сифатида ажратиш шак-шубҳасиз мақсадга мувофиқдир, чунки коннотациялар, яъни сўзларга ҳамроҳлик қилувчи стилистик, эмоционал ва мазмуний фарқлар ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди, улар сўз маъноларидан бирига боғланади.

Реалиянинг бошқа сўзлардан фарқли томони шуки, реалия ифодалайдиган предмет, тушунча, ҳодиса бир томондан халқ билан ва бошқа тарафдан вақтнинг тарихий бўлаги билан яқин алоқаси ҳисобланади. Бунда миллий, маҳаллий ёки тарихий колоритнинг реалияга хослиги кўриниб туради.

Маҳаллий диққатга сазовор жой номлари маҳаллий реалияга мисол бўлади. Бундай жойлар, ҳатто, ўз ҳудудидан ташқарида машҳур бўлишига қарамай (баъзан миллий маданият фондида кирган ҳолда), айнан ўша жой билан боғлиқ ҳолда эсланади. Масалан: **Cabildo – Кабилдо** (Янги Орлеандаги испан генерал губернаторининг собиқ резиденцияси),

Alcatraz – Алкатраз (Сан-Франциско яқинидаги шу номли оролда жойлашган собиқ қамоқхона) ёки **FreedomTrail – “озодлик маршрути”** (Шимолий Америка мустамлакаларининг мустақиллик учун кураши билан боғлиқ тарихий ёдгорликларни кўриш билан Бостон шаҳрининг марказий қисми бўйлаб ўтайдиган сайёҳлик маршрути) [5].

Реалия алоҳида жамоа ёки муассаса доирасида чегараланган бўлиши ҳам мумкин. Асосан талабалар ва ҳарбийлар жарғони бундай реалияга бойдир. Баъзи бир жаргонизмлар локализм ва профессионализмлар даражасига ўтиб кетади.

Даврий колорит ҳам реалияга хосдир. Маданият билан чамбарчас боғлиқ тил ҳодисаси сифатида ушбу лексик бирликлар жамият тараққиётидаги барча ўзгаришларга тез таъсир қилади. Улар орасидан неологизм, историзм ва архаизм реалияларини осонгина ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан: 1950-60 йилларда АҚШда ёш авлоднинг исёни тилда **beatnik, beatgeneration** (чарчаган, синган, кўнгли совиган авлод; **битниклар**) каби сўзларнинг пайдо бўлиши билан акс этади. 50-йилларда вужудга келган бу реалия аввало неологизм сифатида қабул қилинди, кейин аста-секин бошқа тушунча **hippie (хиппи, замонавий буржуа жамияти ахлоқи ва турмуш тарзини рад этувчи ҳамда ўз проткстини ғайриодатий кийиниши ва феъл-атвори, ўзини тутиши билан ифода этувчи ёшлар)га** алмашди.

1969 йиллар охирида АҚШнинг Массачусетс штатида жойлашган унча катта бўлмаган **Chappaquiddick (Чаппаквиддик)** ороли номи машҳур бўлган. У ерда 1969 йил 18 июль куни ярим тунда бир қарашда оддий кўринадиган автоҳалокат юз берди. Сенатор Эдвард Кеннеди бошқараётган машина кўприқдан пастга қулаган ва у билан бирга бўлган котибаси Мэри Копечни машинадан чиқа олмай чўкиб кетган. Бу ҳодисадан Э. Кеннедининг сиёсий рақиблари фойдаланишган ва Чаппаквиддик сўзи АҚШ президентлиги лавозимида Э. Кеннедининг номзоди ҳақида гап борганда матбуот саҳифаларида пайдо бўларди.

1970 йиллар охирида АҚШнинг кўпгина юқори лавозимидаги шахслари, шу қаторда конгрессменларнинг порахўрлик билан шуғулланганлиги фош бўлди. ФҚБ жосуслари араб шайхларининг кийимида уларга йирик миқдорда пул бериб қўлга олишган. Бу нарса янги реалия **Abscam** (жиноятчилик билан курашиш бўйича махфий операциянинг қисқартирилган номи **“Arabscam”**)ни вужудга келтирди.

Реалия атамасининг кенг қўлланилишига қарамай, тадқиқотчилар на лингвистикада, на методикада реалияни таърифловчи етарлича аниқ тамойилларнинг йўқлигини ҳамда ушбу реалияларни белгиловчи тил бирликларининг хусусиятлари умуман ўрганилмаганлигини таъкидлашади.

“Реалия” сўзи латинча сўз бўлиб, “ашёвий, ҳақиқий” деган маънони англатади. Бу сўз билан биринчидан, сўзнинг номинатив тушунчаси учун асос бўлиб хизмат қиладиган моддий маданият предметлари ва иккинчидан, халқнинг маънавий қадриятлари ва урф-одатлари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши ва маданий-ижтимоий аънавалари билан боғлиқ абстракт моҳиятлар, яъни тили ўрганилаётган ўлканинг турмуши, маданияти, тарихига алоқадор барча реал фактлар ифодаланади.

Филологияда икки хил реалия тушунчаси мавжуд:

1) реалия бошқа тилларда учрамайдиган маълум бир халқнинг ёки мамлакатнинг турмуш тарзи, маданияти ва тарихи учун хос бўлган предмет, ҳодиса ёки тушунчадир.

2) шундай предмет, тушунча ёки ҳодисани англатувчи сўз, шунингдек, шундай сўзларни ўз ичига олган сўз бирикмаси (фразеологизм, мақол, ҳикматли сўз)дир.

АДАБИЁТЛАР

1. Томахин Г.Д. Реалии – американизмы. – Москва: Высшая школа, 1988. – 5 с.
2. Мюллер Б.К. Англо-русский словарь (53000 слов). – Москва: Русский язык, 1988. – С. 226-810.
3. Cassel Popular English Dictionary. Over 110000 words. – London: England, Brockhampton Press. 1997. – 151 p.
4. Мюллер Б.К. Англо-русский словарь (53000 слов). – Москва: Русский язык, 1988. – С. 346-664.

УДК 1(091)(55)

МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИДА САБР ВА ШУҚР ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЛҚИНИ

Музаффаров Фируз Давронович

БухДУ Фалсафа кафедраси мустақил изланувчиси

Таянч сўзлар: сабр, шуқр, қаноат, қалб, ахлоқ, хулқ, ҳавойи нафс, ибодат, итоат, илм ва амал.

Ключевые слова: терпение, благодарение, удовлетворение, душа, нрав, поведение, молитва, послушание, наука и практика.

Key words: patience, gratitude, contentment, soul, morals, behaviour, greed, worship, obedience, science and application.

Мақола ўрта аср мусулмон оламининг даҳо мутасаввиф-файласуфи Муҳаммад Ғаззолий таълимотидаги сабр ва шуқр масаласи таҳлилига қаратилган.

Данная статья посвящена анализу проблемы терпения и благодарности в суфийской философии Мухаммада Газзали, который является гением средневекового мусульманского мира.

The article is devoted to the analysis of the concept of patience and contentment in the Sufi philosophy of Muhammad Ghazali, the genius of the Middle Age Muslim world.

Кириш. Сабр - қаноатдаги устиворлик хусусиятига эга тушунча. Тасаввуфий адабиётларда сабр - инсоннинг яхши ва ёмон ҳолатларнинг барчаси Оллоҳ томонидан берилганини англаши ва шунга тан бериши. Яхши ҳоллар учун шуқр, ёмон ҳолларда шикоят қилмаслик сабрнинг ўзига хос шартларидан биридир.

Ғаззолий “Мукошафат ул-қулуб” асарида сабр фазилати ҳақида: “Аллоҳ Қуръоннинг салкам тўқсон жойида сабрни зикр этган, бир қанча даражаларни ва яхшиликларни сабр билан боғлаган, маънавий юксалик ва хайрларни сабрнинг самараси қилган ва сабрлилар учун ҳеч бир кимсага ҳозирламаган неъматларини ҳозирлаб қўйган” [1], деб ёзади.

Ғаззолий башариятга мурожаат этиб, “Азиз биродарим, билиб қўйки, “машруъ” йўлда зўр бериб, ишлагани ҳолда, яна фақирона яшаётган кимса сабр-қаноатли бўлиши, таъмагир бўлмаслиги, кўзи бошқаларнинг мол-мулкида бўлмаслиги ва ғайриқонуний фойда топиш йўлларида бош уриб кетмаслиги ҳам керак”, деб уқтиради.

Мутафаккир ўзининг сабр тўғрисидаги фикрларини “сабр нурдир” [4], деган ҳадис асосида таҳлил этади. Унинг эътирофича, сабр қийинчиликлар арқони маҳкам бўлиб, у қаттиқ келса ва мусибатлар узоқ муддат кетма-кет келса, сабр қилишгина инсон учун адашиб қолишдан ҳимоя қила оладиган ва умидсизликдан тўхтатиб қола оладиган ягона чорадир. Ғаззолий инсон ўз дини ва дунёсида “сабр” деган фазилатга албатта муҳтож бўлади, деб кўрсатади. Унингча, инсон ўз амаллари ҳамда орзуларини “сабр қилиш” асосига қурмоғи лозим.

“Билинг! Чиндан ҳам сабр инсонга хос хусусиятлардан биридир. Ҳайвонлар беақл бўлгани учун уларда шаҳват кучлилигидан сабрни тасаввур этиш қийин. Фаришталар ҳам баркамолликлари учун уларда ҳам сабр тасаввур қилинмайди. Чиндан ҳам фаришталар Парвардигор шавқи учун бундай сифатлардан озод этилган. Уларда Парвардигордан қайтарувчи бирон-бир шаҳват (майл) ҳукмронлик қилмайди. Ҳатто, Парвардигордан уларни тўсувчи бир тўсиққа муҳтожлик ҳам йўқ”, дейилади манбада [3].

Аллома мулоҳазаларига кўра, инсон ёшлигининг ибтидосида ҳайвон каби ноқис яратилган. Инсонда ўзи муҳтож бўладиган овқат шаҳвати пайдо бўлади. Сўнгра унда ўйнаш ва безак-зийнат истаги зоҳир бўлади, кейин эса уйланиш истаги вужудга келади. Унда ҳали сабр қуввати мавжуд бўлмайди. Агар ақли ривожланиб, кучайса, ажратиш

ёшига етишида унда ҳидоят асослари нури кўринади. Бу балоғат ёшига боргунга қадар аста-секин ўсиб ривожланади.

Бу ҳолатни Ғаззолий қуйидагича тушунтиради: “Бунинг мисоли қуёш гардиши чиққунга қадар тонг нури кўриниб турганига ўхшайди. Лекин, бу ҳидоят мукамал эмас, уни охират фойдаларига йўллашда муршиди йўқ. Агар инсон шариат билимини ўрганса, унда охиратга тааллуқли нарсалар жилваланади ва қуроли кўпаяди. Аммо, инсон табиати хоҳлаган нарсасини тақозо этади, шариат ва ақл боиси ман қилади. Буларнинг ўртасида кураш давом этади. Бу муарака майдон жанг майдони” [3].

Мутафаккир инсон хатти-ҳаракатларининг қалбга таъсири борасида фикр билдириб, уларни ахлоқ билан боғлайди. Унинг эътирофича, ҳар бир ҳаракатдан бир сифат пайдо бўлиб, қалб шу сифат билан таскин топиб инсонни боқий оламга етаклайди. Айнан шундай сифатларни Ғаззолий ахлоқ деб ҳисоблайди.

Ғаззолий қалбнинг шаффофлиги ахлоқийлик билан боғлиқ эканлигини айта туриб, ахлоқ қалбни хасталик ва зулматдан сақловчи кўрғон сифатида кўради. Зеро, қалб ойнасида ҳақиқатнинг кўриниши бу ахлоққа боғлиқ.

Хуллас, сабр шаҳватнинг муқобили бўлиб, диний ишончдан иборат. Бундан шу нарса аёнлашадики, инсон ёмон кўрган ишларининг натижаларини ишонч билан кутишида, ҳар қанча оғир бўлса ҳам, қийинчиликларга бардош беришида шубҳа қилмайдиган қалб билан, қайғу қамрамайдиган ақл воситасида ўзини чиниқтириши лозим.

Инсон одатда ҳақиқатни инкор қилиб, унга дуч келган мусибатларга чидамаслик қилади, алам-ситам етса, даҳшатга тушади. Сабр қилиш ғазабини келтирадиган бирор иш содир бўлса, инсон табиати жазавага тушиб, у ҳалқумига етади. Бирон иш қийнаса, умидсизлик етса ёки бирор мусибат келса, ер ҳар қанча кенг бўлса-да, унинг учун ер тор, узун кунлар эса танг бўлиб қолади. Кўраётган мусибатидан тезроқ сабрсизлик билан чиқиб кетишни хоҳлаб қолади. Одатда бундай ҳолатдан чиқиш қийин бўлади. Шу сабабли Ғаззолий “уфқда кетма-кет кўринаётган булутлардан саросимага тушманг! Ундан кейин уфқнинг соф бўлишига, инсоннинг бундай маҳкам туришида ва ишончида қандайдир ҳикмат борлигига ишонинг” [4], дея уқтиради.

Демак, инсон ҳар қандай ҳодисаларга очиқ қалб ва пухта тайёргарлик билан пешвоз чиқиши мақсадга мувофиқ иш ҳисобланади.

Ғаззолий сабрни иккига ажратади:

1. Бадан сабри.
2. Ҳавойи нафс тақозоларидан нафсоний сабр қилиш [5].

Мутафаккир бадан сабри деган вақтда, баданга тушган оғир машаққатни кўтарганга ўхшаш ҳолат, шунингдек, ибодат ва бошқа нарсалардан бўлган оғир-қийин амалларни бажариш кабиларни назарда тутаяди. Ҳавойи нафс билан боғлиқ сабрни таҳлил этган вақтда, уни бир неча қисмга ажратади. Сабр агар қорин ва жинсий аъзо шаҳватидан бўлса, бу ифбат деб номланиши, агар сабр қилиш урушда бўлса, бу шижоат деб аталиши, агар сабр аччиқни ютишдан бўлса, бу ҳилм деб юритилиши, агар сабр ғам ва ташвишдан ҳосил бўлса, бу бағрикенглик деб номланиши, агар сабр бир ишни беркитишда бўлса, бу сирни беркитиш деб номланиши, агар сабр ҳаёт афзаллигида бўлса, бу зуҳд деб исмлиниши, агар сабр бироз насиба қадрига бўлса, бу қаноат деб аталиши аллома томонидан батафсил ёритиб берилади.

Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, сабр уч нарса билан камолга етади.

- Биринчиси – илм;
 иккинчиси – ҳол;
 учинчиси – амал [3].

Сабр қилувчи инсонларни ҳам Ғаззолий уч тоифага бўлади:

1. Мутасаббир, яъни зўрма-зўракилик билан сабр қилувчи, сабрда бе-сабрликка ён берувчи.
2. Собир – сабрли, сабрига содиқ киши.
3. Саббор – ўта сабрли.

Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, сабр қилиш улуглик, баркамоллик ҳамда нафс ўзининг атрофидаги бошқа аъзолар устидан раҳбар эканлигидан далолатдир. Шу сабабли,

Ғаззолий “сабр қилиш етук эркак кишилиқ ҳамда ўта паҳлавонлиқ белгиларидан” [4]дир, деб тушунтиради.

Ғаззолий сабрнинг моҳиятини тушунтирар экан, сабр давоси ва унга нималар ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида ҳам ўзига хос қарашларни илгари суради. Унингча, сабр гарчи қийин ва машаққатли бўлса ҳам, илм ва амални умумлаштириб, ҳосил қилиш мумкин. Илм ва амалдан таркиб топган даволар қалб касалликларига даводир. Ғаззолий сабрнинг давоси ҳақидаги қарашларида қалбнинг поклиги ва мусаффолигига алоҳида аҳамият қаратишни ҳамда инсон қалбини шаҳватнинг турли зарарқунанда ўт-ўланларидан тозалаб, бундай қалбга ирода ва ихлос уруғини сепаб, уни раҳмат шамолига рўбарў этишни алоҳида қайд этади.

Ғаззолий сабр тўғрисида фикр юритар экан, шукр масаласига ҳам атрофлича эътибор қаратади. Унингча, шукр қалб, тил ва бошқа аъзолар билан изҳор этилади. Аллома қалб билан шукр қилишни нарсаларни ният қилмоқ ва барча жонзотлар учун қалбда яхши фикрларни жо этмоқ, деб тушунтиради. Тил билан шукр қилишни эса, шукрини тасдиқловчи сўз ва жумлалар билан Оллоҳга ҳамд айтмоқ деб, аъзолар билан шукр қилишни эса, Оллоҳнинг неъматларига ибодат, итоат ва хайр йўлларида ишлатмоқ, уларни Оллоҳга исён йўлида ишлатишдан тийилмоқ, дея изоҳлайди.

Тил билан Оллоҳнинг ёзганларига розилигини ифодалаш тилнинг шукри. Зотан, тилга шу вазифа юкланган, деб қайд этади аллома.

Умуман, Ғаззолий шукрни итоат ва ибодат деб ҳисоблайди. Унингча, инсон балоларга ҳамда илоҳий тақдирга сабр этиши, шикоятсиз, қўли етмайдиган нарсарга осила-вермасдан, ўз-ўзига жабр қилмасдан яшашни ўрганиши лозим.

Ғаззолий инсон шикоятини гувоҳсиз фақат Оллоҳга айтишини муносиб иш деб кўрсатади ва бунини олижанобликнинг бир белгиси сифатида талқин этади. Оллоҳдан бошқасига шикоят қилишни тубанлик деб, банданинг бандага зорланишини хорлик ва хунуклик деб ёзади [1].

“Билинг! Чиндан ҳам шукр қилиш ва куфрни тарк этиш фақат Оллоҳ яхши кўрадиган нарсаларни билиш билан тамомига етади. Зеро, шукрнинг маъноси Оллоҳнинг неъматини ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган жойларда ишлатишдир. Куфроналикнинг маъноси эса, бунинг акси” [3], деб кўрсатади.

Ғаззолий Оллоҳ яхши кўрадиган нарсаларни ёмон кўрадиган нарсалардан идрок этишда икки идрок этувчи борлигини ва буларнинг биринчиси – эшитиш, иккинчиси эса – қалб кўзи билан кўриш, бошқача қилиб айтганда, эътибор назари билан қараш, дея изоҳлайди. Унинг ёзганларидан шу нарса аёнлашадики, эътибор назари билан қараш жуда оғир иш бўлиб, бу қарашда ўзига хос ҳикмат бор. Ҳикмат остида эса яширин маъно мавжуд. У мақсад маҳбубдир. Мазкур ҳикматни аллома икки қисмга бўлиб, таҳлил этади. Булар:

1. Ошқоро ҳикмат.
2. Махфий ҳикмат.

Эътибор назари билан қараладиган бу икки қисмни инсон ва ҳайвон аъзолари ми-солида таҳлил этади. Ошқора ҳикматга эга бўлган айрим аъзолар, масалан, чиндан ҳам кўз кўриш учун, қўл ушлаш ва оёқ юриш учун эканлигини биламиз. Аммо, ички аъзолар, масалан, ўт пуфак, буйрак, жигар, якка томирлар, асаблар ва улардаги қуруқ, ингичка ва йўғонликлардаги ҳикматларни барча инсонлар ҳам билавермайди.

Ғаззолий ким Оллоҳ бир мақсад билан яратган бир нарсани ўзи ирода этган йўлдан ташқари йўлда ишлатса, бас, у одам Оллоҳнинг ўша нарса ҳақидаги неъматини инкор этган бўлади, деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам, қўл инсон ўзига зиён ёки азият берадиган нарсалардан ҳимоя этиш ҳамда ўзига фойдали нарсаларни олиш ва қўйиш мақсадида яратилган. Қўл билан ўзгаларга зиён етказиш мақсадида яратилмаган.

Ғаззолий ўз қарашларини давом эттириб, “ким бекордан-бекорга, бир тўғри ғаразсиз ва ҳожатсиз дарахт шохини синдирса, у дарахтнинг яратилишидаги ҳикматга хилоф иш тутган бўлади, зеро, дарахт ундан манфаат олиш учун яратилган. Агар унинг шохини бир яхши мақсад учун синдирилса, ҳечқиси йўқ. Агар ўзига қарашли бўлмаган мулкдаги, масалан, бировнинг боғидаги дарахт шохини синдирса, у золимдир, гарчи унга муҳтож

бўлса ҳам. Дарахт соҳибининг изми билан синдирса, унда бошқа гап” [3], деб ёзади Ғаззолий.

Мутафаккир сабр ва шукрнинг бирга бўлишини ёки бир йўлда жамланиши ҳақида ҳам ўзига хос қарашларни илгари суради. Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофига кўра, ҳар бир мавжуд нарсада Оллоҳнинг неъматлари бор. Неъмат мавжуд бўлганидек, чиндан бало ҳам мавжуд. Бу ҳолатни Ғаззолий куфр мисолида олиб таҳлил этади. Унингча, куфр бало, унга сабр этишда маъно йўқ. Шу каби гуноҳларга ҳам сабр этилмайди. Кофир ўзининг куфри бало эканини билмайди. У бир дардман каби бўлиб, қарахтлик сабабидан дард-аламининг оғриғини билмайди. Гуноҳкор гуноҳкорлигини билади, у гуноҳ қилишни тарк этиши шарт. Аллома наздида, балоларни инсон даф этишга қодир бўлади, уларга сабр қилишга буюрилмайди. Агар у чанқаб туриб сув ичишни тарк этса, чанқов алами кучаяди. Унга бу буюрилмаган, балки чанқов аламини йўқотишга амр этилади. Инсонга баъзи бир ишларда бало ҳисобланган нарса унга неъмат бўлиши ҳам мумкин, деб кўрсатади Ғаззолий. У инсоннинг ажали келишини билмаслигини бунга яққол мисол қилади.

Аллома эътирофига кўра, ўзини оқилман деб ҳисоблаган ҳар бир киши беш нарса билан хурсанд бўлиб, шукр айтмоғи лозим. Булар қуйидагилар:

1. Барча мусибат ва касалликлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин деб тасаввур қилиш.

2. Мусибат динда бўлмаса шукр қилиш.

3. Ҳар қандай уқубатнинг қиёмат кунига қолишини тасаввур этиш.

4. Бу мусибатнинг номаи аъмолида ёзилган бўлиши.

5. Мусибатнинг савоби ўзидан кўра кўп ва катта бўлиши [3].

Ғаззолий балоларсиз, иродага мувофиқ ҳолда қулай ва осон келган неъматлар ҳам мусибат бўлишини ҳамда қалбнинг дунёга маҳлиё бўлиб, у билан дўстлашувига олиб келишини айтади.

Бу ҳолатни қуйидагича тушунтиради: “Агар бало-офатлар кўпайса, қалб дунёдан безовталанади ва дунёга бўлган муносабатини беркитмайди. Дунё қалбга қамоқ бўлади. Қалбнинг бу қамоқдан қутулиши асосий мақсаддир, маҳбуснинг қамоқдан халос бўлиши каби. Аммо, қалбнинг азоб чекиши зарурий бир ҳолат. Бу қон олувчи кишидан ёки фойдали дорини бепул берган кишидан хурсанд бўлганингизга ўхшайди. Сиз алам тортасиз ва шод бўласиз. Ваҳоланки, аламга сабр этасиз ва шодлигингиз сабабчисига эса раҳмат айтасиз. Ким буни билса, у одамнинг балоларга ҳам шукр қилиши тасаввур этилади” [3].

Ғаззолий инсон ҳаётининг маъноси нафақат Оллоҳга нисбатан комил ишонч билан яшаш, балки шу ишонч асосида яхшилик ва эзгулик қилиш лозимлигини таъкидлайди. Аммо, инсоннинг майл-истаклари домий равишда ахлоқий муносабатни тақозо этавермайди. Чунки, инсон яхши яшаш деган тушунчани турлича қабул қилади. Ислом таълимоти наздида инсоннинг ахлоқий муносабатга киришида унинг кичик эҳтиёжларни қондиришга бўлган майл-истаклари халақит беради. Уни бир қобикқа солиб қўяди. Бу қобикни ислом мутасаввифлари дунёнинг ташвишлари деб атайдилар. Ислом икки олам – дунёвий ва боқий олам ҳақида гапирар экан, инсон танаси ва унга боғлиқ бўлган нарсаларни дунё билан, унинг руҳини боқий оламга боғлашга ҳаракат қилади. Айнан шу моддий эҳтиёжларга муккасидан кетиб қолиш, Ғаззолий тили билан айтганда, тананинг подшоҳи бўлмиш қалбнинг иккинчи даражага ўтиб қолишидир. Аммо, бу икки оламни мувозанатда сақлайдиган дунёда икки нарса мавжудки, бу инсонни тўғри йўлга бошлашга ёрдам беради. Гарчи, улар дунёда мавжуд бўлсалар-да, абадиятга дахлдордир. Уларни Ғаззолий илм ва амал деб атайди.

Ғаззолий ўзининг мулоҳазаларида шукр этишдан кўра, сабр қилиш афзалми ёки унинг акси деган мутлақ ҳукми хатога чиқаради. Унингча, ҳар бир сабр ва шукрнинг ўзига яраша даражалари мавжуд. Сабрнинг энг оз даражалари: шикоятни ёмон кўриш билан тарк этиш, ёмон кўриш ортидан рози бўлиш. Бу сабр ортидан бўладиган жараён. Бунинг ортида эса балобага шукр этиш туради. Агар сабр шукрга изофа этилса, шукр мол-мулкни ва дунёни итоат эттириш, яъни ўз йўлида сарфлашдир.

Аллома эътирофича, шукр қилиш афзал. Зеро, у ўз ичига сабрни ҳам олади. Чунки, сабрли фақир шукр этувчи бойдан афзал. Айрим шукр қилувчи бой эса сабр қилувчи фақирдан афзал.

Хулоса қилиб айтганда, Ғаззолий сабр ва шукр масаласига доир қарашларида бу икки тасаввуфий тушунчани ўзаро алоқадорликда, боғлиқликда олиб таҳлил этади. Унингча, инсоннинг тақдири Аллоҳнинг қўлида бўлиб, муҳаббат ва бахтсизлик унга имтиҳон учун юборилади. Инсон ўз эътиқодига матонатли бўлмоғи зарур. Ғаззолий инсон ўзини худонинг унга қилган яхшилигига шукр қилишга ўргатиши лозим, деб ҳисоблайди. Худо уни жонсиз тош эмас, балки тирик мавжудот - инсон қилиб яратганига, ҳайвон қилиб эмас, балки соғлом инсон қилиб яратганига, ёвуз қилиб эмас, балки яхши киши қилиб яратганига шукр қилиши лозимлиги таъкидланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Мукошафатул қулуб (Қалблар кашфиёти). – Т.: Movarounnahr, 2014. – 471 б.
2. **Аль-Газали Абу Хамид.** Исследование сокровенных тайн сердца: Пер. с араб. – Москва: Ансар, 2008. – 472 с.
3. **Имом Аҳмад ибн Қудома Мақдисий.** Минҳожул-қосидийн (Саодат изловчиларга қўлланма). Араб тилидан Абдулҳамид Муҳаммад Турсун таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 544 б.
4. **Муҳаммад Ғаззолий.** Мусулмон хулқи. – Ўш, 2013. – 298 б.
5. **Шейх Муҳаммад Аль-Газали.** Нравственность мусульманина: Пер. с араб. – Казань: Ансар Фаундейшн, 2003. – 364 с.

УДК 636.084.525:94(575.146)

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАР ИЖОДИДА ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ МАВЗУСИ (XX АСРНИНГ 60-90-ЙИЛЛАРИ)

Ҳайитов Шодмон Ахмадович*БухДУ Тарих кафедраси профессори, тарих фанлари доктори***Рахмонов Камол Жамолович***БухДУ Тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди*

Таянч сўзлар: ватан, миллат, истиқлол, муҳожир, ижодкор, шеърият, бадиий ижодиёт, ватан меҳри, бағрикенглик, иймон-этиқод, қадр-қиммат.

Ключевые слова: родина, нация, независимость, эмигрант, творец, художественное творчество, поэзия, патриотизм, толерантность, вера, ценности.

Key words: motherland, nation, independence, emigrant, creative person, poetry, literary activity, love for Motherland, tolerance, faith, values.

Ушбу мақолада XX асрнинг 60-90 йилларида хорижда яшаган ўзбек миллати зиёли вақиллари ижодида истиқлол ва Ватан мавзуси масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

В данной статье приводится научный анализ творчества представителей узбекской интеллигенции, писавших о независимости и Родине, живших за рубежом в 60-90 гг. XX века.

The theme of independence and Motherland in the creative activity of Uzbeks living abroad in 60-90 of the XX century are analyzed from scientific and theoretical point of view in the article.

Кириш. Совет мустабид тузуми йилларида империячилик режимига қарши кураш, ер-сув ислохоти, қулоқлаштириш, жамоалаштириш, хотин-қизларни “озод” қилишга қаратилган “Ҳужум” компанияси, диний уламоларнинг қатағонига йўналтирилган “Худосизлик учун кураш”, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши жабҳаларида асир тушиш каби кўпдан-кўп омиллар туфайли минг-минглаб ўзбек (туркистонлик)лар асл Ватанлари – Ўзбекистондан ажралдилар. Муҳожирликка маҳкум этилган ўзбеклар 1930-1980 йилларда ер юзининг Осиё, Европа, Америка ва Австралия қитъаларидаги, шунингдек, Шимолий Африка минтақасидаги жами 34 мамлакат ҳудудида тарқалдилар ва хорижда “ўзбек диаспораси” вужудга келди. Хориждаги ўзбеклар сони ҳақидаги маълумотлар ҳам хилма-хил бўлиб, уларнинг сони 3 млн. кишидан 5 млн.га қадар рақамларда қайд этилади.

Совет даврида муҳожирликка кетишга мажбур бўлган ўзбеклар ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, улар орасидан ўнлаб ижодкорлар, ҳаваскор ижодкорлар етишиб чиқди. Хориждаги ўзбеклардан Саид Акмалиддин Парвона, Шарофиддин Шароф (домла Бедил), Қори Муҳаммад Азиз Сарипулий, Қори Шарофиддин, Ҳофиз Сулаймон, Шаробиддин Хубий Бурҳониддин Патак, Холмуҳаммад Хокий, Ориф Ойнарул, Эргаш Учқун, Эргаш Шермат Булоқбоши, Камол Андижоний (Тошқин), Хушнуд Абдулла, Абдулла Тўлаган (Завқий), Ш.Аҳмадий, Собир Сайхонли, Минҳожиддин Маҳдум Ғамгин Хуррам, Муҳаммад Акбар Марғилоний Ҳамдам, Ёқубхўжа Маҳжурий Андижоний, Аҳмадали Тўлқин Абдусалом Қори Ҳўқандий, Абдурахим Учқун, Шайх Саббоҳ Бухорий, Темур Хўжа кабилар шеърият билан шуғулланишди.

XX аср иккинчи ярмида бадиий ижод билан шуғулланган ушбу ватандошлар талқинида истиқлол ва унинг қадр – қиммати ҳақида тадқиқотда фикр юритилади.

Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги:

Мазкур мавзу мазмунини очиб беришга хизмат қиладиган манбалар туркумига аввало, турли йилларда хориж нашрларида ва Ўзбекистонда чоп этилган муҳожир ўзбекларнинг бадиий асарлари, шеърий китобларини киритиш мумкин.

Жумладан, бир умр Афғонистонда муҳожирликда яшаган Саид Акмалиддин Парвона (1907-1978 йиллар)нинг “Шўриши дил” шеърий тўплами эски ўзбек адабий тилида, араб

имлосида битилган бўлиб, 60 варақдан иборат. Ушбу шеърий асар Афғонистондан Ўзбекистонга шарқшунос олим Ориф Усмонов томонидан олиб келинган.

Америкалик ўзбек Эргаш Шермат Булоқбоши (1910-2001 йиллар)нинг 1961 йилда Вашингтон (АҚШ) ва Анқара (Туркия Республикаси)да латин имлосида ўзбек тилида босилган “Гуллар макони” шеърий тўплами ҳам манбавий асос бўла олади.

Саудия Арабистонида яшаган Абдулқодир Караматулло Саббоҳ Бухорий (1903-2000 йиллар)нинг “Саббоҳи Бухорий ғазаллари” (1990 йил, форс-тожик тилида, араб имлосида), шунингдек, Тошқин, Хуррам, Темур Хўжа, Абдурахим Учқун ва Собир Сайхонлиларнинг Ўзбекистон даврий матбуотида турли йилларда чоп этилган шеърлари манба сифатида хизмат қилди.

Муаммо тарихшунослигини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1.Ўзбекистонда чоп этилган китоб ва асарлар.

2.Хорижда нашр қилинган тадқиқотлар, хотиралар.

Истиқлол йилларида хориждаги ўзбеклар тарихини объектив ва холисона тадқиқ қилиш учун имконият яратилди. Таъкидлаш жоизки, ўзбек муҳожирлиги тарих-шунослиги юзага келиб, эълон қилинган ишларни умумий характердаги ва алоҳида олинган мамлакатлардаги ўзбеклар тарихи кабиларга ажратиш мумкин. Жумладан, Сайфиддин Жалиловнинг “Бухорийлар қиссаси” (Т.: 2006), Мавлон Шукрзоданинг “Америкалик ўзбеклар” (Т.: 2007), Ш.А. Ҳайитовнинг “Хориждаги ўзбеклар” (Т.: 1992), “Ўзбек муҳожирлиги тарихи” (Т.: 2008) каби асарлари бу йўналишда алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек, Ўзбекистон даврий матбуоти, яъни “Шарқ юлдузи”, “Мулоқот”, “Халқ сўзи”, “Жаҳон адабиёти” саҳифаларида турли йилларда хориждаги ўзбеклар ҳақида ўнлаб мақолалар, суҳбат материаллари босилди.

Хорижда чоп этилган ўзбек муҳожирларининг китобларида ҳам ўзбек ижодкорларининг бадиий асарларидан намуналар киритилган. Бундай асарлар сирасига Аҳат Андижонийнинг “Жадидчилик: Туркистон мужодаласи” (Истанбул, 2003), Ҳусан Икромхоннинг “Туркистонликнинг иккинчи дунё саваши хатиралари” (Истанбул, 1999), Вали Қажумхоннинг “Тарих тилга кирганда” (Мюнхен, 1986) ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Тадқиқотда ушбу манбалар ва тарихий асарларга киритилган маълумотлар илмий муомалага олиб кирилди.

Мақоланинг асосий мазмуни.

Айрим хориждаги ўзбек ижодкорлари шеърияти таҳлили мисолида Ватан ва истиқлолга муносабат масаласини тадқиқ қилишга уриниб кўрамиз.

Камол Абдуллоҳ (1931 йил Саудия Арабистонида туғилган) Тошқин тахаллуси остида кўп йиллардан буён бадиий ижодиёт билан шуғулланиб келади. Унинг ўзи таъкидлаганидек: “40 йилдирки шеърият билан ошноман... Мен учун айрилиқда яратилган сатрлар кўнгил мулкидир”. Адиб Эмин Усмон маълумотича, Тошқиннинг биринчи шеъри “Зафар таронаси” деб номланган ва Ғулча шахрида (ХХР) нашр қилинадиган “Олтой” рўзномасида дунё юзини кўрган. Кейинчалик “Хонтангри” ойномасида ҳар бир туркум шеърлари чоп қилинган [1].

Камол Абдуллоҳ Тошқин она-юрт Ўзбекистондан айрилган ота-боболари, қариндош-уруғлари ўз Ватанларини доимо қўмсаб яшаганлари, ҳар дақиқа унинг табиати, гўзаллиги, таровати ҳақида ўйлаганлигини шеърий сатрларда ифода этади:

“Чекиб дарди фироқин қавми- қариндоши,

Ҳамеша маъюсу маъмун, биздек бўлмасин ё раб”

деб ёзади шоир “Ватан озодлиги халқимга эркинлик таманноси” номли шеърида.

Тошқин ушбу мисралари орқали муҳожир ўзбеклар моддий қийинчилик туфайли эмас, балки ватансизликдан маъюс ва ғамгин, ўзгалар юртида уларнинг елкаси қисилган, демоқчи бўлади. Инсон ўз юртида эркин ва озод яшаса бахтли бўла олади. Ватан ва унинг истиқболига хизмат қилишдан ҳам мўътабар, қутлуғ иш бормикан? - деб савол қўяр экан, ватангадоликни ҳеч бир банда бошига солмасликини Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайди:

“Тазаррулар билан сендин тилар бу камтарин Тошқин,

Жаҳонда ҳеч ким мазлум, биздек бўлмасин ё раб”,

деб ёзади шоир мазкур шеърнинг сўнгги мисраларида.

Камол Абдуллоҳ Озарбайжон шоири, Шарқ классик адабиётининг улуғ адиби Фузулийнинг “Ўландан сўр” радибли ғазалига мухаммас бағишлар экан, ўз она-юртидан айрилиш дунёда энг оғир дард, фақат бахтсиз кишиларгина дучор бўладиган ҳолатлигини яна бир бор таъкидлайди:

Ёмонроқ дард бўлмас, ул кишига юрт фироғидин,
Заволли бахтсизлар айрилур юртин қучоғидин.

Шоир Тошқин юртнинг равнақи, гуллаб яшнаши ундаги ҳар бир фуқаронинг “миллат ғамида бўлмоқлиги”, “миллат туйғусининг ҳар бир дилга эрлаши”, “Ватанни иймон билан сева билиш”, “ҳиммат билан юртга хизмат қилиш”, “элнинг дардига даво бўлиш”да деб билади [5].

Она дерлар Ватанни, ул она ҳақиға ҳурмат қил,
Ризосин олғали жону дил ила саъю ғайрат қил,
Ёмон кўзлардан асра посбони бўл, ҳимоя қил,
Агар инсон эсанг ҳиммат билан юртинга хизмат қил,
Муҳаббат пеша қил, кулсин Ватаннинг боғу саҳроси.

Ватан тақдири сенинг қўлингда, унинг олдида барча қарздор, Ватан учун зарур бўлганда жонни тика билиш ҳамда уни душманлардан ҳимоя қилиш, беминнат хизмат қилиш учун бурчлимиз.

Шоир Ватан, она-юрт ҳақида ҳаёл сурганида шак-шубҳасиз Ўзбекистонни (Туркистонни) назарда тутди. Тошқин “Мулоқот” ойномаси муҳбири билан мулоқотда: “Бизни (муҳожир ўзбекларни) ҳам шу ернинг (Ўзбекистон) фарзанди сифатида тан олишларингизни астойдил хоҳлаймиз. Чунки, биз ҳеч қачон ота макондан тонганимиз ва воз кечганимиз йўқ, шу кезга қадар ўзимизни юртнинг ўғил-қизлари деб ҳисоблаб келдик. Бундай бахтдан бизни ҳеч ким ва ҳеч қачон маҳрум этолмаса керак” -деган эди. Ҳақиқатан ҳам Камол Тошқин сингари совет мустабид тузуми даврида ота-боболари юртидан ажралган юз минглаб муҳожир ўзбекларнинг биз яшаб турган Ўзбекистон заминиди ҳаққи, ўрни бор. Гарчи ҳаққи бўлмаса, биз уларни нега “ватандошлар” деб атаймиз.

Тошқин гўдаклик даври кечган, ота-боболари яшаб ўтган она-юртининг фарзандларини илм-маърифатли, жаҳон миқёсида нуфузга эга бўлган етук мутахассислар сифатида кўришни истайди. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнаган ўлкага айланиб, илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини орзу қилади. Биз юқорида қайд қилган мухаммасида шоир:

“Тиларманки Ватан авлоди фан тоғига бирлашса,
Шижоат бирла тўсқинларни енгса, юксалиб ошса,
Униб ўсса, саноат, илму-урфон сувлари тошса,
Муҳаббат бирла миллат туйғуси гар дилга ерлашса,
Кифоят анга бош эгмак учун виждон кўмондони”

деб, юксак ҳис-туйғуларга йўғрилган мисраларда ўз орзу-умидларини ифода этади [2].

Камол Абдуллоҳ Тошқиннинг Ўзбекистонга муҳаббат билан ёзилган мисралари хориждаги минг-минглаб миллатдошларимиз қалбидан отилиб чиққан туйғулардир. Муҳожир ижодкорларнинг она-юртга чексиз меҳрининг шеърий мисралардаги ифодасидир. Салкам 60 йилдан сўнг шоир ўзи туғилган юрт тупроғига қадам қўйди. Тошқин ўзининг Ўзбекистонга келиши билан орзу-умидлари ушалганини, қалби мислсиз қувончларга тўлганини “Фарзандлик саломи” номли шеърида қуйидагича ифодалайди:

Қўлим кўксимда келдим севгили юртим саломинга,
Ўпай тупроқларингни, таъзим айлаб эҳтироминга.

Шоир истиқлол Ўзбекистонимиз келажаги учун кенг истиқболлар очиб берганлиги, яхши, юксалиш, фаровонлик кунлари олдинда эканлигига ишонч билан қарайди. Мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлашда бутун вужуди, қобилияти билан хизмат қилишга доимо тайёр эканлигини таъкидлайди:

Мунаввар кунларинг келмоқда халқим, шод бўлгаймен,
Хуррият машъалидин нур этса тийра шоминга.
Умиду орзуим балки энди сарф этиб эмган,
Сенга хизматлар этсам, ҳисса қўшсам интизоминга
Қуёшли осмонинг садқаси бўлсин дилу жоним,

Ки жондин мустаидмен, хизмат қилай ҳар илтизоминга [7].

Бир қатор муҳожир ўзбеклар сингари Камол Абдуллоҳ Тошқин Ўзбекистон адиблар уюшмасининг аъзолигига қабул қилинди. Адибнинг мазмунли, ватанпарварлик туйғулари билан йўғрилган юзлаб шеърӣ асарлари ҳанузгача китоб ҳолида нашр қилинган эмас. Шоядки, Тошқиннинг 50-йиллар ўзга юртларда амалга ошмаган ушбу орзу ва умидлари она-юрти Ўзбекистонда ушалса, яъни шоир маънавий бисотидан ватандошларимиз баҳраманд бўлишса, чунки Камол Абдуллоҳ Тошқин яратган жозибадор ғазал, шеър, мухаммаслар ўзбек поэзиясини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Шоир она-Ватан Ўзбекистон тупроғига 62 йиллик айрилиқдан сўнг илк бор қадам қўйганида ундан маънавий руҳ ва мадад олиб:

“Шукурлар айлайин такрорким васлинг насиб ўлди,
Севиндим бош қўйиб остонаи қутлуғ маконинга”

мазмундаги мисраларни битганди.

Туркия ва Германияда истиқомат қилган ўзбеклардан бири Темур Хўжадир. Темур Хўжа Бухородаги “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг фаол иштирокчиси, БХСР ҳукуматининг 1-раиси Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ўғлидир.

Илм-фанни қадрлайдиган, маданий тараққиёт йўлида анча хизмати синган Усмон Хўжа оиласида таваллуд топган Темур Хўжа таълим-тарбиясига етарли эътибор берилган. У дастлаб турк мактабида, тақдир тақозоси билан 3-синфни Покистонда ўқийди(инглиз тилида).

Ўрта маълумотни олган Темур Хўжа АҚШда олий таълим олган. У ўзбек адабиётининг XX аср 20-30 йиллар даври билан кенгрок қизиқиб, Бехбудий, Фитрат, Қодирий каби ижодкорларнинг бир неча асарларини инглиз тилига ўгирган [4].

Темур Хўжа нозик қалб эгаси, юрагидаги Ватан соғинчи-ю ҳасратини ўз она тили бўлган ўзбек тилида шеърлар ёзиш билан таскин топтиради. Отаси Усмон Хўжанинг Ватанга қўйган меҳр-муҳаббати, юртига интилиб яшаш туйғуси Темур Хўжага кўчди.

Темур Хўжа мулоқотлардан бирида “Ватан-бу илдиздир. Бу юртга илдиз отмаган, уни тупроғини ҳурмат қилмаганлар бу ерни Ватан қилолмайди. Илдиз оёғинг остида боболаринг арвоҳи чирқиллаб туришидир. Илдиз шу ернинг тилини, урфини фақат тилга эмас, қалбга сингдирилишидир...Бизнинг боболар ҳам Туркистонни Ватан дейди, чунки илдизимиз, бизни кўкартирувчи, яшнатувчи тупроқ шу ерда”, - деган эди [4].

Темур Хўжа ўзбек муҳожирлари яшаган кўпгина мамлакатларда бўлиб, юртдошларимизнинг ватанжудолик дардидан азоб чекаётганлигининг шахсан гувоҳи бўлган. Собиқ шўро ҳокимияти йилларида “темир қафас” билан ўралган Ўзбекистонга бориб келиш машаққатли ва қийин эканлигини яхши билардилар. Ватан муҳаббати қалбларни куйдирса-да, мавжуд тузум, советча мафкура тазйиқи туфайли эркин келиб кетишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Қариндошлар бир-биридан хавотирланиб, ҳадиксираш ва ташвиш ила айтиш мумкинки қўрқинч билан яшар эдилар. Шу сабабли Темур Хўжа “Руҳим Ватаним” шеърида:

“Халқимга демак бор экан эзгу
Ору-номус деган муқаддас туйғу,
Бағримни эзса-да муҳаббат қайғу,
Чегарадан ўтолмаганим бўлсин...” [3],

деб ёзганида, юқорида қайд қилинган ҳолатларни чуқур ўқинч билан ифодалайди. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатлар ўртасида чегарани мустаҳкамлаш ёки ҳукуматларни бир-биридан ажратиш мумкин, аммо бир-бирига яқин бўлган қалбларга тўсиқ қўйиб бўлмайди.

Муҳожир ўзбеклар Ўзбекистон истиқлоли, юртимиз озодлигини ўта интиқлик ва интизорлик билан кутдилар. Шоир айтганидек:

“Бир кун албат ўтиб кетар бу йиллар,
Тинчир шамоллару, тинчир ҳасратлар,
Наҳотки музлар юракда фарёдлар,
Осмонингдан ўпиб ололмаганим бўлсин?!”

Темур Хўжа Аҳмад Яссавий ва Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек каби сиймоларни жаҳонга етказиб берган

Ўзбекистон (Туркистон) ҳақида шеърӣ мисралар битар экан, улар руҳини шод этиш анъаналарини давом эттириш фақат истиқлолга эришиш орқали амалга ошишини таъкидлайди. У “Қайси кундасан, Туркистон” номли шеърӣда эса:

“Тарихингни эслаб ол,
Тупроғингни кўзлаб ол,
Ўз тилингни сўзлаб ол,
Бойлигингни кўллаб ол
Айт қайси кундасан Туркистон?
Айт қандай кундасан Туркистон?”

деб ёзади. Ушбу шеърӣ мисралар 1991 йилнинг 18 мартда Мюнхенда (Олмония) битилган. Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмаган, совет мустабид тузуми қийналиб ўзининг сўнги нафасларини олаётган ўша кунларда озодлик ва мустақиллик сари интилиш кучли эди. Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши (1989 йил 21 октябрь), “Мустақиллик декларацияси”нинг қабул қилиниши (1990 йил 20 июнь), мустақил республика қомусининг қабул қилиниши (1992 йил 8 декабрь), ер ва ер ости бойлиқларининг республика тасарруфига ўтиши, тарихимизга бўямасдан, объектив, янгича нуқтаи назардан қараш йўлидаги дастлабки амалий қадамлар Ўзбекистонни “қайси кундан” “қандай кунга” ўтиб бораётганлигига жавоб бўла оларди.

Эрк, озодлик, истиқлол кабиларни халқимиз узоқ вақт сабр-тоқат ила, бутун иродасини ишга солиб кутди. Халқаро нуфузли ташкилот БМТ бош идораси биноси (АҚШ) олдида мустақил Ўзбекистон байроғи кўтарилганида, яъни 1992 йил 2 март куни муҳожир ўзбекларнинг кўпчилиги истиқлолимиз рамзи бўлган Ватанимиз байроғини кўриш учун Американинг турли шаҳарларидан кўзларида севинч ёшлари билан Нью - Йоркка пиёда етиб келдилар. Чунки, халқ узоқ кутган юксак орзуларидан бирига эришди.

“Ватан эрк деб куйганда
Тоғлар осмон ўпганда
Халқим сени кутганда
Темир бўлсанг чидаб кўр”-

деб битилган мисралар ҳар бир иймонли ўзбек муҳожир ватандошлар тоқат ва чидамига берилган ҳақли баҳодир [8].

Ватан ишқи, унинг ёди ва ғами ҳар бир ватанпарвар ўзбекнинг руҳида, дилида, жонида, қонида, танасида, кўзида, шоир айтганидек, унинг руҳи доимо телбанамо, ҳар дақиқа безовта Ватанга интилади.

“Бир девона руҳлардан
Бир бутун руҳ тузалгай
Яхлит бир бутун руҳдан
Яхлит Ватан яралгай.”-

мазмундаги Темур Хўжа тўртлигидаги мисралар ўз Ватанида яшаётган ҳар бир ўзбек учун ота-боболари замини нақадар азиз эканлигини эслатиб туриши ва доимо бизни хушёрликка даъват этиши керак.

Эргаш Шермат Булоқбоши (баъзи манбаларда Булоқ Боши тарзида ёзилади) тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Болалиги ва ёшлик даврининг энг гўзал дамлари кечган, туғилиб ўсган қишлоғи булоқларга бой, серсув, хушҳаво бўлганлиги учун у ўзига Булоқбоши тахаллусини олган.

Эргаш Булоқбоши бадий ижодиётидаги энг сара шеърларини тўплаб 1961 йил Вашингтон ва Анқарада ўзбек тилида, лотин алифбосида “Гуллар макони” номи билан нашр қилдирган. “Гуллар макони” номли шеърӣ тўпламида унинг 80 га яқин шеърлари жамланган [6]. Тўпламдаги шеърларини ўзбек адабиётининг гўзал намуналари, бадий хусусиятлари жиҳатдан мукамал деб баҳолаш бир қадар муболаға бўлса-да, асл Ватани Ўзбекистондан йироқда яшаб унинг гўзал табии ва меҳнаткаш, соҳибкор халқи ҳақида меҳр-муҳаббат ила ёзилган мисралар кишини ўзига жалб қилади. “Гуллар макони” номли тўпламдан ўрин олган “Ватан туғи”, “Соғинч йўлида”, “Бу замон”, “Чўлпон юлдузига”, “Жудолик охири келгай”, “Ҳаёт уйғонажак”, “Кўшиқчи юртдошга”, “Ғариблиқда”, “Бир зум хаёл сурганда” каби шеърларда Ватанни улуғлаш, унга чексиз меҳр-муҳаббат,

халқимизнинг қалби дарё эканлиги, мустақилликнинг олий неъматлиги каби юксак туйғулар бош қон томиридек уриб туради.

Совет тузуми даврида, айниқса, XX аср 20-30 йиллардаги маъмурий-буйруқбозликка асосланган сиёсат, Сталин қатағони, зўрлик, очлик ва зулмларнинг жонли гувоҳи бўлган Булоқбоши “Ғарибликда” номли шеърида қуйидагича ёзади:

Айтолмасанг кўнглингдаги фикрингни,
Қилолмасанг эркинликда зикрингни
Хунобликдан чиқмай доим бўғилсанг,
Буйруқ ила ё ўтирсанг, ё турсанг,
Ғариб бўлмай, яна қандай чора бор?

“Улуғ салтанат”даги адолатсизликларнинг гувоҳи бўлган шоир ўша пайтда бу ҳақда оғиз очолмас эди. Чўлпон, Фитрат, Қодирий сингарилар ноҳақ хўрланганлигини билса-да, ўз аламларини ичига ютишга мажбур бўлади. Ўзга элларда 30-йилларнинг охирига қадар бўлган даврларни ҳаёл кўзгусидан ўтказар экан, шоир Чўлпон сингарилар миллат юксаклиги, озодлиги, мустақиллиги йўлида курашгани учун қатағон қилинганлигини шеърий мисралар орқали ифодалайди. Жумладан: “Чўлпон юлдузига” номли шеърида хурлик ва озодлик йўлида курашганлар хору зор бўлганлигини баён қилади:

Ер Чўлпони юртинда сайр этмиш қуллик, хўрлик,
Сочмоқчи бўлди Чўлпон ўз юртида ёруғлик.
Сен яшаган дунёда балки бўлмас ўғрилар,
Ёруғ нурнинг душмани, қонсираган бўрилар,
Ер Чўлпони бўғилди эрк ўғриси қўлинда,
Этди жонини қурбон эркин олиш йўлинда [7].

“Чўлпон юлдузига” номли шеърида эса шоир Чўлпон, Фитрат, Олтой, Боту, Мағжон(қирғиз адиби) кабилар ҳақида ёзар экан, уларнинг совет мафкураси маддоҳига айланмаганлиги, ўз эътиқодидан миллат манфаати йўлида воз кеча олмаганлиги, улуғ мақсадлар учун ўлимга ҳамиша тайёр турганликларини алоҳида таъкидлайди:

“...Шоир бўлдинг куйладинг
Бўлсин деб хурлик юртда.
Сенга жўр бўлиб ҳамон
Тинмай куйлайди Мағжон,
Тушунганинг ҳар замон
Энди юртинг Туркистон
Сен чакнаган чироқдинг
Ўчирмак истадилар,
Бегоналарчи маддоҳ
Бўлмоққа қистадилар.
Бўлмадинг маддоҳ ўзга
Киймадинг ниқоб юзга,
Қайнар илҳоминг булоқ
Ҳар сўзингда шамчироқ.
Ёвинг ўчирди сени
Айни чакнар чоғингда,
Йўл бермай сайраш учун

Ўз юртингда, боғингда” каби мисраларни ўқиш мумкин. Булоқбоши шеърларида ўзбек миллатининг улуғ фарзандлари ҳақида эҳтирос билан ёзар экан, Ватанга, ўзи туғилиб вояга етган шаҳри Андижонга соғинчи, меҳр-муҳаббати чексизлиги намоён бўлади. Шоирнинг “Ватанга салом”, “Жудолик охири келгай”, “Ватан туғи” каби шеърларида Ўзбекистонни кўриш орзуси куйланади:

“Биз кўрдик, кўп кезиб, сендан ҳам ўзга,
Ўлкалар бор буюк, қомати чаман.
Аммо, ҳеч биттаси ўхшамас сенга,
Тортолмас сени каби ўзига томон.
Сенга, эй она-юрт соғинчли салом,

Севган севилган қалблардан салом” - сингари мисраларни ўқиймиз “Ватанга салом” шеърдан. Э.Шерматов (Булоқбоши) шундай гўзал юрт ўзгалар оёғи остида топталгани, қуллик, мустамлака асорати остида ушлаб келинганлиги ва ниҳоят ҳақиқий ҳуррият курашлар туфайли қўлга киритилганлигини қайта-қайта такрорлайди. Тадқиқотчи Камол Матёкубов: “Булоқбошини “Ватан хоини” деб ноҳақ айблашга асос бўлган омил, биз бугун англаб етган ҳақиқатни у бундан 30-40 йиллар аввал тушунганлигида ва шу мақсад учун хизмат қилганлигида”, - деб ёзганди.

“Ҳақ ҳар жойда ўз қувватин сақламаса,
Ул ўлкада зулм-қирғин ҳокимдир,
Четдан келган золим куч ҳоким бўлса
Юрт эгаси қоронғуликда қулдир” [6]

каби мисралар бундан салкам 60 йиллар олдин ёзилиб, “Гуллар макони” шеърий тўпламига киритилган эди.

Шоир зулм, зўравонлик, ёт кишилар ҳокимияти боқий эмаслигига ишонади, ҳар қандай зўравонликнинг умри тугаши, ўлкамизда порлоқ қуёш бир кун эмас, бир кун нур сочишига иймон келтириб яшайди. Истиқлол орзуси ҳаётий ҳақиқатга айланишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, - дейди Булоқбоши.

Ўқсизланма, азиз халқим, гул ўлкам,
Ғарибларинг куну-туну уйғоқдир
Озодлик-чун ташланган қадам ҳақдир
Бу ғариблик кўпга чўзилмас чоғдир.

Булоқбоши совет мустабид тузумидан жабр кўрган миллатдошларимизни сабр-тоқатли бўлиб, эртанги кунга ишонч билан қарашга ва юксак оптимизм руҳи билан яшашга чорлайди. Совет империяси даври Туркистон (Марказий Осиё) халқлари учун дастлабки босқинчилик зулми остида эзилишгина эмас, балки ўтмишда ҳам кўплаб босқинчилар инсоний ҳақ-ҳуқуқимизни топтаганлиги ва охир-оқибатда эса улар тарих қаърига йўқ бўлганликларини таъкидлайди. Эргаш Булоқбоши “Бу кун кечар, эрта албат бизники!” номли шеърда:

“Эртасин ўйлаган қилмас пушаймон,
Замон тинмай айланур гўё тегирмон,
Гавдамиздан кетар албат ёт қамчи изи,
Тунни ёриб чиқар тонгнинг эркин юлдузи
Бу кун кечар, эрта албат бизники!
Гар тилинсин бутун гавда парчага,
Руҳ бутундир, дил бутундир бўлинмас,
Душман гарчи раҳна солсин боғчага
Гул илдизда яшаб қолур, у сўлмас
Бу кун кечар, эрта албат бизники!” [3]

каби мисраларни ёзган.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришиши, ҳур ва озод диёримизнинг мустақиллик йўлига кириб, жаҳонга ўзини танитганлиги эртанги кунимиз муваффақиятли бўлишидан нишона эмасми? Руҳи, дили бутун пок кишиларимизнинг Ватан тараққиёти йўлида ўз билим ва ирода қудратларини ишга солиб олиб бораётган бугунги фаолияти, иқтисодий таназзулни келтириб чиқарган совет тузumi асоратларидан қутулганимиз бахтимиз эмасми? Истиқлол машъали нурафшон қилган юртимизда Булоқбоши орзу-умидлари амалга ошаётганлиги ҳаётий ҳақиқатдир. Шоир бундан 40 йиллар олдин: “Бир зум ҳаёл сурганда!” номли шеърда:

“Хаёлимда юрт боғида жўяклар қаздим,
Янги мева, гул кўчатлар ўтказмоқ учун.
“Туркистон ҳур” деган сўзни алвонга ёздим,
Ҳилпиради миллий байроқ ҳар ёнда шу кун” -

деб ёзади. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг иккинчи ўн йиллигида киши фахрланса арзийдиган ютуқлар билан яшамокда, жаҳонда ўз ўрни ва мавқега эга бўлиб бормокда.

Эргаш Булоқбошининг шеърий тўплами сарлавҳа қилиб олинган “Гуллар макони” номли шеърида:

“Очилсин лолалар, гуллар яна фасли баҳор бўлсин,
 Ҳаётимнинг ўчоғи юрт, яна сабзавор бўлсин.
 Бу дунё жаннати сенда, халойиқ яйрасин, кулсин,
 Саодат қўйнида ҳар ким ҳаёт давронини сурсин” [2]

мазмундаги мисралар ҳам бор. Олийҳиммат ва орзу-умидлар билан йўғрилган ушбу мисралар мустақиллик нурлари нашидасидан баҳраманд бўлаётган халқимиз тақдири ва келажагига ҳамоҳангдир.

Хулоса. Кичик тадқиқот натижасида қуйидагича якуний хулосаларга келинди:

1. Совет ҳокимияти йилларида муҳожирликка маҳкум этилган ўзбеклар умр бўйи ўз Ватанларига, яъни жаннатмакон Ўзбекистонга қайтиш истаги билан, юртларидан бир мужда кутиб яшадилар. Улар совет жамияти кум устига қурилган, тезда қулайди, биз Истиқлолга эришган ота-боболар юртига албатта қайтиб борамиз, деб ўйладилар.

2. Хориждаги ўзбеклар орасидан ортда қолган тарихий даврда юзлаб зиёлилар, жумладан, бадиий ижод соҳиблари етишиб чиқди. Улар ўзларининг насрий ва назмий асарларида, шеър, ғазал ва мухаммасларида, тўртликларида муҳожир ўзбекларнинг Ватанга бўлган чексиз соғинчи, меҳр-муҳаббати, истак-интилишларини ифодаладилар. Шеъриятдаги бош мавзу “Ватан” мавзуси бўлди. Чунки, улар ички кечинмалари, руҳияти доимо Ўзбекистон билан боғлиқ эди.

3. Муҳожир ўзбек ижодкорлари ота-боболар заминига қайтиш, ёхуд эркин кириб-чиқиш, қавм-қариндошлари билан юз кўришиш, Ватан соғинчи дарди ва армонларидан қутулишнинг бирдан-бир йўли – Истиқлолга эришиш деб ҳисобладилар. Шу сабабли “Истиқлол” орзуси ва умид-истакларини тараннум этиш шеъриятда Ватан муҳаббати туйғуси билан уйғунлашиб кетди.

4. Совет ҳокимияти йилларида (1917-1991 йиллар) халқларнинг янги тарихий бирлиги, миллатлар қоришмасидан иборат “совет халқи” шаклланиши билан боғлиқ чўпчакларга юртдошлармиз ишониб юрган бир даврда муҳожир ўзбеклар назмда яратилган асарларида ўзбек миллати, миллий урф-одат ва миллий мерос, миллий ўзликни англаш, миллий менталитет ва қадриятларга садоқат кабиларни тарғиб қилдилар. Шунингдек, Ватан - ўзбеклар учун бу Ўзбекистондир, қандайдир сунъий равишда юзага келган бир-биридан тарихи, маданияти узоқ, турли-туман халқлар қоришмасидан иборат бўлган СССР эмас деб, эркинлик ва озодликни тараннум этдилар. Мустамлака тузумидан озод бўлишгина, яъни Истиқлол миллатимизга асл Ватанларини бор бўй-басти билан қайтаради, деган уларнинг ғоялари бугунга келиб ҳақиқат кўзини очди.

5. Истиқлолнинг дастлабки йилларида бир қатор хорижлик шоирлар Ўзбекистон мустақиллигига бағишлаб шеър, ғазал ва мухаммаслар яратдилар. Бундай ижод намуналари сирасига Камол Абдуллоҳ Тошқиннинг “Саломинга”, Муҳаммад Акбар Ҳамдамнинг “Азиз юртимиз Ўзбекистоннинг мустақил бўлғони хусусинда мухаммас”, Аҳмадали Тўлқиннинг “Мустақил юртимни куйлайман”, Абдусалом Қорининг “Миллатим”, Собир Сайхонлининг “Ватаним соғ бўл!” кабиларни киритиш мумкин.

6. Хориждаги ўзбеклар шеъриятини адабий танқидчилик ва адабиётшунослик йўналишида тадқиқ қилиш келгусидаги илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Камол Абдуллоҳ.** Тошқиннинг ҳаёт йўли ва ижоди // Шарқ юлдузи. 1992. – № 4. – Б. 45-47.
2. **Меҳр Бону, Каримов Яшнар, Аминов Муҳаммад.** Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ // Туркистон, 1992 йил 14 январь.
3. **Усмон Ориф.** Боди саболардан кутилган мужда // Мулоқот. 1991. – № 8. – Б. 64-67.
4. **Усмонов И., Темур Хўжа.** Руҳим Ўзбекистонда қоладур // Мулоқот. 1991. – № 2. – Б. 44-47.
5. **Жалилов Сайфиддин.** Бухорийлар қиссаси (Муҳожират тарихидан лавҳалар). –Т.: Тошкент Ислон Университети, 2006. – 284 б.

6. Эргаш Шермат Булоқбоши. Порлоқ топар истиқболинг Туркистон // Шарқ Юлдузи. 1992. – № 1. – Б. 43-44.
7. Ҳайитов Ш.А. Хориждаги ўзбек ижодкорлари. – Бухоро: Бухоро, 1994. – Б. 43.
8. Ҳайитов Ш.А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 208 б.

УДК 636.084.525:07.00.08

МУСТАҚИЛЛИК - ТЕМУРШУНОСЛИКДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Болтаев Шариф Олимович

Бухоро вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти доценти, тарих фанлари номзоди

Рашидов Умар Жураевич

Бухоро вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти доценти, тарих фанлари номзоди

Таянч сўзлар: мустақиллик, соҳибқирон, темуршунослик, темуршунос олимлар, тарихийлик ва бадиийлик, мустабид тузум, “Тузуқлар”, “Бобурнома”, Амир Темур сиймоси.

Ключевые слова: независимость, Сахибқирон, темуроведение, учёные-темуроведы, историзм и художественность, деспотический строй, “Тузуки” (свод законов), “Бабур-наме”, облик Амира Темура.

Key words: independence, Sohibqiron (lord of the happy conjunction), Timur studies, scientists who study the life of Temur, historicism and artistic merit, despotic regime, “Tuzuki Temuriy”, “Baburnama”, the image of Amir Timur.

Мақолада мустақиллик даврида Амир Темурнинг номини поклаш, унинг хизматларини муносиб баҳолаш ва янги шаклланган илмий оқим -темуршуносликнинг мувафақиятлари таҳлил этилади.

В статье говорится о восстановлении славного имени Амира Темура, дана оценка его заслугам, а также анализируется успехи нового научного направления (Темуроведение).

The article analyzes the process of honoring the name of Amir Timur and evaluating his services properly during the years of independence. The success of Timur studies, a new scientific trend is also considered in the article.

Кириш. Ўтмиш тарихий ва маданий мероси нафақат ҳозирги кунимизнинг, балки келажакимизнинг ҳам мустаҳкам пойдеворидир. Мустақиллик – бой ва бетакрор ўтмишимизни ҳолисона ва илмий ўрганиш имкониятини берди. Бунёдкор халқимиз мисли қўрилмаган иштиёқ билан ўз тарихини чуқур ўрганмоқда. Бегона майл ва биз учун номақбул мафкура таъсирида ғайриилмий талқин этилган ўзининг бой тарихи ва маданияти саҳифаларини заргарона тарзда янгича ўрганмоқда.

Истиқлол йилларида буюк аждодимиз - марказлашган давлат асосчиси, мохир саркарда, илм-фан ҳомийси, бунёдкор ва дипломат бўлган Амир Темурнинг ҳаёти, меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Тарихда темуршунослик деган илмий йўналиш тобора ривожланиб бормоқда.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, унинг тарихий хизматлари таҳлиliga бағишланган илмий, тарихий, бадиий ва турли жанрлардаги асарлар у ҳаёт бўлган даврда дунё юзини кўриб, кишиларнинг эътиборини қозонган эди. Айниқса, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” каби асарлар улуғ бобокалонимизнинг сермазмун ҳаёт йўли ҳақида бой маълумотлар беради.

Темуршунос олим У.Уватовнинг “Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида” асарида Бадриддин ал-Айний, Ал Асқалоний, Абул Маосин Тағриберди, Ас-Сахавий, Ибн Халдун, Ибн Арабшоҳ каби ўнлаб араб олимларининг Амир Темур ҳақида ёзган асарлари таҳлил қилинадики, бу улуғ аждодимизнинг ҳаёти, босиб ўтган тарихий йўли XIV-XV асрлардаёқ

диққат эътиборда бўлганлигининг далолатидир. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги тантаналарида Биринчи Президентимиз таъкидлаганла-ридек, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида темуршунос олимлар фаолият кўрсат-моқда [1].

Истиқлол улуғ аждодимизнинг тарихий хизматларини холисона ўрганиш, унинг номини турли тухмат ва бўхтонлардан холи қилишда муҳим босқич бўлди. Бу даврда темуршунослик алоҳида мазмун касб этди, қолаверса давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мустақиллик даврида Амир Темур шахсига муносабат, аввало, халқимизнинг миллий қадриятларига, унинг сермазмун, оламшумул меросига, кўп асрлик тарихига, удум ва анъаналарига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уни ҳар қандай шароитда ҳам асраб-авайлашга интилиш ётади.

Амир Темурнинг беназир қадрияти халқимизнинг ўзлигини англаш, миллий онгини юксалтириш, шўро зуғуми билан қарийб унутилган тарихимизни қайта тиклаш учун лозим эди. Соҳибқирон эса ана шу кўхна ва қадимий тарихимизнинг буюк чўққисидир. Соҳибқироннинг фазилатлари, у бошқарган давлатда амалга оширилган хайрли ишлар, бунёдкорлик ва ободончилик ҳозирги давримиз билан ҳамоҳангдир.

Ҳуқуқий-демократик, адолатли фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бораётган мамлакатимизда Амир Темурнинг “Куч-адолатда!” деган шиори дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда. Янги сиёсий тизим, янги мулкчилик муносабатлари ва янгича тафаккур шаклланаётган даврда Амир Темур сиймоси халқимизга тоғдек таянч бўлиб хизмат қилади, унинг олижаноб фазилатлари бунёдкорлик ишларимизда бекиёс сафарбарлик руҳини бахш этади.

Истиқлол даври темуршунослик йўналиши Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Шўро даврида буюк бобомиз руҳига тухмат ва бўхтонлар ёғдирилган эди. “Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар” [2], деб ёзади Ислом Каримов. Ана шу мафкурага қарши темурога руҳ билан курашган Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан соҳибқироннинг номлари покланди. Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан Соҳибқироннинг ҳайкалини яратиш ва таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақида ҳукумат қарорлари ва 1996 йилни “Амир Темур йили”, деб эълон қилиш ҳақида фармон чиқарилди. 1996 йил 14 мартда Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1996 йилнинг 26 апрелида “Амир Темур ордени”ни таъсис этиш ҳақидаги фармонлари чиқарилди. Халқаро “Амир Темур” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Тошкент, Шаҳрисабз, Самарқандда Соҳибқироннинг ҳайкаллари очилди. Тошкентда қисқа муддатда замонавий архитектура намунаси бўлган Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилиб, ишга туширилди.

Биринчи Президентимиз 1996 йил 24 апрелда ЮНЕСКО қароргоҳи - Парижда “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” мавзуидаги тантаналарда қатнашди. 1996 йил 24 октябрда Туркистон саройида очилган “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзуидаги халқаро конференцияда маъруза қилиши Ислом Каримовнинг Амир Темурга, тарихимизга бўлган эҳтироми намунасидир. У кишининг “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Она-юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир” (2015 йил) асарларида, маъруза, нутқларида буюк аждодимизнинг тарихи диққат-эътибордалигига қайта-қайта гувоҳ бўламиз. Чунончи, собиқ шўро даврида тарихий асарларда: “Амир Темур шахси ва фаолиятига бир ёқлама баҳо берилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий карашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир” [1], деб таъкидлаганлари эътиборга лойиқ.

Кичик бир мақола доирасида темуршуносликка муносиб ҳисса қўшаётган олимларнинг асарлари ҳақида фикр билдириш мушкул. Аммо, ўзбек олимларининг катта бир гуруҳи темуршунослик оқимида муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Ҳали шўро мафкураси ҳукмрон бўлган даврда академик И. Мўминов ўзининг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласи билан том маънода жасорат кўрсатди.

Мустақиллик яратиб берган имкониятлар темуршунос олимлар сафини кенгайтирди, уларнинг тадқиқоти кўламини кенгайтирди, илмий қийматини оширди, мавзуларнинг ранг-баранглигини таъминлади.

Бу ўринда темуршуносликнинг дарғаларидан бири академик Б. Ахмедов, академиклар: Г. Пугаченкова, Э. Ртвеладзе; профессорлар: А. Ахмедов, А. Ўринбоев, О. Бўриев, А. Ҳасанов, П. Равшан, Х. Собиров, У. Уватов, А. Бердимуродов, Н. Ҳабибуллаев, Т. Файзиев каби яна кўплаб олимларнинг хизматларини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти у қолдирган бой меросни тадқиқ қилувчиларнинг етакчиси марҳум академик Бўрибой Ахмедов бўлди. Истиқлол берган кенг имкониятлардан фойдаланган муаррих, Соҳибқироннинг серқирра фаолиятини атрофлича ўрганди.

Олимнинг “Амир Темур” [4] номли тарихий романи айниқса эътиборга моликдир. Асарда берилган Соҳибқирон ҳаёти, ижтимоий – сиёсий фаолиятининг солномаси саналарининг моҳияти, мазмунини англашга ёрдам беради. Шунингдек, китобда қўлланилган ўрта асрларга оид сўз ва иборалар, ой номларининг изоҳлари ҳам келтирилганки, бу аввало, олимнинг улкан илмий салоҳиятидан дарак берса, иккинчидан ҳозирги китобхонга асарни чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Тарихимизнинг жуда бой манбаларин машаққатли меҳнат билан ўрганиб, уни ғоят зарифона ва масъулиятли ҳис ҳолда акс эттириш “Амир Темур” романининг характерли хусусиятидир. Шунинг учун ҳам асар ҳақида ёзилган тақризларда: “Темуршунослик ҳазинасига яна бир дур-гавҳар бўлиб қолди” [5] дейилган фикр бежиз айтилмаган.

1996 йилда муаррихнинг ўзбек, инглиз ва рус тилларида “Соҳибқирон Темур” [6] рисоласи босилиб чиқди. Асарда Соҳибқирон давлатининг ташкил топиши, ўз ҳудудларини кенгайтириш, тарқоқликка барҳам бериш учун олиб борилган юришлар, давлат ҳаётида қонун устуворлиги в илм – фан ривожини ками масалалар қамраб олинган.

Мухтарам олимимизнинг бу асарида Амир Темур фаолиятининг баъзи қирралари янгича таҳлил этилган. Жумладан, бу асарда Соҳибқирон ҳарбий юришларининг сабабларини таҳлил этар экан, ўрта асрдаги ҳукмдорлар ўз синфлари, яъни мулкдорларнинг талаб ва истакларини бажаришга мажбурлигини, подшоҳлар орасида жаҳонга ҳоким бўлиш истагини бўлганлиги ва Амир Темур ҳам бу майлдан четда бўлмаганлиги қайд этилади.

Муаррихнинг ҳаммуаллифликда ёзилган “Амир Темур” [7] (рус тилида) номли монографик тадқиқоти ҳам ана шундай ҳолисона илмий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради. Амир Темур ва темурийлар даври тарихини чуқур билган олим бу асарда Соҳибқирон шаънига тухмат тарзида бир асардан бошқасига кўчиб юрган Хоразмшоҳлар пойтахти – Гурганжнинг Амир Темур томонидан “Батамом вайрон қилиниши ва шаҳар ўрни ҳайдалиб туз сепилгани” ҳақидаги фикр ишонарли илмий далиллар билан исбот қилинган. Муаллифлар тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига суяниб, Амир Темур Гурганжни батамом вайрон қилмаганлигини қайд этадилар. Олтин Ўрда хони Тўхтамышни тор – мор қилиб қайтаётган Темур Амирмусо бошлиқ бир қисм қўшинни Гурганжни тиклаш учун қолдиради ва қўшин шаҳардаги вайрон қилинган биноларни тиклайди.

Муаррихлар фақат шу хулоса китобхонни қаноатлантирмаслигини назарда тутиб, қатор далилларни келтиришади. Соҳибқироннинг Хоразмга қилган охириги юришидан 13 йил ўтгач, Олтин Ўрда амири Эдигей Пўлатхон билан жанжаллашади ва Хоразмга қочади. Пўлатхон юборган қўшин Гурганжни қамал қилсада, уни ололмайди ва орқага қайтади. Демак, бу пайтда шаҳарнинг мудофаа деворлари қайта тикланган эди.

Олимнинг “Амир Темурга мактублар” [8], “Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати” [9] каби мақолалари ёзилиш услуби, ёритилаётган масалаларнинг пухта таҳлили, ишончли ва рад қилиб бўлмайдиган мантиқий хулосалари билан ажралиб туради.

Академик Б. Ахмедов ҳаётининг кейинги йилларини том маънода Соҳибқирон руҳини шод қилишга бағишлади. Муаррих Амир Темур ҳаёт йўли ва унинг салтанати ҳақида тарихшунослик назаридан четда қолиб келаётган кемтик нуқталарни ёритди, янгича фикрларни ўртага ташлади. Шунингдек, олим амалий фаолияти билан ҳам бу соҳага муносиб ҳисса қўшди. Б. Ахмедов Халқаро Амир Темур жамғармасининг раиси сифатида

хайрли ишларни амалга оширди. Унинг жўшқин илмий ва ташкилотчилик фаолияти оқибатида мустақиллик даврида кенг қулоч ёзган темуршунослик илми янги поғонага кўтарилди.

Кейинги йилларда темуршуносликка муносиб ҳисса қўшган проф. Ҳ. Зиёев, адабиётшунос олим П. Қодировларнинг хизматларини тилга олмасак адолатсизлик бўлади. Ҳ. Зиёевнинг “Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири” [4] асарида Соҳибқирон давлатининг мафкуриси, Қуръони Карим асл нусхасининг келтирилиши, академик И.Мўминовнинг тақдирига дахлдор бир қатор масалалар таҳлил этилганки, булар деярли янги хулосалардир.

Марҳум адабиётшунос П. Қодировнинг ижодида Амир Темур ва темурийлар тарихи кенг ўрин эгаллади. Юксак илмий салоҳиятга, чуқур мушоҳада қобилиятига эга бўлган адиб буюк соҳибқирон ҳаётини пухта ўрганганлиги оқибатида кўпгина китоблардаги фикрлардан қониқмаганлиги, Амир Темур ҳаётида ҳали беҳисоб дуру гавҳарлар борлиги ва ўзининг қалб тўрида сақлаган мулоҳазаларини тарихийлик ва бадийлик билан уйғунлаштириб, “Амир Темур сиймоси” [5] ва “Тил ва эл” [6] каби асарларини эълон қилдики, улар темуршуносликка қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Оқсоқол адибимизнинг ўзи эътироф этганидек: “...Бобур ва унинг авлодлари ҳақида роман ёзганимда дил тубида доим Амир Темур сиймосини кўрардим. Фақат мустабид тузумнинг тазйиқ ва тақиқлари сабабли ўн йиллар давомида буни очик ёзиб чиқолмадим.” [5].

Ҳа, мустақиллик дилимиз тубидаги гапларни юзага чиқишига имкон яратди, кечроқ бўлса-да, муаллиф улуғ бобокалонимиз ҳақидаги соҳир фикрларни ўз асарларида акс эттирди.

П. Қодировнинг асарларида “Темур тузуклари” ҳақидаги ўта ишонарли далиллар, бошқа муаллифлар мурожаат қилмаган тарихий манбалар талқин ва таҳлили диққатга сазовордир. “Амир Темур сиймоси” асаридаги “Авлодларга аталган буюк кашфиёт” [5] фасли, “Тил ва эл” [6] асаридаги “Амир Темур маънавияти тилимиз кўзгусида” бобларида “Тузуклар” ҳақида билдирилган фикрларни китобхон бошқа манбаларда деярли учратмайди.

Марҳум адибимизнинг Амир Темур ва Аҳмад Яссавийнинг маънавий яқинлиги, соҳибқирон билан унинг авлодидан бўлган З.М.Бобур борасидаги фикрлари, “Тузуклар” ва “Бобурнома” ҳақидаги ўта ишонарли ва ниҳоятда қизиқ мулоҳазалари темуршуносликда янги саҳифа ҳисобланади.

Хулоса. Юқоридагилардан кўринадики, мустақиллик даври темуршунослиги китобхонларга манзур бўладиган янги асарлар билан бойиб бормоқда. У янги-янги мавзуларни қамраб оляпти, очилмаган “қўриқ”ларни очяпти. Бу эса ҳазрат Соҳибқироннинг руҳини шод этиши табиийдир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 184.
2. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 176.
3. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 183-184.
4. **Ахмедов Б.** Амир Темур. Тарихий роман. – Т., 1995. – Б. 573-587, 595-638, 640.
5. **Ахмедов Б.** Соҳибқирон Темур. – Т., 1996. – Б. 32-33.
6. **Ахмедов Б.** Соҳибқирон Темур. – Т., 1996. – Б.136.
7. **Ахмедов Б., Муқминова Р., Пуганчова Г.** Амир Темур. – Т.: Университет, 1999. – Б. 36-226.
8. **Ахмедов Б.** Амир Темурга мактублар// Мулоқот. – 1993. – Б. 4.
9. **Ахмедов Б.** Амир Темурнинг давлатни бошқариш сиёсати // Мулоқот. – 1993. – Б. 5-6.
10. **Зиёев Ҳ.** Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 136.

11. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 248.
12. Қодиров П. Тил ва эл(бадиалар). – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 296.
13. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 5.
14. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 220-245.
15. Қодиров П. Тил ва эл. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 53-86.

УДК 930.8.(575.171)

**ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЁ ЗИРОАТКОР АҲОЛИСИ МУДОФААГА ОИД БИЛИМЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН
(археолог олим Қ. Собиров таваллудининг 70 йиллигига бағишланади)**

Нуруллаева Шоира Қўшназаровна

Урганч давлат университети Тарих кафедраси доценти

Таянч сўзлар: Ўрта Осиё, деҳқон, мудофаа билимлари, неолит, энеолит, бронза, Намозгоҳтепа, Улугтепа, Гиёксўр, Жойтун, Калтаминор, Сополлитепа, Жарқўтон, бурж, шинак.

Ключевые слова: Средняя Азия, дежанин, знания защиты, неолит, энеолит, бронза, Намозгохтепа, Улугтепа, Гияксур, Жайтун, Калтаминор, Сополлитепа, Жаркутон, бурж, шинак.

Key words: Central Asia, peasant, Neolithic Period, the knowledge of defence, Eneolithic period, Bronze period, Namozgohtepa, Ulugtepa, Giyoksur, Jaytun, Kaltaminor, Sopollitepa, Jarquton, burj, shinak.

Ушбу мақолада Ўрта Осиё зироаткор аҳолиси мудофаа билимларининг вужудга келиш босқичлари таҳлил этилган.

В данной статье автор анализирует этапы становления защитных знаний дежкан Средней Азии.

The stages of the emergence of the knowledge of defence in Central Asian peasants are analyzed in the article.

Кириш. XX асрнинг 90-йиллари бошларига келиб, собиқ шўро жамиятининг барча соҳаларини қамраб олган иқтисодий инқироз ва сиёсий беқарорлик иттифоқдош республикаларнинг иттифоқ доирасидан чиқиб кетиш имкониятини ҳосил қилди. Бу жараёндан унумли фойдаланган Ўрта Осиё республикалари аҳолиси миллий ривожланиш йўлини танлаб олиб, миллий давлат пойдеворини тиклаш, уни мустақамлаш борасида турли дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқдилар ва уни амалга ошира бошладилар. Миллий истиқлол тарих фанининг аҳамиятини оширди, шўро даври тарихшунослигида Ўрта Осиё халқлари тарихида тўпланиб қолган муаммолар аён бўлиб қолди. Ўрта Осиё аҳолисининг қадимги даврда хўжаликнинг барча соҳаларида эришган ютуқларининг шўро даври тарихшунослигида қайси мафкура асосида ёритилганини эътиборга олиш зарурлиги ойдин бўлиб қолди. Маълумки, Ўрта Осиё зироаткор аҳолиси маънавиятида шаҳарсозлик маданияти бир хронологик даврда вужудга келган эмас. Мазкур мақоланинг асосий мазмуни шундан иборат бўладики, шўро даври тадқиқотчилари томонидан чоп қилинган нашрларда қайд қилинган тарихий маълумотларни назарга олиб, Ўрта Осиё минтақаларининг геологик ва географик ҳолати, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Мурғоб ва Тажан дарёлари фаолиятлари натижасида вужудга келган маданий-хўжалик массивлар, уларнинг аҳоли томонидан ўзлаштирилиши, аҳолининг нотекис жойлашишига сабаб бўлган омиллар, аҳоли маънавиятида шаҳарсозлик ғояларининг пайдо бўлишига сабаблар, уларнинг мудофаа девор билан ўраб олинишига олиб келган сабаблар, оддий мудофаа билимларидан такомиллашган мудофаа мактабларининг вужудга келиши ва ривожланиши, аҳоли турар жойларининг жойлашиш хусусиятлари, режавий тузилишида миқдорий ўзгаришлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ва этник марказларга айланишининг янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида ёритилиши мақола

долзарблигини белгилаб беради. Мақолада илк бор шўро даври нашрларида қайд қилинган тарихий маълумотлар асосида зироаткор аҳолининг энеолит давридан мил.авв. VIII асргача турар жойлар қурилиш тарихини умумлаштирган ҳолда ёритиш назарга олинган.

Геологик тадқиқотлар натижалари ва география фани тараққиётидан маълумки, Ўрта Осиёнинг тарихий-географик ва иқтисодий ҳудудларининг ҳолати ер ости тебранишлари ва серсув дарёларнинг гоҳ кўтарилиш, гоҳ пасайиш натижалари билан изоҳланади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Фарғона водийсидаги Селенғур ва Тошкент вилоятининг Кўлбулоқ манзилгоҳларида истиқомат қилиб, овчилик ва термачилик билан шуғулланиб келган ибтидоий одамлар Ўрта Осиё заминида бундан I млн. йил илгари дастлабки этнографик ва этнотопонимик атамага эга бўлган ҳудудлар ҳосил қилганлар [1]. Демак, бундан бир миллион йиллар илгари Ўрта Осиёнинг юқорида қайд қилинган икки минтақаси табиий-иқтисодий манбага эга бўлиб, одамзотнинг жойлашиши билан тоғдаги табиий ғорлар ва тоғ олди этакларида фаолият олиб бораётган булоқ атрофлари этник маконларга айланган: уларнинг чайлалари ер сатҳининг баланд тепаликларига қурилган бўлиб, теваарак-атрофдаги ўсимлик дунёси қурилиш ашёлари бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, бутун тош асри давомида Ўрта Осиё минтақаларида турмуш тарзини олиб борган аجدодларимизнинг минтақанинг иқлим шароити ва географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши бир хил даражада кечган эмас. Масалан, неолит даврида Ўрта Осиёда уруғ жамоаларининг жойлашиши, улар томонидан олиб борилган хўжалик йўналишларида бир-биридан кескин фарқланадиган хусусиятлар мавжудлиги кўзга ташланади. Хусусан, В.М. Массоннинг Жанубий Туркменистоннинг Копетдоғ этакларида ва Мурғоб дарёси ҳавзасида, Я.Ғ. Ғуломовнинг Қуйи Зарафшон воҳасида олиб борган археологик изланиш-лари натижалари неолит даврида жамиятнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан нотекис ҳолатда ривожланганлигини исботлайди. Неолит даврида Жанубий Туркменистоннинг Копетдоғ тоғ этакларида ва Мурғоб дарёси ҳавзасида ўтроқ аҳоли ҳунармандчилик, қайир деҳқончилиги ва лой меъморчилик билими асосида турар жойларни бино қилганлар [2].

Тожикистоннинг Ҳисор водийси, Фарғона, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм минтақаларида жойлашган уруғ жамоалари ўша кезларда овчилик, уй чорвачилиги ва термачилик билан шуғулланиб мавсумий чайлаларда макон қилганлар [3]. Жамиятнинг нотекис ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши Ўрта Осиё минтақаларида энеолит, бронза тарихий давларида давом этган.

Мил.ав. V минг йиллик охири - IV минг йиллик бошларидан тортиб III минг йиллик ўрталаригача Жанубий Туркменистоннинг Копетдоғ тоғ олди этакларида хўжалик йўналишларини олиб борган “кечаги зироаткор аҳоли” нинг авлодлари янги табиий-иқтисодий манбали сарҳадларни излаб юриб, Тажан дарёси ҳавзасига келиб жойлашиб, этно-географик ва этно-топонимик маконни ҳосил қиладилар. Ўша тарихий саналарда Тажан дарёси ҳавзасини урбанизациянинг илиқ шабадалари қамраб олган. Шу билан бирга, мазкур ҳудудда урбанизацион жараён ҳарбий тус олган. Мазкур жараённинг ҳарбий мазмуни энеолит даврида Тажан дарёси ҳавзаси этакларига туташган ҳудудлардаги уруғ жамоалари турар жойлари қурилишида ўз аксини топган эди.

И.Н. Хлопиннинг Геоксўр воҳасида энеолит даврига мансуб бўлган уруғ жамоалари турар жойларида олиб борган археологик изланишлари натижаларига кўра, Жойтунликларнинг янги авлодлари турар-жойлар қурилиши борасида режавий тузилишга содиқ қолганлар. Лекин, турар бинольар қурилишига тарих тақозосидан келиб чиқиб, мудофаа билимини қўшиб қўллаганлар. Шу тариқа, мудофаа девор, унинг бурж элементи турар жойларнинг таркибий қисми бўлиши билан бирга, мудофаа қобилятини ҳам мустаҳкамлаган. Геоксўр воҳасининг ўтроқ ва зироаткор аҳолиси яшаган ҳудуд қалинлиги 50 см.ли девор билан ўраб олиниб, улар маълум масофада айлана шаклидаги буржларга эга бўлган. Буржлар девордан ён томонга 5-6 м. ўсиб чиққан. Шу билан бирга буржлар ўртасидаги оралик йўлак мудофаа ва ҳужум майдонига айланган. Буржлар хоналаридан ўчоқ ва кул қолдиқлари, лойдан ясалган ядролар, камон ўқлари топиб олинган, бу эса мудофаачилар доимо фаолият олиб борганлигидан далолат беради. Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий маданий вилоятларида турмуш тарзини олиб борган уруғ жамоалари турар

жойлари тузилишида неолит даври анъаналари давом этган. Фикримизча, бу минтақаларга ҳарбийлашган урбанизация жараёни белгилари ҳали етиб келмаган. Шунинг учун ҳам кечаги уруғ жамоаларининг янги авлодлари ота-боболари урф-одатлари ва ҳўжалик соҳаларидаги билимларига содиқ қолганлар. Бу ҳолатда, албатта, иқлим шароити ва географик муҳит ҳам муҳим ўрин тутган.

Мил.ав. III минг йиллик ўрталари ва II минг йилликларда Жанубий Туркманистоннинг Копетдоғ этаклари ва Мурғоб дарёси ҳавзаси атрофларида ҳўжалик соҳаларини олиб борган зироаткор аҳоли томонидан турар жойлар қурилиши ва уларнинг тузилишида туб ўзгаришлар содир бўлган. Мазкур тарихий саналарда урбанизацион жараённинг маълум фаоллашиш даражаси қайд қилинган сарҳадларни қамраб олган. Таъкидлаш лозим бўладики, ўша тарихий санада Геоксўр воҳасидаги қабилалар уч йўналишда миграция жараёнига тортилган:

1. Мурғоб дарёси ҳавзалари;
2. Копетдоғ тоғ олди этаклари;
3. Зарафшон воҳасининг юқори қисми.

Мурғоб дарёси ҳавзасида Олтинтепа, Гонуртепа, Келлели; Копетдоғ тоғ олди этакларида Намозгоҳтепа, Улуғдепа, Қоратепа ёдгорликлари қурилиши ва уларнинг жойлашиши, мудофаа билимларида урбанизацион жараённинг таъсири ўз мазмунини топган.

Тарихий маълумотларга кўра, Олтинтепа (28 га) икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган. Девор ўз навбатида тўғри бурчакли буржларга эга бўлиб, унинг мудофааси кучайтирилган. Деворлар ораси кенглиги 2 м. йўлакларга эга бўлган. Девор ва буржлар тўғри бурчакли хом ғишдан тикланган. Буржлар деворда маълум масофали мудофаа майдонини ҳосил қилган. Бронза даври турар жойларида миқдорий жиҳатдан энеолит даври турар жойларидан кескин фарқланиш бўлган. Олтинтепа ҳудуди 28 гектар, Намозгоҳтепа майдони 70 гектар, Улуғдепа ҳудуди 20 гектар, Қоратепа эса 15 гектар ҳудудга эга бўлган [4]. Афсуски, мазкур аҳоли марказларида маданий ҳаёт узоқ давом этмаган. Мил.ав. II минг йиллик ўрталарида Зарафшон дарёси юқори қисмига Тажан дарёси ҳавзасидан кўчиб келган зироатчиларнинг бир гуруҳ вакиллари Саразм қишлоғида мудофаа девор билан ўраб олинган турар жойни бино қилишган [5]. Зарафшон водийси юқори қисмига Тажан дарёси ҳавзасидан кўчиб келган зироатчиларнинг бир гуруҳ вакиллари Саразм қишлоғида мудофаа девор билан ўраб олинган турар жойларни барпо қилганлар. Демак, Геоксўрликлар кўчиб келган ҳудуднинг ҳарбий манзараси теварак-атрофдаги кўчманчилар томонидан ҳосил қилинган. Шунинг учун ҳам кўчиб келган зироаткорлар турар жой учун танлаб олган географик ҳудуднинг тарихий вазият талабига жавоб бера оладиган ҳимоясини таъминлашга мажбур бўлганлар. Копетдоғ этакларида ҳўжалик йўналишлари ва мудофаа билимини касби-кор қилиб олган зироаткор аҳолининг янги авлодлари ота-боболари ҳўжалик анъаналарини давом эттириш илинжида Сурхон воҳасининг шимолий қисмига, яъни Шеробод тумани Шеробод дарёсининг ирмоғи бўлган Уланбулоқсой этагига туташган баландликка макон қилганлар. Сурхон воҳаси аҳолисининг бронза даврида ҳимояланиш тизими Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида ўз мазмунини топган. Сополлитепа II шаклида кенглиги 3 м. йўлакли мудофаа девори билан ўраб олинганлиги боис, у квадрат шаклга эга бўлган. Мудофаа девори бурж ва шинаклардан холи бўлса ҳам, унинг ҳимояланиш даражаси тарихий вазиятга мос бўлган [6].

Бронза асри охирига келганда, сополлитепаликларнинг янги авлодлари сув танқислиги натижасида шимол томонга, яъни Шеробод дарёсининг Бўстонсой ирмоғи соҳилига туташган баландликда тўрт томони мудофаа девор билан ўраб олинган маконни бунёд қилганлар. Ёдгорлик тўғри бурчак шаклда, умумий майдони 100 гектар, 2 м. йўлакка эга бўлган. Дастлаб пахса, кейинчалик тўғри бурчакли ғиш билан тикланган мудофаа девор ўз навбатида тўғри бурчакли девор билан ўраб олинган [7]. Тарихий маълумотларга кўра, Копетдоғ тоғ олди этакларида зироаткор аҳоли вакилларининг бир гуруҳи ҳарбий вазият кескин тус олган Бактриянинг шимолий ҳудудига кўчиб келган. Тарихий вазият мукамал мазмунга эга бўлган масканни барпо қилишни тақозо этган. Мил. аввалги II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларига келганда Туркманистоннинг жануби-шарқий

худуди, яъни Мурғоб дарёси ҳавзасини, Сурхон воҳасининг шимоли-ғарбий, Зарафшон воҳасининг Жанубий ва Марказий қисми ҳамда Фарғона водийсини урбанизациялашган жараён қамраб олган эди.

В.М. Массон “Мурғоб дарёси ҳавзасида зироаткор аҳолисининг бир гуруҳи ўз ота-боболари ҳўжалик йўналишларини ривожлантириш борасида Яздепага асос солганлар. Олтинтепаликларнинг янги авлодлари Мурғоб дарёси шимоли-ғарбий шаҳобчасига яқин жойдаги ҳудудга ўрта ҳажмли мудофаа тизимли маконда умргузаронлик қилганлар” [8], деб ёзади. Худди шундай мудофаа элементли аҳоли маскани З. Усманова томонидан археологик жиҳатдан ўрганилган эди [9].

Мазкур аҳоли маскани тарихий адабиётлар саҳифасида Яздепа этнотопонимикаси қайд қилинган. Яздепа-1, Эрқалъа (Мерв) икки қаторли мудофаа деворлар билан ўраб олинган. Тадқиқотчилар хулосаларига кўра, Копетдоғ олди этаклари ва Мурғоб дарёси ҳавзасидаги зироаткор аҳоли гуруҳ вакиллари Шимолий Бақтрияга кўчиб ўтган. Зироаткор аҳоли томонидан бунёд қилинган Жарқўтонликларнинг янги авлодлари Шерободдарёнинг ўнг ва сўл сарҳадларига суғориш иншоотларини чиқариб, уларнинг соҳили этакларига тутшиб кетган ҳудудларга Талашкан-1, Жондаватга асос солганлар. Шу билан бирга шимоли-шарқий ҳудудлар ҳам аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, Қизилтепа-1, Хаитабау, каби шаҳарча ва шаҳар типдаги аҳоли масканларини бунёд қилганлар [10].

Тарихий маълумотлардан маълум бўлдики, Шимолий Бақтриянинг шимоли-шарқий худудида Бандихон I, II; шимоли-ғарбида Кучуктепа масканлари аҳоли томонидан қурилган [11].

А.С. Сагдуллаев тадқиқотлари натижаларидан маълумки, мил.авв. X-VII асрларда аҳоли томонидан мудофаа тизимга эга бўлган Қизилтепа қурилган. У икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинди, маълум масофада жойлашган ярим айлана буржларга эга [12]. Мил.авв. VIII аср иккинчи ярми охири чорагида Бақтрия зироаткор аҳолиси бир гуруҳ вакиллари Жанубий ва Марказий Зарафшон воҳасига миграцияси бўлган. Чунки, Зарафшон воҳасининг юқори қисмида бронза охиригача ҳўжалик йўналишини олиб борган Саразм зироаткор аҳолисининг янги авлодлари қайси ҳудудга кетиб қолганлиги номаълум. Қуйи Зарафшон воҳасида ҳўжалик соҳаларини олиб борган замонаболикларнинг авлодлари лой меъморчилиги билимидан анча узоқда эдилар. Шимолий Бақтриянинг лой меъморчилиги ва мудофаа билим тажрибасига эга бўлган зироаткор аҳолининг янги авлодлари ота-боболари ҳаётини тажрибасини давом эттириш илинжида Жанубий Сўғдда Ерқўрғон Қизилтепа I, II, Узунқир, Сангиртепа каби ҳажми катта ва кичик қалъаларни қурганлар [13].

Самарқанд Сўғди деб номланиб, бу ерда аҳоли Смараканса ва Кўктепага асос солганлар. Мазкур қалъаларнинг тўрт томони икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган бўлиб, улар ярим айланали буржларга эга бўлган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги бронза даврига келиб, тўрт томони мудофаа девор билан ўраб олинган аҳоли марказлари Фарғона водийсида ҳам шакллانган.

В.А. Спришевскийнинг Фарғона водийсида олиб борган археологик изланишлар натижаларига кўра, бронза асри охирида мудофаа деворли аҳоли маскани бунёд қилинган [14]. Далварзин ёдгорлиги тўрт томони йўлакли девор билан ўраб олинган. У Аркка эга бўлган [15]. Лекин, Чуст маскани тўрт томони девор билан ўраб олинмаган. С.П. Толстовнинг Амударёнинг ўнг ва сўл сарҳадларида аҳоли томонидан бунёд қилинган масканларда олиб борилган археологик изланиш натижаларига кўра, мил. аввалги VI аср бошларигача ертўлали турар-жойлар қурилиши устунлик қилган. Бундай турар-жой қурилиш услуби жануби-ғарбий Зарафшонда, Тошкент воҳаларида ҳам кузатилади.

Энди Ўрта Осиё ҳажми кичик, ўрта ва ҳажми катта шаҳарларнинг мудофаа тизимининг ривожланиш даражасини қараб чиқамиз.

Географик ўрни. Аҳоли марказларининг ривожланиши, аҳоли сонининг ошиши, кўптармоқли ҳўнармандчилик ва ҳимоя билими олиб борилишида географик муҳим аҳамият касб этади. Мил.аввалги IV-III минг йиллик ўрталарида аҳоли томонидан қурилган иншоотлар кўпинча текисликда қурилган. Бронза даврига келганда турар жойларнинг қурилишида туб ўзгаришлар юз берган.

Аҳоли масканларининг эгаллаган **майдон миқдори** уларни қуйидаги типларга ажратишни тақозо этди:

1-тип. Катта ҳажмли аҳоли марказлари 20-220 га, Самарқанда-219 га, Кўктепа-100 га, Жарқўтон-100 га, Намозгоҳтепа 70 га, Узунқир-70 га, Олтинтепа-28 га, Дальварзин-28 га, Эрқалъа-20 га;

2-тип. 20-5 га аҳоли марказлари. Хаитабад-7 га, Жондавлат-7 га, Яздепа-15 га.

3-тип. 0,5-4 га.

Сополлитепа-4 га, Чуст-4 га, Бандихон I, II - 0,5 га, Талашган-0,5 га, Сангиртепа-4 га.

Режавий тузилиши:

1. Айлана ёки айланасимон: Геоксўр воҳаси аҳоли турар жойлари, Олтинтепа, Талашган-1, Эрқалъа. Хаитабад, Жондавлаттепа.

2. Тўғри бурчак режага эга бўлган аҳоли масканлари:

Қизилтепа, Жарқўтон.

3. Квадрат типга эга бўлган аҳоли масканлари: Сополлитепа.

Мудофаа тизими хусусиятлари.

Аҳоли марказларининг фаолиятида девор ва унинг элементлари муҳим аҳамият касб этади. Девор - пахса ва тўғри бурчакли хом ғишдан иборат (42x29-10 см, 56x26-10 см).

Мудофаа тизими элементлари: Энеолит даври аҳоли турар жойлари мудофаа деворида йўлаклар мавжуд эмас. Уй хоналари бир-бирига тутшиб кетган.

Дарвоза - Олтинтепа, Дальварзин, Эрқалъа, Хаитабад, Жондавлат, Смараканса, Кўктепа каби қалъаларда ҳажми 4-6 м. дарвоза мавжуд бўлган. Бандихон I, II, Талашканда ҳажми кичик 2-3 м. ли дарвозалардан фойдаланилган.

Бурж – тўғри бурчакли буржлар Жарқўтон, Олтинтепа деворларини беаган. Талашкан манзилгоҳида айлана, Қизилтепада ярим айлана буржлар мудофаа девори элементи сифатида хизмат қилган.

Шундай қилиб, археологик ашёларга асосланиб эълон қилинган нашрларда қайд қилинган тарихий маълумотларнинг назарий-қиёсий таҳлили асосида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш имконини берди:

Ўрта Осиё зироаткор аҳолиси мудофаа билимларининг вужудга келиши ва ривожланиш жараёнини қуйидаги тарихий даврларга ажратиш мумкин:

1. Мил.ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярми ва III минг йиллик биринчи ярми;

2. Мил.ав. III минг йилликнинг иккинчи ярми II минг йиллик биринчи ярми;

3. Мил. ав. II минг йиллик иккинчи ярми биринчи чораги.

Ўрта Осиё зироаткор аҳолиси мудофаа билимини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1-тип. Оддий мудофаа билими (Геоксўр воҳаси);

2-тип. Мураккаблашган мудофаа билими (Олтинтепа, Жарқўтон, девор, бурж, йўлак).

Энеолит даври зироаткор аҳолисининг ҳимояланиш даражаси оддий мазмунга эга бўлиб, тарихий тараққиёт характериға хос бўлган. Иккинчи тарихий фарқи эса зироаткор аҳоли мудофаа билимида сифат жиҳатидан ўзгаришлар юз беради. Турар жойлар мукамал мудофаа элементларига эга бўлган. Бронза даврида эса Ўрта Осиёда ўтроқ ва суғорма деҳқончилик маданиятини олиб борган аҳоли томонидан қурилишда ўзига хос мудофаа иншоотлари қурилиш мактаби аънаналари шаклланиган.

Ушбу мақола мазмунини қамраб олган тарихий маълумотлар қуйидаги якуний хулосага келиш имконини берди:

Тарихий маълумотлардан маълум бўлдики, Ўрта Осиё минтақаларида умргузаронлик қилган аҳоли маънавиятида бир тарихий даврда шаҳарсозлик ғоялари вужудга келган эмас. Аҳолининг табиий-иқтисодий манбали ҳудудларда жойлашиши энг аввало иссиқ минтақаларда юз берган. Зироаткор аҳолининг шаҳарсозлик маданияти соҳасида эришган зафарлари қуйидаги тарихий даврлар билан боғлиқ:

1-давр. Мил.авв. IV-III минг йиллик ўрталари. Туркменистоннинг жанубий-шарқий ҳудуди Тажан дарёси қуйи ҳавзаси атрофлари (Геоксўр ҳавзаси). Оддий мудофаа билим (ягона пахса тўғри бурчакли ғиштин девор, айлана шаклидаги бурж бронза даври аҳолиси қурилиш билимлари учун меъморий асос бўлган).

2-давр. III-II минг йилликлар биринчи ярми. Жанубий Туркменистон Мурғоб воҳаси Олтинтепа, Копетдоғ этаги Намозгоҳтепа, Улуғдепа, Қоратепа).

3 – давр. II минг йилликнинг иккинчи ярми биринчи чораги. Юқори Зарафшон Саразм, Шимолий Бактрия-Сополлитепа.

4- давр. II минг йиллик иккинчи ярмининг охириги чораги. Жарқўтон.

5 – давр. II минг йиллик охири- I минг йиллик боши (IX-VIII аср). Фарғона водийси. Чуст, Далварзин.

6- давр. VIII-VII асрлар:

1. Туркменистоннинг Мурғоб дарёси ҳавзаси: Яздепа, Эркалға.

2. Жанубий Ўзбекистон: Қизилтепа, Хаитабад, Жондавлат, Бандихон, Кучук, Талашкан-1.

3. Зарафшон воҳаси: Жанубий Зарафшон: Ерқўрғон, Кеш, Узунқир, Сангиртепа.

Марказий Зарафшон, Смараканда, Кўктепа.

Ўрта Осиё қадимги давр аҳолиси мудофаа билимини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1-ибтидоий шаклга эга бўлган мудофаа билими.

2-такмиллашаётган мудофаа билими - мудофаа девор, йўлак мавжуд. Мудофаа элементлари мавжуд эмас.

3-такмиллашган мудофаа мактаби: икки қаторли мудофаа девор, ярим айлана ва тўғри бурчакли буржларга эга.

Аҳоли марказининг жойлашишини икки типга ажратиш жоиз.

1- баландликка қурилган масканлар: Олтинтепа, Қизилтепа, Жарқўтон, Смараканда;

2- текисликда бунёд қилинган аҳоли масканлари: Сополлитепа, Талашкан-1, Хаитабад, Жондавлат.

Аркка эга бўлганлар: Олтинтепа, Жарқўтон, Хаитабад, Жондавлат, Смараканда, Дальварзин.

Аркка эга бўлмаганлар: Сополли, Чуст, Талашкан, Кучук-1.

Ибодатхоналарга эга бўлган аҳоли марказлари: Олтинтепа, Жарқўтон.

Лой меъморчилиги ва мудофаа мактаблари Жанубий Туркменистонда: Олтинтепа, Яздепа, Эркалға.

Турон заминиди: Жарқўтон, Қизилтепа, Ерқўрғон, Кеш, Смараканда.

Ўрта Осиё зироаткор аҳолисининг лой меъморчилиги ва мудофаа билимига манба Жойтунликларга бориб тақалади. Таъкидлаш лозим бўладики, Жойтунликларнинг лой меъморчилиги билими кейинги тарихий давр ва унинг босқичларида тарихий вазиятдан келиб чиқиб такмиллашиб борган. Ўрни келганда, шу нарсани қайд қилиш лозим бўладики, Хоразм, Тошкент воҳаларида ва Зарафшон ғарбий ҳудудида истиқомат қилган аҳоли лой меъморчилиги билимидан анча узоқда эдилар. Бронза ва илк темир даврида Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларидаги аҳоли кўчманчи қабилалар ва марказлашган давлатларнинг ҳарбий хуружидан чўчиб, такмиллашган мудофаа тизимига эга бўлган турар жойларни бунёд қилишга тарих тақозоси мажбур қилганлиги аниқ ҳақиқат.

Шу билан бирга аҳоли марказларида алоҳида арк бунёд қилинган. Мазкур иншоотнинг қурилиши шаҳар аҳолисидан иқтисодий-ҳудудий ва ҳарбий жиҳатдан ажралиб чиққан ҳукмдор ва оддий аҳоли ўртасида қарама-қаршиликлар мавжудлигидан нишона. Ҳар ҳолда коҳин ёки “кави” раҳбарлигида зироаткор аҳоли ўртасида ҳамкорлик аломатлари устунлик бўлганлиги боис кичик, ўрта ва катта ҳажмли турар жойларнинг қурилиш жараёни кечган.

Аҳоли марказларининг баландликка қурилиши бронза давридан бошланишига сабаб, теваарак-атрофларда бўлаётган жараёнларни кузатиш осон бўлган. Бронза ва илк темир даврига келиб, Ўрта Осиёда маҳаллий лой меъморчилиги билими асосида мудофаа мактаблари вужудга келган.

**Археолог олим, доцент Қ. Собиров узоқ йиллардан бери Урганч давлат университетида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Қ. Собиров 1979 йилда М.В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг Тарих факультети илмий кенгашида В.М. Массон раҳбарлигида “Ўрта Осиё қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари (мил.авв-ги VI минг йиллик- милодий IV аср)” мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. Академик А. Асқаров раҳбарлигида “Хоразм қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари (мил.авв-ги VI- милодий IX асрларда)” мавзуси бўйича 100 дан зиёд илмий ишларни эълон қилган. Булар қаторида монография, рисола, услубий*

қўлланма, хорижий нашрлар мавжуд. Бу йил устоз Қ. Собировнинг 70 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан устозимиз Қуронбой Собировга илмий-ижодий зафарлар, ёшларни илмий, маърифатли ва тарбияли қилишдек шарафли меҳнатларида куч-қувват тилаб қоламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. **Исломов У.** Фарғонанинг ибтидоий тарихи //Анарбаев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Т.: Фан, 2001. – Б. 29-42.
2. **Массон В.М.** Поселение Джейтун. – М. – Л., 1971. – 178 с.
3. **Толстов С.П.** Древний Хорезм. – М.: Наука, 1948. – С. 5-62.
4. **Ғуломов Я.Ғ.** Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Фан, 1959. – Б. 3-75.
5. **Виноградов А.В.** Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. – М.: Наука, 1981. – С. 3-25.
6. **Собиров Қ.** Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Т.: Фан, 2009. – 135 б.
7. **Хлопин И.Н.** Геоксурская группа поселений. – М. – Л.: Наука, 1964. – 170 с.
8. **Массон В.М.** Фортификация Средней Азии в бронзовом веке// Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 28-33.
9. **Исаков А.И.** Саразм: К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. – Душанбе, 1991. – С. 112-115.
10. **Аскарлов А.** Сополлитера. – Т.: Фан, 1973. – Б. 7-15.
11. **Аскарлов А., Абдуллаев Б.** Джаркутан. –Т.: Фан, 1983. – Б. 3-15.
12. **Массон В.М.** Древнеземледельческая культура Маргианы. - М.: Наука, 1959. – № 73. – С. 60-63.
13. **Усманова З.** Древний Мерв. – Ашхабад: Илим, 1963. – С. 20-30.
14. **Древний Мерв: Путеводитель// Памятники Древнего Мерва Туркменистана.** – Ашхабад: 1997. – С. 41.
15. **Собиров Қ.** Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 95.
16. **Ртвеладзе Э.В.** Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана// Бактрийские древности. – Л., 1976. – С. 94-95.
17. **Аскарлов А., Альбаум Л.И.** Кучуктепе. – Т.: Фан, 1979. – С. 14-30.
18. **Сагдуллаев А.** Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б. 54.
19. **Эшов Б.** Қадимги Бактрия шаҳарлари/Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан ва технология, 2008. – Б. 71.
20. **Спришевский В.А.** Чустское поселение: Автореф.дисс...канд.ист.наук. – Т., 1963. – С. 3-14.
21. **Заднепровский Ю.А.** Чустская культура Ферганы и памятники раннего железного века Средней Азии: Автореф.дисс...докт.ист. наук. – М., 1978. – С. 330.

УДК 631 (=512.133)(091)

ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК АДАБИЁТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

(Фарғона водийси маълумотлари таҳлили асосида)

Одилов Бобир Аҳмаджон ўғли

Андижон машинасозлик институти Ўзбекистон тарихи кафедраси ассистенти

Таянч сўзлар: этномаданият, этнохўжалик, деҳқончилик, маданий хўжалик, тип, урф-одат.

Ключевые слова: этнокультура, этнохозяство, земледельчество, экономическая культура, тип, обычаи и обряды.

Key words: ethnoculture, ethno-economy, agriculture, economic culture, type, rituals, customs, traditions.

Ушбу мақолада ўзбек халқининг анъанавий деҳқончилик ҳўжалиги ўзига хос жиҳатларининг тарихий-этнографик адабиётларда ёритилганлиги Фарғона водийсига оид маълумотлар асосида кўрсатиб берилган.

В данной статье на основе историко-этнографических материалов Ферганской долины показана степень изученности традиционного земледельческого хозяйства узбекского народа.

The peculiar features of the reflection of Uzbek traditional farmer economy in historical ethnographic literature is presented in the article on the basis of the information related to Ferghana valley.

Кириш. Ўзбек халқининг аجدодлари бир неча асрлар давомида бой ҳўжалик анъаналарини шакллантириб келганлар. Халқимиз узоқ тарихий тараққиёти давомида деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачилик ҳўжалигини юритиб, бу соҳаларни ривожлантирдилар. Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси халқлари ҳаётида ҳўжалик анъаналари орасида деҳқончилик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай халқнинг этномаданий хусусиятлари унинг ҳўжалиги йўналишига боғлиқ ҳолда таркиб топади. Хусусан, анъанавий деҳқончилик ҳам ўзбек халқининг миллий-этник хусусиятлари шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Фарғона водийси аҳолисининг деҳқончилик ҳўжалигини юритиш анъаналари ўз тарихига эга. Ушбу тарихий-этнографик ҳудудда олиб борилган археологик қазилмалар даврида аجدодларимиз томонидан кашф қилинган ва фойдаланилган деҳқончилик қуроллари, жумладан, ерга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш, дон маҳсулотини қайта ишлашда қўлланилган кўплаб буюмлар топилган. Археологлар водий ҳудудидан катта ҳажмдаги хумларни ҳам топиб, унда асосан дон маҳсулотлари сақланганлигини эътироф этадилар.

Бугунги кунда Фарғона водийсида деҳқончиликнинг пайдо бўлиш санаси тўғрисида тадқиқотчилар турли фикрларни билдирмоқдалар. Масалан, Ю.А. Заднепровский қадимги деҳқон қабилаларининг макони бўлган Чуст маданиятини дастлаб милоддан аввалги X-VIII асрлар билан, кейинроқ эса милоддан аввалги XV аср билан белгилайди.

В.Д. Рузановнинг фикрича, деҳқон аҳоли макони ҳисобланган Далварзинтепа тарихининг бошланиши милоддан аввалги XIV-XII асрларга тўғри келади. Б.Х. Матбобоев ва Г.П. Ивановлар эса водийда деҳқончилик ҳўжалигининг шаклланиши милоддан аввалги II минг йилликнинг охирида, аниқроғи, милоддан аввалги XII-XI асрларда содир бўлган, деб ҳисоблайдилар. А.А. Анарбоев ушбу масалага тўхталиб, Чуст маданиятининг дастлабки вакиллари милоддан аввалги XV-XIV асрларда “илк бор деҳқончиликнинг энг оддий кўринишларига асос солган” деб ёзади. Академик А. Асқаров ўзининг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” номли китобида бу масала ҳақида шундай фикр билдиради: “Қадимги Фарғона саклари бронза давридаёқ булоқ сувлари асосида таркиб топган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида суғорма деҳқончилик маданиятини кашф этадилар” [4].

Асрлар давомида шаклланган аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган деҳқончилик билан боғлиқ анъаналарни илмий таҳлил қилиш кўпдан бери этнографларни қизиқтириб келади. Ўрта Осиё халқларининг деҳқончилик маданиятини ўрганишга бағишланган илмий ишлар анчагина. Бундай асарлар турли даврларда, турли савияда ва турли (монография, рисола, мақола ва диссертациялар) шаклда тайёрланган бўлиб, ушбу мақолада эса XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси халқларининг деҳқончилик машғулоти ўрганишга бағишланган асарларни таҳлил қилиш кўзда тутилган.

Фарғона водийси халқларининг деҳқончилик машғулоти ўрганишга бағишланган адабиётларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: археологик материаллар, қадимги ёзма манбалар, араб имлосида ёзилган асарлар, Россия империяси ва совет даври адабиётлари ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг илк деҳқончилик маданиятига оид маълумотларни биз археологларнинг ишларидан топамиз. Маълумки, бундан 130 йил муқаддам Фарғона

водийсини археологик жиҳатдан ўрганиш бошланган эди. Ўтган давр мобайнида водий худудининг турли жойларида археологлар томонидан қазилма ишлари олиб борилди. Археологик тадқиқот натижалари Б.А. Латынин, Т.Г. Оболдуева, А.Н. Бернштам, М.Э. Воронец, В.И. Спришевский, Ю.А. Заднепровский, Б.З. Гамбург, Н.Г. Горбунова, Ю.Г. Чуланов, Б. Матбобоев, А. Анарбоев каби олимларнинг ишларида ёритилган.

Чуст ва ушбу маданиятга оид Далварзинтепа манзилгоҳларида олиб борилган қазилма ишлари жараёнида деҳқончилик машғулотида алоқадор бўлган, ерга ишлов беришда, ҳосилни янчишда фойдаланилган меҳнат қуролилари ва буюмлар топилган. Яна Чуст манзилгоҳидан тарих ўсимлигининг уруғига ўхшаш ғалла уруғи ҳам топилдики, бу маълумотлар фарғонашунос археолог Ю.А. Заднепровский томонидан 1962 йилда нашр қилинган “Древнеземледельческая культура Ферганы” (“Фарғонанинг қадимги деҳқончилик маданияти”) номли фундаментал асарида келтирилган [1].

Археологик тадқиқотларнинг натижалари Фарғона водийси аҳолисида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ҳам эрта бошланганлигини кўрсатди. XX асрнинг биринчи ярмида археолог Б.А. Латынин томонидан олиб борилган қазилма ишлари бу борада диққатга сазовордир. Ушбу археологик текширувлар натижаси олимнинг бир қатор ишларида [2] ўз аксини топди.

А.Н. Бернштам, В.И. Спришевский, Ю.А. Заднепровский ва А. Анарбоевларнинг ишларида водийда илк суғорма деҳқончилиكنинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари кўрсатиб берилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган археологларнинг ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, водий аҳолиси томонидан қўлланилган суғориб деҳқончилик қилиш усули борасида олимларнинг хулосалари бир хил эмас. Ю.Заднепровский ва В.И. Спришевскийларнинг илмий хулосалари бўйича водий худудидаги дастлабки суғорма деҳқончилик лиман-қўллама усулида, яъни дарё ҳамда сой сувларининг водийнинг пасти (текислик) қисмига оқиб тушиб, табиий қўлмақлар ҳосил бўлган ерларда қилинган [3].

Археолог А. Анарбоев ўз ишида ушбу фикрни инкор этиб, водийда илк суғорма деҳқончилик дарё ва сойларнинг қуйи дельтасида эмас, балки адир орти ҳавзасида бошланган, деган илмий хулосасини баён этган [4].

Фарғона водийси аҳолиси деҳқончилик маданиятининг генезисини ўрганишда қадимги ёзма манбаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлиб, уларда аجدодларимизнинг ерга ишлов бериш, экин экиш ва парваришlash ҳамда ҳосилни йиғиб олишга оид маълумотлар учрайди. Бу ўринда Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёзма манбаси ҳисобланган “Авесто” ва Хитой сайёҳларининг маълумотларини келтириб ўтиш жоиз. Тадқиқотчилардан А.О. Маковельский, Х. Ҳомидий, Б. Абдулнїёзов, Қ. Йўлдошева, А. Ашировлар ўз ишларида “Авесто” матнларида келтирилган деҳқончилик анъаналари ҳақида маълумотлар берадилар.

Тарихдан маълумки, милoddан аввалги II асрда Фарғона водийсига келган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цян ўз ахборотномасида қадимги Фарғона(Давань) давлати ҳақида шундай ёзади: “Давань Хан сулоласининг ғарбида, ундан 10 минг ли (5760 км) йироқликда жойлашган. Улар деҳқончилик билан шуғулланишади, шоли ва буғдой экишади. Узумдан шароб тайёрлашади...” [5] Чжан Цяннинг ушбу маълумоти ҳам масалани ўрганиш учун қимматлидир.

Араб сайёҳи ва географларидан Абу Исоҳ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истархий, Абдул Қосим ибн Хавқал, Абу Абдуллоҳ Йақут ал-Ҳамавийлар қаламига мансуб асарларда ўша давр аҳолисининг, хусусан, фарғоналикларнинг ҳам деҳқончилик машғулотида оид маълумотлар учрайди. Масалан, Йақут ал-Ҳамавийнинг “Мулжам ал-булдон” асарида: “Фарғона мевага бой тоғлари кўп ўлкадир. Унинг чўзиқ тоғларида олма, узум, pista, бодом ва бошқа мевалар, турли хил хушбўй ўсимликлар, гуллар, райхонлар кўпдир. Хушхаво, сермеваликда тенги йўқдир. У жуда кенг серқишлоқдир. Бундай серқишлоқ ўлка Мовароуннаҳрда йўқдир. Одам кўплигидан, экин ва чорванинг мўллигидан қишлоқлар кенгайиб катталашиб кетгандир” [6], деб Фарғона водийсига таъриф берилган.

Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси аҳолисининг деҳқончилик машғулоти маҳаллий хусусиятлари рус тадқиқотчиларининг асарларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Чунончи, А.Ф. Миддендорф, А.Д. Грибенкин, В. Наливкин, Г.О. Арендеренко каби рус тадқиқот-

чилари асарларида водий деҳқончилиги, экин майдонлари, ерга ишлов бериш усулла-ри, ирригацион тизим ва экин турлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, бу ўринда А.Ф. Миддендорфнинг “Очерки Ферганской долины” номли асари ҳақида тўхталиб ўтиш керак бўлади. Ушбу асардан водийнинг географик жойлашуви, табиати, иқлими, дарё ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига оид материаллар ўрин олган.

Тадқиқотчи Фарғона водийси деҳқончилик машғулоти ҳақида қатор қимматли хулосаларга келса-да, унинг Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфманга билдирган қуйидаги фикрига мутлақо қўшилиб бўлмайди: “Водий қишлоқ хўжалигининг келажаги йўқ, бу ерда кейинчалик сув ва ўғит етишмаслиги оқибатида прогресс тўхтаб қолади” [7]. А.Ф. Миддендорфнинг ушбу фикри ўз давридаёқ бошқа тадқиқотчилар томонидан танқид қилинган эди.

В.Н. Наливкин, И.А. Шахназаров, Н.И. Ершов, В.С. Батраков каби рус тадқиқотчиларининг ишларида ҳам водий ўтроқ аҳолисининг деҳқончилик хўжалиги ҳақида кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган.

Водий аҳолисининг анъанавий деҳқончилигига бағишланган ишлари орасида В.С. Батраковнинг “Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства” номли мақоласи алоҳида ажралиб туради. Негаки, ушбу мақолада нафақат азалий ўтроқ аҳолининг деҳқончилиги, балки ўтроқлашаётган чорвадор уруғларнинг деҳқончилиги ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган [8].

Бундан ташқари, Фарғона водийси худудида яшаётган, ўтроқликка ўтиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган қирғиз, қорақалпоқ ва қипчоқларнинг анъанавий деҳқончилиги ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни Ч.Ч. Валихонов, А.С. Бешкович, С.М. Абрамзон, Л.С. Толстова ва К.Ш. Шониёзов каби тадқиқотчиларнинг илмий асарларида учратиш мумкин [9].

Советлар даврида ҳам Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси халқларининг деҳқончилик хўжалиги ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган бир қатор асарлар ёзилган. Шулар жумласига Я.Ғ. Ғуломов, А. Муҳаммаджонов, Б.В. Андрианов, Е.В. Антонова, С. Жалилов, Н. Мусаев, А. Голованов ва А. Саидов ҳамда У. Жахановларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Улар томонидан ёзилган асарлар собиқ советлар ҳукмронлигининг турли даврларига оид бўлиб, уларда тадқиқ қилинаётган масаланинг турли жиҳатлари очиқ берилган. Масалан, Я.Ғ. Ғуломов ва А. Муҳаммаджоновларнинг ишларида бой археологик материаллар асосида Хоразм [10] ҳамда Қуйи Зарафшон воҳаси [11] аҳолисининг деҳқончилик тарихи ёритилса, С. Жалилов ўз ишида биз кўриб чиқаётган тарихий-этнографик вилоят - Фарғона водийсининг суғорилиш тарихини [12] тадқиқ қилган. А. Абдулҳамидов ишининг асосий қисми Ўзбекистон тоғолди ҳудудларининг суғорилиши масаласига бағишланган [13].

Тадқиқотчи У. Жаханов ўзининг “Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX-начале XX в.” номли ишида Фарғона водийси аҳолиси анъанавий деҳқончилигини ёритар экан, кўплаб этнографик маълумотларни келтириб ўтган [14].

Ўзбек халқининг анъанавий деҳқончилик машғулотини тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганиш борасида мустақиллик йилларида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти ва у билан боғлиқ маҳаллий анъаналарни XIX-XX аср бошлари тарихий давр доирасида тадқиқ этишга бағишланган З. Исоқовнинг диссертацияси ва шу асосда тайёрланган монографиясини [15] ҳамда Н. Мусаевнинг “Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (тош давридаги XX аср бошларига қадар)” номли китобини [16] алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли.

2011 йилда “YANGI NASHR” нашриёти томонидан чоп этилган этнограф З. Исоқовнинг “Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти (хўжалик-маданий анъаналар: тавсифи ва таҳлили)” деб номланган монографиясида ўзбек халқининг анъанавий деҳқончилиги тарихий-этнографик аспектда яхши ёзилган асар сифатида тадқиқотчилар орасида эътироф этилмоқда.

Ушбу монография Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти ва у билан боғлиқ маҳаллий анъаналарни XIX-XX аср бошлари тарихий давр доирасида тадқиқ

этишга бағишланган. Китобда анъанавий деҳқончилик маданиятининг тарихий илдишлари, ривожланиш босқичлари, хусусан, ўзбек халқининг анъанавий деҳқончилик ҳўжалик юритиш анъаналари ва улардаги инновациялар ҳамда трансформацион жараёнлар кўплаб фактологик манбалар асосида ўрганилган.

Асарда деҳқончиликда қўлланиладиган меҳнат қуроллари, уларнинг турлари, ушбу меҳнат қуролларини тайёрлаш ва фойдаланиш усулларидаги маҳаллий, этник ва иноэтник хусусиятлар ёритиб берилган. Минтақада кечган сиёсий, иқтисодий ва этнослараро жараёнлар натижасида экин экиш соҳасида юз берган инновацион жараёнлар таҳлил этилган. Шунингдек, деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар борасида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Қисқача қилиб айтганда, зироатчилик билан боғлиқ қарашларнинг умумўзбек маданияти ва миллий қадриятлари тизимида тутган ўрнини тарихий-этнографик материаллар асосида ёритиб беришга бағишланганлиги ушбу китобнинг характерли жиҳатидир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган 3. Исоқов тадқиқоти кўриб чиқиладиган масала бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган муаммалар ва кенг қамровли, этнографик материалларга бой тадқиқот ҳисобланади, деб айтсак хато қилмаган бўламиз.

Мустақиллик йилларида нашр қилинган У. Абдуллаев, А. Аширов, М. Жўраев, А. Нарзикуловларнинг ишларида ҳам ўзбек халқининг деҳқончилик анъаналари таҳлили билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилган [17].

Масалан, узоқ йиллардан бери Фарғона водийсидаги анъанавий этник ва этнослараро жараёнларни ўрганиш билан шуғулланиб келадиган таниқли элшунос олим У. Абдуллаев ўзининг бир қатор ишларида водий аҳолиси анъанавий деҳқончилигининг этнольокал жиҳатларини кўрсатиб берган. Хусусан, олим “Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари)” номли монографиясида ўтроқ ва чорвадор халқлар ўртасидаги ҳўжаликлараро алоқалар ҳақида ёзар экан, икки ҳўжалик-маданий типга мансуб этносларнинг бир-бирига таъсирини фактик материаллар таҳлили асосида кўрсатиб берган. Турғун аҳоли билан ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида ҳўжалик алоқалари юз берар экан, бу жараёнда деҳқон ва чорвадор этник гуруҳлар ўз ҳўжаликларининг ихтисослашувларидан келиб чиқиб “таъсир кўрсатувчи этнос” мавқеини ўйнаганлар” - деб ёзади муаллиф. У. Абдуллаев бу борадаги фикрини давом эттирар экан, “Деҳқончилик ҳўжалигини юритиш бўйича азалий тажрибага эга бўлган ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғурлар фарғоналик қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, юз, қорақалпоқ каби ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи ўтмишда чорвачилик билан шуғулланиб келган халқларга деҳқончилик соҳасида ўз таъсирини доимо ўтказиб келганларки, бу ҳол деҳқончилик ҳўжалигини юритишнинг барча босқичларида намоён бўлган” [18], деб таъкидлайди. У. Абдуллаевнинг юқоридаги асари Фарғона водийси халқларининг анъанавий деҳқончилик маданиятини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, кўриб чиқилган адабиётларнинг таҳлили бизга Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийсида яшаётган ўзбек ва бошқа этник жамоаларнинг деҳқончилик анъаналари маълум даражада ёритилганлигини, унинг айрим масалалари яхши таҳлил қилинганлигини кўрсатади. Айни вақтда, ушбу анъаналарни ўзбек халқи маданий идентиклигининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурияти сақланиб қолмоқда. Бу масала айтиш мумкинки, ўзбек этнольогидаги ўз тадқиқотчисини кутиб турган муаммодир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Заднепровский Ю.** Древнеземледельческая культура Ферганы. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 173-178.
2. **Латынин Б.А.** Работы в районе проектируемой электростанции на р. Нарын в Фергане // Известия ГАИМК. – М., 1936. – Вып. 110. – Т. II. – С. 57-67; Он же. Вопросы истории ирригации древней Ферганы // ПСИИМК. – М., 1956. – Вып. 64. – С. 10-34; Он же. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г. // Археологический сборник. – Л.,

1961. – С. 109-170; Он же. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы // Доклад, представленный как диссертация... докт. ист. наук. – М., 1962. – 31 с.
- 3. Заднепровский Ю.** Древнеземледельческая культура Ферганы. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 75-76.
- 4. Анарбоев А.** Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – Б. 3-16; Анарбаев А.А., Максудов Ф.А. Древний Маргелан (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: Фан, 2007. – С. 12-44.
- 5. Бичурин И.** Сборник сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л., 1950-1953. – Т. I-III.
- 6. Йақут ал-Хамавий.** Мулжам ал-булдан: Пер. с араб. // МИСЦА X-XIX вв. – Т., 1988. – С. 214.
- 7. Соколов Н.П.** О характере естественно-исторических исследований Средней Азии до Октябрьской революции. – М., 1934. – Ч. I. – С. 41.
- 8. Батраков В.С.** Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства // Труды САГУ. История. – Т., 1955. – Вып. 62. – Кн. 8. – С. 113-134.
- 9. Валиханов Ч.Ч.** Записки о киргизах. – Алма-Ата, 1961. – Т. I.; Бежкович А.С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973. – С. 32-69; Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Фрунзе, 1990; Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус, 1959;
- 10. Шаниязов К.Ш.** К этнической истории узбекского народа: Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента. – Т.: Изд-во АН СССР, 1974. – С. 342-366.
- 11. Гулямов Я.Г.** История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т.: Изд-во АН СССР, 1957. – С. 63-86.
- 12. Муҳаммаджонов А.** Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи. – Т.: Молод. Уз СССР, 1972. – Б. 43-48.
- 13. Жалилов С.** Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Т.: Фан, 1977. – Б. 12-40.
- 14. Абдулхамидов А.** Орошение в предгорьях Узбекистана. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 101-130.
- 15. Джаханов У.** Земледелье таджиков долины Соха в конце XIX - начале XX в. – Душанбе, 1989. – Вып. 2. – С. 10-210.
- 16. Исоков З.С.** Характерные особенности традиционного земледельческого хозяйства Ферганской долины в конце XIX - начале XX века: Автореф... канд. ист. наук. – Т., 2011. – С. 29.
- 17. Мусаев Н.** Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (тош давридан XX аср бошларига қадар). – Т.: Янги авлод, 2005. – Б. 16-212.
- 18. Абдуллаев У.** Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги авлод, 2005. – Б. 36-42.
- 19. Абдуллаев У.** Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т.: Наврўз, 2015. – С. 214.

УДК 334.722(575.146)

MINTAQADA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHNING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA YO`NALISHLARI

Tairova Mavluda Muxammedrizayevna

BuxDU Iqtisodiyot kafedrası dotsenti, iqtisod fanları nomzodi

Hamidov Muhammadsodiq Erkin o`g`li

BuxDU talabasi

Tayanch so`zlar: kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, bandlik, yalpi hududiy mahsulot (YHM), sanoat, eksport, oilaviy tabirkorlik.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство, занятость, валовый региональный продукт (ВРП), промышленность, экспорт, семейный бизнес.

Key words: small business and private entrepreneurship, business, gross domestic product (GRP), industry, export, family business.

Maqolada mintaqada kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning yo`nalishlari va xususiyatlari o`rganilgan bo`lib, ushbu sohaning Buxoro viloyatidagi holati tahlil qilingan.

В статье изучены особенности и направления малого бизнеса и частного предпринимательства в регионе. Проанализировано состояние данной отрасли в Бухарской области.

The article is devoted to the study of the directions of developing entrepreneurship and small business in the country and the condition of this sphere in Bukhara oblast.


Kirish. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning hozirgi bosqichi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish bilan tavsiflanadi. Amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida O`zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi jadal taraqqiyot yo`lidan odimlab bormoqda. Zero, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish O`zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning eng muhim ustuvor yo`nalishlaridan biridir.

Bu borada O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov 2015-yilda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2016-yilga mo`ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo`nalishlariga bag`ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma`ruzasida "Bosh maqsadimiz – mavjud qiyinchiliklarga qaramasdan, olib borayotgan islohotlarni, iqtisodiyotimizda tarkibiy o`zgarishlarni izchil davom ettirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo`l ochib berish hisobidan oldinga yurishdir" [1], deb bejizga ta`kidlamadilar.

Bugungi kunda ushbu soha nafaqat iqtisodiyotning o`shish sur`atlarini jadallashtirishda, qolaversa, mamlakatimiz uchun muhim bo`lgan bandlik va aholi daromadlarini oshirish masalalarini hal etishda ham yetakchi o`rin tutmoqda.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar samarasini yurtimizdagi barcha hududlarda ko`rish mumkin. Xususan, keyingi yillarda Buxoro viloyatida ham yuqori sur`atlardagi iqtisodiy o`shish kuzatilmoqda. Mintaqada iqtisodiyotning boshqa tarmoqlari singari kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi ham rivojlanib bormoqda.

Buxoro viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida, xususan, yalpi hududiy mahsulot (YHM), aholi bandligi, tovarlar eksporti va hozozolardagi ulushi keskin rivojlanmoqda.



1-rasm. Buxoro viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning YHM dagi ulushi, foizda [2]

Tahlillarimiz shuni ko'rsatmoqdaki, viloyatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasining YHM dagi ulushi 2015-yilda 2011-yilga nisbatan 1.8 foizga oshgan. Ushbu sohaning YHM dagi ulushini yillar bo'yicha tahlil qiladigan bo'lsak, 2012-yilda 2011-yilga nisbatan 0.2 foizga kamaygan bo'lsa, 2013-yilda 2012-yilga nisbatan 1.3 foiz o'sish kuzatildi. 2014-yilda ham o'sish davom etib, 2015-yilda ushbu sohaning YHMdagi ulushi 2014-yilga nisbatan 0.5 foiz ortib, 67.5 foizga teng bo'ldi. Albatta, bunday darajadagi yuqori o'sishga mintaqada soha vakillari uchun yaratilgan qulay ishbilarmonlik muhiti, ularni qo'llab-quvvatlashning imtiyozli tizimi joriy etilganligi sabab bo'lmoqda.

Respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari faoliyati uchun yaratilayotgan imkoniyatlar, qulay shart-sharoitlar Buxoro viloyatida ham joriy etilgan bo'lib, ular quyidagi yo'nalishlarda amalga oshirilmoqda:

- kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatga olish va ruxsat berish tartibining qisqartirilishi va soddalashtirilishi;
- kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatida bozor infratuzilmasi obyektlari xizmat ko'rsatishining rivojlantirilishi;
- hisob-kitob va hisobot tizimining takomillashtirilishi;
- soha vakillarini imtiyozli kreditlash tizimining yanada takomillashtirilishi;
- qulay investitsion muhitning yanada rivojlantirilishi;
- soliqlar va boshqa to'lovlarning kamaytirilishi.

Yuqoridagi yo'nalishlarda olib borilayotgan islohotlarning samarasi hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiyotning barcha tarmoqlaridagi nufuzining ortishiga sabab bo'lmoqda. Masalan, hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari tomonidan sanoat mahsulotlari, qishloq xo'jalik mahsulotlari ishlab chiqarishda soha vakillari tomonidan tovar va xizmatlarni eksport qilishning hajmi tobora ortib bormoqda. Quyidagi jadvalda hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiyot tarmoqlaridagi ulushining yillar bo'yicha dinamikasi keltirilgan.

Buxoro viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiyot tarmoqlaridagi ulushi, foizda [2].

ko'rsatkich	1-jadval			
	2011-yil	2012-yil	2013-yil	2014-yil
sanoat	20.1	23.8	30.5	33.0
Qishloq xo'jaligi	98.3	97.9	98.1	98.6
eksport	13.0	10.1	31.9	29.9
bandlik	76.8	77.3	78.5	78.8

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlarga tayanadigan bo'lsak, hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasining iqtisodiyot va uning asosiy tarmoqlaridagi ulushi yuqori ekanligini ko'rish mumkin. Xususan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari tomonidan sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 2014-yilda 2011-yilga nisbatan 12.9 foizga oshdi. Bunday qisqa davr ichida yuqori darajadagi o'sish hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari uchun yaratilayotgan qulay imkoniyatlar hisobiga bo'lmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari tomonidan tovar va xizmatlar eksport qilishning salmog'i Buxoro viloyatida ham yildan-yilga ortib bormoqda. Masalan, hududda soha vakillarining eksportdagi ulushi 2014-yilda 2011-yilga nisbatan 16.9 foizga oshib 29.9 foizga teng bo'ldi. Bunday natijalar hududda soha vakillarining tashqi iqtisodiy faoliyatining hajmi kengayib borayotganligidan dalolat beradi. Hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi aholini ish bilan ta'minlash, aholi daromadlarini ko'paytirish kabi masalalarni hal etishda muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. Xususan, hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari faoliyatini qo'llab-quvvatlash maqsadida ularni imtiyozli kreditlar bilan ta'minlash, ayniqsa, kasb-hunar kollejlari bitiruvchilari uchun ajratilayotgan kreditlar hajmi yildan-yilga ko'paymoqda. Buning natijasida hududda ish bilan band bo'lgan jami aholining 78.8 foizi (2014-yilda) kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida mehnat qilmoqda.

Hududda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish, tadbirkorlik bilan shug'ullanuvchilar sonini ko'paytirish, haqiqiy mulkdorlarning keng qatlamini shakllantirishni davom ettirish, xususiy sektorning viloyat ijtimoiy-iqtisodiy hayotidagi nufuzini yanada oshirish uchun quyidagi taklif va tavsiyalarni keltirish o'rinni:

- hududlarga, ayniqsa, qishloq joylariga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni kengaytirish;
- hududda bozor infratuzilmasi tizimiga kiruvchi har bir tashkilotning kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashda faol ishtirokini ta'minlash, biznes-inkubatorlarning xizmat ko'rsatish doirasini kengaytirish va hududda ularning sonini oshirish;
- oilaviy tadbirkorlik, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash kabi sohalarni har tomonlama rag'batlantirish va rivojlantirish;
- tadbirkorlar tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar savdo ko'rgazmalari va yarmarkalari tashkil etishni qo'llab-quvvatlash va boshqalar.

Umumiy xulosa qilib aytganda, Buxoro viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi vakillari uchun yaratilgan qulay ishbilarmonlik muhiti, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlash tizimining barpo etilganligi hisobiga ushbu sohaning mintaqadagi nufuzi tobora ortib bormoqda. Yuqorida keltirilgan taklif va tavsiyalar mintaqada ijtimoiy-iqtisodiy hayotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining yanada barqaror rivojlanishiga yordam beradi.

ADABIYOTLAR

1. Karimov I.A. Mamlakatimizni 2015-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2016-yilga mo'ljallangan iqtisodiy Dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruza// Xalq so'zi. – 2016. – 16-yanvar.

2. Iqtisodiyot raqamlarda// Buxoro viloyatida kichik tadbirkorlik (biznes) ning iqtisodiyot va uning asosiy tarmoqlaridagi ulushi (2000-2014 yillar). – <http://www.buxstat.uz>.

УДК 338.46 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ТАЪСИРИ

Давлатов Сухроб Сайитжонович

БухДУ Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълим ислоҳоти, аҳоли саводхонлиги, давлат бюджети, таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, инсон капитали.

Ключевые слова: реформа образования, грамотность населения, государственный бюджет, обучение, последипломное образование, человеческий капитал.

Key words: education reform, literacy population, state budget, training, postgraduate educations, human capital.

Ушбу мақолада Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, олий ўқув юртларининг ривожланиш динамикаси ва уларнинг тараққиётида замонавий ахборот технологияларнинг жорий этилиши, шунингдек, таълим сифатини оширишнинг устувор йўналишлари кўрсатилган.

В статье представлены реформы в системе высшего образования Узбекистана, динамика развития вузов и внедрение современного ИКТ в развитие вузов, также определены основные приоритеты в повышении качества образования.

The article presents the reforms in the higher education system of Uzbekistan, the dynamics of the development of universities and the introduction of modern ICT in the development of higher education institutions, as are the main priorities for improving the quality of education.

Кириш. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини кўрсатаётганини бутун жаҳон зиёлилари эътироф этаётгани эътиборга моликдир. Ўзбекистон ҳукумати мустақил давлатлар ҳамдўстлиги маконида биринчи бўлиб мамлакатда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш дастурини амалга оширди.

Давлатимиз Биринчи Президенти айтганидек, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустақкам асосига айланди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди [3].

Ҳозирги кунда етиштирилаётган кадрлар таълим сифатининг аҳамияти, долзарблиги ҳақида Биринчи Президентимиз И.А. Каримов: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз” [1], - дея таъкидлаган эдилар. Республика таълим тизимини дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш таълим тизими олдида қўйилган мажбуриятга айланмоғи зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 65 та олий ўқув юртлари фаолият юритади. Мустақиллик эълон қилинишидан аввал мамлакатда 42 ОЎЮ фаолият юритган бўлса, улардан ярмиси Тошкент шаҳрида (19 та), қолганлари Самарқанд (5 та), Андижон (4 та), Бухоро (3 та) ва бошқа вилоятларда жойлашган эди.

Кўриниб турибдики, республиканинг барча олий ўқув юртлари уч чорагининг 4 та шаҳарда жойлашиши ёш авлод таълим сифатини таъминлашга йўл қўймаган. Вилоят олий ўқув юртларига қабул қилиш оширилди. Ҳар бир вилоятда баъзи давлат университетлари филиаллари очилди ва янги олий ўқув юртлари таъсис қилинди.

Бугунги кунда турли олий ўқув юртлари филиалларини ҳисобга олганда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг сони 76 тага етди, шундан 41 таси ёки ярмидан кўпи ҳудудларда жойлашган, бу эса ушбу таълим турининг имконлилигини оширади.




1-расм. 2015-2016 ўқув йилида вилоятлар бўйича талабалар ва ОЎЮлар тақсими³

³ Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисоботлари бўйича муаллиф томонидан тузилган.

“Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидagi инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон — шунга эътибор беринглар — дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган” [2]. И.А. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тилга олинган бу эътироф инсон капиталини ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш каби энг аҳамиятга молик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган ислохотларнинг натижалари эканлиги шубҳасиз.

2-расм. Дунё миқёсида инновациялар индексида инсон капиталини ривожлантириш кўрсаткичлари



■ Инсон капиталининг ривожланиш даражаси (балл)* □ Таълим тизимининг ривожланиш даражаси (балл)*

■ Таълим харажатлари, % ЯМД

Манба: Soumitra Dutta. The Global Innovation Index 2012 Stronger Innovation Linkages for Global Growth/ INSEAD. 2012. – P. 313.

Global Innovation Index 2012 Stronger Innovation Linkages for Global Growth/ INSEAD. 2012. – P. 313.

Бугунги кунда хорижий университетлар билан алоқалар ривожланмоқда – биргина сўнги йилларда кўпгина етакчи хорижий олий ўқув юртлари Ўзбекистонда ўз филиалларини ташкил қилдилар.

Ўзбекистонда жаҳондаги етакчи ОЎЮларининг филиаллари ташкил этилгани соҳада эришилаётган ютуқлардан, таълим тизимида халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти бунинг тасдиғидир.

Сингапурлик ўқитувчи Наум Лим бу борада қуйидагича таъкидлаб ўтган: “Касбим — ўқитувчилик, хизмат сафари юзасидан кўплаб давлатларда бўлганман. Қайси мамлакатга бормай, у ердаги таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқаман. Тошкентдаги қатор таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишдим. Улардаги ресурс марказлари, электрон кутубхоналар, замонавий аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар, спорт майдончалари халқаро талаблар даражасида бунёд этилгани ва жиҳозланганига гувоҳ бўлдим” [4].

Дарҳақиқат, бундай эътирофлар асосини мустаҳкам устунлар ушлаб турибди. Кўплаб мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъсири остида мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 34 фоизи йўналтирилмоқда. Энг асосийси, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга харажат деб эмас, келажакка қўйилаётган сармоя сифатида қаралмоқда.

Республиканинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари бўйича Ўзбекистонда хорижий ОЎЮларининг еттита филиали фаолият кўрсатмоқда: Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети, М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Н. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур Менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети (Италия Республикаси) ва Тошкент шаҳридаги Инха университети (Жанубий Корея) филиаллари.

Ўзбекистонда чет эл университетлар филиалларини ҳисобга олмаганда, бирорта нодавлат олий таълим муассасаси мавжуд эмас. Ҳолбуки, олий таълим олиш учун нодавлат олий ўқув юртларини тузишга қонунчилик рухсат беради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз таркибида энг кўп 35 та олий ўқув юртларига эга (жадв. 1). Унга ўқув-методик фаолияти устидан назорат қилиш, Ўзбекистон Республикасидаги барча ОЎЮларининг идоровий тобелигидан қатъий назар меъёрий-ҳуқуқий негизини ишлаб чиқиш ва таъминлаш юкланган.

Тегишли вазирлик ва ташкилотлар бўйича ОЎЮлари сони


1-жадвал

№	Вазирликлар ва бошқармалар	Муассасалар сони	Муассасалар филиалари
	ОЎЮлари умумий сони	55	10
	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	1	1
	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	4	2
	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги	1	5
	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	4	2
	“Ўзбекистон темир йўллари” ДАК	1	
	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	34	
	Халқ таълими вазирлиги	4	
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	1	
	Адлия вазирлиги	1	
	Ўзбекистон бадий академияси	1	
	Ташқи ишлар вазирлиги	1	
	Навоий кон ва металлургия комбинати	1	
	Давлат солиқ қўмитаси	1	
	Хорижий ОЎЮлари филиаллари	7	
	Жами	72	

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари қуйидаги кўринишга эга бўлди:

- 1991-2016 йилларда мамлакатда олий ўқув юртлири, филиаллари сони ўсиб борди ва 2016 йилда 72 тани ташкил этди;

- олий ўқув юртида қабул 150 дан зиёд бакалавр йўналиши ва 650 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилди:



3-расм. 2016 йилда билим соҳаси бўйича қабул кўрсаткичлари (%) ва академик даражалари бўйича талабалар сони

- мустақиллик йилларида ОЎЮни битирувчилар сони 2010 йилда 1991 йилга нисбатан 21,6 минг кишига кўпайиб, 67,5 минг кишини ташкил қилди;

- ўртача бир олий ўқув юртида ўқиётганлар сони 1991 йилда 6489 минг кишини ташкил этган ҳолда, 2010 йилда 4427,4 кишига, 2015 йилда 3650 кишига тенг бўлди ёки 4428 кишига камайди;

- 1995 йилда 1991 йилга нисбатан 1 та ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони – 17 тага кўпайиши билан биргаликда 2015 йилда 1 та ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони 10,8 тани ташкил этди:

2-жадвал

Ўзбекистонда ОЎЮлари талабалари ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўқув йили				
	1995-1996	2003-2004	2008-2009	2010-2011	2014-2015
ОТМлар сони	58	63	65	77	76
Умумий талабалар сони (минг киши)	192,1	254,4	297,9	274,5	251,8
жумладан:					
Бакалаврият (минг киши)	-	199,7	284,0	273,5	239,6
Магистратура (минг киши)	-	7,3	13,9	11,8	12,2
Сиртқи таълим (минг киши)	53,3	48,2	25,9	-	-
Битирувчилар сони (минг киши):	53,2	36,9	69,5	67,5	66,5
жумладан:					
Бакалаврият (минг киши).	-	33,9	61,1	62,2	62,2
Магистратура (минг киши)	-	3,0	8,4	5,3	5,3
ОТМларида хорижлик талабалар сони	695	153	381	335	643

- 2015 йилда олий таълим тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони 22010 кишини, жумладан, 1297 нафар фан доктори, 7032 нафар фан номзодини ташкил этди;

- олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши бирмунча ортди ва илмий даражали ўқитувчилар улуши қисман камайди. 1995 йилда олий ўқув юртларида илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг улуши 42,9% ни ташкил этган ҳолда, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 37,9% га тенг бўлди;

- мамлакатимиз ОУЮларида таълим олаётган хорижлик талабалар сони 3771дан (1991йил), 643 га (2016 йил) тушди.

Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган, жумладан, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва ўқитишда интерфаол шаклларни жорий этиш асосида олий маълумотга эга мутахассислар билан иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари эҳтиёжининг қондирилишини таъминлаш вазифалари белгиланган [5].

Ушбу мақсадларда 2011-2016 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлари қабул қилиниб, унда:

- 2011-2016 йилларда олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

- 2011-2016 йилларда олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари;

- олий ўқув юртларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларининг рўйхатларини ўз ичига олган дастур шакллантирилган.

Мазкур амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида вазирлик тизимидаги муассаса ва ташкилотлар учун 2015 йилнинг 1-ярим йиллигида Давлат бюджетидан жами 164 млрд. 175,1 млн. сўм маблағ ажратилган. 2015 йилнинг 1-ярим йиллигида бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми ҳажми жами 277 млрд. 40,5 млн. сўмни ташкил этди. 2015 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 12 млрд. 405,5 млн. сўмни ташкил этди.

Олий ўқув юртлари ривожланишида таъсир этувчи яна бир омил улар молиявий маблағларининг шакллантирилишидир.

3- жадвал

Олий ўқув юртлари молиявий маблағларининг шаклланиши (% ҳисобида)

Йиллар	2005	2010	2016
Жами даромадлар	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:			
Давлат бюджетидан	35,0	32,5	26,5
Бюджетдан ташқари маблағлар	65,0	67,5	73,5
Шундан:			
Тўлов-шартнома	58,3	64,5	68,4
Тадбиркорлик	6,7	3,0	5,1

2016 йилда 2005 йилга нисбатан давлат бюджетидан молиялаштириш улуши 35,0 дан 26,5 га, яъни 8,5 пунктга камайдигани ҳолда бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳиссаси

эса мутаносиб равишда 65,0 дан 73,5 га, яъни 8,5 % ортиб, ўсишнинг аксарият қисми тўлов-шартнома ҳисобига эришилган.

Олий таълим харажатларини режалаштириш ва давлат томонидан молиялаштиришнинг амалдаги тизими бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни қийинлаштиради. Харажатлар базавий усул асосида, яъни ўтган йили эришилган даражадан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бундай ёндашув ўқув юртлари раҳбарларини уларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишга ундамайди, чунки жорий йилда қанча ресурслар тежаб қолинса, кейинги йилда бюджет томонидан молиялаштириш айнан шу сумма миқдоридан қисқартирилади.

Экспортнинг (кўрсатилган хизматлар учун валюта тушуми) умумий ҳажми 700 минг АҚШ долларни ташкил этди.

2016 йил Инвестиция дастурига 14 та олий таълим муассасаларининг 52 та объектлари киритилган (30 та ўқув бинолари, 12 та талабалар турар жойи бинолари, 1 та маданият саройи, 5 та спорт мажмуаси, 2 та маъмурий бино ахборот ресурс маркази билан, 3 та талабалар ошхонаси). Улардан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг жами 38 та объекти [7]. Жумладан, Бухоро давлат университетининг бир қанча бино ва иншоотлари капитал таъмирлаш дастурига киритилди. Ушбу қарор асосида 2013-2015 йилларда университетда 45,5 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу бинолар учун 1,5 миллиард сўмлик замонавий мебель, 93,5 миллион сўмлик лаборатория жиҳозлари ҳамда 48,3 миллион сўмлик спорт анжомлари харид қилинди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда 2 та ўқув биноси ҳамда 6 та талабалар турар жойи бинолари замонавий талабларга мос ҳолатга келди.

Олий таълим муассасаларида компьютерлар сони бугунги кунда 30 мингдан ортиқ бўлиб, ҳар 100 талабага 13,4 тадан компьютер тўғри келишига эришилди (2014 йилда бу кўрсаткич 12,2 тани ташкил этган эди).


2011 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида барча ОЎЮдаги компьютерлар сони 20 мингдан зиёдни ташкил этган, бу эса 2008 йилга нисбатан 23% кўпдир. Интернетдан фаол фойдаланувчи талабалар сони 90% дан ошиб, 146 мингдан зиёд талабанинг ташкил этилиши интернетга уланган компьютерлар сони 16 мингдан ошганлиги билан изоҳланади [5].

Бугунги кунда олий ўқув юртларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмиш АКТдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалардан бири Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлиқда тузган янги лойиҳа — мамлакатимизнинг ўқув муассасаларида Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиб, ёшларнинг интернет-ресурсларидан бемалол фойдаланишига имконият яратиш, маълумотларни тезкор равишда излаш ва топиш, маълумотларни етказиш, ёшлар ўртасида интернетни оммалаштиришдир. Буларнинг бари ички веб-ресурсларни, интернетнинг ўзбек сегментини ривожлантиришга имкон беради. Чекка ҳудудларда ахборот-алоқа технологияларини жорий этиш суръатларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Олий ўқув юртларининг ривожланиши нафақат моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши билан ифодаланилади, балки олий ўқув юртлари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланган малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада ҳукуматимизнинг “Олий малакали ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни юксалтириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш, иқтисодий ривожланган демократик мамлакатлар сингари олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг халқаро тан олинган талабларига мослаштириш йўлидаги навбатдаги ислоҳ бўлди.

Шу сабабли, ривожланган мамлакатлар тажрибасида магистр даражасидан кейин докторлик илмий даражаси амалда қўлланилаётган бўлиб, бу тизим ўзининг самарали натижаси билан амалда ўзини оқлаганлигини кузатишимиз мумкин.



4-расм. Олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг ёшига нисбатан тақсимоти ва илмий салоҳияти

Амалга кирган ушбу Фармон асосида умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий таълимдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ (2015 й.) маълумотларига кўра бугунги кунда Ўзбекистонда профессор-ўқитувчилар таркиби умумий сони 22 010 кишини ташкил қилади (улардан 37% дан ортиғи илмий даражага эга). Жумладан, 1 297 фан докторлари 5,9%ни, 7 032 фан номзодлари 32%ни ташкил этади. Юқорида таъкидлаб ўтилган фармойиш юзасидан олий таълимдан кейинги таълимнинг бир босқичли таълим тизимига ўтилиши олий ўқув юртларидаги илмий салоҳиятнинг узок муддатда сақланиб қолиш имкониятини вужудга келтиради.

2012 йил 29 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Республикадаги олий таълим муассасаларини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори имзоланиши натижасида олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади. Келажакда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг илмий ва педагогик фаолияти даражасини ва сифатини оширишни рағбатлантириш, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби мақсад ва вазифалар амалга оширилишига замин яратилди.

EDUniversal Халқаро Илмий Комитет томонидан ташкил этилган Бизнес-мактаблар халқаро рейтинг рўйхатида бизнинг мамлакатимиз ўқув юртлари - Тошкент молия институти, “Келажак илми” халқаро бизнес-мактаби, Самарқанд Давлат университети киритилганлиги ва “Palms”, яъни “Дафна барги” таснифлаш тизимининг махсус ёрлиғи билан тақдирланганликлари ўз исботини кўрсатади.

Хулоса. Мазкур ислохотлар таълим соҳасида изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, олий ўқув юртлари фаолияти сифатини оширишни янада такомиллаштиришга, иқтидорли ва талантли ёшлар учун катта имкониятлар яратишга, илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этишга, энг муҳими мамлакатда амалга оширилаётган демократик янгиланишларни ва ижтимоий- иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан ҳам ўта аҳамиятли. Зеро, юксак марралар сари элтувчи йўл – илмдир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза// Халқ сўзи. – 2009. – 6 декабрь.
2. **Каримов И.А.** “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” / И.А. Каримовнинг 2012 йил асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи. – 2013. – 22 январь.

3. **Каримов И.А.** “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи// Халқ сўзи. – 2012. – 18-февраль.
3. **Умарова М.** Ўзбекистон дунёнинг тараққий этган давлатлари сафидан мустаҳкам жой олмоқда //Халқ сўзи. – 2012. – 30 март.
4. Ўзбекистонда 2006-2008 йилларда АКТ ривожланиши шарҳи/ Copyright©2008 UNDP ICT Policy Project. – 62 б.
5. **Захидова Ш.Ш.** Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш// и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.– Тошкент, 2012.
6. **Давлатов С.** Рейтинг ВУЗов как один из способов формирования имиджа вузов Узбекистана// Новый университет. науч. журн. Серия "Экономика и право". – Йошкар-Ола, 2012. ООО Коллоквиум. – № 4 (14). – С. 24-27.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2016 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумот. – <http://edu.uz/uz/pages/reports-of-the-Ministry>.

УДК 383.43 (575.1)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТИВИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Абдуллоев Аслиддин Жунайдулович

БухДУ Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

Тойирова Сарвиноз Атоевна

БухДУ талабаси

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, даромад, кооператив, кооперация, соф фойда, кичик бизнес, фермер хўжалиги.

Ключевые слова: сельское хозяйство, прибыль, кооператив, кооперация, чистая прибыль, малый бизнес, фермерское хозяйство.

Key words: agriculture, income, cooperative, cooperation, pure benefit, small business, farmer economy.

Мақолада қишлоқ хўжалик кооперативининг жамғармаларини шакллантириш ҳамда соф фойдани тақсимлаш механизмлари ва уларни такомиллаштириш ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик кооперативларида олинган даромаднинг тақсимланиш механизмлари ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

В статье обсуждаются механизмы формирования фондов сельско-хозяйственных кооперативов и распределения чистой прибыли, а также улучшение таковых механизмов. Вместе с этим, широко освещаются механизмы распределения выручки на сельскохозяйственных предприятиях в развитых странах.

The article deals with the mechanisms of establishing agricultural funds , dividing pure benefits and the improvement of these mechanisms. The ideas on the division of income obtained from agricultural corporatives in developed countries are also presented.

Кириш. Маълумки, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион-инновацион фаоллиги, фан-техника ютуқлари ва илмий ечимларни тезкор равишда жорий этиш имкониятларига боғлиқдир. Аграр соҳадаги таркибий-ташкилий ислохотларнинг кейинги босқичларида корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушуниб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда” [1]. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш ўз навбатида, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи турли инфратузилма субъектлари фаолиятларини кооперациялаш асосида соҳани модернизациялаш талабларига мос таркибий-ташкилий ислоҳ қилишни тақозо этади. Хусусан, ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тажрибалари майда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш субъектлари молия маблағларининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги, инвестициялаш борасида имконият ва жозибадорлигининг пастлиги ва бошқа сабабларга кўра улар фаолиятида модернизациялаш жараёнларини самарали ташкил этиш ўта мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, фермер ва деҳқон хўжаликларида мулкчилик ва мулккий муносабатларнинг бозор иқтисодиёти талабларига мослигига қарамасдан, амалиётнинг кўрсатишича, уларнинг ҳозирги ўлчами, яқка тартибда тарқоқ фаолият юритиши ва молиявий заифлиги шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга асос бўладиган техник-технологик қайта қуроллантириш тадбирларини амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини барқарор ўстириш анча мураккаб.

Демак, аграр соҳадаги таркибий-ташкилий ислохотларнинг кейинги босқичларида “корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Шунинг назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси - янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади” [2].

Фермер, шу жумладан, деҳқон хўжаликларининг иштирокида таъсис этиладиган янги таркибдаги қишлоқ хўжалик кооперативларининг жамғармаларини шакллантириш ва соф фойдасини тақсимлаш тартиби маълум бир маънода аввалги ширкат хўжаликларидан фарқ қилади ва айрим қўшимчалар киритишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, ушбу йўналишда қуйидаги тақлифларни бериш ва, таъбир жоиз бўлса, келажакда уларни янада такомиллаштириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Қишлоқ хўжалик кооперативини ташкил этиш бўйича ташаббускор гуруҳ томонидан аъзолар рўйхати белгиланган ва ташкилий қўмита шакллантирилгандан кейин кооперативни тузиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида аъзоларнинг кириш бадаллари миқдори аниқланади ва унинг сарфланишини назорат қилиш ташкилий қўмита зиммасига юклатилади. Кооперативга кириш бадаллари уларни амалга оширган аъзоларга қайтариб берилмайди.

2. Кооператив аъзоларининг пай (улуш) миқдорлари икки қисмдан, яъни а) мажбурий ва б) қўшимча пайлардан ташкил топади. Мажбурий пай суммаси кооператив Уставида акс эттирилади ва уни тўлаш барча аъзолар учун мажбурий бўлиб, у уларнинг овозга эга бўлиш ва овозларининг миқдори баҳоланиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Қўшимча пай миқдори ҳар бир аъзонинг ўз хоҳишига кўра тўланади ва у мос равишда қўшимча дивиденд олишга асос бўлади.

Шу ўринда аъзолар томонидан кооперативга киритиладиган пай турлари ҳақида янги мулоҳазаларни мутахассислар ҳукмига ҳавола қилишни лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, кооперация жараёни босқичма босқич нафақат фермер хўжаликларини, балки деҳқон хўжаликлари, шунингдек, уй хўжалиги субъектларини ҳам қамраб олиш тенденциясига эга бўлади.

Шуни эътиборга олиб, кооперативнинг мол-мулкани ва пай жамғармасини шакллантиришда фермер хўжаликларининг техника, бино, иншоот ва шунга ўхшаш ишлаб чиқариш воситаларининг қайта баҳоланган миқдорларини, деҳқон хўжаликлари учун эса меросга қолдириш шarti билан умрбод фойдаланишга берилган ер участкаларининг баҳолари ва улар томонидан ихтиёрий равишда киритиладиган бошқа манбаларни асос қилиб олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, деҳқон хўжаликлари ер участкаларининг баҳоси кооперативнинг Устав жамғармаси таркибига киритилмаслиги шарт ва у фақат пай жамғармасини шакллантиришда ҳисобга олиниши лозим. Бу механизм, фикримизча, истиқболда деҳқон хўжаликларини ҳам кооперация жараёнига фаол жалб қилиш учун асос яратади.

3. Қишлоқ хўжалик кооперативининг Устав жамғармаси таркибан бўлинмас, пай ва захира жамғармаларидан иборат бўлиши ва уларни мос равишда 40; 50 ва 10 фоизлик нисбатларда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу кооператив Уставида белгилиб қўйилиши шарт. Жумладан:

а) захира жамғармаси, бошқа манбалар бўлмаган тақдирда, асосан кооператив кўрган зарарларни қоплаш ва кооперативдан чиққан аъзоларнинг пайларини сотиб олиш учун ишлатилади;

б) бўлинмас жамғарма дахлсиз бўлиб, у фақат кооператив фаолиятини техник-технологик ривожлантириш, янгилаш ва жиҳозлаш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқ ва иншоотларини сақлаш ва таъмирлаш каби устувор аҳамиятга эга тадбирларга ишлатилади. Кооперативдан чиққан аъзога бўлинмас жамғармадан улуш берилмайди;

в) пай жамғармаси аъзоларга ўз улушларига мос равишда соф фойдадан ажратиладиган дивиденд олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Дивиденд соф фойданинг солиқлар, барча ажратмалар, қонунчиликда белгиланган турли йиғимлар ва тўловлар амалга оширилгандан кейин кооператив тасарруфида қоладиган қисми бўлиб, у аъзолар ўртасида Уставада белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Кооператив тасарруфида қоладиган соф фойдани, фикримизча:

- а) бўлинмас жамғармани тўлдириш;
- б) захира жамғармасини кўпайтириш;
- в) пай жамғармасини ошириш;
- г) дивиденд тўлаш;

д) кредит иттифоқининг молиявий салоҳиятини ўстириш йўналишларида тақсимлаш ва уларнинг нисбатларини ҳар ишлаб чиқариш йили якуни бўйича ўтказиладиган кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

Умуман, жаҳон тажрибасида тарихий жиҳатдан кооперация муносабатлари қадимги Миср, Вавилон, Месопотамия, Қадимги Чин ва Ҳиндистон ҳамда Марказий Осиёнинг қадимги давлатларида эрамиздан 2-2,5 минг йил олдин шаклланган. Бу даврларда кооперация дастлаб меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг оддий ва асосий иқтисодий шакли сифатида юзага келган. Меҳнат тақсимотининг ривожланиши, йирик ишлаб чиқаришнинг шаклланиши, манифактураларнинг (А. Смит таълимоти бўйича), фабрика ва заводларнинг (Д. Рикардо таълимоти) пайдо бўлиши натижасида кооперация меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакли ҳамда усули бўлиб қолди.

XIX-XX асрларда кооперация муносабатларини ривожлантириш борасида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида ҳам юқорида таъкидланган кооперация тизимини ташкил этиш ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлигини кўриш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик кооперативлари – иқтисодий мустақил ва молиявий мустаҳкам бўлган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш орқали уларнинг барқарор ўсишини ва ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Нидерландия ва Япония давлатларида кооперация ҳаракати қишлоқ аҳолисини 100 фоиз қамраб олган бўлса, Франция ва Германия давлатларида кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 80 фоизини ўзида бирлаштиради.

Кооперативдан олинган даромадлар турли мамлакатларда турлича тақсимланади. Дивидентлар сифатида кооперативлар томонидан тақсимланувчи даромад [5] қисми XX асрнинг 70 йиллари бошида Финляндияда тахминан 3 фоиз, Норвегияда 10 фоиз,

Японияда 20 фоиз, Буюк Британияда 58 фоиз, Франция истеъмол кооперациясида 75 фоиз, Швецияда 87 фоизни ташкил этган.

Америка қишлоқ хўжалик кооперативи [5] ўз хиссадорларига дивидендлар қисмини нақд эмас, қимматбаҳо қоғозлар билан тўлаган ҳолда унинг солиқ мажбуриятлари бу қоғозлар нархига пропорционал қисқаради, худди нақд маблағлар тўлашдан кейин улар яна корхонага киритилгандек. Шундай қилиб, кооператив ўз даромадини дивидентлар шаклида тақсимлаб солиқ фойдасини олади ва айни пайтда бу фойдани ўз савдо фаолиятига киритиши мумкин.

Бельгия ва Германияда қонун кооперативнинг бўлажак аъзоси капиталнинг камида бир улушнинг қисмига имзо қўйиши мажбуриятини кўзда тутди. Португалияда минимал улуш иштирок капиталнинг уч улуш қисмини ташкил этади, Францияда кооперативнинг ҳар бир аъзоси бир ёки бир неча улуш қисмларига ёзилиши керак. Шундай қилиб, Австрия, Испания, Финляндия кооператив фаолиятида молиявий иштирок этмай, унинг аъзоси бўлиш мумкин эмас. Кўпчилик мамлакатларда, айниқса, Франция, Испания, Италия, Португалияда даромаднинг ишлатилиши қонун томонидан белгиланади. Нидерландлар ва Данияда даромаддан фойдаланиш масаласи фақат устав қоидаларига киради.

Чет эл кооператив фаолиятини ўрганишнинг амалий аҳамияти яна шундаки, у халқаро нуқтаи назардан ўзаро фойдали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни яхшироқ амалга оширишга имкон бера олади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Барча режа ва дастурларимиз - ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади// Халқ сўзи. – 2011. – № 16 (5183). – 22 январь.
2. **Каримов И.А.** Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 60-61.
3. **Туган- Барановский М.И.** Социальные основы кооперации. – М.: Красанд, 1989. – С. 100.
4. **Шкляр М.Ф.** Кредитная кооперация: Учеб. пособие. – Москва: Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2006. – С. 333.
5. XXV конгресс МКА. Повестка дня и доклады. – М., 1972. – С. 179-181.

УДК 37

TA'LIM JARAYONI TIZIM SIFATIDA
(o'rta umumta'lim maktablarida ona tili ta'limi misolida)

Yo'ldosheva Dilorom Ne'matovna

BuxDU O'zbek tili va adabiyoti kafedrası dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi

Tayanch so'zlar: ta'lim oluvchi va ta'lim beruvchi munosabati, bilimdon ijrochi va mustaqil ijodiy tafakkur sohibi, DTS talablari.

Ключевые слова: отношения обучаемого и обучающего, знающий исполнитель и обладатель самостоятельного творческого мышления, требования ГОСТа.

Key words: the relation between a student and a teacher, knowledgeable executive, creative thinker, the requirements of State Attestation Commission.

Maqolada ta'lim jarayoni bir butun tizim ekanligi va unda ta'lim oluvchi hamda ta'lim beruvchi munosabatlari asosiy o'rinni egallashi zamonaviy ta'lim masalalari bilan bog'liq holda tahlil qilinadi.

В статье рассматриваются вопросы единой образовательной системы, определяется роль отношений между обучаемым и обучающим, а также даётся анализ вышеизложенного в зависимости от задач современного обучения.

The article analyzes the problems of the unified educational system. The role between a student and an educator is determined. The analysis of the above mentioned problems depending on the tasks of contemporary education is also presented.

***O'quv qunt beradi, bilim – sharaf-shon,
Shu ikkov tufayli ulug'dir inson.***
(Mahmud Qoshg'ariy)

Kirish. Ta'lim jarayoni – bu mohiyatan ta'lim jarayoni ishtirokchilari – ta'lim oluvchi (o'quvchi, talaba, shogird, izdosh, payrav; tarixan–murid) va ta'lim beruvchi (o'qituvchi, muallim, murabbiy, ustoz; tarixan–pir, murshid) orasidagi ta'lim maqsadi asosidagi faol munosabatidir; ta'lim bilan aloqador barcha munosabatlar, uning barcha qirralari ta'lim ishtirokchilarida – ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchida kesishadi. Shaxs barcha ijtimoiy munosabatlarning markazi, kesishish nuqtasi bo'lganidek, ta'lim beruvchi~ta'lim oluvchi ham barcha turdagi didaktik munosabatlarning kesishish nuqtasidir. Shuning uchun ta'lim maqsadi, uning mazmuni, usuli, vositalari, ularning o'zaro aloqadorligi masalalarini tahlil etayotganda har doim ta'lim beruvchi~ta'lim oluvchi munosabati masalalarini chetlab o'tib bo'lmaydi. Chunonchi, ta'lim maqsadining o'zi, eng avvalo, jamiyatga kimni, qanday shaxsni tayyorlab berish masalasini o'rtaga qo'yadi. Bu shaxs kim? U, albatta, ta'lim oluvchi, ya'ni o'quvchidir! Kim uni yetishtiradi, tarbiyalaydi? U esa ustozdir! Ular o'zaro qanday munosabatda bo'lishi kerak? Bu borada ikki xil yondashish mavjud bo'lib, bu yondashishlarning har biri o'ziga xos shaxsni –

– ***biri bilimdon, ijrochi, lekin mute, mo'min-qobil, passiv ijrochini,***

– ***ikkinchisi esa faol, bunyodkor, mustaqil ijodiy tafakkur sohibi bo'lgan tadbirkorni***

tayyorlashga qaratilgan. Haqiqatan ham, o'quvchi~ustoz munosabati ta'lim jarayonining markaziy muammosi – ham ibtidosi, ham intihosidir. Ta'lim maqsadi, ya'ni jamiyatning tarbiya-ta'lim natijasiga qo'ygan ijtimoiy talabi, birinchi navbatda o'quvchiga qanday yondashish va ustoz qanday bo'lishi kerakligini, kimni yetishtirishni belgilaydi. Undan keyingina o'quvchiga nimani singdirish (ta'lim mazmuni), qanday singdirish (ta'lim usuli), bu faoliyatni nimalar orqali amalga oshirish (ta'lim vositalari) masalalari turadi. Shuning uchun Respublikamizning birinchi Prezidenti I.A. Karimov O'zbekistonda ta'limning tub islohoti dasturi bo'lgan tarixiy ma'ruzalarida bu masalaga alohida to'xtalib, jumladan, ustoz haqida shunday degan edilar: «O'qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim bersin, deb talab qilamiz. Ammo zamonaviy bilim berish uchun, avvalo, murabbiyning o'zi ana shunday bilimga ega bo'lishi kerak» [1]. Shuningdek, zamonaviy o'quvchiga talab ham bu ma'ruzada: «bilimga chanqoq, bilim olishni o'zining oiliy maqsadi qilib qo'ygan» [1] sifatida belgilanadi. I.A. Karimov o'quvchi-ustoz munosabatlari ham alohida

to'xtalib: «O'qituvchi va o'quvchi munosabatidagi majburiy itoatkorlik o'rnini ongli intizom egallashi» [1] lozimligini, «o'qituvchining bosh vazifasi o'quvchida mustaqil fikr yuritish ko'nikmalarini hosil qilishdan iborat» [1]ligini ta'kidladilar. Shuning uchun zamonaviy ta'limda o'quvchi o'rganishga intiluvchan, bilimga tashna, ehtiyojli, ustoz esa uni bu qiziqish va izlanishlari sari san'atkorona olg'a yo'llovchi, o'quvchining izlab topish baxtidan quvonishi hamda g'ururi uchun ilhomboxsh tashabbuskor, homiy va yetakchi bo'lmog'i lozim. Shundagina zamonaviy ta'lim o'z oldiga qo'ygan bosh maqsadini uddalashi mumkin. Bunday o'qituvchi va o'quvchini faylasuf shoir G'afur G'ulom mashhur «Yasha, deyman, o'g'lim!» she'rida ota va o'g'il timsolida shunday tasvirlagan edi:

–Dada, men osmonga uchar bo'lsam,

Cheki yo'q ko'kni quchar bo'lsam,

Yulduzdan yulduzga ko'char bo'lsam,

Sen tubanda qolib ne deysan?

– Yasha, deyman, o'g'lim!

–Dada, men tankka otlansam-da,

Istagan o'lkaga yetsam damda,

Esizki hozircha yoshim kam-da,

Ko'zing yo'lda tolib ne deysan?

– Yasha, deyman, o'g'lim!

–Dada, men jo'nadim Arktikaga,

Bitta ortiqcha putyovka sanga,

E'tibor bermay sovuq osmonga,

Sen tumanda qolib ne deysan?

– Yasha, deyman, o'g'lim!

–Dada, men so'rasam qalamingni,

To'ldirsam she'rda ko'p-kamingni,

Yuvolsam xijolat-u g'amingni,

Yozganimni o'qib ne deysan?

– Yasha, deyman, o'g'lim! [5]

Mazkur she'rda ulug'langan o'quvchining intiluvchanlik, bunyodkorlik, faollik pafosiga So'fi Olloyor tomonidan «ulug'langan» mo'min-qobillik, bo'ysinuvchanlik, tobelik tushunchalari qarama-qarshi turadi. Bu ruhiyatni muallif «Sabot ul-ojizin» didaktik asarida quyidagicha aks ettiradi:

G'ulome oldi Abdullohi Ansor,

Dedi: –Ey qul, otingni ayla izhor.

Dedi: –Ey xoja, sen qo'ysang qayu ot,

Mening otim o'shaldur, ey neku zot.

Dedi: –Ey qul, sevarsan qaysi xo'rok?

Dedi: –Sendin na tekxa, behdur, ey pok.

Dedi: –Qaysi kiyim ko'nglingda marg'ub?

Dedi: –San qaysini bersang o'shal xo'b... [4]

Bu ikki badiiy asarda tasvirlangan ikki turli shaxs ham ta'lim beruvchi~ta'lim oluvchi munosabati mahsulidir. Shu o'rinda haqli savol tug'iladi: O'quvchidan qanday shaxs yetishib chiqishi faqat ta'lim beruvchi~ta'lim oluvchi munosabatiga bog'liqmi? Bu savolga «Ha» deb javob berib bo'lmaydi. Ta'lim beruvchi~ta'lim oluvchi munosabatlari mohiyatan o'ta murakkab jarayon, mexanizm bo'lgan ta'lim tizimining–davrlar didaktikasining bir murvati, bir bo'lagidir, xolos.

Ta'lim jarayoni o'ziga xos tizim bo'lib, uning tarkibiy qismlari sifatida ta'lim maqsadi (o'quv predmeti maqsadi), ta'lim mazmuni (o'quv materiali), ta'lim usuli, ta'lim vositalari, shuningdek, ta'lim beruvchi~ta'lim oluvchi munosabatlarini o'z ichiga oladi, didaktik qonuniyatlarga bo'ysunadi. Didaktik qonuniyatlar esa, o'z navbatida, ijtimoiy qonunlarning bir ko'rinishidir. «Ijtimoiy qonunlar tabiat qonunlari kabi haqqoniy va mutlaqdir. Ular inson ixtiyori va irodasiga bo'ysunmaydi, lekin ularni uqish, taraqqiyot yo'nalishida borib, ulardan amaliy foydalanish, ya'ni qonuniyatlarga bo'ysunish orqaligina ularni inson manfaatlariga bo'ysundirish, boshqarish insoniyatga ulkan imkoniyatlar bersa, zid harakat, qarshi borish, odatda, katta zararlar, inkor etish esa, tasavvur qilib bo'lmas fojialar keltiradi. Ijtimoiy qonunlarning ham, tabiat qonunlarining

ham pirovard natijasi ma'lum turdagi samaradorlikdir. Chunonchi, ma'lum bir turdagi hosil olish uchun saralangan urug` tanlab, ishlov berilgach, yerga qadalsa, rivojlanish qonuniyatlariga uyg`un ravishda o`z vaqtida parvarish qilinsa, albatta, ko`p hosil-samara olinadi. Lekin bu jarayonning biror bosqichida tabiiy qonuniyatlardan atigi biri buzilsa, unga rioya qilinmasa, barcha mehnat barbod bo`ladi. Tabiat qonunlariga bo`ysunish hamma uchun tushunarli; lekin ijtimoiy qonunlarga bo`ysunish yoki bo`ysunmaslik oqibatlarini ko`rish ancha murakkab, buning uchun juda ko`p hollarda uzoq yillar kerak...» [3]. Haqqoniy va mutlaq tabiatli didaktik qonunlarga ko`ra, davr talablari (ijtimoiy talablar va ijtimoiy taraqqiyotning mutlaq qonunlari bilan uyg`un bo`lgan) ta`lim maqsadi bilan ta`lim mazmuni, usuli hamda vositalari uyg`un bo`lgan taqdirdagina ta`lim beruvchi~ta`lim oluvchi munosabatlari unga uyg`un bo`la oladi va tizim tugallikka ega bo`ladi, o`z maqsadiga erishishi mumkin. Aks holda, chunonchi, o`simlikni yetishtirish davrida istagan bir bo`g`inda uzilish butun mehnatni zoe etganidek, ta`lim mazmuni, usuli yoki vositalarida, ta`lim beruvchi~ta`lim oluvchi munosabatlarida ta`lim maqsadiga nomuvofiqlik butun didaktik jarayonni barbod qilishi muqarrar. Shuning uchun maqsad mustaqil fikrlovchi ijodiy tafakkur sohibini tayyorlash bo`lgach, ta`lim mazmuni (o`quv material, o`zlashtirilishi zarur sanalgan bilimlar tizimi) pragmatik ahamiyatli, tatbiqiy, o`quvchi kundalik faoliyatida amalda qo`llay oladigan, ta`lim usuli o`quvchini fikrlash, izlash va topishga undaydigan, ta`lim vositalari darslik bilan cheklanib qolmay, o`quvchini axborot manbalari bilan ishlashga undaydigan, ustoz esa o`quvchining o`ta murakkab kuzatish, izlanish, topish, fikrlash va qo`llash jarayonini mohirona boshqara oladigan bo`lmog`i shart – didaktik tizimning barcha bo`g`inlari bir-biriga muvofiq bo`lib, biri ikkinchisini to`ldirib borishini taqozo etadi.

Yuqorida ta`kidlaganimizdek, bu juda murakkab va ancha vaqt-u mehnatni talab qiladigan jarayondir. Xususan,

maqsad~mazmun~usul~vosita~ta`lim beruvchi~ta`lim oluvchi munosabatlari

tizimning 4- va 5-bo`g`inlari – bu birinchi navbatda ko`p ming kishilik o`qituvchilar jamoasining ko`nikmalarini, ish usullarini tubdan yangilash bilan uzviy bog`liqdir. Ona tilida o`rta umumta`lim maktablari o`quvchilari uchun DTSlari, ular asosida yangi dastur tasdiqlanib, bu dastur asosida yangi darslik tuzilib, amalga joriy etilgach, qiziq bir voqeaning guvohi bo`lindi. Bir necha maktab jamoasidan yangi darsliklarning yaroqsizligi, ulardan amaliy foydalanishning imkoniyati yo`qligi haqida RTM (respublika ta`lim markazi)ga xabarlar yuborildi. RTM (respublika ta`lim markazi) mazkur masalani atroflicha o`rganish maqsadida shunday xabar tashkilotchilaridan bo`lgan bir maktab jamoasi bilan darslik mualliflari, ta`lim boshqarmasi mutasaddilari va metodistlar uchrashuvini o`tkazdi. Bu maktabdan kelgan norozilik xati tajribali, obro`li o`qituvchilar va ota-onalar tomonidan imzolangan edi. Masalani o`rganish natijalari shuni ko`rsatdiki, norozilik va janjal 5-sinf "Ona tili" darsligi "Fonetika" bo`limida berilgan mashqni bajarishdan boshlangan. Sinfda o`quvchilar bilan o`tkazilgan suhbatdan ma'lum bo`ldiki, darslikda berilgan topshiriq bilan ustoz (sinfda fan o`qituvchisi) bergan topshiriq bir-biriga muvofiq kelmagan. Darslik *kir~qir, kul~qul, bor~bar* kabi so`z juftliklarini berib, ularning talaffuzini kuzatish topshirig`ini bergan. Fan o`qituvchisi o`quvchilarga berilgan so`zlarni qo`llab gap tuzib kelish topshirig`ini bergan. Natijada, *kir, qir, kul, qul, bor, bar* kabi omonim so`zlarni qo`llab gap tuzishda chalkashlik va anglashilmovchilik yuz bergan, ona-onalarning ham noroziligiga sabab bo`lgan. Sinf fan o`qituvchisining ko`p yillik odatiy ko`nikmalariga tamoman yot bo`lgan, tamoman boshqacha ishlashni talab etadigan darslik norozilik xatiga sabab bo`lgan. Darslik topshirig`i bilan sinf o`qituvchisining bergan topshirig`i to`la mos kelishi, albatta, shart emas, lekin ustoz topshirig`i o`ylanmagan, tasodifiy ham bo`lmasligi kerak.

Shu o`rinda bir mulohaza: o`rta umumta`lim maktab dastur hamda darsliklarida hamma vaqt ham mualliflari tomonidan ta`lim maqsadi va mazmuni orasidagi mutanosiblik to`la hisobga olinmayotganligini kuzatamiz. Fikrimizni dalillash uchun e`tiborni umumiy o`rta ta`lim maktablarining 6-sinflari uchun mo`ljallangan «Ona tili» o`quv darsligi[2]ga qaratamiz. Avvalo ta`kidlash joizki, mazkur darslik mustaqillik sharofati bilan yaratilgan hozirgi kunda o`rta umumta`lim maktablarining V-IX sinflari uchun «Ona tili»dan yangi tipdagi – ijodiy tafakkur sohibini yetishtirish maqsadini ko`zlagan dastur asosida yaratilgan yangi darsliklarning ikkinchi avlodidan biri bo`lib, undan respublikamizning ko`p ming sonli farzandlari foydalanishmoqda. Darslikdagi mavzularning joylashishi, og`zaki nutqni rivojlantirishga qaratilgan mashqlar miqdorining ancha yuqoriligi, mavzularni mustahkamlash uchun berilgan savol va

topshiriqlarning keng qamrovliligi, darslik oxirida test namunalari, qisqacha izohli lugʻat berilishi uning qimmatini oshiradi.

Bizga maʼlumki, taʼlim maqsadi bilimdon, barkamol shaxsni yetishtirishni nazarda tutsa, bunda retroskopik usullar, deduktiv taʼlim yetakchilik qilishi shubhasizdir, chunki taʼlim maqsadi shuni taqozo qiladi. Taʼlim ijodiy tafakkur sohibi, tadbirkor shaxsni tarbiyalashni oʻz oldiga maqsad qilib qoʻygan boʻlsa, unda bunday maqsadni amalga oshirish uchun muammoli va tadqiqotchilik usullari, induktiv taʼlim yetakchilik qilishi lozim. Taʼlim usuli bilim, shu asosdagi koʻnikma, malakani oʻquvchida qanday usul bilan hosil qilish oʻqituvchi-oʻquvchining oʻzaro subyekt-subyekt munosabatiga kirishishini taqozo qiladi. Shuningdek, taʼlim vositasi hisoblangan oʻquv darsligi ham shunga mos boʻlmogʻi zarur, chunki bu taʼlim maqsadi va mazmuni orasidagi mutanosiblikni taʼminlashda asosiy oʻrinlardan birida turadi. Bizning kuzatishlarimiz shuni koʻrsatadiki, oʻrta umumtaʼlim maktablarining 6-sinflari uchun moʻljallangan «Ona tili» oʻquv dasturi zahirida jamiyatga ijodiy tafakkur sohibini yetishtirib berish maqsadi yotadi, biroq shu dastur asosida tuzilgan darslikda esa mavzularning aksariyati retroskopik usullar asosida darsni tashkil etishga moʻljallangan. Darslikda ikki yuzga yaqin «Esda saqlang», «Bilib oling» tarzidagi qoidalarning berilishi ham fikrimizni dalillaydi. Yoki birgina «Feʼl» mavzusining oʻzida ellikdan ortiq qoidalarning berilishi ham bola uchun, bizningcha, «tayyor osh» demakdir.

Orta umumtaʼlim maktablarining 5-9-sinflari uchun «Ona tili» oʻquv predmetidan 2000-2016-yillarda nashr etilgan darsliklarni shu nuqtayi nazardan qiyoslasak, darsliklarning 2000-2002-yilgi nashrlariga koʻra 2005-2016-yilgi nashrlarida grammatik maʼlimotlarning 2-3 baravar oshganligini (darslikning «toʻldirilgan»ligini) koʻramiz. Grammatik nazariy bilimlarga bunday «eʼtibor» anʼanaga sadoqat mahsuli boʻlib, bugungi kun ona tili taʼlimi maqsadi va mazmuni orasidagi mutanosiblikni taʼminlashga toʻsqinlik qilishi tabiiy holdir.

Xalqimizda: «Chaynab bergan osh boʻlmas» yoki «Tayyor berganning qadri boʻlmas» kabi hikmatlar bor. Oʻzbek pedagogikasi, didaktikasi va psixologiyasida bixeviristik nazariyaga asoslangan hamda XIX asr oxiri XX asrning boshlaridagi ijtimoiy-iqtisodiy talablarga javob beradigan retroskopik-retseptiv usulda bilimdon ijrochini yetishtirishga qaratilgan taʼlim tizimi oʻz vazifasini oʻtab boʻlganligini, yangi davr – tugal bozor iqtisodi davri tamoman boshqa shaxsga – mustaqil ijodiy tafakkurga qodir tadbirkor shaxsga muhtoj ekanligi masalasi muhokamasi qariyb yigirma yil oldin kun tartibiga qoʻyganligini hisobga olsak, endi farzandlarimizga mavzularni «tayyor osh» sifatida berishimiz ona tili taʼlimi maqsadi va mazmuni orasidagi mutanosiblikning taʼminlanishiga toʻsqinlik qiladi.

Bugungi kunda taʼlim maqsadi asosida uning mazmunini muntazam yangilash, uning shaxsga yoʻnaltirilgan demokratik modelini belgilab berish zaruriyati asosida barcha oʻquv predmetlaridan, ayniqsa, «Ona tili»dan axborot banklarining yaratilayotganligi ham, oʻquv-biluv jarayoni mazmunida bir qator oʻzgarishlarning amalga oshirilayotganligi – oʻquv topshiriqlarining muntazam yangilanayotganligi ham quvonarlidir. Bu pedagogik tadbir taʼlim maqsadining roʻyobi bilan bogʻliq tarzda amalga oshirilmoqda.

Biz yuqorida misol tariqasida keltirgan darslikni tanqid qilish nuqtayi nazaridan yiroq ekanligimizni taʼkidlagan holda aytmogʻchimizki, respublikamizda yangi maqsadni koʻzlaydigan darsliklarni tuzish va ommalashtirish tajribasi yigʻilmoqda. Shuning uchun ona tili oʻquv predmetidan taʼlimning yangi mazmuni, usuli va vositalarini ona tili taʼlimi maqsadiga muvofiqligini har tomonlama tadqiq etish, bu yoʻldagi tajribalarni umumlashtrish, bugun oʻzbek tilini ona tili sifatida oʻqitish tajribalar xazinasida boʻlgan Ayub Gʻulomov, Mazluma Asqarova, Hamid Neʼmatov, Asqar Gʻulomov, Nizomiddin Mahmudov, Abduhamid Nurmonov, Abdulhay Sobirov, Diloru Nabiyeva va boshqalar rahbarligida tuzilib, amaliyotda qoʻllanilgan birinchi hamda ikkinchi avlod, shuningdek, Azim Hojiyev, Abduhamid Nurmonov va boshqalar tomonidan sinov uchun chiqarilgan «Ona tili» darsliklari oʻquv materiallarini, ularda mujassamlangan taʼlim usuli, oʻqituvchi-oʻquvchi munosabatlarini har tomonlama oʻrganish, Respublikamizning birinchi Prezidenti aytganlaridek, «borini avaylab asrash va yoʻgʻini yaratish yoʻli» [1]dan ogʻishmay borish uchun darsliklarni sinchiklab tekshirish oldimizda turgan muhim vazifalardandir. «Ona tili» taʼlimining zamonaviy, davr talablari bilan uygʻun maqsadi aniqlandi, uni voqelantirishning umumiy yoʻllari belgilab olindi, navbatdagi vazifa ona tilidan maktabda oʻtkaziladigan har bir darsni, mustaqil va sinfdan tashqari ishlar tizimini shu maqsadga boʻysundirish, umumiy maqsad bilan har bir topshiriq maqsadi orasida, qayta-qayta taʼkidlaganimizdek, dialektik-gnoseologik

(didaktik) umumiy-lik~xususiylik, mohiyat~hodisa, imkoniyat~voqelik, sabab~oqibat munosabatlarini ta'minlashdir. Bunga erishish metodikamiz, ona tili ta'limimiz oldida turgan muhim vazifalardandir.

Muayyan o'quv predmeti mazmunini loyihalashda birinchi navbatda ta'limning umumiy maqsadi keyin esa o'quv predmeti maqsadlariga asoslanish lozim. O'quv predmeti mazmunini loyihalash uchun ta'limning bosh maqsadi va o'quv jarayonining xususiy maqsadlarini aniq bilish talab etiladi. Aks holda ta'lim maqsadi bilan uning mazmuni orasidagi muvozanat yo'qoladi. Ta'lim maqsadi bilan uning mazmuni orasidagi mutanosiblikni ta'minlash uchun muayyan didaktik qonuniyatlar, jumladan, o'quvchi shaxsini uzluksiz rivojlantirish, uni qo'llab quvvatlash tamoyillariga amal qilish talab etiladi. Bunda, ayniqsa, o'quvchini har tomonlama qo'llab quvvatlashga erishish muhim ahamiyatga ega bo'lib, ta'lim maqsadi bilan uning mazmuni orasidagi mutanosiblikni ta'minlashda quyidagilarni e'tiborga olish lozim:

1. Bola hayoti davomida foydalanishga zarurat sezadigan, ya'ni amaliy ahamiyatli didaktik ishlanmalarni ta'lim maqsadiga mos tarzda tanlash. Ona tili darslari bu borada juda katta imkoniyatlarga ega. Maktab o'qituvchilarning tajribalari shuni ko'rsatmoqdaki, ona tili darslarining mustaqil uy topshiriqlari sifatida

–kasb-kor (duradgorlik, oshpazlik, naqqoshlik, o'ymakorlik, tandakorlik, patdo'zlik, zardo'zlik, kashtachilik kabi) ;

–o'rin-joy (uy, chayla, kapa, kulba, koshona, saroy, muzey, maktab kabi) ;

–qarindosh-urug` (1) tug`ilib o`sgan oilasida: ota, ona, opa, singil, bobo, buvi; 2) ota tomondan: bobo, buvi, amaki, amma, amakivachcha, ammavachcha; 3) ona tomondan: bobo, buvi, tog`a, xola, tog`avachcha, xolavachcha; 4) turmush qurish natijasidagi qarindosh-urug`lar: qaynota, qaynona, qaynaka, qaynopa, qaynuka, qaynsingil, qaynjiyan, qaynamaki, qaynamma, qayntog`a, qaynxola kabi va h.) va boshqalar bilan bog`liq so`zlar;

–ish qurollari (1) dalada ishlatiladigan ish qurollar; 2) muayyan o`rinni tozalashda ishlatiladigan ish qurollar; 3) oshxonada ishlatiladigan ish qurollar yoki 1) dehdon ishlatadigan ish qurollar; chorvador ishlatadigan ish qurollar; bog`bon ishlatadigan ish qurollar; mashinasoz ishlatadigan ish qurollar va h.) ;

–amaliyotlar (bayram, tushlik, dars, raqs va h.),

–mahsulotlar (1) O`zbekistonda ishlab chiqariladigan avtomobillar; 2) yurtimizda tayyorlanadigan shirinliklar; 3) respublikamizda nashr etiladigan davriy matbuot nashrlari; 4) paxtadan tayyorlanadigan mahsulotlar va h.);

–shaxs tavsifi (o`qituvchi, o`quvchi, shifokor, oshpaz, konchi va h.) bilan bog`liq ravishda berilgan topshiriqlar natijasida o`quvchilarda shu kasb-korga qiziqish, mehr qo'yish, uni o`rganish va o`zini hayotga shu kasb-hunar orqali tayyorlash singari amaliy ahamiyatga ega bo`lgan natijani qo`lga kiritish mumkin.

2. Ta'lim mazmuni asosida tanlangan aniq o'quv modellarini belgilab berish. Shu maqsadda darslik zaruriy o'quv materialini to'liq bermasligi, balki undan faqat namunalar berib, uni to'ldirishni, kengaytirishni o'quvchining mustaqil izlanish faoliyatiga qoldirishi muhimdir. Ona tili imkoniyatlarini o`zida mujassamlashtirgan hamda o'quvchilar ona tili darslarida amaliy foydalanishlari uchun zarur axborot banklari – turli maqsadlarni ko`zlab tuzilgan lug`atlar, ma'lumotnoma-qomus-ularning elektron variantlari, kompyuter dasturlari yo`qligi aniqlandi hamda shunday xazinani yaratish ishlariga kirishildi. Chunki bunday vositalarsiz ongli (kognitiv)-induktiv-pragmatik ta'lim usuli ko`zlangan samarani bera olmaydi. Bu ta'lim usulining bosh omili– o'quvchining darslikda berilgan o'quv materialini bilan mutlaqo chegaralanmasligi, darslik topshiriqlari asosida axborot bankidan material topib uning ustida mustaqil izlanishidir. Shuning uchun bu usulda yozilgan maktab darsliklari odatda hajman kichik bo`ladi; ular o'quv materialini to'liq bermaydi, uni topish, uning ustida ishlash mas'uliyatini o'qituvchi rahbarligida o'quvchining o`ziga yuklaydi.

Xulosa. Ta'lim maqsadi aniq belgilanib olingandan keyin ta'lim mazmunini, usul-u vositalarini ularga muvofiqlashtirish, o'quvchilarning ham, o'qituvchilarning ham ta'limga tamoman yangicha munosabatda bo`lishlarini shakllantirish, ya'ni talim jarayoniga tizim sifatida yondashish bugunning dolzarb masalasidir.

ADABIYOTLAR

1. Баркамол авлод орзуси// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– Toshkent: ЎЗМЭ, 2000. – 248 б.
2. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: Tasvir, 2016. – 176 b.
3. Неъматов Х., Ширинова Н. Пурсамар қонун// Бухоронома. – 2010. – № 81. – 20 октябрь.
4. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ојизин. (Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али ва б.) – Тошкент: Меҳнат. – 1991. – Б. 124. – Б. 81.
5. G`afur G`ulom. «Yasha, deyma, o`g`lim!» she`ri. – <http://www.she`rlar.uz>.

УДК 371.335.5

СОВРЕМЕННЫЕ СПОСОБЫ АКТИВИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Темирова Джамила Хасановна

Старший преподаватель кафедры Русского языка и литературы БухГУ

Таянч сўзлар: мияли қаттиқ ҳужум, ўқув жараёни, график ташкилотчиси, фикр, интерактив усуллари, инверсион, ишлаб ғоялар усуллари, маълумотлар қуриш усуллари, муаммо, синектик.

Ключевые слова: мозговой шторм, образовательный процесс, графический органайзер, идея, интерактивные методы, инверсия, методы генерирования идей, методы структурирования информации, проблема, синектика.

Key words: brainstorming, educational process, graphic organizers, idea, interactive methods, inversion, methods of generating ideas, methods of structuring information, problem, synectics.

Ушбу мақолада таълим жараёнига янгича ёндашувни амалга ошириш ва интерактив технологияларни жорий этиш масалалари кўтарилган. Муаллиф томонидан инновацион методлар ҳамда усуллар кўриб чиқилган. Ишда "Балиқ скелети", визуал мисоллар ва график ўйинлардан мисоллар келтирилган, шунингдек, интеллектуал фикрлар картаси тақдим этилган. Педагогик жараённинг ривожланишига тўсиқ бўладиган муаммолар хусусида баҳс юритилган.

В данной статье подняты вопросы реализации новой образовательной парадигмы, а также внедрения интерактивных технологий в учебный процесс. Среди рассматриваемых инноваций автором выделены методы генераций идей, методы структурирования информации и др. В работе представлены и наглядные примеры составления графических органайзеров, таких как «Рыбий скелет», «Почему?», а также интеллектуальной карты мыслей. Обозначены и проблемы, препятствующие развитию педагогического процесса в инновационном направлении.

The problem of the realization of new educational paradigm as well as the implementation of interactive technologies in educational process are raised in the article. Among the innovations considered by the author the methods of idea generation, the methods of information structuring and others are underlined. The examples of creating graphic organizers such as «Fishbone» and «Why?» as well as mindmapping are presented in the article. The problems hindering the development of pedagogical process in innovational direction are identified.

Введение. Научно-технический прогресс, социально-экономические изменения, происходящие на современном этапе, вызывают необходимость реформирования системы образования, смены всей системы обучения: целей, содержания, методов, организационных форм и средств. При этом роль высшего учебного заведения, как важнейшего звена образования, чрезвычайно важна, а его способность быстро и гибко реагировать на запросы общества, сохраняя при этом накопленный положительный опыт, имеет важное значение.

Центральной фигурой учебного процесса становится студент, его познавательная деятельность - центром внимания исследователей, разработчиков программ образования. Это стало особенно очевидным, когда в Узбекистане была принята система непрерывного образования. Но идея непрерывного образования может быть реализована в современных условиях, если и общеобразовательная, и высшая школы смогут эффективно решать задачи по передаче накопленного опыта молодому поколению: обучить методам работы с информацией, методам создания новых знаний, а самое важное - методам поддержания необходимого уровня знаний о развивающемся мире.

Поэтому каждому преподавателю и учащемуся для овладения процессами «преподавания» и «учения» «желательно владеть тремя языками: родным языком, языком науки, языком технологии», рассматривая их как основы профессиональной деятельности [1].

И в этом случае важна не прочность приобретаемых учащимися знаний в той или иной области, так как они подвергаются изменениям каждый год и часто устаревают раньше, чем студенты их могут освоить. Гораздо важнее: научить мыслить, анализировать, совершенствовать свои знания и умения.

В этом может помочь внедрение современных технологий в образовательный процесс, с их помощью может быть реализована новая образовательная парадигма. Так как тенденции развития образовательных технологий напрямую связаны с гуманизацией образования, способствующей самоактуализации и самореализации личности.

Проблеме организации учебного процесса с использованием современных педагогических и информационных технологий, необходимости постановки новых целей и задач в подготовке учащихся, новых методов и средств подачи и усвоения материала посвящены работы Быкова А., Полат Е. и др [2-5].

В данной статье мы рассмотрим такие интерактивные методы, которые позволяют учащимся идентифицировать себя с учебным материалом, включиться в изучаемую ситуацию, активно действовать, соответственно, мотивировать свое поведение.

Учебный процесс, опирающийся на использование таких интерактивных методов обучения, требует совместной деятельности всех без исключения участников, каждый из которых вносит свой вклад в обсуждение, решение или выдвижение идеи, проблемы; предоставляет учащимся возможность размышлять, сопоставлять разные точки зрения, разные позиции, формулировать и аргументировать собственную точку зрения, опираясь на знания фактов, законов, закономерностей науки, на собственные наблюдения, свой и чужой опыт. А так как интерактивные методы основаны на принципах взаимодействия, активности обучаемых, опоре на групповой опыт, обязательной обратной связи, то создается среда образовательного общения, которая характеризуется открытостью, взаимодействием участников, равенством их аргументов, накоплением совместного знания, возможностью взаимной оценки и контроля.

Фигура преподавателя перестаёт быть центральной, несмотря на то, что именно он регулирует учебный процесс, занимается его общей организацией, готовит задания и формулирует вопросы или темы для обсуждения в группах. Интерактив предполагает широкое взаимодействие студентов с преподавателем (диалоговое обучение), друг с другом, а главное - доминирование активности студентов в процессе обучения (рис 1).




Рис.1. Интерактивный метод//Interactive method

Для решения поставленных задач могут использоваться различные интерактивные формы и методы: методы генерации идей, методы структурирования информации, графические органайзеры, составление и презентация кейсов, различного рода таблиц и диаграмм. Рассмотрим некоторые из них.

Методы генераций идей. С небольшими изменениями в подготовке и проведении данные методы позволяют выйти за рамки традиционного и привычного хода мысли.

Самые популярные из методов генерации идей - мозговой штурм (brainstorming), инверсия и синектический штурм [6].

Методы структурирования информации. Структурирование информации – это размещение изучаемого материала по группам, связанным между собой в логическую цепочку. Данные методы особенно важны при изучении и запоминании большого объема данных, определении взаимосвязи отдельных данных друг с другом.

Наиболее эффективными методами структурирования информации признаны метод тезисов, метод ментальных карт, использование графических органайзеров.

1. **Метод тезисов** предполагает подачу учебного материала, разделенного на темы, подтемы и части в форме отступов, в виде тезисов. Данный метод не только выявляет содержание и основные моменты любого объема данных, но и отслеживает взаимосвязь между ними.

2. **Метод Корнели** важен при определении приоритетных понятий, установлении взаимосвязи между ними, а также для создания целостности восприятия и прочной фиксации материала в памяти.

Таблица 1

Тема лекционного (практического) занятия		Ключевые слова, вопросы и рисунки по теме
Записываются основные моменты темы		Расшифровывающие, дополняющие или уточняющие основные моменты темы
Итоги, выводы	по теме	

3. **Метод карт мысли** (майнд-мэппинг) – графический способ изображения информации в процессе мышления в удобной для человеческого восприятия форме – логических и ассоциативных схем. В основе метода составления ментальной карты рассмотрение всей проблемы целиком на одном листе, что соответственно способствует лучшему пониманию материала, облегчает запоминание, развивает творческие способности.



Рис. 1. КАРТА МЫСЛЕЙ / MIND MAP

Построение карты предполагает следующие шаги:

- В центре листа записывается или помещается изображение четко сформулированного ключевого понятия, темы, идеи или проблемы;
- Отдельно записываются все поступающие идеи, вопросы, связанные с изучаемым объектом;
- На карте мыслей от центрального объекта проводятся линии, на конце которых студенты помещают прошедшие отбор ключевые слова (шаг 2) или рисунки, отражающие основные признаки изучаемого предмета;
- На основе полученных данных карты мыслей принимаются решения. При этом анализ или запоминание информации происходит легко и быстро, все идеи сохранены (и даже обзавелись продолжениями).

Использование карт мыслей в принятии решений позволяет более четко и взвешенно определить все «за» и «против» предлагаемых вариантов, чем при любых других способах. Использование образов и цветов подключают интуицию к принятию решения.

4. Графические органайзеры (организаторы) – один из действенных наглядных способов представления мыслительных процессов. Примеры использования графических органайзеров в преподавании истории русской литературы 19 века (1 половина) в вузе:




Рис.2 «РЫБИЙ СКЕЛЕТ» // FISHBONE




Рис 2. СХЕМА «ПОЧЕМУ?»// WHY?

Каждый из используемых оргайзеров выполняет определенную функцию, например, «Скелет рыбы» - обозначает поля проблемы или выявляет ее основные признаки, «Почему?» - занимается поиском причин проблемы, а «Как?» - устанавливает подходы к решению проблемы.

Но, говоря о преимуществах использования интерактивных методик в учебном процессе, нельзя обойти и те проблемы, которые тормозят развитие педагогического процесса в инновационном направлении. В этой связи, внедрение инноваций как в школах, в вузах, так и в системе повышения квалификации, к сожалению, осуществляется очень медленно.

Невозможно внедрять инновации авторитарными приказами, так как этот процесс во многом зависит от профессионального мастерства, творческого потенциала, инновационной «подкованности» самого преподавателя, от его психолого-педагогической и коммуникативной компетентности, мотивационной готовности и владения технологиями игрового моделирования.

Использование на занятиях интерактивных технологий некоторыми преподавателями не приносит ощутимых результатов, так как зачастую они недостаточно компетентны в них.

Еще одна распространенная ошибка связана с использованием игровых технологий. Игровой метод зачастую внедряется не для научения или развития обучаемых, а для решения исключительно игровых целей. Например, имитационная игра «Необитаемый остров» (для принятия решений в экстремальных условиях, определения лидеров) используется, как правило, только для стимулирования активности и игрового интереса. Их внедрение в учебный процесс зачастую никак не связано с содержанием темы занятия, отсутствует грамотный анализ итогов участия в игровом моделировании, а значит, оно не работает на дидактические, развивающие или аттестационные цели.

Коммуникативный процесс при таком обучении осуществляется в неполном и как бы «разорванном» виде: нет обучающей цели, значит, нет и ожидаемого результата, связанного с развитием умений «на выходе». Подобные ситуации способствуют дискредитации интерактивных технологий, порождая негативный опыт, снижая мотивацию к обучению.

Из вышесказанного следует, что современная система образования должна строиться на предоставлении учащимся возможности размышлять, сопоставлять разные точки зрения, формулировать и аргументировать собственную точку зрения, опираясь на знания фактов, собственные наблюдения и опыт. Решение данных задач возможно лишь при правильном планировании учебного процесса с включением образовательных технологий. Для успешного внедрения в учебный процесс инноваций необходимо обучение самих преподавателей, для которых обязательными профессиональными требованиями будут являться коммуникативная, интерактивная и психологическая компетентность.

ЛИТЕРАТУРА

1. **Чупрасова В.И.** Современные технологии в образовании. – Владивосток: ТИДОТ ДВГУ, 2000. – С. 5.
2. **Быков А.К.** Методы активного социально-психологического обучения: Учеб. пособие. – М.: Сфера, 2005. – 160 с.
3. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования/ Под ред. Е.С. Полат. – М.: Академия, 2001. – 272 с.
4. **Полат Е.С.** и др. Педагогические технологии дистанционного образования. – М.: Академия, 2008. – 400 с.
5. **Панфилова А.П.** Игровое моделирование в деятельности педагога. – М.: Академия, 2007. – 368 с.
6. **Темирова Д.Х.** Методы генерирования идей в преподавании литературы// Научный вестник БухГУ. – Бухара, 2016. – № 2. – С. 98-103.

УДК 371.335.5

ПРИМЕНЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛИТЕРАТУРЫ В ВУЗЕ

Бокарёва Марина Александровна

Старший преподаватель кафедры Русского языка и литературы БухГУ

Таянч сўзлар: график ташкилотчи, АКТ, ижодий фикрлаш, ҳамкорлик усуллари, лойиҳа усуллари, лойиҳавий таълим, таълим технологияси.

Ключевые слова: графический органайзер, информационно-коммуникационные технологии, креативность мышления, методика сотрудничества, метод проектов, проектное обучение, педагогические технологии.

Key words: Graphic Organizer, ICT, creative thinking, methods of cooperation, project method, project learning, pedagogical technology.

Мақола анъанавий дарслар (маъруза)да мультимедиа воситалари ва инновацион технологияларни қўллаш, шунингдек, талабаларнинг мустақил билим фаолиятини ташиқил этишга бағишланган. Жаҳон адабиёти тарихини ўрганишда муайян усуллардан фойдаланиш тажрибаси ўз ифодасини топган.

Статья посвящена актуальной проблеме целесообразности применения мультимедийных средств и инновационных технологий в условиях проведения традиционных занятий (лекций), а также при организации самостоятельной познавательной деятельности учащихся. Представлен опыт использования некоторых методик в условиях реализации обучения на основе метода проектов при изучении курса истории мировой литературы.

The article is devoted to the problem of expediency of the usage of multimedia and innovative technologies in traditional classes (lectures), as well as in the process of the organization of independent education of students. The experience of using some methods in the process of education is presented on the basis of the project method while studying the course in world history.

Введение. С обретением Узбекистаном государственной независимости был избран собственный путь демократического развития, основанный на опыте мировой цивилизации, развитых стран мира, исторических, национальных, религиозных особенностях нашего народа и традициях национальной государственности. Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов в своих произведениях и докладах разработал теоретические и практические основы строительства демократического общества в Узбекистане. За годы независимости поэтапно и системно осуществляются широкомасштабные реформы по созданию идейных, просветительских принципов, свойственных демократическому обществу. Одной из приоритетных задач стало коренное реформирование сферы образования, полный отказ от ее идеологизированной зашоренности, создание Национальной системы подготовки высококвалифицированных кадров на уровне развитых демократических государств, отвечающей требованиям высокой духовности и нравственности, что отмечено в Государственной программе по подготовке кадров. Последовательно и повсеместно решается задача самой Национальной программы - обеспечение учреждений системы подготовки кадров высококвалифицированными специалистами, повышение престижа и социального статуса педагогической деятельности. И следующим шагом в этом процессе стал важнейший государственный документ последних лет – Указ первого Президента нашей страны «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений», который, в том числе, требует овладения преподавателями вузов и активное внедрение в учебный процесс современных инновационных педагогических,

информационно-коммуникационных технологий с использованием глобальной сети Интернет, мультимедийных систем и методов дистанционного обучения [1].

В настоящее время применение компьютеров в деятельности преподавателя высшего учебного заведения уже не просто модно, это жизненная необходимость. Преподаватели гуманитарных специальностей, вслед за коллегами технических отделений давно вышли на тот уровень, когда использование компьютерных технологий является необходимым атрибутом их деятельности.

Потому возникает необходимость в организации процесса обучения на основе современных информационно-коммуникативных технологий, где в качестве источников информации шире должны использоваться электронные средства, в первую очередь глобальные телекоммуникационные сети Интернет. Перед преподавателем стоит задача искать и находить пути педагогического решения назревших проблем образования. В этом не в последнюю очередь помогают новые педагогические и, разумеется, информационные технологии. Отделить одно от другого невозможно, поскольку только широкое внедрение новых педагогических технологий позволит изменить парадигму образования, и только новые информационные технологии позволят наиболее эффективно реализовать возможности, заложенные в новых педагогических технологиях. Новые педагогические технологии немыслимы без широкого применения ИКТ (информационно-коммуникативных технологий), которые позволяют в полной мере раскрыть педагогические, дидактические функции этих методов, реализовать заложенные в них потенциальные возможности. При этом надо отметить, что применение ИКТ целесообразно с применением других обучающих технологий, взаимно дополняющих друг друга.

Проверенный временем факт - использование ИКТ в учебном процессе является наиболее эффективным способом повышения мотивации обучения, поскольку ИКТ способствуют развитию творческой личности не только студента, но и преподавателя. ИКТ помогают реализовать главные человеческие потребности - общение, образование, самореализацию. Внедрение ИКТ в образовательный процесс призвано повысить эффективность проведения занятий, освободить преподавателя от рутинной работы, усилить привлекательность подачи материала, осуществить дифференциацию видов заданий, а также разнообразить формы обратной связи.

С начала 50-х годов XX века, т.е., с момента появления технологии программированного обучения, когда американский психолог Скиннер предложил повысить эффективность управления усвоением материала, построив его как последовательную программу подачи порции информации и их контроля, и сами педагогические технологии, и технические возможности современных мультимедийных средств приобрели множество разнообразных форм и методик [4].

В связи с этим повышается и информационная культура преподавателя, включающая в себя два неотъемлемых компонента - мировоззренческий и технологический.

Мировоззренческий компонент состоит из этических, психологических, социальных, эмоционально-эстетических характеристик и отражает ценностное отношение преподавателя к работе с информацией. Технологический компонент складывается из информационных умений, связанных с освоением рациональных приёмов самостоятельного поиска и обработки информации с применением коммуникативных технологий.

Особое место в этой системе занимают технологии, обеспечивающие активность и самостоятельность студентов. Этому соответствует методика сотрудничества. При таком обучении обучаемые видят важность помощи друг другу. Работа организована таким образом, что выполнение задания зависит не от лидера группы, а от каждого члена группы. Ярким примером активизирующей технологии, основанной на самостоятельной деятельности учащихся, является проектное обучение, которое способствует формированию у студентов интеллектуальных, творческих и коммуникативных умений. В преподавании дисциплин, связанных с историей и теорией литературы особенно важными являются следующие навыки:

- умение работать с текстом (выделять главное, находить необходимую информацию и проч.);
- анализировать информацию;
- делать выводы;
- сравнивать и создавать подобное;
- лаконично излагать свои мысли.

Исходя из этого, метод проектного обучения можно вводить на начальном этапе освоения учебного материала, т.е. на первой лекции, и продолжать в течение всего семестра.

Метод проектов возник в 1920-е гг. XX века в сельскохозяйственных школах США в связи с развивающейся там идеей трудовой школы. Проектное обучение было направлено на то, чтобы найти способы, пути развития активного самостоятельного мышления, чтобы научить не только запоминать и воспроизводить знания, которые дает школа, но и уметь применять их на практике.

Данная методика успешно развивалась благодаря педагогическим идеям американского педагога и психолога Дж. Дьюи, а также его учеников и последователей В.Х. Килпатрика, Э.У. Коллингса.

Дж. Дьюи утверждает, что метод проектов должен быть направлен на то, чтобы развивать активное самостоятельное мышление обучаемого и научить его не просто запоминать и воспроизводить знания, которые дает ему образовательное учреждение, а уметь применять их на практике. Работа над проектом осуществляется в несколько этапов и обычно выходит за рамки учебной деятельности на занятиях. В тоже время, как говорилось выше, осуществлять метод можно и в пределах одного занятия, проводя поэтапный контроль за ходом процесса усвоения знаний.

В качестве примера приведем следующий опыт из курса истории мировой литературы. Дисциплина «История мировой литературы XVII-XVIII веков» ведется на 2 курсе, потому сведения о состоянии литературного процесса этого периода у студентов уже есть после изучения курса «Введение в литературоведение». Таким образом, первый этап метода проекта – выбор темы или проблемы – осуществляется одновременно с обозначением целей, задач и плана самой дисциплины. Тематика может охватывать различные отрасли искусства (живопись, архитектура, музыка, костюм), которые распределяются по рабочим группам. Первая лекция преподавателя является наглядным примером того, как в дальнейшем должен вестись весь проект уже самими студентами. В качестве опорной технологии преподаватель использует слайдовую презентацию. Первое задание по проекту, рассчитанному на одну лекцию, это заполнение таблицы 3-Х-У.

Таблица 3ХУ		
ЗНАЮ	ХОЧУ ЗНАТЬ	УЗНАЛ
Классицизм – художественное направление в искусстве и литературе; Строгая иерархия жанров; Обязательное соблюдение трех единств.	Какие еще направления появились в XVII веке; Какие поэты и писатели работали в основных эстетических направлениях.	

Рис. 1. Таблица «3-Х-У»

Заполнение третьей графы таблицы выполняется студентами в конце занятия либо дома и проверяется на практическом занятии.

Далее по ходу лекции в презентации отражаются ключевые моменты данной темы, которые конспектируются в тетради, с тем, чтобы в дальнейшем студенты могли использовать их при подготовке как непосредственно к практическим и семинарским занятиям, так и в работе над собственным проектом. В процессе ведения лекции преподаватель предлагает еще несколько графических органайзеров, которые заполняются совместно с учебной группой и способствуют эффективному и наглядному усвоению материала (см. рис. 2. «Кластер»).




Рис. 2. Кластер

Необходимо отметить, что использование ИКТ открывает дидактические возможности, связанные с визуализацией материала, его «оживлением», возможностью совершать визуальные путешествия, возможностью представить наглядно те явления, которые невозможно продемонстрировать иными способами, позволяют совмещать процедуры контроля и тренинга.

«Золотое правило дидактики – наглядность» (Ян Каменский). Мультимедиа-системы позволяют сделать подачу дидактического материала максимально удобной и наглядной, что стимулирует интерес к обучению и позволяет устранить пробелы в знаниях. Составной частью работы по разработке и внедрению в учебный процесс компьютерных обучающих средств является методика подготовки и чтения лекций с использованием ИКТ. Основная часть лекции – это изложение материала по вопросам в сопровождении видеодемонстрационных материалов: видеослайдов с фрагментами основных теоретических положений излагаемой темы, таблицами, схемами, диаграммами, графиками, математическими формулами и моделями – подготавливаемых лектором, что и было сделано в данном случае. Как итог занятия в презентации предложена схема классификации художественных направлений, обобщающая тему лекции (см. рис. 3. Схема «Классификация»).




Рис. 3. Схема «Классификация»

Таким образом, реализация метода проекта в рамках одного занятия осуществляется в полном объеме от постановки темы (Основные художественные направления в европейском искусстве XVII века) до итоговой классификации. Проект подготовлен и реализован преподавателем, вместе с тем, студенты вовлекаются в процесс составления графических органайзеров, что соответствует задачам интерактивности. Поскольку в начале занятия оговорены темы для самостоятельных проектов студентов, данное занятие, учебный материал лекции, презентация и различные инновационные технологии могут использоваться в качестве образца.

В ходе работы над проектом в группах совместно с преподавателем проводятся обсуждения выполнения каждого этапа работы. В конце семестра каждая рабочая группа представляет отчет в виде доклада и слайдовой презентации. Выбор методик и форм исполнения остается при этом за студентами, что также активизирует их самостоятельность в поиске и обработке материала и креативность мышления. Преподаватель в данном случае лишь предлагает возможные варианты. К примеру, при изучении творчества французских драматургов на практическом занятии предлагается использовать графический органайзер «Fishbone» («Рыбий скелет»).



Рис. 4. Рыбий скелет

Как отмечалось выше, лекция, а также практическое занятие и отчет студентов о выполнении проекта проводятся с привлечением компьютерных технологий. Использование ИКТ в учебном процессе увеличивает возможности постановки учебных заданий и контроля за процессом их выполнения. ИКТ обеспечивают гибкость управления самим учебным процессом. Современная компьютерная техника, в свою очередь, способствует формированию у учащихся рефлексии. Перед преподавателем стоит задача систематизировать, где и как целесообразно использовать информационные технологии в обучении, учитывая, что компьютеры позволяют интегрировать в рамках одной программы тексты, графику, звук, анимацию, видеоклипы, высококачественные фотоизображения, достаточно большие объемы полноэкранного видео, качество которого не уступает телевизионному, при том, что уровень владения компьютером у студентов достаточно высок.

Закключение. Таким образом, как показывает опыт, современные интерактивные методы, включая метод проектного обучения, интегрированный с техническими средствами обучения, а именно, мультимедийные технологии, доказывают свою эффективность в активизации учебного процесса. Метод проектов в изучении художественных дисциплин обогащает участников новыми знаниями и новым опытом путем самостоятельного и коллективного открытия. Основанием для открытия проекта является индивидуальная и совместная творческая деятельность группы обучаемых. Этот

метод позволяет развивать личные навыки и опыт работы, коллективное мышление, деятельность всей группы в одном направлении. И самое главное, метод проектных технологий в совокупности с компьютерными технологиями, а также опыт и личные качества преподавателя отвечает на вопрос, какие методы и приемы необходимы и уместны для достижения хороших результатов обучения. Эта методика имеет свою собственную систему, которая определяет последовательность компонентов, их отношений и целостности.

ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» //Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2015. – № 24. – С. 312.
2. Национальная программа по подготовке кадров// Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – Т., 1997. – № 11-12. – С. 295.
3. **Захарова И.Г.** Информационные технологии для качественного и доступного образования// Педагогика. – Москва, 2012. – № 1. – С. 17.
4. **Полат Е.С.** Новые педагогические технологии: Пособие для учителей – М., 2007. – 365 с.
5. **Таргонская В.В.** Новые компьютерные технологии в образовании. – Одесса, 2011. – С. 28.
6. **Черненко О.Н.** Информационные технологии в учебном процессе. – Волгоград: Учитель, 2007. – 134 с.
7. **Сайков Б.П.** Организация информационного пространства образовательного учреждения: Практическое руководство. – Москва: Бинوم, 2005. – 406 с.

УДК 1082

МАСОФАДАН ЎҚИТИШ - ТАРАҚҚИЁТНИНГ УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁНИ СИФАТИДА

Исмоилова Махсума Нарзикуловна

БухДУ Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ахборот, масофавий таълим моделлари, ахборот-коммуникация технологиялари, консорциум, франчайзинг, валидация.

Ключевые слова: информация, модели дистанционного обучения, информационные и коммуникационные технологии, консорциум, франчайзинг, валидация.

Key words: information, distance learning models, information and communication technologies, consortium, franchising, validation.

Мақолада масофадан ўқитишни ташкил этишининг ҳозирги замон моделлари, таълимдаги ижодийлик, мустақил ўрганиш имконияти, илм олиш учун вақтни тақсимлашдаги эркинлик каби кўплаб афзалликлари таҳлил қилинган.

В данной статье проанализированы преимущества современных моделей дистанционного обучения: творчество в образовании, возможность самостоятельного обучения, свободное распределение времени для обучения и т.д.

The article deals with the contemporary models of the organization of distance learning. The advantages of distance learning, as well as creativity in education, the opportunities for self study and time management freedom are presented in the article.

Кириш. Талабаларнинг ўз касбига тайёргарлигини замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантириш энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув жараёнининг илмий-техникавий соҳага ўз таъсирини кўрсатиши ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг юксак суръатда амалиётга жорий этилиши,

мамлакатимизда замонавий ўқитиш технологияларига илмий жиҳатдан методик ёндашувлар талабаларнинг касбий маҳорати, дунёқарашини изчил шакллантиради ҳамда замонавий билимларини тез ва мустақкам ўзлаштиришларига замин яратиб беради.

Масофавий таълим тизими - шахс билан мустақил, лекин назорат қилинувчи белгиланган билимларни ўзлаштириш жараёнида мулоқот қилиш воситалари, шакллари ва методлари йиғиндисидир. Масофавий таълим узлуксиз таълим тизими шаклларида бири бўлиб, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлайди ва таълим олувчиларга мамлакатнинг ихтиёрий ҳудудида таълим олишда кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, бундай таълим шахсга жуда кўп имкониятлар яратиб беради, шу жумладан, ўз иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда асосий ёки қўшимча таълим олиш имконини беради. Бундан ташқари, масофавий таълим қуйидаги вазифаларни амалга оширади: жамиятнинг саводхонлик даражасини ва таълим сифатини ошириш, аҳолининг таълим хизматига ва мамлакатнинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ҳоказо. Масофавий таълим тизими мамлакатимиз таълим тизими учун қуйидаги жараёнларни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади: таълим соҳасидаги ислохотларни давом эттириш, аҳолининг таълим технологияларига эҳтиёжини шакллантириш, халқаро алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўзгаришларни амалга ошириш, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида ахборот алмашиш учун сифатли, янги техник воситаларнинг пайдо бўлиши ва тез ривожланиши, таълим соҳасида халқаро интеграцияни ўстириш. Масофавий таълим тизимининг таълим олувчилар учун қулайлиги шундан иборатки, улар бу тизимда маъруза ва семинар шаклидаги машғулотларга мунтазам қатнашмайдилар, ўзлари учун қулай бўлган вақтда ва жойда ўз дарслари билан шуғулланадилар. Ҳар бир таълим олувчи фанни ўзлаштириш ва танланган курслар бўйича зарур синовларни олиш учун қанча керак бўлса, шунча ўқиши мумкин. Масофавий таълим тизимида ўқитувчига билиш жараёнини мувофиқлаштириб бориш, ўқитилаётган фанни ривожлантириш ва мослаштириш, индивидуал ўқув режаларини тузишда маслаҳатлар бериш, ўқув лойиҳаларига раҳбарлик қилиш ва бошқа шу каби вазифалар юклатилади. Таълим сифатини назорат қилиш масофадан ташкил этиладиган имтиҳонлар, суҳбатлар, ижодий ишлар ва тестлар орқали амалга оширилади. Масофадан ўқитишнинг ўқув жараёни анъанавий ўқитишдаги каби мос таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дарс жадвали ҳамда ўқув дастурлари асосида ташкил этилади. Таълим олувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларининг назорати ўқув жараёни жадвалида кўрсатиладиган муддат ва даврларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Расман назоратнинг оралиқ, якуний ҳамда битирув ишининг тақдимоти турлари назарда тутилади. Лекин, жараённинг боришига қараб, тармоқда кузатишнинг таъминланиши шарти билан кундалик, жорий ва назоратнинг бошқа турларини қўллашга рухсат этилади. Ўқув жараёни жадвали бўйича оралиқ назоратлар ўтказилиши таъминланади ва ҳар бир тингловчининг ўқув фаолияти тармоқда кузатиб борилади ҳамда мониторинги амалга оширилади. Ўқиш якунида оралиқ назоратлардан муваффақиятли ўтган таълим олувчилар учун якуний назоратга рухсат берилади. Таълим олувчиларга курсни тамомлаганлиги ҳақида тегишли ҳужжатларни бериш каби тадбирларни ҳам тармоқ орқали амалга оширилиши назарда тутилади.

Бу таълим тизимининг бир неча моделлари мавжуд, улар масофавий таълим ташкил қилинишига сабаб бўлган вазиятлари билан фарқланади: географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан узоқда жойлашган жойлар мавжудлиги), мамлакатни компьютерлаштириш даражаси, транспорт ва коммуникациялар ривожланиш даражаси, масофавий таълим учун мутахассислар мавжудлиги, таълим соҳасида инфорацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси ва ҳ.к.

1. Бирламчи модель. Ушбу модель фақат масофавий ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Уларнинг ҳар биттаси виртуал ўқитувчига бириктирилади. Консултациялар ва якуний назоратларни топшириш учун эса регионал бўлимлар бўлиши шарт. Шундай ўқув курсларда ўқитувчи ва ўқувчиларга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар ва озодликлар берилади. Бу моделга мисол қилиб Буюк Британия Очик университетидеги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мумкин.

2. Иккиламчи модель. Ушбу модель масофавий ва кундузги таълим ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Иккала гуруҳда бир хил ўқув дастури ва дарслар жадвали, имтиҳонлар ва уларни баҳолаш мезонлари мавжуд. Бу моделга мисол қилиб Англия ва Австралия университетидаги (<http://www.une.edu.au>) таълимни олиш мумкин.

3. Аралашган модель. Ушбу модель масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялаштириш учун яратилади. Ўқувчилар ўқув курснинг бир қисмини кундузги, бошқа қисмини эса масофадан ўқийди. Шу билан бирга бу моделга виртуал семинар, презентациялар ва лекциялар ўтказиш ҳам киради. Бунга мисол қилиб Янги Зеландиядаги Массей университетидаги (<http://www.massey.ac.nz>) таълимни олиш мумкин.

4. Консорциум. Ушбу модель иккита университетни бир-бири билан бирлашишини талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларини ташкил қилади, иккинчиси эса курсларга ўқувчиларни таъминлайди, шу билан биргаликда ҳар иккала муассаса биргаликда ўқув жараёнини олиб боради, бу жараёнда бутун университет эмас, балки битта кафедра ҳам қатнашиши мумкин. Бу моделга мисол қилиб Канададаги Очиқ Ўқув Агентлигидаги (<http://www.ola.bc.ca>) таълимни олиш мумкин.

5. Франчайзинг. Ушбу моделда иккита университетлар бир-бири билан ўзлари яратган ўқув курслар билан алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларини тақдим қилади. Ушбу моделда иккала муассаса ўқувчилари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга мисол қилиб Очиқ Университет Бизнес мактаби ва Шарқий Европа университетлари билан бўлган ҳамкорликни олиш мумкин.

6. Валидация. Ушбу модель университет ва унинг филиаллари билан бўлган муносабатларга ўхшаш бўлиб, бу моделда битта университет ўқув курс, дипломларни қафолатласа, қолган бир нечта университетлар ўқувчиларни таъминлайди.

7. Узоқлашган аудиториялар. Ушбу моделда инфорацион ва коммуникацион имкониятлардан кенг фойдаланилади. Битта ўқув муассасада бўлиб ўтган ўқув курслар, видеоконференциялар, трансляциялар ва телекоммуникацион каналлар орқали синхрон телекурсатувлар кўринишида бошқа аудиторияларга узатилади. Аралашган модель билан фарқи шундаки, бу моделда ўқувчилар кундузги таълимда қатнашмайди. Бу моделга мисол қилиб АҚШнинг Висконсинг университетидаги ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение университетидаги таълимни олиш мумкин.

8. Проектлар. Ушбу модель илмий изланиш мақсадидаги дастурларни бажариш учун яратилади. Бунда асосий фаолият масофавий таълим мутахассислари ва педагоглар тўпланган илмий-методик марказга юкланади ҳамда ушбу моделда яратилган курслар аҳолига намоиш қилиниб ўз вазифасини бажаргандан кейин тўхтатилади.

Масофадан ўқитишни ташкил этишнинг ҳозирги замон моделлари асосини коммуникация ва тармоқ технологиялари ташкил қилади. Аввало, ҳозир замон талабига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисни тайёрлаш жуда муҳимдир. Шу нуқтаи назардан ёш авлодни масофадан ўқитиш тизимига тайёрлаш босқичларини анъанавий таълимдагидек кундузги ва сиртки эмас, балки уларнинг ижобий хусусиятларини мужассам этган, талабаларнинг интилиш ва қизиқишлари асосида ташкил этиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Масофадан ўқитиш асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳоли таълим муассасасига йиғилиши шарт эмас. Иккинчидан, тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилмайди. Учинчидан, бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. Масофадан ўқитишга жалб қилинувчиларни қуйидаги гуруҳларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

а) иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш, малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлган шахслар;

б) минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;

в) анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот ололмаган ёшлар;

г) ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига кўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;

д) иккинчи олий маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;

е) марказдан узоқда, кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;

- ж) эркин кўчиб юриши чекланган шахслар;
- з) жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;
- и) ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

Ўзбекистон шароитида масофадан ўқитишни ташкил қилиш катта самара беради. Ҳозирда Республикамиздаги олий ўқув юртларининг аксарият қисмида ҳисоблаш техникаси, автоматлаштирилган бошқарув тизими, муаллим-муҳандис, ахборот ва коммуникация технологиялари мутахассисликлари бўйича етук кадрлар тайёрланмоқда. Масофавий таълимни ташкил қилиш ва ўқув жараёнига татбиқ қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Тадбирда кўзда тутилган режа асосида масофавий таълимни ташкил этиш бўйича қуйидаги тўрт йўналишда ишлар белгиланган:

1. Масофавий таълимда иштирок этувчилар билан олиб бориладиган ташкилий ва ўқув-услубий ишлар;
2. Масофавий таълимда қўлланиладиган ахборот ва телекоммуникация технологиялари билан танишиш, ўрганиш ва керакли техникавий имкониятларга эга бўлган компьютер ва дастурий мажмуани яратиш;
3. Масофавий таълим учун ўқув-услубий материалларни тайёрлаш;
4. Масофавий таълимда қўлланиладиган ўқув материаллари технологиясини ўрганиш ва уни жорий қилиш.

Масофавий таълим республикамизда таълим тизимига янги кириб келаётган усул бўлиб, ҳозирги кунда бу жараёнга жиддий эътибор бериб келинмоқда ва унинг асослари яратилмоқда. Барча олий ўқув юртларида компьютер синфлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми интернет тармоғига уланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Тингловчиларнинг виртуал китоб, виртуал кутубхона тўғрисида тасаввурлари кенгайиб бормоқда. Масофавий таълим нафақат тингловчиларга масофадан туриб таълим беришни, балки уларнинг олган билимларини масофадан туриб назорат қилишни ҳам англатади. Масофадан ўқитишни ташкил қилишдаги энг муҳим масалалардан бири профессор-ўқитувчиларни танлашдир. Мазкур таълим турини амалга ошириш учун ўқитувчилар энг тажрибали ва ташкилотчи профессор-ўқитувчилар орасидан танлаб олиниши лозим. Масофадан ўқитишга жалб қилинувчи ўқитувчи бир пайтнинг ўзида моҳир педагог, доно маслаҳатчи ва тажрибали бошқарувчи бўлиши керак. Масофадан ўқитишни ташкил қилишнинг дастлабки даврида республика аҳолисининг демографик хусусиятларидан келиб чиқиб, тегишли вилоят ёки минтақа марказларида масофадан ўқитиш марказларини яратиш керак. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Замонавий ахборот технологияларига: мультимедиа, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш, компьютерли тест назорати, сканер технологияси, интернет, электрон почта, Web-технология, электрон виртуал кутубхона, масофадан туриб таълим бериш, тақдим этиш технологияси, сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киради. Бугунги кунга келиб ўқитиш тизимларининг ҳар бир жабҳасида илғор технологиялардан фойдаланиш зарурати алоҳида долзарблик касб этаётганини сезиш қийин эмас. Кундалик ҳаётимиз ва истиқболимиз равнақи учун муҳим эҳтиёж саналмиш том маънодаги таълим тизимига замонавий ахборот технологияларининг жалб этилиши тобора олдинги ўринга чиқиб бораёпти. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукаммал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади.

Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб шакллари вужудга келаётган бўлиб, бунга Британия очиқ университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини ёки дистант услубидаги Халқаро Кенгаш фаолиятини ва “D-Learning”- масофавий таълим тизимини кўрсатиш мумкин.

Масофадан туриб ўқитиш тизимининг тафсилоти, унинг таълимдаги ижодийлик, мустақил ўрганиш имконияти, илм олиш учун вақтни тақсимлашдаги эркинлик каби кўплаб афзалликлари мамлакатимиздаги йирик олимларнинг педагогик изланишларида акс эттирилган, рисолаларида кенг ёритилганини эътироф этиш жоиз ва ушбу усулдан фойдаланиш мамлакатимизда аҳолининг билим савиясини оширишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасида ягона ахборот маконини яратиш ва таълим олувчиларга ахборотларни тезкор етказиш, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув-моддий базаларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда таълим олувчилар билимини холисона баҳолаш ва таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Газиёва В.Х.** Педагогик тажриба алмашишда дарснинг самарадорлиги. Республика илмий-амалий конференцияси. – Т.: ТАТУ, 2011. – 124 б.
2. **Андреев А.А., Солдаткин В.И.** Дистанционное обучение: сущность, технология, организация. – М.: Издательство МЭСИ, 1999. – С. 196.
3. Педагогический энциклопедический словарь// Гл.ред. Бим-Бад Б.М. – Москва: Большая российская энциклопедия, 2003. – С. 528.
4. **Амбросенко Р.Н.** Модельно-алгоритмическое обеспечение процессов обработки информации в образовательных средах дистанционного обучения: Дисс...канд.техн. наук. – Красноярск, 2007. – С. 132.
5. **Гаврилов Н.А.** Моделирование дистанционной образовательной среды в системе повышения квалификации работников образования: Дисс...канд.пед.наук. – Омск, 2007. – С. 134.

УДК 37/1

ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТ ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ (умумий ўрта таълим мактаблари учун)

Садиқова Севинч Алиевна

Анджон давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: умумий ўрта таълим, инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғат, тамойил, семантик макромайдон, спорт, кураш, маънавият, менталитет, замонавий ахборот технологиялари.

Ключевые слова: общее среднее образование, англо-русско-узбекский идеографический словарь, принцип, семантическая макроплощадь, спорт, боевой дух, менталитет, современные информационные технологии.

Key words: comprehensive secondary education, English-Russian-Uzbek ideographic dictionary, principles, semantic makro area, sport, fighting spirit, mentality, modern information technology.

Мақолада умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун идеографик луғат тузиш таклифлари киритилган бўлиб, унинг назарий асослари ўрганилган ва луғатнинг қисқача намунаси келтирилган. Мазкур луғат ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишига қизиқишларидан келиб чиқиб, спорт макромайдонига қиравчи сўзлардан тузилган ҳамда уларнинг инглиз ҳамда рус тилидаги таржималари тақдим қилинган.

В статье приведен короткий образец предложений составления идеографического словаря на английско-узбекско-русских языках для учреждений дошкольного образования. Словарь помогает детям не только обрета́ть первые понятия о природе, но и учить слова связанные с этим понятием на узбекском, и в том числе английском и русском языках.

The article is about the suggestions of developing ideographic dictionary for the pupils studying at secondary schools. The theoretical bases of creating ideographic dictionary are studied and a brief sample of the dictionary is presented.

Кириш. Истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган оқилна ижтимоий-иқтисодий ислохот, ўзгариш ва янгиланишлар, ўз навбатида, ўзбек тилининг луғат тизимида ўзига хос ифодасини топмоқда. Шунга кўра, тилнинг сўз бойлигини ўрганиш

билан шу тилда сўзлашувчи халқнинг турмуш тарзи, узоқ ўтмиши, бугунги ҳаёти ва ҳатто унинг тараққиёт даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин [1]. Бу жараёнда луғатшунослик соҳаси алоҳида қиммат ва мазмун касб этади.

Шу маънода, айтиш керакки, мустақиллик йилларида ўзбек лексикографияси қатор ютуқларни қўлга киритди. Қисқа давр ичида катта ишлар амалга оширилди, бир қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бунинг пировард натижасида беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2006-2008) яратилди. Луғатнинг янги турлари нашр этилди, улардан халқимизнинг бой маънавий хазинаси ўз ўрнини топди, миллий қадриятларимизни ифодаловчи лексемалар ўзининг ҳақиқий баҳосини олди, шунингдек, лексикографияга компьютер лингвистикаси кириб келди [2].

Бироқ, ўзбек луғатчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Ўзбек лексикографияси ҳанузга қадар идеографик луғатга эга эмас. Қайд этиш керакки, тилшунос олима Ё. Ҳамраеванинг тадқиқотида [2] ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари илмий ва назарий асослаб берилган. Шунга ва яна қатор тадқиқотларга асосланган ҳолда ўзбек тилининг идеографик луғатини яратиш бугуннинг долзарб вазифаларидан саналади, бизнингча. Идеографик луғатлардан таълим-тарбия жараёнида самарали ва изчил фойдаланиш, биринчидан, ўқитиш самарадорлигини оширса, иккинчидан, ёшларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларини орттиради ва тил ўрганиш ишлари сифатини таъминлайди. Буни мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари мисолида оладиган бўлсак, ушбу муассаса таълим олувчилари учун идеографик, хусусан, инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатларнинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги қуйидаги омиллар билан характерланади:

- идеографик луғатлар ўзбек ва чет тилларини изчил, тизимли равишда, қиёсий услубда ўрганиш ишларини енгиллаштиради;

- алифбо тартибидаги луғатларда ўзбек ва хорижий тиллардаги сўзларнинг синтагматик ва услубий-функционал хусусиятлари кўрсатилса, идеографик луғатларда сўзлараро синонимик, антонимик, гиперо-гипонимик, градуонимик, партонимик муносабатлар намоён бўлади. Бу эса ўқитиш тизимида ўқувчиларни мустақил фикрлашга, янги сўзларни ўзлаштиришга, изланишга чорлайди, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиради, оламни яхлит идрок этиш кўникмаларини шакллантиради;

- ўзбек ва чет тилларини қиёсий услубда ўрганишга мўлжалланган идеографик луғатлар ўрганувчиларга тил соҳибларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети ҳақида мукаммал маълумотлар олиш учун қулай имкониятлар яратади;

- бу турдаги луғатлар ўқувчиларда тил ўрганиш маданиятини юқори савияга олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади ва. ҳ.к.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатлар тузиш ҳамда унинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш ўзбек тили идеографик луғатини яратиш билан боғлиқ илмий масалалардан ҳисобланади. Зеро, биринчи президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз [3].

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёнида асосий эътибор, ўқувчиларни, аввало, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом этиб тарбиялашга қаратилади, иккинчидан, ўқувчилар ўрта махсус ва олий таълим муассасаларига пухта тайёрлаб борилади. Бунда, шубҳасизки, жисмоний тарбия ва спорт йўналишига асосий эътибор қаратилади. Шу боис, ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спортга оид билим-малакаларини инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатлар ёрдамида бойитиб, мустақамлаб бориш кутилган натижаларни беради. Бунинг учун эса луғат тузиш, луғат

тузишда эса, аввало, спорт турлари ҳамда усулларини бир-биридан ажрата олиш, «спорт» семантик макромайдони ўз ичига оладиган мазмуний майдонларга кирадиган сўзлар ва уларнинг хусусиятларини яхши билишимиз лозим.

Бунинг учун «спорт» сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Спорт — [ингл. sport<disport — ўйин, эрмак; ўйин-кулги] соғлиқни мустаҳкамлашга ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишга қаратилган бадан тарбия машқлари, шулар бўйича мусобақалар, кураш, туризм ва ш.к. мажмуи; жисмоний маданиятнинг таркибий қисми. Спорт зали. Спорт гимнастikasi. Спорт ўйинлари. Спорт билан шуғулланмоқ [4].

Спортнинг ҳар хил турлари ва усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг негизидаги тамойиллар бир-биридан фарқ қилади. М.Л. Матвеев спорт турларини уларнинг мусобақалашуш моҳиятига оид хусусиятлари ҳамда ҳаракат фаоллигининг хусусияти бўйича қуйидагича тасвирлайди:

I гуруҳга ўта фаол ҳаракат билан бажариладиган спорт турлари киритилган бўлиб, уларнинг натижалари ҳар бир спортчининг мусобақа жараёнида кўрсатган ўз ҳаракат фаолияти имкониятларига боғлиқ бўлади. **Бокс, кураш, спорт гимнастikasi ва бадиий гимнастика, сузиш, эшкак эшиш, енгил атлетика, спорт ўйинлари** ва бошқа мана шу гуруҳларга киритилган спорт турларидир.

II гуруҳга турли ҳаракат қилиш воситалари ёрдамида бошқариладиган спорт турлари киритилган бўлиб, уларда спорт натижалари ҳаракатга келтирувчи ташқи кучлар ҳамда улардан оқилона тарзда фойдалана олиш маҳорати билан белгиланади. **Мотоспорт ва автоспорт, елканли спорт, эшкак эшиш спорти** ана шуларга киради.

III гуруҳга махсус спорт кўролидан белгиланган масофада туриб чегараланган четланган нишонга ўқ отиб теккизиладиган ва спортчидан алоҳида фаоллик талаб қилинадиган спорт турлари киритилган. **Камондан ўқ отиш, милтиқдан ўқ отиб нишонга теккизиш** сингари спорт турлари шу гуруҳга киритилган.

IV гуруҳга спортчиларнинг моделлаштириш – конструкторлик фаолияти натижалари бир-бирига қиёслаб таққосланадиган спорт турлари киритилган. **Автомодел ва автомобиль спорти** мана шундай спорт турларига киради.

V гуруҳ мавҳум характер, мантикий салоҳият билан ўйналадиган ва спортчидан асосан ақл-заковат ҳамда идрок талаб қилинадиган спорт турларини бирлаштиради [5].

Бундан кўринадики, спорт макромайдони ўз ичига бир қатор спорт турларини англатувчи сўзлар мажмуасини, яъни микромайдонларни олади. Чунки, идеографик луғатда майдон назариясидан, системавийликдан самарали фойдаланилади. Майдон назарияси эса дедукцияга асосланади. Масалан: **бокс, кураш, енгил атлетика, мотоспорт, камондан ўқ отиш** каби спорт турларини англатувчи сўзлар микромайдонларни ташкил этади. Ўз навбатида, улар ҳам мазмуний майдон ва тизимча ҳамда тармоқларни жамлайди. Масалан, кураш микромайдонига **шуғулланмоқ, курашмоқ, баҳслашмоқ, ағдармоқ, курагини ерга теккизмоқ** каби мазмуний майдонни ташкил қилувчи сўзларни киритишимиз мумкин. **Ағдармоқ** сўзи ҳам бир қатор семантик маъноларни ўзида жамлайди. Масалан: **оёғини ердан узмоқ, чирпирак қилиб урмоқ, бошдан айлантириб ташламоқ, белдан оширмоқ** каби.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу сўзларни маъновий хусусиятларига кўра, инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатлар шаклида ўқувчиларга тақдим қилиш уларнинг спортга оид билим-малакаларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, фикрлаш, ўз имкониятларини баҳолаш, мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиради. Масалан: кураш микромайдонига кирувчи **курашмоқ** мазмуний майдонини олайлик. Инглизчада — **fight**, ўзбекчада — **курашмоқ**, русчада — **бороться** шаклида талқин этилади. **Курашмоқ** сўзи феъл сўз туркумига оид бўлиб, ўз семантик майдонини ташкил қилади. Бунда кураш тушмоқчи бўлган спортчининг фаолияти англашилади. Шунга кўра, учрашмоқ (спортчиларнинг юзма-юз келиши), боғламоқ (белбоғли курашда курашчининг ўз белбоғини маҳкам боғлаши), баҳслашмоқ (курашда рақибларнинг ўзаро амалий баҳсга киришуви), тутмоқ (рақибнинг белбоғи ёки ёқасидан тутмоқ), эг(ил)моқ (баҳсда эгилиш машқини бажармоқ), машғул бўлмоқ (кураш усуллари билан машғул бўлмоқ), сезмоқ, ҳис қилмоқ (рақибнинг ҳужум зарбаларини сезмоқ, унинг имконият қирраларини ҳис қилмоқ), турмоқ (кураш жараёнида ҳимоя усулида турмоқ), ўрганмоқ (рақибининг имкониятларини

ўрганмоқ), ғолиб чиқмоқ (рақибини енгмоқ, ғолиб чиқмоқ) ва шу каби феъл сўз туркумидаги сўзлар *курашмоқ* мазмуний майдонига оид сўзларни ташкил қилади.

Феълларнинг ўта кенг қўламлилиги ҳисобга олинадиган бўлса, луғатда фақат маъноси ёки изоҳини бериш бугунги кунда камлик қилади. Ҳозирда тилшунос-лексикографлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири феълларнинг парадигматик ва синтагматик қаторлари, функционал-услубий хусусиятлари ҳақида мукамал маълумот бера оладиган луғат яратишдан иборат [2, 8]. Шунга кўра, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатлар тузиш мақсадга мувофиқ саналади. Бунга мисол тариқасида спорт соҳасига оид инглиз-ўзбек-рус тилидаги идеографик луғат лойиҳасини қисқача шаклда қуйидагича таклиф этиш мумкин:

инглизчада — sport, ўзбекчада — спорт, русчада — спорт (семантик макромайдон);

инглизчада — kurash, ўзбекчада — кураш, русчада — кураш (семантик микромайдон);

инглизчада — fight, ўзбекчада — курашмоқ, русчада — бороться (мазмуний майдон).

Бунга қуйидагилар қиради:

инглизчада — meet, ўзбекчада — учрашмоқ, русчада — встречать;

инглизчада — bind, ўзбекчада — боғламоқ, русчада — связывать;

инглизчада — bet, ўзбекчада — баҳслашмоқ, русчада — спорить;

инглизчада — hold, ўзбекчада — тутмоқ, русчада — держать;

инглизчада — bend, ўзбекчада — эгилмоқ, русчада — гнутья;

инглизчада — deal, ўзбекчада — машғул бўлмоқ, русчада — заниматься;

инглизчада — feel, ўзбекчада — сезмоқ, ҳис қилмоқ, русчада — чувствовать;

инглизчада — stand, ўзбекчада — турмоқ, русчада — стоять;

инглизчада — learn, ўзбекчада — ўрганмоқ, русчада — изучать;

инглизчада — win, ўзбекчада — ғолиб чиқмоқ, русчада — побеждать ва ҳ.к.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки,

- умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини ўрта махсус, олий таълим муассасаларига тайёрлаш, шу билан бирга, ёшларга хорижий тилларни ўзбек тили билан солиштирган ҳолда изчил ўргатиш жараёнида инглиз-ўзбек-рус тилидаги идеографик луғатларнинг муҳим ўрни ва аҳамияти мавжуд;

- алифбо тартибидаги луғатдан ўзимиз билган, эшитган, ўқиган сўз ҳақида маълумот олсак, идеографик луғат шу сўз билан боғлиқ микромайдонга алоқадор барча лексик бирликларни хотирада тиклашга ёрдам беради;

- сўзларни идеографик аспектда, яъни турли тарафлардан ўрганиш ўқувчига сўз ҳақида тўла ва мукамал маълумот беришга ёрдам беради;

- инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатлар ўзбек тилидаги сўзларнинг мазмунини бошқа тиллар билан солиштириб, қиёсий жиҳатдан изчил ўрганишда қулай имкониятлар яратади;

- мақолада таклиф этилган инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатнинг қисқа намунаси ўқитиш тизимида ўқувчиларни мустақил фикрлашга, сўзларни ўзлаштиришга ўргатиши, изланишга чорлаши, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириши, тил ўрганувчиларга хорижий мамлакатлар халқларининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти ва менталитети билан танишишга имконият яратиши билан аҳамиятли саналади;

- келгусида ушбу луғатни тўлақонли тарзда яратиш ва уни босма, шунингдек, электрон нусхада тайёрлаган ҳолда, замонавий ахборот технологиялари, мультимедия воситалари орқали умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёнига тадбиқ қилиш кутилган самараларни беради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Шухардт Г.** Избранные статьи по языкознанию. – М.: Наука, 1950. – С. 52.

2. **Ҳамраева Ё.** Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2010. – 27 б.

3. **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 87.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т.: Фан, 2006. – 3-жилд. – Б. 566.

УДК. 515.01

AUTOCAD GRAFIK DASTURI YORDAMIDA 3D ANIMASIYALAR BAJARISH IMKONIYATLARI

Aminov Akmal Shavkatovich

BuxDU Tasviriy san`at va muhandislik grafikasi kafedrası o`qituvchisi

Mamurova Dilfuza Islomovna

BuxDU Tasviriy san`at va muhandislik grafikasi kafedrası o`qituvchisi

**Tayanch so`zlar:** 3D modellashtirish, 3D animasiya, kompyuter dasturlari, texnologiyalar, 2D (ikki o`lchamli).

Ключевые слова: 3d-моделирование, 3D-анимация, компьютерные программы, технологии, 2D (двумерная).

Key words: 3D modeling, 3D animation, computer programs, technology, 2D (two dimensional).

Maqolada AutoCAD 2007 grafik dasturida 3D animasiyalar bajarish bosqichi haqida fikr yuritilgan.

В статье рассматриваются этапы создания 3D-анимаций в графической программе AutoCAD 2007.

The article deals with the stages of creating 3D animations in AutoCAD 2007 graphic program.


Кириш. Bugungi kun olamshumul yangiliklar va texnologiyalar jadal rivojlangan bir paytda, ta`lim jarayonida o`z ta`sirini ko`rsatib kelinmoqda. O`quv jarayoniga texnologiyani kiritishga urinishlar o`tgan asr davomida to`xtovsiz bo`lgan. O`tgan XX asrning 50-yillarigacha ular bir texnik muhit – an`anali ta`limning avtomatlashtirilgan vositalar jamlamasini yaratishga qaratildi. XXI asrda esa aynan o`quv jarayonini tashkil etishda yangicha texnologik yondashish paydo bo`ldi. Birinchi yo`nalish ham yangi informatsion texnologiyalarni o`zlashtirish yo`lida rivojlanib bormoqda. Ikkala yo`nalish tobora bir-biriga kirishib, ta`lim nazariyasini yangilamoqda.

Aytish joizki, hozirgi kunda ta`lim texnologiyasi tushunchasini keng ma`noda tushunish mumkin, ham pedagogik fan sohasi sifatida, ham ma`lum o`qitish texnologiyasi sifatida.


XXI asr texnik va fan taraqqiy etgan bir paytda axborot berish va olish keng ko`lamda rivojlanib borib, axborot uzatishlar kompyuter grafikasi dasturlari yordamida turli xil tasvirlar va ovozli taqdimotlar kundan – kunga ommalashib borayapti. Kompyuter grafikasi yordamida foto va video montajlarni turli xil buyruqlar yordamida bajarila boshlandi. Bunday dasturlar o`rgangan sayin kundan – kunga borib qo`shimcha buyruqlari bilan yangi versiyasi chiqa boshlayapti. O`tgan XX asrlar o`rta mobaynida hech qanday kompyuter yordami orqali taqdimot, matn yozuvi, hisoblash dasturlari bo`lmagani sababli bu ishlarning hammasini qo`lga bajarilardi. Hozirgi kunga kelib hamma reklama afishalarni tasvirlash kompyuter texnikasi yordamida boshqaradi. Kompyuter vositasi orqali korxona va tashkilotlarning ish hajmini osonlashtirib, mehnat unumdorligi oshib ish sifatli bo`lishini ta`minladi. Bu yerda shuni aytish joizki hamma yo`nalishlarda bo`lgani kabi muhandislarda ham kompyuter grafik dasturi qo`llanila boshlandi. Muhandislarning kompyuter programmasi AutoCAD grafik dasturi ikki holat ya`ni 2D ikki o`lchamli ya`ni eni va uzunligi bo`ylab tasvirlansa, 3D uch o`lchamli gabarit o`lcham tushunilib jismlarni hajmli holatda tasvirlaydi [1].

AutoCAD grafik dasturidagi 3D uch o`lchamli ba`zi buyruqlaridan foydalanib hajmli jismlarning animasiyasini bajaramiz. Ishchi stolidagi AutoCAD yorlig`ini sichqoncha yordamida ikki marta bosgandan keyin yuklanadi. AutoCAD grafik dasturi yuklagandan so`ng dastur ishchi stolidagi (**Рабочие пространства**) ishchi maydon **3D-моделирование** buyrug`iga o`tiladi (1-shakl). Ishchi stoldagi  **Панель управления (3D-построение)** uch o`lchamli yaratish birinchi qator panelida jismlarning turli xil turi mavjud bo`lib, konus jismni tanlab unga ixtiyoriy o`lchamlar kiritib ish stolida bajarib qo`yamiz (2-shakl). Avvalo ish stolidagi uch o`lchamli panellari bilan tanishaylik uch o`lchamli yaratish panelidagi ikkinchi va uchinchi qatorida jismni

redaktorlash buyruq tugmalari mavjud. Qo'shimcha buyruq tugma strelkasi sichqoncha yordamida bosilsa to'rtinchi redaktorlash buyruqlari chiqadi [2].




1-shakl. Ishchi maydonda 3D-моделирование buyrug'iga o'tish




2-shakl. Konus jismni tanlab unga ixtiyoriy o'lchamlar kiritib ish stolda bajarib qo'yish

“3D-орбита” 3D fazosi panelida ishchi stolning fazoviy holatlarini o'zgartirish va qo'shimcha buyruq tugmasida video animasiyalar yaratish buyruqlarini amalga oshiradi. Panellar buyrug'ida (панорамирование) qo'l, (зумирование) kattalashtirish, (зависящая орбита) orbitani mishka yordamida bosib o'tirilsa keyingi buyruq (свободная орбита) erkinlik orbitasi, (непрерывная орбита) orbita, (шарнир) aylantirgich, keyingi buyruq (регулировка расстояния) masofani sozlash, (обход) oldin yurish, keyingi buyruq (облет), (параметры обхода и облета), (создать камеру), (параллельная проекция), (перспективная проекция). Keyingi qatorda, (управление видами) tasvirlarni sozlash, “3D-орбита” 3D fazosi panelida (фокусное расстояние) qo'shimcha tugma bosilsa, qo'shimcha qurilmalardan (несколько видовых экранов) bir nechta tasvir, (один видовой экран) bitta tasvir, (показать камеры) kamerani ko'rsatish, (параметры анимации) video tasvirga olish va ko'rish tugmasi, (параметры анимации) animasiya parametri hamda sozlash tugma qurilmalari joylashganligini ko'ramiz (3-shakl) [3].




3-shakl. Animasiya parametri hamda sozlash tugma qurilmalari joylashganligi




4-shakl Video animasiya tayyorlashda sozlash animasiya tugmasini bosib video formatini sozlab olamiz

Video animasiya tayyorlashda sozlash animasiya tugmasini bosib video formatini sozlab olamiz (4-shakl). “3D-орбита” 3D fazosi panel buyruqlari orqali fazoni aylantirish, kattalashtirish, jismni olib qo'yish kabi buyruqlarni bajarib qilinayotgan amallarni video tasvirga olish mumkin. Bunda zapis tugmasi bosilsa kifoya video tasvirga tushuradi (5-shakl). Tasvirni ko'rish uchun uchburchak tugmasini bosib ko'rish mumkin. To'rtburchak tugmasi orqali tasvirga olingan modelni saqlab maxsus papka xotirasida saqlash mumkin (6-shakl). Xotirada saqlanayotgan avi formatni ochib video animasiyani ko'rishimiz mumkin.




5-shakl. Tugmasi bosilsa kifoya video tasvirga tushuradi




6-shakl. Olingan modelni maxsus papka xotirasida saqlash mumkin

AutoCAD grafik dasturida mashinasozlik chizmachilik fanidagi mahkamlovchi detallar va yig'ish chizmalarining 3D detallarini yaratib video animasiyasini bajarishda avvalambor chizmaga qarab uning yaqqolini tasvirlashda hajmli jismlardan foydalanib bajariladi. Misol bolt va gayka detalini yaratgandan so'ng gaykani sekin boltning yo'nalishiga aylantirib bir necha daqiqa video tasvirga tushurib kompyuter xotirasiga saqlanadi. Bu amalni bir necha va undan ko'proq video kadrda olinsa shuncha boltga gayka sekin buralib kirishi yaqqol namoyon bo'ladi (7-shakl).




7-shakl. Boltga va gayka sekin buralib kirishini yaqqol namoyon bo'lishi



8-shakl

Bundan tashqari birikmani bir necha marta nusxa olib qo'yib gaykani boltga burashini bosqichma bosqich yaqinlashtirib qo'yiladi. Bolt va gayka tasvirini kadrda tushurishda zapis tugmasi bosib bir necha soniya kadrda olinadi. Vaqtincha to'xtash (nayza) tugmasi bosib keyingi birikmaga o'tib zapis tugmasi qayta bosiladi. Bu amallarni bir necha bor bajarib xotirada saqlab ko'rish mumkin. Video tasvirda tushurilgan birikmalarning orqa tomoni qora tusda bo'lib, perspektiv holatda bo'ladi (8-shakl). Yuqorida aytilgan ya'ni alohida xotiraga saqlangan video tasvirlarni maxsus video mantaj dasturlardan foydalanib video tasvirlarni bir – biriga bog'lab avi formatda saqlab olish mumkin. Bunday dasturlar tufayli video tasvirni to'liqligicha ko'ra olamiz. Video mantaj oddiy dasturlaridan MovieMaker, ВидеоМантаж hokazolari mavjud. Video mantaj dasturlari oddiy va murakkabligi bo'lib, ulardan 3D kinotasvirlar va multfilmlar tayyorlashadi. Muhandislar tomonidan ham yaratilgan obyektning 3D holati va video animasiyasini tayyorlashadi. Bu esa o'z navbatida yaratilgan obyektning tasavvur etib, kishida o'zgacha taassurot qoldirishi shubhasiz.

Windows7 dasturi paketida joylashgan MovieMaker dasturi yuklanadi. Dasturda joylashgan papka orqali tasvirga olingan animasiyalarni yuklab olinadi. Har bir animasiyani kursor bilan belgilab pastki video tasmasimon katta to'rtburchak kataklariga mishka orqali joylashtiriladi. Kichik to'rtburchaklarga hech qanday animasiyali shakllar qo'yilmasdan xotirada saqlanadi. Bunda animasiyani to'liqligicha ko'rishimiz mumkin. MuvieMaker dasturida video animasiyadan tashqari tasvirlarni ovoz shaklida videoda saqlash imkoniyatiga ham ega. Yuqorida bajarilgan usullarni ВидеоМантаж dasturida ham bajara olish mumkin.



9-shakl. MuvieMaker dasturida video animasiyadan foydalanish

Auto CAD grafik dasturida modellarning video animasiyasini tayyorlash va dars jarayonlarida qo'llash eng yaxshi samarali natijalarni beradi. Bunday dasturdan jismlarning yaqqol tasvirini va jismlarning bir-biri bilan kesishuvi natijasida hosil bo'ladigan kontur chizig'ini video animasiyasini yaratib, maktab o'quvchilariga chizmachilik fanining dars jarayonida qo'llash imkoniyatini yaratish mumkin. Bunday animasion dasturlar o'quvchi talabalarning fazoviy tasavvurlari va tafakkurini oshiradi. Dasturni mukammal o'rganish uchun esa chizmachilik va chizma geometriya fanini puxta egallab olish va kuchli fazoviy tasavvurga ega bo'lishimiz kerak. Chizmachilik va chizma geometriya fani esa kuchli tasavvurlarga yetaklaydi.

ADABIYOTLAR

1. Rixsiboyev T. Kompyuter grafikasi. – T.: O'zbekiston, 2006. – B. 69.
2. Hayitov B. Muhandislik kompyuter grafikasidan ma'ruzalar matni. – T.: Durdona, 2014. – 108 b.
3. Mamatov D., Aminov A. AutoCAD grafik dasturida detalning aksonometrik proyeksiyani 3D modellashirish// BuxDU Ilmiy Axboroti. – 2015. – B. 146-149.

УДК 510(1)575(1)

“ОЛИЙ МАТЕМАТИКА” КУРСИНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШДАГИ МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР

Маҳмудова Дилфуза

ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси

Ҳошимов Алишер Алижон ўғли

БИММ катта илмий ходим-изланувчиси

Таянч сўзлар: компьютер, компьютер техникаси, олий математика, муаммоли вазият, гармоник қатор, функциянинг узлуксизлиги.

Ключевые слова: компьютер, компьютерная техника, высшая математика, проблемная ситуация, гармонический ряд, непрерывность функций.

Key words: computer, computer technology, higher mathematics, problem situations, harmonic series, continuous function.

Мақолада “Олий математика” курсини компьютер техникаси ёрдамида ўқитишда мавжуд бўладиган муаммоли вазиятлар таҳлил қилинади.

В статье дан анализ проблемных ситуаций, возникающих при обучении курса «Высшая математика» с помощью компьютерной техники.

The article analyzed the problematic situations that arise when teaching the course "Higher Mathematics" with the help of computer technology.

Кириш. Машхур математик Г. Биркгофф 1969 йилда шундай деган эди: “Биз инсон ва машина орасида тобора ошиб бораётган рақобатни башорат қилишимиз мумкин, унда ҳар бир иштирокчи унга мос масалани бажаради”. Бу хусусда Е. Мамфорд мулоҳаза юритар экан, 1972 йилда қуйидагиларни таъкидлаган: “Тобора барча тизимлар инсон-машинали кўринишда бўлишига интеллектуал тан бериш ортмоқда...”. Таълимда бу - компьютерлашган жамиятда ўқитишнинг мақсади талабага нисбатан, унинг компьютерли дастур таъминотига нисбатан, шу билан бирга талабанинг компьютердан ўқув ва ўқув-тадқиқот ишларини бажаришда фойдалана олиш имкониятига нисбатан аниқланишини билдиради. Шундай қилиб, янги ўқитиш объекти – тандем “талаба+компьютер” кириб келди.

Бизнинг фикримизча, математикада муаммоли ўқитишни ташкил қилишда талабаларни компьютердан фойдаланишга йўналтириш жараёнида Винернинг “Инсонга – инсоний, ҳисоблаш машинасига – машинага хос нарсани беринг” ибораси ётади, бу эса муаммоли ҳолатни келтириб чиқаришнинг янги турдаги манбаси бўлиб қолиши мумкин. Янги ўқитиш объекти – тандем “талаба+компьютер тизимида қуйидаги саволларни муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга [1]:

1. Қайси ўзлаштирилган билимни компьютерга бериш керак, қайсиларини инсонда қолдириш керак ва нима учун?

2. Компьютерни янги билимга қандай ўқитиш керак?

3. Компьютернинг янги имкониятларидан қандай қилиб саводли фойдаланиш мумкин ва унинг жавоблари қандай назорат қилинади?

4. Мавзуни ўзлаштириб бўлгандан кейин электрон ўқув қўлланма модули қандай модификацияланади?

Компьютер билан мулоқотда “инсон томонидан муаммоли ҳолатнинг хоссалари ҳақида шундай билимларни олиш мумкинки, уларни машинасиз мустақил аниқлашнинг иложи йўқ ёки принципаал ёпиқ” бўлиб қолиши мумкин [2].

1-мисол. Қуйидаги интегралларни

$$I_1 = \int_0^1 e^{-x^2} dx, \quad I_2 = \int_0^1 \frac{1}{1+x^2} dx \quad (1)$$

тақрибан ҳисоблаш шуни кўрсатмоқдаки, талаб қилинган абсолют хатолик катта эмаслиги (яъни, то 0,0001гача бўлганда) ҳар иккала ҳолда, сонли интеграллашни трапеция ёки Симпсон усуллариининг ихтиёрий ёрдами билан ҳисоблаш мумкин. Компьютердан фойдаланиш, биринчи ҳолда тақрибий ҳисоблаш формулалари интегрални етарли даражада аниқликда ҳисоблаш имконини берса, иккинчи ҳолда бунинг акси. Муаммоли ҳолат шундан иборатки, бу натижа 1-курс талабаларининг билимларига зид, чунки улар учун интеграл остидаги функцияларнинг бир-биридан фарқи йўқ, иккаласи ҳам ҳамма жойда дифференциалланувчи ва уларнинг графиги жуда ўхшаш. Компьютер e^{-x^2} , $\frac{1}{1+x^2}$ функциялар орасидаги принципаал фарқни

излашга чорлайди. Биз бу фарқни уларга комплекс ўзгарувчили функция сифатида қараганимизда кўра бошлаймиз. Қўпол қилиб айтганда, формула хатолиги қанча катта бўлса, интеграл остидаги функциянинг махсуслиги интеграл йўлига шунча яқин бўлади.

e^{-z^2} функция бутун комплекс текисликда аналитик бўлгани учун, унинг Тейлор қатори барча z ларда яқинлашувчи бўлади. $\frac{1}{1+z^2}$ функция $z = \pm i$ полюсга эга ва у Тейлор

қаторига фақат $|z| < 1$ доирада ёйилади. Бу шуни кўрсатадики, унинг ҳосиласи ноль нуқтада факториалга ўхшаш тез ўсади. Бу фактни 1-курс талабаларига тушунтириш учун ҳар иккала ҳақиқий функциянинг уларга маълум бўлган ёйилмасидан фойдаланиб, хатолик ҳисоблаш формуласида юқори тартибли ҳосила иштирок этишини тавсифлаш керак. Бу мисол унинг компьютер ёрдамида аниқ интеграл таърифи, интеграл йиғиндиси лимити кўринишида аниқланиши мураккаблигини

кўрсатади, чунки бу тушунчани тўғридан-тўғри амалда қўллашда жуда кўп кичик сонларни қўшишга тўғри келади, бу эса хатолик манбаидир.

Айтиш жоизки, компьютердан фойдаланиш нафақат у ёки бу феноменни аниқлаш, балки уни очиш имконини ҳам беради.

2-мисол. $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n}$ гармоник қатор йиғиндисини компьютерда ҳисобланганда чексиз

эмас, балки қадайдир сон чиқади, қанча катта бўлса, “машина ноли” шунча кичик бўлади. Муаммоли вазиятни ечиш учун қуйидаги лимитни ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \left(\sum_{k=1}^n \frac{1}{k} - \ln n \right). \quad (2)$$

Бу ҳолат талабаларга ҳақиқатдан ҳам гармоник қатор узоқлашувчилигини кўрсатади, шу билан бирга Эйлер ўзгармаси тушунчасини киритишга ва уни ҳисоблашга имкон беради.

Навбатдаги мисол компьютердан фойдаланиш шундай муаммоли ҳолатларни аниқлаш, муҳокама қилиш ва ечиш имконини берадики, улар анаънавий ўқитишда тез-тез юзага келиб туради, лекин турли йўллар билан бу аспект айланиб ўтилади ёки инobatга олинмайди.

3-мисол. Универсал деб аталувчи $t = \operatorname{tg}\left(\frac{x}{2}\right)$ алмаштириш, қуйидаги интегрални бошқа кўринишга олиб келади:

$$\int \frac{\sin x}{2 + \sin x} dx = x - \frac{4}{\sqrt{3}} \operatorname{arctg} \frac{2 \operatorname{tg}\left(\frac{x}{2}\right) + 1}{\sqrt{3}} + C. \quad (3)$$

Муаммоли ҳолат шундан иборатки, узлуксиз функциядан олинган бу (3) интеграл остидаги функция узлуксиз, лекин ҳосил бўлган ўнг томондаги функция эса $x = \pi k$, $k = \pm 1, \pm 2, \dots$ нуқталарда узилади.

Одатда, бу муаммо ёки умуман тан олинмайди, ёки $t = \operatorname{tg}\left(\frac{x}{2}\right)$ янги ўзгарувчи киритилганда $(-\pi, \pi)$ оралиқ билан чегараланади, шундан кейин натижа олиниши билан бу функциянинг 2π - даврийлиги тўғрисида эслатилади. Агар талабаларга шу интегралнинг қайсидир математик пакет ёрдамида ҳисобланиши таклиф қилинса, компьютер умуман бошқа кўринишдаги натижани беради:

$$\int \frac{\sin x}{2 + \sin x} dx = x \left(1 - \frac{2\sqrt{3}}{3}\right) - \frac{4\sqrt{3}}{3} \operatorname{arctg} \frac{\cos x}{\sin x + \sqrt{3} + 2} + C. \quad (4)$$

Бу ерда (3) ва (4) формулалар орасидаги фарқ юзасидан муҳокамалар учун бой имкониятлар очилади: (3) ва (4) тенгликлар ўнг томонидаги функциялар графикларини С нинг турли қийматлари ва турли оралиқлари учун қуриш, шунингдек, *ихтиёрий ўзгармас*нинг сон ёки функция эканлиги каби муаммоли ҳолатлар шулар жумласидандир.

Шу муносабат билан таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда математик тадқиқотларнинг бир қисми математик пакетлар яратиш фаолиятига трансформация қилинди. Улардан олинган натижалар олий математикадаги натижаларга яқин, лекин улар педагогик қайта ишловни талаб этади. “Инсон-компьютер” ҳамкорлигида “Қандай қилиб ва нима учун компьютер у ёки бу ечимни оляпти?” деган саволни тушунтириш жараёни ҳам бўлиши керак. Бахтга қарши, ҳисоблаш алгоритмлари математик пакетда ёпиқлиги туфайли буни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлавермайди. Шунинг учун ҳам бизга (4) формула қандай алгоритм ёрдамида олингани номаълум.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатмоқдаки, тандемни ўқитишда шундай муаммоли ҳолатларни юзага келтириш керакки, улар талабаларда маълумот ҳақида мавжуд

бўлган тасаввур компьютердан олинган маълумотларга зидлиги туфайли пайдо бўлсин. Психологик адабиётларда бундай номослик ҳолатлари “когнитив диссонанс” тушунчаси билан бирлаштирилади. Талаба билан компьютер ҳамкорлиги туфайли юзага келган когнитив диссонанс талабанинг билиш жараёнини фаоллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Тандемни муаммоли ўқитишда компьютердан фойдаланиш туфайли пайдо бўладиган қўшимча имкониятлар Пойа ва Фройденталларнинг талабаларда математик фикрлашни шакллантиришда “ҳақиқатга ўхшаш муҳокама”ларидан бўлган индукция ва бошқа усулларнинг муҳим аҳамияти ҳақидаги ғоялари билан боғлиқ [3]. Фавқулотда тез кўпайиши туфайли генетик янгиликлар учун бебаҳо экспериментал материаллар манбаи бўлган Дрозофилла пашшаси каби компьютер ҳам инсон миясидан ташқарида, ниҳоятда катта тезликда маълумотларга ишлов бериш имконияти туфайли, талаба ва муҳандис ҳамда тадқиқотчида тўғрилигини исботлаш талаб этилаётган математик ғояларни шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Компьютер ва унинг барча имкониятларидан фойдаланишга мўлжаллаб, индуктив ақлий хулоса чиқара олиш асосини яратиш мақсадида махсус топшириқлар тайёрлаш мураккаб методик муаммо ҳисобланади. Маърузачи ёки дарслик муаллифи томонидан бериладиган уларнинг аниқ ечимлари талабаларда мустақил билиш жараёнини фаоллаштиришда принципиал янги имкониятларни беради ва ижодий шахс шаклланишини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Зими́на О.В.** Печатные и электронные учебные издания в современном высшем образовании: Теория, методика, практика. – М.: Изд-во МЭИ, 2003. – 245 с.
2. **Корнилова Т.В. Тихомиров О.К.** Принятие интеллектуальных решений в диалоге с компьютером. – М.: Изд-во МГУ, 1990. – 191 с.
3. **Фройденталь Г.** Математика как педагогическая задача. – М.: Просвещение, 1982. – 210 с.



ҚУТЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 32-сон Қарори ижроси юзасидан олий таълим муассасаларида юқори малакали педагог кадрларни аниқлаш, уларнинг фаолияти нуфузини янада ошириш, ўқитишнинг инновацион технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларининг касбий рағбатини рағбатлантириш ва маҳоратини ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги Бош илмий-методик марказда 2016 йил 6-9 сентябрь кунлари “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” умумреспублика танлови ўтказилди.

Мазкур танловнинг якуний Республика босқичида 69 та олий таълим муассасаларидан 25 та таълим соҳалари бўйича 316 нафар профессор-ўқитувчилар ўзларининг танлов ишлари тақдимотлари билан қатнашди. Иштирок этган педагог кадрлардан 68 нафари танлов ташкилий қўмитасининг 2016 йил 5 октябрдаги қарорига мувофиқ тегишли таълим соҳалари “Мутахассислик бўйича энг яхши педагог”, “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” ва “Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог” номинациялари бўйича танлов ғолиби деб топилдилар. Жумладан, Бухоро давлат университети Физика-математика факультети илмий ишлар бўйича декан муовини, “Математика” кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди Расулов Тўлқин Ҳусенович ҳам “Математика” таълим соҳасининг “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Расулов Тўлқин Ҳусенович 1976 йил 25 декабрда Бухоро вилояти Олот туманида туғилган. У 1993-1998 йилларда Самарқанд давлат университетидеда инглиз тилида ўқитиладиган махсус гуруҳда таҳсил олган. 1998-2001 йилларда шу университетнинг аспирантурасида, 2006-2009 йилларда эса докторантурасида таҳсил олган. 2005 йилда физика-математика фанлари доктори, профессор С.Н. Лақаев раҳбарлигида “Сони сақланмайдиган чекли сондаги заррачалар системасига мос модель операторнинг спектрал хоссалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Т.Ҳ. Расулов 2010-2011 йилларда Швейцария давлатининг Берн университетидеда «Математика» йўналиши талабаларига «Анализ 1, 2» фанларидан амалий машғулотлар ўтиб келган. 2010 йилдан бошлаб Швейцария математика жамияти ва Математик физика халқаро ассоциацияси аъзосидир. Ҳозирда «Integral Equations and Operator Theory», «Journal of Mathematical Sciences: Advances and Applications», «Journal of Pure and Applied Mathematics: Advances and Applications» каби халқаро журналларда эксперт бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

У 2008 йилдан буён очик деб ҳисобланган ўз-ўзига қўшма бўлмаган чегараланмаган юқори тартибли блок операторли матрицалар учун спектрал муносабатлар ҳақидаги фундаментал теоремани 2014 йилда проф. К. Треттер билан ҳамкорликда исботлаган. Бу натижа хорижлик мутахассислар томонидан блок операторли матрицаларнинг спектрал назарияси ривожига муҳим қадам сифатида эътироф қилинмоқда. Проф. Ҳ.Нейдхардт билан ҳамкорликдаги блок операторли матрицаларнинг янги операторлар синфига ажойиб татбиқлари ҳақидаги илмий мақоласи 2015 йил юқори импакт факторга эга “Journal of Mathematical Physics” журналида чоп қилинди. Т.Ҳ. Расулов айнан шу мақоласи учун 2016 йил Бухоро давлат университетидеда таъсис қилинган “Чет элда чоп қилинган энг яхши мақола” танловининг ғолиби деб топилди. Ҳозирги кунда “Блок операторли матрицаларнинг спектрал таҳлили ва унинг татбиқлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида.

Т.Ҳ. Расуловга илмий ва педагогик фаолиятида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Физика-математика факультети жамоаси



КИМЁ ЗИЁСИДАН МУНАВВАР ҚАЛБ

*Бир тоифа бор-донишманд, доно,
Улар илми элга машъал доимо.
Хаёлингда бўлсин билимлари ҳам,
Улар учун этма ширин сўзни кам.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Инсон яралгандан буён доимо яратувчанлик ишқи билан яшайди. Шу боис ўзига яратганнинг марҳамати билан имконият излаб, ҳикматла яшашга интилади. Умрни оқар дарёга қиёс қиламиз. Оқар дарё эса гоҳо тўлқинланиб, гоҳида сокин, яна бирида шарқираб, бошқасида тинч оқаверади. Умрнинг ҳар лаҳзаю онлари ҳам қайтиб келмас бўлиб мангуга муҳрланаверади. Мангуликка дахлдорлик эса, моҳиятга интилиш йўлида садоқат, муҳаббат ва оқибатга қараб интилишдир. Эзгу ишлари, гўзал фазилятлари, дилтортар суҳбатлари, тўғри маслаҳат ва тавсиялари билан умридан барака топган инсонларга мушоҳада этиб ҳавас қилаверамиз. Ҳа, шунинг учун умрининг мазмунини “бори элга яхшилик” қилиш, элу юртнинг корига яраш, ўзидан яхши ном қолдириш деб билган инсон борки, унинг учун ҳаётининг ҳар лаҳзаси қадрли, ҳар сонияси ҳисобли, ҳар қадами ўйловли, ҳар қаричи ўлчовлидир.

Шариф шаҳар Бухорода илм ва илмпарвар деган сўзларни кўп истеъфода этишади. Негаки фозилу фузалолар, олиму уламоларнинг Бухорода таҳсил олиши шарафдан шараф ҳисобланган. Шу муборак заминда яшаб, азиз тупроққа доимо таъзим қилиб, она заминнинг ҳар бир қаричини муқаддас билган муҳтарам устоз Р.А. Шоймардонов 1940 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Оилавий муҳит, ўрта мактабда олинган таълим олимнинг шаклланиб, эътирофга сазовор бўлишида ижобий таъсир кўрсатган, десак хато қилмаган бўламиз. Зеро, домла Бухоро шаҳридаги 6-ўрта мактабни тамомлаб, Бухоро давлат педагогика институтига қабул қилинган кезларини мароқ билан эслайдилар. Устоз билан бўлган суҳбатларда қалбларига илм сирларини жойлаган Я.И. Паканаев, М.О. Абдуллаев, Ю.М. Фатахов, Х.Х. Гузаиров, Г.Б. Камаева, А.У. Убайдуллаев каби муҳтарам домлаларнинг илмий маъруза-ю амалий кўникмаларни шакллантирувчи сабоқлари кенг ва аҳамиятли бўлганлигини тақрор-тақрор айтишдан ҳеч ҳам чарчамайдилар.

Жамият тараққиётида илм-маърифатнинг ўрни ва қиёси бор. Қиёслардан миқёс пайдо бўлади. Кўпинча бир асар ўқиганингда ёки янги бир илмий янгиликни кўриб нимадир ўрганмоқчи бўлганингда инсоннинг буюк мўъжиза, ноёб хилқатлигига имонинг комил бўлаверади, фикринг янада теранлашиб бораверади. Раҳмат Аҳмедович 1963 йил Бухоро давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатгач, педагогик фаолиятини Бухоро шаҳридаги 6-сон ўрта мактабнинг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси сифатида бошлаган. Ўрта мактабдаги фаолияти давомида ўзининг илмий салоҳияти нималарга қодирлигини синовдан ўтказар ва яна жонажон устозлари сари интиларди. Бу ҳаракатлар учун эса ундан катта сабр - бардош талаб қилинарди. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда Раҳмат Аҳмедовичнинг 1964 йил августдан бошлаб илмий-педагогик фаолияти, асосан, Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) билан боғланди. Р.А. Шоймардонов 1968-1971 йилларда ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти аспирантурасида таҳсил олди. Машҳур алкалоидшунос олим, Меҳнат Қаҳрамони, академик С.Ю. Юнусов ва академик С.И.Искандаров илмий раҳбарликларида 1971 йилда “Алтерамин ва леонтидиннинг тузилиши ва синтези» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Номзодлик

диссертацияси *Termopsis alterniflora* (асқана) ўсимлигининг алкалоидларини тадқиқ қилишга бағишланди. Бу ўсимликнинг ер устки қисми (пояси, барги ва гули)дан гуллаш фазасида 3,35 % алкалоидлар суммаси олинди. Суммадан 10та индивидуал алкалоид ажратилди. Бу алкалоидлардан икkitаси янги алкалоидлар бўлиб, улар алтерамин ва диметамин деб номланди. Янги алкалоидларнинг тузилишини аниқлашда кимёвий усуллар билан бир қаторда тадқиқотнинг физикавий усуллари (УБ-, ИҚ- ва ЯМР-спектроскопия ҳамда масс-спектрометрия)дан унумли фойдаланилди. Алтераминнинг тузилиши эса уни синтез қилиш билан тасдиқланди. Физиологик фаол дори воситаларини олиш мақсадида цитизин алкалоидининг ўнлаб фосфор тутган ҳосилалари синтез қилинди ва уларнинг фармакологияси ўрганилди.

Номзодлик диссертацияси ҳимоя қилингандан сўнг, илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат педагогика институтининг кимё кафедраси лабораторияларида давом эттирилди. Бу илмий-амалий фаолиятга кафедранинг ёш ўқитувчилари ва илмга чанқоқ, иқтидорли талабалари жалб этилди. Москва давлат педагогика университети органик кимё кафедраси мудир, профессор Э.Е. Нифантьев ва Бухоро давлат педагогика институти катта ўқитувчиси Б.Х. Иботов билан ҳамкорликда Ўзбекистон табиий гилмояларини термик ва кимёвий қайта ишлаш усули билан фаол адсорбентлар олинди. Бу адсорбентлардан фойдаланиб, алкалоидлар, углеводлар, аминокислоталар ва турли ионларни юпқа қатламли хроматография усули билан ажратиш методикаси ишлаб чиқилди. Мактаб кимё дарсларида ва кимё тўғаракларида бу тажрибаларни ўтказиш мумкинлиги бўйича тавсиялар берилди. Тадқиқот натижаларига бағишланган мақолалар Москвада нашр қилинадиган “Химия в школе” илмий-методик журналида чоп этилди. Устозга 1976 йилда доцентлик, 1991 йилда эса профессорлик илмий унвони берилди. Бундай илмий даража ва унвонлар, алломалар айтганидай, “ёстиғи тошдан яралган” меҳнаткаш бу инсоннинг ҳаётдан ўрганганларию ўргатганларининг ширин меваларидир. Қарийб ярим асрдан кўпроқ умрини республикамизнинг энг нуфузли олий таълим масканларидан бири бўлган Бухоро давлат университети билан боғлаган муҳтарам устоз минглаб ёшларни кимё илмининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди, таништирибгина қолмай мўъжизакор кимёга ошно қилди.

Кимё қадимул-айёмдан Машрикда ҳам маълум ва машхур фанлардан ҳисобланган. Улуғ аждодларимизнинг илмий фаразига кўра, бу фан тажриба орқали мис, қалай, ҳатто, тупроқни олтинга айлантириш тушунчаси билан алоқадордир. Шунингдек, кимёнинг “ажойиб нарсаси, ноёб, нодир нарсаси, тозаланган, покиза” каби талқинлари ҳам мавжуд. Шундан бўлса керак, “Ҳужжатул-Ислом” имом Ғаззолий Ҳазратлари тасаввуфга доир асарларини “Кимёи саодат” (Покланиш саодати) дея атаганлар.

Филология фанлари доктори, профессор Р.Ж. Воҳидов: “Раҳматжон Шоймардоновнинг улуғлиги шундаки, ўзининг мазмунли умри фаолияти давомида юқоридаги ақидалардан икки таянч нуқтага жиддий эътиборини қаратди ва собитлик ила уларга амал қилди. Ўшалардан бири – кимё ва тажриба; иккинчиси эса кимё ва покизалиқдир”, - дея таъкидлаганлар.

Муборак Ҳадису шарифда ёзилганидек, “илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун ҳам қарз, ҳам фарздир”. Бухорода яшаб, ишлаб, ижод қилиб, нафақат мамлакатимизда, балки, хорижий давлатларда ҳам ўз илмий изланишлари билан халқаро анжуманларда ва симпозиумларда иштирок этиш учун илмий иштиёқ зарурлигини домла чин ихлос билан ҳис қиладилар. Ана шунинг натижаси ўлароқ, Р. Шоймардоновнинг 100 дан зиёд илмий назарий мақолалари Республикамиз ва хорижнинг нуфузли илмий журналларида, 50 дан зиёд тезислари халқаро ва Республика илмий анжуманлари материалларида чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг грифи билан устознинг 10дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр қилинган.

Домла педагогик, олимлик ва раҳбарликни бир нуқтада бирлаштириб, шогирдларга ўрнак бўлган устоздирлар. БухДУдаги фаолиятининг 30 йилдан кўпроғи бевосита раҳбарликка дахлдор. Шунини алоҳида таъкидламоқ лозимки, битта илм

даргоҳида мавжуд бўлган барча раҳбарлик лавозимларида қунт билан ишлаш учун кишида олимлик ва педагогикдан ташқари, оқибат ва садоқатнинг ўзаро йўғрилган яхлит ёмбиси қалбда зухур топгандагина кўзга яққол ташланади. Р.А.Шоймардонов Бухоро давлат педагогика институти кимё кафедраси мудири (1979-1986), институт ўқув ишлари проректори (1986-1992), кимё кафедраси мудири (1992-1994), университет ўқув ишлари бўйича проректор (1994-1996), кимё-биология факультети декани (1996-2002), кимё кафедраси профессори (2002-2005), ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи (2005-2011) лавозимларида самарали фаолият олиб борди. Кимё кафедраси мудири ва кимё-биология факультети декани лавозимларида фаолият кўрсатганларида устознинг саъй-ҳаракатлари билан кафедра ва факультет ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Умумий ва ноорганик кимё, органик кимё, аналитик кимё, физик ва коллоид кимё лабораториялари, маъруза хоналари ташкил қилинди. Лабораториялар Чехияда ишлаб чиқарилган кимёвий столлар, мўрили шкафлар, кимёвий реактивлар сақланадиган металл шкафлар, сув пуркагич насослари, кимёвий реактивлар билан жиҳозланди. Ҳар бир столга сув, табиий газ ва уч фазали ток тортилди. Талабалар Намунавий ўқув дастури талаб қилган кимёвий тажрибаларни, ҳатто, мураккаб синтезларни бажариш имкониятига эга бўлдилар.

Устоз олий ўқув юрти келажаги учун ғоятда аҳамиятли бўлган илмий-педагогик кадрларни кафедрага ишга олиб қолиш ва улар малакасини ошириш, магистратура таълими каби масалаларда илмий-педагогик кадрларнинг билим савияси, илмга чанқоқлик, илмий ҳамда замонавий билимларни пухта эгаллаш каби фазилатларни асосий мезон сифатида белгиладилар. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга бўлган эътиборининг юксак даражада эканлигини кўплаб ҳамкасблари ва қатор шогирдлари (Т.Қ. Қурбонбоева - кимё фанлари номзоди, доцент, айни пайтда нафақада; Э.З. Ҳалимов - психология фанлари номзоди, доцент, Бухоро муҳандислик технология институти қошидаги 1-сон академик лицей директори; Ҳ.Т. Авезов - кимё фанлари номзоди, доцент, Бухоро вилоят педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти табиий ва аниқ фанлар кафедраси мудири; Г.О. Худойназарова - кимё фанлари номзоди, доцент; Н.Р. Воҳидова - кимё фанлари доктори; З.Қ. Қодирова ҳамда С.Ф. Абдурахмонов кимё кафедраси катта ўқитувчилари; З.А. Сулаймонова кимё кафедраси ўқитувчиси; З.Нуруллаев - Бухоро муҳандислик технология институти кимё кафедраси ўқитувчиси; Б.У. Рахматов-Қорақўл 4-сон академик лицей олий тоифали ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси ва бошқалар)нинг бугунги кундаги тинимсиз изланишлари туфайли эришаётган муваффақиятларида, республикамизда кимё фанларининг ривожини учун қўшаётган ҳиссаларида кўриш мумкин.

Профессор Р.А. Шоймардонов Республика олий ўқув юртлари талабалари учун “Органик кимё” фанидан ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Унинг “Органик химия”. Т.: Ўқитувчи, 1979. – 615 б. (Муаллифдошлар: С.И. Искандаров ва А.А. Абдусаматов), “Органик химиядан практикум” – Т.: Ўқитувчи, – 1982. – 334 б. (Муаллифдошлар: С.И. Искандаров, А.А. Абдусаматов, Б. Содиқов), “Органик кимёдан савол, масала ва машқлар”. – Т. Ўқитувчи, 1996, 368 б., Органик кимё. I қисм. – Бухоро: Бухоро давлат университети. – 2005. – 442 б., (муаллифдош: Б.Б. Умаров), Organik kimyo. II qism. – Т.:Yangiyulpoligraf service, – 2008. – 347 б., Organik kimyodan testlar to'plami Б.: Стандарт-полиграф, – 2012. – 448 б., (муаллифдош: С.Ф. Абдурахмонов), Organik kimyo. – Т.:Navro'z, – 2015. – 820 б., (муаллифдошлар: Б.Б. Умаров, М.Я. Эргашов, С.Ф. Абдурахмонов) каби дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари мавжуд. Шунингдек, академик лицейлар учун университет профессор-ўқитувчиларининг ўрта-махсус таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш борасида олиб бораётган ишларига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Янги ахборот технологияларини қўллаш ҳамда янги авлод адабиётларини яратишда олимнинг эътиборли хизматлари бор.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ олий таълимга асос бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими эканлигини назарда тутган устоз фақатгина билим ва

тажрибаларига таяниб қолмасдан доимо изланишда ва фаолиятда. Бунинг далили сифатида олимнинг ҳаммуаллифликда 2013 йилда нашр қилинган “Органик кимё” ўқув қўлланмаси юртимиздаги академик лицейларнинг табиий фанлар йўналишида таҳсил олувчи ўқувчиларга ўқитилмоқда. Бу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда “Истеъдод” жамғармаси томонидан таъсис этилган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти 2014” республика танловида биринчи ўринга муносиб топилиб, I даражали диплом билан тақдирланган. Мазкур ўқув қўлланма академик лицей ўқувчилари учун асосий адабиётлар рўйхатига киритилган. Ҳозирги пайтда дарслик сифатида тўлиқ ишланиб, қайта нашр этилмоқда.

Олим қалами тухфа қилган ўндан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма, илмий рисола ва тавсияномалар ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бера олувчи кимёгар-муаллимларнинг янги-янги авлодларини тарбиялашда беминнат хизмат қилаётир. Ўз даврининг барча алломаларига хос бир нақл борки, буни устознинг илмий фаолиятларини ўрганаётиб айна ҳақиқатга айланганини кўрамиз, “Токи сен ўзингни илмга бағишламас экансан, у ҳам сенга ҳеч нарса бермайди”. Устознинг сермазмун ҳаёт йўллари ва машаққатли илм сўқмоқларида босаётган дадил одимлари илм йўлида атак-чечак қилаётган келажак авлод учун ҳаёт мактабидир.

Эргашов М.Я.

Бухоро давлат университети Кимё кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди

**“BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI” JURNALIDA MAQOLA E'LON
QILISH TALAB VA SHARTLARI**

Hurmatli mualliflar! Mazkur ilmiy jurnalda maqola e'lon qilish uchun Siz shaxsan o'zingiz yoki elektron pochta orqali maqola matnini hamda muallif(lar) haqidagi quyidagi ma'lumotlarni (alohida faylda) jo'natishingiz kerak: muallif(lar)ning ism-sharifi (to'liq), ilmiy darajasi, ish joyi va lavozimi, *e-mail*, aloqa telefoni bo'lishi lozim.

Maqolani rasmiylashtirishga oid talablar

Maqola tahririyatga Arial shrifti 11 o'lchamida, 1 interval oralig'ida, MS Word formatida 2 nusxa (bosma va elektron variant)da yuboriladi. Taqdim etiluvchi maqolalarning **hajmi** 5 betdan kam bo'lmashligi kerak. Shuningdek, maqolada UDK raqami, tayanch so'zlar va annotatsiya (o'zbek, rus, ingliz tilida) berilishi lozim.

Maqolani rasmiylashtirish namunasi

УДК 398(09)894.322 ўзб. - 1(575.1)

**БАДИЙ АДАБИЁТДА ХИЗМАТКОР ОБРАЗИНИНГ ТИМСОЛЛАШТИРИЛИШИ
ХУСУСИДА**

Ўраева Дармон Саидахмедовна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Таянч сўзлар: фольклор, бадий адабиёт, хизматкор образи, бадий тип, хронотоп, тимсол.
Ключевые слова: фольклор, художественная литература, образ раба, художественный тип, хронотоп, символ.

Key words: folklore, literature, the character of a servant, literary type, chronotope, symbol.

Мақолада оғзаки ва ёзма асарларда хизматкор образининг ўрни, бадий вазифасига кўра типлари, “учинчи одам” сифатида тимсоллаштирилиши хусусида фикр юритилган.

В статье рассматриваются особенности раскрытия образа раба в устной и письменной литературе, определена символика художественного типа «третий человек».

The article deals with the role of the character of a servant in oral and written literature, its types according to its literary function and its symbolization as «the third person».

Kirish.

ADABIYOTLAR

1. **Yo'ldoshev M.** Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T.: Fan, 2006. – 76 b.
2. **Fitrat A.** Adabiyot qoidalari. Tanlangan asarlar. V jildlik. – T.: Ma'naviyat, 2006. – IV jild. – B. 11-88.
3. **O'zbek tilining izohli lug'ati.** V jildli /A.Madvaliev tahriri ostida. –T.: O'zME, 2006-2008.
4. **Muxamedov A.** O'zbek kompyuter lingvistikasi: rivojlanish tarixi, bugungi va kelajagi //O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2001. - № 3. – B. 37-41.
5. **Rustamov Sh.** Kuzgi bug'doy begona o'tlari va ularni yo'qotish omillari //Agrar fani: yutuqlari va istiqbollari /SamQXI ilmiy ishlar to'plami. – Samarqand, 2001. – B. 27-30.
6. **Raxmonova N.Sh.** Revmatoid artriti bemorlari davolashda past chastotali ultratovushning samaradorligi //Revmatologiyaning dolzarb muammolari. – T.: TTA, 2004. – B. 26-30.
7. **Küpper H.** Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

Maqolalar, tahrir hay'ati tomonidan ko'rib chiqiladi. Maqolaga salbiy taqriz berilganda, nashr etmaslik to'g'risidagi xulosa beriladi va maqola muallifga qaytarilmaydi. **Maqolada keltirilgan ma'lumotlar uchun muallif javob beradi.**

Materiallar quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: tahririyat12@umail.uz (savollar bo'yicha ham shu manzilga xat yozishingiz yoki **0 (365) 221-30-32** raqamiga murojaat qilishingiz mumkin). Shuningdek, batafsil ma'lumotlarni www.buxdu.uz saytidan olishingiz mumkin.

ПЕРЕЧЕНЬ ТРЕБОВАНИЙ И УСЛОВИЙ ПУБЛИКАЦИИ СТАТЕЙ В ЖУРНАЛЕ “НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА”

Уважаемые авторы! Для того чтобы опубликовать статью(и) в данном журнале, Вам необходимо прислать по электронной почте **текст статьи, сведения об авторе(ах)** (отдельным файлом): ФИО, ученая степень, ученое звание, место работы и должность, *e-mail*, контактный телефон.

Требования к оформлению статьи

Текст статьи представляется в редакцию в двух экземплярах (в печатном и электронном виде) в формате MS Word, шрифт Arial, размер 11 (межстрочный интервал - одинарный). **Объем представляемой статьи** – не менее 5 страниц. Текст статьи должен включать номер УДК, ключевые слова и аннотации (узбекском, русском и английском языках).

Образец оформления статьи

УДК 517.95

О РЕШЕНИИ ОБРАТНЫХ ЗАДАЧ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ СМЕШАННОГО ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА: ОДНОМЕРНЫЙ СЛУЧАЙ

Дурдиев Дурдимурод Каландарович

Профессор кафедры математической физики и анализа БухГУ, д.ф.-м.н.

Меражова Шахло Бердиевна

Старший преподаватель кафедры математической физики и анализа БухГУ

Таянч сўзлар: тенгламалар классификацияси, гиперболик типдаги тенглама, параболик типдаги тенглама, масаланинг қўйилиши, коррект қўйилган масала, тўғри масала, тескари масала.

Ключевые слова: классификация уравнений, уравнения гиперболического типа, уравнения параболического типа, постановка задач, корректно поставленная задача, прямая задача, обратная задача.

Key words: classification of equations, hyperbolic type of equation, parabolic type of equation, state of the problem, correctly stated problem, direct problem, inverse problem.

Ушбу мақолада аралаш парабола-гиперболик типдаги бир ўлчовли модел тенглама учун тўртбурчак соҳада тескари масалаларнинг қўйилиши ва ечилиши кўрсатилган.

В данной работе представлена постановка обратных задач и приводятся решения для модельного уравнения смешанного парабола-гиперболического типа в прямоугольной области в одномерном случае.

In this paper inverse problems for model equation of mixed parabolic – hyperbolic type are considered. The solutions of these problems are obtained for one-dimensional case in a rectangular domain.

Введение

Основная часть

Заключение

ЛИТЕРАТУРА

1. Романов В.Г. Обратные задачи математической физики. – М.: Наука, 1984. – 264 с.
2. Седов Л.И. Механика сплошной среды: В 2-х т. – М.: Наука, 1983. – Т.1. – С. 114-125.
3. Кузнецов Ю.И. Построение информативного базиса в задачах общей циркуляции атмосферы: Дисс. ... канд. физ.-мат. наук. – Новосибирск: ВЦ СО РАН, 1997. – 134 с.
4. Бахвалов Н.С. К оптимизации методов решения краевых задач при наличии пограничного слоя //Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 1969. - № 4 (9). – С. 841-859.
5. Панов В.Ф. Модели частиц в сильной гравитации. – Томск, 1982. – 7 с. – Деп. В ВИНТИ 27.05.82. – № 2641.
6. Пушков Ю.Г. О нормировании качества жидких электратов при их производстве методом реперколяции //Научно-технический прогресс и оптимизация технологических процессов создания лекарственных препаратов: Тез. докл. Всесоюзн. научн. конф. 21-22 мая 1987. – Львов, 1987. – С. 282-283.
7. Küpper H. Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

Тексты статей подлежат оценке редакционной коллегии. В случае отрицательной рецензии направляется мотивированный отказ в публикации. Представленные материалы авторам не возвращаются. **Ответственность за содержание статьи несет автор.**

Материалы принимаются по электронной почте: tahririyat12@umail.uz; с вопросами обращаться по тому же адресу, а также по телефону: **0 (365) 221-30-32 (офис)**. Более подробную информацию можно получить на сайте.

AZIZ MUALLIFLAR VA JURNALIMIZ MUSHTARIYLARI

"BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI" JURNALI - SIZNING DOIMIIY HAMKORINGIZ!

"BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI"

jurnali Buxoro davlat
universiteti Nashriyot
bo'limida sahifalandi.

Tahririyat manzili:

Buxoro, 200117
Buxoro davlat
universiteti, bosh bino,
2-qavat 208-xona.
Nashriyot bo'limi.
Tel: 0 (365) 221-30-32
[http: //www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)
e-mail: tahririyat12@umail.uz

Boshishga ruxsat etildi.
19.12.2016 y. Qog'oz bichimi
60x84, 1/8. Tezkor bosma
usulida bosildi. Shartli bosma
tabog'i – 25,30.
Adadi 90.
Buyurtma № 51
Bahosi kelishilgan narxda.
"ODIL AHMAD" X.K.
bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Buxoro sh.
A. Gijduvoniyo ko'chasi, 5-uy.